Бош кийим номлари асарда салмоқли ўрин эгаллайди. Бош кийим номларини эркакларнинг бош кийимлари номлари ва аёлларнинг бош кийимлари номлари тарзида икки гуруҳга ажратиш лозим. Асарда изоҳланган *бёрк*, *ашуқ*, *сувлуқ* каби лексемалар эркаклар киядиган бош кийим номларидир. Биргина “ошланган қоракўл теридан цилиндр шаклида тикилган бош кийим, телпак [7.417]” маъносини ифодаловчи *бёрк* лексемасининг турли кўринишларини учратамиз. Масалан, *бёрк* (бўрк, қалпоқ, бош кийими [3. 236], *суқарлај бёрк* (узун қалпоқ) [3.326], *қотурма бёрк* (олдида ҳам, орқасида ҳам қайтармаси бўладиган қайтарма қалпоқ) [3. 323] каби. Асарда изоҳланган *сувлуқ* сўзи “намозхон эркаклар бошга ўрайдиган узун, оқ мато – “салла” маъносини ифодалайди: *эр сувлуқ урунди* – эр бошига салла ўради [3.149]. Ҳарбий юришларда, жангларда кийиладиган бош кийимлардан *ашуқ* сўзи қўлланган бўлиб, у “темир қалпоқ, дубулға” маъносини англатади [3.63]: “дубулға-бошни тиг ёки ўқдан (шунингдек, бошқа хил зарбалардан) сақлаш учун темир ёки пўлатдан ишланган бош кийим” [7. 655].

Аёлларнинг бош кийимлари номларига асарда қўлланган қуйидаги лексемаларни киритиш мумкин: *сарағуч* (хотинларнинг бошга ёпинадиган нарсалари, рўмолчалари) [3.321], *бўрўнчўк* – пешонабоғ, хотинлар рўмоли, дакана [3.149; 3.335]: *урағут бўрўнчўк орунди* – хотин пешонабоғ (дакана) ўрайди; *дидим* (никоҳ кечаси келинга кийдириладиган тож (қимматбаҳо тошлар ўрнатилган бош кийими) [3.267]; *дидак* – келин кўчганда, юрганда бегоналардан яшириниш учун ёпинадиган нарса, паранжи [3.274]. Мазкур сўз, яъни *дидак* бошга ёпиниб юриладиган энгли тўнсимон узун ёпинчикни англатади.

Асарда “ёмғирда кийиладиган ёпинчик” маъносини ифодаловчи *кизўк* [3.262] ва “патли бош кийим” маъносини англатувчи *кидўк* [3.262] лексемалари ҳам изоҳланган бўлиб, уларнинг ким томонидан кийилиши кўрсатилмаган. Улар аёл ва эркаклар учун умумий бўлган бош кийим номларидир.

“Девон”да бош кийимлар билан бирга ишлатиладиган ва бош кийим тайёрлаш учун ишлатиладиган маҳсулотлар номлари ҳам келтирилган. Масалан, “ипакдан тўқиладиган, қалпоқ тушиб кетмаслиги учун унга боғланиб, жағ тагидан ўтказилиб қўйиладиган чизимча” маъносидаги *сақалдуруқ* [3. 345] ва “хотинлар бош ёпинчиқларига боғлайдиган ип, боғич” маъносидаги *эңак* [3.108] сўзларини ҳам учратамиз. Шунингдек, қалпоқ тикиш учун ишлатиладиган наMAT ва юнг қўйиб қирқиладиган тахтача *батга* лексемаси билан [3. 284], дўппи ва кулоҳларга ишлатиладиган, тақиладиган юпка ва гирдак олтин кулчалари *кимсән* [3.292] лексемалари орқали ифодаланганини билиб оламиз.

Асарда оёқ кийим номларини англатувчи бир қатор лексемалар ҳам изоҳланган. Масалан, *уғуқ* – махсини аяб, устидан кийиладиган пайтава каби нарса [3.63]; *этўк* сўзи “Девон”нинг бир жойида “этик” [3.64] деб изоҳланган бўлса, бир ўринда “этик, маҳси” деб изоҳланган [3.159]. Ўғузлар хотинлар киядиган этик, махсини аташда *бўқўм этўк*

TILSHUNOSLIK

ифодасидан фойдаланишлари, ўғузлардан бошқалар *мўким*, *мўкин* дейишлари таъкидланади [3.266]. “Қаттиқ хом теридан тикилган, асосан, тоғ аҳолиси киядиган оёқ кийими” маъносидаги чориқ сўзи қадимда *чаруқ* [3.255] ва *izlik* сўзлари орқали ифодаланганини кўрамыз. Асарда *izlik* сўзи “туркий халқларнинг ҳайвон терисидан ясалган чориғи” дея изоҳланади [3.88]. Асарда *самда* сўзи ҳам қўлланган бўлиб, у чигилларда оёққа кийиладиган сандалдир [3. 281].

Оёқ кийим тайёрлашда фойдаланиладиган маҳсулотлар номларига асарда изоҳланган *этўклўк сағри* (маҳсилик саҳтиён тери) [3.119], *чаруқлуқ* (чориққа мўлжалланган чарм) [3.331], *сиззиз* (маҳси тикишда чок орасига қўйиладиган чарм) [3.308] ва *tizildўрўк* (маҳсининг бошига безак учун қадаладиган силлик, ялтироқ чақалар) [3.345] каби лексемаларни киритиш мумкин.

Уст кийим номлари ҳам асарда салмоқли ўрин тутуди. “Девон”да *эшўк* сўзи “уст кийими [3.66] деб изоҳланади. Демак, бу сўз барча уст кийим номлари учун умумий сўздир. “Мўйнали ошланган теридан тикилган узун, иссиқ устки қишлик кийим” маъносини англатувчи *пўстин* сўзи “Девон”да турли лексемалар орқали ифодаланган. Масалан, *кўрк* сўзи “мўйна, пўстин” дея изоҳланган бўлса [3.237], пўстиннинг қайси ҳайвон терисидан қилинганлигига қараб ҳам унинг турли номлари фарқланган. Масалан, оқ сувсар терисидан тайёрланган пўстин *а:з* деб аталиши, бу сўзнинг с билан *а:с* тарзида талаффуз қилиниши ҳам борлиги, *а:з* деб талаффуз қилиниши яхшироқ эканлиги [3.72]; кўзи терисидан қилинган пўстин *ичмāk* деб аталиши [3.87]; самур, олмахон ва бошқа ҳайвонларнинг терисидан қилинган пўстин *ичўк* деб номланиши [3. 64] таъкидланади. Асарда *эмшāн* сўзи ҳам келтирилган бўлиб, унга “пўстин қилинадиган тери” дея изоҳ берилади [3.91].

Асарда “олди очик узун устки миллий кийим, чопон” маъносини англатувчи *тон* (тўн) [3.129], *қафтан* (тўн, устки кийим) [3.291] каби сўзларни ҳам учратамыз. Шунингдек, “Девон”да *кэзўт* сўзи ҳам қўлланган бўлиб, унинг кийиладиган кийим эканлиги, кўпинча бу сўз тўйда келин ва куёв яқинларига ҳурмат юзасидан кийдириладиган тўнга нисбатан айтилиши таъкидланади [3.240]. Пўстин ва тўн қалин ҳамда совуқда кийиладиган кийимлар бўлиб, бундай лексемалар гуруҳига *қарс* (туя ёки кўй юнгидан қилинган кийим) [3.235] ҳамда *чāкрāк қаба* (қуллар киядиган ва жундан тўқилган бир хил кийим) [3.316] кабиларни ҳам киритиш мумкин. Қадимги даврларда эскирган кийимлар учун ҳам алоҳида номлар мавжудлигини асардаги *чубра* лексемаси орқали билиб оламиз (чубра – эски кийим) [3.282]. “Девон”да *парту* (яхтак, бир қаватли устки тўн, партуқ) [3.280]; *артиг* (хотинлар киядиган нимча, кўйлак устидан кийиладиган енгсиз ва ёқасиз калта ва ихчам аёллар кийими) [3.84]; *тāринчāк* (хотинларнинг енги йўқ уст кийими (ўғузча); *отран* (иштон), *ўм* (иштон, лозим, шалвар) [3.46]; *илāрсўк* (иштон боғи) [3.119] каби кийим номлари ва кийим номларига алоқадор сўзлар ҳам изоҳланган. Муаллиф *отран* сўзини яғмо кабиласида эшитганини ёзади.

Ҳ.Назирова ““Девону луғотит турк” асарида кийим-кечаклар тавсифи” номли мақоласида кийимларни фаслбоп кийимлар, аёллар кийимлари, эркаклар кийимлари, маросим кийимлари, касб кийимлари сингари турларга таснифлайди [5. 81].

Асарда “қўлни совуқдан, кир бўлишдан, зарарланишдан сақлаш учун қўлга кийиладиган буюм, қўлқоп” маъноси *āliklik* лексемаси [3.120] орқали ифодаланган. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *дастрўмол* сўзи “ёнда олиб юриладиган кичкина рўмолча” маъносини англатади. Бу сўз ўрнида қадимда *улату* ҳамда *сувлуқ* лексемалари қўллангани маълум бўлади. Бу лексемалар ўзаро маънодош бўлиб, улар асарда қуйидагича изоҳланади: “*улату* – бурун артадиган ипаклик (дастрўмол)”, қўйинда сақланади [3.108]; *сувлуқ*-дастрўмол [3.313].

Асарда кийим номлари билан боғлиқ бир қатор лексемалар ҳам қўлланган, Масалан, *улаг* (ямоқ, тўн ямоғи) [3.99]; *тўгмā* (кўйлак, чопон ва қалпоқлар боғичи; тугмаси) [3.289] каби. Шунингдек, кийимнинг қисмларини ифодаловчи қуйидаги сўзлар ҳам мазкур лексик-семантик гуруҳнинг аъзоларидир: *сиззиз* – кўйлак этагининг икки томонидан ёқасигача бўлган қисми [3.251], *қудургақ* – чопоннинг орқа этаги [3.330], *ёр* – кафтан ёки камзулнинг қўлтик ости қисми [3.50].

TILSHUNOSLIK

“Девону луғотит турк” асарида “кийим устидан белга боғланадиган, одатда, кўндан қилинадиган энли тасма, қайиш” маъносини англатувчи синоним лексемаларни ҳам учратамиз. Асарда *қолан* сўзи “камар” [3.271], *қур* сўзи “қуршовчи, белбоғ, камар” [3.222], *қазйи* сўзи “хайвон терисидан қирқиб ишланган қайиш, камар” [3.247], *қуршағ* “белбоғ” тарзида изоҳланади. Муаллиф *қуршағ* сўзининг “боғ, ўрама” маъноларида ҳам қўлланиши, *эв йқуршағи* деганда юнгдан тўқилган, ўтов устини боғлайдиган жияк, ўтов жияги, арқони тушунилишини мисоллар орқали кўрсатади [3. 308].

“Девон”да кўп учрайдиган сўзлардан бири *tawar* (товар, мол, мато) сўзи бўлиб, у асарнинг 80 ўрнида қўлланган [1.42]. Бу сўз жинс номини ифодаловчи сўз сифатида кийим тикишда қўлланиладиган барча мато (газлама) номларини ҳам ўз ичига олади.

Асарда кийим тикишда қўлланиладиган кўплаб мато номлари ҳам келтирилган бўлиб, Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳига кўра уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. “*Ипак кийимлик*”, “*ипак газлама*” деб изоҳланган лексемалар: *а:з* (баъзан қисқарган ҳолда *аз* ҳам дейдилар 3.71), *ағи*, *барчйн* [3.133; 2.159], *турқу* [3.286], *міндату* [3.324] каби.

2. *Хитой (Чиннинг) нақшли (гулли) ипак газламаси* деб изоҳланган лексемалар: *эшқурәти* [3.115], *јіхансі* [3.322] каби.

3. *Чиннинг ипакли газмолларидан бир хили* деб изоҳланган лексемалар: *зўнўм* [3.320], *тәхчәк* [3.315] каби.

4. Матонинг ранги ва келиб чиқиш манбаси кўрсатилган лексемалар. Бундай лексемалар сирасига *чуз* сўзини киритиш мумкин. У “қизил рангли зар тикилган Чин ипак газмоли” дея изоҳланади [3.222]; *ај* эса тўқ сарик рангдаги бир ипак кийимлик [3.47] экани айтилади.

Маҳмуд Кошғарий баъзан матонинг нимадан тайёрлангани, унинг ранги, қандай кийим тикиш учун мўлжаллангани ҳақида ҳам батафсил маълумотлар беради. Масалан, муаллиф *кәвәк* сўзини изоҳлар экан, унинг пахта ипидан тўқилган узун-узун оқ йўлли юпка кийимлик экани, ундан уст кийимлар қилиниши, кипчоқлар ундан ёмғирда кийиладиган (ёпинчиқ) қилишлари тўғрисидаги кенг маълумотларни тақдим этади [3.263]. Ёки *кәдүклық кизиз* ёмғирда ёпинчиқ қилиш учун тайёрланган наMAT [3.334] экани изоҳланади.

Асарда мато номлари билан боғлиқ синонимик қаторларни ҳам учратамиз. Масалан, *ортўз* сўзи кўп маъноли лексема сифатида “парда; ўртук; масалан: эгар пардаси (ёпиғи); катта одамларнинг қабрлари устига ёпилган ипаклик ва ёпиладиган бошқа ҳар нарса” маъноларида қўлланган [3.87]. Бу лексеманинг “катта одамларнинг қабрлари устига ёпиладиган ипак мато” семемаси *эшүк* сўзи орқали ифодаланган “шоҳлар, беклар ўлганда уларнинг ҳурмати учун қабрлари устига ёпилиб, сўнг фақирларга бўлиб бериладиган ипаклик мато – йиртиш” [3.66] маъноси билан бир хил.

Асарда *бичйи* (улуғларнинг зиёфатига келганларга тақдим қилинувчи шойи газлама) [3.246], *бөз* (бир кучақ бөз – бир кучоқ бўз) [3.256] сингари мато номлари ҳам қўлланган.

Асарда парда номлари ҳам берилган бўлиб, бу гуруҳга қуйидаги лексемаларни киритиш мумкин: *јуғурқан* (парда) [3.154], *кэрим* (гулли парда, гул чойшаб) [3.268], *мундару* (ипак парда) [3.345], *тўлфип* – парда, ипакли газмоллардан тайёрланадиган хотинлар пардаси [3.304], *там кэрими* (зийнат учун деворларга тутилладиган нарса, кирпеч) каби.

“Девон”да кийим тикишда қўлланиладиган ип, ипак номларига ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Масалан, *јин* (ип) [3.156], *басбал* (бир тақим ип) [3.318], *чикін* (ипак) [3.279], *тахту* (йигирилмаган хом ипак) [3.280], *бутар* (барди деган тўқима кийимликка ишлатилладиган ўриш (узунасига қўйилладиган ип) [2.241] каби. Асарда кийимни безаш билан боғлиқ лексемаларни ҳам учратамиз. Масалан, *бурта* – кийимларга чатиладиган гирдак шаклдаги юпка зарлар [3.280], *чикін* – атласни зар куббали қилиб тикиш [3.279].

“Девону луғотит турк” асаридаги кийим-кечак ва мато номларига оид таҳлиллар “кийиниш ҳар бир халқнинг қадим замонлардан буён яшаб келаётган минтақаси, шарт-шароити, турмуш тарзи, удум, урф-одатлари, табиати билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлган” [4.90] лиги ва бу унинг луғат қатламида ўз ифодасини топганини кўрсатади.

TILSHUNOSLIK

АДАБИЁТЛАР

1. Абдулаҳатов Н ва бошқалар. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги лексик бирликлар тадқиқи. – Т.: Янги аср авлоди, 2013.
2. Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Т., 1981.
3. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2016. I жилд.
4. Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Т.: Фан, 1993.
5. Назирова Х. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида кийим-кечаклар тавсифи. // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 2-қисм. – Т., 2005.
6. Рустамий С. “Девону луғоти-т-турк”даги лингвистик атамалар. – Т., 2006.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. I-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006.

UDC: 39(=512.133):811.111'25

SINTAKTIK STILISTIK VOSITALAR VA USULLAR

СИНТАКСИЧЕСКИЕ СТИЛИСТИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ

SYNTACTIC STYLISTIC METHODS AND DEVICES

Kasimova Ra'no Rahmatullayevna
 associate professor of BSU, (PhD),
Axmedova Mohinur Farhodovna
 student of BSU

Annotatsiya. Ushbu maqolada sintaktik stilistik uslublar tahlil qilingan, ularga misollar keltirilgan va stilistik sintaktik qurilmalarni tilning umumiy sintaktik turi sifatida o'rganish mumkinligi ko'rsatib o'tiladi. Norma muayyan tilning rivojlanishining turli xil tarixiy davrlarida fonetik, morfologik, sintaktik, stilistik nutq qoidalarini q o'llash haqida ham s o'z yuritiladi. Shuningdek, inversiya, parallel qurilmalar, takrorlash, ellipsis, gradatsiya va boshqalar tushunchalari muhokama qilinadi.

Tayanch so'zlar: sintaktik va stilistik qurilmalar, gradatsiya, ellipsis, inversiya, parallelizm.

Аннотация. В данной статье анализируются синтаксические стилистические методы, приводятся примеры и показано, что стилистические синтаксические устройства можно изучать как общий синтаксический тип языка. Норма также относится к применению фонетических, морфологических, синтаксических, стилистических правил речи в разные исторические периоды развития конкретного языка. Также обсуждаются понятия инверсии, неделимых структур, параллельных устройств, повторения, эллипса, градации и других.

Ключевые слова: синтаксические и стилистические устройства, градация, эллипсис, инверсия, параллелизм.

Abstract. This article analyses syntactic stylistic methods, gives examples of them and shows that stylistic syntactic devices can be studied as a general syntactic type of language. The norm also applies to the use of phonetic, morphological, syntactic, stylistic rules of speech in different historical periods of development of a particular language. The article include discussions about inversion, indivisible structures, parallel devices, repetition, ellipse, gradation and others.

Key words: syntactic and stylistic devices, gradation, ellipsis, inversion, parallelism.

Specific applications in the construction of speech, means that serve to express emotions which create certain forms of speech are called syntactic stylistic devices. Using these tools, special expressions are created that are radically different from neutral syntactic units. We will consider the relation of this “special” to the simple “neutral” below.

TILSHUNOSLIK

To understand the nature of syntactic stylistic devices, it is necessary to understand the norm of syntactic language. The syntactic stylistic method is considered not a mistake of deviating from existing morphological, syntactic and stylistic rules, but a manifestation of one's own personal judgment. Stylistic syntactic constructions can be studied as a general syntactic type of a language. The norm is the application of phonetic, morphological, syntactic, stylistic rules of speech in different historical periods of development of a particular language.

If any changes in the syntactic structure do not affect the content, the changes can be regarded as a kind of norm, therefore, based on the above considerations, we can draw the following conclusions:

1. The constituent elements define the existing content.
2. The constituent elements have independent meanings, which are called grammatical and structural meanings.
3. Structural meanings can affect lexical and textual meanings [1].

It can be seen from the foregoing that types of speech play an important role in the formation of thinking.

It is well known that the English language has a strict word order: possessive + participle + complement and so on. This change in word order leads to a change in the meaning of the sentence. A student learning English should be aware of the additional message in this sentence:

- Away fly the sentences...
- Affection was what she craved.

In the first sentence, as a result of a change in the order of words appeared a lyrical, romantic feeling. The second sentence creates an additional message to the word "affection" by changing the order of words. In other words, the mood of the person who spoke these words is expressed. Let's compare it with the traditional neutral statement: The sentences fly away. What she craved was affection. The second sentence can be interpreted as follows: the sentence, which is the main character of the work, can be interpreted as follows: the woman, who is the main character of the work, has everything, but she needs "love, affection, attention". If the sentence matches the traditional word order the stylistic expression will disappear. Due to the fact that the main semantic parts of the sentence are at the beginning and end of the sentence, the emphasis is formed.

Speaking of syntax, it is necessary to emphasize the importance of tone in the organization of speech. In writing, authors use linguistic and non-linguistic paralinguistic tools to express the tone of thought.

The means of syntactic stylistic influence are by their very nature close to the features of oral speech. The excitement of the speaker can also be an important factor in the development of sensitivity. In such cases, he omitted parts of the proposal. As a result, an ellipse is used, sometimes the same word is repeated. You can change the order of words in a sentence without changing the main content of the idea expressed by the speaker. Sometimes the tuner lists and describes the causes and consequences of the event for someone using counting and gradation.

Rhetorical interrogative sentences, conflicting words, etc. are often used in oral speech. As a result of changes in the structure of such proposals, additional meaning appears.

Another syntactic stylistic method is polysynthetic. Several compounds are also widely used as visual aids. All this create emphasis, emotionality and sensitivity in oral speech. However, all these means of syntactic influence are generalized, combined, perform a certain function and take the form of a stylistic environment, mainly in the style of prose. Thus, all syntactic tools can be divided into 3 groups:

1. Syntactic stylistic techniques based on the characteristics of the oral form of speech.
2. Syntactic stylistic devices based on the use of unions.
3. Syntactic stylistic techniques based on the interaction of structural values.

The first group includes inversion, indivisible structures, parallel devices, chiasm, repetition, ellipse, counting, gradation, and antithesis [2].

- I. Syntactic stylistic techniques based on the characteristics of the oral form of speech.

TILSHUNOSLIK

Stylistic inversion i.e. sentences that have become a picture for modern English are often not a syntactic stylistic tool, according to the author sometimes you can change the position of words in sentences. As a result, this syntactic device expresses emphasis and takes on a good mood. It is known that the main task of the appeal is to add additional information to the information in the proposal.

The syntax of the artistic style is characterized by a wide range of reverse (subjective) order in word order.

Inversion does not violate the norms of the literary language, is a practical expression of the capabilities of the language and is subject to certain rules for using the language. The stylistic inversion in English is manifested in the following structures:

1. when the placeholder comes at the beginning of the sentence;
2. the identifier arrives after detection;
3. the arrival of horse-riding in front of the owner. If the horse is standing in front of the boat, and both in front of the owner;
4. precedes possessive in a sentence;
5. if the cut comes in front of the owner;
6. addition comes at the beginning of the sentence;
7. in the following compound sentences, stress is formed at the beginning of the next sentence [3].

The following inversions are common in the journalism method: when the reduction comes first in the sentence:

- Says Cambridge University's Martin Rees "Einstein is the only scientist who has become a cult figure..."

- Explains University of Texas Physical John Wheeler... .

Verbs "speak" and "explain" appear at the beginning of the sentence. This is not at all typical of English grammar. Any change in the order of words in a sentence also changes the syntactic relations in it and affects the content of the sentence. However, the following sentences use semantic inversion rather than syntactic inversion:

- When a man wants to kill a tiger, he calls it sport, when a tiger wants to kill a man it is ferocity.

Sometimes changes in syntactic relations affect to the grammatical meaning: "Had I known it?" As a result of the change in the order of words, an interrogative sentence appeared (inversion in grammar).

Inversion types can be found in many poetic works. For example:

- Bliss was it in that dawn to be alive,
But to be young was very heavy [4].

Another type of syntactic change is the appearance of expressive content in a sentence. In modern English, inversion is a logical part of speech.

In some cases, inversion is used to indicate speed, agility, performance.

Separated structures are formed by separating the secondary parts of speech. This separation is indicated by an accent or a comma. From a grammatical point of view, the secondary parts of speech are associated with the main part. Thus, there is a conflict between the structural meaning of the sentence and the general content. Under the influence of these devices, the secondary parts of speech are separated from the main parts in terms of ordinary syntactic relationships.

According to Professor I.R.Galperin such structures combine written and oral forms of speech. Separated structures are close to inversion and destroy permanent connections in the sentence, highlighting individual parts of speech. In such structures, different parts of speech can be separated. For instance:

1. The determinant can be distinguished from the determinant: Val sought the mystical freedom of the green street, reckless and suppressed; The coffee came hot and good - and a whole cake.

TILSHUNOSLIK

2. The case can be divided into: subconsciously, he knew that he looked better than in a regular coat; I could almost say that I was alone, once upon a time. Thus, individual structures become a stylistic tool as a result of a generalization of oral syntax. In other words, the content of one sentence is repeated in another sentence. If one sentence takes the form of a composite sentence, and the second sentence repeats the appearance and construction of the same sentence, then such parallels can be considered complete parallelism:

- Overwhelmed, Frederick could open his mouth but could not speak. And Edna could open her mouth but could not speak [5].

Full concurrency always comes with repetition. Sometimes only part of the sentence is repeated, which is partial parallelism.

- If she wanted anything somebody was always on the spot to supply it or soothe he without supplying it. If she got into trouble somebody always there to get her out of it [6].

Parallelism mostly used for emphasis The functions of parallelism vary depending on its application in functional methods. In the style of artistic speech, parallelism performs an artistic emotional function. It organizes the rhythm of expression and, thanks to its uniformity, helps to clearly distinguish some parts of the expression. Concurrency is especially common in folk songs and epics:

- Work while you work,
Play while you play,
That`s the way
To be happy and gay!

Repetition is a stylistic tool used to express excitement. Emotional speech is characterized by brevity, logic and repetition of certain parts of the expressed thought. The repetition of certain words and whole phrases in spoken language is certain: she cried out loudly: "Where is my child? But where is my child? I want to know where my child is? In this example, repetition does not fulfill any stylistic function and expresses only a certain mental state of the speaker. Repetition is used as a stylistic tool to attract the attention of the reader.

Repetition is divided into the following types in accordance with the structure of other stylistic means:

1. The repetition at the beginning of the verse is called anaphora. For example:

- For want of a nail, the shoe was lost, For want of a shoe, the horse was lost, For want of a horse the rider was lost, For want of the rider, the battle was lost [7].

2. Repetitions at the end of a sentence are called epiphora.

- When I go into a bank I get rattled. The clerks rattle me. The wickets rattle me, the sight of money rattles me everything rattles me.

3. Duplicate units can appear at the beginning and end of a part, forming a unique circle. This repetition is called ring repetition:

- Our hands have met, but not our hearts; Our hands will never meet again. Friends, if we have ever been Friends we cannot now remain: I only know I loved you once, I only know I loved in vain. Our hands have met, but not our hearts; Our hands will never meet again...

4. Another form of repetition is a word that occurs at the end of the first verse and is repeated at the beginning of the second verse:

- To Jan it was as though a curtain had been raised in her mind- a curtain from which she recoiled in horror.

5. System repeats are also available:

- But two minutes later the sun vanished behind flying cloudy continents, a relative darkness descended on the summer afternoon, and rain too descended-descended in such soaking overwhelming quantities that...

6. There is a type of repetition called root repetition. Its essence is that in it the word is repeated exactly, but the additional part in one of them is not repeated:

TILSHUNOSLIK

- The child smiled the smile and laughed the laughter of contentment...; In the usual order of things he should have lost consciousness at this point, but that mercy denied him, and he was forced to endure the unendurable [8].

Again, thanks to its stylistic function, it is close to a pun. In this method, the same word is not repeated, only the root of the word is repeated, so we come across different words that have different meanings.

7. The next type of repetition is a synonym for repetition. The essence of synonymous repetition is that synonymous means are used to express exactly one concept:

- The poetry of earth is never dead, the poetry of earth is ceasing never .

There is no need to use objective synonyms here. Concepts can also be brought together as a result of a figurative comparison of events. In this case, the words have a textual meaning. Double synonyms can also give various forms of synonymous repetition. The synonym repeats, expands, details the main content of the idea in the expression of a single, unique meaning.

Synonymous repetition in the speaker's speech serves to increase and convince the power of speech, to detail it in artistic speech. While speaking about synonymous repetition, it is necessary to mention the problem of pleonasm. In pleonasm, not only the same word or means is repeated, but also the same content, meaning. This seems an exaggeration; it does not add any value to the recognized opinion. Pleonasm is a speech impediment. Pleonasms are synonymous with repetition, which are not based on artistic and aesthetic considerations. However, the phenomenon of pleonasm is practically absent in the language, especially in the Uzbek language.

One of the simple tasks of repetition is to influence sometimes expressing a sequence of actions. This task is performed using rhythm. Another function of repetition is to enhance the meaning of a sentence. Repetition of words is a great power in speech. Anafora often also serves as a link. Repetition is used to express repetition and duration of an action. The background is that sometimes repeating units are different from non-repeating units in a sentence. Phraseological unity is formed from the constant repetition of certain compounds.

Ellipsis is an omission of a portion of speech in literary writing. The term ellipsis refers to an incomplete sentence. The ellipse is based on important aspects of speaking. When the speaker is in a state of intense excitement, some parts of the sentence are skipped spontaneously; however, this does not violate the logical connection, which means that any omission in the sentence is not considered a stylistic method. An ellipse is a common form of colloquial speech, but when used in writing it includes new features. An ellipse as a stylistic method adds an extra function to an expression in addition to merging and generalizing.

When counting is used as a stylistic tool, the sentence uses things, actions and adjectives. Sometimes these things or actions are similar or close to each other, one in a pair of the other. This method is widely used mainly in the artistic style and serves to express speech. In gradation each specific phrase in a sentence becomes stronger and more effective than its predecessor (in terms of efficiency and logic). Such a definition is subjective because we do not have a linguistic definition to compare it. Synonyms are often used in gradations. The reuse of these synonyms helps to discern the effect.

In short, syntactic stylistic devices include inversion, indivisible structures, parallel devices, chiasm, repetition, ellipse, accent, counting, gradation, antithesis, and each of them performs a specific function.

REFERENCES

1. Arnold Bennett. *The five towns*, 1908. 350 p.
2. Bannet Arnold. *The Old Wives' Tale*, 1908. 1171 p.
3. Boboxonova L.T. *English Stylistics Tashkent: O'qituvchi*, 1995. –110 p.
4. William W. *The French Revolution. –Washington, 1807. –496 p.*
5. *The Book of Nursery Rhymes 1925. -165 p.*
6. Jonathan C. *Oxford Advanced Learner's Dictionary. -Oxford University press, 1995. - pp. 106.*
7. *Macmillan English Dictionary (Macmillan Publishers Limited, 2002).*
8. *Academic e-Tutor Longman Advanced American Dictionary (www.PearsonLongman).*

УДК: 440.52

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЎРИН РАВИШЛАРИНИНГ
ДЕЙКТИК МАЪНО ИФОДАЛАШИ**

**ВЫРАЖЕНИЕ ДЕЙСТВЕННОГО ЗНАЧЕНИЯ МЕСТОИМЕНИЙ НАРЕЧИЕ
НА ФРАНЦУЗСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ**

**DEICTIC MEANING OF THE ADVERB OF PLACE IN FRENCH
AND UZBEK LANGUAGES**

Ишанжанова Муносибхон

*АндДУ факультетлараро чет тиллар
ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация. Мақолада макон дейкисларининг синоним, антоним, гипоним муносабатлари, уларнинг семантик, прагматик хусусиятлари олимларнинг фикрлари ва мисоллар орқали ёритилади. Француз ва ўзбек тилида макон равишларининг турлари, макон узоқ/яқинлигини белгилашда уларнинг даража ҳосил қилиши фарқлари таҳлил қилинади. Ўрин равишларининг дейктик хусусиятлари қиёслаб ўрганилиши матнда макон дейктик тушунчани англашда ва контекстдаги номинатив маънони топишда аҳамиятли саналади.

Таянч сўзлар: номинатив белги, ишора белги, макон равишлари, синоним, антоним, гипоним муносабат, локализация ҳолати, зидлик муносабати.

Аннотация. В статье рассматриваются синонимические, антонимические, гипонимические отношения пространственных явлений по их семантическим, прагматическим свойствам через мнения и примеры ученых. Во французском и узбекском языках при определении расстояния/близости пространства анализируются типы пространственных ориентаций, их степень сформированности различий. Сравнительное изучение семантических особенностей наречий места имеет важное значение в понимании семантического понятия пространства в тексте и в поиске номинативного значения в контексте.

Ключевые слова: номинативный знак, указательный знак, пространственные наречия, синонимическая, антонимическая, гипонимическая отношения, состояния локализации, оппозиционное отношение.

Abstract. This article discusses the synonym, antonym, hyponym relations of spatial phenomena and their semantic, pragmatic properties through the opinions and examples of scientists. The types of spatial orientations in the French and Uzbek languages, their differences degree formation are analyzed when determining the distance/proximity of space. The comparative study of the semantic features of place adverbs is significant in the understanding of the semantic concept of space in the text and in finding the nominative meaning in the context.

Key words: nominative sign, sign sign, adverbs of space, synonym, antonym, hyponym relationship, localization status, conflict relationship.

Кириш. Ҳар қандай коммуникатив алоқа макон, замон муносабатлари ва уларни ифодаловчи бирликлар билан амалга оширилади. Макон муносабатлари тилимизда номинатив ва ишора белгилар билан қўлланилади. Француз ва ўзбек тилларида макон дейкислари, асосан, ўрин равишлари билан ифодаланади. Ҳар икки тилда ўрин равишлар ўзига хос семантик, прагматик хусусиятларга эга. Уларнинг бундай хусусиятлари оппозиция ҳолатида кўп олимлар томонидан тадқиқ этилган. Ўрин равишларининг дейктик хусусияти француз ва ўзбек тилларида қиёслаб ўрганилиши матнда макон дейктик тушунчани англашда ва контекстдаги номинатив маънони аниқлаштиришда аҳамиятлидир.

Асосий қисм. Француз тилида “*ici*”, “*là*”, “*là-bas*” равишлари маконга ишора қилиши билан характерланади. Л.Фуле шарҳларида француз тилидаги “*ici*”- *бу ерда*, “*là*”- *у ерда*

ўрин равишлари сўзловчи ва тингловчи муносабатларига кўра узоқлик ва яқинлик тушунчалари фарқланади[7]. Лекин у классик француз тилида бу икки равишнинг зидлик муносабати ўзгариб, маъно жиҳатдан тенг қўлланганлигини айтади. Бу икки равишлар оғзаки нутқда деярли тенг маънода қўлланилади. Ж.Смиз Л.Фуленинг фикрига эътирозини билдиради ва ушбу равишларнинг бундай жиҳатини ёритиш учун етарлича таҳлил қилинмаганлигини айтади[13]. М.Перре эса бу равишларни сўзловчи мавжуд макондан келиб чиқиб, яқин ва узоқни билдирувчи дейктик равишларга бўлади[10].

Ж.Смиз ўз изланишларида бу муаммонинг нозик томонларини очишга ҳаракат қилиб, тилшунослар, грамматика соҳаси олимларининг “*ici*”- *бу ерда*, “*là*”- *у ерда* ўрин равишларини изоҳлашда уларнинг уч жиҳатини эътиборга олганликларини айтиб ўтади[13].

1) “*ici*”-*бу ерда*, “*là*”-*у ерда* дейктик равишларининг оппозицион муносабатидан келиб чиқиб, антоним сифатида қараш: бунда Ф.Бруно, Р.Вагнер, Ж.Пиншон, Ле Бидуа, М.Греввис каби олимлар маконнинг аниқ/ноаниқлиги ва узоқ/яқинлигига кўра оппозицияда туришларини эътироф этадилар[13]. Масалан: *Pierre ici, mais Annie est là. (Пьер шу ерда, лекин Анни у ерда.)* Мисолдан кўринадики, бу икки равиш бир-бирига қарама-қарши маъноларни касб этмоқда.

2) “*ici*”- *бу ерда*, “*là*”- *у ерда* макон равишларига синоним сифатида қараш: Х.Бош “*ici*”- *бу ерда*, “*là*”- *у ерда* дейктик равишлари қадимги француз тилида синоним тарзда қўлланганини аниқлайди[5]. Ф.Бруно “*ici*” - *бу ерда*, “*là*”- *у ерда* равишлари ўртасида зидлик йўқолиб, маъно тенг бўлиб ишлатилганини таъкидлайди[6]. Ле Бидуа “*là*” - *у ерда* ўз асл маъносини тарк этиб “*ici*” - *бу ерда* маъносида қўлланишини айтади. Масалан: “*Je suis là*”. (*мен у ерданман*), спонтан тушунишда *мен бу ерданман* маъносида ҳам тушунилади[9]. Г.Прис бу ҳолатни оғзаки нутққа тегишли бўлиб “*là*”-*у ерда* равиши сўзловчининг яна ҳам маконга яқинлигини билдириш учун “*бу ерда*” маъносида қўлланилишини айтади, лекин “*ici*”- *бу ерда* равиши ўрнини “*là*” *у ерда* равиши эгаллаши узоқ/яқинлик оппозициясига тўсқинлик қилишини таъкидлайди[11]. В. Вартбург ва П.Замсерлар “*ici*” - *бу ерда*, “*là*” - *у ерда* зидлиги бир контекстда қўлланса, уларнинг синоним жиҳатдан даражалаб, иккиси ҳам яқин макон, фақат “*là*”, “*ici*” га нисбатан янада яқинроқ маконга ишора қилишини айтадилар[8]. Лекин бу фикрни П.Роберт танқид қилади. Олим бу равишларни доим оппозиция ҳосил қилишини таъкидлайди[12]. М.Греввис бу ҳолатни нейтрал ҳолат деб атайди, бизнингча, П.Роберт улар фақат умумий тилга тааллуқли эканлигини эътироф этади.

3) “*ici*” - *бу ерда*, “*là*” - *у ерда* ўрин равишларига гипоним сифатида қараш: олимларнинг бу фикри аввалгилардан кенгроқ ёритилган бўлиб, “*ici*” - *бу ерда*, “*là*” - *у ерда* синоним эмас, гипоним муносабатда эканлигига урғу берилади. Шунингдек, В.Вартбург ва П.Замсер равишларни гипоним муносабатда таърифлаганда “*Je suis ici*” (*мен бу ерданман*) аниқ кўрсатилган макон, “*Je suis là*” (*мен бу ерданман*) бу эса фақат шахснинг ўша жойда эканлигини маълум қилиш учун қўлланишини айтадилар[15]. Лекин бунда бу дейктик равишлар жестлар билан ишлатилиб, жойнинг яқинроқ даражасини аниқлаган бўлиши мумкин. Лекин семантик жиҳатдан эса улар зид саналади. Агар олимларимиз қарашларига кўра “*ici*”- *бу ерда*, “*là*” - *у ерда* сўзловчига ва тингловчига яқинлик, яъни ҳар иккиси ҳам яқинлик маъносига эга, синоним деган мантиққа асосланадиган бўлсак, француз тилида мавжуд яна бир узоқликка ишора қилувчи “*là-bas*”- *ана у ерда* бир томонлама маъно касб этиб, фақат узоқликни ифода этувчи дейктик восита саналади. Кўп тилларда узоқлик ва яқинликни ифодаловчи дейктик бирликлар бинар бўлиб ўз эквивалентига эга. Масалан: рус тилида *здесь/там*, инглиз тилида *here/there* каби. Лекин француз тилида Х.Фрей таъкидлаганидек, “*ici*” - *бу ерда*, “*là*” - *у ерда*, “*là-bas*”- *ана у ерда* равишлари уч томонлама оппозиция муносабатидадир[8]. Демак, мисоллардан кўринадики, ўзбек тилида ҳам уч томонлама маконга ишора қилади. Улар матнда мазмун ва ўрнига кўра бир хил эмас, турли хил маконларга ишора қилади. Бунда “*ici*” - *бу ерда*, “*là*” - *у ерда*, “*là-bas*”- *ана у ерда* уч томонлама контрастлигини кўраимиз. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, дейктик маънога эга бўлган ушбу учала равишни учта шахс доирасида мавжуд макон десак бўлади. “*ici*” - *бу ерда* сўзловчи мавжуд макон, “*là*” - *у ерда* сўзловчи мавжуд бўлмаган яқин масофадаги

TILSHUNOSLIK

макон, “*là-bas*”- *ана у ерда* сўзловчи ҳам, тингловчи ҳам мавжуд бўлмаган маконга ишора каби. *Est-ce que il fait froid là-bas?* (У ер совуқми?)бу мисолда кўринадики, сўзловчи ҳам, тингловчи ҳам мавжуд бўлмаган маконга ишора қилинмоқда. Бу дейкисларнинг сўзловчи ва тингловчининг маконга бўлган муносабатига кўра узоқ/яқинлик масофалари қуйидагичадир.

	ICI (Буерда)	LA (У ерда)	LA-BAS (Ўша ерда, ана у ерда)
Сўзловчи	+	-	-
Тингловчи	-	+	-

(+ яқинлик, -узоқликни билдиради)

Дейктик равишларнинг маъно ва вазифаси контекстга боғлиқдир. “*ici*” -бу ерда, “*là*” - у ерда, “*là-bas*”- *ана у ерда* равишларининг референциал маъносини аниқлаш учун матн муҳим саналади. Масалан:

L'hôtelier répondit :

- *Votre honneur, c'est ici.*

- *Qu'il vienne !*

- *Votre honneur, il n'est pas là*[14].

Мисолда “*ici*”- бу ерда яқин масофани кўрсатади. Меҳмонхонада маъносида, “*là*”- у ерда, яъни меҳмонхонада эмас, узоқ ноаниқ макон маъносини ифодаламақда.

Ўзбек тилшунослигида ҳам макон равишлари яқинлик ва узоқлик маъноларига кўра тавсифланади. Лекин француз тилидан фарқли ўзбек тилида ўрин равишлари кўпинча композицион усулда ясашиб, таркибида кўрсатиш олмоши билан келади. Улар бир-биридан семантик жиҳатдан фарқланувчи даража ҳосил қилади. Яъни улар бири бошқасининг ўрнида ишлатилса, гап маъноси ҳам ўзгаришига олиб келади.

Ўзбек тилида *бу ер*, *у ер*, *шу ер*, *ўша ер*, *ана бу ер*, *мана бу ер*, *бу ёқ*, *у ёқ* каби ўрин равишлари кўрсатиш олмошларига сўз қўшилиши натижасида синтактик усулда ҳосил бўлади[1]. Уларнинг маънолари ўз гуруҳи доирасида зидлик оппозицияси муносабатига кўра фарқланади. Ўзбек тилида *бу,у*, *шу,ўша* олмошлари ҳозир/олдин семалари асосида қуйидагича таснифланган. а) яқинда тилга олинган объектларга ишора қилувчи кўрсатиш олмошлари: *бу*, *шу*.

б) олдин тилга олинган, эсланган объектга ишора қилувчи кўрсатиш олмошлари: *у*, *ўша*[2].

Буларни биз юқоридаги таснифдан келиб чиқиб ва сўзловчи макон марказига кўра қуйидагича таснифладик.

а) *бу ер*, *шу ер*, *мана бу ер*, *бу ёқ* равишлари семантик жиҳатдан сўзловчига яқин масофадаги маконни,

б) *у ер*, *ана у ер*, *у ёқ* равишлари сўзловчига узоқ масофадаги маконни,

в) *ўша ер*, *ана ўша ер* равишлари матнда аввал тилга олинган маконни англатади.

Масалан: *Ганижон дарҳол отининг бошини буриб орқага чопди; ўша одам ўтирган жойни тусмол билан топди. Бу ерда ҳеч ким йўқ эди*[3].

- *Кадрлар бўлими-чи?*

- *У ер ҳам очиқ. Собиров ётибди.*

Қодиров нима қилишини билмай, гаражининг калитини сўради.

- *У ер ҳам банд, шофёрингиз “Волга”да ётибди*[3]. Мисоллардаги *бу ер* равиши сўзловчига яқин макон, *у ер* сўзловчига узоқ макон ва *ўша одам ўтирган жой* матннинг аввалги қисмларидаги маконга ишора қилмоқда.

Ўзбек тилида макон масофаларини аниқлашда нафақат сўзловчи, балки тингловчи муносабатлари ҳам аҳамиятлидир. *Бу ер* равиши сўзловчи ва тингловчининг кўриш доирасида жойлашган маконга ишора қилишига кўра, икки хил семантикага эга:

1) ишора қилинаётган макон сўзловчинини ҳам, тингловчинини ҳам ўз ичига олган: *Бу ерда одамлар кўп*. Мисолда кўринадики, сўзловчи ва тингловчи маконда мавжуд;

TILSHUNOSLIK

2) ишора қилинаётган макон сўзловчини ҳам, тингловчини ҳам ўз ичига қамраб олмаган макон[1]. *Ўша ер менга ёқди*. Мисолдан биламизки, сўзловчи ўзи аввал бўлган, ҳозирда мавжуд бўлмаган маконга ишора қилмоқда.

У ёқ, бу ёқ макон равишлари матнда коррелятив жуфтлик ҳосил қилиши хусусияти билан характерланади. Масалан: *Кўча эшигини очиб, у ёқ-бу ёққа қаради – жимжит*. Гузар томонда фақат битта чироқ милтиллар эди[3]. Мисолдаги жумлага кўра, бу икки равиш яқин масофадаги маконга ишора қилмоқда.

Мана бу ер равиши ҳам сўзловчига яқин масофадаги маконга ишора қилади. Бу равиш яқин маконни таъкидлаб кўрсатишга ишора қилиши билан фарқланади. *Шу ер* равиши бу ер равишидан фарқли яна ҳам яқин маконга ишора қилади. Бунда маконнинг сўзловчи ва тингловчига алоқадорлиги 3 хил кўринишда бўлади:

1) *шу ер* сўзловчи ва тингловчини ўз ичига қамраб олган макон: *шу ерда туғилиб ўсдик*.

2) *шу ер* сўзловчи ва тингловчини ўз ичига қамраб олмаган макон: *улар шу ерда яшаган*.

3) *шу ер* сўзловчи ва тингловчининг ўзига жисмонан тегишли бўлган макон: *шу ерим оғрийди*. (сўзловчи жист орқали қорнини кўрсатади)[2].

Узоқ масофадаги маконга ишора қилишда *у ер*, *ўша ер*, *ана бу ер*, *у ёқ*, *ўша ёқ* кабилардан фойдаланилади. *У ер* равиши сўзловчидан анча узоқ бўлган маконга ишора қилади: *У ерлар жуда олис*. *У ер* ва *бу ер* равишлари баъзи жумлаларда оппозиция ҳолатида қўлланилиб, макон масофасининг янада узоқлигини аниқлаштиради. *У ердан бу ерга уч кунлик йўл*. *У ер* матндаги Х макон, *бу ер* муаллиф маконидир. *Ўша ер* равиши *у ер* равишидан узоқроқ масофада бўлган маконга ишора қилади. Бу икки равишни яна бир фарқи *ўша ер* равиши имо-ишора билан қўлланишидир. *Китобни ўша ерга қўйинг*. (кўрсаткич бармоғи билан столга ишора қилиниб) *Ана бу ер* равиши ҳам узоқ масофадаги маконга ишора қилади. Баъзан “хув” сўзи қўшилиб *хув анави ер* тарзида қўлланилиб, маконнинг яна ҳам узоқлигини акс эттиради. Ўзбек тилидаги ўрин равишлари макон кўрсатиш семантик хусусиятига кўра аниқ/ноаниқ макон оппозицион муносабатида фарқланади. 1) сўзловчи ва тингловчи учун аниқ бўлган маконга ишора: *бу ер*, *шу ер*, *мана шу ер*, *ана шу ер*, *ўша ер*, *яқинда*, *ичкарида*, *олдида*, *ёнида*, *хамма жойда*... 2) сўзловчи ва тингловчи учун ноаниқ маконга ишора: *у ер*, *ана у ер*, *ўша ер*, *узоқда*, *ташқарида*, *орқасида*, *ҳеч қаерда* каби равишлари билан ифодаланади.

Ўзбек тилидаги макон равишларининг яна бир хусусияти келишикларни қабул қилиб, турли йўналишларни ҳосил қилишдир. Буни биз жўналиш, ўрин пайт, чиқиш келишиклари билан келишига кўра юқорида А.Н. Чугунскованинг макон мўлжалига кўра локал ва йўналишли дейкислар таснифи мос келишини исботлаймиз[4].

а) сўзловчи макондан узоқлашиши: *бу ердан*..

б) сўзловчи мавжуд макон: *бу ерда*...

с) сўзловчи маконига яқинлашиш: *бу ерга*...


Кўшимчалар ҳам макон йўналишларига таъсир этишидан келиб чиқиб, биз чегара -*гача* кўшимчаси ҳам ўрин равишларининг семантик характеристикасига тааллуқлигини айтмоқчимиз. -*гача* кўшимчаси макон дейктикларига қўшилиб, маконнинг тугаш нуктасини билдиради. *Бу ергача келибди*.

Бу кўрсатиш олмоши -да ўрин пайт келишиги қўшилиши натижасида фонетик ўзгариш асосида “н” товуши орттирилиб, “*бунда*” олмоши *бу ерда* равишига синоним саналса-да, аниқлик/мавҳумлик томондан зидланади. “*Бу ерда*” аниқликни, “*бунда*” мавҳумликни билдиради.

- *дай*, -*дек* кўшимчалари ўзбек тилшунослигидаги муносабати икки хилдир. Айрим олимлар бу кўшимчаларни равиш ясовчи аффикслар сифатида қарашса, бошқа гуруҳ олимлар эса бу кўшимчаларни ўхшатиш шакли ҳосил қилувчи воситалар деб ҳисоблашади.()

- *дай* кўшимчаси ва унинг бошқа турлари билан олмошлардан шакллар ҳосил қилиш хусусияти ҳақида сўз борганда, М.Ҳамроев тадқиқотларида қуйидаги схема кўзга ташланади[2]:

TILSHUNOSLIK



Олим *шундай* олмошининг турли хусусиятларини тадқиқ этган. Дейктик белги ўрин белгисига ишора қилиш характерига тўхталганда, реализатор шу белгини изоҳлаб келади дея изоҳлайди. Масалан: *Шундай ўқ ташиб юридики, у ёққа ер остидан боршига ҳам юригинг дов бермайди(Ойбек)*. Мисолдаги *шундай* ишора белгиси бутун бир содда гапга тенг келишини таъкидлайди. Яъни мисолдаги *шундай* дейктик бирлик: *Ер остидан боршига ҳам юригинг дов бермайдиган жойга ўқ ташиб турди* гапига тенг[2].

Бу ер – шу ер локализация ҳолатида бу ер равиши катта ўлчамдаги маконни, *шу ер* сўзловчига яқин кичик ўлчамдаги маконни намоён қилади. *Ана бу ер – ана шу ер* равишлари *бу ер – шу ер* равишлари билан ўрин алмашса ҳам, семантик маъно ўзгармайди. Улар фақат маконни таъкидлаб, ажратиб кўрсатади, холос. Шу ерда айтиб ўтиш лозимки, француз тилида таъкидлаб кўрсатувчи *ана бу ер, мана шу ер* равишларига айнан мос келувчи равишлар мавжуд эмас.

Хулоса. Француз ва ўзбек тилларида макон дейкислари ўзига хос характерга эга. Бу хусусиятлар қуйидагичадир: 1) француз тилида “*ici*”- *бу ерда*, “*là*”- *у ерда*, “*là-bas*”- *ана у ерда* равишлари уч томонлама контраст ҳолатда семантик муносабатга киришади, 2) ўзбек тилида макон дейкисли предметнинг сўзловчига нисбатан фазовий жойлашишига ишора қилишда уч хил жой: а) яқин жой, б) сўзловчидан биров узоклашган жой, в) анча узок жой кабилар фарқланади[2]. Ўзбек тилида макон равишларининг турлари кўплиги макон узок/яқинлигини белгилашда даража ҳосил қилиши билан француз тили макон равишларидан фарқ қилади. Ўрин равишларининг қўшма гаплар таркибида содда гапга тенг келиши, бундан ташқари уларга келишиқ қўшимчалар қўшилганда йўналиш, макон мўлжали динамик тус олиш характерлари ҳам ўзига хосдир. Ҳозирги кунда ўзбек тилида ўрин равишларининг дейктик маъно хусусиятлари етарлича тадқиқ этилмагани боис тилшуносликда ўз ечимини кутаётган муаммолардан биридир.

АДАБИЁТЛАР

1. Камол Ф. Ҳозирги замон ўзбек тили. – Т., 1957. 370-372-бетлар.
2. Хамроев М.А. Ҳозирги ўзбек тилидаги кўрсатиш олмошларининг функционал-семантик хусусиятлари. – Т., 2009. 13,14, 26, 62, 79-бетлар.
3. Ўткир Хошимов. Анор. – Т., 2017. 9, 31,53-бетлар.
4. Чугункова А.Н. Наречия как средство выражения пространственных отношений в хакасском языке. www.gramota.net/materials/2/2014/4-3/54.html
5. Bauche H. *Le Langage populaire: grammaire, syntaxe et dictionnaire du français tel qu'on le parle dans le peuple de Paris (deuxième édition)*, Paris, Payot. 1928. P.137.
6. Brunot F. *La Pensée et la langue: méthode, principes et plan d'une théorie nouvelle du langage appliquée au français*, Paris, Masson. 1926. P.423.
7. Foulet L. «L'effacement des adverbes de lieu: II — ici, là et leur groupe», *Romania*, 1954. P. 454.
8. Frei H. *La Grammaire des fautes*. Paris, Geuthner. 1929. P. 86.
9. Le Bldois, G. & Le Bidois, R., *Syntaxe du français moderne: ses fondements historiques et psychologiques (deuxième édition, revue et complétée)*, Paris, Picard. 1967. P.732.
10. Perret M. *Le Signe et la mention: adverbes embrayeurs «ci», «ça», «la», «iluec» en moyen français (XIV-xV siècles)*, Genève, Droz. 1988. P.70.
11. Price G. *The French Language Present and Past*, Londres, Edward Arnold. 1971. P.127.
12. Robert P. *Dictionnaire alphabétique et analogique de la langue française (6 tomes & supplément)*, Paris, Société du Nouveau Littré/Le Robert. 1978. P.7.
13. Smith John Charles. *L'évolution sémantique et pragmatique des adverbes déictiques ici, là et là-bas*. https://www.persee.fr/doc/lfr_0023-8368_1995_num_107_1_5304
14. Victor Hugo. *L'homme qui rit*. 1978. P.65. http://www.bibebook.com/files/ebook/libre/V2/hugo_victor_l_homme_who_rit.pdf
15. Wartburg W. Von & Zumthor P. *Précis de syntaxe du français contemporain (troisième édition)*, Berne, Francké. 1973. P. 729, 730

UDK: 81'366.581; 02 (038)

**ANTROPONIMLAR IDIOMATIK BIRLIKLARNING TARKIBIY
KOMPOONENTI SIFATIDA**

**АНТРОПОНИМЫ КАК СОСТАВНОЙ КОМПОНЕНТ
ИДИМАТИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ**

**ANTHROPONYMS AS THE COMPONENT OF THE STRUCTURE
OF IDIOMATICAL UNITS**

Ibraximova Dilshoda To'ayevna

Qashqadaryo vil. XTXQTMOHM

til va adabiyot ta'limi kafedrasida katta o'qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada antroponimlarning idiomalar tarkibida ishtiroki, idioma komponentlaridan biri bo'lgan antroponimlar etimologiyasi, tarkibiy komponentlaridan biri antroponim bo'lgan idiomalarning ifoda obyektlari va ma'nolari hamda ularning gapdagi vazifalari borasida so'z yuritiladi. Ingliz tilidagi ismlar etimologiyasining lisoniy voqelanish usullari va vositalari aniqlanib, tahlil qilindi. Shuningdek, shaxs nomlarining idiomaga aylanish sabablari xususida fikr yuritilgan.

Tayanch so'zlar: antroponim, idioma, etimologiya, turdosh ot, atoqli ot, taqdim etilayotgan obyekt, tarkibiy komponent.

Аннотация. В данной статье речь идёт об участии антропонимов в составе идиоматических единиц, этимология антропонимов, являющихся одним из компонентов в составе идиом, объекты или понятия представляемые идиомами, имеющие в составе антропоним как один из компонентов и их функции в предложении. Методы и средства лингвистического представления этимологии в английских именах были выявлены и проанализированы. Есть также причины, по которым имена людей становятся идиомами.

Ключевые слова: антропоним, idioma, этимология, имя нарицательное, имя собственное, представляемый объект, структурный компонент.

Abstract. In this article it is spoken about the participation of anthroponyms in the structure of idioms, etymology of anthroponyms participating as one of the components of idioms, objects and meanings presented by idioms having an anthroponym as a component in its structure and their function in the sentence. The methods and means of linguistic representation of the etymology of English names were identified and analyzed. There are also reasons why the names of individuals become idioms.

Key words: anthroponym, idiom, etymology, common noun, proper noun, presented object, structural component.

XX asrning ikkinchi yarmi etimologiya fani uchun ancha samarali va muvaffaqiyatli davr bo'lib, u tadqiqotlarning kengayishi, yangi usullar va yangi materiallarga erishish, ko'p sonli etimologik lug'atlarni tayyorlash va nashr ettirish bilan bog'liqdir. Tilning lug'at zaxirasi shakllanishi jarayoni va manbalarni o'rganish, shuningdek, qadimgi davr tillarining lug'aviy tarkibiy qurilishi etimologiya predmetidir. Til so'zlari vaqt o'tishi bilan ma'lum bir tarixiy (ammo mavjud bo'lmagan) modellarga ko'ra o'zgarib boradi, bu esa so'zning asliy nusxasiga soya tashlaydi. Qardosh tillar materiallariga tayangan holda etimolog bu nusxani tiklashi va qay tartibda zamonaviy shakliga erishganligini izohlashi lozim. Tilshunoslikning etimologiya sohasi tadqiqot usullarining murakkabligi bilan ajralib turadi. Etimologiya belgilab berishi kerak bo'lgan so'z (yoki o'zak) qondosh so'zlar (yoki o'zaklar) bilan bog'liq bo'lib, umumiy hosila ildizi bo'lgan o'zak keyingi tarixiy o'zgarishlar qatlamlari olib tashlanishi natijasida aniqlanadi, asl shakli va uning ma'nosi belgilanadi.

O'zbek va ingliz tilidagi shaxs nomlarini o'rganish shuni ko'rsatadiki, ismlar, barcha xalqlarda bo'lgani kabi, dastlab tabiat hodisalari bilan bog'liq holda magik motivlar (mifologik dunyoqarash) asosida tanlangan. Keyinchalik diniy dunyoqarashning yuzaga kelishi diniy

TILSHUNOSLIK

motivatsiya bilan bog'liq ismlar tanlanishiga olib kelgan. Shu bilan bir qatorda ingliz va o'zbek tillaridagi atoqli otlar etimologiyasi kosmonimlar, o'simliklar nomlari, hayvonlar, qushlar, kasb-hunar, joy nomlari, turli rivoyatlar va asar qahramonlari nomlari bilan bir qatorda shaxsning tug'ilish sanasi, oyi, tarixiy voqea-hodisalar, tug'ilgan go'dakning qaysi millat, elat, urug'ga tegishli ekanligini ko'rsatuvchi so'zlar, shaxsning jismoniy holati va ko'rinishi bilan bo'g'liq belgilarga borib taqaladi. Demak, aytish mumkinki, atoqli otlar etimologiyasi asosida ko'p hollarda turdosh otlar va yoki boshqa so'z turkumiga kiruvchi so'zlar yotgan.

Ingliz tili tizimida idiomalar, iboralar, iborali birikmalar, qochirimlar va maqollar mavjud va uning lug'at tarkibi ham iboralar, frazeologik birliklar va idiomalarga boyligi bilan o'ziga xosdir. Bularning bari xalqning ijtimoiy hayoti va turmush tarziga bo'g'liq holda paydo bo'lgan va o'z tub mohiyatida shu xalqqa xos madaniyat, ma'naviyat va qarashlarni mujassam etish bilan birga, bu xususiyarlarni davrdan davrga va eldan elga tashiydi.

Ingliz tilida mavjud idiomalarning tarkibiy komponentlari turli so'z turkumlariga kiruvchi so'zlardan tashkil topgan bo'lib, bu so'zlar guruhi bir idiomatik birlikni hosil qilgan tarzda bir ma'noni anglatuvchi va/yoki bir obyektini ifoda etuvchi vositaga aylanadi.

Masalan: a potato on the couch – tanbal, dangasa (ot).

He is a potato on the couch.

Fernandoning (1996) fikriga ko'ra, tuzilishi jihatidan idiomalar uch guruhga ajratilishi mumkin: sof idiomalar, yarim idiomalar va adabiy idiomalar. Tarkibiy komponentlariga ko'ra ham idiomalar turli guruhlarga bo'linishi mumkin:

1. Yoshga oid so'z-komponentli idiomalar.
2. Hayvonlar nomiga oid so'z-komponentli idiomalar.
3. San'atga oid so'z-komponentli idiomalar.
4. Kiyim-kechakka oid so'z-komponentli idiomalar.
5. Ranglarga oid so'z-komponentli idiomalar.
6. Jinoyatga oid so'z-komponentli idiomalar.
7. O'limga oid so'z-komponentli idiomalar.
8. Istak-xohishga oid so'z-komponentli idiomalar.
9. Xona va uy jihozlariga oid so'z-komponentli idiomalar.
10. Oziq-ovqatga oid so'z-komponentli idiomalar.
11. Aralash so'z-komponentli idiomalar.
12. So'g'liqqa oid so'z-komponentli idiomalar.
13. Tana a'zolariga oid so'z-komponentli idiomalar.
14. Yashash joyga oid so'z-komponentli idiomalar.
15. Tilga oid so'z-komponentli idiomalar.
16. Qonunga oid so'z-komponentli idiomalar.
17. Hayotga oid so'z-komponentli idiomalar.
18. Sevgiga oid so'z-komponentli idiomalar.
19. Ayollar va erkaklarga oid so'z-komponentli idiomalar.
20. Pulga oid so'z-komponentli idiomalar.
21. Musiqaga oid so'z-komponentli idiomalar.
22. Ismlarga oid so'z-komponentli idiomalar.
23. Tabiat va tabiiy hodisalarga oid so'z-komponentli idiomalar.
24. Sonlarga oid so'z-komponentli idiomalar.
25. Qarindoshlik va aloqadorlikka oid so'z-komponentli idiomalar.
26. Din va e'tiqodga oid so'z-komponentli idiomalar.
27. Sportga oid so'z-komponentli idiomalar.
28. Texnologiya va ilm-fanga oid so'z-komponentli idiomalar.
29. Vaqtga oid so'z-komponentli idiomalar.
30. Sayohatga oid so'z-komponentli idiomalar.
31. Urushga oid so'z-komponentli idiomalar.
32. Jinsiy munosabatlarga oid so'z-komponentli idiomalar.

TILSHUNOSLIK

33. Ob-havoga oid soʻz-komponentli idiomalar.

34. Ishga oid soʻz-komponentli idiomalar.

Atoqli otlarning turdosh otga va/yoki ifodalovchi, tasvirlovchi vosita sifatida boshqa soʻz turkumiga koʻchish holatini, asosan, ularning iboralar, idiomalarning tarkibiy komponentiga aylanishi bilan bogʻliq vaziyatlarda kuzatamiz. Masalan:

Benjamin of the family – supraqoʻdi (oilaning erkatoiy kenjasiga nisbatan qoʻllanadi). “Benjamin” sharifi yahudiycha “Benjamin” ismidan olingan boʻlib, adabiy jihatdan “janub oʻgʻli” yoki “oʻng qoʻl oʻgʻil, oʻng tomon oʻgʻil” maʼnolarini anglatadi. Salb yurishlari natijasida bu antroponim Angliyada atoqli ot sifatida isteʼmolga kirgan va keyinchalik sharif oʻrnida qoʻllangan. “Ben” – oʻgʻil, “yamin” – “oʻng tomon, oʻng qoʻl, janub” ildizlariga taqaladi. Benjamin bugungi kun ingliz tilida “Ben” baʼzida esa “Benny, Benji” tarzida qoʻllanuvchi antroponim boʻlib, “Tavrot”da keltirilishicha, u Yoqub paygʻambarning eng kichik, oʻn ikkinchi oʻgʻli boʻlgan. U tugʻilganda, onasi tomonidan “Ben-oni”, yaʼni “nadomatlarim oʻgʻli” yoki “nadomatli oʻgʻlim (son of my sorrow)” deb ism qoʻyilgan va koʻp oʻtmay onasi vafot etgach, otasi tomonidan ismi oʻzgartirilgan. Benjamin antroponimi protestant islohotidan soʻng, Angliyada keng qoʻllanila boshlagan. Bu ismning eng mashhur egalaridan biri amerikalik davlat arbobi, olim va faylasuf Benjamin Franklin (1706 – 1790-yy/)dir.

Benjamin ismining etimologik ildizi turdosh otlardan tashkil topgan va atoqli ot sifatida idiomaning tarkibiy qismi sifatida aynan oilaning kenja farzandini anglatuvchi vositaga aylangan.

Ingliz tilida mavjud boʻlgan shaxs nomlari komponentli idiomalar orasida “Jek” antroponimining komponent sifatidagi ishtiroki ustunlik qiladi.

“*To raise Jack*” idiomasi oʻzbek tiliga “janjal koʻtarmoq” tarzida tarjima qilinadi. Idioma tarkibida feʼl va “*Jek*” antroponimi ishtirok etmoqda. *Jek* antroponimi idiomalarning struktur komponenti sifatida yuzaga qalquvchi boshqa shaxs nomlari ichida oʻz ishtirokining koʻpligi jihatidan ustunlik qiladi. Bunday idiomalar sirasiga quyidagilar misol boʻla oladi:

before you can say Jack Robinson – juda tez;

not know Jack – hech narsani bilmaslik, bexabar boʻlmoq (M.: *Jason claims to have a lot of programming experience, but I’m pretty sure he doesn’t know Jack about databases*);

Jack-of-all-trades – har qanday ishni qilish qoʻlidan keladigan, uddaburon inson (M: *He’s a Jack of all trades – he’ll fix your car and then come in and program your computer*);

Jack the Lad – oʻziga ishongan, boshqalar fikri qiziqirmaydigan, koʻngliga yoqqan narsani qiluvchi, beqaror inson;

Jack – erkak;

Every man Jack – hamma, har bir kishi;

Jack and Gill (Jill) – yigit va qiz (M: *Every Jack has his Jill*);

A good Jack makes a good Jill – Yaxshi kishining ishi ham yaxshi boʻladi;

Jack Blunt – 1. qoʻpol inson; 2. oʻylovsiz odam;

Jack Frost – Ayoq bobo;

Jack Horner – toʻpolonchi bola;

Jack Johnson - 1. katta kalibrli snaryad; 2. ogʻir qurol;

Jack Ketch – jallod;

Jack Presbyterian – pop;

Jack Sprat – pakana, pakana inson;

Cheap Jack – arshinmolchi (koʻchama-koʻcha yurib, turli narsalar sotadigan shaxs);

Jack in office – qogʻozboz, oʻziga bino qoʻygan maʼmur;

Jack out of office – ishsiz, bekorchi odam;

Jack at a pinch – har qanday topshiriqni darhol bajarishga shay inson;

Jack of/on “o”/ both sides – ikki tomonga oʻynaydigan odam;

Union Jack – birlashgan qirollik bayrogʻi;

United Jack – Buyuk Britaniya Birlashgan qirolligi;

The Black Jack – qaroqchilar qora bayrogʻi.

TILSHUNOSLIK

Jek antroponimi etimologiyasiga to‘xtalib o‘tamiz. *Jackin* (ilgari *Jankin*) ismi o‘rta asrlarda qo‘llangan *John* qisqartma antroponimidan kelib chiqqan. O‘rta asrlarda Jack antroponimi juda urf bo‘lgan va jargon so‘zga aylanib, “man”, ya’ni “kishi, erkak, erkak kishi” ma’nolarini anglatuvchi turdosh ot sifatida til birligiga aylangan va yuqorida ko‘rsatib o‘tilgan idiomalarning tarkibiy komponentiga aylangan. Bundan tashqari *Jek* antroponimini bolalar uchun yaratilgan ijod namunalari, jumladan, ertak qahramonlarining ismi va qofiyadosh she’rlarda shaxs nomi sifatida tez-tez uchratish mumkin. “Jek va loviya poyasi”, “Kichik Jek Horner”, “Jek Spret” shular jumlasidandir.

Jack and Jill went up the hill,
Jack fall down, broke his crown.
And Jill came tumbling after.

Bu antroponim egalari sifatida amerikalik taniqli yozuvchi Jek London (1876-1916), taniqli aktyor Jek Nikolson (1937 -), golf o‘yinchisi Jek Niklaus (1940 -) tanilgan bo‘lib, Niklausdan farqli o‘laroq, bu ism qolgan egalari tug‘ilgan vaqtlarida berilmagan. *Jek* ismi 1990-yildan boshlab Buyuk Britaniyada tug‘ilgan go‘daklarga “John” antroponimiga nisbatan ko‘proq berila boshlagan va 1996-2008-yillarda o‘gil farzandlarda berilgan eng ommabop ism hisoblanadi.

Aytib o‘tganimizdek, *Jek* ismining burungi shakllari *Jackin* (ilgari *Jankin*) ismi o‘rta asrlarda qo‘llangan *John* qisqartma antroponimidan kelib chiqqan. Demak, aytish mumkinki, Jek antroponimining etimologiyasi *John* ismining etimologiyasini o‘rganish bilan oydinlashadi.

John, ya’ni o‘zbek tilida *Jon* tarzida talaffuz etiluvchi bu antroponim “Iohannes” ismining lotin tilidan ingliz tilidagi o‘zlashma ko‘rinishi bo‘lib, “Iohannes” ismi yahudiy tilida “Yochanan”, ya’ni “YAHWEH is gracious” ma’nosini anglatadi. “i” (yo) yahudiycha Xudo va “chanan” “to be gracious”, ya’ni etimologik asosi – “Xudo mehribon” tarzidagi talqinga ega. Ism etimologiyasida, demak, bu ismning ildizi aslida yahudiy tiliga borib taqaladi va Olloh zikr etilgani bois, uni diniy motivatsiya bilan bog‘liq, deb hisoblash mumkin.

Ingliz tilidagi *Johanan* yoki *Jehohanan* bo‘lgan bu antroponimning yahudiycha shakli Tavrot kitobida o‘z aksini topadi, biroq bu ism o‘z mashhurligiga Injildagi ikki timsol tufayli erishadi, bulardan biri John Baptist, yahudiy zohidi, Iso payg‘ambarning xabarchisi bo‘lgan. U payg‘ambarning so‘zlari va o‘gitlarini odamlarga yetkazish bilan shug‘ullangan va Herod Antipas tomonidan qatl ettirilgan. Bu antroponim eng avvalida Vizantiya imperiyasining sharqiy xristianlari orasida ommalashgan, biroq u birinchi salb yurishidan keyin sharqiy Yevropada juda keng tarqalgan.

Angliyada *John* antroponimi XIII asrdan XX asrgacha o‘ta ommabop bo‘lgan o‘gil farzandlar nomi sifatida gullab-yashnadi. O‘rta asrlarning so‘nggiga borib, u deyarli barcha ingliz bolalarining har beshinchisining ismi bo‘lgan. AQShda 1923-yilga qadar u o‘gil bolalarning urfga kirgan ismi bo‘ldi. Bu antroponim turli talaffuz ko‘rinishida 21 pop va Vizantiyaning 8 nafar imperatori, shuningdek, Angliya, Fransiya, Shvetsiya, Daniya, Polsha, Portugaliya, Bolgariya, Rossiya va Vengriyadagi davlat arboblari, taniqli va mashhur insonlarning ismi sifatida xizmat qildi. Bu ism egalari sifatida shoir Jon Milton (1608-1674), faylasuf Jon Lok (1632-1704), Amerikaning asoschi otasi va prezidenti Jon Adams (1735-1826), shoir Jon Kits (1795-1821) va XX asrda yashagan mashhurlar: yozuvchi Jon Steynbek (1902-1968), suiqasd tufayli vafot etgan Amerika prezidenti Jon F. Kennedi (1917- 963), musiqachi Jon Lennon (1940-1980)larni keltirib o‘tish mumkin. Ismning shotland tilida shakli *Ian*, irlandchada *Sean*, uelschada *Evan*, rus tilida *Ivan* bo‘lib, ingliz tilida so‘zlashuvchi mamlakatlarda urf bo‘ldi va o‘rta asrlarga kelib *Jack* shaklini oldi.

John antroponimini ham idiomalar komponentiga aylanish holatlarini qayd etish mumkin:

Johne’s disease – katta shoxdor mollar va qo‘ylarga tegadigan sil kasalligi;

John-go-to-bed-at-noon – kunduzi yopiluvchi gullar;

John long the carrier – biror narsani imillab olib keluvchi shaxs;

to stay for John Long the carrier – uzoq kutib qolmoq;

Johnny Raw – yangi kelgan, endigina faoliyatini boshlagan, yangi qo‘shilgan shaxs;

Johnny-jump-up – bahorgi o‘rmon binafshasi;

Johnson’s wood – qizilpoycha yoki dalachoy o‘simligi;

TILSHUNOSLIK

John Thomson's man – xotiniga qaram odam, xotinquli;

John Trot – to'pori, beso'naqay yigit;

John-a-dreams – xayolparast;

John Collins – sodali suv, jin, shakar, limon, sharbat va muzdan tayyorlangan ichimlik;

John Doe and Richard Roe – da'vogar va javobgar;

dear John – ayoli yoki qaylig'i tomonidan ajralish haqida yoki boshqaga turmushga chiqayotganligi borasida ma'lum qilingan, askarga yozilgan xat;

Jane Doe (John Doe) – shaxsi aniqlanmagan yoki kasalxonada yotgan da'vogar yoki o'lik shaxs bo'lib, aynan qonuniy harakat boshlanishida omilga aylangan ayolni anglatuvchi ibora sifatida qo'llanadi. John Doe aynan shu ma'noda erkak jinsiga oid shaxsga nisbatan ham qo'llanadi;

John Q Public (AQSh) – oddiy inson;

Johnny on the spot – doim kerakli ishni qilishga tayyor, hozir-u nozir shaxs;

John Bull – haqiqiy ingliz; inglizlar;

John Henry (amer. slang) – imzo;

Johnny-come-lately – yangi kelgan; qatorga endigina qo'shilgan shaxs;

John Dory – baliqning bir turi.

Shaxs nomlarining idiomaga aylanishi va/yoki idiomalar tarkibiga component sifatida kirishiga ularning xulqiga, xatti-harakatiga oid motivlar bilan bir qatorda tarixiy voqea va hodisalardagi ishtiroki ham sabab bo'lishi mumkin. Masalan, **John Hancock** antroponimi "imzo" ma'nosini anglatib, idiomada turdosh otni ifodalaydi. Jon Hengkok XVIII asrda yashab o'tgan amerikalik davlat arbobi bo'lib, uning Amerika mustaqillikka erishganligi to'g'risidagi deklaratsiyaga qo'ygan imzosi eng katta, ko'zga tashlanarli va taniqli bo'lgan. Shundan boshlab, bu antroponim *imzo* ma'nosida Amerika jargoniga aylangan.

Yuqorida keltirilgan shaxs nomlari – komponentli idiomalarning aksariyati ot so'z turkumiga taalluqli ekanligini ko'ramiz. Shaxs nomlari – komponentli idiomalar his-hayajonni, undovni anglatuvchi gaplar va/yoki holatni, vaziyatni ko'rsatuvchi ibora sifatida talqin etiladi. Masalan:

Home, James! – Qani, ketdik! (avtomobil haydovchisiga qaratilgan buyruq);

in Abraham's bosom – jannatiy rohatda.

Ma'lumki, *Abraham* antroponimining o'zbek tilidagi talaffuz shakli *Ibrohim*.

Quyidagi idiomalarda ham vaziyat va holatlar ifodasini ko'ramiz.

(Between) Buckley's and Nunn – deyarli nol. *Example: Your chances of getting vacation time this summer are between Buckley's and Nunn.*

as old as Adam – juda eski, o'ta qadimiy;

to dine with Duke Humphrey – tushliksiz qolmoq;

happy as Larry – o'ta baxtiyor, juda baxtli;

even – Stephen (Steven) (Even Stevens):

1) bir xil, tepa-teng; 2) adolatli, haqqoniy; 3) hisob-kitobi teng.

Example: Give me 10 dollars and we'll call it even-Stephen. There, I paid you the last two dollars I owe you. Now we're even-Stephen. They are even Stevens.

Shaxs nomlari – komponentli idiomalar kirish va undov so'zlari sifatida nafaqat ijobiy, balki salbiy hissiyotlarni ham ifoda etadi.

His-hayajon, norozilik, iltijo, g'azab, nafrat, sabrsizlik ma'nolarini tashuvchi idiomalar sifatida quyidagilarni keltirib o'tish mumkin:

For the love of Pete! – E, Xudo! (g'ijinishni ifodalaydi);

Great Caesar! – E, Xudo! Oho! (hayratni ifodalaydi);

For Pete's sake – E, Xudo! (g'azab, nafrat, sabrsizlikni ifodalaydi);

Jumping Judas! – Ana qarang-a! (hayrat va lol bo'lib qolish holatini ifodalaydi).

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, maqolada ingliz tilidagi ismlar etimologiyasining lisoniy voqelanish usul va vositalari aniqlanib, tahlil qilindi.

1. Tilning lug'at zaxirasi shakllanishi jarayoni va manbalarni o'rganish, shuningdek, qadimgi davr tillarining lug'aviy tarkibiy qurilishi – etimologiya predmetidir.

TILSHUNOSLIK

2. Ismlar, barcha xalqlarda bo'lganidek, o'zbek va ingliz tilida ham dastlab tabiat hodisalari bilan bog'liq holda magik motivlar (mifologik dunyoqarash) asosida tanlangan, keyinchalik esa diniy dunyoqarashning yuzaga kelishi diniy motivatsiya bilan bog'liq ismlar tanlanishiga olib kelgan.

3. Ingliz va o'zbek tillaridagi atoqli otlar etimologiyasi kosmonimlar, o'simliklar nomlari, hayvonlar, qushlar, kasb-hunar, joy nomlari, turli rivoyatlar va asar qahramonlari nomlari bilan bir qatorda shaxsning tug'ilish sanasi, oyi, tarixiy voqea-hodisalar, tug'ilgan go'dakning qaysi millat, elat, urug'ga tegishli ekanligini ko'rsatuvchi so'zlar, shaxsning jismoniy holati va ko'rinishi bilan bog'liq belgilarga borib taqaladi.

4. Ingliz tilida mavjud idiomalarning tarkibiy komponentlari turli so'z turkumlariga kiruvchi so'zlardan tashkil topgan bo'lib, bu so'zlar guruhi bir idiomatik birlikni hosil qilgan tarzda bir ma'noni anglatuvchi va yoki bir obyektini ifoda etuvchi vositaga aylanadi.

5. Shaxs nomlarining idiomaga aylanishi va/yoki idiomalar tarkibiga komponent sifatida kirishiga ularning xulqiga, xatti-harakatiga oid motivlar bilan bir qatorda tarixiy voqea va hodisalardagi ishtiroki ham sabab bo'lishi mumkin.

ADABIYOTLAR

1. Begmatov E., Uluqov N. *O'zbek onomastikasi (bibliografik ko'rsatkich)*. – T., 2008. – 145 b.
2. Kenjayeva S. *Bag'ishlov ismlarining bir guruhi haqida*. // *O'zbek tili va adabiyoti*. – T., 2011. 2-son. 91-b.
3. Nurmonov A., Yo'ldoshev B. *Tilshunoslik va tabiiy fanlar*. – T.: Sharq, 2001. 72-b.
4. Charles Lucille Hoerr. *Drama in First-naming Ceremonies*. *Journal of American Folklore* 64 (1951): 11-35.
5. Ellis A. and Beechley M. *Emotional Disturbance in Children with Peculiar Given Names*. *Journal of Genetic Psychology* 85 (1954): 337-339.
6. Feldman Harold. *The Problem of Personal Names as a Universal Element in Culture*. *American Imago* 16 (1959): 237-250.
7. Fernando Ch. *Idioms and idiomaticity*. Oxford University Press, 1996.
8. Garwood S. Gary. *First-name Stereotypes as a Factor in Self-concept and School Achievement*. *Journal of Educational Psychology* 68 (1976): 482-487.
9. Hartman A. Arthur, Robert C. Nicolay and Jesse Hurley. *Unique Personal Names as a Social Adjustment Factor*. *Journal of Social Psychology* 75 (1968): 107-110.

УДК: 8:81.364

ЗАМОН ШАКЛЛАРИ МАЪНОЛАРИНИНГ ЎЗARO АЛМАШИНУВИ (НЕМИС ТИЛИ МАТЕРИАЛИ АСОСИДА)

ВЗАИМОЗАМЕНЯЕМОСТЬ ЗНАЧЕНИЙ ВРЕМЕННЫХ ФОРМ ГЛАГОЛА (НА МАТЕРИАЛЕ НЕМЕЦКОГО ЯЗЫКА)

INTERCHANGEABILITY OF MEANINGS OF THE TENSE FORMS OF THE VERB (BASED ON GERMAN LANGUAGE MATERIALS)

Рузиев Яраш Бозорович

преподаватель кафедры немецкого и французского языков БухГУ (PhD)

Аннотация. Мақолада транспозиция ҳолатида замон шакллари парадигматик ҳамда синтагматик маъноларининг алмашинуви, яқинлашуви ва чекиниши асослаб берилган. Унда ҳозирги давр немис тили насрий асарларида замон шаклларида ўзига хос хусусиятлари, турли маънолари, структур-семантик тартиботи, матн ҳосил қилиши имкониятлари, ономасиологик белгиларига эътибор қаратилган. Замон шакллари маъноларининг матнда намоён бўлиши узви таҳлил методига асосланган. Айнан ушбу метод бизга замон микросистемасининг икки аспекти – парадигматика ва синтагматикани фарқлашга имкон беради.

Таянч сўзлар: ўзаро алмашинув, транспозиция, нутқ моменти, замон шакли, парадигматика, синтагматика, перфективлик, семантик имконият, нейтралзация.

Аннотация. В статье обосновываются взаимозаменяемость, приближение и нейтралзация парадигматических и синтагматических значений временных форм глагола в

условиях транспозиции. При этом учитываются специфические особенности временных форм, их значения, структурно-семантическая организация, текстообразующие возможности, ономазиологические признаки в контексте современных прозаических произведений немецкого языка. Анализ значений временных форм глагола в контексте употребления проводится на основе метода компонентного анализа. Именно этот метод даёт нам возможность различать две аспекты микросистемы времени, парадигматики и синтагматики.

Ключевые слова: взаимозаменяемость, транспозиция, момент речи, временная форма, парадигматика, синтагматика, перфективность, семантический потенциал, нейтрализация.

Abstracts. The article substantiates the interchangeability, approximation and neutralization of paradigmatic and syntagmatic meanings of the tense forms of the verb under transposition conditions. This takes into account the specific features of temporary forms, their meanings, structural and semantic organization, text-forming capabilities, onomasiological signs in the context of modern prose works of the German language. The analysis of the meanings of the tense forms of the verb in the context of use is based on the method of component analysis. It is this method that gives us the opportunity to distinguish between two aspects of the microsystem of time, paradigmatics and syntagmatics.

Key words: interchangeability, transposition, moment of speech, tense form, paradigmatic, syntagmatic, perfectiveness, semantic potential, neutralization.

Традиционная грамматика выделяет одно из значений временных форм в качестве основного значения. Часто мнения лингвистов при этом не совпадают. Немалая роль при этом принадлежит контексту.

По мнению В.Шмидта, основное значение немецкого презенса состоит в обозначении непосредственного настоящего [W.Schmidt,1995,с.216-217]. В.Флемиг полагает, что основное значение презенса есть «всевременное значение» (allgemeine Zeit) [W.Flämig,2004,с.87]. С помощью метода проб В.Флемиг пытается доказать, что не временные формы и их значения, а контекст или элементы контекста определяют время действия, что большинство временных форм немецкого языка не в состоянии дать однозначное определение времени, если они употреблены изолированно. Этот языковед отрицает наличие в немецком форм будущего.

Неизбежность субъективной оценки значений временных форм, отрицание системы временных форм объясняется смешением двух аспектов анализа микросистемы времени, принципами анализа. Другими словами, здесь прямая зависимость от того, различаются ли при анализе *парадигматика* и *синтагматика*. Если этот принцип различения не выдерживается, то исследователь остаётся в плену у синтагматики и отрицается вся микросистема времени, как это наблюдается у В.Флемига [W.Flämig,2004,с.7], или парадигматические значения смешиваются с синтагматическим, как это можно наблюдать у Р.Тиероффа [R.Thieroff,2012,с.145].

Традиционно категории грамматического времени уделяется много внимания. Почти во всех исследованиях проводится разграничение парадигматики и синтагматики. В качестве главного метода исследования применяется так называемый метод компонентного анализа [Е.И.Шендельс, 1964]. Эта же тенденция наблюдается в грамматике немецкого языка О.И.Москальской. Автор грамматики считает необходимым и проводит мысль об оппозиции «основное значение»/«частное значение» [О.И.Москальская, 1971, с.89]. И хотя оба подхода могут быть признаны как возможное, мы полагаем, что определение парадигматического значения немецких временных форм прежде всего следует проводить на основе выделения дифференциальных семантических признаков, что ведёт к некоторому виду анализа по семам.

Часто парадигматическое значение интерпретируется как некий семантико-парадигматический потенциал, который можно определить с помощью некоторого набора

TILSHUNOSLIK

дифференциальных семантических признаков (ДСП). Эти ДСП или семантические различительные признаки существуют объективно и свойственным каждой форме рассматриваемой микросистемы.

Число ДСП для временных форм различных языков различно. Сравним русский язык и немецкий. А.В. Бондарко называет для русских временных форм следующие ДСП: предшествование, одновременность и следование относительно момента речи, временную локальность и перфективность [А.В. Бондарко, 1998, с.87-88].

Что касается момента речи, то он уже давно используется для дифференциации временных форм. Семантические признаки предшествование, одновременность и следование являются чисто временными признаками.

Признаки локальность и перфективность, напротив, не являются чисто временными признаками, они имеют темпорально – актуальный характер. Поскольку немецкий язык не имеет грамматической категории вида, то признак локальности не получает ранга ДСП.

В немецком языке действие в любой временной сфере может быть представлено как локализованное, т.е. во всякой временной сфере можно различать локализованные и нелокализованные действия в зависимости от того, совпадает действие по времени с каким-либо определённым моментом, точкой отсчёта или несовпадает.

Постоянное повторяющееся действие обозначается как «нелокализованное», хронологически же оно может относиться к любой временной сфере, прошедшему, настоящему, будущему. Например:

1. Прошедшее

а) нелокализованное действие: “Sie liebte es, auf dem Boden zu sitzen, und ich hatte sie manchmal schon eingeschlafen in irgendeiner Zimmerecke auf dem Boden gefunden, neben sich ein Buch und den Hund.” (E.M. Remarque).

б) локализованное действие: “Aus einer grossen Gesellschaft heraus ging einst ein stiller Gelehrter zu Haus...” (J.W.Goethe)

2. Настоящее

а) нелокализованное действие: «Ein ordentlicher Mensch ist immer melancholisch, wenn es Abend wird» (E.M.Remarque)

б) локализованное действие:

“Gleich, Katrin, gleich. Der Herr Feldwebel zahlt noch (B.Brecht)”.

Семантическому признаку перфективность принадлежит в немецком языке особая роль, он выступает здесь как ДСП. ДСП является минимальным семантическим единством, позволяющим различать в системе по крайней мере два члена. И хотя дальнейшее деление семы возможно, оно не всегда необходимо для анализа. Если дальнейшее деление семы – при этом получают субсемы – не ведёт к новому противопоставлению форм, то этим делением можно пренебречь. Так, у ДСП перфективность можно выделить две субсемы: предшествование и актуальность результата. Однако для оппозиционного анализа временных форм оно излишне, поскольку является нерелевантным.

Признак перфективности свойствен каждому временному ряду, и классическая схема немецких временных форм наглядно отражает идею временной корреляции, имеющей в основе данной признак. Формы плюсквамперфект, перфект и футурум 2 называются «Vollendungsstufen» или «vollzogenes Geschehen» (ср. схему 1).

Схема 1. Präteritum Präsens Futurum 1

Plusquamperfekt Perfekt Futurum 2

Внутренняя логика этой схемы нарушается, как только в основу корреляции временных форм будет положен другой различительный признак, а именно момент речи (ср.схему 2).

Схема 2. Präteritum Präsens Futurum 1

Plusquamperfekt Futurum 2

Perfekt

Относительно момента речи можно выделить три временные формы прошедшего времени, одну временную форму настоящего и две временные формы будущего.

TILSHUNOSLIK

Оба критерия, перфективность и момент речи, важны для анализа по семам, оба критерия необходима объединить в системе ДСП. Поскольку все ДСП связаны с этими двумя критериями, то можно выделить две группы ДСП:

1) ДСП, которые связаны с точкой отсчёта соответствующего временного ряда и

2) ДСП, которые связаны с моментом речи. К последней группе ДСП относятся кроме ДСП предшествование, одновременность и следование, ещё и ДСП «начало»// «конец» действия.

Всякое действие (процесс, деятельность, состояние) может иметь начало и конец, которые совершаются до момента речи, во время момента речи или после момента речи. Временные формы обозначают различным образом начало и конец действия. Анализ значения временных форм относительно выражения ими начала или конца действия выявляет оппозицию временных рядов и тем самым глубокие различия в значении отдельных временных форм. Так, например, во временном ряду «Прошедшее» обе временные формы плюсквамперфект и претерит обнаруживают признаки «начало» и «конец»: Н+, К+. В ряду «Будущее» формы футурума 1 и футурума 2: Н-, и К-.

Своеобразие обнаруживают в этом отношении временные формы настоящего: перфект Н(+/_), К+; презент Н(+/_), К- [Обозначение (+/_) говорит о том, что сема формы не выражает соответствующий признак. Он выражается имплицитно, через контекст].

Таблица 1 представляет собой матрицу, в которой отражено, выявляет или нет временная форма той или иной ДСП, так, что можно определить набор сем для каждой временной формы, который и может служить в качестве парадигматического значения (основного значения - Grundbedeutung) данной временной формы. Например, для перфекта этот набор ДСП составит:

Перф. +, Н(+/_), К+, П+; для презентса: Перф. -, Н(+/_), К-, О+.

В конкретном контексте одни ДСП актуализируются, а другие нейтрализуются, так что может показаться, что темпоральность зависит не от значения временной формы, а от контекста, его элементов. Этой темы, однако, мы не будем касаться в нашей работе. И основные значения и все варианты этих значений, которые встречаются в речи (синтагматика), называются частными значениями или синтагматическими. Сюда относятся все значения, которые возможны в контексте.

Таблица 1

Временной ряд	Временные формы	Соответствующие точке отчёта данного временного ряда дифференциально-семантические признаки (ДСП)	Соответствующие моменту речи ДСП				
			Н	К	П	О	С
Претеритальный	Plusquamperfekt Präteritum	Перф. +	+	+	+	-	-
		-	+	+	+	-	-
Презентальный	Perfekt Präsens	+	+/-	+	+	-	-
		-	+/-	-	-	+	-
Футуральный	Futurum 1 Futurum 2	-	-	-	-	+	
		+	-	-	-	+	

Благодаря анализу по семам в системе можно выделить временные ряды прошедшего, настоящего, будущего. Необходимо указать на резкое отличие рядов прошедшего и будущего от рядов настоящего. Временные формы прошедшего и будущего противопоставлены друг другу внутри ряда привативно лишь по признаку перфективности, в то время как они идентичны в отношении признака «начало действия». Что же касается других ДСП, то здесь повсюду наблюдаются привативные противопоставления.

Анализ по семам в системе определяет место перфекта, о котором давно уже идут споры, в ряду настоящего. Перфект обладает подобно плюсквамперфекту и претериту семой «предшествование». Но в отличие от этих временных форм перфект обнаруживает сему «предшествование» в одном временном ряду вместе с презентом, который часто идентифицируется с моментом речи и выступает в качестве точки отсчёта ряда настоящего. Таким образом, перфект соотносится с моментом речи как с точкой отсчёта своего

TILSHUNOSLIK

временного ряда. Среди прочих временных форм прошедшего времени только перфекту свойственно значение «преднастоящего».

Плюсквамперфект соотносён с моментом речи опосредованно, через претерит, который служит в качестве точки отсчёта в ряду прошедшего. Обе формы плюсквамперфект и претерит, отграничены от момента речи. Это отграничение обусловлено выделением временной сферы настоящего от временной сферы прошедшего. Для времён прошедшего момент речи служит лишь как критерий разграничения парадигматических значений временных форм, для них характерно отсутствие связи с настоящим.

Перфект же, напротив, не отграничен от момента речи. В этом и состоит отличие перфекта от других форм прошедшего времени, которые обладают признаком «предшествование» относительно момента речи.

Употребление временных форм в речи есть их функционирование. Одни временные формы могут функционировать в их основном значении, проявление основного значения наблюдается в минимальном контексте. Минимальный контекст представляет собой высказывание, которое не способно модифицировать значение словоформ. В случае употребления релятивных временных форм (плюсквамперфекта, перфекта и футурума) минимальный контекст может содержать временные ориентиры (точки отсчёта). Это могут быть отдельные слова или даже предложения. Для плюсквамперфекта и перфекта такие элементы временной ориентации чаще всего излишни, а для футурума 2 они, наоборот – чаще всего необходимое условие реализации его семантического потенциала.

ЛИТЕРАТУРА

1. Bondarko A.V. *Funksionalnaja model grammatiki/ (Teoreticheskiye osnovy, itogi I perspektivy) //Jazyk I rechevaja dejatel'nost. – СПб., 1998.-Т.1.- S.17-32.*
2. Flämig W. *Zur Funktion des Verbs. Tempus und Temporalität// Deutsch als Fremdsprache.- Leipzig, 2004.-N4.-S. 4-10.*
3. Moskalskaja O. *Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. – M. Verlag „Hochschule“, 1971.- 384 S.*
4. Shendels E.I. *Mnogoznachnost I sinonimija v grammatike.-M.: Vysšja škola, 1970. -284 s..*
5. Schmidt, Wilhelm. *Grundfragen der deutschen Grammatik. Eine Einführung in die funktional Sprachlehre. - Berlin: Volk und Wissen, 1995. -323 S.*
6. Thieroff, Rolf. *Das finite Verb im Deutschen. Tempus-Modus-Distanz // Studien zur deutschen Grammatik 40.-Tübingen,2012.-N1.-S.54-88.*

УДК: 81.38

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ АНЪАНАВИЙ ВА НУТҚИЙ
СОНЛАРНИНГ СТИЛИСТИК МАҚСАДЛАРИ
СТИЛИСТИЧЕСКИЕ ЦЕЛИ ТРАДИЦИОННЫХ И РАЗГОВОРНЫХ
НОМЕРОВ НА АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ
STYLISTIC GOALS OF TRADITIONAL AND CONVERSATIONAL
NUMBERS IN ENGLISH AND UZBEK**

Юлдашева Феруза Эркиновна

БухДУ инглиз тилишунослиги кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада инглиз ва ўзбек тилларида кўп учрайдиган анъанавий ва нутқий сонларнинг стилистик вазифасига кўра турлича таҳлили мисоллар ёрдамида ёритилган. Муаллиф Шекспир, Марк Твен, Войнич асарларида учрайдиган сонларнинг ўзбек таржимонлари томонидан қанчалик моҳирлик билан таржима қилинганлигига бир қанча кўплаб мисоллар келтирилган. Таҳлиллар жараёнида сонларнинг стилистик маъноларини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Таянч сўзлар: анъанавий сонлар, нутқий сонлар, ўн марталаб, қирқ марта, эмоционал маъно, бадиий восита, стилистик приём, сонли бирикма.

Аннотация. В статье рассматриваются различные стилистические функции традиционных и разговорных чисел на английском и узбекском языках на примерах. Автор

привел многочисленные примеры того, как узбекские переводчики умело переводят числа, фигурирующие в произведениях Шекспира и Марк Твена. Автор пытался показать стилистические значения чисел в анализе.

Ключевые слова: традиционные номера, разговорные номера, десять раз, сорок раз, эмоциональный смысл, художественная среда, стилистические приёмы, количественное словосочетание.

Abstract. In the article different stylistic analysis of English and Uzbek traditional and speech numbers are given with some examples. The author gave several examples for the used numbers in Shakespear's, Mark Twain's works which were translated masterfully by Uzbek translators. In that process of the analysis stylistic meanings of numbers were shown with examples.

Key words: traditional numbers, speech numbers, ten times, forty times, emotional meaning, literary means, stylistic colour, stylistic acception, number combination.

Кириш. Маълумки, тилнинг луғат таркибига кирадиган ҳар бир сўз у ёки бу даражада ўзгарувчандир. У ўзининг предмет-логик маъноси билан бир қаторда ҳар хил контекстларда, ҳар хил стилистик усуллар таркибида мегафоналлашади, абстрактлашади, натижада тез-тез қўшимча маънолар, янги маъно оттенкалари ва ҳатто бутунлай янги маънолар касб этади. Сўзларнинг қўшимча маъноларни ташкил этиши тилнинг луғатидан мустаҳкам ўрин олган ҳолда, шу миллий тил асосий луғат фондини бойитади. Бу қайдани сон категориясига ҳам тўлиқ татбиқ этиш ҳам мумкин. “Ҳозирги замон инглиз тили” китобининг муаллифлари сонни қуйидагича таърифлайди: “Сон абстракт санокни англатадиган ёки предметларнинг хисоб тартибини билдирадиган сўз туркумидир. Аммо нутқда сонлар, кўпроқ абстракт санокни англатмасдан, балки предмет ёки ходисаларнинг миқдор ёки тартиб муносабатларини санокда ифодалайди” [7,45].

Асосий қисм. Бизга маълумки, тилда “анъанавий рақамлар” термини турли хил маъноларда қўлланилади. Бу борада кўплаб олимлар илмий изланишлар олиб боришган. Шулардан бири Ғ.Саломовнинг илмий изланишларида бу борада бир қанча фикрлар баён этилган [8,28]. Аммо тилшунос олимнинг ишларида “анъанавий рақамлар” терминининг илмий асосланган таърифи берилмаган бўлса ҳам, унинг ишлари билан танишиб, шундай хулосага келиш мумкинки, анъанавий рақамлар деганда, у фразеологик иборалар таркибида қўлланилган ҳолда ўзининг аниқ лексик маъноларини йўқотиб, турғун, идиоматик маънолар касб этган баъзи сонларни кўзда тутаяди. Ғ.Саломовнинг фикрича, у ёки бу соннинг фразеологик ибора таркибида қўлланилиши, қайси тилда бўлмасин, тасодифий эмас, балки қонуний ходисадир.

Биз эса ҳар хил стилистик воситалар таркибида доимий қўлланиладиган, ўзига хос коммуникатив ва стилистик функцияларни ифодаловчи сонларни анъанавий сонлар деб аташни мақсадга мувофиқ деб топдик.

“Анъанавий” терминини қўллаш билан биз кўчма маънода қўлланиладиган шундай сонларни кўзда тутамизки, бу сонлар ҳар хил стилистик воситалар таркибида доимий қўлланиш натижасида умумхалқ миллий тилининг бойлигига айланади. Шу жиҳатдан ҳам бизнинг тушунчамиздаги “анъанавий” термини Ғ.Саломов таҳлилидаги “анъанавий” терминидан кескин равишда фарқ қилади.

Ғ. Саломов ўзининг “Мақол ва идиомалар таржимаси” номли китобида анъанавий рақамларга, ўз кўрсатмаларига зид ҳолда, ҳатто, турғун характерга эга бўлмаган сонларни ҳам киритади. У бундай ёзади: “Ўзбек халқ достонларида анъанавий рақамлардан фойдаланишнинг ўзига хос томонлари бор: “Кунтуғмиш бир вақт қараса, Холбека қирқин кизи билан қўшинга чиқиб бораётибди. Бу ёғида тўқсон беш, бу ёғида тўқсон беш-ўн кам икки юз кокили бор, бир ёғини тилла сувиға ботирган, тонг шамолиға қотирган, юзининг жилваси зулфиға уриб, яшин тушгандай бўлиб бораётир” [12,51].

Бу парчадан сонлар комбинацияси Эргаш Жуманбулбул индивидуал ижоди доирасидан четга чиқмаган, яъни ўзбек тилида турғун характер касб этмаган. Бинобарин, у ўзининг ушбу

қўлланишида умумхалқ тили бойлигига ҳам айланмаган. Шунинг учун ҳам бундай бирикмаларни бизнинг тушунчамиздаги “анъанавий сонлар” туркумига киритиб бўлмайди.

Шундай қилиб, анъанавий сонлар деганда, биз ўзининг конкрет-лексик маъноларидан абстраклашиш натижасида узоқлашиб, асосан, тилнинг бадиий воситаси сифатида қўлланиладиган сонларни тушунамиз.

Тил материалларини таҳлил қилиш натижасида шуни айтиш мумкинки, анъанавий сонларнинг стилистик функцияси, асосан, эмоционал муболаға яратишдан иборатдир. Бу ҳодисанинг лингвистик табиати И.Р. Гальпериннинг «Очерки по стилистике английского языка» номли китобида яхши ёритиб берилган [8, 82]. И.Р. Галперин классификациясига биноан стилистик воситалар ва бадиий воситаларнинг эмоционал функциялари икки хил лексик маъно – предмет логик ва эмоционал маъноларнинг ўзаро муносабатга киришлари натижасида пайдо бўлади. Масалан, «She tells you lies, dozen of lies» жумласида «dozens» сонининг предмет-логик маъноси пайдо бўлган эмоционал маъно бир мунча сиқиштирилган ва натижада икки хил маъно ҳам (ҳам предмет-логик, ҳам эмоционал) бир вақтнинг ўзида реаллашадиган бўлиб қолган.

Бу келтирилган функциядан ташқари анъанавий сонлар яна соф коммуникатив функцияни, чунончи, чамани ҳамда «қисқа фурсат» тушунчасини ифодалаш функциясини ҳам бажариб келади.

Анъанавий сонларга инглиз тилида, асосан, «one» сони функциясини бажариб келадиган «а» ноаниқ артикли – “a five”, “a hundred”, “a hundred and fifty”, “a thousand million” сонларини, рус тилида «один», «два», «пять», «пять-шесть», «десять», «дюжина», «десять-пятнадцать», «двадцать», «сорок», «пятьдесят», «сто», «тысяча миллион» сонларини киритишимиз мумкин. Битта анъанавий соннинг ҳар хил контекстларда ҳар хил функцияларни бажариб келиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Масалан, битта анъанавий сон эмоционал муболағанинг ифодаси учун қўлланилиши ва соф коммуникатив функцияни бажариб келиши, яъни у ёки бу маънони чама орқали ёки соф чамани ифодалаб келиши мумкин.

Айни замонда анъанавий соннинг қайси функцияни бажариб келаётганлигини билиш учун контекстга мурожаат қилиш керак. Бошқа ҳар қандай полисемантик сўзлар сингари анъанавий сонлар маъно ва функциялари ҳам фақат контекстда реаллашади.

Анъанавий сонлар, асосан, оғзаки нутқда қўлланилади ва нутққа эмоционаллик, жонлилик бахш этади. Бинобарин, бадиий адабиётда ҳам бу сонлар кўпроқ персонажлар нутқида учрайди.

Бадиий сўз усталари улардан ўз қаҳрамонлари нутқларига ҳар хил стилистик буёқлар беришда, улар нутқларининг эмоционал, ширали, жонли, бадиий бўлишига эришишда фойдаланадилар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар бир тил ўзига хос анъанавий сонларга эга. Масалан, Марк Твеннинг «Том Сойернинг бошидан кечирганлари» романида анъанавий сонларнинг қўлланилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин:

“Forty times I’ve said if you didn’t let that jam alone I’d skin you”. // “Мен сенга агар шу мураббога тегаверсанг, хипчин билан савалайман, деб қирқ марта айтган эдим”. Ўзбек романининг қаҳрамони эса бу ўринда “forty” (“қирқ”) сони ўрнига “юз” сонини қўллаган бўлар эди. Агар Войничнинг “Сўна” романидаги қаҳрамон Монтанелли Артурга:

“I have seen all these places a dozen times”, [8, 23] // “Мен бу ерларни ўн икки марта кўрганман”,- деган.

Агар Шекспир қаҳрамонлари ўз мурожаатларида: «Сизга айтадиган пича гапим бор» маъносида “Brother, a word with you” [6,120] десалар, ўзбек ёзувчилари қаҳрамонлари ушбу ўринда, албатта, “икки оғиз сўзим бор” деган бўлар эдилар. Агар Монтанелли “Сўна”сида ўзининг айни вақтда бошидан кечириётган зўр қалб азобини Сўнага:

“Would you have me tear my heart in two?” [8, 305] // “Нахотки қалбимни иккига бўлишни истайсан?” жумласи орқали баён қилиб, ўз баёнида “two” (икки) сонидан фойдаланган бўлса, рус таржимони бу жумладан ўз тилига ҳеч қандай сон ишлатмасдан:

TILSHUNOSLIK

“Неужели ты хочешь розарвать мое сердце на части?” [4.210] деб таржима қилишни маъқул кўради.

Ўзбек таржимони эса ушбу ўринда “қирқ” сонидан фойдаланган, яъни жумлани “наҳотки қалбимни чилпора (қирқ бўлак) қилишни хоҳлайсан?” [9, 283] шаклда таржима қилиш йўли билан оригинал маъносини ўз тилида усталик билан акс эттирган. Яна шу “Сўна” романда Пино Микелига:

“There are a hundred and things to do” [7, 28] // “Ҳали юз элликта ишимиз бор”,- деган бўлса, ўзбек таржимони ўз таржимасида сондан фойдаланмасдан ҳам адекватликка эришади: “Ҳали ишларимиз ачиб ётибди” [7, 258].

Ёки, аксинча, Шекспирнинг “Отелло” трагедиясида сонсиз қўлланилган инглизча:

“If ever I did dream of such a matter oth”, [6,7] // “Агар бу иш бирор вақт тушимга кирган бўлса,...” сўз бирикмасини ўзбек таржимони “Агар бу ўй етти ухлаб ёдимга тушса” [10,179] тарзида ўзбек тилига сонли бирикма орқали таржима қилиш йўли билан оригиналдаги маъно ва стилистик функцияни айнан акс эттира олади.

Юқорида кўрсатилган бу усуллар таржимачилик амалиётида ўзини тўлиқ оқлаган усуллардир. Чунки бадиий таржиманинг асосий мақсади ўз тилига аслият ҳарфини механик равишда кўчириш эмас, балки аслиятда акс этган маъно ва стилистик функцияни тўғри бера билишдир. Мисоллар сонини кўпайтиравериш мумкин, албатта. Тилнинг бойиб бориш жараёнига чегара қўйиш мумкин бўлмаганлиги сингари, сўзлар, қисман сонлар ёрдамида фикрни эмоционал баён этишга ҳам чегара қўйиш мумкин эмас. Юқорида биз бир хил фикр баён қилиш учун инглиз ва ўзбек тилларида ҳар хил анъанавий сонлар ишлатилиши ҳақида қисқача тўхталиш билан ҳар иккала тилнинг ҳам анъанавий сонлардан фойдаланишда ўзларига хос хусусиятларга эга эканликлари ва уларнинг шу хусусиятлари асосида ривожланиш ва бойишлари ҳақида фикр баён қилишга ҳаракат қилдик. Дарҳақиқат, бизнинг асосий текшириш объектими бўлган инглиз тили ҳам, бошқа тиллар сингари ўзларининг мустақил ички тараққиёт қонунларига эгадир ва асосан, шу қонунлар орқали ривожланади. Бас, шундай экан, инглиз тилидан ўзбек тилига ёки ўзбек тилидан инглиз тилига матнни таржима қилишда ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш кўриш лозим. Шошма-шошарликка йўл қўйиш бу ҳар бир тилнинг ўзига хос нормасини бузиб қўйишга олиб келиши мумкин.

Ушбу келтирилган анъанавий сонлар ўзлари тааллуқли бўлган тилларнинг асосий луғат фондларига сингиб кетган бўлиб, бу тилларнинг маълум стилистик функцияларни бажариб келадиган анъанавий турғун элементларига айланиб қолган. Шуни айтиш керакки, сонларнинг конкрет аниқ миқдорни англатиш функциясидан ҳар хил йўллар билан абстрактлашиши қадим замонлардан бошланган. Уларнинг предмет-логик маънолари ўзгаришининг яна бошқача бир хили шундан иборатки, улар абстрактлашиш натижасида янги предметларни аташ учун ҳам хизмат қилади. Масалан, баъзи ҳайвонлар, ўсимликлар номлари шу асосда пайдо бўлган.

Л.Успенский [10,124] ўзининг “Слово о словах” номли китобида кўрсатишича, қадим вақтларда рус тили эгаси “жуда кўп” деган тушунчани ифодалашга эҳтиёж сезганида, айна нарсанинг қанча эканлигини аниқ ҳисоблай олмаган ёки буни бефойда иш деб билиб, қисқача «қирқта» деб қўя қолган. Шунинг учун то ҳозирги кунларгача кўпоёқлилар жумласига кирадиган бир ҳашарот “қирқоёқ” деб аталади, холбуки, агар санаб қаралса, уларнинг оёқлари ҳеч ҳам қирқта бўлиб чикмайди.

Л. Успенскийнинг кўрсатишича, Ғарбий Европа тилларида ҳам бу ҳашаротнинг исми рақамлар билан боғлиқ бўлса-да, лекин “қирқ” эмас. Масалан, булғорлар, поляклар, чехлар бу ҳашаротни «юз-оёқ» деб аташади. Испанлар ва инглизларда ҳам шундай аталади. Французлар, немислар, руменлар эса уни “мингоёқ” деб аташади.

Шуниси қизиқки, деб кўрсатади китоб муаллифи, биз шарқ томонга ўтишимиз билан бу ҳашаротнинг номидан «минг» рақамининг ўрнини «қирқ» эгаллайди. Чунончи, турклар бу ҳашаротни «қирқоёқ» деб атайдилар. Шу нарса эътиборлики, «қирқ» сонининг «кўп», «жуда кўп» маъноларда ишлатилиши доираси ўзбек тилида яна ҳам кенгрокдир. Ўзбек халқ дostonларида бирор хурсандчилик эвазига халққа ош бермоқчи бўлган машхур бой ёки

TILSHUNOSLIK

шохнинг «қирқ қулоқ қозон» осганлигини, севишганларнинг узок жудолик ёки зўр азоб-укубатларни енгиб, оқибатда қирқ кечаю қирқ кундуз тўй томоша қилиб, уйланиб, мурод-мақсадга етишганликларини, маликанинг атрофида «қирқ қиз»нинг доимо қўл қовуштириб парвона бўлиб юришини, хоннинг зериккан чоғларида «қирқ йигит»и билан кўнгил очиш учун тез-тез овга чиқиб туришини кўп учратамиз.

Аслида дostonларда таърифланган қизларнинг кокиллари қирқта эмас, бирорта тожик, урду ёки ҳинд ном кўйиши мақсадида атиргулнинг япроғини санаб кўрган ҳам эмас, бирорта форс дасторгул косасида йиғиладиган уруғ сонини аниқ билмайди ҳам (бевосита шу соҳада илмий иш олиб бораётган ботаник олим бундан мустасно, албатта). Бирорта урду ёки форснинг рақ касалининг организм бўйлаб нечта кўз ҳосил қилиб тарқалиб кетишига ақли ҳам етмайди: бизнингча, бу масала ҳозиргача тиббиёт фани учун ҳам сир бўлса керак. Қандил чироқлари сонининг аниқ қирқта бўлмасдан, ҳар хил миқдорда бўлиши ҳаммага аён. Бирорта рус кишисининг сабр ўтининг неча йил умр кўришини аниқ билмагандек, бирорта инглиз, рус ёки ўзбек «минг япроқ» япроқларининг сони тўғрисида тассавурга эга эмас. Бу предметлар номлари таркибида қўлланилаётган сонларнинг ҳаммаси «кўп», «жуда кўп» маъноларини англатиб келмоқда.

Бу сонлар бошқа компонентлар билан бириккан ҳолда предметларни аташ учун хизмат қилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам улар фикрга таъсирчанлик, бадиийлик, эмоционаллик бахш этмайди. Шу жиҳатдан ҳам ёзувчи ва шоирлар улардан стилистик мақсадларда фойдаланмайдилар. Бу номларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш таржимондан алоҳида санъат эмас, балки ҳар иккала – ҳам оригинал, ҳам таржима тилларини яхши билишни талаб қилади. Масалан, инглизча «contipede» сўзини таржима қилишда таржимон, аввало, бу сўзнинг нимани англатишини, сўнгра бу нарсанинг асар таржима қилинаётган тилда қандай аталишини яхши билиши керак. Рус таржимони инглизча «milfoil» сўзининг ўз тилида «тысячелистник» эканини, ўзбек таржимони эса шу ўтнинг ўз тилида «минг япроқ» эканини яхши билса кифоя.

Энди шундай сонлар устида тўхталиб ўтамизки, бу сонлар ҳам юқорида санаб ўтилган анъанавий сонлар сингари ҳар хил стилистик воситалар таркибида қўлланилса-да, аммо улардан фарқли ўлароқ, умумхалқ тилининг эмас, балки у ёки бу муаллифнинг индивидуал-бадиий ижоди бойлиги ҳисобланадил. Маълумки, ёзувчилар ўз асарларини умумхалқ тилида ёзадилар ва асарларида шу умумхалқ тили бадиий имкониятларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Улар ўз қахрамонлари нутқини, қолаверса, асар тилини юқори эмоционаллик билан бойитиш учун анъанавий бўлмаган, яъни тилнинг бадиий воситаси сифатида доимий қўлланилмайдиган сонлардан ҳам усталик билан фойдаланадилар ва шу йўл билан ўз қахрамонлари нутқини бадиийлик, юқори эмоционаллик ва ўз асарларини оригиналлик билан бойитадилар. Илмий адабиётда, бундай ҳар хил стилистик воситалар таркибида қўлланилган ҳолда у ёки бу ёзувчининг индивидуал бадиий стили маҳсули ҳисобланадиган ҳодисалар нутқий стилистик воситалар деб номланади. Биз ҳам бу хил у ёки бу муаллифнинг индивидуал-бадиий стилига тааллуқли бўлган сонларни, ҳар хил стилистик ва бадиий воситалар таркибида доимий қўлланиладиган анъанавий сонлардан фарқлаш учун, нутқий сонлар деб атаймиз.

Нутқий сонлар ҳам, анъанавий сонлар сингари кўпроқ қахрамонлар нутқларида учрайди, аммо уларнинг қўлланилиши тил учун норма ҳисобланмайди. Бинобарин, нутқий сонлар тилнинг асосий луғат фондига кирмайди, чунки улар ҳали умумхалқ тили бойлигига айланмаган. Улардан ёзувчилар маълум стилистик мақсадлардагина фойдаланадилар. Муаллифлар томонидан муваффақиятли қўлланилган бу хил сонлар вақт ўтиши билан тилнинг асосий фондидан жой олиши, янги индивидуал қўлланиш доирасига ўтиши ҳам мумкин.

Нутқий стилистик воситаларнинг, қисман, нутқий сонларнинг эмоционал стилистик таъсири эмоционал муболаға яратиш учун қўлланиладиган анъанавий сонларникига қараганда доим юқори.

TILSHUNOSLIK

Нуткий сонлар асосида ётган эмоционаллик бу сонларнинг айна функцияда биринчи марта қўлланилаётганликлари учун ҳеч бир даражада тўлиқ барҳаёт сайқалланмаган.

Тил стилистик воситаларининг пайдо бўлиш жараёни индивидуал-ижодий нуткий стилистик воситаларнинг яратилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Бинобарин, нуткий сонлар анъанавий сонлар қаторини бойитадиган, тўлдирадиган ва мустақкамлайдиган хом материалдир. Агар анъанавий ва нуткий сонларнинг ва ҳар хил контекстларда улар қабул қиладиган қўшимча, эмоционал маъноларнинг ўрганилиши тилшунослик фани учун қизиқарли ва муҳим бўлса, уларнинг бир тилдан иккинчи тилга, қисман, инглиз тилидан ўзбек тилига таржимасини назарий умумлаштириш таржимонларнинг келажақдаги амалий ишлари учун фойдалидир.

Хулоса. Сонларнинг стилистик мақсадларда қўлланилиш масаласи инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам шу пайтгача махсус илмий текшириш объекти бўлмаганлиги учун ҳам мақолада инглиз ва ўзбек тилларида учрайдиган анъанавий ва нуткий сонларнинг стилистик мақсадларда қўлланилишидаги умумий тенденция ва қонуниятларни, сўнгра бу сонлар ўтаб келаётган стилистик функцияларнинг таржимада қайта тикланиш принциплари ва имкониятларини аниқлашга ҳаракат қилдим. Материални таҳлил қилиш кичик микдорий семантикага эга бўлган анъанавий сонлардан бошланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Aznaurova E.S. *Translation theory and Practice*. – Tashkent, 1989. – 304 p.
2. Bobojanova J., Lubechanskaya O. *English-Russian-Uzbek phrasebook*. – Tashkent, 1992.
3. Buranov J., Muminov O.M. *A Practical Course in English Lexicology*. – Tashkent, 1990.
4. Gwardzeladze I.S., Mchedleshvily D.D. *English proverbs and sayings*. – Moscow, 1971.
5. Ilish B.A. *The Structure of Modern English*. – M-L., 1965.
6. Бреус Е.В. *Теория и практика перевода с английского на русский*. – М., 2003.
7. Жигадло В.И., Иванова И.Н., Иофик Л.Л. *Современный английский язык*. – М., 1956. Стр. 45.
8. Саямов Г. *Лексико фразеологические вопросы художественного перевода. Автореф. канд. Диссер.* – Т., 1964. Стр. 28.
9. Саломов Ф. *Таржима назарияси асослари*. – Т., 1983.
10. Успенский. *Слово о словах*. Стр. 124.
11. Шарипов Ж. *Бадий таржималар ва моҳир таржимонлар*. – Т., 1977.
12. Эргаши Жуманбулбул ўгли. *Кунтузмиш. 12-бет, Саломовнинг “Мақол ва идиомалар таржимаси” номли китобидан олинди, 51-бет.*

UDC: 101/715/ (410.1)

INGLIZ TILIDA TERMINOLOGIK LUG‘ATNING TARIXIY
ISTIQBOLI VA SHAKLLANISHI

ФОРМИРОВАНИЕ ТЕРМИНОЛОГИИ В ИСТОРИИ ЛЕКСИКИ
АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА

THE FORMATION AND HISTORICAL PERSPECTIVE OF TERMINOLOGICAL
VOCABULARY IN ENGLISH LANGUAGE

Ostonova Sanam Nematovna
teacher of the english department
Bukhara State Medical Institute

Annotatsiya. *Maqola ingliz tilining dastlabki shakllanish davri nuqtayi nazaridan maxsus terminologik lug‘atni shakllantirish xususiyatlariga bag‘ishlangan. Muallif muammoga o‘zining asl nuqtayi nazarini ilgari suradi va o‘z pozitsiyasi foydasiga ilmiy asoslangan dalillarni ilgari surishga harakat qiladi. Ilmiy lug‘at terminologik jihatdan kuzatilib, aniqlanadi va daraja egallaydi hamda o‘z o‘rniga ega bo‘ladi.*

Tayanch so‘zlar: *terminologiya, tarixiy nuqtayi nazar, shakllanish, rivojlanish, bilish, aks ettirish, mavhumlashtirish, evolyutsiya.*

Аннотация. *Статья посвящена особенностям формирования специальной терминологической лексики английского языка с точки зрения его начального периода*

становления. Автор выдвигает свою оригинальную точку зрения на проблему и пытается выдвинуть научно обоснованные аргументы в пользу своей позиции. Язык науки, определяются терминологически и поднимаются до уровня.

Ключевые слова: терминология, историческая перспектива, формирование, развитие, познание, рефлексия, абстракция, эволюция.

Abstract. The article is about peculiarities of forming special terminological lexicon of the English language from the point of view of its starting period of formation. The author puts forward his own original viewpoint on the problem and tries to suggest scientifically grounded arguments in favor of his position. Scientific vocabulary is observed terminologically, defined and takes its place.

Key words: terminology, historical perspective, formation, development, cognition, reflection, abstraction, evolution.

Introduction. The formation of scientific (in the broadest sense of the word) vocabulary in England during the formation of the national language (15th century) was characterized by two factors. The first is the impact of national specifics of socio-economic and cultural development. The second is a reflection of the main trends in general language evolution. Such lexical units reflected various levels of abstraction in thinking and cognition of the world. Initially meaning only specific objects and visible situations, they indicate that the movement from concrete to abstract was reflected not only in the name of units of the language, but also in the nature of their functioning.

Terms, as you know, are a linguistic explication of a certain stage in the development of cognition, when boundaries blurred in the awareness of the difference between the material and the ideal, cause and effect, personality and surrounding nature, when the laws of perception still had a certain effect on the processes of abstraction [1; 4]. In terminology of this order of this period, we came across words that, at first glance, refer only to the field of natural and psychological disciplines or, in general, as if they contain nothing concrete [2]. However, when we correlated them with the attempts of philosophical understanding of the authors of the terms, it turned out that these lexical units undoubtedly have the character of a terminological orientation [3].

The bulk of the terms was created on the basis of borrowings from classical languages and by rethinking the meaning of words and combinations of the general literary national language. At the same time, imagery and connotation played a special role. This turned out to be a remarkable feature of the formation period of English terminology. Our conclusion is not in all respects consistent with existing ideas about terms as units that tend to rigidly explicate concepts and lack connotations.

The process of the formation of English science led to the further growth and spread of both oral and written English. It turned out that in the era of the most rapid social transformations, there are also rapid processes of improving the language. The process of borrowing from other languages, as well as the entire system of word production, is activated. If we touch history of English language with the Viking invasions (Vikings were a tribe of Nordic people that ransacked their way through Northern and Northwestern Europe 1,000-1,200 years ago), Old English got mixed up with Old Norse, the language of the Viking tribes. Old Norse ended up giving English more than 2,000 new words, including “give” and “take”, “egg”, “knife”, “husband”, “run” and “viking”.

The material under study showed that the formation, evolution of English national vocabulary of a terminological nature occurred in independent ways, which determined the “face” of national terminology, when a large number of lexical units that existed in the ordinary language and the language of science are defined terminologically and rise to the level of philosophical concepts, giving words with a narrow limited specific meaning, generalized logical-conceptual meanings.

The transformation of the basic concepts of English terminological vocabulary of the formation period of the English national language (XIV-XVII century), which determines the language situation, is associated both with the socio-cultural and philosophical worldviews of the corresponding era, however, the qualitative specificity of the formation of the determinants of the genesis of scientific knowledge and, accordingly which form the system of terms in terms of

language, have completely different forms in different eras, which constitute the stages of the emergence and approval of dominant new scientific concepts and directions.

Any message takes some place in a wider mental picture, and this rootedness in a certain mental space largely determines its semantic appearance. In order to radically change this look, that is, to imagine a radically different “reading” of this message, it is necessary to reorient it into some other mental environment in which it will take a different place and, accordingly, will “show” in a significantly different way.

And this is not always possible to do, even if we specifically strive for this. In everyday communication, with its reactive fleetingness, with the impossibility - and unnecessaryness, - of thoroughly considering each “movement”, the possibility of such radical reorientations arises more as an exception - and is perceived by the speakers themselves as an exceptional, out-of-the-ordinary case. From a diverse range of phenomena, many of which are traditionally considered within the framework of various disciplines - such as aesthetics, stylistics, theory of text and discourse, linguistics historical pragmatics, psycholinguistics, and some are generally poorly understood.

The image of the communicative space arises in the speaker's presentation from the set of memories interacting with each other and awakened in his mind by a given condition of linguistic activity.

Whenever, the speaker deals, with certain message - as a sender seeking to give an adequate linguistic expression of his thought in relation to the addressee, or as a recipient seeking to satisfactorily interpret the proposed message and accordingly build his own linguistic behavior in this situations - this activity takes place in an invisible environment of many precedents set aside in his language experience. For example, we see in the interlocutor a “foreigner”, or “a provincial”, or a “regular cafe”, “a dubious person”, “a religious fanatic”, “a handsome young man”, “intellectual”, “interesting storyteller”; we feel the current situation as “solemn”, “formal”, “intimate”, as important or unimportant, pleasant or unpleasant, serious or riddled with playfulness, designed to provide us with entertainment, provide us with the necessary information.

The study showed that the processes of abstraction and generalization - in the linguistic aspect - in the English language did not exist unchanged at all stages of historical development. The formation of abstract meanings and their formal, verbal shells is closely related to the development of the abstract category and therefore represents the undoubted mutual interest of philosophy and philology, because the development of language and, in particular, linguistic meanings and categories, is a necessary component of the study of the laws of development of human thinking and cognition, an integral part of the theory of knowledge of any scientific system.

The study also showed that the terms in English are units used in the functions of hard-informative nominators of the phenomena of reality within the framework of a scientific and terminological system that reflects the worldview of a particular scientist or school, which characterizes their originality and national specificity.

The main trends in the development of English general scientific vocabulary of the research period (and further replenishment of its conceptual apparatus), the speech expression of which was manifested in the vocabulary, were the following three main directions: firstly, the expansion of the composition of English scientific vocabulary in its content reflected the emergence of qualitatively new phenomena in the language societies of the period of formation and formation of a nation; secondly, a characteristic feature of this period was the emergence of new words to express already known concepts. To a large extent this was due to the abundance of French borrowing. But there is another reason - this is the incompleteness of the English dictionary in the early New English period, which led to the diversity and instability of the expression of certain concepts.

This feature of the English national language is also characteristic of scientific vocabulary; thirdly, the introduction, assimilation and interpretation of new words were mainly facilitated by the authors' targeted goals.

We also established some patterns of the linguistic organization of scientific texts of the studied period, which are as follows: a) texts that reveal various aspects of scientific knowledge created by authors who are different in their professional inclinations and vocation, nevertheless,

contain a certain set of lexical and vocabulary - grammatical units of the language system and demonstrate a similar picture of the syntactic design of text fragments; b) the main compositional-speech form of the thinker when creating his scientific works is “reasoning / reflection”; c) the main line of work of a scientific nature of the period is either explanation, or justification, or evidence or refutation.

The study also showed that the English scientific terminology of the era under study was a developing metastable system in a relatively stable state and subject to various kinds of micro- and macroevolutionary changes. Despite the highly dynamic nature of the terminological system, the elements of statics that make up its core prevailed over the elements of dynamics that form the periphery of the system.

In the XIV-XVII centuries replenishment of the vocabulary of the English language as a whole and the creation of scientific terminology, in particular, was largely due to Roman borrowings, mainly from Latin. Secondary borrowing of the English terminological system is largely associated with the high susceptibility of the English language of the XIV-XVII centuries to borrowing in general and to term-creation, in particular. It is this feature of the English language, its “openness” to borrowing, and the ease of this process that during the period under study had a favorable effect on its gradual exaltation as the international language No. 1 in modern conditions.

It was the long and absent-minded “absorption” of other people's words without scientific and bureaucratic obstacles that allowed the English language to reach a wide range of intercontinental, interregional, interstate and interethnic relations and become an effective means of humanity's communication in the context of expanding globalization in the modern world.

In general, the studied material testifies to the strength and versatile nature of the influence of Latin on the vocabulary of the English language and covers the main areas of activity of English society in the XIV-XVII centuries. For the period of formation (XIV-XV centuries) and development (XVI-XVII centuries) of general scientific vocabulary, the replenishment of the thematic series by Romanism, and especially, Latinisms is due to the fact that, firstly, this historical period was the beginning of a systematic presentation in English the first scientific works, and, consequently, the beginning of the formation on the English soil of the semantic core of modern English professional terminology.

The use of this vocabulary in the works of various genres is one of the characteristic features of the XIV-XVII centuries. At the same time, there is a process of gradual professional differentiation of the language of science in connection with the specialization of knowledge, the design of each direction in a separate science. This process is accompanied by the terminization of individual words and their lexical-semantic variants, an increase in the number of terminological phrases.

Modern literary English, which grew mainly on the foundation of classical languages, has become the first world language today, largely due to the timely formation of a system of scientific terms in it.

The historical and hermeneutical analysis of the formation and development of the categorical-conceptual apparatus of English scientific terminology seems promising in solving the problem of the relationship of science directions. The historical and genetic relationships revealed by such a study of a different register of words can serve as additional material in solving the complex problem of developing a terminological system and its dialectics, in particular, in determining and refining the initial beginning in its formation.

The combined efforts of philosophy and linguistics in the study of the process of complex formation of the English vocabulary of the period under study can make a significant contribution to the further development of dialectics, the evolution of its terminological base.

Semantic parallels in the content of words in the process of their formation in English thinking serve as the basis for the conclusion about the fundamental unity of the formation of ideas about this vocabulary.

The revealed regularities of the process of formation of the conceptual apparatus of English terminology allow us to give a critical analysis of some hermeneutic statements about their origin,

TILSHUNOSLIK

concepts of the causal nature of human thinking in the period under study, and linguistic relativity theory.

Conclusion. And, finally, one cannot fail to note the following circumstances: the complex and long historical path of the formation and development of the system of terminology and scientific concepts in English is instructive in many respects for the Uzbek reality and the Uzbek language. In our opinion, two completely separate and independent periods in the formation and development of the term system and concepts in the Uzbek language require special attention: a) the period of the VIII-XVI centuries and b) the period of the XIX-XX centuries. They had their distinct features. But, on the other hand, they are internally interconnected, since it was one language at different stages of its development and in various historical eras and political situations. With such a statement and understanding of the meaning of our research, we can understand and understand the fundamental position that we study the history of our own and other countries and peoples not for the sake of studying, but for practical tasks, in this case, to clarify and justify further ways of developing and improving the language sciences in independent Uzbekistan, systems of its categories and conceptual apparatus.

REFERENCES

1. Akhmanova O.S. *Dictionary of linguistic terms; [Dictionary of linguistic terms]. M: Soviet Encyclopedia 1966.*
2. Bogdanova-Beglaryan N.V., Liu Dayang. *Idioms in everyday Oral Speech (KrAZ Working on Description Techniques) [Idiomatic in Everyday Speech (Search for Methods of Description)].*
3. *Bulletin of Perm University. Russian and foreign philology. Perm, vol. 9 issue. 4 2017. pp. 16-27.*
4. Verkholetova E.Yu. *Structural and dynamic approach to the social stratification of oral speech. Dis. Cand. filol .. sciences. Perm. 2010.*
5. Gasparov B. M. *Language memory, image. Linguistics of linguistic existence [Language, memory, image. Linguistics of linguistic existence.]. M: New Literary Review, vol. IX / Ed. vow. I. Prokhorova. 1996.*
6. Davlatova M. Kh. *Variability of aspectual meanings in the English language European Journal of Research and Reflection in Educational Vol. 7 № 12, 2019 ISSN 2056-5852 [Variability of aspectual meanings in English European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 7 No. 12, 2019 ISSN 2056-5852] Progressive Academic Publishing, UK Page 777 www.idpublications.org*
7. Ostonova S.N. *Spirituality and Humanism of humanity in the era of revival. Vestnik nauki i obrazovaniya 2020. № 8 (86). Chast 1.*
8. Sadullaev Denis Bakhtiyorovich *Concerning the history, formulation and interpretation of the conversion's issue in English language. International Journal of Integrated Education. 3, 3 (Mar. 2020), 95-97. DOI:https://doi.org/10.31149/ijie.v3i3.96.*
9. Shodiev. S.S. (2020). *The role of the latin language in the history of world statehood ISJ Theoretical and Applied Science, 05(85), 367-372.*

УДК: 8:81

**ЎЗБЕК ТИЛИ КОРПУСИДА МОРФОЛОГИК РАЗМЕТКА ВА ЛИНГВИСТИК
МОДЕЛЬ (ФЕЪЛ ВА ОТ ТУРКУМИ МИСОЛИДА)**

**MORPHOLOGICAL MARKUP AND LINGUISTIC MODEL OF THE UZBEK
LANGUAGE CORPUS (AN EXAMPLE OF VERB AND NOUN)**

**МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ РАЗМЕТКА И ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ КОРПУСА
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА (НА ПРИМЕРЕ ГЛАГОЛ И СУЩЕСТВИТЕЛЬНОЕ)**

Хамроева Шахло Мирджоновна

Алишер Навоий номидаги ТДЎзТАУ докторанти, ф.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация. Мақолада ўзбек тили корпуси учун сўзларни морфологик разметкалаш, сўзшаклга тег бириктиришининг назарий асослари ҳамда уларнинг лингвистик моделини ишлаб чиқиш принциплари ҳақида фикр юритилган. Сўзшаклга унинг туркуми ҳақидаги ахборотни бириктириши матннинг ахборот-қидирув тизимида осон қайта ишланишининг асосий омили саналади. Ўзбек тилидаги феъл ва от туркумидаги сўзларга уларнинг туркуми ва бошқа морфологик белгиларини бириктириши тамойилларини тузиши билан амалга

оширилади. Бу жараён сўзшаклларнинг морфологик анализаторини яратишда лингвистик таъминот вазифасини бажаради.

Таянч сўзлар: сўз, сўзшакл, лемма, морфологик разметка, тег, лингвистик модель.

Аннотация. В данном статье описываются лингвистические основы морфологической разметки корпуса узбекского языка, способы выбирать теги словоформ и принципы создания лингвистических моделей для тегов. Присоединение информации о категории к словорму является ключевым фактором, облегчающим обработку текста в информационно-поисковой системе. Это делается путем установления принципов прикрепления их грамматических категорий и сведение о частей речи и других морфологических признаков к словорам глаголов и существительных узбекского языка. Этот процесс служит лингвистической поддержкой при создании морфологического анализатора узбекского языка.

Ключевые слова: слово, словоформа, лемма, морфологическая разметка, тег, лингвистическая модель.

Abstract. In this article describes the linguistic basis of the morphological mark up of the Uzbek language corpus, the way to select the word form tags and the creation of linguistic models for tags. Attaching information about a category to a dictionary is a key factor in making text easily processed in an information retrieval system. This is done by establishing the principles of attaching their category and other morphological features to words in the Uzbek verb and noun category. This process serves as a linguistic support in the creation of a morphological analyzer of words.

Key words: word, word form, lemma, morphological markup, tag, linguistic model.

Кириш. Тил корпуси мавжуд электрон махсулотлардан сўзга автоматик ишлов беришдаги юкори имкониятлари билан устун туради. Корпусда қидирувни амалга ошириш учун морфологик шакллар автоматик таҳлилдан ўтказилади; шундан кейин сўров/қидирув натижа беради. Қўшимча изоҳ мавжудлигига кўра корпуснинг қўшимча изоҳли (разметкаланган) ҳамда изоҳсиз (разметкаланмаган) турлари фарқланади. Корпуснинг бундай таснифланиши бошқа атамалар (масалан, индексланган, индексланмаган, аннотацияланган, аннотацияланмаган, рус тилида тагированные и нетагированные² кабилар) билан ҳам аталади [1]. Тегланган корпусда тег характеридан келиб чиққан ҳолда сўз ҳамда гапга морфологик, синтактик, семантик, просодик (урғуга хос) изоҳ/тег қўшилган бўлади.

Бошқа тилларда матнга автоматик ишлов бериш устида иш олиб бораётган олимлар гуруҳининг бу борада қилаётган ишларини таъкидлаб ўтиш жоиз (қаранг: <http://www.aot.ru> сайти). Улар назарий лингвистикани замонавий ахборот технологияларида қўллаш устида иш олиб боришмоқда. Автоматик таҳлил бўйича жаҳон корпус лингвистикаси қатор ютуқларга эришди: рус, инглиз ва немис тилларидаги матнни таҳлил қилишнинг графем (сўз чегарасини аниқлаш), морфологик (сўз туркумини аниқлаш), синтактик (гап бўлақларини аниқлаш) ҳамда семантик (сўзлараро семантик муносабат) модуллари яратилди. Ўзбек тили сўз туркумланини ўқий оладиган дастур – таггинг ишлаб чиқиш компьютер лингвистикаси олдида турган долзарб вазифалар саналади.

Асосий қисм. Тил корпусининг морфологик таҳлил имконияти корпуснинг лингвистик разметкасига боғлиқ. Лингвистик разметканинг бир қанча кўриниши мавжуд. Морфологик теглаш кейинги (синтактик ва семантик) теглашга асос бўлувчи аҳамиятли тег ҳисобланиб, инглиз тилида part-of-speech tagging деб аталувчи, сўзларни туркумга ажратувчи разметкадир. Разметканинг ушбу тури теглар ёрдамида амалга оширилиб, тегнинг матнда мавжудлик даражаси, кўлами корпуснинг хусусиятидан келиб чиқиб, ҳар хил бўлади. Тег қанча кўп бўлса, корпуснинг лингвистик амалларни бажариш имконияти шунча кенг бўлади. Лекин кейинги авлод корпуслари ҳажмининг катталиги сабабли тегни содалаштириш йўли

² Инглизча tag (изоҳ) сўзидан олинган.

TILSHUNOSLIK

кулай деб топилди. Кодировканинг соддалаштирилган тизими ортиқча хатоликларнинг олдини олади, морфологик кўп маънолиликини келтириб чиқармайди, бир неча миллион сўзни қамраб олувчи катта массивли матнларнинг разметкаланишини тезлаштиради.

Ўзбек тилидаги матнларни морфологик разметкаланишнинг ўзига хос тамойилларини ишлаб чиқишда намуна сифатида А.Қаҳҳорнинг “Бемор” ҳикоясини танлаш мумкин. Қуйида ушбу ҳикоядаги сўзшакллар мисолида сўз туркумлари теглашнинг айрим жиҳатларига тўхталамиз.

Морфологик разметка тизими *сўзшакл*, *лемма* ва *тегдан* иборат. Сўзшакл – танланган матндаги морфологик бирлик. Сўзшаклни разметкаланишнинг биринчи босқичи уни леммалаш, яъни сўзшаклнинг лексема шаклини келтириш. Флектив тилларни разметкаланишда энг қийин босқич – леммалаш (лемматизация), яъни сўзнинг лексема шаклини сўзшаклга тег сифатида бириктириш. Чунки флектив тилларда сўзшаклдаги грамматик маъно сўз ўзагига қоришиб кетган бўлади. Флектив тиллардан фарқли ўларок, агглютинатив тилда леммалаштириш жараёни анча осон. Сўзшаклнинг грамматик шаклсиз қисми – ўзак ёки негиз леммага тенг. Разметкада лемма <*> белгиси ичида берилади. Барча сўз туркумларида леммалаш “сўзнинг ўзак-негиз қисми леммага тенг” тамойилига асосланса, феъл туркумида феъл-лемма II шахс буйруқ-истак майли шаклида берилади. Луғат мақолаларида феъл ҳаракат номи шаклида берилади: <бормоқ>. Аммо бу шакл корпусга хос эмас, чунки корпусдаги матндан сўзнинг <бормоқ> шакли эмас, <бор> шакли қидирилади. Шундан келиб чиқиб, феъл-лемма *ўқитди* <ўқи>, *бўлмади* <бўл>, *кўрсатди* <кўр>, *олди* <ол> шаклида леммаланади.

Феъл-иборанинг лемма шаклини “Фразеологик луғат”даги каби -моқ қўшимчаси билан бериш тўғрироқ, чунки *кўзи тиниб* каби гап қурилишли иборани <кўзи тин> шаклида леммаланишда ҳеч қандай маъно йўқ. Фойдаланувчи ибора қидирганда морфологик эмас, балки семантик разметка натижасидан фойдаланади. Шунга асосланиб, иборанинг *кўзи тиниб* <кўзи тинмоқ>, *боши айланганидан* <боши айланмоқ> тарзида разметкаланиши мақсадга мувофиқ. Бошқа барча сўз туркумлари <*> белгиси ичида ўзак-негиз шаклида лексема ҳолида ёзилади: *сахарга* <сахар>. Албатта, сўз туркумларида ўзакнинг соддаланиши масаласи ҳам бор. Табиийки, соддаланиш жараёнида бўлган ўзак шу ҳолида лемма шаклига келтирилади.

От сўз туркумидаги луғавий шакл лемма таркибига киритилмайди, чунки бу шакл лексик маънога таъсир қилмайди; разметкада **қизча** <қиз> кўринишида акс этади. Айрим сўзлар бундан мустасно. Чунончи, *боғча*, *шолча*, *кўрпача* сўзлари шу ҳолида леммага тенг, чунки улардаги *-ча* кичрайтириш шакли эмас. Разметкаланиш жараёнида ҳар бир сўзшаклга 5 тадан 10 тагача, баъзан ундан ҳам кўпроқ морфологик тег/изоҳ ёзиш талаб қилинади. Тегларни эса лингвистик моделлаштириш мақсадга мувофиқ, чунки лингвистик моделда морфологик тег шартли қисқартма шаклини олади. Ҳар бир сўз туркумини разметкаланиш учун махсус лингвистик модель шакллари ишлаб чиқилади.

Феъл сўз туркумининг леммаланиши ва унинг теглари. Феъл сўз туркумини разметкаланишнинг лингвистик моделларини ишлаб чиқишда феълнинг қуйидаги грамматик категориялари ҳисобга олинади ҳамда феъл-леммаларга сўзшаклга қараб шу теглардан тегишли ёзилади. Сўз туркуми номи: Феъл = [ф.]. Лексик-грамматик хусусиятига кўра қуйидагилар ажратилади [2]:

а) мустақил феъл = [муст. ф.]
б) номустақил феъл = [номуст. ф.]

- ёрдамчи феъл = [ёр. ф.]
- кўмакчи феъл = [кўм. ф.]
- тўлиқсиз феъл = [тўл. ф.]

Феълнинг асосий ЛМГлари сифатида

- 1) ҳаракат феъли = [хар. ф.]
- 2) нутқ феъли = [нутқ ф.]
- 3) ҳолат феъли = [ҳолат ф.]

TILSHUNOSLIK

4) натижали фаолият феъли = [нат. ф. ф.]

5) тафаккур феъли = [тафаккур ф.]

6) муносабат феъли = [муносабат ф.] каби лексик-семантик гуруҳларга ажратилади (1).

Харакатнинг объектга муносабатига кўра ўтимли феъл = [ў-ли ф.] ва ўтимсиз феъл = [ў-сиз ф.]; ҳаракатнинг реал ёки ирреал бўлишига кўра бўлишли феъл = [б-ли ф.] ва бўлишсиз феъл = [б-сиз ф.] ажратилади.

Нисбат категориясининг лингвистик модели ушбу кўринишга эга бўлади [2]:

а) аниқ нисбат = [ан. н.]

б) ўзлик нисбат = [ўзл. н.]

с) мажхул нисбат = [маж. н.]

д) ортгирма нисбат = [орт. н.]

е) биргалик нисбат = [бир. н.]

Феълнинг тузилишига кўра турлари фарқланади:

а) содда феъл = [сод. ф.]

б) кўшма феъл = [кўш. ф.]

в) жуфт феъл = [ж. ф.]

г) такрор феъл = [так. ф.]

Феъл деривацияси тег сифатида туб феъл = [т.ф.] ва ясама феъл = [я.ф.]га ажратилди. Ясалишнинг аффиксация ва композиция усули тег сифатида ёзилмади, чунки феълнинг тузилишига кўра тури ва ясамалиги ҳақидаги маълумотнинг ўзи етарли: *қонлади* <қонла> [ф], [сод. ф.], [я.ф.]. Бу тегда *қонламоқ* феълнинг тузилишига кўра содда ясамалиги ҳақида маълумот бор, содда феъл эса фақат аффиксация усули билан ясалади. Кўшма феъл тегларида ҳам композиция усулида ясаганлигини таъкидлашга ҳожат йўқ: *савдо қиладиган* <савдо кил> [ф], [кўш. ф.], [я.ф.]. Тегдан кўриниб турибдики, тузилишига кўра кўшма, ясалишига кўра ясама, композиция ёки аффиксация усулида ясалганлигини таъкидлашга ўрин қолмайди.

Харакат тарзи категорияси алоҳида тег сифатида ёзилади, ҳаракат тарзи феълларининг етакчи ва кўмакчи феъл қисмлари ҳам ажратилади:

оғриб қолди <оғриб қол> [ф], [муст. ф.], [ҳолат ф.], [ў-сиз ф.], [б-ли ф.], [а. н.], [сод. ф.], [т.ф.], [х.м.], [ў.з.], [III ш.б.], [хар. т.], <оғриб> [ет. ф.], <қолди> [кўм. ф.].

Тег сифатида:

ҳаракат тарзи категорияси = [хар. т.];

етакчи феъл = [ет. ф.];

кўмакчи феъл = [кўм. ф.] кўринишига эга бўлади.

Феълнинг ўзгаловчи категорияси сўзшакли феъл-лемма шаклида леммаланади, теглар сирасига унинг ўзгаловчи категорияга мансублигини билдирувчи изоҳ ҳам киритилди. Сўзшакл “ҳаракат номи=[х.н.]”, “сифатдош =[сиф-ш]”, “равшдош = [рав-ш]” каби теглар асосида разметкаланади: **билгани** <бил> [ф], [муст. ф.], [ҳолат. ф.], [ў-ли ф.], [б-ли ф.], [ан. н.], [сод. ф.], [т.ф.], [сиф-ш], [ў.з.] [III ш.б.].

Феълнинг алоқа-муносабат категорияси теги қуйидаги моделга эга бўлади:

1) майл категорияси

а) хабар майли = [х.м.]

б) шарт майли = [ш.м.]

с) буйруқ-истак майли = [б.и.м.]

д) мақсад майли = [м.м.]

2) замон категорияси

а) ўтган замон = [ў.з.]

б) ҳозирги замон = [ҳоз.з.]

с) келаси замон = [к.з.]

3) шахс-сон категорияси

I шахс, бирлик = [I ш.б.]

II шахс, бирлик = [II ш.б.]

Ш шахс, бирлик = [Ш ш.б.]

I шахс, кўплик = [I ш.к.]

II шахс, кўплик = [II ш.к.]

III шахс, кўплик = [III ш.к.]

Ҳикоя матнида ҳаракат-ҳолат маъносини билдирган ибора феъл-ибора тарзида номланиди; бундай бирликка “феъл-ибора=[ф.и.]” тегини бириктириш мумкин.

От сўз туркуми разметкаси хусусида. От туркумидаги сўзни леммалаш ҳамда разметкаланишнинг дастлабки босқичида унинг умумий грамматик маъносига асосланилади [2]. Борликдаги бир турдаги предметдан бири ёки шу турдаги предметларнинг умумий номини билдиришига кўра атоқли ва турдош от маъновий гуруҳлари ҳамда уларнинг тури аниқланади. Бу грамматик белги тег сифатида қуйидагича моделлаштирилади:

Сўз туркуми номи: от = [от]

I. Атоқли от маъновий гуруҳлари: [атоқли от] = [ат. от.]

1) [шахс номи] = [ш.н.]

2) [географик ном] = [геог.н.]

3) [ташкilot, муассаса, корхона номи] = [ТМК н.]

4) [самовий ёритгичлар номи] = [СЁ н.]

5) [тарихий сана ёки байрам номи] = [ТС н.]

6) [ҳайвон номи] = [х.н.]

7) [маҳсулот номи] = [м.н.]

8) [илоҳий тушунча номи] = [илоҳ.н.]

Разметка кўриниши: Абдуганибой <Абдуганибой> [от], [ат. от.], [шахс н.], [б. к.], [бирл. с.]

II. Турдош от маъновий гуруҳлари [турдош от] = [тур. от]

1) [мавҳум от] = [мавҳ.о.]

2) [аниқ от] = [ан.о.]

Аниқ от ЛМГ(1) га ҳам ажратилади:

1) [модда номи] = [м.н.]

2) [шахс номи] = [ш. н.]

3) [шахсни қариндошлик жиҳатдан тавсифловчи ЛМГ] = [қар. ЛМГ]

4) [шахсни ёш жиҳатдан тавсифловчи ЛМГ] = [ёш ЛМГ]

5) [шахсни касб жиҳатдан тавсифловчи ЛМГ] = [касб ЛМГ]

6) [шахсни жинс жиҳатдан тавсифловчи ЛМГ] = [жинс ЛМГ]

7) [шахсни истиқомат жиҳатдан тавсифловчи ЛМГ] = [истиқомат ЛМГ]

8) [шахсни мансаб-унвон жиҳатдан тавсифловчи ЛМГ] = [м.у. ЛМГ]

9) [шахсни ижтимоий ҳолат жиҳатдан тавсифловчи ЛМГ] = [ижт. х. ЛМГ]

10) [буюм номи] = [б.н.]

11) [ўсимлик номи] = [ў.н.]

12) [ўрин-жой номи] = [ў.ж.н.]

13) [миқдор номи] = [миқ.н.]

14) [ташкilot ва муассаса номи] = [т.м.н.]

15) [вақт-райт номи] = [в.п.н.]

16) [фаолият-жараён номи] = [ф.ж.н.]

Разметка кўриниши: парқда <парк> [от], [тур. от], [ан.о.], [ў.ж.н.], [я.о.], [с.о.], [т.о.], [ў.п.к.], [бирл. с.]

Бирлик шаклда бир турдаги предметнинг ўзини ёки предмет тўдасини билдиришига кўра:

1) [якка от] = [я.о.]

2) [жамловчи от] = [жам.о.] теглари ёзилади.

Разметка кўриниши: омборда <омбор> [от], [тур.от], [ан.о.], [ў.ж.н.], [я.о.], [с.о.], [т.о.], [ў.п.к.], [бирл. с.]

Тузилишига кўра отнинг содда, қўшма, жуфт, такрор турлари ажратилади:

TILSHUNOSLIK

- 1) [содда от] = [с.о.]
- 2) [қўшма от] = [қўш.о.]
- 3) [жуфт от] = [ж.о.]
- 4) [такрор от] = [так.о.]

Разметка кўриниши: **гўдакнинг** <гўдак> [от], [тур.от], [ан.о.], [ш.н.], [ёш ЛМГ], [я.о.], [с.о.], [т.о.], [қар.к.], [бирл.с.]

Ясалишига кўра отлар туб ва ясама гуруҳга ажратилади:

- 1) [туб от] = [т.о.]
- 2) [ясама от] = [яс.о.]

Разметка кўриниши: **ғашлиги** <ғашлик> [от], [тур.от], [мавҳ.о.], [я.о.], [с.о.], [яс.о.], [б.к.], [бирл.с.], [III ш.б.]

От-сўзшаклини тавсифлашда келишик, эгалик ва сон категорияси асосий ўринни эгаллайди, уларнинг грамматик шакллари куйидаги тег-моделлар билан изоҳланади:

I. Келишик категорияси моделлари:

- 1) [бош келишик] = [б.к.]
- 2) [қаратқич келишиги] = [қар. к.]
- 3) [тушум келишиги] = [туш. к.]
- 4) [жўналиш келишиги] = [ж. к.]
- 5) [ўрин-пайт келишиги] = [ў.п. к.]
- 6) [чиқиш келишиги] = [ч. к.]

II. Эгалик категорияси моделлари:

- 1) [I шахс] = [I ш.]
- 2) [II шахс] = [II ш.]
- 3) [III шахс] = [III ш.]

III. Сон категорияси моделлари:

- 1) [бирлик сон] = [бирл. с.]
- 2) [кўплик сон] = [кўп. с.]

От-сўзшаклининг келишик, эгалик ва сон категориясининг *разметка кўриниши:* **отасининг** <ота> [от], [тур.от], [ан.о.], [ш.н.], [қар. ЛМГ], [я.о.], [с.о.], [т.о.], [қар.к.], [III ш.], [бирл.с.]

Келишик шакллари разметкаш жараёнида корпусда бир муаммога дуч келдик. Бу келишик шакллари белгисиз қўлланиши масаласи. Белгисиз қўлланган келишик шакли корпус томонидан бош келишик сифатида тушунилади. Бу масалани ечиш алоҳида тадқиқот мавзуси бўлгани учун унга алоҳида тўхталиб ўтмаймиз.

Отнинг луғавий шакллари сифатида матнда, асосан, кичрайтириш ва шахсий муносабат шакллари (-ча, -(а)лоқ, -жон, -хон, -ой, -бону каби қўшимчалар) учраганлиги туфайли разметкашда луғавий шакллари куйидаги маънолари тег сифатида бириктирилади:

- 1) [эркаш маъноси] = [эрк. ЛШ]
- 2) [камситиш маъноси] = [камс. ЛШ]
- 3) [кичрайтириш маъноси] = [кич. ЛШ]
- 4) [ачиниш] = [ач. ЛШ]

Разметка кўриниши: **саватчаларини** <сават> [от], [тур.от], [ан.о.], [б.н.], [я.о.], [с.о.], [т.о.], [т.к.], [III ш.], [кўп.с.], [кич. ЛШ]

Бошқа туркумнинг отга транспозицияланиш ҳолати ҳам разметкашда эътиборга олинади. Матнда сифатнинг отга транспозицияланиши кузатилди. Тег кўриниши куйидагича: [Транспозиция: сифат→от] = [Транспоз: сиф→о].

Разметка кўриниши: **касалини** <касали> [Транспоз: сиф→о], [тур.от], [ан.о.], [ш.н.], [я.о.], [с.о.], [т.о.], [туш. к.], [бирл.с.]

Жаҳон корпус лингвистикасида корпусни теглаш турли дастурлар билан амалга оширилади. Бунда, аввало, вақтни тежаш, меҳнатни камайтириш назарда тутилса, иккинчидин, матнга автоматик ишлов бериш муаммосига ечим топилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, морфологик, синтактик теглаш теггер ҳамда парсинг ёрдамида амалга оширилса-да, бу дастурларнинг аксарияти автоматик разметкадан кейинги тузатишни талаб қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Захаров В.П., Богданова С.Ю. Корпусная лингвистика. Учебник для студентов гуманитарных вузов. – Иркутск: ИГЛУ, 2011. – 161 с.
2. Захаров В.П. Корпусная лингвистика. Учебно-метод. пособие. – СПб., 2005. – 48 с.
3. Зализняк А.А. Грамматический словарь русского языка. – М.: Русский язык, 1980. – 880 с.
4. Засорина Л.Н. (ред.). Частотный словарь русского языка. – М., 1977. – 936 с.
5. Лингвистический энциклопедический словарь. (Гл. ред. В.Н.Ярцева) – М.: СЭ, 1990. – 686 с.
6. Сайфуллаева Р. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2009. – 416 б.
7. <http://www.aot.ru>

УДК: 81.342.6

ЭЛИЗИЯЛИ СЎЗЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ СТИЛИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЭЛИЗИЙНЫХ СЛОВ STYLISTIC FEATURES OF ELIDED WORDS

Норова Мавлуда Файзуллоевна

БухДУ инглиз тилишунослиги кафедраси мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада талаффузда содир бўладиган фонетик ҳодисалардан бири ҳисобланмиши элизия ҳодисасининг инглиз ва ўзбек тилларидаги фоностилистик хусусиятлари очиб берилган. Қиёсланадиган тилларнинг ўзак-негизларида товуш ёки бўгинларнинг туширилиб қолдирилиши билан содир бўладиган коннотатив маънолар очиб берилган. Элизиянинг бадиий нутқдаги фонопрагматик томонлари атрофлича таҳлил ва тадқиқ этилган. Нутқда элизияларнинг ўринсиз ишлатилиши фоностилистик хатоларга олиб келиши кўрсатилган.

Таянч сўзлар: фонетик ўзгаришлар, фоностилистика, товуш тушиши, элизия, экспрессивлик, коннотатив маъно, фонопрагматика, вазн, қофия, туроқ, ритм.

Аннотация. В статье рассматриваются фоностилистические особенности, одной из фонетических изменений элизия в английском и узбекском языках возникающая в произношении. Коннотативные значения, встречающиеся при опущения звука или слогов в словесных корнях сравниваемых языков, обоснованы примерами. Фонопрагматические аспекты литературной речи элизия тщательно проанализированы и изучены. В речи было показано что неуместное использование элизий привело к фоностилистическим ошибкам.

Ключевые слова: фонетические изменения, фоностилистика, опущение звука, выразительность, коннотативный смысл, фонопрагматика, метр, рифма, стопа, ритм.

Abstract. The article is dedicated to the phonostylistic features of one of phonetic changes, elision in English and Uzbek languages which occur in pronunciation. The connotative meanings conveyed with the omission of sound or syllables in the verbal root-stems of the compared languages are shown on the basis of well-grounded examples. The phonopragmatic aspects of the literary speech of elision are thoroughly analyzed and studied. In the speech, it was shown that the inappropriate use of elision led to phonostylistic errors.

Key words: phonetic changes, phonostylistics, the omission of sound, expressiveness, connotative meaning, phonopragmatics, metre, rhyme, foot, rhythm.

Кишилар ўзаро нутқий мулоқотда адабий ва услубий нормалардан фойдаланадилар. Давлат муассасаларида қўлланадиган, маълум қоида-қонунлар асосида иш кўрадиган тил адабий тил нормаси бўлса, халқ жонли сўзлашув тили услубий нормаларни ташкил қилади. Булар ҳақида “Нутқ услублари таҳлили” мақоламизда батафсил фикр юритганмиз [7, 37-39].

TILSHUNOSLIK

Фонетик ўзгаришли сўзлар, жумладан, элизия ҳодисаси услубий нормалар таркибига киради. Бу ҳодисани ўрганиш назарий ҳамда амалий аҳамият касб этади.

Тилдаги фонетик ўзгаришли сўзлар, яъни талаффузда фонетик қиёфаси ўзгартирилиб айтиладиган сўзларнинг этимологияси, маъно хусусиятлари, нутқда кўлланиши кабилар илмий жамоатчилик томонидан атрофлича ўрганилган [6, 80]. Шунга қарамай, сўз ўзак-негизлари талаффуздаги ўзгаришлар билан содир бўладиган турли хил маъноларнинг фоностилистик хусусиятлари алоҳида тадқиқ манбаи бўлган эмас.

Ҳолбуки, “Тил бирликларининг денотатив маъносига кўшимча “бўёқ”, яъни коннотатив маънони ўрганиш, айниқса, фонетик ўзгаришли сўзлардаги бундай маъноларни аниқлаш давр талабидир”, – деб ёзади А.Ҳайдаров [5, 5]. Биз ушбу ўринда сўзларнинг талаффузда ҳосил бўладиган турли хил кўшимча маъноларни, уларнинг нутқдаги ўрни ва моҳиятини ҳамда услубий хусусиятларини бадиий асарлардан олинган мисоллар асосида чуқурроқ ўрганиб, таҳлил ва тадқиқ қиламиз.

Фонетик ўзгаришлардаги коннотатив маъноларни теран англаш учун уларни шаклий ва мазмуний жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб ўрганишни мақбул деб ҳисоблаймиз.

1. Сўзда товуш ёки бўғин орттирилиши. 2. Сўзда товуш ёки бўғин тушиши. 3. Метатеза.

Сўзларнинг талаффузда товуш ёки бўғиннинг туширилиши билан элизия ҳосил бўлади. Элизия кўшимча серқирра коннотатив маъноларга бойлиги билан ажралиб туради. Ушбу ўринда элизиянинг нутқда пайдо бўлиши, шакли, талаффузда ҳосил бўладиган кўшимча маънолари, уларнинг бадиий тасвирдаги услубий аҳамияти ҳақида инглиз ва ўзбек тиллари мисолида қисқача фикр баён қиламиз.

Элизия термини XVI аср охирида инглиз тилига *elidere* шаклида лотинча *elisiо(n-)* “сикиб чиқариш, қирқиб ташламоқ” маъносида кириб келган. Элизияда сўзни осон талаффуз қилиш мақсадида ундаги айрим товуш ёки бўғинлар тушириб қолдирилади.

Элизия ҳақида алоҳида ёзилган илмий манба учратмадик. Бу ҳодиса тўғрисида фақат лингвистик луғатлар ва дарсликларда айрим маълумотлар берилган, холос. Бундан ташқари инглиз тилида нашр қилинган William Safire, Tej R Kansakar ва Caroline Newton асарларида ҳам айрим маълумотлар келтирилган.

Биз элизия атамасини турли лингвистик луғатлар ва илмий қарашларнинг умумий мазмунидан келиб чиқиб, сикмоқ, итариб чиқармоқ, қирқиб ташламоқ каби маъноларда умумлаштирилган ҳолда кўллаймиз. Бошқача айтганда, талаффузда сўз таркибида тушириб қолдирилган, сиқиб чиқарилган, қирқиб ташланган товуш ва бўғинларни тушунамиз.

Элизия ҳодисаси нафақат сўзларда, балки сўз бирикмаси ва гаплар таркибида ҳам содир бўлиши мумкин: *camera* – /kamra/, *fish and chips* – 'fish 'n' chips', *I don't know* – /I duno/. Бу ҳодиса маҳаллий тилда гапирувчилар учун табиий ҳолатдир. Элизияда сўз маъзидан унлиларга нисбатан ундош товушларнинг тушириб айтилиши кўпроқ учрайди. Бу билан нутқни соддалаштириш, осон ўзлаштирилишига эришилади. *I am* – I'm, *let us* – let's.

Яна чоғиштиринг:

“I'm sure, Cap'n,” says a farmer in his novel, and a stevedore calls a young soldier a “sojer boy.”... [4, 15].

I didn't wanna give 'im no stuff. (Stephen Crane, "Maggie, a Girl of the Streets").

Инглиз тилининг сўзлашув нутқида ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, нутқий оқимни яхшилаш учун сўз бўғинларини қисқартириб кўллаш ҳолати кўпроқ учрайди. Бу, ўз навбатида, сўзда коннотатив маъноларнинг ранг-баранглигини ҳам таъминлайди. Айтиш мумкинки, элизия инглиз тилида сўзлашувчиларнинг ҳар кунлик суҳбатидаги одатий ҳодисадир. Инглиз тили сўзлашув нутқида элизия ҳодисаси олмош ва кўмакчи феъл бирикуви доирасида ҳам ҳосил бўлади: **isn't** (is not), **I'll** (I shall/will), **who's** (who is/has), **they'd** (they had, they should ёки they would), **haven't** (have not) [3, 54]. Ўзбек тилида эса бу ҳодиса етакчи ва кўмакчи феълнинг қўшилиб айтилишидан пайдо қилинади: бора олади – боролади, ёза олади – ёзолади, кела олади – келолади, чиза олади – чизолади.

TILSHUNOSLIK

Элизия англиз тилининг сўзлашув нутқида шошиб нутқ сўзланаётганда, икки жарангсиз ундош орасида бир унлининг тушиб қолиши натижасида содир бўлади. Бундай элизияли сўзлар нутқ эгасига хос шошқалоқлик, ҳовлиқмалик коннотатив маъноларини ифодалаши Дэниел Джонсинг "English Pronouncing Dictionary" луғатида қуйидаги сўзлар мисолида кўрсатилган: acts /æks/, perhaps /pə'hæps, præps/, potato /pə'teɪtəʊ/, bicycle /'baɪsɪkl/, philosophy /fɪ'lɒsəfi/ [2, 399].

Элизия фоностилистик восита сифатида болалар нутқини характерлаш учун ҳам ишлатилади. Жумладан, left leg сўз бирикмаси lefleg /lefleg/ тарзида айтилиб, **t** товуши туширилган бўлса, robbed сўзи ва the артикли бирикуви /rɒbdə/ тарзида талаффуз қилиниб, **d** товуши туширилади. in предлоги ва box сўзи бирикуви талаффузида эса **n** товуши туширилиб, /ɪbɒks/ тарзида айтилади. Болалар нутқидаги бундай талаффуз юқорида қайд қилинган сўзларнинг айтилишидаги қийинчилиги билан изоҳланади [1, 24].

Маълумки, оғзаки нутқда элизияли сўзларнинг урғусиз бўғинларида турли товушларнинг йўқотилиши, сўзлар кўшилиб талаффуз қилинганда эса товушлар сони камайтирилиши натижасида талаффуз енгиллаштирилади. Ёзувда эса тушириб талаффуз қилинган товуш ёки бўғинлар ўрнида апостроф белгиси қўйилади. Масалан, **going to** сўзи элизияга учраб **gonna** шаклига айланган. Сўзнинг бундай талаффузи сўзлашув услубига хос коннотатив маънони ифодалайди.

Турли хил коннотатив маънога эга бўлган элизияли сўзларни яна қуйидаги матнларда кўриш мумкин:

What dire offence from **am'rous** causes springs,
 What mighty contests rise from trivial things,
 I sing – This verse to Caryl, Muse! is due:
 This, **ev'n** Belinda may vouchsafe to view...

Say what strange motive, Goddess! could compel
 A well-bred Lord **t'** assault a gentle Belle?
 O say what stranger cause, yet **unexplor'd**,
 Could make a gentle Belle reject a Lord ...

Sol **thro'** white curtains shot a **tim'rous** ray,
 And **op'd** those eyes that must eclipse the day;
 Now lap-dogs give themselves the rousing shake...

Инглиз шоири Александр Поупнинг "Rape of Lock" шеърдан олинган юқоридаги парчада amorous – am'rous, even – ev'n, unexplored – unexplor'd, through – thro', opened – op'd, t' – the, timorous – tim'rous, сўзлари қисқариб элизияли шаклда ёзилган. Бу орқали шоир шеърда пентаметр (беш туюқли) шеъринг вазни, яъни шеър оқимида керакли бўғинлар сонига эришиш мақсадида элизиядан фойдаланган. Натижада шеърнинг мусикавийлиги ва оҳангдорлиги кучайтирилган.

Элизияли сўзлар англиз драматурги, шоир ва таржимон Кристофер Марлонинг "Доктор Фауст" пьесасида юксак маҳорат билан ишлатилган:

Settle thy studies, Faustus, and begin
 To sound the depth of that thou wilt profess:
 Having **commenc'd**, be a divine in show,
 Sweet Analytics, **'tis** thou hast **ravish'd** me!
 Is, to dispute well, logic's chiefest end?
 Then read no more; thou hast **attain'd** that end:
 Be a physician, Faustus; heap up gold,
 Why, Faustus, hast thou not attain'd that end?
 Whereby whole cities have **escap'd** the plague,
 And thousand desperate maladies been **cur'd**?
 The god thou **serv'st** is thine own appetite,

TILSHUNOSLIK

Wherein is **fix'd** the love of Belzebub:
To him I'll build an altar and a church ...

Ушбу парчада муаллиф сўзлардаги урғусиз бўғинларни тушириб қолдириш орқали ёқимлилик, юмшоқлик, текислик, енгиллик, қулайлик, силлиқлик, равонлик каби қатор коннотатив маъноларни акс эттирганини кўриш мумкин. Шунингдек, элизияли сўзлар шотланд шоири, фольклорист Роберт Бёрнснинг “Тэм О’Шентер” поэмасида ҳам учрайди:

Whiles holding fast his guid blue bonnet,
Whiles crooning **o'er** some auld Scots [sonnet](#),
Whiles **glow'ring** round wi' prudent cares,
Lest bogles catch him unawares;
Kirk-Alloway was drawing nigh,
Where ghaists and houlets nightly cry.

Бу парчада over – **o'er** сўзида **v** ундоши, glowering – **glow'ring** сўзида **e** унлиси туширилган. Ёзувда эса апостроф белгиси қўлланган. Бу ҳодиса орқали поэма матнида ритм сақланиб, шеъринг мусикавийлик кўшимча маъноси акс эттирилган.

Элизияли сўзларни инглиз шоири ва драматурги Уильям Шекспирнинг қатор асарларида ҳам учратиш мумкин. Шулардан бири “A Midsummer Night's Dream” пьесасида disturb'd, stretch'd, attain'd, fill'd каби элизияли сўзлар учрайди:

But with thy brawls thou hast **disturb'd** our sport
The ox hath therefore **stretch'd** his yoke in vain,
The ploughman lost his sweat, and the green corn
Hath rotted ere his youth **attain'd** a beard;
And crows are fatted with the murrion flock;
The nine men's morris is **fill'd** up with mud ...

Матндаги ажратиб кўрсатилган сўзларнинг барчасида **e** унлиси туширилган. Бундай қўллаш матнда кофиядош сўзларни юзага келтириб, оҳангдорликни кучайтирган. Бу ҳолат шеърнинг хотирада узоқ сақланишига ёрдам беради.

Элизияли нутқ кўпинча кишилар орасида бепарво, совуққон, норасмий, оддий, вақтинчалик суҳбат жараёнида ҳосил бўлади. Элизия ҳодисаси шеърятдан ташқари прозада ҳам персонаж нутқида ёзувчи томонидан атайлаб, била кўра туриб ишлатилиши мумкин. Фоностилистик жиҳатдан қараганда, фонетик структураси элизияга учраган сўзлар талаффузида коннотатив маънолар миқдори ортиқ бўлганлиги кўринади.

Бадий адабиётнинг айрим бир ўринларида табиий равишда нутқий нуқсонлари мавжуд бўлган қахрамонлар талаффузида қўлланилган элизияли сўзлар услубий аҳамиятга эга бўлмайди.

Худди инглиз тилида бўлганидек, товуш ёки бўғинлар тушиши билан ҳосил бўладиган элизия ҳодисаси ўзбек тили нутқий мулоқотида ҳам учрайди. Элизия нутқ вазиятига алоқадор бўлиб, унинг субъектига хос фонопрагматик компонентларни юзага чиқаради. Масалан:

Ай, кўнгилни китиклаган эрка гул!
Ай, оламини кўмган орзу – сирга, гул!
Қайга десанг, мен кетаман бирга, гул.

Бу матнда **каерга** сўзидаги **p** товушининг атайлаб туширилиши (баъзи диалектларда товуш туширилиши табиий ҳисобланади, бироқ адабий тил нуқтаи назаридан қаралганда, бу ҳолатлар ҳам муаллиф муносабатини ифодалашда катта аҳамият касб этади) билан ҳамдардлик, кўнгил олиш каби лингвопрагматик коннотатив маънолар юзага чиқади.

Бадий матнда оғзаки нутққа ва диалектал лексикага оид сўз қўллашнинг муҳим кўринишларидан бири уларни фонетик жиҳатдан қисқартириб қўллашдир. Сўзларнинг фонетик қисқарган шакллари бадий нутқнинг, шунингдек, оғзаки нутқнинг маҳсули ҳисобланади:

Хурматга бўлиб сазовор,
Хамманинг **бўб** қадди дол,

TILSHUNOSLIK

Хунарни **қиб** намойиш... (Б.Бойқобилов. «Тож Маҳал»).

Шеърӣ парчадаги бўлиб, қилиб равишдошларининг **бўб**, **қиб** каби қисқартма шакллари, биринчидан, шеърӣ матнга оғзаки нутққа хос оҳанг коннотатив маъносини киритган, иккинчидан, шеърӣ шаклни, яъни шеърӣ мисрадаги туроқларни жойлаштиришни таъминлашга хизмат қилган. Бўғин қисқариш ҳодисаси, асосан, поэтик нутққа хосдир:

Бир ўзима катта қозон қурмаса,
Қирқта-ўттиз ошпаз ош **қип** бермаса ...
Бир талотўп катта тўда **бўп** қолди,
Кўп бўз бола тўда-тўда **кеп** қолди ... (‘‘Авазхон’’).

Мисралардаги **қип**, **бўп**, **кеп** қисқарган вариантлар қофияни ростлаш, оҳангдорлик каби коннотатив маъноларни ифодалаган.

Тўлиқсиз феъл формаси **эмоқ** сўзи **эрмоқ** шаклида қўлланилади. Бу шакл, асосан, тарихий мавзудаги ва классик шеърӣят матнида учраб, кўтаринкилик, юқори тантанаворлик каби коннотатив маъноларни ифодалайди:

Мулки Ҳинду Марвдин келсам, топардим эътибор,
Шул **эрур** айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман. (Муқимий).

Экан феъли нутқ жараёнида қисқарган ҳолатга келиб, сўзлашув услубида **-кан**, бадий услубда **-кин** шаклида ўзидан олдин қўлланилган сўзга қўшилиб, қофияни ростлаш, оҳангдорлик учун хизмат қилади.

Била оларми**кин** қодир бу дунё,
Ета оларми**кин** ҳаёт қадрига. (Э.Воҳидов. Ота тилаги).

Ўтган замон феълининг анча илгари бўлган иш-ҳаракатни ифодаловчи қўшма шаклидаги **эмиш** сўзининг қисқарган варианты **-миш** бадий услубда ва сўзлашув услубида ишлатилиб, шеърӣятда қофияни ростлаш, қўшимча оҳанг ва жарангдорликни ҳосил қилиш, ҳиссиётни кучайтириш каби коннотатив маъноларни ифодалашга хизмат қилади.

Эски ўзбек тили ва тарихий мавзуларда ёзилган асарларда қўлланилган кўрсатиш олмошининг **бул**, **шул**, **ўшал** шаклларидаги охирги **-л** ундоши бугунги кунда туширилиб бу, шу, ўша шаклида талаффуз қилинмоқда. Бу ҳодиса ҳозирги тил нуқтаи назаридан услубий жиҳатдан нейтрал ҳодиса саналса, **бул**, **ул**, **шул**, **ўшал** шаклидаги кўрсатиш олмошлари тарихийлик, кўтаринкилик каби қўшимча маъноларни ифодалайди.

Нима олмоши **не** тарзида қисқарганда, учун кўмакчиси билан биргаликда ишлатилиши ва баъзан поэтик талабга кўра учун ҳам қисқартиб, **чун** (**чүк**) ҳолига келиши ҳамда **нечун** **нечук** шаклида қўлланилишида қофияни ростлаш, мусиқийликни ошириш, оҳангдорлик каби қўшимча коннотатив маънолар янада кучаяди:

Нечун туғдинг мени бахти қарони,
Балога муфтало мотам сарони. (‘‘Навоий’’ драмаси).

Томоша қил мен Қайсарни **нетаман**, Омин де, отажон, майдон кетаман. каби. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида **нетмоқ** сўзининг поэтик сўз эканлиги [ЎТИЛ, III жилд, 35] қайд этилган.

Бадий нутқда қайси олмоши ва қаер нисбий сўзи **қай** фонетик вариантыда учраганда ҳам қўшимча экспрессивлик ҳосил қилинади.

*Сўроқ олмошларида стиллараро умумийлик мавжуд. Фақат нима, қайси, қаер олмошларининг **-не**, **-на**, **-қай** тарзда қисқарган шаклларидагина бадий услубга хосликни кўриш мумкин.*

Шундай қилиб, чоғиштирилаётган тиллардаги элизияли сўзларнинг коннотатив маънолари ранг-баранглиги ва серкирралиги жиҳатидан бир-бирига ўхшайди. Айни замонда уларнинг миқдори инглиз тили сўзлашув нутқида кўпроқдир.

Ҳар иккала тилда ҳам сўзлардаги элизия туфайли нутқда қисқалик, ҳаяжон, шошилиш, мулойимлик, осонлик, эҳтирос, талаффуздаги қийинчилик каби қатор коннотатив маънолар ифодаланади.

Шеърятда эса вазнда қофияни ростлаш, ритм ва оҳангдорлик, муסיкийликни янада кучайтириш учун хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Caroline Newton. *Between-word processes in children with speech difficulties: Insights from a usage-based approach to phonology*. Developmental Science, Division of Psychology and Language Sciences, University College London. P. 21-24.
2. Daniel Jones, "English Pronouncing Dictionary", 17th ed. Cambridge University Press, 2006. P. 286-399.
3. Tej R Kansakar, "A Course in English Phonetics". Orient Blackswan, 1998. P. 54.
4. William Safire, "The Elision Fields." *The New York Times Magazine*, August 13, 1989. P. 15.
5. Анвар Ҳайдаров. *Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши. Монография*. – Т.: "Наврӯз" нашриёти, 2017. – 117 б.
6. Миртожиев М. *Ўзбек тили фонетикаси*. – Т., 1991. – 88 б.
7. Норова М. *Нутқ услублари таҳлили. Прагматингвистика, функционал таржимашунослик ва тил ўргатиш жараёнлари интеграцияси мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами*. – Бухоро, 2018 йил 15-16 ноябрь. 37-39-б.

UDK: 811.111'362 811.531'362 811.512.133'362

INGLIZ, KOREYS VA O'ZBEK TILLARIDA HURMAT SHAKLI IFODALANISHINING QIYOSIY TADQIQI

СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ВЫРАЖЕНИЯ УВАЖЕНИЯ НА АНГЛИЙСКОМ, КОРЕЙСКОМ, И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

COMPARATIVE STUDY ON THE EXPRESSIONS OF RESPECT IN ENGLISH, KOREAN, AND UZBEK LANGUAGES

Xayatova Zarnigor Marufovna

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zMU tayanch doktoranti

Annotatsiya. *Maqolada ingliz, koreys va o'zbek tillarida hurmat shakli haqida so'z yuritilgan. Har bir tildagi hurmat shaklining ifodalanishi haqida gapirilib, misollar keltirilgan. Ingliz, koreys va o'zbek tilidagi hurmat shaklining o'xshashlik va farqli tomonlari o'rganilib, o'zaro taqqoslangan. Hurmat shaklining ingliz, koreys, rus va o'zbek tillarida bir tildan ikkinchisiga tarjima qilishdagi qiyinchiliklar haqida so'z yuritilgan.*

Tayanch so'zlar: *hurmat shakli, sonet, kategoriya, kelishik, tarjima, shaxs va son, leksik, fonetik, muloqot, adabiyot, dialektika, kontekst.*

Аннотация. *В статье рассматриваются формы уважения на английском, корейском и узбекском языках. Рассмотрены примеры выражения уважения на каждом языке. Изучены схожесть и отличия, а также произведено сравнение форм уважения на английском, корейском и узбекском языках. Речь шла о трудностях перевода формы уважения с одного языка на другой на английский, корейский, русский и узбекский языки.*

Ключевые слова: *форма уважения, сонет, категория, падеж, перевод, лицо и число, лексическое, фонетическое, общение, литература, диалектика, контекст.*

Abstract. *The article deals with forms of respect in English, Korean and Uzbek. Examples of expressing respect in each language are considered. The similarities and differences were studied, as well as a comparison of the forms of respect in English, Korean and Uzbek. It is said that respect form is difficult to translate from one language to another in English, Korean, Russian and Uzbek languages.*

Key words: *respect form, sonnet, category, case, translation, person and number, lexical, phonetic, communication, literature, dialectics, context.*

Kirish. Bugungi kunda yer yuzida qariyb uch mingta til mavjud. Ulardan ba'zilarida, masalan, xitoy, ingliz, arab, hind, ispan tillarida sayyoramizda yuz millionlab odamlar gaplashsa, yukagir, ket, negidal, nganasan kabi boshqa tillarni oz sonli odamlar ishlatadi. Ba'zi tillar, masalan, yunon yoki xitoy kabi tillar ko'p yillik adabiy an'analarga ega tillar turiga kiradi. Boshqa tillar uchun, masalan, aranta, nikobar kabi tillar uchun esa shu paytgacha yozma shakl yaratilmagan. Ular

TILSHUNOSLIK

faqat doimiy aloqa vositasi sifatida ishlatiladi. Masalan, nenets yoki tuvinsk kabi ba'zi tillar uchun alifbo faqat XX asrda yaratilgan. Har bir tilning dunyoga kelish sabablari, shakllanish hamda taraqqiy etish tarixi bo'lgani kabi o'zbek, ingliz va koreys tillarining ham o'ziga xos kelib chiqish tarixi va dialektikasi mavjud.

Tillardagi hurmat shakli ham tarjimaga o'zgacha joziba beradi. Misol qilib oladigan bo'lsak, Ingliz tilidan (you) farqli o'laroq, rus va o'zbek tillarida murojaat shakli ikki xil (o'zbek tilida: sen, siz va rus tilida: вы, ты) bo'lib, koreys tilida murojaat uch shaklga, ya'ni:

Amaldorlarga va o'zi tanimagan insonlarga murojaat;

Kattalarga bo'lgan murojaat;

O'zi yaxshi bilgan insonlarga nisbatan murojaat shakli (bunda sensirab gapiriladi) mavjuddir.

'What!' said the master at length, in a faint voice.[5]

– Что такое?.. – слабым голосом произнес, наконец, надзиратель.

– Nima deding?.. – dedi nazoratchi axiyri arang ovozi chiqib.

"뭐라고!" 마침내 주방장이 희미한 목소리로 말했다.[10]

Yuqoridagi misollarda asardagi 'What!' so'zi **Что такое?, Nima deding?, "뭐라고!"** deb rus, o'zbek va koreys tillariga tarjima qilingan. O'zbek va koreys tillaridagi tarjimalar bir xil bo'lib, uchinchi shaxs, birlik songa nisbatan murojaatni bildirsa, ingliz va rus tilidagi tarjimalar aniq shaxs va songa tegishli emas. Ammo kontekstdan kelib chiqib, kitobxon shaxs va sonni o'zi anglab yetishi mumkin.

Asosiy qism. Ingliz tili qanchalik boy til bo'lishiga qaramasdan, rasmiy va norasmiy muloqot orasida tafovut yo'qligi kishini biroz o'yga to'ldiradi. Chunki ular bitta qisqacha "you" olmoshi orqali ham siz, ham sen tarzida murojaat qilishlari mumkin. Ingliz tili ham boshqa tillar singari doimiy rivojlanishda bo'lib, ham grammatik, leksik va fonetik jihatdan o'zgarib boradi. Ammo bunday o'zgarishlar doimiy yangilanishlarni olib kirmaydi, aksincha, uning ortida ma'lum bir shakllar yo'qolib borishi ham mumkin. Balki o'z zamonasining buyuk adabiyotchilari bugungi kun gazetalarini o'qiganda, tushunmagan bo'larmidi. Ko'p yillar oldin inglizlar "sen" va "siz shakllarini o'zaro farqlashgan.

The Nominative Case, Singular	Thou
The Nominative Case, Plural	Ye
The Objective Case, Singular	Thee
The Objective Case, Plural	You

'D'ye hear, Work'us?' said Noah Claypole. 'Lor, Noah!' said Charlotte, 'what a rum creature you are! Why don't you let the boy alone?' [5]

Biroq o'rta asrlarda ko'plik shakllari - ye va you - keng tarqalgan. Ular, ayniqsa, mansabdor shaxslarga, muhim shaxslarga nisbatan hurmat va ehtiromni ifodalash uchun ishlatilgan. Ko'plik shaklining keng tarqalganligi birlik olmoshini yo'q qildi - thou va thee (aytishimiz mumkini thou olmoshi o'zbek tilidagi "sen" olmoshiga mos kelar edi), 1600-yilga kelib, ulardan butunlay voz kechildi. Hozirgi kunda bunday olmoshlarni faqat she'riyatda va Injilda uchratish mumkin.

Misol uchun U. Shekspir o'zining sonetida do'stiga "sen" deb murojaat qiladi:

*Look in thy glass, and tell the face **thou** viewest
Now is the time that face should form another;
Whose fresh repair if now **thou** not renewest,
Thou dost beguile the world, unbless some mother.
For where is she so fair whose unear'd womb
Disdains the tillage of thy husbandry?
Or who is he so fond will be the tomb
Of his self-love, to stop posterity?
Thou art thy mother's glass, and she in **thee**
Calls back the lovely April of her prime:*

TILSHUNOSLIK

*So thou through windows of thine age shall see
Despite of wrinkles this thy golden time.
But if thou live, remember'd not to be,
Die single, and thine image dies with thee.[2]*

Ammo hozirgi kunga qadar ba'zi lahjalarda alohida "sen" va "siz" shakllarini hozir ham mavjud. Masalan, Lankashir va Yorkshirda thu / tha qaratqich kelishigi, birlik son sifatida ishlatilsa, thee esa jo'nalish kelishigi, birlik son sifatida ishlatilib kelinadi.

“언어 예절”, ya'ni “muloqot xulqi” bilan tanishishdan oldin koreys tilidagi muloqot xulqining kategoriyalari haqida ma'lumotga ega bo'lishimiz lozim. Koreys tili ayni vaqtda quyidagi muloqot kategoriyalariga bo'lingan:

높임법	hurmat kategoriyasi
완곡어법	aylanma muloqot kategoriyasi
인사법	salomlashish va xayrlashish kategoriyasi
호칭법과 지칭법	atamalar kategoriyasi

1. 높임법 – ushbu kategoriya odatda mansab, yosh jihatdan yuqorida turgan kishiga nisbatan ishlatiladi. Ammo tanimagan odamga yoki xizmat ko'rsatilayotgan mijozga nisbatan ham ishlatilishi mumkin. Koreyslarda hurmat-e'tibor judayam yuqori pog'onada turishiga aynan ushbu kategoriya misol bo'la oladi.

할아버지께서 들어오십니다. Bobom kirib keldilar.

1. 완곡어법 – Koreys millati o'ziga xos xarakterga ega bo'lgani uchun muloqot xulqi muammosini milliy xarakter, o'ziga xos urf-odatlar, qadriyat va an'alarini hisobga olmasdan turib, o'rganish mutlaqo mumkin emas. Chunki muloqot xulqi millat xarakterining uzviy bir qismi bo'lib, bir-biri bilan chambarchas bog'liqdir. Koreys tilida har doim so'zlovchi va tinglovchi o'rtasida baholash (o'zaro hurmat va izzat) shakllarini ifodalaydigan so'zlar ishlatiladi.

이 옷은 그다지 비싸지 않습니다. Bu kiyim unchalik qimmat emas.

2. 인사법 – Ushbu kategoriya salomlashish va xayrlashish uchun ishlatiladigan so'zlarni o'z ichiga qamrab olgan kategoriyadir.

1) 안녕하십니까?- Assalomu alaykum!

2) 안녕!- Salom!

3) 안녕히 가십시오!- Yaxshi boring! [8]

3. 호칭법과 지칭법 - 호칭법과 지칭법- atamalar kategoriyasida ma'lum bir kasb, fan va turli sohalarga oid terminlar ishlatiladi. Qarindoshlik atamalari ham shular ichiga kiradi.

어머니, 어디 계세요? Oyijon, qayerdasiz?

Yuqorida ko'rsatib o'tilgan 4 ta kategoriyadan tashqari hurmat shaklini ifodalash maqsadida koreys tilida alohida so'zlar ham mavjud.

자다 - 주무시다 – uxlamoq;

죽다 – 돌아가시다 – o'lmoq, vafot etmoq;

있다 – 계시다 - bor bo'lmoq;

먹다 – 드시다 – yemoq. [9]

TILSHUNOSLIK

O'zbek tilida esa hurmat shakli ingliz va koreys tillaridan biroz farq qilsa-da, uchchala til orasidagi o'zaro o'xshashliklar ham mavjud. O'zbek tilida hurmat shakli ko'plik qo'shimchasi -lar va ba'zi bir egalik qo'shimchalari orqali ifodalanadi.

O'zbek tilida hurmat shaklini ifodalash bir necha usulda amalga oshiriladi: otlarga -lar qo'shimchasini qo'shish, egalik qo'shimchalari va fe'llarga shaxs ko'rsatkichlarini qo'shish orqali amalga oshiriladi. [3]

Qarindoshlik, yaqinlik ma'nosini bildiruvchi ot so'z turkumiga kiruvchi so'zlarga egalik qo'shimchasidan keyin -lar affiksi qo'shilganda, hurmat ma'nosini ifodalab keladi:

dadamlar, buvimlar, akamlar, ammamlar.

Agar -lar affiksi egalik ko'rsatkichidan avval qo'shilsa, bunday otlar ko'plik ma'nosidan tashqari boshqa modal ma'nolarga ham ega bo'lishi mumkin: [1]

akamlar – akalarim,

amakinglar – amakilaring,

otamlar – otalarim.

Shuningdek, hurmat ma'nosida ishlatilgan otlar bilan qaratqich kelishigi vositasida birikkan ba'zi narsa-buyum otlariga egalik qo'shimchasidan avval -lar affiksi qo'shilganda ham hurmat ma'nosi anglashiladi.

Bobolarning kitoblari, opamlarlarning ko'ylaklari, amakimlarning mashinalari.

Shaxs ko'rsatkichlarining birlikdagi -i, -ing affikslari faqat bir ma'noni ifodalasa, ko'plikda -(i)miz, va -(i)ngiz affikslari ko'p ma'nolidir. [6] Chunki ular qo'shilgan o'zak orqali ko'p shaxsga va bir shaxsga qaratilgan hurmat ma'nosi ham anglashiladi:

Ustozimiz – bizning ustozimiz; ustozimiz – mening ustozim,

Ustozingiz – sizning ustozingiz; ustozingiz – sening ustozing.

Misollardan ko'rinib turibdiki, bu egalik affikslari birinchi ma'nosida shu shaxslarning ko'pligini, ikkinchi ma'nosida esa shu shaxslar birligining sizlash, hurmat ma'nosini ifodalamoqda. Demak, I va II shaxsning -(i)miz va -(i)ngiz affikslari ko'p ma'noli, -(i)nglar, -laring variantlari esa bir ma'noli bo'lib, keyingi ikki variant ham ma'noda o'zaro farq qiladi: -(i)nglar sizlab, -laring senlab gapirishda qo'llanadi. [7]

III shaxs -i ko'rsatkichi son jihatdan farq qilmaydi. Shuning uchun uning daftari, ularning daftari tarzida ishlatish mumkin. Lekin I, II shaxs egalik affikslari kabi shaxsda hurmat, sizlash ma'nosida moslashadi. III shaxsning -lari affiksi ham yuqoridagi kabi ikki ma'noda. Bu kabi ma'no bildirish faqatgina o'zbek tiliga xosdir. [6]

Xulosa. Har qanday til geografik va etnik kelib chiqishi, urf-odatlari, madaniyati jihatidan o'zida turli shakllarni keltirib chiqaradi. Ushbu shakllardan hurmat shakli katta e'tirofga ega. Albatta, turli tizimli tillarda ushbu shaklning mavjudligi va qo'llanilishi turlicha. Koreys va o'zbek tillarida hurmat shaklli yaqqol namoyon bo'lib tursa-da, ingliz tilida hurmat shaklini kontekstdan tushunib anglash mumkin. Ammo yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek, hurmat shakli haqidagi fikrlar hali-haligacha qo'shimcha o'rganishlar va izlanishlarga tayanadi.

ADABIYOTLAR

1. Asqarova M. Respublika maktablarida ona tili o'qitish va nutq madaniyati. // «Nutq madaniyatiga oid masalalar» to'plami. – T.: Fan, 1973. 42-47-b.
2. Hubler, Edwin. *The Sense of Shakespeare's Sonnets*. Princeton: Princeton University Press, 1952.
3. Qudrat Musayev. *Tarjima nazariyasi*. – T.: Fan, 2005. 55-60-b.
4. Choy Yun Xi. *Problemi sopostavleniya vnutrenney formi frazeologizmov*. Yazik soznaniye kommunikatsiya. Vipusk 16. Moskva, Maks Press. 2001. 43s
5. Dickens Charles, *Oliver Twist*. England.: Planet ebook, 1838. 49 p.
6. Raxmatullayev Sh. *O'zbek tili grammatikasi (morfologiya)*. – T., 1975. 144-190-b.
7. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X. *Hozirgi o'zbek adabiy tili. 1-qism*. – T.: O'qituvchi, 1980. 107-149-b.
8. 이주행, 김상준. *아름다운한글 7어*. 서울. 지구화사. 2005. 56 p
9. 표준국어대사전. 국립국어연구원. 서울. 독산동안. 1999. 72-83 p
10. 율김 이인규, 올리버 트윅스트 1, 디킨스 찰스, 서울: 민음사. 2018. 33-34 p

УДК: 551.4.03

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЮКЛАМАЛАРНИНГ
МАЪНОВИЙ ГУРУҲЛАНИШИ

СМЫСЛОВАЯ ГРУППИРОВКА ЧАСТИЦ НА АНГЛИЙСКОМ
И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

SEMANTIC GROUPING OF PARTICLES IN ENGLISH
AND UZBEK LANGUAGES

Каххорова Гулрух Шавкатовна
БухДУ таянч докторанти

Аннотация. Мақолада инглиз ва ўзбек тилидаги юкламаларнинг маъновий гуруҳлари ҳақида сўз юритилган. Уларнинг грамматик хусусиятлари ёритиб берилган. Инглиз тилида “particles”, ўзбек тилида “юкламалар” деб ўрганиладиган бу тил ҳодисалари ёрдамчи сўзлар гуруҳига мансублиги кўрсатилган. Инглиз ва ўзбек тилидаги юкламаларнинг маъновий гуруҳлари орасида муштарак ва фарқли жиҳатлар мавжудлиги аниқланиб, мисоллар асосида далилланган. Юкламаларнинг нутқни ташкил қилувчи сўз ва гапларга қўшимча маъно бериш вазифасини бажариши асосланган.

Таянч сўзлар: морфология, юклама, ёрдамчи сўзлар, маъно, тасниф, тил, нутқ.

Аннотация. В статье рассматриваются смысловые группы загрузок на английском и узбекском языках. Их грамматические особенности раскрыты. Эти лингвистические явления, которые изучаются как «частицы» на английском языке и «загрузки» на узбекском языке, относятся к группе вспомогательных слов. Есть общие черты и различия между духовными группами загрузок на английском и узбекском языках, и это доказано на примерах. Загрузки основаны на функции придания дополнительного значения словам и фразам, составляющим речь.

Ключевые слова: морфология, частицы, вспомогательные слова, значения, классификация, язык, речь.

Abstract. The article deals with the spiritual groups of downloads in English and Uzbek. Their grammatical features are revealed. These linguistic phenomena, which are studied as “particles” in English and “downloads” in Uzbek, belong to the group of auxiliary words. There are commonalities and differences between the spiritual groups of the English and Uzbek downloads, and it is proved on the basis of examples. Downloads are based on the function of giving additional meaning to the words and phrases that make up speech.

Key words: morphology, particles, auxiliary words, meaning, classification, language, speech.

Кириш. Инглиз ва ўзбеклар бир-биридан жуда узоқ ҳудудларда яшаб, турли тиллар оиласига қарашли ҳар хил тизимдаги тилларда сўзлашсалар-да, уларнинг сўз туркумлари бўлинишида ўзига хос яқинликлар мавжудлиги эътиборни тортади. Жумладан, ҳар иккала тил тизимида юкламалар мавжуд бўлиб, ёрдамчи сўзлар қаторига киритилади. Рус тилида “частицы”, инглиз тилида эса “particles” деб юритиладиган шундай лисоний бирликлар борки, улар нутқни ташкил қилувчи сўз ва гапларга қўшимча маъно бериш вазифасини бажаришга хизмат қилади. Сўз ёки гапга қўшимча қисм сифатида қўшилиб келувчи ва уларга қўшимча маъно юклашга ёрдам берувчи бундай бирликлар ўзбек тилида “юкламалар” номини олган.

Асосий қисм. Юкламалар қўшимча қисм сифатида сўз ёки гапга қўшилиб келиши боис ўз кўринишини ўзгартирмайди, таркибига қўшимча ололмайди, ясадиш хусусиятига эга эмас. Улар фақат грамматик маъно, грамматик шакл ва грамматик вазифага эга бўлиб, сўз

кўринишида учраса-да, аташ маъносини билдирмайди. Шунинг учун гап бўлаги ҳам бўлолмайди. Урғу ололмайди.

Ж.Бўронов инглиз тилидаги юкламаларга шундай таъриф берган: “Маълум сўз, конструкция ёки бутун гапга тегишли бўлиб, унинг маъносини кучайтириб, сусайтириб, айириб, чегаралаб ёки сўроқ маъносини билдириб келувчи (алоҳида сўзларга боғлиқ ҳолда сўзларнинг қўшимча маъноларини билдирувчи) ёрдамчи сўзлар юкламалардир” [2, 281]. Бу таъриф орқали англашиладики, инглиз тилида юкламаларнинг бир неча маъновий гуруҳлари мавжуд. Дарҳақиқат, инглиз тилидаги юкламалар қуйидаги маъновий гуруҳларга ажратиб ўрганилади:

1. Айирув-чегаралов юкламалари – Limiting particles. Бунга *even, only, merely, barely, almost, nearly, scarcely, hardly, solely, just, but, alone* кабилар мисол бўлади. Бу юкламалар, асосан, фақат ва ёлғиз, шунчаки маъноларида қўлланиб, гапдаги маълум сўзни ажратиб, чегаралаб кўрсатишга, унинг маъносига қўшимча тарзда яна айирув-чегаралаш маъносини юклашга, шу маънода уни бошқа сўзлардан ажратиб таъкидлашга хизмат қилади. Масалан: “I should be as ready to acknowledge his merits as any other man; but I hear of none, except what are *merely* personal; that he is well-grown and good-looking, with smooth, plausible manners.” [3, 80]. (Таржимаси: “Мен ҳар қандай одам каби унинг хизматини тан олишга тайёр бўлишим керак; лекин мен ҳеч нарсани эшитмаяпман, *фақат* шахсий нарсалардан ташқари; у яхши тарбияланган ва гўзал, ёқимли, тўғри хулқ-атворли”).

Инглиз тилидаги “*merely*” юкламаси “фақат шунчаки” маъносида ҳам учрайди. Жумладан: “And have you never known the pleasure and triumph of a lucky guess? – I pity you. – I thought you cleverer – for, depend upon it a lucky guess is never *merely* luck. There is always some talent in it. [3, 6]. (Таржимаси: “Сиз ҳеч қачон бахтли тахминнинг ғалабаси ва нашидасини билмаганмисиз? – Мен сизга ачинаман. Мен сизни ақлироқ деб ўйлагандим, чунки унга боғлиқ омадли тахмин шунчаки омад эмас. Ҳар доим унда баъзи истеъдод бор”).

2. Кучайтирув-таъкид юкламалари – Emphatic or intensifying particles. Бу гуруҳни *even, yet, still, all, just, simply, never, but, only, quite, too, very* каби ҳатто, ҳаттоки, наҳотки, ахир, ҳам сингари оттенкаларда қўлланувчи юкламалар ташкил қилади. Улар, одатда, ўзи боғланиб келган сўзнинг маъносини кучайтириб, таъкидлаб кўрсатишга ёрдам беради. Масалан: “Well! that is quite – I suppose there *never* was a piece of news more generally interesting. My dear sir, you really are too bountiful” [3, 91]. (Таржимаси: “Ажойиб! Бу шундай, менимча, ҳамма учун бундан-да қизиқарли янгиликлар *наҳотки* бўлмагандай. Қадрли жаноб, сиз ҳақиқатан ҳам жуда сахий).)

Инглиз тилидаги *yet* кучайтирув-таъкид юкламаси моҳиятан ўзбек тилидаги *ҳам* юкламасига мос келади. Масалан: “That would be so very painful a conclusion of their present acquaintance! and *yet*, she couldnot help rather anticipating something decisive” [3, 168]. (Таржимаси: “Уларнинг ҳозирги танишувларининг хулосаси шунчалик оғриқли бўлар эди! Ва у *ҳам* ҳал қилувчи нарсани кутган ҳолда ёрдам бера олмас эди).)

Инглиз тилидаги *even* кучайтирув-таъкид юкламаси моҳиятан ўзбек тилидаги *ҳатто* юкламасига тўғри келади. Масалан: “When she looked at the hedges, she thought the elder at least must soon be coming out; and when she turned round to Harriet, she saw something like a look of spring, a tender smile *even* there. [3, 100]. (Таржимаси: “У тўсиқларга қараганида, ҳеч бўлмаганда каттароқ киши ташқарига чиқиши керак деб ўйлади ва Гарриетга ўгирилиб, у баҳорнинг кўринишини, нозикликни ва *ҳатто* шу ерда ҳам табассумни кўрди.)

Инглиз тилидаги *just* кучайтирув-таъкид юкламаси моҳиятан ўзбек тилидаги *ахир* юкламасини ёдга солади. Масалан: “Emma was most agreeably surprized. – Mr. Elton's absence just at this time was the verything to be desired”. [3, 75]. (Таржимаси: Эмма жуда ҳайратда қолди. *Ахир* ҳозир Элтоннинг йўқлиги жуда муҳим исталган нарса эди).

3. Аниқлов юкламалари – Specifying particles. Бунга *just, right, exactly, precisely* (нақ, худди) кабилар мисол бўлади. Бу каби юкламалар ўзи боғланиб келган сўзнинг маъносини аниқлаштиришга ёрдам беради. Масалан: “We want only two more to be *just* the right number. I should like to see two more here, – your pretty little friend, Miss Smith, and my son – and then I

should say we were quite complete” [3, 65]. (Таржимаси: “Биз яна иккита **нақ** айнан тўғри рақам бўлишини истаймиз. Мен яна иккитасини кўришни хоҳлайман бу ерда, сизнинг жуда кичкина дўстингиз, Мисс Смит ва ўғлим, шундагина биз жуда яхши тўлиқ бўла олардик”).

Худди, нақ маъноси **precisely** юкламаси воситасида ҳам ифода қилинади. Масалан: “Very true, Miss Woodhouse, so she will. He is the very best young man – But, my dear Jane, if you remember, I told you yesterday he was **precisely** the height of Mr. Perry” [3, 92]. (Таржимаси: “Тўғри, мисс Вудхаус, шундай бўлади. У энг зўр йигит. – Аммо, азизим Жейн, агар эсласангиз, кеча сизга айтган эдим, у **нақ** жаноб Перрининг бўйидек эди).

4. Инкор юкламаси – Negative particle. Бунга **no, not, never** юкламалари мансуб бўлиб, ҳеч, сира, йўқ тушунчаларига тўғри келади. Ўзбек тилида бундай юклама тури **на...на** шаклида учрайди. Масалан: “Never trust anyone who has not brought a book with them”. (Snicket, Lemony: Horseradish: Bitter Truths You Can't Avoid, 2007.) (Таржимаси: “Ўзи билан китоб олиб келмаган кишига ҳеч ҳам ишонманг / умуман ишонманг”).

5. Фикрни тўлдиришга чорловчи юклама – Additive particle. Бунга **else** сўзи мисолдир. Мазкур юклама баён этилаётган фикрни тўлдириш учун яна нима қўшиш мумкинлигини сўраш учун қўлланилади. Шу боисдан у қатнашган гаплардан сўнг кўпинча сўроқ белгиси (?) қўйилади. Масалан: “Do you have anything **else** to add?” (Таржимаси: “Сиз яна нимадир қўшишингиз мумкинми?”)

Ўзбек тилида қўшимча кўринишида махсус сўроқ ва таажжуб юкламалари (**-ми, -чи, -а, -я** каби) мавжуд. Улар қўлланган гап сўроқ гапни ташкил қилади. Бу юкламалардан биттаси ёки бир нечтаси бир гапда қўлланиб келиши мумкин. Масалан: Сиз йиғилишга борасиз**ми**? / Сиз**-чи**, йиғилишга борасиз**ми**?

6. Инглиз тилида бириктирувчи ёки умумлаштирувчи – Connecting particles (*too, also* каби) юкламалари ҳам қўлланади. Ўзбек тилида эса бундай юкламалар йўқ. Бу ўринда айтиш керакки, аслида кучайтирув-таъкид юкламалари саналмиш **-у / -ю, ҳам** юкламалари яқин маъноли, бир туркумга мансуб сўзлардан (*ошу нон, дўсту ёр, гулу лола*); антоним, яъни шакли ва маъноси ҳар хил, аммо маъноси бир-бирига зид, қарама-қарши, айни пайтда туркуми бир хил сўзлардан (*яхшию ёмон, каттаю кичик, ўгилу қиз*); синоним, яъни шакли ҳар хил, аммо маънодош, туркуми бир хил сўзлардан (*бахту саодат, ошу овқат*) ҳосил бўлган жуфт сўзлар ўртасида келиб, уларни ўзаро бириктиришга хизмат кўрсатади. Бироқ бунда улар юклама сифатида маъно юклаш вазифаси билан эмас, балки кўпроқ боғловчи сифатида икки сўзни тенг муносабатга киритиш, боғлаш вазифасини бажариб келиши инобатга олиниб, вазифадош боғловчи ҳисобланади.

Шунингдек, ўзбек тилида умумлаштирувчи юкламалар эмас, умумлаштирувчи (*умуман, умуман айтганда* каби) модал сўз ва модал кириш бирикмалари мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, одатда, инглиз тилида юкламалар ўзи боғланиб келган сўздан олдин қўлланади. Камдан-кам ҳолатлардагина улар ўзи боғланиб келган сўздан кейин келиши мумкин. Масалан: “I can't remember him at all. I've even forgotten what he looks like”. (Таржимаси: “Мен уни ҳеч ҳам эслай олмайман, ҳаттоки унинг кўринишини ҳам унутиб қўйганман”).

Кўринадекки, инглиз тилида юкламалар олти маъновий гуруҳга ажратилган. Ўзбек тилида ҳам юкламалар грамматик маъно англатиб, лексик маъно англатмаса-да, олтига маъновий гуруҳга бўлинади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида айрим сўзларга (яъни гап бўлақларига) ёки гапга қўшилганда англатадиган маъноларига ҳамда кўриниши ҳамда ёзилишига қараб юкламанинг бир-биридан фарқланувчи олтига маъно тури, сўз ва қўшимча кўринишида бўлиши, қайсилари сўзга қўшиб, қайсилари сўздан чизикча ёрдамида ажратиб ёзилишини қуйидагича жадвалда акс эттириш мумкин:

Ўзбек тилида юкламалар кўринишига кўра ҳам сўз, ҳам қўшимча кўринишида мавжуд бўлса, инглиз тилида улар фақат сўз кўринишида учрайди.

TILSHUNOSLIK

Юкламалар						
№	Маъно турлари	Мазмун-моҳияти ва вазифаси	Кўринишига кўра турлари		Ёзилишига кўра турлари	
			Сўз юкламалар	Қўшимча юкламалар	Сўзга қўшиб ёзиладиган юкламалар	Сўздан сўнг (-) қўйиб ёзиладиган юкламалар
1.	Сўроқ-таажжуб юкламалари		–	-ми, -чи, -а, -я,	-ми	-чи, -а, -я,
2.	Кучайтирув-таъкид юкламалари		ахир, ҳатто, ҳаттоки, наҳот, наҳотки, ҳам, гирт	-у, -ю, -ку, -да, -оқ, -ёқ	-оқ, -ёқ	-у, -ю, -ку, -да
3.	Аниқлов юкламаси		нақ, худди, қоқ	-ки, -ким	-ки, -ким	–
4.	Айирув-чегаралов юкламаси		фақат (ёлгиз)	-гина (-кина, -қина)	-гина (-кина, -қина)	–
5.	Инкор юкламаси		на-на, ҳеч, сира	–	–	–
6.	Гумон юкламаси		–	-дир	-дир	–

Шуниси ҳам борки, ҳар иккала тилда ҳам бир маъно гуруҳига мансуб юкламалардан биттаси ёки бир нечтаси, ёки бир гапда бир неча маъно гуруҳига мансуб юкламалар аралаш қўлланиб келиши кузатилади. Масалан: “I have organised a perfectly wonderful party, but you even did not pay attention, you neither called at me, nor phoned, just ignored everything”. (Таржимаси: “Мен жуда ажойиб зиёфат кечасини уюштирдим, бироқ сен ҳаттоки эътибор ҳам қилмадинг. Сен на таширф буюрдинг, на кўнғироқ қилдинг, шунчаки ҳаммасини инкор этдинг”).

Хулоса. Хуллас, юкламалар коммуникацияда қўшимча восита сифатида иштирок этувчи ва пресуппозицияга ишора қилувчи воситалардан биридир. Улар нутқда ўзига хос мантиқий маъноларни англатиб келади ва ўзи иштирок этган гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради. Юкламалар матнда алоҳида кўриниб турадики, шунисига кўра уларни аниқлаш қийин бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Бозоров О. Ўзбек тилининг юклама категорияси. – Ўзбек тили ва адабиёти. – 1972. – 2-сон. 27–б.
2. Бўронов Ж. English Grammar. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 281б.
3. Jane Austen. Emma. – London: Published for John Murray, 1816.
4. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Исқандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 164 б.

УДК: 82-9

БАДИЙ МАҲОРАТ СИРЛАРИ КАШФИЁТЧИСИ
ИССЛЕДОВАТЕЛЬ ОСОБЕННОСТЕЙ ХУДОЖЕСТВЕННОГО МАСТЕРСТВА
THE RESEARCHER OF ARTISTIC SKILLS SECRETS

Холмуродов Абдуҳамид
НавДПИ профессори, фил.ф.д.

Аннотация. Мақолада адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошининг ўзига хос таҳлил услуби, адабий жараёндаги ўзгаришларга муносабат ҳақида фикр юритилган. Мақолалар тўпламидаги бобларнинг ўзаро узвийлиги, фикрларининг изчиллиги ва илмий аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Ишда тадқиқотчининг бадиий маҳорат муаммосига муносабати очиб берилган. Шунингдек, олимнинг сўз санъатида бўлган илмий муносабати ёритилган. Шу асосда муайян илмий-назарий хулосалар чиқарилган.

Таянч сўзлар: мунаққид, адабий асар, адабий танқид, бадиий маҳорат, сюжет, шеър, шоир, роман, тадқиқотчи услуби, илмий ижод, адабий-бадиий жараён.

Аннотация. В статье рассматривается уникальный метод анализа литературоведа Казакбая Юлдаша, его отношение к изменениям в литературном процессе. Была предпринята попытка выявить взаимозависимость глав в сборнике статей, согласованность их идей и их научную значимость.

Исследование раскрывает подход исследователя к проблеме художественного мастерства. Это также подчеркивает научный подход ученого к искусству речи. На этой основе были сделаны определенные научные и теоретические выводы.

Ключевые слова: критик, литературное произведение, литературная критика, художественное мастерство, действие, стихотворение, поэт, роман, исследователь стиля, научное творчество, литературно-художественный процесс.

Abstract. The article discusses a unique method of analysis of the literary critic Kazakboy Yuldash, his attitude to changes in the literary process. An attempt was made to identify the interdependence of the chapters in the collection of articles, the consistency of their ideas and their scientific significance.

The study reveals the researcher's approach to the problem of artistic mastery. It also emphasizes the scientist's scientific approach to the art of speech. On this basis, certain scientific and theoretical conclusions were drawn.

Key words: critic, literary work, literary criticism, artistic skill, plot, poem, poet, novel, style researcher, scientific creativity, literary and artistic process.

Адабий асар моҳиятини теран англаб етишда адабий танқидчиликнинг ўрни ва аҳамияти катта. Таҳлилнинг теранлиги, илмий тадқиқотнинг янгилиги мунаққиднинг маҳорати, синчковлиги, назарий билимининг бойлигига боғлиқ. Адабиёт майдонида пайдо бўлган ҳар бир асар, агар у катта истеъдод билан яратилган бўлса, бадиий адабиёт мутахассислари унга муносиб баҳо бергандагина, бу бадиий яратманинг чинакам бадиий ва тарбиявий мавқеи ойдинлашади. Чунки адабиётшунос олим асарни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, унинг моҳиятини тушунтириб беради, ёзувчи ёки шоирнинг бадиий маҳорат сирларини кашф этади. Пушкиннинг Пушкин бўлишида, Лермонтов асарларининг ўлмаслигини исботлашда В.Г. Белинскийнинг хизматлари беқиёс бўлганлиги ҳамон эътироф этиб келинади. Ж.Жойснинг “Улисс” романини ўқишдан олдин роман ҳақида ёзилган Х.Дўстмуҳаммад, И.Ғафуров илмий мақолалари билан таниш бўлиш лозим. Уларда роман сюжетини ташкил этган воқеалар моҳияти, ёзувчининг реал ҳаётни тасвирлашдаги ўзига хос ёндашуви, муаллиф бадиий ҳақиқатининг сирлари акс этган. “Адабий танқид, – дейилади

“Ўзбек адабий танқиди тарихи” дарслигининг М.Кўшжонов илмий ижодига бағишланган қисмида, – замонавий адабий жараёни атрофлича теран ва чуқур таҳлил этиши, унинг ички ривожланиш қонуниятларини истиқбол нури билан кўрсатиши, айти вақтда ҳар бир ижодкор ўз имкониятларини тўла даражада адабий ҳодисаларга “кўчириш”га кўмаклашиши, истеъдодларнинг тўғри йўлдан боришини таъминлашда ҳамроҳ ва елкадош бўлиши лозим”(1, 185). Худди шундай адабиётимизда бадиий юксак асарлар яратишларида ёзувчи ва шоирларимиз, ёш истеъдод соҳибларига ҳамроҳ ва елкадош бўлиб келаётган адабиётшунослардан бири Қозоқбой Йўлдошдир.

Бу захматкаш адабиётшунос адабий-бадиий жараёндаги ҳар бир ҳодисага ўз муносабатини билдириб келади. Адабиётимизнинг турли авлодлари вакиллари ижодига назар ташлаб, уларнинг бадиий маҳорат сирларини кашф этиш, тадқиқ ва таҳлил этишда адабиётшунослик фани ривожига қўшаётган ҳиссаси чиндан ҳам эътирофга лойиқ десак, янглишмаймиз. “Сўз ёлқини” илмий мақолалар тўплами бу фикримизни тасдиқлайди. Тўплам учта бобдан иборат. “Шеърят қалдирғочи” боби назм талқинларига бағишланган. Унда Ҳ.Олимжон, Миртемир, Зулфия, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ҳ.Худойбердиева сингари замонавий адабиётимиз намояндалари, шунингдек, айти пайтда ҳам қайноқ ижод оғушида бўлган Х.Даврон, С.Ҳаким, А.Суюн, У.Азим каби бир қатор шоирлар, янги давр, поэтик тафаккурдаги эврилишларни ўзига хос тарзда акс эттиришга уринаётган Ўктамой, Н.Тошматов, Ж.Муслим, А.Бойқўзи ва бошқа ижодкорлар ижодига мурожаат қилиниб, уларнинг ижод намуналарида ифода топган бадиий сўз ёлқинини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

“Эзгу сўз умри” мақоласида ҳассос шоир Шавкат Раҳмон ижодининг айрим қирралари тадқиқ этилган. Мақоланинг бошидаёқ айтилган фикр Шавкат Раҳмон ижодига, унинг истеъдодига берилган муносиб баҳо сифатида қабул қилинади. “Шавкат Раҳмон битиклари аксар ҳолларда адолатсизлик, ёвузлик, хунуклик, олчоклик ва хиёнатга адоқсиз нафрат туфайли пайдо бўлган. Шу боисдан улар жисми тобловчи оғриқда, пўртанавор тўлғоқлар ва шамширдай кескир фикрларга бой”(2,86) – дейди муаллиф. Шавкат Раҳмон шеърларининг бадиий кудрати, сўз сеҳри, ҳар бир мисра қатида яшириниб ётган моҳиятни тушунишда мунаққид мулоҳазалари, хулосалари, таҳлил услуби катта ёрдам берганини кўриш мумкин. Буни шоирнинг айрим шеърлари таҳлилида кўриш мумкин. Ш. Раҳмон шеърлари ҳақида кўп адабиётшунослар, атоқли шоирларимиз фикр билдиришган. Шоирнинг теран фикрлаши, мисраларда ҳар бир сўзнинг “портлаш”и, топиб айтилган ташбеҳларнинг юракка ўқдек тегиши, кишининг энг нозик ҳис-туйғуларини уйғотиб юбориши ҳақида кўп айтилган. Қозоқбой Йўлдош бу тавсифлар бежиз эмаслигини шоир ижодидан келтирилган намуналар таҳлили жараёнида асослаб берган.

Шоир Миртемирни тўла маънода миллий, ўзига хос сўз заргари деб таърифлашади. Шоир А.Орипов бир суҳбатида: “Миртемир сўзни жойига михлаб, қалпоғини олиб ташлайди. Шунинг учун Миртемир домла ишлатган сўзни ўрнига бошқа сўзни қўйиб бўлмайди”, – деган эди. “Эскирмас туйғулар куйчиси” мақоласида поэтик образларнинг манбалари миллий илдизларга, менталитетнинг нозик қирраларига уланиб кетиши, улардан озикланиши ишонарли далилланган.

“Шудринг” шеърини ҳар бир шеърхон ҳаяжон билан ўқийди. У мусикадай қалбни аллалайди, руҳингизни кўтаради, ғурурингизни юксалтиради:

Ялтирар суйри тепа, ялтирар қир узунчок,
Келинлар тақинчоғи, узук кўзларими ё?
Чор атроф сабзаларда жимир-жимир кўзмунчок,
Бўй-бўй дилраболарнинг сузук кўзларими ё?
Йўк, бу гирён кўзларнинг ярқироқ замзамаси,
Кечаси тагин онам йиғлабди-да, чамаси (2, 86).

Мисралардаги сўзлар оддий туюлса-да, уларга юкланган поэтик юк салмоғи ва залворини илғаш осон эмас. Нозик нуктадон кишилар унинг туб моҳиятига ета олади. Адабиётшунос олим мулоҳазаларини ўқиб, чинакам кашфиётга дуч келгандек бўласиз:

“Одамдан жуда ҳам ташқарида бўлган “тепа”, “қир” ҳақидаги ахборот инсонга яқинлаштирилиб, “узук кўзлари”га, ундан бевосита инсонга кўчирилиб, бўй қизларнинг “сузук кўзлари”га, ундан яна муайянлаштирилиб, “она”нинг гирён кўзларига ўтказилди. Бу жараёнда оддий ахборот руҳий ҳолатга айланди. Майсаки бор, намини аямай тўккан шудринг билан, фарзандки бор, меҳрини аямай ёш тўккан она тимсоли параллель тасвирлангани шеърнинг таъсир қудратини оширган” (2, 86).

Э. Воҳидов, А. Орипов ижодига бағишланган мақолаларда ҳам теран таҳлил, нозик идрок кучи сезилиб туради. Китобда Зулфия, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиевалар ижодига хос хусусиятлар, уларнинг халқчиллиги, китобхон дилига яқинлиги сабаблари ҳақида серзавқ мушоҳадаларга дуч келамиз.

“Наср чақинлари” бобида эса насримизнинг таниқли вакиллари О. Ёқубов, П. Қодиров, Муҳаммад Али, О. Мухтор, Т. Муродлар билан бирга уларнинг ортидан юриб, насримиз уфқларини яна ҳам кенгайтирган 80-90 йиллар адабиётимизнинг вакиллари ижоди ҳақида сўз боради. Бу мақолаларда адабиётнинг абадий мавзулари, адабий муаммолар, бадиий тафаккурнинг янги андозалари, эврилишларнинг ижобий жиҳатлари ва айрим қусурлари ҳам назардан четда қолмаган.

Қозоқбой Йўлдошнинг “Сўз ёлқини” китобидаги “Наср чақинлари” бобининг Тоғай Мурод ижодига бағишланган фаслларида ёзувчи ижоди чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этилган ва унда Тоғай Мурод феномени илмий-назарий таҳлиллар асосида кашф этилган. Тадқиқотчи бу адиб насрининг ўзига хослиги маънавий-маданий замин билан алоқадорлигини, асарларидаги бадиий-эстетик идеалнинг ана шу асосда юзага келганлигини, бу эса ноёб бадиий кашфиётларга йўл очганлигини ишонарли кўрсатиб берган.

Тоғай Мурод ижоди ҳақида кўп мунаққидлар турли фикрларни айтишган, бирмунча илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Синчков мунаққид И.Ғафуров “Ҳассос дарё” мақоласида уни Сурхон воҳасини гул-гул яшнатаётган Тўполондарёга ўхшатган эди. “Мени бу икки улуғвор ҳассослик доим ҳайратга солади. Бу икки дарё бўйида доим одамнинг бағри кенгайгандай, яйрагандай, дунёнинг таҳлил этиб бўлмас сирларига ошно бўлгандай сезади одам ўзини”(4,331). Бу фикрларнинг нақадар тўғрилигига Қ. Йўлдошнинг ёзувчи ижоди таҳлиliga бағишланган фикрларини ўқиб, янада ишонч ҳосил қиласиз. Унинг асарлари тили ниҳоятда халқчил ва халқ оғзаки ижодининг бепоён уммонидан саралаб олинган жавоҳирларнинг ўзидир. Китобда ёзувчи асарларидаги қаҳрамонлар (Зиёдулла, Паҳлавон Даҳо, Бўрибой ва бошқалар) ҳаётини ва ишонарли яратилганлиги, бу тимсолларнинг ҳар бирида чуқур ижтимоий мазмун ифода этилгани, инсон моҳияти, олам зиддиятлари, уларни билишдаги янгича ёндашув, янгича тафаккур қирралари юксак маҳорат билан бадиий талқин этилиши илмий асослаб берилган. Чиндан ҳам бу асарларни жўнгина ўқиб бўлмайди. Чунки улар ҳаётнинг ўзи каби ниҳоятда пўртанали, ниҳоятда мураккаб ва ранг-барангдир. Мана шу ранг-баранглик қаъридан ёзувчи шахсини кашф этамиз. Бунини мунаққид шахс бир жамиятда яшагани ҳолда ундан ташқарида туриши мумкин эмас деган эски ақидани инкор этиши, ўзи яшаган жамиятдан ташқарида туриб, уни имтиҳон қилиши, ундаги ҳис-туйғуларнинг инсонни эрмак қилишига чидаб туролмаслигини изҳор эта олиши, шу жиҳатдан ҳеч бир ижодкорга ўхшамайдиган йўллардан бориб, ҳаётнинг биз илғамаган гўшаларига етаклаши ва бадиий сўз қудратини ҳайратланарли даражада улуғлагани билан исботлашга ҳаракат қилади. Мунаққиднинг миллий адабиётимиздаги ҳар бир ижодий ходисага фаол муносабати ҳақида фикр юритган Қ. Қаҳрамонов “...бугунги адабий жараённи, унда кечаётган ижодий изланишларни тобора янгилашиб бораётган илмий-назарий, фалсафий, бадиий-эстетик мезонлар асосида тадқиқ ва талқин қилиб, керакли хулосалар баён этади (3,153), – деб эътироф этади. Тоғай Мурод ижоди ҳақида олимнинг билдирган фикрлари ана шу фаол муносабатнинг бир кўринишидир.

Китоб муаллифи “Эрк” қиссаси ҳақида фикр юритар экан, унинг китобхонлар меҳрини қозониши ва қўлма-қўл бўлиб ўқилиши ёзувчи маҳоратининг меваси эканлигини таъкидлайди. Чунки “Ёзувчи ҳеч кимга ақл ўргатмайди, мутафаккирлик даъво қилмайди. Қаҳрамонларини етаклаб юриб, ўзи чизган режага мувофиқ ҳаракатлантормайди, уларни

хоҳлаган кўйига солмайди. Қиссани ўқиган кишида инсон ҳаёти қанчалар мураккаб, тўғри яшамоқ, мазмунли умр кечирмоқ, яхши ном қолдирмоқ учун одамзод ўз қисқа умри давомида нақадар кўп нарсалар билан ҳисоблашиб яшаши лозим экан деган ҳайрат пайдо бўлади. Айниқса, ҳаётий муаммоларнинг ечими таклиф этилмай, қаҳрамонлар тақдирининг очиқ қолдирилганлиги асарнинг катта ютуғидир. Ҳолбуки, “Эрк” қиссаси яратилган пайтда, умуман, адабиёт, хусусан, ҳар бир бадиий асар ўқирманга йўл кўрсатиши, кишига тўғри яшашни ўргатиши керак, деган қараш тўла ҳукмрон эди”(2, 289-290).

Китобнинг “Бадиий концепциянинг янгиланиши” фаслида Исмоил Шомуроднинг “Қамал” тарихий романи таҳлил этилган. Таҳлил жараёнида мунаққид ёзувчининг маҳорати, тарихий мавзуга ёндашувда ўзига хосликнинг белгилари, қаҳрамонлар характери талқинида бадиий топилмаларнинг ўрни ҳақида ўз кузатувларини тақдим этади. Муҳими, асардан келтирилган иқтибослар орқали асарнинг ютуқлари, ёзувчи изланишларининг самаралари ишонарли тарзда далиллаб берилган. Романда тарихий мавзунинг ёритишда янгича ёндашувга қўл урилганлигини таъкидлар экан, “...тарихнинг тарих яратишни ҳаёлига ҳам келтирмаган одамлар томонидан ҳаёлга келмаган ўзганга солиб юборилиши, айти вақтда тарихни ўзи истагандай яратмоқчи бўлганлар тарихнинг кутилмаган ўйинлари олдида иложсиз қолиб кетиши мумкинлиги жуда таъсирли, ишонарли, айти вақтда тарихий ҳақиқатларга мувофиқ тарзда акс эттирилган”(2, 372), – дейди.

Абдуқаюм Йўлдош, Сайим Исҳоқ ижодига бағишланган мақолаларда ҳам ҳозирги адабий жараёнда кечаётган ўзгаришларнинг ижобий жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилинган. “Катта хонадон: изтироб ва севинчлар” роман-диалогияси ва унинг муаллифи Муҳаммад Салом ҳақида “Миллий насрдаги воқеа” мақоласида батафсил фикр юритилади. Оддий ўзбек оиласининг оддий одамлари тақдири, турмуш ташвишлари, ҳаётий муаммолар, бир-бирига зид характерларнинг тўқнашувлари тасвири ёзувчи томонидан ишонарли тарзда берилгани, улкан ҳаётий ҳақиқатлар оддий одамларнинг жўн тафаккур тарзи орқали таъсирли ифодалангани ёзувчи маҳорати маҳсули эканлиги асослаб берилади.

Тўпламнинг “Ўйлар йилдирими” деб номланган учинчи бобидан адабий жараённинг муҳим воқеаларига мунаққид ўз муносабатини билдирган мақолалар ўрин олган. “Илмий тафаккур мавжлари” мақоласида 2011 йилда нашр этилган Умнат Тўйчиевнинг “Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари” асари ҳақида фикр юритилган. Муаллифнинг заҳматкаш олимлигини эътироф этган ҳолда асар анча заиф яратилгани, асар тилида ниҳоятда кўп хатоликларга йўл қўйилганлиги кескин танқид остига олинган ва фикрларининг исботи сифатида асардан кўплаб мисоллар келтирилган. Шунингдек, бир қатор адабий-танқидий асарлар ҳақида фикр юритиб, уларнинг ижобий жиҳатларига тўхталиб ўтган. Мақола сўнгида Зулҳумор Мирзаеванинг ўзбек адабиётининг чет элларда ўрганилиши, америка адабиётшуносларининг ўзбек адабиёти намуналари тадқиқи ва таҳлил этишга бўлган қизиқишларини ёритишга бағишланган уч қисмдан иборат “XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши” деган китоби ҳақида сўз юритади. Унда муаллиф баъзи ўринларда замонавий ўзбек адабиёти вакиллари ижоди ҳақида нотўғри фикрлар ва тасаввурларга йўл бергани сабаб ўз эътирозларини билдиради. 2015 йил романларига бағишланган “Изланишлар турфалиги”, қомусий луғат ҳақида “Навоийшуносликдаги улкан воқеа”, “Алпомиш” достонига бағишланган “Алпомиш – ор кўрғони” мақолалари мунаққиднинг ҳозиржавоблиги, адабий жараёндаги ҳар бир воқеа-ҳодисага синчковлик билан назар ташлаб, уларга ўз вақтида муносабат билдирадиган фидоий танқидчи эканлигидан далот беради.

Қозоқбой Йўлдошнинг ушбу салмоқдор китоби бадиий асарларни ўқиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, адабий жараён нафасини ҳар доим ҳис этадиган бўлишда китобхонларга яқин кўмакдош бўла олади.

АДАБИЁТЛАР

1. Назаров Б. ва бошқалар. *Ўзбек адабий танқиди тарихи, дарслик*. – Т.: Тафаккур қаноти, 2012.
2. Қозоқбой Йўлдош. *Сўз ёлқини*. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашириёт-матбаа ижодий уйи, 2018.
3. Қаҳрамонов Қ. *Адабий жараён ва эстетик талқин*. – Тошкент, 2014.

4. Фафуров И. Манзу латофат. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2008.

УДК: 821.512.133

**ШОИР НОСИР БУХОРИЙ ВА УНИНГ АДАБИЙ-ИЛМИЙ МЕРОСИ ҲАҚИДА
О ПОЭТЕ НОСИРЕ БУХАРИ И ЕГО ЛИТЕРАТУРНО-НАУЧНОМ НАСЛЕДИИ
NOSIR BUKHARI. A POET AND HIS LITERARY-SCIENTIFIC HERITAGE**

Қурбонов Солижон Комилжонович
АнДДУ фил.ф.д., профессор,
Худайбердиев Акрам Акбарович
АнДДУ магистранти

Аннотация. Мақолада шоир Носир Бухорий ва унинг адабий-илмий мероси, ўрганилиши даражаси, ижодининг мавзу кўлами ҳамда унда илгари сурилган гоя ҳақида маълумот берилди. Шоир ижодида ижтимоий ҳаёт, замона муаммолари у ёки бу тарзда ўз инъикосини топганлиги шеърлари мисолида ёритиб берилган. Форс-тожик тилларида ижод қилган шоирлар Фирдавсий, Анварий, Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Салмон Соважий ва Заҳир Фарёбийлар ижоди билан Носир Бухорий ижодининг, шеърлятидаги мавзу ҳамда гоясининг ҳамоҳанг ўринлари байтларидан мисоллар келтирилган ҳолда кўрсатиб ўтилган.

Таянч сўзлар: девон, газал, тасаввуф, май, ишқ, ёр, дарвеш, зоҳид, Ваҳдати вужуд, руҳ ва жисм.

Аннотация. В статье изложены сведения информации о поэте Носире Бухари и его литературном и научном наследии, масштабах его творчества и выдвинутых идеях. В статье описываются проблемы общественной жизни и современности. В статье предоставлено сопоставительное примеры тем и идей стих Насира Бухари с творчеством поэтов, работавших на персидских и таджикских языках, как Фирдавси, Анвари, Умара Хайяма, Саади Шерози, Салмана Соваджи и Захира Фаряби.

Ключевые слова: диван, газалей, суфизм, любовь, возлюбленный, дервиш, захид (благочестивый), единство (вахдати вуджуд), дух и тело.

Abstract. The article provides information on the poet Nosir Bukhari and his literary-scientific heritage, the scope of his work and the ideas made in them. The social life and modernity problems found illustration in this and that form the poet's works are described by given examples of poems. With the works of Firdavsi, Anwari, Umar Khayyam, Saadi Sherozi, Salman Sovaji, Zahir Faryabi, who wrote in Persian and Tajik, and Nasir Bukhariy's works by given samples of the harmony of the ideas as well as the themes in poetry are shown.

Key words: devan, ghazal, mysticism, wine, passion, beloved, dervish, zahid (godly, pious), unity(vahdati vujud), spirit and body.

Шоир Носир Бухорий сиймоси форс-тожик адабиёти тарихида ўзига муносиб мавкега эга бўлишига қарамай, унинг ҳаёти ва ижоди ҳозирга қадар етарлича ўрганилмаган. Адиб яшаган давр тарихини ўрганиш, адибнинг ҳаёт йўли ва ижодини, лирик меросини даврнинг тарихий, ижтимоий ва сиёсий муҳити билан боғлиқ ҳолда кузатиш ва баҳолаш, унинг замондошлари ҳақида хабар берувчи тарихий манбаларни кузатиш, Шарқ ва Ғарб шарқшунос олимларининг шоир ҳақидаги маълумотларини ўрганиш, шоирнинг тасаввуфга бўлган муносабатини таҳлил этиш, ғазалларининг вазнини аниқлаш, бадий хусусиятларини очиб бериш ҳамон адабиётшуносликнинг асосий вазифаларидан бўлиб келмоқда.

Шоир Носир Бухорий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги айрим маълумотларни Шарқ ва Ғарб шарқшунос олимларининг изланишларида, сақланган қўлёзмаларда эса шоир ижодидан намуналарни ҳам кузатишимиз мумкин.

Чарльз Ръё томонидан Британия музейи учун тузилган каталогда Носир Бухорий – дарвеш, уни Салмон Соважий Бағдодда шайх Увайс (757-776 ҳижрий) милодий 1371-75 йиллари ҳукмронлик қилган даврларда учратади деб, Носир Бухорий 772 (милодий 1370-71) йили вафот этганлиги ёзилган. Бу каталогда кўрсатилган кўлзмада Носир ғазалларидан намуналар берилган [10,36]. Вена шаҳрида 1859 йили Вильгельм Перч томонидан тузилган форс кўлзмалари каталогига [16,73] ва Калькутта шаҳрида 1854 йили Шпренгер томонидан тузилган араб, форс ва ҳинд кўлзмалар каталогларида ҳам шоир девонидан айрим парчалар берилган [15,16].

Носир Бухорий ижоди Эрон олимлари томонидан ҳам ўрганиб келингани кўзга ташланади. Чунончи, Саид Нафиси ўзининг *تاریخ نظم و نشر در ایران و در زبان فارسی* деган китобида Носир Бухорий ҳақида “Шоҳ Носир ё дарвеш Носир Бухорий ҳам XIV асрнинг машҳур шоирларидан бўлиб, дарवेशона ҳаёт кечирган ва кўп сафар қилган. У қаноатпеша бўлган, баъзан Султон Увайс Жалоирни мадҳ этган ва ҳижрий 773 йилда вафот этган.

Носир Бухорий қасида ва ғазалларини Ироқ шоирлари услубида муваффақият билан ёза олган. Унинг куллиёти 4 минг байтни ўз ичига олади. Қасида ва ғазалларидан ташқари мутақориб баҳрида ёзилган деган бир маснавийси бор” – деб ёзади [18,203].

Муҳаммад Тағи Баҳор “سخن” журналида ёзган мақоласида Носир Бухорий ижодига Хўжа Ҳофиз Шерозийнинг муносабати ҳақида гапириб, уларнинг икки ғазалини муқояса қилади [17,144].

Ўзбек олимларидан профессор Шоислом Шомухамедов ҳам ўзининг 1968 йилда Тошкентда нашр этилган “Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм тараққиёти” деган монографиясида Носир Бухорийни ғазал санъатининг забардаст устодлари қаторига қўшади [13,429].

Тожикистонлик тадқиқотчилардан Хосият Валихўжаева шоирнинг 13 та ғазалини тўплаб, “Садои Шарқ” журналида эълон қилди [7,119-122].

1956 йили ўзбек олими Исмадулла Абдуллаев шоир Носир Бухорий девонини кўлга киритишга муваффақ бўлди [2]. Натижада шоир меросини ўрганишга илк бор имконият яратилди.

Кейинги тадқиқотлар натижасида шоирнинг девонлари Душанбе, Техрон, Санкт-Петербург шаҳарларида ва (“Ҳидоятнома”) номли маснавийси Боку шаҳрида сақланганлиги аниқланди.

Ватандошимиз Носир Бухорий – мумтоз адабиётимизнинг XIV аср бошларида яшаб ўтган йирик вакилларидан биридир. Унинг туғилган йили маълум эмас. Вафот этган санаси ҳам тарихий манбаларда 722/1370, 773/1372, 779/1377 йил деб турлича кўрсатилган [8]. Шоир девонидаги Султон Увайсга бағишланган қасидада қуйидаги сатрлар бор:

*Сол бар ҳафтсаду ҳаштоду ду аз ҳижрат буд,
К-ин муборак басар омад ба тариқи эъжоз.* [9].

Мазмуни:

*Йил етти юз саксон икки ҳижрий эди,
Қисқаси бу муборак (йилга) ҳам етиб келдим.*

Демак, шоир ҳижрий 782 (милодий 1380-1381) йилда ҳали ҳаёт бўлган. Бу эса юқоридаги тарихий манбалардаги саналарнинг барчасини рад этади. Шоирнинг Наманган, Тошкент, Душанбе, Санкт-Петербург, Техрон кутубхоналарида сақланаётган девонлари, “Ҳидоятнома” номли маснавийси, рубоий ва қасидалари унинг ҳар тарафлама баркамол, савияси юксак, фозил шоир бўлганини кўрсатади. Носир Бухорийнинг жами 10 минг байтдан кўпроқ шеърӣй мероси сақланиб қолган. Уларда ижтимоӣй ҳаёт, замона муаммолари у ёки бу тарзда ўз инъикосини топган, мумтоз адабиётимизда қадимдан мавжуд бўлган поэзиянинг ҳамма жанрларидан жуда яхши намуналар келтирилган. Уларда Фирдавсий, Анварий, Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Салмон Соважий ва Заҳир Фарёбийларнинг руҳи сезилиб туради.

*Носир аз гуфтаи Саъдий ба тариқи тазмин,
Арза деҳ гарчи сўхан меравад аз тарзи Заҳир.*

Мазмуни:

*Носир, Саъдий айтганларидан тазмин тариқасида тақдим эт,
Гарчи сўзларинг Заҳир услубидан келиб чиқаетган бўлса-да.*

Европа шарқшунос олимларидан Ян Рипка “История персидской и таджикской литературы” деган асарида “Ҳофиз ижодининг ғоявий мазмунига унинг замондоши Салмон Соважийнинг дўсти Носир Бухорий (вафоти 1377-78 й.) яқин туради” деб баҳо берган [14]. Дарҳақиқат, ҳар икки шоирнинг девонини кўздан кечирганимизда ёзилган бир қатор байтлар, ғазаллар мазмунан яқин, ҳамоҳангдир.

Масалан: Носир Бухорий:

*Масжиду майкада дар мулки Худо ин ҳаме хаст
Фисқу пинҳоний зухди бериё ин ҳаме хаст.*

Мазмуни:

*Масжиду майхона худонинг мулки бу ҳаммаси мавжуд,
Фисқу пинҳони ю мунофиқона художўйлик бу ҳаммаси мавжуд.*

Ҳофиз Шерозий:

*Хосили коргаҳи кавну макон ин ҳаме нест,
Бода пеш ар, ки асбоби жаҳон ин ҳаме нест,*

Мазмуни:

*Жаҳоннинг маҳсули борлиғу йўқлик бу ҳеч нарса эмас,
Бодани олиб кел, жаҳон ашёси бу ҳеч гап эмас.*

Эрон олими Муҳаммад Тақи Баҳор “Сўхан” журналида босилган мақоласида Носир Бухорийнинг юқоридаги ғазалини келтириб, бу ғазалнинг Ҳофиз Шерозий ғазали билан ҳамоҳанг эканини кўрсатади. Ушбу ғазал жавоб тариқасида ёзилган бўлиши эҳтимол, деб ёзади олим [11].

Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро” номли машҳур асарида ёзади: “Дарвеш Носир Бухорий, унга Тангрининг раҳмати бўлсин, фозил киши эди ва унинг шеърлари ҳақиқийликдан холи эмас эди. Унинг сўзларидан фақирлик бўйи келарди. У дарвеш либосида ҳамиша саёҳат қилиб юрар эди.

Унда дунёвий нарсалардан намат қалпоқ, чопон ва китобдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди” [9].

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида Носир Бухорий номини ўша замоннинг машҳур шоирлари қаторида қайд этган: “Яна жамъе бордурларки, мажоз тариқи адоси алар назмиға ғолиб ва алар бу шевага кўпроқ роғибдур. Андоқким, Камоли Исфаҳоний ва Ҳаққонийи Шервоний ва Хожайи Кирмоний ва Мавлоно Жалолуддин ва Хожа Камол ва Анварий ва Заҳир ва Асир ва Салмоний Соважий ва Носир Бухорий ва Котибийи Нишопурий ва Шоҳийи Сабзаворий” [4].

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шеърят назариясига оид яратган “Мухтасар” асарида XIV-XVI асрларда яшаган 60 дан ортиқ шоир номи келтирилади. Шулар жумласидан Носир Бухорийнинг “Паришонам чу зулфат холам ин аст” деб бошланувчи ғазалини ҳам келтиради [12].

Абдурахмон Жомий 1487 йили ёзган “Баҳористон” номли китобида “Носир, унга раҳмат бўлсин, Мовароуннаҳр шоирларидан, бухоролик. Унинг шеърларида тасаввуф ғоялари мавжуд”,- дейди [3].

Шарқ халқлари тафаккури тарихига чуқур илдиз отган тасаввуф таълимотини яхши билмай туриб, шоир дунёқараши ва адабий меросини барча мураккабликлари, фалсафий теранлиги билан тўлиқ ҳолда тўғри, ҳаққоний ёритиб бериш мушкул. Тадқиқотчилар давр талабига кўра ўтмиш шоирлар ижодини “керакли” ва “кераксиз” қисмларга ажратиб, уларнинг орифона мазмундаги шеърларини нашрлардан соқит қилиб, ўқувчида ўтмишга нисбатан нафрат туйғусини тарбиялаш учун мослаштириб изоҳлаб келдилар. Носир Бухорий ижод этган муҳит улкан тарихимизнинг табиий, қонуний бир бўлагидир. XI асрдан бошлаб Шарқнинг барча нуфузли шоир ва ёзувчилари, мутафаккир ва олимлари тасаввудан озикланиб, унинг инсонпарварлик ва халқсеварлик ғояларидан руҳланганлар. Шунини назарда

тутиб, атоқли олим Е.Э. Бертельс асримиз бошидаёқ қайд этган эди: “Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас... бу адабиётдан хабардор бўлмасдан, Шарқнинг ўзини ҳеч англаш қийин” [6,54].

Дарҳақиқат, XIII-XIV асрларга келиб, тасаввуф назарий-илмий нуқтаи назардан ҳам, амалий ҳаракатчанлик нуқтаи назаридан ҳам юксак чўққига кўтарилган эди. Тасаввуф адабиётининг гуллаши ҳам шу даврга тўғри келди. Кўп шоирлар ижодида дунёвийлик билан илоҳийлик, яъни ирфон қўшилиб зуҳур этади. Фаридуддин Аттор, Анварий, Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Носир Бухорий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Жомий ва Навоий ижодида дунё гўзаллиги илоҳий ҳуснинг инъикоси ёки сояси сифатида талқин этилади. Носир Бухорийнинг қуйидаги сатрлари бунга мисолдир:

*Ки жаҳон пураст аз руҳи дўст,
Жумлаи коинот сояи ўст.* [9,77].

Мазмуни:

*Жаҳон дўст юзига тўладир,
Бутун коинот унинг соясидир.*

Ёки:

*Ҳама туиву туро дар ҳама намеёбам,
Жаҳон пур аз ту, туро дар жаҳон намеёбам.*

Мазмуни:

*Ҳамма нарсаларда сен борсан (аммо) сени ҳаммадан тополмаяпман,
Жаҳон сен билан тўла, (аммо) сени жаҳондан тополмаяпман.*

Ёки:

*Ойнаи Худойи рухсори туст моро,
Бигзор то бубинам дар ойна Худоро.* [9,77].

Мазмуни:

*Сенинг юзинг мен учун илоҳий ойнадир,
Шу ойнада Худони кўришимга изн бер.*

Бу энди қалбнинг “ойнаи жаҳоннамо”га айланиши, яъни ҳақиқий ишққа молик бўлишидир, деб хулосалайди шоир. Шундай қилиб, Носир “вахдат ул-вужуд” фалсафий оқими позициясида маҳкам туради. Унинг учун олам ва одам, яъни руҳ ва жисм, вужуд ва маъни биргадир.

Оллоҳнинг ўзига ошиқ бўлган, фақат уни деб ёнган шоирга шариат қонун-қоидалари ҳаммаси ортиқча. Масалан:

*Дигар аз Носир ҳадиси жаннату дўзах матурс,
Дўзахи мо ҳажри ёр асту висолаш жаннат аст.* [9,97].

Мазмуни:

*Энди Носирдан дўзахи жаннатнинг ривоятини сўрама,
Дўзахим ёр ҳижронидир, жаннатим ёрнинг висолдир.*

Алишер Навоий уларни муқаллидлар, яъни юзаки нарсалар, қуруқ акидаларга кўр-кўрона тақлид қилувчи, мустақил фикрдан маҳрум одамлар, деб атайди.

*Зоҳид, сенга ҳуру менга жанона керак,
Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак.
Майхона аро соқию паймона керак,
Паймона неча бўлса тўла ёна керак.* [4].

Ҳазрат Навоий зоҳидга мурожаат этар экан, унга ҳур ва жаннатни бахшида этгани ҳолда, ўзига “жанона” ва “майхона”ни муносиб кўради. Бу ўринда “жанона”, “майхона”, “соқий” атамалари тасаввуфий истелоҳлар ҳисобланиб, “жанона – Оллоҳ”, “майхона – ишқ аҳли тўпланадиган жой, хонақоҳ” ва “соқий – ишқ улашувчи пиру устоз, муршид” маъноларини англатади. Оллоҳга бўлган ишқ йўлида неча паймона бўлса-да, бутун вужуди ва руҳи ила тўла ёнишини таъкидлайди. Бу айни ишқ аҳли – Ҳақ ошиқларининг шиори ва

хитобидир. Жаннат умиди (тамаъси) ёхуд дўзах азобидан кўрқиб қилинган Оллоҳга ибодату саъй-ҳаракатни Ҳақиқий ишқ аҳлининг муддаоси ҳисобламайди.

Шу ўринда Робия Адвия билан боғлиқ ҳикоя эса тушиши табиий: Нақл қилишларича, кунлардан бир кун Робия бир кўлида оташ ва иккинчи кўлида сув ушлаганча кўчада кетаётган экан. – Бу не ҳол, буларни не қилмоқчисиз, – сўрашибди уни ўраб турган одамлар. – Олов билан жаннатга ўт кўяман, токим одамлар биҳиштга кириш умиди (тамаъси) билан юрмасинлар, сув билан эса дўзах оташини сўндираман, токим одамлар бу кўрқинч ва азобдан абадул-абад қутулсинлар, – жавоб берибди Робия [1,67]. Зероки, у Оллоҳга ибодатни чин муҳаббат билан, бетамаъ, қилган иноятига, берган умрига шукроналик билан адо этишни уқтиради. Робиянинг тушунтиришича, азалият ҳақиқати, Ишқи илоҳий маърифатнинг асл моҳиятидир.

Машхур сўфий аёл Робия Адвия (714–801) Аллоҳга муножотларида нола қилиб: «Эй Парвардигорим, эй Ёри азиз, агар жаннатнинг тамаъида тоат қиладиган бўлсам, жаннатингдан бенасиб эт, агар дўзахингдан кўрқиб ибодат қиладиган бўлсам, мени дўзах ўтида куйдир – минг-минг розиман! Аммо агар Сенинг жамолингни деб тунларни бедор ўтказар эканман, ёлвораман, мени жамолингдан маҳрум этма!», – дея ёлборар экан.

Носир Бухорий Умар Хайём фикрларига ҳамоҳанг равишда одам ўлгандан сўнг моддий дунёдаги ўлик жисмларга кўшилиб кетишини чиройли мисраларда очиб берган. Ҳаётлигида ёрига етишолмаган Носир ўлгандан сўнг унинг бош косасидан, албатта, кўза ясашларига, шунда ёри шу кўзадан сув ичаётиб, лабини унинг лабига қўйишига ишонади:

*Дорам умеди он ки лабат бар лабам расад,
Рўзе ки косайи сари Носир сабў қуни.* [9,160].

Мазмуни:

*Бир кун Носир бош косасидан кўза ясаганинда,
Лабим лабига етишажагига умид қиламан.*

Шоирнинг фикрича, олам азалий ва абадий ягона руҳнинг ўз-ўзини севиб, ўз жамолини томоша қилиш истагидан пайдо бўлган кўзгудир. Бирламчи қудрат порлашидан таралган нур бу кўзгуда акс этади, яъни моддий дунёдаги жамики мавжудот – заррадан қуёшгача, еру кўк, собиту сайёра шу нур билан ёритилади. Шу нур туфайли ҳаракатланади, муайян уйғунлик ичра ривожланиб туради. Бу илоҳий тажаллини шоир май тимсолида қабул қилган. Моддий дунё эса тасаввуф бўйича жом ёки қадахдир. Шоир май жомида ҳам, тарокда ҳам Худо нурини (ёрни) кўради.

Тасаввуф хилофу ихтилофи бўлмаган, риё ва манманлик, даъвою тамаъни инкор этадиган бир улуғ таълимотки, ундан шоирлар илҳом олган.

Ҳаёт тажрибасини орттирган шоир ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлатишга алоҳида эътибор берган. “Сўз қудратига ишониб, сўз ширинлиги билан инсон дардига даво қилса бўлур”, – дейди у. Сўз дағаллиги, сўз ғализлигини қоралайди:

*Носир забон дароз макун кон зиёни туст,
Як нуқта бар забон чу фазойи, шавад зиён.* [9,134].

Мазмуни:

*Носир, тилингни узун қилма, бу сенга зиён дур,
“Забон” сўзига бир нуқта қўшса “зиён” бўлади.*

У “кимсага озор бериб дунё мулкини олма” дея инсонга озор бериб, мол-мулкка эга бўлишни қаттиқ қоралайди. У инсон шарафини улуғлайди ва ер юзида “Инсон”дек улуғ номга ҳеч нарса тенг келмайди, деб ишонади.

Носир Бухорий баъзи тариқат аҳлидан фарқли ўларок, “ғами олам махўр эй дил”, яъни “олам ғамини тортма, эй дил”, дея Ҳақ билан ва жисман халқ орасида бўлишни, инсонга берилган биргина умрни ғанимат билиб, бу дунёда инсонга ато этилган шодликлардан баҳра олиб яшаш лозимлигини уқтиради.

Носир Бухорий – фаровон ҳаёт, поклик, ҳалоллик, гўзаллик, адолат, ҳақиқат, камолот куйчиси. У инсонни улуғлаш, ҳаётнинг қадрига етиш, умрни оқилона ўқизиш, илм олиш, нафсни тийиш, бир сўз билан айтганда, маънавий баркамоллик ғояларини илгари сурган.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. – Т., 2003 й. 67- бет.
2. Абдуллаев Исмадулло. Носир Бухорий ижоди ҳақида. // Ўзбекистон маданияти. 1966. 10 август; Абдуллаев Исмадулло. Носир Бухорий. Рисола. – Т., 1968.
3. Абдураҳмон Жомий. Баҳористон. Кони-нур, 1903.
4. Алишер Навоий. Асарлар. XIII жилд. – Т.: Фан, 1966.
5. Алишер Навоий. Девон. I-жилд. Ўзбекистон давлат нашриёти, 1948.
6. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965.
7. Валихўжаева Х. Носир Бухорий. Аз газалиёт. // Садои Шарқ, 1968.
8. Давлатиоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Ўз ФА Шарқшунослик институти. I-қўлёзма. Рақ. 2119.
9. Девони Носир Бухорий. Шероз. 858 ҳ.
10. Персидские и таджикские рукописи ИНА АН СССР, каталог. Т.2.
11. Сўхан. Маҷаллаи адабиёту донешу ҳунар эмруз. – 1347 ҳ.
12. Хасанов С. Мухтасар. – Т., 1972.
13. Шомухамедов Ш.М. Форс-тожик классиклари ижодида гуманизм тараққиёти. – Т.: Фан, 1968.
14. Ян Рипка. История персидской и таджикской литератур. – М.: Прогресс, 1970.
15. Catalogue of Arabic, Persian and Hindustani. – Calcutta, 1854.
16. Persische Handschriften der Herzoglichen Bibliothek zu Gotha. Verzeichnet. Dr. Wilhelm Partsch. Wien. 1859.
17. مجله ادبيات و دانش و هنر امروز "سخن" دوره مجدهم شمار دوم تر 1347 هـ
18. تاريخ نظم و نشر در ايران و در زبان فارسي. 1344 خ.

УДК: 398 659.123.15

**АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ОЛҚИШ ВА ҚАРҒИШ СТИЛИЗАЦИЯСИ
СТИЛИЗАЦИЯ ВОСХВАЛЕНИЯ И ПРОКЛИНАНИЯ В ЛИТЕРАТУРНОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АЛИШЕРА НАВАИ**

**STYLIZATION OF PRAISE AND CURSE IN ALISHER NAVOI'S
LITERARY ACTIVITY**

Ражабова Маърифат Бақоевна
БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси доценти

Аннотация. Халқ оғзаки ижоди улуг шоир Алишер Навоий ижодининг муҳим манбаларидан биридир. Жумладан, мустақил кичик жанрлар сифатида тан олинган олқиш ва қарғишлардан фойдаланиш улуг шоир ижодида ҳам кузатилади. Мақолада Алишер Навоий лирик меросида халқ оғзаки ижодининг олқиш ва қарғиш жанрлари таъсирида яратилган айрим байтлари таҳлил қилинади, улардан фойдаланишида шоир маҳорати ўрганилади.

Таянч сўзлар: фольклор, сўз, халқ тили, мақол, олқиш, қарғиш, дуо, мақташ, сўкунч.

Аннотация. Фольклор один из важнейших источников в литературной деятельности великого поэта Алишера Навои. Использование восхваления и проклинания, осознанные как независимые минорные жанры, прослеживаются в деятельности великого поэта. В статье рассматриваются некоторые байты из наследия Алишера Навои которые были созданы под влиянием фольклорных жанров как восхваление и проклинание, а также мастерство поэта.

Ключевые слова: фольклор, слова, диалект, поговорка, восхваление, проклинание, молитва, похвала, ругательство.

Abstract. Folklore is one of the most important sources in the works of the great poet Alisher Navoi. For instance, the use of applause and curses, which are recognized as independent minor genres, is also observed in the works of the great poet. The article analyzes some verses of Alisher Navoi's lyrical heritage created under the influence of applause and curse genres of folklore, and explores the poet's skill in their use.

Key words: folklore, word, dialect, proverb, applause, curse, prayer, praise, swearword.

ADABIYOTSHUNOSLIK

Сўз буюк қудратга эга. Унинг ана шу хусусиятини инсонлар жуда қадимдан иллаганлар. Сўзда сеҳр, магик куч бор деб қараган ибтидоий одамлар ундан гоҳ яхши ниятга йўғрилган олқишлар айтишда, гоҳ эса аксинча, ёмонлик, ўлим тилаш мақсадида қарғиш йўллаш учун фойдаланишган. Бу, ҳатто, ўзига хос анъана тусини олган. Бундай анъана авлоддан-авлодга ўтиб, ҳозиргача яшаб келаётир. Эътиборли томони шундаки, мазкур анъана белгилари бора-бора ёзма адабиётда ҳам намоён бўла бошлаган. Ҳатто халқ поэтик анъанасида тарихий илдири сўз сеҳрига асосланган ҳамда алоҳида, мустақил кичик жанрлар сифатида тан олинган олқиш ва қарғишлар[7] стилизацияси улуғ мумтоз шоирлар ижодида ҳам кузатилади.

Бу жиҳатдан даҳо бобокалон шоиримиз Алишер Навоий ижодидаги олқиш ва қарғишларнинг поэтик ўрни, бадий вазифалари, анъаналарга мувофиқлик даражасини ўрганиш мумкин. Чунки бу борадаги тадқиқот натижалари, биринчидан, фольклорнинг ёзма адабиётга таъсирини, уларнинг ўзаро боғлиқликдаги поэтик тараққиёт қонуниятларини аниқлашга, иккинчидан, улуғ шоир ижодининг халқона асосларини белгилаб кўрсатишга хизмат қилади. Қолаверса, Алишер Навоий ижоди бўйича ҳозиргача яратилган тадқиқотларда буюк мутафаккирнинг олқиш ва қарғишлар стилизацияси асосидаги фольклоризмлари деярли назардан четда қолиб келган [1].

Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит-турк” асарида “алқиш” тарзида тилга олинган, бу жанр луғавий жиҳатдан “олқиш”, “мақташ”, “дуо қилмоқ”, “мадҳия айтмоқ”, “табрикламоқ” маъноларини билдириши таъкидланган ва унинг Тангрига мақтовлар, бирор қаҳрамон ёки ҳукмрон номига олқишлар каби турларидан намуналар келтирилган [9.123].

Айтиш мумкинки, ёзма адабиётда, айниқса, улуғ Алишер Навоий ижодида олқиш стилизация қилинган сатрлар кўплаб учрайди. Мулоҳазаларимизни мутафаккир шоир ижодидан келтирилган сатрлар мисолида асослашга ҳаракат қиламиз:

Дединг, соғиндим, эрур ашқдин юзунг гулгун,

Бегим узун яша, соғинганинг сориг олтун [2.681].

Алишер Навоий фардларидан бири бўлган юқоридаги байт фардларга хос хусусият – ахлокий-дидактик ғоя тарғибига бағишланган. У фард сифатида ҳажман кичик, бор-йўғи икки сатр бўлса-да, таркибига сингдирилган бир олқиш (“Узун яша”) ҳамда бир мақол (“Сабрнинг таги – сариқ олтин”) эвазига етук ғоя, кучли халқона оҳанг касб этган.

Келтирилган олқишда инсоннинг инсонга, маъшуканинг ёрга кўп умр кўриш, узоқ яшаш ҳақидаги эзгу тилаги, пок нияти ифода этилаётган бўлса, мақол мазмунида ҳаётда сабр-қаноатли, бардошли бўлишнинг улуғ хосияти, бунга даъват ўз ифодасини топган. Ҳар иккаласининг бир сатрда бирлаштирилиши орқали ишқда ёнган ёки соғинчда қийналиб ўртанган кишининг юзи ҳам сариқ тусли олтинга, ҳам ўлими яқин беморнинг ранги-рўйига ўхшашлиги айтилиб, ошиқликнинг дуру дароз йўлида сабр-тоқат изҳор қилинмоқда. Бу йўлда сабр қилган ниятига етишиши билдирилмоқда.

Маълумки, инсонлар кимдандир миннатдор бўлса ёки бажарилган ишдан кўнгли тўлганда яхшилик қилган одамга қарата “Кўп яша”, “Умринг узоқ бўлсин”, “Умринг зиёда бўлсин”, “Умрингдан барака топ”, “Умрингга барака”, “Дунё тургунча тур”, “Бир ёшингга минг ёш қўшилсин” дея олқиш айтишади. Аслида бундай олқишлар халқ тилида ҳамон яшаб келмоқда. Қизиғи шундаки, уларнинг Навоий асарларида ҳам учрашига қараб, узоқ даврлардан буён поэтик стилизация қилиниб келинаётганини асослаш мумкин:

Ҳалоким васл аро мингдин бир эттинг,

Ки бергай **тенгри бир ёшингга минг ёш**[2.253].

Юқоридаги байтда Алишер Навоий томонидан стилизациялаштирилган “Тангри бир ёшингга минг ёш бергай” олқишининг халқ орасида “Бир ёшингга минг ёш қўшилсин” кўринишидаги варианти ҳам учрайди. Кичик (бир – оз) ва катта (минг – кўп) рақамни зидлаш асосида вужудга келтирилган тазод санъати моҳияти келтирилган олқишнинг интертекстлаштирилиши орқали бадий далилланган. Маъшуканинг мингдан бир васли эҳсонига мушарраф бўлган ошиқ қувончи, унинг маъшукасига миннатдорчилиги ва олқиши талқини шу асосда юзага чиқарилмоқда.

Мумтоз адабиёт намуналарида олқишларнинг кўпинча бадий асарлар бошланмаси ёки якунловчи қисмида келиши ўзига хос анъана тусида намоён бўлади. Маълумки, олқишлар халқ тилида “дуо”, “фотиҳа” ҳам деб юритилади. Худди, шунингдек, Алишер Навоийнинг “Муножот” асари мактублардан тузилганлиги боис унда олқишнинг “дуои олқиш” типигаги кўринишлари кўзга ташланади. Муаллиф ҳар бир мактубнинг бошланмасини ёки тугалланмасини дуои олқиш руҳидаги байтлар билан безай олган.

Қасринг уза чарх тоқи манзар бўлсун,
Базминг аро офтоб мижмар бўлсун,
Жавлонинга арса етти кишвар бўлсун,
Ҳар не тиласанг барча муяссар бўлсун [5. 27].

Ушбу рубоийнинг барча мисралари халқ олқишлари руҳида битилган. Хусусан, унинг сўнги – тўртинчи мисраси халқимизнинг **“Яхши ниятингга етиб юр”** тарзидаги олқишини ёдга солади.

Халқимизда узоқ сафарга отланганда ёки бирор-бир ишни бошлаганда, албатта, олқиш айтиб, Тангридан паноҳ сўраш, натижани Тангри ихтиёрига топшириш, Яратганга таваккал қилиш, шу орқали қалбларда хотиржамлик ҳиссини пайдо қилиш сингари одатлар мавжуд. Алишер Навоий ғазалларида қўлланган **“Тангри ёринг”, “Тангри паноҳинг”, “Тангрига топширдим”, “Тангри асрасин”, “Сени Худога топширдим”** каби бирикмалар бевосита шундай анъаналаримиз билан мазмунан боғлиқ.

Кўнгул жон бирла борди ҳамраҳинг, мен дард ила турдум,
Санга жон бирла кўнглумни, сени тенгрига топшурдум [2. 369].

Халқда **“Жоним қурбон”, “Жонимни бераман”, “Сизга жоним фидо”** тарзидаги бирикмалар ҳам борки, уларда нутқ эгасининг фидойилиги акс этиши билан бирга, шахсни олқишлаш маъноси ҳам англашилиб туради.

Ошиқнинг жон ва кўнгли бир-бирига туташ. Ўзига эса дард йўлдош. У энг азиз ва қимматли нарсасини, ҳатто, ширин жонини ҳам маъшуқасига фидо қилишга ҳамиша тайёр. Хуллас, “жон ва кўнглини” маъшуқасига, маъшуқасини эса Тенгрига топширган ошиқ шу тариқа ҳар иккаласининг тангри паноҳида бўлишига ишонади, яхши ният қилади.

Келдим қочиб ғам хайлидин майхонаға, эй пири дайр,
Тенгри паноҳинг гар манга хум кейнида берсанг панаҳ [2. 516].

Байтда тасаввуфий оҳанг устувор. Лирик қаҳрамон ғам хайли(гуруҳ, тўда, тўп)дан қочиб, майхонадан паноҳ топади. Майхона – комил инсон мажлиси, орифлар суҳбат қиладиган жой. Дайр пири – қалби илоҳий ишқ билан тўлган ориф. Хум – орифи комил кўнгли. Лирик қаҳрамон дайр пиридан мадад сўрайди. Уни “Менга хум кейнидан паноҳ берсанг, сени Тангри паноҳида асрайди” деган халқона дуои олқиш билан сийлайди.

Қарғиш олқишнинг зидидир. “Девони луғотит-турк” асарида “қарғак” тарзида келган мазкур сўз “қарғиш”, “лаънат” маъносида қўлланган [8. 333]. Китобда “Тенгри қарғиши анинг уза – худонинг лаънати унга бўлсин” [8. 428], “Тенгри қарғагинга илинма – худо қарғишига йўлиқма” [8. 333] каби қарғишлар келтирилган. Қарғиш – қарғаш ибораси, қарғиш ифодали гап, сўз [8.255].

Алишер Навоий барча асарларида сўзнинг буюк қудратига алоҳида урғу беради, яхши сўзни улуғлайди. Ҳатто қуйидаги байтда “Яхши сўз билан илон инидан чиқади” ҳикматини ўзгартириб қўллаш натижасида халқона тасвир яратган. Жумладан, шоир агар Навоий жонини яхши сўз билан олсанг, унга кенгаш керак эмас, дейди.

Демаким, бир яхши сўз бирла Навоий жонини
Олсам, ул бўлғайму рози, яхши сўзга не кенгаш? [2.246].

Навоий асарларида қарғишлар билан бирга, сўкинч сўз ҳам қўлланган. Сўкмоқ – ёмон сўзлар билан уришмоқ, ҳақорат қилмоқ; уришмоқ, койимок дегани [8. 613].

Сўкинч қарғиш каби ёмон бўлса-да, Алишер Навоий уни ижобий маънода қўллашга интилагани кузатилади. Жумладан:

Агар Масих дуоси ўлугни тиргизур эрди,
Не нутқ эрурки, **сўкунчунг** била ўлуг тирилибдур [4.133].

Диний ривоятларга кўра, Исо Масих кўли билан ўликни силаса, ўликка жон кирган. Шунинг учун унга ал-масих – силовчи лақаби берилган. Мумтоз шеърятда эса кўпинча маъшуканинг жонбахш нафаси ўликни тирилтирувчи Исо Масих нафасига қиёсланиб, гўё у ошиққа ҳаёт бағишлаши талқин қилинади. Шу асосда Алишер Навоийнинг юқорида келтирилган байтида маъшуканинг оташин нафаси билан ифода этилган нутқи гарчи ошиққа қаратилган “сўкунч” эса-да, Исо Масих нафасига йўғрилган дуо билан тенглаштирилмоқда. Яъники, ошиқ учун ёрнинг сўкунчи ҳам дуо ўрнига ўта олади.

Лабинг бу хастаға невчун такаллум этмади иш,
Ки бир **сўкунч бирла** ҳосил этса юз олқиш [3. 228].

Хаста ошиқ маъшуқа лабидан (метонимия асосида нутқи назарда тутилган) такаллум истайди. Ҳаттоки, унинг учун ёрнинг сўкунчи ҳам даводир. Байтда бир-бирига қарама-қарши бўлган сўкунч ва олқиш сўзлари қўлланиши натижасида тазод вужудга келган. Маъшуқадан биргина сўз, ҳатто сўкунч ёмон сўз бўлса-да эшитиш ошиқ учун шарафдир. Чунки сўкинч бўлса ҳам, ёрнинг жонбахш овозини эшитиш, унинг тотли нафасини туйиш ошиқ учун бахт ҳисобланади. Шу боисдан у маъшуқасининг биргина сўкунчини юз олқиш сифатида қабул қилишга шай.

Куйидаги байтда шоир янада гўзал тасвир ярата олган. Ёрнинг лабидан ҳаёт истаган ошиқ жонни маъшуканинг сўкинчи ёки мучаки (ўпичи)дан олишни билмайди.

Лабингдин истади жоним ҳаёт, билмасмен
Ки, бир **сўкунчму** ё қасди бир мучакму экин? [4. 357].

Мутафаккир шоир асарларида “лаънат” сўзи ҳам қўлланилган. Арабча бўлган бу сўз қарғиш маъносини ифодалайди. У кечириб бўлмайдиган айби, хатти-ҳаракати, оғир жинояти учун билдирилган қаттиқ қарғиш, шундай мазмунда айтилган гап-сўздир [8.491].

“Маҳбуб ул-қулуб” асарининг “Котиблар зикрида” номли фаслида “Хушнавис ҳамким, саҳви кўп бўлғай илги фалаж иллатиға жўб бўлғай. Улки, бежо нукта била «ҳабиб»ни «ҳабис» қилғай ва «муҳаббат»ни «меҳнат» – анингдек ҳабиси меҳнатзадаға юз лаънат” [5.27] сатрлари учрайди. Биламизки, Алишер Навоий котибларни хушнавис ва ёмон котибларга ажратади. Келтирилган парчада хушнавис, лекин хато кўчирувчи котибларнинг кўли “фалаж иллатиға жўб (муносиб)”дир дейди. Меҳнатзада – бало урган, бахтсиз котибларга эса “юз лаънат”лигини айтади. Унингча, “ямон котиб манзили қаламдонидек чоҳ аро бўлсун, қаламидек боши яро ва юзи қаро бўлсун.

Қайси бир котибки, ул сўзга қалам сургай хилоф,
Ул қаро юзлук боши бўлсун қалам янглиғ шикаф” [5.27].

Улуғ шоир ижод қиламан деб, сўзни хор қилган, унинг маънисини бузиб ишлатганларни боши доимий тарошланганидан яраланиб турадиган, юзи қора қаламга ўхшатган. Унинг манзили қаламдон чоҳ аро бўлганидек, зиндон аро бўлишини таъкидлаган.

Алишер Навоийнинг айрим байтлари фахрия мазмунида бўлиб, уларда шоир ўз асарларини эъзозлаганлар ҳақкига дуои олқиш айтса, аксинча, “паст” тутганлардан ранжини яширмайди. Натижада бундай байтларда олқиш ва қарғишнинг бирга келтирилгани кузатилади. Жумладан, “Фарҳод ва Ширин” достонида шундай байт бор:

Ани синдурғон элни қил шикаста,
Хужаста кўрган элга тут хужаста.

Хужаста – қутлуғ, муборак; бахтли, бахтиёр маъноларидаги сўз. Байтда дуо ва қарғиш ғоялари мавжуд. Яъники, улуғ шоир мазкур асарни ёзиб тугатишда Аллоҳдан мадад сўрар экан, “Кимки, бу маъно дурларини синдирса, уни шикаста қил, паст кўрганларни паст қил! Қутлуғ билган элга бахтиёрлик насиб эт”, – деб ёзади. Худди шундай ҳолатни биз “Вафқия” асаридан келтирилган қуйидаги рубоийда ҳам кузатамиз:

Бу қоидани кимки тузар, бор бўлсун,
Тенгри бори ҳолатда анга ёр ўлсун.
Ким бузса, бузуклукка сазовор ўлсун.
Ҳақ лаънату қаҳриға гирифтор ўлсун [5.272].

ADABIYOTSHUNOSLIK

Хулоса қилиб айтганда, улуғ шоирнинг назмий ва насрий яратмаларида халқ поэтик ижодиёти туганмас маънавий ва бадиий хазина вазифасини ўтади. Шоир халқ оғзаки ижодидаги олқиш ва қарғиш жанрларини стилизация қилиш орқали поэтик фикрни таъсирчан ифодалашга, ҳаётий-фалсафий мазмунни кучайтиришга эришган. Шу асосда улуғ шоир асарларида халқ тилига хос ҳар қандай сўз, ибора, тасвир бадиий нафосат даражасига кўтарила олган.

АДАБИЁТЛАР

1. Маллаев Н.М. Навоий ижодиётининг халқчил негизи. Мактаб ўқитувчилари ва олий ўқув юрлари филология факультетлари студентларига қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – 114 б.; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 432 б.
2. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. I жилд. Бадоеъ ул-бидоя. – Т.: Фан, 1987. – 689 б.
3. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. II жилд. Наводир ун-ниҳоя. – Т.: Фан, 1987. – 622 б.
4. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. III жилд. Фаройиб ус-сигар. – Т.: Фан, 1987. – 575 б.
5. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. XIV жилд. Маҳбуб ул-қулуб. Вақфия. – Т.: Фан, 1998 – 315 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат нашриёти, 2006.
7. Каташ С.С. Алкыи сос (благопожелания) – древний жанр алтайского фольклора. Улагашевские чтения. Вып. I. – Горно-Алтайск, 1979. С.63-77; Пропт В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – М.: Изд-во МГУ, 1946. С.11; Саримсоқов Б. Олқишлар ва қарғишлар. // Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. I-том. – Т.: Фан, 1988. 138-139-бет; Қўчқоров Н. Ўзбек халқ олқишларининг жанр хусусияти ва бадиияти: Филол. фан. номз....дисс. автореф. – Т., 1994; Эшбоева Ф.Х. Ўзбек халқ қарғишларининг жанр хусусияти ва бадиияти: Филол. фан. номз....дисс. автореф. – Т., 2008.
8. Қошгарий М. Девону луготит турк. I жилд. (Таржимон ва наирга тайёрловчи С. Муталлибов). – Т.: Фан, 1960.
9. Қошгарий М. Девону луготит турк. II жилд. (Таржимон ва наирга тайёрловчи С. Муталлибов). – Т.: Фан, 1961.

УДК: 39(=512.133):811.111'25

БАЛЬЗАК ВА СТИВЕНСОН ИЖОДИДА “ЭВРИЛИШ” МОТИВИДАН ФЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

ОПЫТ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МОТИВА «ПРЕВРАЩЕНИЙ» В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ БАЛЬЗАКА И СТИВЕНСОНА

SKILLS OF USING THE “TRANSFORMATIONS” MOTIF IN WORKS OF BALZAC AND STEVENSON

Кадирова Наргиза Арифовна

БухДУ гуманитар йўналишларда чет тили катта ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада француз ёзувчиси Оноре де Бальзак ижодидаги энг сара асарлардан бири “Сағри тери тилсими” ҳамда шотландиялик ёзувчи Роберт Луис Стивенсоннинг “Доктор Жекил ҳамда мистер Хайд ҳақидаги гайриоддий воқеалар” асарида “эврилиш” мотивининг ўрни ва бадиий ифодаланишига хос хусусиятлар ҳақида фикр юритилган. Мақолада “эврилиш” мотиви рамзий образ ҳамда инсоннинг кафишйётлари сабабли вужудга келганлиги ажратиб кўрсатилади.

Таянч сўзлар: роман; образ; фантастика; тилсим; эврилиш; мўъжизакор тери; дори-малҳам; кашифйёт.

Аннотация. В данной статье рассматриваются роль и особенности художественного отражения мотива «превращений» в произведениях французского писателя Оноре де Бальзака – «Шагреновая кожа», и шотландского писателя Роберта Луиса Стивенсона – «Странная История доктора Джекила и мистера Хайда». В статье мотив «превращений» рассматривается как символический образ и результат человеческой изобретательности.

Ключевые слова: роман; образ; фантастика; магия; превращения; магическая кожа; лекарство-мазь; открытие.

Abstract. The article is dedicated to the revision of the role and peculiarities of artistic expression of the transformation motif of Onore de Balzac's "The Magic Skin" and R.L.Stevenson's "Strange case of doctor Jekyll and mister Hyde". The article considers the Transformation motif as a symbolic image and the result of human ingenuity.

Key words: novel, image; fantastic; magic; transformation; marvelous skin; medicine ointment; discovery.

*“Бу асар (фалсафий эртак) ҳозирги асримиз,
ҳаётимиз, худбинлигимизнинг формуласи бўлиб қолади”
Оноре де Бальзак*

Кириш. “Эврилиш” мотивидан адабиётнинг турли тараққиёт босқичларида турлича мақсадларда фойдаланилган. Бу, албатта, ҳар бир даврга хос қаҳрамоннинг бадиий-эстетик вазифаси билан ҳам боғлиқ. Хусусан, кейинги босқичларда яратилган бадиий асарларда инсон эврилишига унинг бевосита илм-фан ва техника соҳасида ўзи эришган ютуқлари сабабчи бўлгани тасвири келтирилади. Айниқса, илмий-фантастик роман, қисса ва ҳикояларда қаҳрамоннинг ўзи кашф қилган бирор нарсаси, дориси ёки тасодифан топиб олган бирор-бир сеҳрли буюми ёрдамида ўз киёфасини ўзгартириши, ёхуд бир зумда кўздан ғойиб бўлиши, ёйинки ғойибдан пайдо бўлиши, кўзга кўринмайдиган бўлиб қолиши сингари кизиқарли воқеалар ифода этилади.

Жаҳон мумтоз адабиётида француз ёзувчиси Оноре де Бальзак ижодининг ўрни бекиёс. Оноре де Бальзак (20.05.1799 — 18.08.1850) – француз реалист ёзувчиси. Бальзакнинг ижодий мероси жанр жиҳатидан улкан ва хилма-хил: романлар, повестлар, драмалардан иборат. Бальзакнинг кўпгина роман ва повестлари умумий ғоя асосида бирлаштирилган ва “Инсон комедияси” деб номланган кўп жилдли эпопеяни ташкил этади. Унда Бальзак ўз замонасидаги француз жамиятининг ҳаққоний, ёркин манзарасини яратган.

Шотландиялик ёзувчи ва шоир Роберт Люис Стивенсон саргузашт романлар ва қисқа ҳикоялар муаллифи ҳисобланади. У қисқа умр кўрган бўлса-да, талайгина асарлар ёзиб қолдирди. “Ҳазиналар ороли”, “Катриона”, “Меъросхўр” каби романлари ўзбек тилига ҳам таржима қилинди.

Асосий қисм. О. Бальзакнинг фалсафий ва фантастик характердаги “Сағри тери тилсими” романи (1831) сюжети сирли эврилиш мотивига асослангани билан эътиборни тортади [1]. Унда кишини барча орзу-истакларига етказа оладиган сирли тери ҳақида сўз юритилади. Асарнинг бош қаҳрамони Рафаэль де Валантен исмли ёш йигит бўлиб, у аслида истеъдодли шоир ва олимдир. Аммо у кеча-кундуз ўз илмий иши устида бош қотириб тинимсиз ишласа-да, омади юришмайди. Ҳатто севган аёли ҳам унинг севгисини рад этади. Рафаэль эса ўз қобилияти билан бутун Парижни забт этмоқчи, шуҳрат қозонмоқчи эди. Бироқ ишлари юришмагани ҳамда севгиси рад этилганидан қаттиқ тушкунликка тушган йигит ўзини Сена дарёсига ташлаб ўлдирмоқчи бўлади.

Йўл-йўлакай у эски нодир-ноёб, яъни антиквар буюмлар сотадиган чолнинг дўконига кириб, бу ердаги ажойиб нарсаларни томоша қила бошлайди. Шунда йигитнинг кўзи сирли сағри терисига тушади. Бу тери фақатгина қиммат баҳода сотишга мўлжалланган мол ёки юксак санъат асари эмас, балки қаҳрамоннинг ҳаётига, қисматига дахлдор унсур бўлиб чиқади. Чол бу терини олган кишининг барча истаклари амалга ошишини, лекин бунга зид ҳолда терининг ҳажми ҳам қисқариб боришини, у қисқариб тугаши билан тери эгасининг умри ҳам тугаб, ўлишини айтади. Барибир ўлишга қарор қилган Рафаэль учун бунинг аҳамияти йўқ эди. Шунинг учун Рафаэль чолдан терини олади. Йигит терини қўлига олар экан, шарқ афсоналарида учрайдиган бу мўъжизакор терига араб ёзувидаги илоҳий сўзлар битилган

لو مملكتى مملكت آل كل
 ولكن عورك مملكى
 و اراد الله هكذا
 اطلب و استننا لمطالبك
 ولكن قسم مطالبك على عورك
 و هي هاهنا
 في كل صرامك استسنزل ايامك
 أنريد في
 الله يجيبك
 آمين

ва уларнинг маноси шундай эди[9]:

Ce qui voulait dire en français:
 SI TU ME POSSEDES, TU POSSEDERAS TOUT.
 MAIS TA VIE M'APPARTIENDRA. DIEU L'A
 VOULU AINSI. DESIRE, ET TES DESIRS
 SERONT ACCOMPLIS. MAIS REGLE
 TES SOUHAITS SUR TA VIE.
 ELLE EST LA. A CHAQUE
 VOULOIR JE DECROITRAI
 COMME TES JOURS.
 ME VEUX-TU?
 PRENDS. DIEU
 T'EXAUCERA.
 SOIT !

“Менинг эгам ҳамма нарсага эга бўлади, аммо унинг жонига мен эга бўламан. Тангри иродаси – шу. Истаганингни тила, ижобат бўлғай. Лекин тилагингни ҳаётингга мосла. Жонинг – менда. Ҳар бир тилагингдан умринг кунлари камайгани сингари мен ҳам камаяман. Менга эга бўлишни истайсанми? Ол. Сенга тангри ёр бўлғай. Омин!” каби жумлалар тилсим каби ўйиб ёзилганига кўзи тушади[9]. Демак, тилак ва унга етишиш учун имкон берилади қахрамонга. Ўз тилагига етишишнинг йўлини ўзи танлаши керак, бироқ тилак тилаган сари унинг умри ҳам камайиб боради.

Рафаэль вақтинча бўлса-да, бахтиёр яшаш мақсадида тери билан боғлиқ шартга рози бўлади. Дарҳақиқат, терини қўлига олиши билан Рафаэлнинг ишлари юришиб кетади. Атрофида дўстлари кўпаяди, журналлар унинг асарларини босишга киришади. Аввал йигитнинг севгисини рад этлган зодагон аёл Феодора ҳам Рафаэль ёнига қайтади, ҳатто ўзи Рафаэлга севги изҳор қилади. Бироқ Рафаэль энди унинг севгисини қабул қилмай, аёлни рад этади. Тез орада йигит бойиб кетади. Унинг барча орзу-истаклари амалга оша бошлайди. Шу билан бирга, терининг ҳажми ҳам тобора қисқариб бораверади. Бир вақтлар ўзини-ўзи ўлдирмоқчи бўлган Рафаэль энди ажалдан кўрқади. Ҳаёт унга жуда-жуда ширинлик қилади. Йигит ўлиш фикридан қайтишга, барча хоҳиш-истакларини тўхтатишга, одамлардан йироқлашишга уринади.

Бунинг учун у ҳатто замонасининг ном қозонган машҳур физик ва кимёгар олимларига мурожаат қилиб, сирли терининг ҳажмини кенгайтиришга, ҳеч бўлмаса, унинг қисқаришини тўхтатишга интилади. Аммо ҳеч ким сирли терининг қисқариш жараёнини тўхтата олмайди. Ниҳоят, сағри териси қисқариб тамом бўлади ва Рафаэль ҳам ўлади.

Кўринадики, Рафаэль сағри терисига эга бўлгани билан бахтли бўла олмайди. Аксинча, у ўзидаги инсоний фазилатлардан, одамгарчилик хусусиятларидан маҳрум бўлади. Худбин ва такаббурга айланади. Ўз ҳаётини доимий хавф-хатар таҳликаси остига қўяди.

Аслида романдаги “сағри тери” рамзий образ бўлиб, ўзида инсонни ҳалокатга маҳкум этувчи ярамас тузумни ифодалашга хизмат қилган. У орқали буржуа дунёсининг ваҳший қонунлари фалсафий ва фантастик руҳда очиб берилиши кўзда тутилган. Ўз манфаати, фойдаси ва роҳатини ишташ охир-оқибатда ҳалокатга олиб боришини Балзак ўз

кахрамонлари тақдири орқали моҳирона тасвишлаб берган. Балзак адолатсиз жамият юксак инсонларни ҳам маънавий мажруҳ қилишини, инсонийликка зид бўлган иқтисодий ислохот ва сиёсий найранглар шахс ва жамиятни таназзулга олиб боришини юксак бадиият ва психоанализ билан ёритиб берган.

Тўлиб-тошган орзу-интилишларини ўзи яшаб турган тузумнинг ваҳший қонунлари туфайли рўёбга чиқара олмай, қаттиқ тушкунликка тушган, ҳатто ўлимига ҳам рози бўлган ёш ижодкор бир йигитнинг аянчли тақдирига бағишланган бу романда буржуазия жамияти ўз қаторидан чиқариб ташлаган киши муқаррар ўлимга дучор бўлиши, агар у қандайдир тасодиф сабабли умрини бирор муддатга чўзса-да, бу тасодифий экани фош этилган.

Демоқчики, буржуазия жамиятида ҳалокатга юз тутган кишини суяб қоладиган ҳеч қандай куч ва нарса йўқ.

Шотландиялик ёзувчи Роберт Луис Стивенсоннинг готик жанрда ёзилган “Доктор Жекил ҳамда мистер Хайд ҳақидаги ғайриоддий воқеалар” (1886) романида илм-фан ютуқларини эътироф этиш, инсон ўз ақлу заковати асосида кашф этган дори-малҳамини қабул қилиши билан кўринишини ўзгартириши анъанавий “эврилиш” мотиви воситасида тасвирланган. Романда сирли дори тайёрлаб, ўз кўринишини ўзгартирган ва Эдуард Хайд қиёфасига кириб олган Генри Жекил образи учрайди.

Асар воқеалари учинчи шахс, нотариус Габриэл Жон Аттерсон томонидан баён этилади. У табиатан ўзига нисбатан қаттиққўл, лекин ўз атрофдагиларининг заиф томонларига ёмон муносабатда бўлган, айбни эмас, балки ёрдам беришни афзал кўрадиган шахс эди. Айнан шунинг учун у кўпинча аксарият нуфузли одамларнинг сўнгги дўсти ва улар ҳаётида яхши таъсир кўрсатувчи шахс эди[6].

Асардаги воқеалар XIX асрнинг охирларида Лондонда бўлиб ўтади. Юз берган воқеа жуда ғаройиблиги боис катта шов-шувларга сабаб бўлади.

Эдуард Хайд шайтономуз киши бўлиб, у ким билан мулоқот қилмасин, албатта, тушунарсиз туйғуси кўзғаларди. Шунинг учун у бир қатор жирканч хатти-ҳаракати, бемаъни ва шавқатсиз ишлари билан ёмон ном чиқарганди.

Асарнинг яна бир қаҳрамони жамиятда ҳурматли доктор Генри Жекилдир. У Хайд билан сирли равишда боғлиқ эди. Бу боғлиқлик нотариус Аттерсонни қизиқтириб қўяди. Хайд вақт-вақти билан доктор Жекилнинг уйида пайдо бўларди ва хизматчилардан унинг буйруғини сўзсиз бажариш талаб қилинарди. Бундан ташқари, доктор вафот этганда ёки ғойиб бўлиб қолган тақдирда, унинг барча бойликлари Хайдга васият қилингани – энг қизиқарлиси эди. Митти бўйли, кўрқинчли қиёфага эга Хайд ора-ора шаҳарда пайдо бўлиб қоларди. Лондондаги шов-шувли қотилликда Хайд гумондор бўлиб чиқади. Аммо унинг қотил эканлиги исботланмай қолади, ҳеч қандай далил топилмайди.

Доктор Жекил Аттерсондан Хайдга ёрдам бериш кераклигини, Хайд унинг кадрдони эканини айтади. Бир куни Жекилнинг сарой ходими Аттерсоннинг олдига келиб, доктор Жекил ўз кабинетига қулфланиб олганлиги ва бир ҳафтадан буён ҳеч кимни қабул қилмаётгани, ҳатто овқат ҳам тановул этмаётгани, хонадан бошқа бир овоз турли хилдаги дориларни топиб келишни буюраётгани ҳақидаги хабарни етказди. Шунда Аттерсон зудлик билан доктор Жекилнинг лабораториясига келади. Хизматкорлар Хайд уларнинг хўжайинини ўлдириб, энди уйни тарк эта олмаётганини гумон қилишади.

Аттерсон хона эшигини очишни талаб этади, акс холда уни бузиб ичкари киришини айтади. Хонадан нотаниш бир овоз унга раҳм қилишларини сўрайди. Шунда Аттерсон кўлига темир мослама олиб, эшикни бузади. Хонадаги митти одам уларни кўриб, зинқирраб бурчакка қоча бошлайди. Аттерсон стол устидан ўз номига ёзилган мактубни топиб олади. Бу доктор Жекилнинг Аттерсонга қолдирган васияти бўлиб чиқади. Унда доктор Жекил илмий кашфиёт ўтказганлиги ҳақида ёзган бўлади. Жекилнинг ёзишича, бир вақтнинг ўзида инсон психикасида бир нечта одамнинг хусусиятлари мавжуд бўлиши мумкин экан. Зеро, унинг хатти-ҳаракати шу жамламанинг натижасидир. У муваффақиятли илмий тажриба эмас, балки салбий “мен”нинг вақтинчалик устунлик мавқеига эга бўлиш йўлини топа оланлиги ҳақида ёзганди. Мензуркадаги атиги бир неча томчи дори уни бошқа бир инсонга

ADABIYOTSHUNOSLIK

айлантириб кўйгани ва яна шу дорини ичгандан сўнг қайтиб асл қиёфасига эврилгани Аттерсонни хайратга солади. Хайд қилган жиноятлари ҳақида маълум қилган эди.

Аслини олганда асарнинг икки қаҳрамони бир киши ҳисобланади. Барчанинг ҳурматида сазовор бўлган доктор Жекил жамиятда кишилар нафратига учраган Хайд қиёфасида вақтинча намоён бўлиш имконини берувчи, яъни инсон кўринишини ўзгартирувчи дори яратган эди. Бу қиёфада доктор жирканч амалларини бажаради.

Ёзувчи асарда икки хил характердаги қиёфа тасвирини усталик билан ярата олган. Жекил – меҳрибон, Хайд – қасоскор, Жекил – ўзгаларни ўйлайдиган, Хайд – худбин, Жекил – ҳиссиётларга берилмайдиган, Хайд эса жирканчликлар рўёси эди.

Асарнинг фантастик жиҳати шундаки, ундаги эврилиш инсон ақли чегарасидан анча узоққа чиқади. Дорини ичгандан сўнг қаҳрамоннинг нафақат хатти-ҳаракатлари, балки ташқи кўриниши, хаттоки, қаддининг кичрайиб қолиши, сочлари ўсиб, кўрқинчли қиёфага ўзгаришини кузатиш мумкин. Доктор Жекил илм-фан учун ўзида турли хил тажрибаларни ўтказишга тайёр эди. Оддий тажриба бўлиб бошланган иш секинлик билан докторнинг ўлимига олиб келади; ҳар гал раҳмдил доктор дорини ичганда шавқатсиз исёнкорга айлана бошлайди. Шу ниқобда осонлик билан ёвуз ишларни бажара олади. Аммо доктор ўзининг Хайдга эврилиш жараёнини бошқара олмайди ва охир-оқибат ўз-ўзини ёлғизлик, тушкунлик ва ўлим сари олиб келади.

Ёзувчи асарда инсон табиатига пессимистик назар (тушкун кайфият) билан боқади, яъни атиги бир томчи дори ёки кимёвий модда меҳрибон, ҳар доим ёрдамга кўлини чўзадиган инсонни ёвуз, исёнкор шахсга айлантириб кўяди.

Кўринадики, асарда инсон ақлу заковати билан тайёрланган дори-малҳам воситасида эврилишнинг берилиши орқали инсон қудрати улуғланган. Шунинг баробарида бу анъанавий мотив инсоннинг ўз қабиҳлигини, аниқроғи, қотиллик иллатини ёпиш учун қўл келганини ёритишга хизмат қилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, таҳлили кўриб чиқилган асарлар сюжетидаги “эврилиш” мотиви фантастик мазмун касб этса-да, қаҳрамонларнинг руҳий ўзгаришлари билан боғлиқ барча томонларни яққол намоён этишда катта аҳамият касб эта олган. Жаҳон адабиётида “эврилиш” мотивининг бадиий-тадрижий ривожланиш босқичларини даврларга бўлиб ўрганиш ҳар бир давр ижодкорларининг ундан фойдаланиш мақсад ва вазифалари, маҳорати ҳамда мазкур анъанавий мотив поэтик табиатида юз берган эволюцион ўзгариш ва янгилинишларни аниқлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

О.Бальзакнинг “Сағри тери тилсими” романида эврилиш мотиви воситасида сирли терининг кучи билан ўз бахтсиз ҳаётини маълум муддат бўлса-да, бахтиёр онларга алмаштирган, хатто бунда ўлимдан ҳам кўрқмаган инсон ҳаёти акс эттирилган.

Ўша жамият кишилари орасида одамгарчилик ришталарини бузиб ташлади. Инсоннинг барча табиий алоқалари, оила аъзолари орасидаги муносабатлар ҳисоб-китоб эвазига пул асосига кўчирилди. Бальзакнинг буюк хизмати шундаки, у ўз асарларида француз халқи ҳаётининг барча томонларини қамраб олди. Адиб яратган асарлар қаҳрамонларининг ҳаёти муаллиф ҳаётининг мазмунига айланиб кетди.

XX аср жаҳон адабиётида “эврилиш” мотиви ўз мифологик ўзанларидан сал узоқлашиб, афсонавий моҳиятда эмас, кўпроқ инсоннинг руҳий кечинмаларидаги ўзгаришларни ёритиб бериш вазифасини бажаргани учун бу давр адабиётида инсон табиати ва ҳаётидаги руҳий эврилишлар талқини берилгани кўзга ташланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Азизов Қ., Қаюмов О. *Чет эл адабиёти тарихи*. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987.
2. Бахтин М. *Вопросы литературы и эстетики*. – М.: Художественная литература, 1975.
3. Боринских Л.И. *Метод раскрытия характера работах Р.Л.Стивенсона. Странная история доктора Джекила и мистера Хайда. Проблема характера в литературе*. – Челябинск: Изд-во Челябинского государственного университета, 1990.
4. Дежуров А. С. *Художественный мир Оноре де Бальзака (на материале романа «Отец Горио»)*. // *Зарубежная литература XIX в. Практикум для студентов, аспирантов, преподавателей-филологов и учающихся старших классов школ гуманитарного профиля*. — М., 2002.

5. Оноре де Бальзак 1799-1850 . История зарубежной литературы XIX века. – М., 1964.
6. Стивенсон Р.Л. Странная история доктора Джекила и мистера Хайда. /Пер. Волжина, Озерская и др. – М.: АСТ, 2016.
7. Файзулла Бойназаров. Жаҳон адабиёти. – Тошкент: Мусиқа, 2006.
8. Шанин Ю.В. Все шедевры мировой литературы в кратком изложении. Сюжеты и характеры. Зарубежная литература древних эпох, средневековья и Возрождения. / Ред. и сост. В. И. Новиков. – М.: Олимп: АСТ, 1997.
9. Шагреневая кожа. /Перевод Б.А.Грифцова. – М.: Художественная литература, 1970.

УДК: 82-1/2 (575.1)

“АЛИШЕР НАВОИЙ” – ШЕЪРИЙ ДРАМА НАМУНАСИ СИФАТИДА

“АЛИШЕР НАВАИ” – КАК ПРИМЕР ПОЭТИЧЕСКОЙ ДРАМЫ

“ALISHER NAVOI” – AS A SAMPLE OF POETIC DRAMA

Ходжиева Гавҳар Рамазоновна

БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада шеърий драмага хос муҳим хусусиятлар Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмаси мисолида ўрганилган. Мазмун-мундарижасига кўра бу асарда Хуросон тарихидаги голят масъулиятли ва мураккаб даврлардан бири – Хусайн Бойқаронинг ҳукмронлик даври ҳақида фикр юритилган. Асарда Алишер Навоий бош образ бўлиб, ўз даврининг тараққийпарвар кишиси, адолатни бош шиор билиб, халқ ва мамлакат бирлиги, адолат учун тинмай курашувчи, мамлакатда бунёдкорлик ишларини амалга оширган буюк давлат арбоби, ватанпарвар шахс сифатида кўрсатилган. Шеърий шаклда ёзилган мазкур драмада улуг Навоийнинг газал ва рубоийларидан, халқ мақолларидан фойдаланилган. Мақолада шу драма таҳлили мисолида шеърий драмага хос муҳим жиҳатлар, асар тузилмаси ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: шеърий драма, жанр, фалсафий теранлик, конфликт, макон ва замон, диалог ва монолог, хронотоп, газал, рубоий, мақол.

Аннотация. В статье рассматриваются особенности поэтической драмы в случае драмы Уйгура и Иззата Султана “Алишер Навои”. По содержанию эта драма отражает один из самых сложных и трудных периодов в истории Хорасана – царствование Хусейна Байкара. В произведении Алишер Навои изображен как прогрессивный человек своего времени, великий государственный деятель, патриот, который борется за справедливость, борется за единство народа и страны, борется за справедливость в стране. В поэтической драме были использованы народные пословицы; рубаи и газели великой Навои. В статье рассматриваются важные аспекты поэтической драмы, структура произведения, как пример этого драматического анализа.

Ключевые слова: поэтическая драма, жанр, философская глубина, конфликт, пространство и время, диалог ва монолог, хронотоп, газель, рубаи, пословица.

Abstract. The article explores the peculiarities of poetic drama in the case of Uygur and Izzat Sultan's “Alisher Navai” drama. According to the content, this book reflects one of the most difficult periods in the history of Khurasan - the reign of Hussein Baykara. In the book, Alisher Navai is portrayed as a progressive man of his time, a great statesman, a patriotic person, who fights justice, fights for unity of people and country, struggles for justice in the country. In the poetic drama there were used poems and ghazals of the great Navai as well as folk tales. The article discusses the important aspects of poetry drama, the structure of the work, as an example of this drama analysis.

Key words: poetic drama, genre, philosophical depth, conflict, space and time, dialogue and monologue, chronotope, ghazals, rubais, proverbs.

Кириш. Ўтган асрнинг 20 йилларида шеърий драма жанри бадий воқеликка айлана бошлади. Фитратнинг “Шайтоннинг тангрига исёни” драмасини бу йўлдаги дастлабки асар сифатида баҳолаш мумкин. Шу тарзда адабиётимизда Ойбекнинг “Маҳмуд Торобий”, Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна”, М.Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди”, Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмалари дунё юзини кўрди. Таъкидлаш керак: бу жараён истиклол йилларида янада фаоллашди. Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон”, Усмон Қўчқорнинг “Имом Бухорий”, Иқбол Мирзонинг “Самарқанд сайқали” сингари асарларини шеърий драма жанридаги дадил қадамлар сифатида баҳолаш мумкин. Эътибор берилса, уларда тарих ва замоннинг энг муҳим муаммолари акс эттирилган.

Маълумки, тарихий драмаларда драматик вазият ва конфликт масалалари ҳамиша долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Негаки тарихий асарларда бўлиб ўтадиган воқеаларни тўлиқ қаламга олиш жуда қийин. Тарихий асарларда тарихнинг бор қиёфасини драматургларимиз умумлаштириб, бадийлик даражасига кўтариб чиқа олишлари талаб қилинади. Драматик турдаги асарларнинг хусусияти шундаки, унинг муаллифи насрчи ва назмчидан фаркли ўларок, ўқувчилар ҳамда томошабинлар билан ўз қахрамонлари орқали бевосита гаплашади, мулоқотда бўлади. Драматург қахрамонларининг фаолиятини кўрсатиб, ахлоқини ифодалаб, руҳий оламини очиб, ўзининг ҳаёт ҳақидаги тафаккурини изҳор этади, даврнинг муҳим, долзарб масалаларига муносабатини билдиради. Бу ҳол драмада қахрамоннинг аҳамиятини жуда оширади ва қахрамоннинг қилмишлари, хатти-ҳаракатларининг аҳамияти кўзга ташланади. Шу жиҳатдан тарихий драмалар ўтмиш ва келажак орасидаги мустаҳкам кўприк вазифасини ўтай олиши лозим.

Драманинг характерли шеърий драма синкретик жанр сифатида жаҳон адабиётида бир неча асрлик тараққиёт йўлини босиб ўтганлиги маълум. Бу жанрнинг муҳим хусусияти воқеликнинг сидирғасига шеърий шаклда ёзилиши билан белгиланади. Юқорида тилга олинган жанр намуналари орасида Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмаси алоҳида ажралиб туради. Бу драманинг яратилиши адабиётда ўз даври учун бадий ҳодиса бўлган. Ундаги ёниқ сатрлар бугун ҳам яшайпти. Шу нуқтаи назардан адабиётшунос олимлардан И. Султон, С. Мамажонов, театршунос Т. Турсуновлар мазкур асарга муносабат билдириб, қатор фазилатларини қайд этганлар. Мазмун-мундарижасига кўра бу асарда Хуросон тарихидаги ғоят масъулиятли ва мураккаб даврлардан бири – Ҳусайн Бойқаронинг ҳукмронлик даври қаламга олинган. Драма беш парда, ўн кўринишдан иборат. Иззат Султон драматург Уйғун билан биргаликда мана шу тарихий воқеликнинг мазмун-моҳиятини конкрет образлар хатти-ҳаракати ва тақдирлар мисолида қайта жонлантиришга ва улардан замон учун керакли хулосалар чиқаришга муваффақ бўлди. Драмада тарихий шахсларнинг ёрқин қиёфалари яратилганлиги ва тарихий воқеликнинг бадий ифода этилиши, инсон омилини юксакликка кўтаришга интилиш кайфияти устуворлиги, фалсафий теранлиги ва конфликтнинг чуқурлиги алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, асар назм ва наср уйғунлигида яратилган. Бу жиҳат уни шакл жиҳатидан халқ дostonларига яқинлаштирди. Асарнинг насрий қисми тарихий воқеликлардан баҳс этса, шеърий қисмида шу воқеликка лирик муносабат, кечинма тасвирга кенг ўрин берилган. Шу билан бирга, И. Султон ва Уйғун Навоий руҳий дунёсини очиб бериш мақсадида шоир сатрларини асар матнига олиб кирган. Бу асар тузилишини мазмунан бойитишга хизмат қилган.

Although events in "To the Lighthouse" have a purpose, some undertakings in the story have no remarkable use. Critically, the use of numerous characters to depict one substantial theme is of no purpose. In some occasions, Woolf uses several imaginative concepts to help in building her themes. However, imaginations might dispute the story if they appear unrealistic. Another censurable moment is the confrontation amid Mr. Ramsay and his guest Mr. Carmichael over additional soup at the party. If Ramsay prepared a party for fifteen guests in his house, in Hebrides, it was inappropriate for him to deny one of the very guests to make additional requests. Evidently, the author used this moment to depict the selfishness of Mr. Ramsay; however, it is a false portrayal of men and this might indicate how the author intended to disfigure the male characters. Finally, on encountering the title of the novel, one might expect a narration full of episodes concerning a sea voyage towards the lighthouse.

However, it is disappointing to notice that the real journey to the lighthouse comes last when at least three members of Ramsey's family have died, the portrait started by Lily was still undone, and several incidences have unfolded. This trend might be a massive disillusionment to a reader who only expected to read the exact voyage.

Furthermore, Virginia Woolf states that "the intuitive realization that a symbol imparts to us should be instant, because we start doubting the real and the symbolical if we do not apprehend symbol and meaning simultaneously". By saying that "symbols should not inform but suggest and evoke", [3] Virginia Woolf stresses the importance of not completely working out a symbol's meaning but leaving a part of it to the reader's imagination.

The use of symbols should be conscious, as they function "to suggest and to give insight into the ineffable in human thought and feeling, or to heighten and make splendid the desired emotions

and ideas". Thus, the symbols used by Virginia Woolf also give insight into her mind and her feelings.

According to Woolf, repeated images, characters, atmosphere and actions can have symbolic value. She explains why we need symbols by stating that "words are meagre in comparison with ideas". [4]

She made a frequent use of symbols which was partly due to her illnesses. Virginia Woolf was a very ill person throughout her whole life and she suffered from different diseases like influenza, headaches and even hallucinations. She had some nervous breakdowns and depressions and it often took her a very long time to recover. According to Virginia Woolf, insanity lies just beneath the surface of sanity. Her long-time illnesses frequently supplied her with ideas for her literary work.

Something happens in my mind. It refuses to go on registering impressions. It shuts itself up. It becomes chrysalis. I lie quite torpid, often with acute physical pain ... Then suddenly something springs ... ideas rush in me; often though this is before I can control my mind or pen. [4]

One of those attacks of depression happened during her work on *To the Lighthouse*, making her incapable of any steady work during two months. This depression might have had some impact on her fifth novel. The lighthouse is the central image as well as the strongest and most meaningful symbol of the novel. Firstly, this is indicated by being part of the title, immediately making it a focus of attention, and, secondly, by headlining Part 3 of the novel. It is also a recurring motif throughout the novel. Its reality in Virginia Woolf's childhood years at St. Ives was the Godrevy light.

Virginia Woolf wrote in 1927:

*I meant nothing by *The Lighthouse*. One has to have a central line down the middle of the book, to hold the design together. I saw that all sorts of feelings would accrue to this, but I refused to think them out, and emotions – which they have done, one thinking it means one thing another another. I can't manage Symbolism except in this vague, generalised way. Whether its [sic] right or wrong I don't know; but directly I'm told what a thing means, it becomes hateful to me. [2]*

At first sight, this statement seems to be a contradiction to what she stated in her theory of symbols, namely that symbols should be used consciously. But in fact, she uses it intentionally as the function of the lighthouse is to evoke the reader's imagination. She wants the lighthouse to mean various things to various readers. As there have been so many attempts to interpret the function of the lighthouse in the novel, her idea worked out in a more than satisfying way.

The lighthouse functions in two ways: as something to be reached, and as the source of a flashing light. But not only the physical presence of the lighthouse becomes important. It also exists within the consciousness of individual characters. The symbolic meanings of the lighthouse differ, change and are even contrasted in different contexts and with regard to different characters in the novel. Due to these multiple and varying meanings, the lighthouse carries the narrative forward. The first mentioning of the lighthouse is very realistic and primarily negative. It describes the disadvantages of having to live and work in a lighthouse. The following abstract highlights the literary idea of the novel:

... to give those poor fellows who must be bored to death sitting all day with nothing to do but polish the lamp and trim the wick and rake about on their scrap of garden, something to amuse them. For how would you like to be shut up for a whole month at a time, and possibly more in stormy weather, upon a rock the size of a tennis lawn? She would ask; and to have no letters or newspapers, and to see nobody; if you were married, not to see your wife, not to know how your children were, - if they were ill, if they had fallen down and broken their legs or arms; to see the same dreary waves breaking week after week, and then a dreadful storm coming, and the windows covered with spray, and birds dashed against the lamp, and the whole place rocking,

The lighthouse seems more of spiritual and psychological value than being just a place. For one of the main characters, Lily, and for most of the characters, the lighthouse carries all the memories of the past and all the visions for the future. To Lily, the lighthouse represents the symbols toward the unreachable future, and the far-fetched dream, which from her point of view

cannot be attainable. The lighthouse represents the unreachable dream that reflects her own dream, which we do not see come into being, but it remains Lily's vision which is correlated with the dream of art and life. From the very beginning of the novel, the lighthouse looks like a destination for hope, happiness and a place for contemplating one's self. And for Lily, it is part of her own psychological life; it is more like an ultimate dream which remains unfulfilled up to the very end of the novel. This image is constantly developing and changing in accordance with the development of the psychological maturity within Lily's self, and also with the maturity of her experience of the philosophical and critical views of life. Psychologically speaking, the fear of loss, despair and failure appear to dominate a great part of the inner psychic motivation that keeps making Lily change her perceptions about things. [5]

In addition, Lily keeps projecting her own inner views about life and art on the place, and she also keeps emptying her own emotions on her painting and through her reflections on the lighthouse, which exercises a tremendous influence on her own artistic wishes. For example, the lighthouse seems so far to her in the same way she thinks that she is so far from grasping her own dreams, and her own artistic wishes. This is a quotation that describes Lily's feelings about the lighthouse:

Her sympathy seemed to be cast back on her, like a bramble sprung across her face. She felt curiously divided, as if one part of her were drawn out there-it was a still day, hazy; the light house looked this morning at an immense distance; the other had fixed itself doggedly, solidly, here on the lawn. She saw her canvas as if it had floated up and placed itself white and uncompromising directly before her. It seemed to rebuke her with its cold stare for all this hurry and agitation; this folly and waste of emotion. [4]

The image of the lighthouse is always connected with someone's attitude toward life, art, hope, despair, achievement, or death. To Lily, the lighthouse is also connected with the most intense psychological moments of self-realization and epiphany which the characters experience but in totally different psychological responses that express their dreams and ambitions. Lily could see in the lighthouse the things that she aspires to get. She could see the missing things that she keeps searching for but never have found like the ultimate freedom, the beauty of the self, eternity and continuation. The more she contemplates the lighthouse, the more she discovers the harmony and the unity of the self and the very axioms of life and death. Lily can see how much she belongs to the place through seeing the very human images of life as well as the very true relations of being and harmony with the place. She begins to realize that deep intimacy of the self with nature, and with the very surroundings of the place. Lily can also see the paradoxes and juxtapositions of life and death, sorrow and happiness, depth and shallowness, light and darkness. She knows that only through darkness could one see light, and that through the others one could see the self:

Beneath it is all dark, it is all spreading, it is unfathomably deep; but now and again we rise to the surface and that is what you see us by. Her horizon seemed to her limitless. There were all the places she had not seen; the Indian plains; she felt herself pushing aside the thick leather curtain of a church in Rome. This core of darkness could go anywhere, for no one saw it. They could not stop it, she thought, exulting. There was freedom, there was space, there was, most welcome of all, a summoning together, a resting on a platform of stability. Not as oneself did one find rest ever, in her experience (she accomplished here something dexterous with her needles) but as a wedge of darkness. [4]

However, to some of the characters of the novel the lighthouse seems like a dream that should come true, while some of them see it as a destination for happiness or childhood dreams. Also, the lighthouse means a lot to Mr. Ramsay's sons. For example, the lighthouse means childhood dreams, the past and the future as we see when Paul expresses his feelings after he came to the lighthouse saying:

"I have done it, Mrs. Ramsay; thanks to you." And so turning into the lane that led to the house, he could see lights moving about in the upper windows. They must be awfully late then. People were getting ready for dinner. The house was all lit up, and the lights after the darkness made his eyes feel full, and he said to himself, childishly, as he walked up the drive, lights, lights,

ADABIYOTSHUNOSLIK

lights, and repeated in a dazed way, lights, lights, lights, as they came into the house staring about him with his face quite stiff. But, good heavens, he said to himself, putting his hand to his tie, I must not make fool of myself.[4]

To Paul, the lighthouse means what it means to Lily, but with different ambitions, views, and aspirations.

All in all, we can affirm that Virginia Woolf, one of the most important authors who were affected from the ideas which emerged because of the wars and their effect on society, used stream of consciousness in her writings and she managed to reflect the reality transmitted from character's mind and feeling. In her prominent novel "To the Lighthouse" she was able to reflect the perspective of her characters in such a way that readers felt as if they were in character's mind. Throughout the novel the author successfully presented the symbols and motifs. By the bold and running use of metaphor V.Woolf will amplify and give us, not the thing itself, but the reverberation and reflection which, taken into her mind, the thing has made; close enough to the original to illustrate it, remote enough to heighten, enlarge, and make splendid. "To the Lighthouse" is an exceptional novel that the readers feel like investigating the vast amount of symbols used in the novel in order to realize the central idea of the work.

REFERENCES

1. Apter T.E. Virginia Woolf – A Study of Her Novels. London: Macmillan Press, 1979, p. 75-76.
2. Mitchell A. Leaska. The Novels of Virginia Woolf – From Beginning to End. New York: John Jay Press, 1977, p. 150.
3. A survey of some interpretations by various critics can be found in: Christoph Schöneich. Virginia Woolf. Darmstadt: WBG, 1989, p. 60-64.
4. Margaret Drabble, ed. Virginia Woolf – To the Lighthouse. New York: OUP, 1999
5. Bani-Khair, Baker & Neimneh, Shadi. (2016). The Image of the Lighthouse and Lily's Pursuit of Artistic Dreams in Virginia Woolf's To the Lighthouse. International Journal of Humanities and Cultural Studies. 2. 244-256.
6. https://www.researchgate.net/publication/Virginia_Woolf_Established_Human_Relationship_Through_Effective_Characterization_in_her_Novel_To_the_Lighthouse
7. <https://ivypanada.com/essays/criticism-of-novel-to-the-lighthouse-by-virginia-woolf/>

UDK: 81.373.612

SHOIR ERKIN VOHIDOVNING METAFORALARDAN FOYDALANISH MAHORATI
(“Nido” dostoni misolida)

МАСТЕРСТВО В ИСПОЛЬЗОВАНИИ МЕТАФОР ПОЭТОМ ЭРКИНОМ
ВАХИДОВЫМ (на примере поэмы “Нидо”)

MASTERSHIP OF USING METAPHORS OF THE POET ERKIN VOKHIDOV
(by the example of the poem “Nido”)

Adizova Nilufar Istamovna

BuxDU o'zbek tilshunosligi kafedrasi o'qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada o'zbek xalq shoiri Erkin Vohidovning metaforalardan foydalanish mahorati uning “Nido” dostoni misolida tahlil qilingan. Lingvopoetik xarakterdagi mazkur mavzu doirasida shoirning ko'chimlardan, jumladan, metaforik birliklardan foydalanish orqali o'zbek nutqidagi lingvostilistik figuralarning ta'sir kuchi namoyon etilgan. Shoirning so'zga zargarona yondashishi orqali uning o'ziga xos mahorat egasi ekanligi hamda tilimiz imkoniyatlarining sarhad bilmasligi xususida mulohazalar bildirilgan.

Tayanch so'zlar: lingvopoetika, so'z qudrati, ko'chim, metaforik birliklar, umumiy metaforalar, xususiy metaforalar, okkazonal metaforalar.

Аннотация. В данной статье анализируется умение узбекского народного поэта Эркина Вохидова использовать метафоры на примере его поэм “Нидо”. В рамках данной темы, носящей лингвистический характер, выражена сила влияния лингвистических фигур в узбекской речи посредством использования в том числе метафорических единиц.

ADABIYOTSHUNOSLIK

Считается, что художественный подход поэта к слову – это его умение и что он не знает границ языка.

Ключевые слова: лингвопоэтика, сила слова, смещение, метафорические единицы, общие метафоры, частные метафоры, окказиональные метафоры.

Abstract. *This article analyzes the ability of the Uzbek folk poet Erkin Vokhidov to use metaphors on the example of his poems “Nido”. Within the framework of this topic, which is of a linguistic nature, the power of the influence of linguistic figures in Uzbek speech is expressed through the use of metaphorical units. It is believed that the poet’s artistic approach to the word is his skill and that he does not know the boundaries of the language.*

Key words: *linguistic poetics, word power, displacement, metaphorical units, general metaphors, particular metaphors, occasional metaphors.*

Har qanday badiiy asarning yaratilishi betakror san’at darajasiga ko’tarilgandagina u, makonu zamonlardan qat’i nazar, albatta, o’z o’quvchisini topadi. Zero, ta’sirchan so’z bilan ish ko’radigan badiiy adabiyot inson shuuriga tezroq yetib borish qudrati bilan, kishining ong ostiga singib borishi va o’quvchining his-tuyg’ulari, ba’zan hayot tarziga uyg’unlashib borishi bilan san’atning boshqa turlaridan keskin farqlanadiki, bu jarayonda faqat va faqat haqiqiy asarlarga yashab qolaveradi. Zotan, biror zarurat, qandaydir majburiyat ostida yuzaga kelgan, ta’bir joiz bo’lsa, “o’rtamiyona asar”ning umri “vakuumda ushlab turilgan bemor”ni eslatadi.

Xo’sh, ijodkorning umrboqiy asarlar yaratishi nima bilan bog’liq? Bu yozuvchi yoki shoirning iste’dodi yoxud tajribasi, mahorati mevasimi? Yoki ko’p va xo’p mutolaa mahsulimi? Fikrimizcha, ijodkorning o’z nomini asarlari orqali mangukka muhrlashi uning so’z qudratini, tilning rang-barang imkoniyatlarini his eta olishi bilan bog’liq. Hazrat Mir Alisher Navoiy topib ta’riflaganlaridek:

So’z guhariga erur oncha sharaf,
Jon bo’lib ul, ruh oning qolibi,
Kim tanida ruhi oning tolibi. [4,7]

Bugunning talqini bilan yondashilganda, so’z badiiy tasvirning asosiy vositasi, obraz yaratishning muhim omilidir. Ijodkor so’z vositasida ijtimoiy turmushning muayyan tasvirini yoki hayotning bir bo’lagini, qirrasini o’quvchi tasavvuriga so’z bilan muhrlaydi, uning ko’z o’ngida obraz-u manzaralarni jonlantiradi, qahramonning ruhiy olamiga rang-baranglik baxsh etib, o’ziga xos xarakter yaratadi; muayyan tilning jozibasini, millatning ruhini aks ettiradi. Bunday ulug’vor maqsadlarni yuzaga chiqarishda ijodkorga eng eng ko’p qo’l keladigan til vositasi ko’chimdir.

Adabiy asarning badiiy qimmatini, emotsional-ekspressiv bo’yoqdorlik darajasi, jozibadorligi ko’chimlar orqali xarakterlanadi, desak mubolag’a bo’lmas. Til grammatikasida so’zda ma’no ko’chish usullari sifatida talqin etiladigan (metafora, metonimiya, sinekdoxa, vazifadoshlik, kinoya, tagma’no kabi) birliklarning barchasi umumiy tarzda badiiy ko’chimni yuzaga keltiradi. Biz quyida iste’dodli shoir Erkin Vohidovning “Nido” dostonida keng va o’rinli (quyma qolipdek) qo’llanilgan metaforalarga e’tibor qaratamiz.

Metafora (aslida *metaphora* – ko’chirish, ko’chim) *ad.* So’z yoki iborani o’xshashlik yoki o’xshatishga asoslangan ko’chma ma’noda ishlatish va shunday ma’noda ishlatilgan so’z yoki ibora; istiora, majoz (maye., *quloq* so’zining *dutorning qulog’i* birikmasidagi ma’nosi metafora asosida yuzaga kelgan) [2,37].

Maxsus adabiyotlarda metaforaning ikki turi, ya’ni lisoniy metafora hamda individual (xususiy) metafora shakllari ajratiladi. Lisoniy metafora til taraqqiyoti bilan bog’liq bo’lib, denotativ (nomlash) vazifasini bajaradi, individual metafora ko’rinishlari konnotativ (tasvirlash, bo’yoq berish) vazifasini bajaradi. Individual metaforalar so’z ustasining o’ziga xos tasvir uslubini namoyon etgan holda uning ruhiy kechinmalarini aks ettirishga ko’maklashadi. Ijodkor o’ziga xos metaforalarni o’quvchining ko’ngil torlarini chertish, uning hislariga ta’sir etish uchun qo’llaydi.

O’zbek tilida metaforik ma’no ko’chishi turli xil ko’rinishlar asosidagi o’xshashliklar bilan bog’lanadi:

– umumiy shakliy o’xshashligi asosidagi bog’lanish;

ADABIYOTSHUNOSLIK

- muayyan belgining o‘xshashligi asosidagi bog‘lanish;
- harakat-holat asosidagi o‘xshashlik bilan bog‘lanish;
- predmetlar asosidagi o‘xshashlik bilan bog‘lanish;
- makon bilan bog‘liq o‘xshashlik asosida bog‘lanish;
- zamon bilan bog‘liq o‘xshashlik asosida bog‘lanish va h.

Badiiy adabiyotning har qanday ko‘ngilga kira oladigan kuchli quroli, go‘zal kuylar yaratuvchi so‘zi bo‘lmish so‘zni tovlanira olish, jilolantrish, uni “gavhar”ga, “zabarjad”ga aylantirib, kaftda tutib, asar gultojiga qadamoq, albatta, ijodkor mahoratiga bog‘liq. Aytgan vazifalar o‘zbek xalqining sevimli shoiri, O‘zbekiston Qahramoni Erkin Vohidov ijod mahsullarida shu darajada mahorat bilan uddalanganki, buni tan olmaslikning, buni his etmaslikning hech iloji yo‘q. Demak, ijodkor qalamiga mansub “Nido” dostoni asosida asarga ajoyib musiqiylik, emotsional-ekspressivlik baxsh etgan shoir uslubiga xos **belgi, harakat, predmet** asosida o‘xshashlik hosil qilgan metaforik birliklarni lingvopoetik nuqtayi nazardan kuzatamiz va inson kechinmalarini ifodalashda so‘z qudratining chegara bilmasligiga amin bo‘lamiz. Jumladan:

*O‘g‘lim!
Vujudimni **chulg‘ar alanga,**
Bo‘g‘zimga **tiqilar hayajon.***

yoki

*Otajon!
Men axir qutlug‘ bu so‘zni
Yigirma yil olmadim tilga,
Yigirma yil saqladim dilda.
Armonli o‘g‘lingiz tinglaydi sizni,
So‘ylang, eshitaman.
Vujudim tilka,
Yuragimni **yoqar o‘tli iztirob,**
Ammo ko‘zlarimda bir tomchi yosh yo‘q. [1,27]*

yoki

***Bag‘rim o‘yib,**
Bu kun menga **bermoqda azob**
Sizning ko‘ksingizni teshgan **qora o‘q.**
Silqib oqayotir
Ko‘kragimdan qon.
Qalbim o‘rtanmoqda, so‘ngsiz armonim...
Yurak qonim bilan bitgan dostonim
Sizga bag‘ishladim,
Otajon! [1,28]*

Otasi vafotidan yigirma yil o‘tib janggohda “jon kechib” yurgan otaning ko‘ksiga tekkan dushmanning “daydi o‘q”i bugun uning farzandini azoblamoqda: “**qora o‘q**” armonli o‘g‘ilning “**bag‘rim o‘yib, ...bermoqda azob**”, natijada otasidan bevaqt ayrilib qolgan o‘g‘il bugun yigirma yillik armonlarini “dilidan tiliga ko‘chirmoqda”ki, uning ham ko‘ksidan xuddi otasiniki kabi “**silqib oqayotir**” qon, u tinch zamonda yashayotgan zamondoshiga “**yurak qoni(m) bilan bitgan**” dostonini vujudini “**alanga chulg‘ab**”, bo‘g‘ziga “**hayajon tiqilib**”, “**vujudi tilka**”, yuragini “**o‘tli iztirob yoqib**” aytmoqda. Keltirilgan metaforik birliklar asosida satrlarning qat-qatidan ko‘ksi qon yarador ota **bo‘y** ko‘rsatadi, makon va zamon jihatidan juda olisda otilgan bir “o‘q”ning (ayni o‘ynab-kuladigan) navqiron yoshdagi yigitning “bag‘rini o‘yishi”, “azob berishi”, “qonning silqib oqishi” semalari orqali musibatning og‘ir yuki o‘quvchining ham “yelkasiga tushadi”. “O‘q”ning aynan qora rangda ifodalanishi, “qonning silqib oqishi” kabi o‘ziga xos tasvir ifodalari misralarda aks etgan dard tasvirini yanada bo‘rttirib ko‘rsatadi.

Dostonning yana bir bandida butkul boshqa tuyg‘ular jilosida qo‘llanilgan metaforalar esa til qudratining chek, chegara bilmasligidan dalolat beradi. Ular orqali shoir umrning beqiyos bir davri

ADABIYOTSHUNOSLIK

– olovdek jo‘shqin, ammo urush tufayli tunday zulmatga chulg‘angan bolalik tasviri orqali o‘ziga xos, takrorlanmas satrlar yarata oladi:

*Xayolning tumanli pardasi aro
Yillar ko‘z oldimda charx urayotir.
Qishloq ko‘chasidan zanjiday qaro
Olov bolaligim yugurayotir. [1,28]*

Dostonning keyingi bandlariga o‘zgacha jilo baxsh etgan g‘am, qayg‘u “qah-qah urayotir”, “barq urayotir”, “yaralangan olam”, “majruh dunyo”, olam “qasos so‘rayotir”, jahon “bong urayotir”, “achchiq alamlar”, “zo‘r titroq”, “poyezd qichqiradi”, “zangori chiroq”, “mehribon qo‘llar” kabi takrorlanmas, tuyg‘ularni larzaga soluvchi metaforik birliklar faqat Erkin Vohidov uslubiga xos bo‘lgan tasvir mahorati mahsullari ekanligiga guvoh bo‘lamiz. Ha:

*Dunyo qayg‘usiga bolmagan oshno,
Qah-qah urayotir,
Barq urayotir.
Bilmas, boshi uzra bulutli samo
Chaqmoq chaqayotir,
Guldurayotir.
Bilmas, yaralangan bu majruh dunyo
Qasos so‘rayotir,
Bong urayotir...*

Inson qanchalar alam chekmasin, ayriliq, g‘am-sitam iskanjasida to‘lg‘anmasin, uning yuragi tub-tubida yilt etgan yorug‘lik hamisha uchqun sohib turaveradi. Bu insonning, insoniyatning yashashga bo‘lgan ishtiyoqi, tiriklikka tashnaligi belgisidir. Ijodkor buni hamisha his etib turadi, ba‘zan buni sezmay turgan o‘quvchiga tuyg‘ular rangini “tanitadi”; alam-u iztirob-u qayg‘udan qaqshayotgan tana, faryod chekayotgan qalb hayot ummonida po‘latdek toblanaveradi, toblanaveradi. Biroq mana shu “toblangan tan”, “zo‘riqqan ruh”, “chirqiragan jon”, “qaqrangan lab” oddiygina go‘zallik, aytaylik, oy shu‘lasi, chaqnagan yulduz yoki bosh ko‘targan mittigina boychechakni ko‘rganda har qanday toblanish, zo‘riqish yoki chirqirashni unutadi. U qalb odamiga, ha, go‘zallikka oshufta ko‘ngil odamiga aylanib qoladi. Shunday inja tuyg‘ular tasviriga dostonning yana bir bandida duch kelamiz.

Ijodkor quyidagi satrlarda o‘zgacha o‘xshashlik asosida umidbaxsh kunlarga ishora qilib, tilimizning imkoniyat darajasini yorqin satrlarda namoyon etadi:

*Ana, derazangga qo‘nibdi hilol,
Boshingga egilib so‘rmoqchi savol,
Sening kiprigingga
Sochmoq bo‘lib zar,
Hilol tegrasida
O‘ynar yulduzlar. [1,29]*

Muallif asar qahramonini (o‘zini) derazaga “qo‘ngan hilol” dan, “hilol tegrasida o‘ynayotgan yulduzlar” dan zavqlanishga, to‘g‘rirog‘i, yashashga chorlaydi.

“Osmonning zar qandillari”, “yoqut surayyo”, “yulduzlar mushtaq”, “yov quzg‘unlari”, “yutmoqda olov”, “qon kechib”, “sof tilagi”, “jahonning nurafshon kelajagi”, “qotil e‘tiqod”, “qutlug‘ e‘tiqod” kabi tasvir vositalari shoirning o‘ziga xos ifoda uslubini yuzaga keltiradiki, bu o‘quvchiga goh tanish, goh notanish metaforik birliklar orqali uning shuuriga ta‘sir ko‘rsatib boraveradi. Quyidagi misralarda qo‘llanilgan birliklar vositasida shoir urush manzaralarini haqqoniy chizadi:

*Olis sohillarda
Ufqdan nari
O‘lim sochmoqdadir
Elga beayov,
Shahar, qishloqlarni
Yutmoqda olov.*

ADABIYOTSHUNOSLIK

O'sha olis yurtda
Qon kechib hozir
Otang hayot uchun
Jang qilayotir.
Ellarning erk degan
Sof tilagi deb,
Jahonning nurafshon
Kelajagi deb,
Ofat solmasin deb
Olamga qotil,
Otang uzoq yurtda
Jang qilayotir. [1,30-31]

Aslida, she'riy misralar tarkibidan birgina san'atni yoki ko'chim turini sof holatda ajratish mushkul. Sababki, she'riy misralarda tashbeh (*ona-yer, muqaddas zamin, oydin zamon...*), o'xshatish (*dardli olam, og'ir qadamlar, achchiq alamlar, o'tli iztirob, murg'ak xat...*), jonlantirish (*titragan tuproq, ingrayapti ona-Yer, yaralangan bu majruh dunyo qasos so'rayotir...*) yoki lingvistik nuqtayi nazardan yondashganda bo'yoqdor so'zlar (*nurafshon kelajak*), (*bulutli samo*), (*bashar jarohati*), (*yashaysan masrur*), graduonimlar (*qah-qah urayotir, barq urayotir; qasos so'rayotir, bong urayotir; otash, alanga...*); sinonimlar (*dunyo, olam, ochun*); turg'un birikmalar (*ofat solmoq, charx urmoq, sado kelmoq, nido bermoq, bag'rini pora qilmoq...*); izofalar (*sohibi olam, kurrayi zamin, xurshidi jahon...*) va h.lar kabi o'nlab vositalar qavatlanib kelaveradi.

Yuqoridagi satrlar orqali ijodkor qahramon qalbida ertangi kunga umid, ishonch tuyg'ularini uyg'otadi hamda uni vatanparvarlikka undaydi:

Bu kunlar, albatta,
O'tib ketadi.
Bashar jarohati
Bitib ketadi.
Ona yer qaytadan
Yasharar bir kun.
Olam nur qo'ynida
Yashnar lolagun ...
Vaqt kelar, ulg'ayib,
Odam bo'larsan.
Ilm olib sohibi
Olam bo'larsan.
Sen bizlar ko'rganni
Ko'rmagaysan hech,
G'urbat yo'llaridan
Yurmagaysan hech.
Olam to'la quyosh,
Qalbing to'la nur.
Oydin bir zamonda
Yashaysan masrur.

Ijodkor sodda misralar orqali so'zlar jilosida kelajak avlod zimmasiga burch, vazifa yuklaydi: "**Muqaddas zamin**"ni "kaftda tutib" uni shunchaki hayot yo'llaridan emas, "**sharaf yo'llaridan olib o'tasiz**":

Bizlar ham o'tamiz
Vaqt kelib bir kun.
Sizlarga qoladi
Muqaddas zamin.
Siz uni avaylab
Kaftda tutasiz.

ADABIYOTSHUNOSLIK

*Sharaf yo'laridan**Olib o'tasiz. [1,32-33]*

Doston misralarida qo'llanilgan **“dahshat ummoni”** (*Dahshat ummoniga otmaysiz uni*), **“zamin tegrasi”**, **“oltin kamalak”**, **“nurdan chambarak”** (*Zamin tegrasida oltin kamalak, O'raydi yetti xil nurdan chambarak*) metaforik birliklari asar mazmuniga o'zgacha jilo baxsh etib, okkazonallik kasb etadi.

Erkin Vohidov ijodida bolalikka, yoshlikka bag'ishlangan dilgir she'rlar ko'p. Kuzatishlarimiz ko'rsatadiki, ijodkorning ijodiy merosidagi dostonlarda ham bolalik yoki bolalik bilan bog'liq tasvirlarga alohida o'rin ajratilgan. Jumladan:

*Boshimizda otashin falak,
Poyimizda otashin tuproq,
Qo'limizda yog'och arg'umoq,
Oppoq changdir egn-u boshimiz,
Oppoq changdir ko'z-u qoshimiz.
Ko'r-u karmiz,
Beshdan oltiga
Endigina o'tgan yoshimiz,
Ko'cha-ko'yda ko'tarib suron
Yuguramiz sahardan to kech,
Olam uzra kezar zo'r bo'ron,
Biz bu haqda o'ylamaymiz hech.*

“Otashin falak”, **“otashin tuproq”**, **“oppoq chang”**, **“ko'tarib suron”**, **“kezar zo'r bo'ron”** kabi o'ziga xos metaforalar bilan **“to'yingan”** satrlar orqali ijodkor bolalikning sho'x, o'ynoqi, betashvish damlarini **“yeb, yutib yuborgan”** suronli **“qora urush”** obrazini shu qadar samimiy, sodda misralarda o'zaro zidlantiradiki, o'quvchining etlari jimirlab o'zining tinch zamonda yashayotganiga shukrona aytadi. Zero, dostonning keyingi bandlarida ham shoir uslubiga xos **“titratamiz ko'k-u zaminni”**, **“jang guldurosi”**, **“kiprigimga uyqu sira ilinmaydi”**, **“murg'ak fikrim yetaklaydi xayollarga”**, **“Onam qo'ynin to'ldiraman savollarga”** kabi metaforalar asar mazmunining o'quvchi qalbiga oson kirib borishini ta'minlaydi, uning ta'sirchanligini oshiradi.

Erkin Vohidov ijodida metaforalarning o'ziga xos butun boshli jumla ichiga singdirib yuborilishi qahramon kechinmalarini o'quvchining ham qalban his etishini ta'minlaydi, iztiroblarni bo'rtiq ranglarda ko'rsatadi. Ayniqsa, buni bolaning tilidan bayon etilgan maktubda aniq kuzatamiz:

*Dadajon!
Men sizni juda sog'indim.
Sog'indim ikkala ko'zim bilan teng.
Tizzasidan olib ketgan emish o'q... [1,36]
Yo'l bosar ekan
Mening murg'ak xatim bekatma-bekat,
U yoqdan,
Xuddi u borar manzildan
Yo'lga chiqqan edi mash'um qora xat. [1,37]
Otam tutgan mash'alni ushlab,
O'sha yo'ldan boraman men ham. [1,38]*

Quyidagi misralarda qo'llangan belgi, narsa, harakat o'rtasidagi bog'liqlik asosida hosil bo'lgan birliklar orqali shoir qahramon qalbida kechayotgan tuyg'ularni aks ettirish bilan bir qatorda uning murg'ak qalbida iftixor, g'urur tuyg'ularini ham jo'sh urayotganini ko'z-ko'z etadi:

*Men otam bosib o'tgan
Qonli yo'lni o'tmasman.
Ammo shonli hayotin
Bir umr unutmaman.
Ona-Vatan ko'ksiga
Qalqon bo'lgan otamning,*

ADABIYOTSHUNOSLIK

*Ko'plar baxti yo'lida
Qurbon bo'lgan otamning–
Aziz nomin qalbmida
Vijdonimdek saqladim.
Uning o'lmas ruhini
Shod etmoqdir maqsadim.
Umrinni fido etay
U jon bergan Vatanga
El mendan rozi bo'lsin
O'xshabsan, deb otangga.*

So'z zalvoriga ishongan, so'z qudratini his eta olgan Erkin Vohidov takrorlanmas metaforalarning rang-barang shakllarini o'ziga xos tarzda qo'llash orqali o'zbek tili imkoniyatlarining sarhad bilmas qirralarini namoyon etadi: *“Yer, ko'k mungli”, “borliq g'ash”, “to'rt juft ko'z”, “olov yog'ar”, “quyuq zulmat”, “ko'kragida qo'rg'oshin”, “sabo yig'ladi”* kabi individual metaforik birliklar fikrimizni dalillaydi.

Quyidagi misralarda keltirilgan harakat-holat asosida bog'liqlik hosil qilgan metaforik birliklar orqali esa shoir uslubining chinakam o'ziga xosligiga guvoh bo'lamiz:

*Shu tong sabo yig'ladi
Chidolmay bu firoqqa.
Shu tong daryo yig'ladi
Boshin urib qirg'oqqa.
Oq, momiq bulutlarning
Bag'ri chok-chok so'kildi.
Shu tong oftob nurlari
Ko'z yosh bo'lib to'kildi.*

So'z zalvorini bilgan, so'z qudratidan unumli foydalana olgan, so'zga zargarona yondashgan Erkin Vohidov ijodida *“Yetar uning chekkan ozori”, “Kel, uni gullarga ko'maylik”, “Bu yerda yuraklar hur bo'lsin”, “Eshit, ingrayapti Ona-Yer”, “Bu tuproq yuragi poradir”, “Atom zontlarinig vahmidan”, “Yigirmanchi asr nidosi”, “Ustunga zo'r kelar qulasa ustun”* kabi takrorlanmas individual metaforalarning qo'llanilishi uning o'lmas satrlariga o'zgacha jilo, badiiylik baxsh etibgina qolmasdan, insonlarni tinchlikning qadriga yetishga chorlaydi.

Erkin Vohidovning “Nido” dostonida qo'llanilgan metaforik birliklarni quyidagi uch guruhga ajratishni joiz deb bildik:

1-jadval

umumiy (kitobxonga tanish) metaforalar	individual (xususiy) metaforalar	okkazonal metaforalar
“poyezd qichqiradi”	“so'ngsiz armonim”	“hilol tegrasida o'ynar yulduzlar”
“qora o'q”	“xayolning tumanli pardasi aro”	“imlab chorlamoqda yoqut Surayyo”
“baxt uyg'otdi”	“dunyo qayg'usiga bo'lmagan oshno”	“bu tuproq yuragi poradir”
“zanjiday garo”	“majruh dunyo”	“g'urbat yo'llari”
“zo'r titroq”	“derazangga qo'nibdi hilol”,	“sharaf yo'llari”
“dardli olam”	(hilol) “boshingga egilib so'rmoqchi savol”	“dahshat ummoni”
“qutlug' so'z”	“vujudim tilka”	“zamin tegrasi”
“o'tli iztirob”	“sog'indim ikkala ko'zim bilan teng”	“nurdan chamberak”
“armonli dunyo”	“ingrayapti ona-Yer”	
“bag'rim o'yib”	“bashar jarohati”	
“olov bolaligim”	“osmonning zar qandillari”	
“achchiq alamlar”	“sening yo'llaringga yulduzlar mushtaq”	
“vujudimni chulg'ar alanga”	“o'lim sochmoqdair yov quzg'unlari”	
“Bo'g'zimga tiqilar hayajon”	“sof tilak”	
“yutmoqda olov”, “qon kechib”	“jahonning nurafshon kelajagi”	
“eng qutlug' e'tiqod”	“borliq g'ash”	
“muqaddas zamin”	“yer, ko'k mungli”	
	“sabo yig'ladi”	

ADABIYOTSHUNOSLIK

Bu ro'yxatni hali uzoq davom ettirish mumkin. Agar ijodkor tomonidan qo'llanilgan individual metaforalarga e'tibor bersak, o'zbek nutqida qo'llaniladigan *pok niyat* o'rnida *sof tilak*, *borliq qayg'uda* o'rnida *borliq g'ash*, *vujudim pora* o'rnida *vujudim tilka* kabilarni kuzatamiz.

Shoir ijodida joylashgan o'rniga ko'ra o'xshashlik hosil qilgan metaforik birliklar ham keng qo'llanilgan bo'lib, ular asar mazmunini boyitishga xizmat qilgan. Masalan, *“tog'lar bag'ridan”*, *“ona yerning otash qa'ridan”*, *“olis sohillarda”*, *“nur qo'ynida”*, *“zamin tegrasiga”*, *“yarim tun zulmatida”*...

Erkin Vohidov ijodida takrori yo'q metaforalarning turli ko'rinishlar asosida so'zga jilo berishi shoir ijodining qimmatini belgilaydi va tilimizning imkoniyatlari sarhad bilmasligini namoyon etadi.

ADABIYOTLAR

1. Воҳидов Э. Достонлар. «Нудо» достони. – Т.: Ёш гвардия, 1973.
2. Hakimova M. Semasiologiya. O'quv qo'llanma. – Т., 2008.
3. https://uz.wiktionary.org/wiki/metafora#Ma'noviy_xususiyatlari.
4. Навоий Алишер. Хайратул-аброҳ. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1991. 7-жилд.
5. Vohidov E. O'zbekim. – Т.: Yangi asr avlodi, 2019.
6. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. – Т.: Фан, 1982.
7. Қиличев Э. Матнинг лингвистик таҳлили. – Бухоро, 2000.

УДК: 894.375:8-13

УСМОН ҚЎЧҚОР ДОСТОНЛАРИНИНГ БАДИИЙ ТИЛИ

ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ЯЗЫК ПОЭМЫ УСМАНА КУЧКАРА

THE ARTISTIC LANGUAGE OF THE POEMS OF USMAN KUCHKAR

Ўроқова Нафосат Ёриевна

Бух ДУ ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси, ф.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация. Давр достонлари тилининг ширали, бўёқдор, ранг-баранг бўлиши бадиий тасвир воситаларини ўринли қўллаш билан боғлиқ. Айни чоқда бу воситалар услуб индивидуаллигини ҳам белгилаб беради. Тасвир воситаларининг қуюқ қўлланиши натижасида мураккаб кечинмалар тасвирини чизишга ҳамда рангин руҳий ҳолатларни сиқиб, аниқ ифода этишга эришилгани шоир Усмон Қўчқорнинг “Қувғин” ва “Широқ” достонлари мисолида таҳлил қилинган. Ўзбек адабиётида анъанавийлашган ташбеҳ, тазод, ирсоли масал, мукаррар сингари санъатлар сўнги йиллар достонларидаги халқона ва мумтоз оҳанглари кучайтиргани асосланган.

Таянч сўзлар: замонавий ўзбек достони, индивидуал услуб, халқ қўшиқлари, халқ қарғишлари, халқ мақоллари, бадиий тасвир воситалари, ирсоли масал.

Аннотация. Сочный, красочный язык эпических стихов обусловлен надлежащим использованием художественных средств. В то же время, эти инструменты также определяют индивидуальность стиля. В результате темного применения наглядных пособий для рисования сложных изображений и выражения красочных настроений его проанализировали поэмы Усмана Кучкара «Изгнание» и «Широқ». Такие традиции, как традиционализм, конфронтация, наследственные притчи и неизбежность в узбекской литературе, основаны на подъеме народных и классических мелодий в поэмах последних лет.

Ключевые слова: современная узбекская эпопея, индивидуальный стиль, народные песни, ругательства, народные пословицы, художественные иллюстрации.

Abstract. The juicy, colorful language of the epic poems is due to the appropriate use of artistic means. At the same time, these tools also determine the personality of the style. In the epics of the poet Usmon Kochkor “Persecution” and “Shiroq”, the fact is analyzed that as a result of the dark use of visual aids, he was able to draw complex experiences and express colorful moods in a

concise and clear form. Traditional arts in Uzbek literature, such as tashbeh, tazod, irsoli masal, mukarrar, are based on the strengthening of folk and classical tones in the epics of recent years.

Key words: contemporary Uzbek epic, individual style, folk songs, folk curses, folk proverbs, artistic illustrations.

Сўнгги йиллар ўзбек дostonлари бадий тилининг бойлиги ва пишиқлиги билан ажралиб туради. Бадий тилда ижодкорнинг индивидуал услуби намоён бўлади. Синтаксис тил қурилишини билдиради. Поэтик синтаксис эса бадий асар тили қурилишини англатади. Унинг кучайтирувчи, пасайтирувчи, ўзгартирув фигураларидан иборатлиги адабиётшуносликда ўрганилган. Сўнгги йиллар ўзбек дostonлари бадий қурилишида поэтик синтаксисга хос қатор унсурлар мавжудлиги кузатилди. Шоирлар поэтик нутқнинг хитоб, таъкид, мурожаат каби шаклларида, сўз такрори, лирик эътироф, психологик таҳлил, риторик сўрок каби унсурлардан унумли фойдаланиб келмоқдалар.

Хусусан, шоир Усмон Кўчқор дostonларида бадий тилнинг ширадорлиги фақат тасвир воситаларида эмас, поэтик синтаксис унсурларини қўллашда ҳам намоён бўлган. Бу унсурлар орқали асарларга образлилик, жозибаторлик, таъсирчанлик бахш этишга эришилган. Ижодкор дostonларида ҳаётий-фалсафий мазмунни кучайтиришга хизмат қилган бадий тил воситалари борки, улар ижодкорнинг ўзига хос услубини белгилаб кўрсатади.

У. Кўчқор дostonлари замонавий ўзбек дostonи анъаналари асосида яратилган, уларда лиро-эпик тасвир устуворлик қилади. Қолаверса, бу асарлар тилининг содда ва равлонлиги, халқ кўшиқлари, дostonлари оҳанги ва вазнида битилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Хусусан, “Кувғин” дostonида халқ қарғишлари руҳи ва шаклида ёзилган мисралар кўп учрайди:

Елкаларни ёради кўндок,
Халқ кетмоқда беюрт, беватан.
Ўз болангни кўргунча бундок,
Кўзинг оқиб тушсин, эй Ватан! [4, 97]

Бу ўринда одамлар бошига ватансизлик қисматини солганларга қаратилган халқ нуткида мавжуд “Кўзинг оқиб тушсин” қарғишидан фойдаланилган.

Шоир мазкур ифодалар билангина чекланмайди. Қарғишлар, асосан, дунё, олам, осмон, ер, ватан, дарё кабиларга қаратилган бўлса-да, аммо уларнинг замирида ватангадолик фиғони, эрксизлик изтироби, айрилиқ алами, жудолик фарёди ётади:

Тупроқларинг тош бўлсин, дунё,
Дунё, олов боссин сувингни.
Эккан экиннингни сел олсин,
Сўлиб битсин боғларинг, дунё.
Дарёларинг қовжираб қолсин,
Қулаб тушсин тоғларинг, дунё! [4, 119]

Кўринадики, юқоридаги аламли сўзлар юртсевар инсоннинг туркий қавмдошлари тақдирига бефарқ эмаслигини кўрсатиб туради.

У. Кўчқор дostonларида риторик сўрок, риторик мурожаат, сукут, эллипсис, аллитерация, анафора сингари поэтик синтаксис унсурлари қўлланган.

Афсус, Ватан – қашшоқ, эл – юпун. [4, 94]

Юқоридаги мисрада эга ва кесимдан иборат “Ватан – қашшоқ, эл – юпун” сатри орқали шоир юртидан қувилаётган халқнинг аянчли ҳолатини ифода этади. Зеро, элидан айрилган Ватан қашшоқ, ҳайдалаётган халқ эса юпун бўлиши тайин.

Сукут ёки кўп нуқталар дostonда лиризмни, кечинма тасвирини беришга ёрдам бериши маълум. Табиийки, дostonда кўп нуқталарга ҳам маълум бир маъно юкланган:

Унут бўлса бу дарду алам
Насиб бўлса ... оҳ, насиб бўлса ... [4, 94]

Кувғин бўлаётган крим-татар халқи ватансизликда дарду алам чекади. Лекин уларнинг қалбида қачондир Ватанга қайтиш умиди бор. Демак, иккинчи мисрадаги кўп нуқталар шу мазмунни ифодалашга хизмат қилган.

ADABIYOTSHUNOSLIK

“Риторик мурожаатлар тантанаворлик, кўтаринкилик ёки кесатиш, кучли ғазаб, нафратни ифодалаш учун қўлланадиган хитоб шаклидаги ифода усулидир” [3, 258] , – деб ёзади адабиётшунос олим А.Улуғов. Достондаги риторик мурожаатлар ҳам лирик чекиниш характериға эға:

Нечун ёрилмайсан, эй замин,
Нечун куламайсан, эй осмон!
Ахир, дўзах азоб-аламин
Чекмоққами яралган инсон?! [4, 99]

Бу риторик мурожаатда ҳам ватансизлик изтироблари акс этган. Лирик қаҳрамон халқ кувғинини дилдан ҳис этар экан, уларни сўроққа тутади ва бу сўроқда жавоб яширинган: яъни ватанидан Мосуво халқ ҳаёти “дўзах азоб-алам”ига тенг.

Ёхуд бошқа бир ўринда қўлланган риторик сўроқ халқнинг жуда қийналган дамларидаги ҳолатини ифодалайди. Аслида Ватандан кувилиш зўрлик, разолатдир.

Бирдан синди барчанинг шаҳди,
Бу не зўрлик, бу не разолат?
Шивирлади оҳиста Маҳди:
“Излаб келган эдик адолат...” [4, 104]

“Широқ” достонидаги риторик сўроқлар ҳам Ватани учун чин фидо бўлган Широқнинг рухий оламини ифода этади:

Сенинг шунча оламинга
Битта жоним не бўпти? [5, 11]

Бу сўзлар Широқнинг Гулдурсун билан видолашув лаҳзаларида айтилган. Широқ Гулдурсуннинг озод яшаши учун битта жонини ҳам қурбон қилишга тайёр ошиқ сифатида гавадаланади.

Яшамоқдан не маъно,
Ҳаётнинг қадри надир?
Чироққа ўзин урган
Парвона дарди надир? [5, 28]

Шоир лирик хотима қилар экан, Широқнинг мислсиз жасорати асрлардан асрларга ўтиб яшаб келаётганини саволлари қатига яширади.

Адабиётшунос А.Улуғов тўғри таъкидлаганидай, риторик сўроқ шоир ифода этган “ҳис-ҳаяжонни кучайтириш учун берилади” [3, 258].

Лирик хотима мазмунидаги сатрларда риторик сўроқлар шоирнинг узоқ ўтмиш ва бугун билан боғлиқ тизгинсиз дардларини юзага чиқаради:

Неға менинг дардларим
Бунча мавҳум, бетизгин?..
Неға алла эшитсам
Қонларимга тушар ўт? [5, 28]

“Широқ” достонида “ирсоли масал” дея номланган мақол ёки ҳикмат келтириш санъатидан ҳам самарали фойдаланилган. Адабиётшуносликда бу санъатнинг икки тури фарқланади: биринчиси, асар мазмунига мос мақол ёки ҳикматли сўзни айнан келтириш, иккинчиси, мақолга ҳам ижодийлик билан ёндашиб, уни ўзгартирган вариантда беришдир. Шеърятда кўпинча иккинчи кўриниш қўлланилади ва фольклоризм номи билан юритилади:

От ўрнини той босар,
Ўғлимга айт ростини.
Фарқласин оғир кунда
Душманидан дўстини... [5, 11]

Бунда “От ўрнини той босар” мақоли айнан қўлланилган бўлиб, Широқнинг ўғли назарда тутилган.

Шубҳам йўқ бошлиқлардан,
Лекин мақол борки, бас:
Уч киши билган сирнинг

ADABIYOTSHUNOSLIK

Асло сирлиги қолмас. [5, 15]

Бу парчада “Уч киши билган сирнинг сирлиги қолмас” мақоли ишлатилган. Яъни Широқ Доро ва аёнлар ҳузурига кирганида, бир ўзи қолишини, кейин ўйлаган ҳийласини айтишини билдиради ва шу мақолни кўллайди.

Шоир халқ мақолларини дoston тузилмасига олиб кирар экан, ўзи ҳам ҳикмат мазмунидаги сатрларни битади:

Эртакмас бу гапларим,
Бу сўзларим лоф эмас.
Ҳамма нарса топилгай,
Фақат Ватан топилмас. [5, 7]

Бу сатрларда Ватанга муҳаббат туйғулари акс этган.

Ўзга юртинг болидан
Юртининг захри улуғ – [5, 7]

сатрлари мазмунан “Ўзга юртда шох бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл” мақолига мос келади.

Минг душманнинг меҳридан
Бир дўстнинг қаҳри улуғ – [5, 7]

сатрлари эса “Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб” мақолига мазмунан ҳамоҳангдир.

Достонда, шунингдек, қаршилантириш, ўхшатиш, истиора каби бадий воситалардан ҳам кенг фойдаланилган:

Иккисин икки ёндан
Бағрига босди Широқ...
Бу мангулик бахт эди,
Ва бу – мангулик фироқ... [5, 6]

Широқ фарзанди ва хотини билан хайрлашар экан, иккаласини ҳам бағрига босади. Бу, шоир талқинича, мангу бахт, чунки бу бахт қайта такрорланмайди. Мангу фироқ эса Широқнинг улар билан қайта кўришмаслигини билдириб туради. Бунда “фироқ” ва “бахт” сўзлари шу жиҳатдан контекстуал антонимдир.

Доро бошин чангаллаб,
Қарғанар эди фақат:
“Ярми жаннат, ярмиси
Дўзах бу юртга лаънат”. [5, 27]

Мазкур матнда Доронинг ҳолати, мағлуб онларидаги кайфияти акс этган. “Жаннат” ва “дўзах” сўзлари тўлиқ антоним бўлиб, булар орқали босқинчи шохнинг саклар юртига муносабати ифодаланган.

Ер-кўкни босди фарёд,
Даҳшат, ваҳшат, ғалаён.
Уловда ё пиёда
Босиб келар оломон... [5, 3]

Бунда Доро кўшинининг саклар қабиласига бостириб кириши манзаралари тасвир этилган. Бинобарин, жуфт сўз (ер-кўк) таносубни юзага келтириб, ўша даҳшат ва ваҳшатга гувоҳ бўлган халқнинг ҳолатини очиб беришга хизмат қилган.

Сўнг чиқиб кетди ҳамма,
Чўпону хоқон қолди.
Ватан дея аталган
Ер билан осмон қолди... [5, 16]

Мазкур парчада Широқнинг хоқон ҳузурдаги суҳбати акс этган. “Ер” ва “осмон” сўзлари қарама-қарши маънони ифодаласа-да, бунда умумлаштирувчи маъно – Ватанни ифодалаб келяпти.

ADABIYOTSHUNOSLIK

Охирги икки банднинг ҳар бирида зидлик ҳосил қилувчи сўзлар жуфт-жуфт қўлланилиб, банд мазмунини кучайтиришга хизмат қилган. Бу Усмон Қўчқор услубидаги индивидуалликни билдириб туради.

Достонда ташбехнинг ҳам бетакрор намуналари учрайди. Айниқса, Широқ портретида буни кузатиш мумкин:

Нигоҳлари бургутдек,
Соч – елкада қўнғирок...
Хуллас, сурувни ҳайдаб
Най чалиб юргани чок. [5, 3]

Широқнинг карашлари ўткирликда бургутникига, сочининг жингалаклиги қўнғирокқа ўхшатилади. Мазкур тасвир У.Қўчқор қаҳрамонининг навқирон ёшда эканлигини кўрсатиб туради.

Широқ аёли Гулдурсун билан хайрлашар экан, унга қарата шундай дейди:

Тангрим ўзи яратган
Сендек сулув жаҳонни.
Ҳамда уни асраш учун
Мендек танҳо қурбонни. [5, 11]

Зеро, Тангри яратган сулув жаҳон – Гулдурсун, унинг учун танҳо қурбон эса Широқнинг ўзи. Шоир бу ташбех орқали севгилиси учун фидойи ошиқ юрти учун ҳам шундай фидойилик кўрсата олади, демоқчи.

Ёки бошқа бир ўринда Доро Широққа боқар экан, уни ғўлага қўндирилган мўндига киёслайди. Шу ўхшатиш Доронинг оддий чўпонга нисбатан паст назар билан муносабатда бўлганлигини асослаб туради:

Айш ичра бу Дорога
Жуда хунук кўринди:
Қайдан келмиш ғўлага
Қўндирилган бу мўнди. [5, 18]

Кўринадики, шоир бу лавҳаларда мутлақ ташбех (тўлиқ ташбех)ни муваффақиятли қўллаган ва бу қаҳрамонлар руҳиятини очиб беришга хизмат қилган.

Яна бир ўринда қўлланган ташбех Широқнинг ўғли билан хайрлашаётган ҳолати билан боғлиқ, унда отанинг фарзандга насиҳати мазмуни мужассам:

Бир кун англаб етарсан
Бу ҳикматни, болам-а,
Сен қулдек яшама деб,
Мен мард бўлиб ўламан. [5, 6]

Широқ фарзандининг қулдек яшамаслиги учун жонини қурбон қилишга тайёр. Шунини ўғлига уқтирмақда.

Достонда қаршилантириш ва ўхшатиш санъатлари деярли бир ўринда қўлланилиб, поэтик мазмунни кучайтиришга хизмат қилганлиги кузатилади. Буни Широқнинг хотини Гулдурсун билан видолашаётган ҳолати тасвирида кўриш мумкин:

Гоҳо бўрон, гоҳо самум –
Девонадек келурман.
Тунлар ёққан чироғингга
Парвонадек келурман. (5, 12)

Кўринадики, бўрон совуқ шамол, самум эса иссиқ шамол маъносида бир-бирига зидликни билдиради. Шу билан бирга, бу ерда ўхшатиш ҳам бор: Широқ ўзини девонага, парвонага ўхшатади. Яъни у “мен ҳамиша – қишу ёз сизлар билан биргаман”, демоқчи.

Умуман айтганда, У.Қўчқор достонлари бадиий тилининг пишиқлиги, соддалиги, равонлиги билан алоҳида хусусият касб этган. Шоир қўллаган бадиий санъат (ирсоли масал, тазод, ташбех)лар асар қаҳрамонлари характерини, руҳиятидаги ўзгаришларни очиб беришга хизмат қилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 304 б.
2. Раҳимжонов Н. Мустиқиллик даври ўзбек шеърятини. Тамойиллар, тажрибалар, сабоқлар. – Т.: ЎзРФА “Фан”, 2007. – 260 б.
3. Ulug‘ov A. Adabiyotshunoslik nazariyasi. – T.: G‘. Gulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2018. – 258 б.
4. Қўчқор У. Оғир қарвон. – Т.: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 97 б.
5. Қўчқор У. Широқ. – Т.: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – 112 б.
6. Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек достончилигининг тараққиёт хусусиятлари. – Т., 2016. – 267 б.
7. Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек достонлари поэтикаси: Филол. фанл. докт. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. – Самарқанд, 2004. – 258 б.

УДК: 895.375:8-31

“ОЗОД” РОМАНИДА ПОСТМОДЕРНИСТИК СЮЖЕТ ТАМОЙИЛИ

ПОСТМОДЕРНИСТСКИЙ СЮЖЕТ В РОМАНЕ «ОЗОД»

THE POSTMODERNIST STORYLINE IN THE NOVEL “OZOD”

Султонова Нилуфар Нарзуллаевна,

ҚарДУ адабиётшунослик кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақола модификациянинг бадиийлик мезонлари унинг адабиётимиздаги ўзига хослигини адабий асарлар орқали таҳлил этади. Исажон Султоннинг индивидуал услуби, у яратган образлар тизими одам ва оламга дахлдор, бир иқтидорли олимнинг бошидан кечган воқеликни, қалбидаги нозик инсоний туйғуларини ўзига хос услубда ифода қилиш жараёни акс этган.

Таянч сўзлар: модус, атрибут, модификация, мезон, ўлчов.

Аннотация. В данной статье анализируется художественный критерий модификации через литературные произведения его уникальности в литературе. Индивидуальный стиль Исажона Султана, образ его творений, отражает реальность талантливого ученого, который связан с миром, и процесс выражения чувствительных человеческих чувств в его сердце.

Ключевые слова: модус, атрибут, модификация, критерии, измерение.

Abstract. This article analyzes the artistic criterion of modification through literary works of its uniqueness in our literature. The individual style of Isajon Sultan, the image of his creations, reflects the reality of a talented scientist, one that is related to the world, and the process of expression of the sensitive human feelings in his heart.

Key words: modus, attribute, modification, criteria, measurement.

Исажон Султоннинг “Озод” романи қатор композицион қурилишга хос белгилари, айниқса, сюжет таркибининг тузилиши билан XX асрнинг иккинчи ярмида Европада, XX асарнинг ўрталарида, рус адабиётшунослигида вужудга келган постмодернизм адабиёти намуналарига яқин келади. Шу билан бирга бу постмодернистик асар миллий-маънавий тафаккуримиз, минг йиллик мумтоз адабиётимиз, шарқона этикамиз негизига қурилганини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Постмодернизм 60-70-йиллар оралиғида сўз юритила бошлаган бўлса-да, ўзбек адабиётшунослигида бу масала талқинлари XXI асрнинг 10-йилларидан бошланди. Бундай талқинларнинг муайян ижодкорлар асарлари (А.Йўлдош – У.Норматов; И.Султон – А.Расулов) ёки дарсликлар (Қ.Йўлдош, М.Йўлдош), терминологик луғатлар (Д.Қуронова ва бошқалар) муносабати билан ёзилганига гувоҳ бўламиз. “Бироқ ўзбек адабиётшунослигида ҳали бу масалани тадқиқ этиш деярли бошланмади, уни атрофлича ўрганиш ҳамон эртанинг вазифаси бўлиб қолмоқда”[1].

Д.Курунов ва бошқалар томонидан ёзилган “Адабиётшунослик луғати”да “Постмодернизм”га бағишлаб ёзилган мақолага бутун бошли беш саҳифанинг ажратилиши, фикримизча, ўзбек адабиётшунослигида бу адабий ҳодиса ҳақидаги маълумотларнинг деярли йўқлиги билан боғлиқ бўлса керак. “Постмодернизм (фр. postmodernisme – модернизмдан кейинги) – ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб адабиёт ва санъатда, умуман, ижтимоий-гуманитар соҳаларда кузатила бошлаган оқим, ижодий метод. Француз постструктурализмнинг деконструкция (Ж.Деррида), постфрейдизмнинг “шизоанализ” ва “онгсизлик тили” (Ж.Лакан, Ж.Делёз, Ф.Гаттари) таълимотлари ҳамда семиотикадаги киноявийлик концепцияси (У.Эко) постмодернизмнинг фалсафий асосини ташкил қилади.

Постмодернизмнинг юзага келиш вақти, ўзига хослиги масаласида турлича фикрлар мавжуд. Айрим мутахассислар постмодернизм 40-йилларда Ж.Жойснинг “Финнеган маъракаси” (1939) асари билан бошланган деса, бошқалари ўтган асрнинг ўрталарини, яна баъзилари 70 – 80 йилларини кўрсатадилар[5].

Рус адабиётшуноси И.Ильин, немис тадқиқотчиси М.Суэнвик, ўзбек адабиётшунослари А.Расулов, У.Норматов, Қ.Йўлдошевнинг қайд этишларича, постмодернизм бадиий ҳодиса сифатида XX асрнинг иккинчи яримларидан адабий жараёнда ўз аксини топди. Постмодернизмни 20-йиллардаги маданий ҳодисалар чатишуви деб қараш, 40-йилларда модернизм адабиётининг ривожланган шакли деб талқин этиш ҳам аслан постмодернизмга томон олиб келган турли йўللарни билдириши билан аҳамиятга молик.

Аммо постмодернизм эстетикасининг адабиётшуносликда назарий планда ўрганилиши шундай хулосага олиб келдики, постмодернизм модернизмнинг мантикий давоми эмас. Д.Курунов сўзлари билан айтганимизда “постмодернизм модернизмдан жиддий фарқланувчи мустақил ҳодисадир”.

1. Модернизм – янги адабиёт ва санъатни яратиш даъвоси, анъаналарни инкор қилиш. Постмодернизм – анъаналарни ўзига сингдириш ва уларга киноявий муносабатда бўлиш.

2. Модернизм – оламни хаос деб билиш ва ундан қочиш. Постмодернизм – хаос деб билинган оламни қабул қилиш, уни ўйин тариқасида ўзлаштириш.

3. Модернизм – гўзалликни реалликдан ташқарида излаш. Постмодернизм – гўзалликни реалликдан излаш.

4. Модернизм – антропоцентрик гуманизм, инсонга муҳаббат. Постмодернизм – универсал гуманизм, унинг объекти жами тирик мавжудот, табиат, коинот – бутун ОЛАМ.

5. Модернизм – маданиятда европацентризм, Европа халқлари маданиятини умумбашарий маданият асоси деб билиш. Постмодернизм – Шарқ, Лотин Америкаси, Африка, Океания халқлари маданиятига кучли қизиқиш, барча маданиятларни қиммат жиҳатидан тенг билиш.

6. Модернизм – элитар санъат. Постмодернизм – элитар ва оммавий санъат орасида чегаранинг йўқолиши, асарда элита ва оммага мўлжалланган қатламлар мавжуд бўлиши – иккиёқлама кодлаштириш.

7. Модернизм – жанрлар ва улар орасидаги аниқ чегаралар мавжуд. Постмодернизм – жанрлар мутацияси.

8. Модернизм – ижодий жараённинг натижаси – тугал асар муҳим. Постмодернизм – ижодий жараённинг ўзи муҳим.

9. Модернизм – ижодни индивидуал ҳодиса деб билиш, ижодкор фаоллиги ва унинг мазмунини шакллантирувчи марказ эканини эътироф этиш. Постмодернизм – ижодда индивид ролини инкор қилиш, “муаллиф ўлими” концепцияси[5].

Санаб ўтилган постмодернизм адабиётига хос жиҳатларнинг деярли кўпчилиги бу метод назариясига оид асарларда ўз аксини топган. Аммо илмий таснифнинг еттинчи ва саккизинчи пунктлари бир оз мулоҳазага ундайди. Модернизмда жанрлар орасидаги аниқ чегаралар мавжуд бўлгани ҳақидаги фикр биров баҳсли. Чунки бундай чегаралар модернизм давригача романтизм, сентиментализм, символизм адабий оқимлари мисолида бузила бошлаган.

Модернизм адабиёт, фалсафа, фан, бадиий услубларни расмий равишда гибридлаштира бошлаган оқимлиги билан шу жараёнларни тезлаштирди. Постмодернизмга эса фақат “жанрлар мутацияси” ҳодисасигина хос бўлмай, бу эстетик жараён жанрни ташкил этувчи бадиий компонентларга ҳам тегишли. Сюжет, композиция, образ айниқса, бадиий услубдаги модификацион жараёнлар бориб-бориб тўлиғича жанр модификациясининг майдонга келишини таъминлади. Модернизм адабиётида тугал асар концепцияси мавжудлиги ҳам тўла қабул қилиб бўлмайдиган хулоса.

Биринчидан, “субъектив ўйин”дан (Р.Барт) иборат модернистик санъат ҳеч қачон бир ижодкорнинг сунъий бадиий қурилмаси (яратган асари) тугалликка олиб келмаслигини билдиради. Ўз субъектига ўралиб олган ижодкор тугалликка эришган тақдирда ҳам бу бошқа ижодкорлар, айниқса, ўқувчи учун нисбий тугаллик ҳам бўла олмайди. Иккинчидан, модерн адабиётнинг М.Пруст, Ж.Жойс, Ж.-П.Сартр, Ф.Кафка, А.Камю сингари йирик вакиллари ижодида тугалланмаган асарлар кўпчиликни ташкил этади. Шунинг ўзи тугал бадиий асар концепциясини шубҳа остига қўяди.

Рус адабиётшуноси Илья Ильиннинг “Постмодернизм илк ибтидосидан юз йиллик интиҳосигача: илмий миф эволюцияси” номли тадқиқотида: “Постструктурализм ва постмодернизм амалда синонимик тушунчалар сифатида характерланади. Постмодернизмни бадиий ҳодиса сифатида, унинг махсус санъатшунослик методологияси бўлган, постструктурализмда акс этувчи асосий танқидий мактаблар ва йўналишларни назарий рефлексиядан ажратиш лозим”, деган фикр илгари сурилади[2].

Олим Ж.Деррида, М.Фуко, Р.Барт, Ю.Крестевой ва Ж.Делез тадқиқотларида постмодернизм назарияси ўз аксини топганини айтади. Айни пайтда И.Ильиннинг ўзи ҳам постмодернизм ҳодисасининг хориж адабиётшунослиги ва фалсафасида ўрганилиши, унинг назарияси, вакиллари ижоди, ёндош бадиий-фалсафий ҳодисалар билан муносабати ҳақида ўнга яқин жиддий тадқиқотлар муаллифидир. Ўзбек адабиётшуноси Д.Қурононов ҳам бу фикрни тасдиқлайди: “Постструктурализмнинг асосчилари, айни чоғда, постмодернизм классиклари ҳам ҳисобланади. Худди постмодернизм каби, Постструктурализм ҳам ҳозирда фаолиятда бўлган, демак, ўзгариб, шаклланиб, такомиллашиб бораётган ғоят серкирра ҳодисадир”.

Қ.Йўлдошев постмодернизм ҳодисасининг ўрганилиш тарихи ҳақида гапириб, Р.Ранвиц, Ф.де Онис, А.Тойнби, Х.Хокс, Ч.Женкс, Лиотар сингари жаҳон файласуф ва адабиётшунослари асарларига тўхталади. Постмодернизмнинг асосий ўзига хос белгилари сифатида “деконструкция”, “рамзийлик”, “симулякр”, “кич”, “киноя”, “артефакт”, “интерактивлик”, “универсализм” тушунчаларини келтиради ва унинг модернистик адабиётда намоён бўлиш хоссаларини бирма-бир кўрсатади.

Хулоса ўлароқ: “Постмодернизмдаги энг муҳим жиҳат шундаки, у санъат асарларини алоҳида истеъдодлар томонидангина яратилувчи бетакрор феномен эмас, балки эпироқ ҳар қандай одам техник имкониятлардан фойдаланган ҳолда қилиши мумкин бўлган шунчаки оддий бир юмуш деб билади. Постмодерн ёндашувига кўра ҳар қандай битик яратилишининг ўзи биланок яшаш, талқин ва таҳлил қилинишга ҳақли, танқид ёки инкордан ихоталанган тугал эстетик ҳодиса саналиши мумкин”[3].

Албатта, бу хулосани мутлақ хулоса сифатида қабул қилиш ўзини тўла оқламайди. Постмодернизм имкониятларидан фойдаланиб ҳам Л.Х.Борхес сингаи юксак санъат намуналарини намоён этиш мумкин. Бу қолаверса, бадиий асарни қандай шахс яратаётгани, унинг ижодий мақсади билан узвий боғлиқ. Истеъдод ускунаси остидан чиққан постмодернистик санъат намунаси ҳам ўшанда катта адабиёт намунасига даҳлдор бўла олади.

Фикримизча, И.Султоннинг “Озод” романи мана шундай адабиёт намуналаридан биридир. Бу роман жаҳон постмодернизм адабиёти аънаналарини ўзбек халқи маънавияти, ислом маърифати билан синтезлаши жиҳатидан ўзига хослик касб этади.

“Озод” романи муаллифи ўз асарига Навойнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги жон йўли, руҳ йўлини асос қилиб олади. Бу иши билан биринчи навбатда, постмодернистик

сюжет модификацияси тамойилини кўрсатади. Мутоз анъаналарга камоли эҳтиромини намоён этади. Унга хос сюжетни ташкиллаштириш тамойилини замонавий роман сюжетига модификациялайди. Иккинчидан, кўзлаган бадиий мақсадини амалга оширишнинг энг қулай ва самарали йўлини топишга эришади.

Худди “Лисон ут-тайр”даги қушлар каби Озод ҳам йўл давомида маъно томон такомиллашиб, мукамаллашиб бораверади. Аммо постмодернистик тамойилга кўра ундаги такомил босқичларида реал ҳаёт манзаралари ҳам, руҳоний-ладуний олам манзаралари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Асар сюжетида келадиган ота, она, ёр, шамол, ҳумо, лола, тош кесувчи киши, кўр киши, кучук етаклаган киши, узумзорлар эгаси, йўл кўрсатувчи, муртад, мардуд, хоин, кучук, от, қушча, яъжуж-маъжуж сингари образлар мана шу йўл сюжети давомида учрайди. Улар ҳақидаги мулоҳазалар, уларнинг ўз тилларидан берилган ҳикоят ва ривоятлар асар сюжетининг деконструктивлиги ва тугаллигига олиб келади.

Романдаги дарахтзор, қон йўли, учёнғок, туз чўли, ойдикўл, мулки фано каби бадиий маконлар, ойна, дарча, кўза, тақдир лоласи, толе қуши, арслон каби бадиий рамзлар сюжет воқеаларининг кенг тармоқланиши, қаҳрамон йўлининг босқичларини ифода этишга хизмат қилади. Озод шамол билан баҳслар, мурасалар, фикр алмашувлар давомида йўл якунигача етиб келади. Бахт лоласини топади. Худди Симурғ қушлари ўзлигини англагани каби одамлардан тортиб, табиат, наботот, ўтмиш, бугун ва келажакнинг муборак бир яратиклар эканлигини тушуниб этади.

Постмодернизмдаги “муаллиф ўлими” концепцияси ҳам романда атрофлича акс этган. Бу жиҳатга асарнинг сўзбошисидаёқ ишора берилади. И.Султон роман муқаддимасини “Кўзга кўринмас муаллифнинг сўзбошиси” билан бошлайди. Ҳақиқатан ҳам бу романда муаллиф “ўлади”. Сюжет воқеалари биринчи навбатда асар марказидаги қаҳрамон Озод, сўнгра юқорида номлари саналган қаҳрамонлар тилидан ҳикоя қилинади. Бунда “муаллиф ўлими”ни таъминлаган нарса сюжетнинг турли қаҳрамонлар, турли шарқ ровийлари, афсона айтувчилари, шоирлари, ҳаким ва уламолари, ғарбнинг файласуф, олим ва ёзувчилари томонидан ҳикоя қилинишида кўринади.

Ёзувчи асарнинг кўп ўрнида У.Фолькнер ҳикоя услубига ҳам мурожаат қилтэади. Бир воқеани бир нечта персонаж тилидан ҳикоя қилдиради. Масалан, Эраннинг ўлими воқеасини асосий ҳикоянависдан ташқари, Дилором, ота, хоин, яъжуж-маъжуж ва бошқалар тилидан ҳикоя қилинганини кузатамиз. Аммо, барибир романнинг асосий ҳикоянависи, бош қаҳрамон – Озоднинг овози бошқаларникидан ажралиб туради: “Хулласки, қўлимдан келганича акс эттиришга уринганим илк манзара ҳам айнан шундай эди: тевагагимда одатий ҳаёт давом этмоқда, ҳар ер-ҳар ерда кўкимтир тутун кўкка ўрламоқда, турли кишилар кундалик юмушларига уринмоқда эдилар”[4].

Шу тариқа роман сюжетини ҳикоялашга киришилади. Турли давр ва манзил-маконга тегишли адабий парчалар бир сюжет ичига киритилиши, асосий сюжет воқеаларига монтаж қилиниши ҳам постмодернистик роман белгиларидан бири ҳисобланади. “Озод” романининг ҳар бир композицион қисмида турли асарларнинг хилма-хил муносабатларга кўра монтаж қилингани кўзга ташланади. Улар худудий мансублигига кўра Шарқ ва Ғарбга бўлинади.

Адабий тур нуктаи назаридан асосан лирик ва эпик жанрлардаги асарлар олинган. Мақсад-муддаосига кўра бирон бадиий ғоя, рамз, образ ва нуктаи назарни кенг ёритиб бериш, тасдиқлаш, инкор қилиш, сюжетдаги умумий мазмунга йўналтириш учун киритилган. Шу билан бирга матннинг очиқ-ойдин намунаси эмас, муайян ишора, киноя, реплика вазифасида келиши ҳам кузатилади. Шу асарлар мазмуни ёки ўша ёзувчи ижоди билан таниш ўқувчи буни дарҳол англайди.

Масалан, Шарқ мумтоз адабиётидан Алишер Навоий, Жалололдин Румий, Фарудиддин Аттор, Нажмиддин Кубро, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Абу Али ибн Сино, Иброҳим Адҳам, Бобораҳим Машраб, Ғарб адабиётидан, У.Фолькнер, Ф.Кафка, А.Камю, Г.Маркес, Х.Борхес, Х.Картосар кабиларнинг асарларига ё иқтибос ё ишора ё киноя ёки реплика тарзида мурожаат этилгани билинади. Ҳатто ёзувчи ўз асарларига ҳам баъзи жойларда реплика қилади.

Ўзбек замонавий адабиётидан А.Чўлпон, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Миртемир, Зулфия, Э.Воҳидов, А.Орипов, М.М.Дўст, Ш.Раҳмон, Х.Дўстмуҳаммад, Т.Жўра, М.Юсуф, Н.Эшонкул ва У.Ҳамдам асарларидан олинган адабий парчалар монтаж қилинган. Ёзувчи буни сир тутишга уринмайди. Постмодернистик тамойилга кўра олинган иқтибослар рўйхатини асар охирида келтиради. Масалан, “Денгиз остидаги чиғаноқнинг ҳикояси” деб сарлавҳаланган бўлимчада Машрабнинг

Бўлдум фано мен туфроғ ичинда,
Бир дона эрсам, минг дона бўлдум.
Бир қатра эрдим, чўмдим денгизга,

Кирдим садафга, дурдона бўлдум...”[4] деган мисралари Озодга одам ичида олам яширинган тарзидаги катта сўфиёна фалсафани англатиш учун келтирилади. Ёки Озод ёвлар ҳалок этиб кетган отасининг ўлими ҳақида ўзига томон узун чизик ҳосил қилиб оқиб келган қон изидан билади. Бу услубни дунё мифопоэтик романи асосчиси, неореалистик бадиий талқин кашфиётчиларидан бири Г.Г.Маркеснинг “Юз йил танҳоликда” романи орқали биламиз. Бу бадиий усул орқали ёзувчи инсондаги кўз билан кўриб бўлмас генетик алоқалар ҳақида хабар беради. И.Султон ҳам бу эпизодни шу маънода, ота ва ўғил ўртасидаги муносабатни таъкидлаш учун қўллайди.

“Озод” романининг бош ғояси олам ва одам бирбутун деган фалсафий концепцияни бадиий асослашдан иборат. Озоднинг ўз қишлоғидан тоғ лоласининг маконига қадар босиб ўтган йўли тўлалигича мана шу постмодернистик маънони ёритишга йўналтирилган. У шамол ҳамроҳлигида босиб ўтган ҳар бир мақом олам ва унинг маъно-мазмун ҳақидаги билимларнинг бир босқичидир. Бунда ёзувчининг ўз қишлоғи манзаралари, географик ҳудудига мансуб манзиллар асосида рамзлаштирган бадиий маконлари мавжуд.

Булар Ойдинкўл, узумзор, қирлар, адирлар, учёнғоқ ва ҳ.к. Шу билан бирга туз чўли, денгиз, Искандар девори, сахро сингари жаҳон ва шарқ ривоятлари, асотирлари, мифлари асосида шакллантирган бадиий маконлари ҳам мавжуд. Уларнинг баъзилари Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги водийларга ўхшаса, бошқалари Данте (“Илохий комедия”) ва А.Орипов (“Жаннатга йўл”)нинг аросати, баъзилари эса Г.Маркесдаги рамзлаштирилган нариги дунё ҳақидаги тасаввурларга яқин келади.

Асардаги баъзи ровийлар, масалан, Дилором, ота, узумзор эгаси, кўр киши, хоин, муртад кабилар ўз ҳикоялари орасида “мен ҳаёти дунёдалиқ пайтимда” деган сўзларни ишлатадилар. Бунда уларнинг ҳикоя айтаётган замонлари нариги дунёга тегишли эканлиги аниқ билинади.

“Озод” романи сюжетидаги яна бир постмодернистик тамойил бу оммабоплиқдир. Дарҳақиқат, ундан омма деб номланадиган инсонлар жамиятининг хосу авоми бирдек ўзига мос маъно ажратиб олаверади. Асарда келтирилган халқона ривоятлар, фольклор жанрларига хос сюжет бўлаклари фалсафий, тасаввуфий, диний ва бадиий мазмун билан қоришиб, мана шу вазифани бажаради. XX асрдан бир оз олдинроқ (Гулханий) ва XX асрда (Ҳамза) бадиий талқин этган “Тошбақа ва чаён” ҳикояти сингари киритмалар оммабоплиқни таъминловчи асосий унсурлар ҳисобланади.

Асарнинг оммабоплиги уни бевосита бугунги глобаллашган ижтимоий турмушимиз билан ҳам чамбарчас боғлайди. Оммани жаҳондаги энг муҳим бадиий ахборотлар билан таништириши билан бирга маънавий илдизларимизга, асл ўзлигимизга назар ташлашга олиб келади. Айниқса ёш авлодни миллий маънавиятимиз руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Қуроноф Д. ва бошқ. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Akademyashr, 2010. –230 б.
2. Ильин И.П. Постмодернизм от истоков до конца столетия: эволюция научного мифа. – Москва: Интра, 1998. – С. 18.
3. Йўлдош Қ., Йўлдош М. Бадиий таҳлил асослари. – Тошкент: Камалак, 2016. –454 б.
4. Султон И. Озод. Роман ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2012. 9-б.
5. Бинова Г. Жанровые модификации новейшей русской прозы / www.gramota.net/materials. 2401.

УДК: 82.09-311.4(73), 7.036.1

АМЕРИКА ЁЗУВЧИСИ ТЕОДОР ДРАЙЗЕРНИНГ “БАХТИҚАРО КЕРРИ”
 (“SISTER CARRIE”) РОМАНИДА НАТУРАЛИСТИК ОБРАЗЛАР

НАТУРАЛИСТИЧЕСКИЕ ОБРАЗЫ В РОМАНЕ АМЕРИКАНСКОГО
 ПИСАТЕЛЯ ТЕОДОРА ДРАЙЗЕРА «СЕСТРА КЕРРИ»

NATURALISTIC IMAGES IN THE NOVEL “SISTER CARRIE” BY
 THE AMERICAN WRITER THEODORE DREISER

Очилов Улуғбек Сайфуллоевич

БухДУ ўқитувчиси, ТДТАУ изланувчиси

Аннотация. Ушбу мақола Америка ёзувчиси Теодор Драйзернинг “Бахтиқаро Керри” (“Sister Carrie”) романида натуралистик образларни ўрганиш муаммосига бағишланган. Жаҳон алабиётишунослигида натуралистик бадиий асарларга ёндашувда яқдиллик мавжуд эмас. Мақола муаллифи шу масалани ўз илмий қидирувларига таяниб ёритишга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, нафақат Херствуд, балки ҳаётда катта муваффақиятларга эришган Керри образи ҳам натуралистик бўлиб, бу унинг ахлоқий жиҳатдан тубанлашигани билан изоҳланади.

Таянч сўзлар: натурализм, реализм, танқидий реализм, романтизм, протагонист, экспозиция, асар гояси, образ.

Аннотация. Статья посвящена проблеме изучения натуралистических образов в романе американского писателя Теодора Драйзера «Сестра Керри». В мировой литературе нет единого подхода к натуралистическим художественным произведениям. Автор статьи попытался освятить эту проблему на основе своих научных исследований. Он считает, что не только Герствуд, но и Керри, кто добилась больших успехов в жизни, также является натуралистическим образом. Это объясняется её моральным падением.

Ключевые слова: натурализм, реализм, критический реализм, романтизм, протагонист, идея произведения, образ.

Abstract. The article is dedicated to the problem of study of naturalistic images in the novel “Sister Carrie” by the American writer Theodore Dreiser. In the world literature there is no common approach to the naturalistic literary works. The author of the article tries to consider this problem on the basis of his own research. In his opinion, not only Hurstwood, but Carrie, who had a great success in life, also a naturalistic image because of her moral degradation.

Key words: naturalism, realism, critical realism, romanticism, protagonist, work’s idea, image.

Кириш. Америкалик йирик ёзувчилардан бири Теодор Драйзернинг ҳаётдан кўз юмганига бир асрга яқин вақт ўтган бўлса-да, кенг омманинг унинг ижодига қизиқиши кундан кун ўсиб бормоқдаки, пасайгани йўқ. Буюк ёзувчи томонидан ёзилган асарлар Америкача ҳаёт тарзи моҳиятини тушунишга ёрдам беради. Ёзувчининг асарларини ўқиган киши унинг ўзи яшаган жамиятни катта маҳорат билан тасвирлаганини ҳис этади. Бу эса унинг ўзи ҳам ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини бошидан кечирганидан дарак беради.

Теодор Драйзернинг ижоди кенг қамровли бўлиб, баъзилар унинг ишлари танқидий реализм адабий оқимида тегишли дейишса, [2,292; 7,118] бошқалар унинг ижодини натурализмга алоқадор деб ҳисоблашади [3, 46]. Баъзи манбаларда эса реализм ва натурализм бир оқимнинг ўзи ёки “натурализмни “кучайтирилган реализм” деб ҳисоблашади [12]. Адиб ва адабиётшунослар орасида натурализмни, ҳаттоки, “романтизмнинг бир шакли” деб баҳолаганлар ҳам бор [10, 230]. Ушбу мақолада биз натурализм адабий оқимида ва натуралистик образларга муносабатимизни Теодор Драйзернинг “Бахтиқаро Керри” романи мисолида талқин қилишга ҳаракат қилдик

Асосий қисм. Натурализмга оид бадиий асарларда ташқи муҳитнинг инсонга таъсири бўрттирилиб кўрсатилади. Биз ўз ишимизда натурализмга реализмнинг бир тури сифатида ёндашиб, унда воқеалар ҳаққоний тасвирланиши, аммо инсон бир иродасиз жонзот тарзида берилиши ҳамда унинг тақдири фоживий тугабини кўзда тутиб, натурализмни “пессимистик реализм” деб атаган бўлар эдик. Бу фикримизни далиллаш учун “Бахтиқаро Керри” романига мурожаат қиламиз.

“Бахтиқаро Керри” романи Теодор Драйзернинг биринчи романи бўлиб, 1900 йилда чоп этилди, аммо у адабий танқидчилар томонидан яхши кутиб олинмади. Адабий танқидчилар бу романи “шафқатсиз” ва “ахлоқсиз” деб таърифлаб, унинг кенг тарқалиб кетишига йўл қўймадилар [4, 632]. Биринчи романи муваффақиятсизликка учраганидан кейин ёзувчи ўн йил давомида матбуотда кўринмади. Фақат ўн йилдан кейингина 1911 йилда унинг иккинчи романи “Женни Герхардт” нашр этирилади. Ундан сўнг кетма-кет “Молиячи” (“Financier”), “Титан”, “Даҳо” (The “Genius”) романлари ёзилади. Биринчи жаҳон урушидан сўнг 1925 йилда икки жилдли “Америка фожияси” романи чиққач, адиб йирик танқидий реалист сифатида бутун дунёга танилади. Бу асар Драйзернинг энг юқори ютуғи бўлиб, XX асрда америка адабиётининг энг яхши асари ҳисобланган. Теодор Драйзер ўз асарларида америкача ҳаёт тарзининг ҳамма томонларига эътибор берар эди. Америкалик танқидчилар ва адабиётшунослар Драйзер тасвирлаган катта бизнес оламининг сўзсиз ишончли ва чуқур ифодаланганлигининг сири нимада эканлиги тўғрисида бош қотиришар ва бу саволга яқдиллик билан бунинг сири муаллифнинг ҳаётни чуқур ва ҳар томонлама билишидандир, деган хулосага келишарди. Драйзернинг ижоди жуда кенг қамровли бўлиб, илмий ишларда, ўқув адабиётларида атрофлича баён этилган. Шунини инобатга олиб, бевосита ўзимиз ёритмоқчи бўлган мавзуга ўтамыз.

Юқорида таъкидланганидай, Теодор Драйзернинг биринчи романи “Sister Carrie”га нисбатан (аслида унинг таржимаси “Синглим Керри” бўлиб, аммо бу асар ўзбек китобхонига “Бахтиқаро Керри” номи билан маълум бўлганлиги туфайли биз ҳам ишимизда уни шу ном билан атадик) қатор қарама-қарши фикрлар билдирилган. Жумладан, ўша даврда нашр этирилган “Сиэтл пост-интеллиженсер” газетаси “Бахтиқаро Керри” романини бадиий ижод намунаси сифатида ҳеч қандай қийматга эга эмас, деб баҳолади. “Ҳарпер энд Бразерс” нашриётининг тақризчиси эса аксинча, “қўлёзмада жуда кучли томонлар бор, у кўргазмали, гўё қалам билан чизилган расм каби. ... Бундан йигирма йил олдинги Чикаго жамиятининг ҳаёти ҳақиқатдан ҳам шундай эди”, – деб романга реалистик асар сифатида юқори баҳо беради [11, 270]. Бундай қарама-қарши фикрлар ва баҳслар кейинчалик романга қизиқишни янада кучайтирди.

Теодор Драйзер ҳаёти ва ижодининг тадқиқотчиси И.Дубашинский “Бахтиқаро Керри” романи яратилгандан кейин унинг муаллифига қарши уруш очганларини, аммо Драйзер бўҳтонун таҳдидларга парво қилмай, ҳаётни ҳаққоний тасвирлашда давом этганини ва кенг китобхонлар оммасининг ҳурмат ва меҳрига сазовор бўлганини ёзади [7, 4]. Адабиётшунос олим Я.Н. Засурский: “Бахтиқаро Керри” америка адабиётида XX асрни очиб берган асардир”, – деб ёзади [8, 60].

Табииyki, романи ёзаётган пайтда Драйзер моҳиятига кўра нодир ва саркаш асар яратаётганидан беҳабар эди. У ўзи кўрган ва билган ҳаётни, бахт ва бойлик учун курашга тортилган америкаликларни тасвирлар эди. Ўша пайтларда Америка учун бахт ва бойлик синоним тушунчалар эди. Теодор Драйзернинг биринчи романини ўқиган китобхонга бошида муаллиф шу фикрга қўшилгандек туюлади, аммо бутун асарни ўқиб, уни мушоҳада қилгандан сўнг муаллифнинг “бахт бойликда эмас”, деган фикрни олға сурганини илғайди.

“Бахтиқаро Керри” романининг мазмуни жуда оддий. Камбағал оиладан чиққан ёш қиз Каролина Мибер ёки Керри (уни оилада шундай деб чақирарди) чекка жойдан Чикагога яхши ҳаётга эришиш учун келади:

Caroline, or Sister Carrie as she had been half affectionately termed by the family, was possessed of a mind rudimentary in its power of observation and analysis. Self-interest with her was high, but not strong. It was nevertheless her guiding characteristic. Warm with the fancies of youth,

pretty with the insipid prettiness of the formative period, possessed of a figure which tended toward eventual shapeliness and an eye alight with certain native intelligence... [6,23]

Ушбу парчада Керрининг узоқ қишлоқдан шаҳарга келгани, ҳали жуда ёш эканлиги, эндигина ривожланаётгани, қомати эндигина шаклланаётгани, унинг қалби ёшлик орзуларига тўла эканлиги тасвирланган. Бу билан ёзувчи қизнинг ҳали ғўр эканлигини, уни нималар кутаётганини тасаввур ҳам қилолмаслигини баён этган.

Шунингдек, Керрини китоблар мутолааси қизиқтирмаслиги, нафосатли аёлларга ўхшаб чиройли ҳаракатлар қилолмаслиги тасвирланиб, бу билан унинг ҳаётий тажрибаси йўқлигига ғоятда нозик йўл билан ишора этилган:

“Books were beyond her interest – knowledge asealed book. In the intuitive graces she was still crude. She could scarcely toss her head gracefully. Her hands were almost ineffectual for the same reason. The feet, though small, were set flatly. And yet she was interested in her charms, quick to understand the keener pleasures of life, ambitious to gain in material things. A half-equipped little knight she was, venturing to reconnoitre the mysterious city and dreaming wild dreams of some vague, far-off supremacy which should make it prey and subject, the proper penitent, grovelling at a woman's slipper.” [6, 23]

“Керрини мутолаа сира қизиқтирмас – билим олиши унинг учун берк эди. Нозу карашма бобида унда тажриба борлиги мутлақо сезилмасди. У бошини орқага ташлашни ҳали ўрганмаган, қўлларининг ҳаракати ҳам беўхшов, ингичка оёқларини ҳам оғир-вазмин босиб юрарди. Шундай бўлса-да, у ўзига қараб юрар, ҳаёт қувончларига бағрини очар ва моддий неъматларга зўр бериб интиларди” (Э.Носиров таржимаси) [5, 19].

Кўриниб турибдики, асарнинг экспозицияси, яъни бошиданок, муаллиф Керри учун ҳашаматга бўлган қизиқиш ўқиш, ўрганиш, донишга бўлган интилишдан кучлироқ эканини таъкидлапти. Худди шу интилиш Керрининг тўғри йўлдан оғишига сабаб бўлади.

Кейинчалик Керри пойафзал фабрикасига ишчи бўлиб ишга киради, амма бу иш унга моддий фаровонлик ҳам, ёш қалбига хурсандчилик ҳам, қониқиш ҳам олиб келмайди. Унга ишлари юришиб кетаётган коммивояжер Друэ эътибор беради ва уни ўз қарамоғига олади, кейин эса Керри ўз тақдирини Чикагонинг кўзга кўринган барларидан бирининг бошқарувчиси Ҳерсвуд билан боғлайди. Ҳерсвуд оилали бўлганлиги сабабли Керрига уйлана олмайди. У Керрини деб жиноятга қўл уради: ишхонасидан йирик миқдордаги пулни ўзлаштириб, Керри билан аввал Монреалга, кейин эса Нью Йоркка жўнайди.

Нью Йоркда Ҳерсвуд Чикаголик иши юришиб турган тадбиркордан аста-секинлик билан бир жойдан бошқа жойга бошпана излаб юрувчи аянчли тиланчига айланиб боради. Керри эса бу вақтга келиб машҳур актриса бўлган ва унга у учун ўз келажагини гаровга қўйган, қашшоқ Ҳерсвуд энди умуман керак эмас эди.

Роман протагонисти Керри гуноҳларга тўла ҳаёт олиб борганига қарамасдан, охир-оқибатда кўпчилик орасида обрўга эга бўлади ва содир этган гуноҳларига афсусланмайди. Керри шон-шухрат зинапояларидан кўтарила бориб, оддий ва шу вақтнинг ўзида буюк бўлган севги, оналик, ҳамдардлик, дўстлик каби инсоний шодлик туйғуларини йўқотиб боради.

Шундай кўркам, дид билан кийинадиган, жамиятда анча юқори мавқега эга бўлган кимса кейинчалик Керрини деб, унинг муваффақиятини деб ночор гадога айланади. Ҳерсвуднинг ишсизлик ва очликдан ҳар қандай ишни бажаришга, ҳатто хожатхоналарни тозалашгача борганини Драйзер қуйидагича тасвирлайди:

Thus was Hurstwood installed in the Broadway Central. But not for long. He was in no shape or mood to do the scrub work that exists about the foundation of every hotel. Nothing better offering, he was set to aid the fireman, to work about the lavatory, and do anything and everything that might offer. Porters, cooks, clerks, all were over him. [6, 506]

Бу Керрининг машҳур бўлиб кетишига моддий ёрдам берган, уни деб оиласи, болаларидан воз кечган, энди Керрига керак бўлмаган кишининг аянчли аҳволи эди.

Муаллиф Керрининг сурати ва сийрати бир-бирига мос эмаслигини маҳорат билан тасвирлаган. Керрининг ташқи кўриниши гўзал, дилкаш:

Carrie was really very pretty. Even then, in her common-place garb, her figure was evidently not bad and her eyes were large and gentle. [6, 185]

Аммо унинг сийрати, яъни ички дунёси қолақ ва қашшоқ. Унда кўпчилик аёлларга хос бўлган вафодорлик, шукроналик, ўз жуфтани ёмон кунларда қўллаш хислати йўқ. Керрининг пулга бўлган муносабатини ёзувчи унинг хаёллари орқали қисқа ва лўнда баён этган:

Ah, money, money, money! What a thing it was to have.

Эҳ пул, пул, пул! Пулдор бўлсанг қандай яхши! (Э.Носиров таржимаси)

Керри чўнтагидаги пулга қўли етди дегунча ўзини енгил сезарди. Аввалига оғир хаёлларга берилиб, сўнгра қўли пулга тегиб, барча ташвишлардан қутулгандай бўларди. Ҳерсивуддан фарқли ўлароқ, Керри орзуси йўлида ҳеч қачон орқага чекинмайди. Доимо мақсадига томон олға интилади. Қанчалик қийин ва бесамар бўлмасин, иш ахтаришдан воз кечмайди. Бундай шароитда унинг олдида фақат икки йўл қолади. Биринчиси ҳаммасидан воз кечиш, иккинчиси Друэ билан бирга яшаб, унга тобеъ бўлиб қолиш. У орқага қайтишдан кўра шу йўлни афзал кўради. Бунда нафақат Керри, балки жамият, унинг атрофидаги яқинлари ҳам айбдор.

Керри кучли шахс, аммо худбин. Унинг худбинлиги Друэ ва Ҳерствуд билан муносабатларида намоён бўлади. Ҳерствуд бой-бадавлат, жамиятда ўз ўрнига эга. Керри эса ундан фойдаланиб, унинг ёрдамида бир поғона бўлса ҳам юқорига кўтарилган олади. Аммо Ҳерствуд пулсиз қолиб, жамиятда ўз мавқеини йўқотгандан кейин, Керри уни ташлаб кетади. Ниҳоят, Керри қийинчиликларни енгиб ўтиб, машҳур актрисага айланади. Энди у барча нарсага эришди, аммо бахтли эмас. У узоқ йўл босиб, ўзи истаган барча орзуларига эришади. Аммо унинг ҳаётининг мазмуни йўқ.

Асарнинг яна бир протагонисти – Ҳерствуднинг ҳаёти бутунлай ўзгача. Керри пастдан юқорига кўтарилган бўлса, Ҳерствуд, аксинча, юқоридан пастга қараб боради. Унинг биргина хатоси бардаги пулни ўзлаштириб, Керри билан қочиб кетгани эди. Бу қилмиши унинг ҳаётини барбод этади. Шу воқеадан сўнг у мавқеидан, бойлигию обрў-эътиборидан айрилади. Аслида Ҳерствуд виждонсиз эмас. У ўзи ишлаб юрган жойдан катта миқдордаги пулни ноқонуний олиб кетганидан кейин виждон азобида қийналади ва ўзи анча ночор аҳволда бўлишига қарамай, бу пулни қайтариб жўнатади. Аммо у ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилса-да, муваффақиятсизликка учрайди, ишсизлиги, иш топишга астойдил ҳаракат қилмаслиги туфайли Керри олдида кундан-кунга кадрсизлана бошлади. Охир-оқибатда Ҳерствуд ҳам маънан, ҳам жисмонан инқирозга юз тутади, ўзига қарамай қўяди ва охириги қолган пулини ўзининг жонига қасд қилишга сарфлайди.

Керрининг худбинлиги ва лоқайдлиги, айниқса, унинг иш ҳақини олган кунларида яққол намоён бўлади. У пулни олганига мамнун бўлиш ўрнига қайғуга тушади: пулнинг бир қисмини Ҳерствудга сарфлашига ачинади. Ҳерствуд Керрини бахтли қила олмади, аммо Керри ҳам, ўз навбатида, Ҳерствуд билан бахтли яшашлари учун ҳеч нима қилмади. У ишдан келганидан кейин Ҳерствуд билан ўзининг қувончларини баҳам кўрмас, Ҳерствуд ҳам, ўз навбатида, унинг муваффақияти билан қизиқмас эди. Ҳерствудни ташлаб кетгач, унинг ҳаётининг янги саҳифаси очилади. У кундан-кунга машҳур бўлиб боради, кўп пул топа бошлади, шон-шухрат, мухлислар унинг ҳамроҳи. Керри у билан кардабалетда рақсга тушган қизлар орзу қилган ҳаёти асарда моҳирона акс эттирилган.

Керри кучли, табиатан курашувчан бўлганлиги учун юқори поғоналарга кўтарилган. Ҳерствуд эса кучсизлиги, димоғдорлиги туфайли ҳалок бўлади. Керри образининг ҳаққонийлиги танқидчилар ўртасида шубҳа туғдирмади, аммо тубанликка юз тутган аёл муаллиф томонидан қораланиш ўрнига муваффақиятга эришгани, кўкка кўтарилгани кўпчиликка ёқмади ва асар кўп баҳсу мунозараларга сабаб бўлди. Муаллиф Керрининг кўтариллиши ва тубанликка юз тутишида ғайриоддий бирон нарса кўрмайди, Керрининг тақдирига ўша вақтда ҳукмронлик қилаётган ҳаёт намунасига хос америкача ходиса деб қарайди. Керри обрў ва давлатга эришади, аммо бахт тополмайди. Бахт билан бойликнинг қарама-қарши қўйилиши, уларнинг мос тушмаслиги ўнлаб йиллар давом этган америкача ҳаёт тарзи қоидалари учун зарба эди.

Теодор Драйзер ўзининг “Бахтиқаро Керри” романи орқали “бахт пулда эмас” деган фикрни олға суради. “Асарнинг асосий ғояси Америкада барча учун баробар имкониятлар мавжуд, деган иллюзияни фош этишда кўринади” [1, 305]. Камбағал қиз Керри актрисалик орқали ахволини ўнглаб олган бўлса-да, у бунга ахлоқий тубанлик натижасида эришади. Керри бахтга ҳақиқий меҳнат, ҳақиқий санъат орқали эришмоқчи бўлса-да, лекин ўша жамиятда ҳалол меҳнат орқали бахтга эришиш мумкин эмаслигини тушунади.

Романни ўқиш жараёнида ёзувчи Керрини ҳам салбий, ҳам ижобий томонлари бўлган инсон сифатида тасвирлаган. Керри ёлғиз қолганида, ўзининг ахволи, қўяётган қадамлари ҳақида ўйлар, хаёлан ўзини оқлашга уринар эди. Аммо унинг қалбида бир нидо унга қарши чиқар, қилаётган ишлари нотўғрилиги, ҳатто қаршилиқ қилишга уринмаганлиги, гарчи бечораҳол бўлса-да, ҳалол қизларнинг танлаган йўли тўғри эканлиги ҳақидаги хулосага келарди. Демак, унинг ичида эзгулик ва тубанлик кураш олиб борарди, аммо атроф-муҳит таъсирида, жамиятдаги аҳвол таъсирида бу ички кураш ўз моҳиятини йўқотади ва Керри ўзи учун қулай йўлдан бораверади. Худди шу хусусият романнинг натурализм оқимида тегишли эканини кўрсатади.

Хулоса. Хуллас, Теодор Драйзернинг “Бахтиқаро Керри” романи бош қахрамонлари Керри ва Ҳерсвуд катта маҳорат билан тасвирланган натуралистик образлардир. Бунда Ҳерсвуднинг натурализм оламида тегишлилиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди: у чиндан ҳам ихтимой ҳаётнинг зарбаларига чидай олмаган, охири жонига қасд қилган иродасиз инсон. Аммо Керри образи жуда мураккаб, доим катта баҳсларга сабаб бўлган. У жуда курашчан, ўз мавқеи учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилган ва охир-оқибатда катта муваффақиятга эришган аёл. У қандай қилиб натуралистик образ бўлсин?! Аммо, фикримизча, у ҳам маълум маънода иродасиз: у жамиятдаги ўрнига аёллик қадридан, номусидан кечиш эвазига эришди. Демак, муаллиф учун ҳам, маънавияти баланд китобхон учун ҳам, у ахлоқий жиҳатдан ўлик. Бу ўринда муаллифнинг “бахт бойликда эмас” деган ғояси янада ёрқинроқ намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Азизов Қ., Қаюмов О. *Чет эл адабиёти тарихи*. – Т.: Ўқитувчи, 1987. – 325 б.
2. Богословский В.Н., Гражданская З.Т. *Зарубежная литература XX века*. – М.: Просвещение, 1979. – 351 с.
3. Bronkavich T. *Dreiser and his contemporaries*. – USA: New York Publishing House, 2000. – 46 p.
4. Гражданская З.Т. *Зарубежная литература XX века*. – М.: Просвещение, 1973. – 750 с.
5. Драйзер Теодор. *Бахтиқаро Керри*. Э. Носиров таржимаси. – Т.: Шарқ, 2007. – 512 б.
6. Dreiser Theodore. *Sister Carrie*. – Moscow: Higher School Publishing House, 1968. – 596 p.
7. Дубашинский И. *Предисловие*. В кн. Dreiser Theodore. *Sister Carrie*. – Moscow: Higher school Publishing House, 1968. Pp. 5-18.
8. Засурский Я.Н. *Американская литература XX века*. – М.: Издательство Московского университета, 1984. – 502 с.
9. Menken G. *Theodore Dreiser. The Critical Reception*. – New York, 1972. – 712 p.
10. Ruland R. and Bradbury M. *From Naturalism to Postmodernism*. – USA: Penguin Books, 1992. – 457 p.
11. Уотер Аллен. *Традиция и мечта*. – М., 1970. – 423 с.
12. <http://xroads.virginia.edu/-Hyper/Realism/chap01/html>.

УДК: 398.2

НЕМИС ВА ЎЗБЕК ЭРТАКЛАРИДА ЛАЙЛАК ОБРАЗИ ИФОДАСИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАР

ХАРАКТЕРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ОБРАЗА АИСТА В НЕМЕЦКИХ И
УЗБЕКСКИХ СКАЗКАХ

CHARACTERISTIC FEATURES OF THE IMAGE OF STORK IN GERMAN
AND UZBEK FAIRY TALES

Жумаев Акмал Ахматович
БухДУ мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада немис ва ўзбек эртакларида лайлак образини ифодалашидаги ўзига хос муштарак ва хусусий жиҳатлар ҳақида фикр юритилган. Бундан ташқари эртакларнинг тарбиявий аҳамиятига ҳам эътибор қаратилди, инсонлар ва қушлар муносабати эртак образлари мисолида ўрганиб чиқилган. Икки халқ (немис ва ўзбек) эртакларида қушлар культ (ҳомий, мададкор) сифатида қаралиши ва муқаддаслаштирилиши қиёсий солиштирилган.

Таянч сўзлар: эртак, қуш, лайлак, образ, немис, ўзбек, таржима, таржимон.

Аннотация. В статье рассматриваются специфические общие и частные аспекты выражения образа аиста в немецких и узбекских сказках. Также было уделено внимание воспитательному значению сказок: отношение людей и птиц изучается на примере сказочных образов. В сказках двух народов (немецкого и узбекского) сравнительно сопоставляются культы птиц (покровитель, помощник).

Ключевые слова: сказка, птица, аист, образ, немецкий, узбекский, перевод, переводчик.

Abstract. The article discusses the specific general and particular aspects of the illustration of the image of a stork in the German and Uzbek fairy tales. The article also focused on the educational value of fairy tales: the attitude of people and birds studied by the example of the fabulous images. In the fairy tales, the two nations (the German and the Uzbek) relatively compared cults of birds (protector, helper).

Key words: fairy tale, bird, Stork, image, German, Uzbek, translation, translator.

Қушлар инсонларга хос бўлмаган учиб хусусиятига эгалиги билан уларни хайрон қолдирган. Қадим замондан одамлар қушлар оламини кузатиб, унда ўз ҳаётига яқин (туғилиш, кўпайиш, бошпана, яъни уя қуриб яшаш, ўлиш, иссиқ ва совуқ иқлимни фарқлаш каби) жиҳатлар борлигидан хайратланган. Шулар асосида ўзи ва қушлар орасида рухий яқинлик борлигига ишонган. Қушлар вафот этган инсонларнинг руҳи, деган қарашга келинган. Инсон ўлгач, унинг руҳи оғзидан қуш бўлиб учиб, самога кўтарилади, дея тасаввур қилинган. Бундай ибтидоий мифологик қарашлар айрим қушларни муқаддаслаштиришга олиб келган.

Қадимги инсонларнинг турмуш тарзи, овчилик, чорвачилик ва дехқончилик фаолияти билан шуғулланиш эҳтиёжи, ўз навбатида, қушларнинг ҳаёт тарзини мунтазам кузатиб боришни тақозо қилган. Одамлар қушлар ҳаракатини кузатиш асосида вақт ҳисобини юргизишнинг илк усуллари йўлаб топганлар. Чорвадорлар янги яйловга кўчиш муддатини, дехқонлар эса дала юмушларини бошлаш ёки яқунлашда айрим қушларнинг учиб келиши ёки учиб кетишига қараб белгилаб олишган.

Овчилар зийрак, ўткир нигоҳли, панжалари илгир қушлардан ов қилиш жараёнида фойдаланишган. Булар ҳам инсонлар ва қушларни ўзаро рухий яқин деган эътиқодий қарашларни янада барқарорлаштирган. Қушларни культ (ҳомий, мададкор) сифатида қарашга ва муқаддаслаштиришга замин яратган. Бундай қарашлар дастлаб мифларда, кейинчалик эса афсона ва эртакларда талқин топган.

Ибтидоий инсонларнинг кушлар ҳақидаги илк тасаввур-тушунчалари халқ оғзаки ижоди намуналаридан ташқари амалий ва тасвирий санъат асарларига ҳам сингдириб борилган. Шунинг учун жуда кўп археологик топилмаларда афсонавий кўринишда тасвирланган кушлар тимсоли учрайди. Масалан, Самарқанддаги Афросиёб қалъаси деворлари қолдиғида қанотли, тожли, ҳайбатли кўринишда тасвирланган афсонавий Семурғ кушнинг сурати мавжуд. Фаройиб кўринишли кушлар тасвири турли безак ва тақинчоқларга, идишларга ҳам ишланган. Булар орқали бевосита қадимги инсонларнинг кушларга культ сифатида топиниб, мадад кутгани, улардан руҳий қувват олишга интилишгани англашилади.

Ибтидоий инсонлар кушлар тимсолида моддий ҳаётнинг интиҳо топиб, руҳий ҳаётнинг бошланишини тушунганлар. Мана шундай тушунчалар асосида қадимда вафот ўтган инсонларнинг жасади ўлаксахўр кушларга ем қилиниши орқали гўё мархум руҳи кушларга кўчирилган ва қайта тирилиши учун шароит яратилган. Кушлар этини тозалаган суяклар остодонларга солиниб, махсус жойда сақланган. Шу тариқа бадий ижодда кушлар рух сифатида талқин қилина бошланган. Мозористонга зиёратга борувчилар қабрлар устига дон (буғдойми, гуручми) сепадиган бўлишган. Қизиғи шундаки, анимистик ва тотемистик қарашлар заминида шаклланган бу одат ҳозиргача сақланиб келмоқда.

Лайлак ҳам инсон эътиқод қўйган кушлардан биридир. Шу сабабли деярли барча халқлар фольклорида лайлак образи учрайди. Ўзбек халқ қўшиқларида “Лайлак келди – ёз бўлди” мисраси мавжуд [1, 120-121]. Чунки Ўзбекистонда лайлак ҳаволар исиши билан пайдо бўлади ва совуқ кунлар бошланишидан олдин иссиқ ўлкаларга учиб кетади. Бунда у, асосан, Арабистондаги Яман чўлларига учиб борар экан. Яман мусулмон оламининг муқаддас зиёратгоҳлари Макка ва Мадинага яқинлиги боис лайлакка ҳам “ҳожидан” деб ном беришган. Турклар уни “ҳожидан” дейишаркан [3, 69]. Лекин Германиянинг Наббург шаҳри ҳам 1644 йилдан буён оқ лайлаклар келиб уя соладиган шаҳар сифатида дунёга донг таратиб келган [3, 69].

Таниқли фольклоршунос О.Сафаров бухороликларнинг бибиҳожидан лайлакни илк бор қай ҳолда кўриш эътиқодини шундай изоҳлайди: “Бухорода айрим кексалар лайлакни биринчи бор бош томондан кўриш – йил бўйи фаровонлик, эзгулик белгиси, орқа томондан кўриш эса хосиятсиз деб ҳисоблашади” [4, 130].

Лайлакка нисбатан бибиҳожидан эпитети билан шахслантирилиши у ҳақда айтилган ўзбек болалар ҳукмлагичида ҳам ўз ифодасини топган:

Лайлак боради тоққа,
Қулоқларида ҳалқа.
Ҳалқаси тушиб қолди,
Ўтирди йиғламоққа:
– Мен Бибиҳожидан эдим.
Қизларга бошчи эдим.
Қизлар ўйин тушганда,
Ман нағорачи эдим. [1, 120]

Лайлакнинг нағорачи сифатида кўрсатилаётгани бежиз эмас. Бунда унинг, одатда, нағора товушидек “так-так” қилиб овоз чиқариши инobatга олинган. Аслида лайлак – индамас куш. У хавф туғилса ҳам, урушса ҳам индамас экан. Унсиз юлқишиб, унсиз ҳалок бўлишаркан. Фақат қанотларини қоқиб, танглайини тақиллатаркан [3, 65].

Эртақларда кушлар ижобий ва салбий образларни ифодалашда қўлланилган. Шулар орасида лайлак – донишманд, оилапарвар, болапарвар, баҳор, ёз даракчиси образларида; турна, булбул – сахийлик, омад, қувонч ва бахт улашувчи образларини ифодаласа; қарға ўлим ва бошқа бахтсизликлар ҳақида башорат қилувчи куш сифатида ва айрим эртақларда ақли, доно қиёфада ифодаланган. Лайлаклар – барча халқлар эртақларида баҳор ва ёз даракчилари, донишманд, бой ва тадбиркор, оилапарвар ва болапарвар образларида гавдаланган.

1802 йилда Германиянинг Штутгард шаҳрида таваллуд топган немис ёзувчиси Вильгельм Гауф немис адабиётида эртақлари билан ўчмас из қолдирган. Унинг эртақларида

кўпинча воқеалар Шарқ мамлакатларида содир бўлиши тасвирланади. Бундан адибнинг Шарқ ҳаёти адабиётига қизиққанини кўрсатади.

Вильгельм Гауф ёзган эртаклари “Минг бир кеча” эртакларига ўхшаб кетса-да, мазмуни ва эртак воқеалари муаллифнинг бой тафаккури, теран фикрлашидан далолат беради. Унинг XIX асрда ёзган “Халифа Лайлак” (“Die Geschichte von Kalif Storch”) эртаги воқеаларида инсон характери, табиати ва дунёқарашида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар ўзига хос ёритилган. Эртак воқеалари Боғдодда, ўта ишонувчан, зехни ва хушёрлиги сустрок, амалдорлари ўзига у қадар содиқ бўлмаган, шундай бўлса-да, атрофидагиларга меҳрибон, Хасид исмли шоҳ саройида кечади. Эртак қаҳрамонлари – шоҳ Хасид ва унинг Мансур исмли содиқ вазиридир. Кунларнинг бирида сарой дарвозаси олдида бир савдогар пайдо бўлибди. Уни саройга таклиф қилибдилар.

Савдогар келтирган моллар ҳар хил бўлиб, бири-биридан қизиқ экан. Улар орасидан ичида қора кукуни бор, тушунарсиз ёзувли паргамент қоғозга ўралган кичкина қутича шоҳнинг эътиборини тортибди. Қизиқувчан шоҳ ундаги ёзув сирини билиш учун ўқишларини сўраб, сарой донишмандларини чақиртирибди. Аммо сарой донишмандлари ёзувни ўқий олмабдилар. Уни Салим исмли сарой донишманди бўлмаган бошқа бир донишманд ўқиб берибди. Аниқ бўлишича, қутичадаги кукун сеҳрли экан. Кимда-ким кукунни хидлаб, “Мўътабар” сўзини айтса, хоҳлаган қуш ёки ҳайвонга айланиб қолиши ва улар тилини тушуниши мумкин экан. Қайта инсон қиёфасига айланиши учун эса Шарққа қараб уч марта таъзим қилиши ва яна ўша сўзни айтиши шарт экан. Энг ёмони шуки, қуш ё ҳайвон қиёфасига ўзгаргач, қулиб қолса, ҳеч қачон қайта одам қиёфасига кира олмайди, деб доно Салим шоҳни огоҳлантирибди.

Ўз харидидан хурсанд бўлган шоҳ эрта тонгда вазирини чақириб, шаҳар четига йўл олибди. У ерда ажойибу ғаройиб лайлаклар бор экан. Шоҳ ва вазир қоғоздаги ёзувларда қандай айтилган бўлса, шундай қилиб лайлакка айланишибди-да, икки лайлакнинг жуда кулгили суҳбатларини эшитишибди. Улар шунақа кучли қулишибдики, қайта одам қиёфасига айланишлари учун айтилиши керак бўлган “мўътабор” сўзини унутиб қўйишибди. Оқибатда қайта инсон қиёфасига айлана олишмабди. Шу тариқа шоҳ ва вазир лайлакка айланиб қолаверибди.

Шундан сўнг улар ҳар куни Боғдодога учиб келиб, шаҳарда бўлаётган ишларни кузатиб боришаркан. Лайлакка айланган шоҳ ва унинг вазири тўртинчи куни саройдаги тантанали маросимни кўриб қолишади. Шаҳарда Хасиднинг ашаддий душмани сеҳргар Кашнур ўғли Мизрани Боғдод шоҳи этиб эълон қилибди. Хасид саройга савдогарнинг қандай келиб қолганини ва уни шу ёвуз Кашнур жўнатганини англабди. Буни кўрган шоҳ тушкунликка тушмай, Маккага учамиз, худога ибодат қилсак, балки сеҳру жодудан қутулармиз, деб вазири билан Макка томонга учиб кетишибди. Икки соатлардан кейин улар учишдан чарчаб, бир харобани кўришади-да, тунаш учун шу харобага қўнишади. Улар харобада қоронғуликда бир мунгли нолани эшитиб қолишади ва овоз келган томонга боришади. Кўрсаларки, аччиқ кўз ёш қилиб йиғлаётган бойқуш экан. Улар Бойқуш билан кўришишгач, бир-бирларига бошларидан кечирганларини айтиб беришади.

Шунда Хасид бойқушнинг ҳам сеҳрланганлигини, у аслида Ҳинд шоҳининг яккаю ягона қизи эканлигини билади. Бойқуш ҳам қандай қилиб сеҳрлаб қўйилганлигини ҳикоя қилиб беради ва шу ҳолича унга бирон киши уйлансагина асл ҳолига қайтиши мумкинлигини айтади. Билишларича, қизни сеҳрлаб бойқушга айлантирган ҳам Кашнур экан. Хасид агар яна ўз ҳолига қайтса, Кашнурдан қасос олишини айтади. Бойқушга айланган малика эса шоҳнинг ҳали унутиб қолдирган сеҳрли сўзни билишига умид борлигини билдиради ва ойда бир марта сеҳргар Кашнур ўз шериклари билан шу харобалар орасидаги бир ташландиқ саройга тўпланишини айтади. Қиз бу ерда уларнинг ўз ҳийланайранглари билан мақтанишини, бир-бирига сирларини очишини дарак беради. Эҳтимол, улардан бири сизлар унутиб қолдирган сўзни айтиб қолар, дейди. Хасиддан унга уйланишга розилигини олгач, бойқуш уларга йўл кўрсатади.

Сарой ўртасида турган айлана стол атрофида ўтирган саккиз сеҳргарнинг бири сеҳрли

кукунни сотган савдогар эканлигини танийдилар. Савдогар қилган ишидан мақтаниб, Хасид ва унинг вазири унутган сўзни айтиб қолади. Буни эшитган Хасид ва вазири дарҳол ўша сўзни айтиб, лайлак кўринишидан яна инсон кўринишига эврилишади. Бойқуш ҳам маликага айланади. Шоҳ маликага уйланади. Хасид ёвуз Кашнурнинг бошини танасидан жудо қилдиради. Унинг ўғли сохта шоҳ Мизрага сеҳрли кукундан хидлатиб, уни лайлакка айлантириб, сарой боғида бир қафасга солиб қўяди. Шоҳ, унинг хотини ва болалари ҳамда вазир бўлиб ўтган воқеаларни эслаб, мириқиб кулишади. Вазир икки лайлакнинг қандай қилиб бир-бирларини бойқушга уйланишга кўндирмоқчи бўлганликлари воқеасини айтиб берганида, шоҳнинг жаҳли чиқиб, бу воқеани қайта эсламасликка буйруқ беради.

Эртақнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, у ниҳоятда эҳтиёткор, кузатувчан ва огоҳ бўлишга даъват этади. Негаки, эртақ қаҳрамони шоҳ Хасид аввалида худбин ва бироз танбалроқ бўлади. Эртақда сеҳргар Кашнур шоҳ Хасиднинг лотин тилини билмаслигидан фойдаланиши кузатилади, лекин содир бўлган воқеалар уни меҳрибон, сахий ва доно бўлишга, бошқаларга ёрдам беришга ўргатади. Ўзи учун номаълум бўлган нарсдан фойдаланишда эҳтиёткор бўлишга, кўрсатмаларга қатъий амал қилишга ундайди. Киши ўзига бегона бўлган нарсалар ва бегона кимсаларга алданиб қолмаслигидан огоҳлантиради.

Эртақда инсон ўз билим ва салоҳиятини эзгулик йўлида ишлатиши лозимлиги ибрат қилиб кўрсатилган. Кашнур доно шахс, аммо нияти ғарзли. Агар у окқўнгил, вафодор, холис ниятли бўлганида шоҳнинг энг ишонган вазири бўлиши ва бахтли ҳаёт кечириши мумкин эди. Аммо унинг ва ўғлининг тақдири аянчли яқун топди. Негаки, мақолда айтилганидек: “Ҳар ким экканини ўради”.

Ўзбек халқ эртақларининг кўпчилигида лайлак ижобий персонаж сифатида тасвирланган. Масалан, “Ур, тўқмоқ” эртагида лайлак бой-бадавлат, катта мол-мулк эгаси образида гавдалантирилган [2, 147-150].

“Ур, тўқмоқ” сеҳрли-фантастик эртақ эканлигини нафақат унинг сюжетида қайнар хумча, очилдастурхон, ур тўқмоқ сингари тилсим предметлар қатнашгани, балки лайлак табиатан овоз чиқармайдиган қуш бўлса-да, у гапиртирилгани ҳам асослайди. Чолнинг тузоғига тушган лайлак қўйиб юборилиши эвазига истаган нарсасини сўраса, беришини ваъда қилади.

Эртақда лайлак хузурига отланган чолнинг йўлида айнан йилқичи чорвадорлар учраб, ўзлари боқаётган оту хайвонларнинг бевосита Лайлаквойга қарашли эканлигини айтишлари, чол ҳам бевосита уларнинг маслаҳати билан иш юритиши шунчаки эмас. Бу билан ҳаётда чорвадорларнинг қушларга қараб ўз ишларини ташкил этишгани воқелигига ишорани англаш мумкин.

Шу тариха чол йилқичилар маслаҳатига қулоқ солиб, лайлак билан учрашганида қайнар хумчани сўрайди. Бироқ чол Лайлакдан олган совғаларини бир қишлоқда чарчаб дам олмоқчи бўлганида, қишлоқ болаларига олдириб қўяди. Болалар чол қаттиқ тайинлаган бўлишига қарамай, қайнар хумчани қайнашга даъват этадилар. Кўрсаларки, ундан тинимсиз олтин қайнаб чиқяпти. Шунда болалар дарҳол ҳушларини йиғиб, уни бошқа оддий хумчага алмаштириб қўядилар. Чол уйига бориб, кампирига мақтаниб, қайнар хумчани ишга солмоқчи бўлади. Лекин хумча қайнамайди. Шунда чол Лайлакни алдаган гумон қилиб, яна унинг хузурига боради. Бу гал чол йўлдаги йилқичилар маслаҳати билан Лайлакдан очилдастурхонни сўраб олади. Аммо чол йўлда ухлаб, яна ўша болаларга сеҳрли дастурхонни ҳам ўғирлатади.

Сабаби, болалар чол қаттиқ тайинлаган бўлишига қарамай, очилдастурхонни очилишга даъват этадилар. Очилдастурхон очилиб, устида бир-биридан тотли турфа таомлар, нозу неъматлар, шарбату ширинликлар муҳайё бўлади. Буни кўрган болалар дарҳол очилдастурхонни оддий дастурхонга алмаштириб қўядилар. Шунинг учун чол уйига келгач, унинг ҳеч сеҳрли хислати йўқлигини кўриб, ғзаби жўшади. У яна Лайлак хузурига отланади. Бу сафар чол йилқичилар кўрсатмасига амал қилиб, Лайлакдан ур тўқмоқни сўраб олади. Чол яна ўша олдин дам олган қишлоғида ҳордиқ чиқаришга қарор қилиб, болаларга бу дафъа ҳам зинҳор ур тўқмоқ демасликни тайинлайди. Қизиқувчан болалар эса ур тўқмоқ

дейишлари билан калтак зарблари остида қолиб, доду фарёд кўтаришади. Уларнинг бақир-чақир овозига чол ҳам уйғонади ва вазиятни англаб, “тур тўқмоқ” сўзини айтади.

Шунда тўқмоқ савалашдан тўхтади. Болалар эса қилмишларидан пушаймон ва изза бўлиб, чолга тегишли қайнар хумча, очилдастурхонни қайтаришади. Ниҳоят, чол уларни соғомон уйига олиб боради. Қайнар хумчадан олган олтинларига яхши уй солдириб, ўзи яшаётган юрт хонини меҳмонга чақиради. Хон эса: “Мен хон бўлсаму, ўша камбағал, кашшоқ чолнинг уйига меҳмондорчиликка бораманми?” деб, эртаси куни етти минг аскар билан чолнинг уйи олдига бостириб келибди. Етти минг аскарни биргина ур тўқмоқ савалаб енгибди ва чол юртга хон бўлибди.

“Ур, тўқмоқ” эртаги 2014 йилда Элчибеков Наримонбек Элчибек ўғли томонидан “Schlag zu, Knüppel” [5, 186-197] номи билан немис тилига, “Beat, club, Beat” номи билан эса инглиз тилига таржима қилинган. Наримонбек Элчибеков таржимаси 2008 йилда нашр қилинган “Ўзбек халқ эртаклари” китобидаги “Ур, тўқмоқ” эртагига ўхшаса-да, эртакнинг охирида чолнинг хонни меҳмонга таклиф қилиши, хон эса бу таклифдан жаҳли чиқиб, чолнинг уйи олдига етти минг аскар билан урушишга келиши ва барчалари тўқмоқ калтаклари зарбига дош беролмай, енгилиб қочиб кетиши, чолнинг ўзи юртга хукмдор бўлиши воқеалари келтирилмаган.

Яна бу машхур эртакни Хуррам Рахимов ҳам “Schlage, Knüppel!” [2, 92-94] номи билан немис тилига таржима қилиб, “Das Vogelmädchen aus dem Feuer” китобида келтирган. У қуйидагича яқунланади: “Tischtuch, deck dich”. Und da erschienen schmackhafte Gerichte auf der Tischdecke. Der Alte und seine Frau lebten lang in Hülle und Fülle, ohne über ihre Zukunft zu denken und decken Schicksal für seine Wohltat. [5, 196]

Ўзбек халқининг “Ур, тўқмоқ” эртаги эса қуйидагича яқун топган: “Тиллалардан чол яхши уй солдирибди ва хонни уйига меҳмондорчиликка чақирган экан, хон: “Меҳмон бўлсаму, ўша камбағал, кашшоқ чолнинг уйига меҳмондорчиликка бораманми”, деб бормабди. Чолнинг жаҳли чиқиб, хонни урушга чақирибди. Эртасига хон етти минг аскарни тайёрлаб, чолнинг уйи олдига тизиб: “Қани, чол, жонинг бўлса урушга чиқ!” – дебди. Чол эшикдан чиқиб, тўқмоққа қараб: “Ур, тўқмоқ!” – деб бақирган экан, тўқмоқ ҳамма аскарларни биттадан уриб ётқизиб қўйибди, охирида тўқмоқ хонни ура бошлабди. Хон: “Чол, тўқмоғингни тўхтат, сен енгдинг, мени ўлимдан олиб қол, юртга сен ҳоким бўлақол,” – дебди. Чол тўқмоқни тўхтатибди. Ўзи юртга ҳоким бўлибди. Муроди мақсадига етибди.

Хуррам Рахимов “Ур, тўқмоқ” эртагининг бошқа бир вариантини таржима қилган. Бу вариантда чол қишлоқ болалари ҳузурида эмас, балки бир бойнинг уйида тунайдди. Қайнар хумча ва очилдастурхонни ҳам болалар эмас, бой яшириб, ўрнига оддий хумча ва дастурхонни алмаштириб қўяди. Эртақ охирида чолнинг хон бўлиши воқеаси ҳам келтирилмаган.

Эртакнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, унда бировнинг мулкига кўз олайтирган кимсалар қандай ёмон аҳволга тушиши, бировга ҳасад қилишнинг оқибати кўрсатиб берилган. Шу билан бирга, агар инсон табиатга, жонивору қушларга мерҳли бўлса, бундан наф топиши бадий асосланган.

“Олтин тарвуз” эртагида [6, 146-147] ҳам лайлак образи учрайди. Эртақ таржимон Хуррам Рахимовнинг “Das Vogelmädchen aus dem Feuer” номли китобида “Die goldene Wassermelone“ [2, 40-42] номи билан немис тилига ўгириб келтирилган. Бу эртақда жароҳатланган лайлакни даволагани эвазига лайлак ташлаган уч дона тарвуз уруғини экиб, унинг ичидан чиққан олтинлар орқали бойиб кетган бир камбағал деҳқон ҳақида ҳикоя қилинади. Унинг бойиб кетганини кўролмаган хасис бой қўшниси воқеани билгач, осмонда учиб кетаётган бир лайлакни уриб, оёғини синдириб, сўнгра уни даволайди. Эвазига олган тарвуз уруғини экади. Аммо бой эккан тарвуз пишиб етилгач, ичидан кутилганидек олтинлар эмас, балки арилар чиқиб, уни роса талайди. Ариларнинг захрига чидай олмаган бой ўзини сувга ташлаб, ғарқ бўлиб ўлади.

Эртақ мазмунидан инсон ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаши кераклиги, ҳалол меҳнат қилиш, табиат жониворларига меҳрибон бўлиш лозимлиги англашилади.

Хуллас, эртақларда лайлак образи орқали кўпинча инсоннинг бир ҳаёт тарзидан бошқа бир ҳаёт тарзига кириши, масалан, камбағалликдан бой ҳолатига ёхуд инсон кўринишидан куш, куш кўринишидан эса инсон қиёфасига эврилиши, у учун бир ҳаёт интиҳо топиб, янги бир ҳаётнинг бошланиши бадий талқин қилиниши кузатилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Бойчечак. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Болалар фольклори. Меҳнат қўшиқлари. Тузувчи ва наирга тайёрловчилар: О.Сафаров ва К.Очилов. – Т.: Ф.Фафур номидаги Адабиёт ва санъат наириёти, 1984. – 336 б.
2. Das Vogelmädchen aus dem Feuer. – Т.: “O‘qituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2016. 40-94-б.
3. Ravshanov Esong‘ali. Qushlar, qushlar, jon qushlar yoki qushlar olamiga sayohat. – Т.: Sharq, 2016.65-67-б.
4. Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – 250 б.
5. Usbekische Volksmärchen. – Tashkent: Cho‘lpon Verlags-und Druckhaus, 2014. P. 186-197.
6. Ўзбек халқ эртақлари. – Т.: Фафур Фулом номидаги наириёт-манбаа ижодий уйи, 2008. 146-150-б.

UDK: 82.09. (575.146)/18/

MUSLIHABEGIM MISKINNING MULAMMA’ G‘AZALLARI

ДВУЯЗЫЧНЫЕ ГАЗЕЛИ (КЛАССИЧЕСКИЙ ВОСТОЧНЫЙ ЖАНР ПОЭЗИИ) МУСЛИХАБЕГИМА МИСКИНА

BILINGUAL GHAZALS (CLASSIC ORIENTAL GENRE OF POETRY) OF MUSLIHABEGIM MISKIN

Sodiqova Dilorom Tursunovna
BuxDU mustaqil izlanuvchisi

Annotatsiya. Maqolada zullisonaynlikning o‘ziga xos ko‘rinishi bo‘lgan mulamma‘da ijod etish, uning o‘zbek mumtoz g‘azalnavislikdagi janriy xususiyatlari, ayni an‘ana davomchisi sifatida buxorolik zullisonayn shoira Muslihabegim Miskin mulamma‘ g‘azallarining mavzular olami, ularning o‘ziga xosligi xususida so‘z yuritiladi. Shoiraning ikki tilning nafosatidan foydalanish mahorati, o‘ziga xos uslubi, badiiy san‘atkorlik salohiyatining mulamma‘larida namoyon bo‘lishi tahlillar asosida yoritilgan.

Tayanch so‘zlar: mulamma‘, shir-u shakar, shahd-u shir-u shakar, zullisonayn, fors-tojik adabiyoti, g‘azal, muxammas, diniy farzlar, Yusuf Amiriy, Muslihabegim Miskin, mumtoz she‘riyat.

Аннотация. В статье рассказывается об особенностях билингвизм, жанровых особенностях узбекской классической газели и темах поэтессы Муслихабегим Мискин, уроженка Бухары, как продолжателя традиции, характеристика способность автора использовать двух языков, её собственный стиль и художественный потенциал.

Ключевые слова: писать, творить на двух языках, сочинять на трёх языках, персидско-таджикская литература, газел, религиозные обязанности, Юсуф Амирий, Муслихабегим Мискин, классическая поэзия.

Abstract. This article covers information about the peculiarity of the bilingualism, the genre features of the Uzbek classical gazelle and the themes of the poetess Muslihabegim Miskin, an author from Bukhara as a successor of the tradition, in addition, it reflects the characteristics of the poetess’s ability to use the bilingualism of the two languages, her style and the artistic potential of the author.

Key words: oriental poetry genres: mulamma‘, shir-u shakar, shahd-u shir-u shakar (create in two languages, compose in three languages), persian- tadjik poetry, gazel, religious duties, Yusuf Amiriy, Muslihabegim Miskin, classical poetry, historical- legendary people.

Kirish. Mulamma‘ atamasini ko‘proq adabiyot va uning nazariyasi bilan shug‘ullanuvchilar qo‘llaydilar. Keng o‘quvchilar ommasi uni “shir-u shakar” (ba‘zan shirin-shakar), agar uch tilda yozilsa, “shahd-u shir-u shaker” deb ataganlar. “Shir-u shakar” so‘zi tojikcha bo‘lib, sut va shakar

ADABIYOTSHUNOSLIK

demakdir, “shahd” soʻzi esa asal. Bu atama obrazli maʼnoda qoʻllangan. U xalqlar va tillar hamkorligini chiroyli ifodalagan [1, 75].

Maʼlumki, oʻzbek mumtoz adabiyotining juda koʻp vakillari zullisonayn – ikki til egasi edilar. Xorazmiy, Lutfiy, Navoiy, Gulxaniy, Maxmur, Munis, Nodira, Uvaysiy, Ogahiy, Muqimiy, Furqat, Miriy, Hamza singari koʻpgina shoirlar oʻzbek va fors-tojik tillarida chiroyli va yetuk sheʼrlar bitganlar. Gʻazali mulammaʼ oʻzbek mumtoz gʻazalchiligida ana shunday zaminda paydo boʻlgan. Shoir turli tilda alohida-alohida sheʼrlar bitish bilan qoniqmay, bir sheʼrning oʻzini turli xil rangda jilolashga intiladi. Natijada mulammaʼ hosil boʻladi.

Xususan, XIX asrning ikkinchi yarmi XX asr boshlarida Buxoro adabiy muhitida Muslihabegim Miskindek zullisonayn shoiraning uchrashi alohida adabiy-estetik hodisa sanaladi. Miskin mulammaʼ yozish qonun-qoidalari va usullarini mahorat bilan oʻzlashtirgan shoiradir.

Asosiy qism. Mulammaʼ sanʼati oʻzbek mumtoz sheʼriyatida, asosan, XVII, XVIII va XIX asrlarda keng tarqalgan. Gʻazali mulammaʼ tillarning nisbati, almashib kelishi jihatidan bir necha turda boʻlishi mumkin: bir bayt bir tilda, ikkinchi bayt boshqa tilda, bir misra bir tilda, ikkinchisi – boshqa tilda, misraning bir qismi bir tilda, ikkinchisi – boshqa tilda va hokazo [1; 75].

XV asr shoiri Yusuf Amiriy “Chogʻir va Bong munozarazasi”ni tasvirlar ekan, ular oʻrtasidagi yaqinlik, hamjihatlikni taʼriflash uchun sut bilan shakarning qoʻshilishidagi yoqimlilik fazilatidan foydalanadi:

Shir-u shakartek biri birdan qarın,
Hamsabaq-u, hamnafasi, hamnishin. [2; 289-292]

Shir-u shakardagi misralarning biri ikkinchisining tarjimai sifatida kelmaydi.

Shir-u shakar yozish anʼanasi oʻzbek sheʼriyatida maʼlum darajada davom ettirildi. Yangi shir-u shakarlarning mualliflari qardosh xalqlardan birining tilidagi soʻz va iboralarni jalb etish yoʻli bilan oʻsha xalqqa boʻlgan doʻstlik, birodarlik hislari, fikriy yaqinlik, samimiyatni ifodalaydilar [2; 289-292].

“Rang-barang qilmoq” maʼnosini ifodalovchi mulammaʼ atamasi “talmi” deb ham yuritiladi. Adabiyotimiz sahifalarini koʻzdan kechirsak, ijodkorlarimiz arab va oʻzbek, fors-tojik va oʻzbek, rus va oʻzbek tillarida shunday asarlar yaratganlarining guvohi boʻlamiz [3; 105].

Buxorolik zullisonayn shoira Muslihabegim Miskin nazmiyatida ham ikki tilda bitilgan gʻazallar – mulammaʼlar uchraydi. Ularning salmogʻi koʻp emas, xususan, shoiraning uch devonida jami uch mulammaʼ gʻazal va bitta mulammaʼ usulida yozilgan muxammas keltirilgan.

Shoironing Oʻzbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti qoʻlyozmalar xazinasida saqlanayotgan 972/1- va 1277-inventar raqamli devonlarida “Yo rab, manga qilgʻil nazar lutf-u karomat”, “Har lahza kunam az gʻami oh-u nadomat” misralari bilan boshlanuvchi mulammaʼ gʻazallar, 1962-inventar raqami ostidagi devonda esa yuqorida sanalgan ikki mulammaʼ gʻazaldan tashqari “Xudovando, bu dunyoda sanga man qilmadim toat...” mulammaʼ gʻazali hamda “Muxammasi shir-u shakar guftagi Miskin...” sarlavhali 9 banddan iborat muxammasi uchraydi.

Ushbu mulammaʼlardagi mavzular shoironing gʻazal, ruboiy, muxammas, tarjiband kabi janrlari bilan hamohang. Tasnif berilgan yuqoridagi gʻazallarning deyarli barchasida Xudoga, uning paygʻambarlariga murojaat, lirik qahramon (shoironing oʻzi)ning istigʻfor soʻrashlari, iltijolari koʻzga tashlanadi.

Shoironing “Yo rab, manga qilgʻil nazar lutf-u karomat” misralari bilan boshlanuvchi mulammaʼ gʻazali 7 bayt, 14 misradan, “Har lahza kunam az gʻami oh-u nadomat” mulammaʼ gʻazali 6 bayt, 12 misradan, “Xudovando, bu dunyoda sanga man qilmadim toat...” mulammaʼ gʻazali esa 9 bayt, 18 misradan iborat.

“Xudovando, bu dunyoda sanga man qilmadim toat...” mulammaʼ gʻazalining bir bayti oʻzbekcha, bir bayti esa fors-tojik tilida bitilgan. Misralarda Miskin oʻzining osiyligi, gunohkorligini taʼkidlaydi:

Xudovando, bu dunyoda sanga man qilmadim toat,
Bu jumla osiylarni, ey xudoyo, aylagil rahmat. [4; 87]

ADABIYOTSHUNOSLIK

Shoira Oллоhga murojaat qilib, bu dunyoda unga toat-ibodat qilmaganligini, shu bilan birga, hamma osiylarni rahmat aylashini iltijo qilib so‘raydi.

Agarchi osiy-u darmondaam, ey Qodir-u Rahmon,
Ilohi, jumla osiyo tarahhum kun tu az lutfat. [4; 87]

Mazmuni: Ey qodir-u Rahmon, men osiymen, qiyin ahvolda qolganman, Ilohi, barcha gunohkorlarga lutfing bilan marhamat qilib, ularga g‘amxorlik qilgin.

Man darmondani, yo rab, karam birla qo‘lum tutg‘il,
Bu foni dunyoda qilma mani oshuftayi mehnat. [4; 87]

Qiyin ahvolda qolgan Miskin Xudodan olijanoblik va marhamat bilan uning qo‘lidan tutishini, bu o‘tkinchi dunyoda uni parishon qilmasligini iltijo qiladi. Iqtibos keltirilgan mazkur baytdagi misralar turkiy tilga vobasta tarzda qalamga olingan bo‘lsa ham, aynan ana shu baytning birinchi misrasida fors-tojik tilidagi “darmonda” so‘zi ham uchraydi. A.Navoiy asarlari lug‘atida ushbu so‘z “hayron”, “qiyin ahvolda qolgan” ma‘nolarida ishlatilgan [6.181]. Baytda turkiy va fors-tojik tillarining uyg‘unligini uchratish mumkin.

Nadoram juz tu g‘amxori hastam osiy-u miskin,
Xudovando, dar on ro‘zi jazo moro bekun rahmat. [4; 87]

Mazmuni: Sendan boshqa g‘amxo‘rim yo‘q, gunohkor bechoraman, Xudovando, jazo kuni bizga rahmat aylagil.

Ki tufrog‘din bino qilding o‘shandoq odam-u havo,
Zamin-u osmonlarni bino qilding san az qudrat. [4; 87]

Baytda Oллоh insonni tuproqdan yaratganiga ishora mavjud bo‘lib, hatto uning qudratidan yer-u osmon ham bino bo‘lgani ta‘kidlanadi. Misralarda fikrlar, asosan, turkiy tilda ifodalangan, biroq fors-tojik tili ta‘siri ham mavjud. “Az qudrat” jumlasida fors-tojikcha “az” qo‘shimchasi qo‘llanilgan. Chiqish kelishigi qo‘shimchasi “dan” fors-tojik tilida “az” tarzida namoyon bo‘lib, qudratidan so‘zi kelib chiqqan.

Zi qudrat ofaridi on rasuli behtari olam,
Ba ro‘zi mahshar kardi shafaothohi bar ummat. [4; 87]

Mazmuni: Bu olam rasul qudratidan yaratilgan, mahshar kunida u o‘rtada turib, o‘z ummatlariga vosita bo‘ladi.

Mazkur baytdan ko‘rinib turibdiki, fors-tojik tilidagi misralar ham deyarli yuqoridagi misralarga mohiyatan hamohangdir.

Hazon shukr qilg‘il ummati shoshi rasululloh,
Ilohi, ro‘zi mahshar aylag‘il san jumlan rahmat. [4; 87]

Bu o‘rinda shoironing “Shohi rasululloh ummati, ming marotaba shukr qilgin, toki Tangrimiz barchani mahshar kunida rahmat aylasin” degan fikrlari anglashiladi.

Xudovando, beg‘ayr az tu nadoram yori g‘amxori,
Xudovando, man bechoraro rahmat kuni az lutfat. [4; 87]

Mazmuni: Xudovando, sendan boshqa g‘amxo‘r yorim yo‘q, xudovando, men bechorani lutfing bilan rahmat qilgin.

Ilohi, Miskini bechorani lutf-u karomat qil,
Ilohi jumla mo‘min joyini aylag‘il jannat. [4; 87]

Muslihabegim g‘azalning so‘nggi 9-baytida Parvardigordan unga lutf-u karomat ko‘rsatishini, jamiki mo‘minlarning joyini jannat aylashini so‘raydi.

Shoira yozgan shir-u shakarlari mavzusidan shuni anglash mumkinki, u o‘zining bechoraligi, miskinligidan uyalagan, aksincha, shu yo‘l bilan Xudoning marhamatiga sazovor bo‘lishini his qilgan va bunga qattiq ishongan.

Diniy farzlar, diniy bilimlar haqida atroflicha tushunchaga ega bo‘lish, ammo toat-ibodatni yetarlicha amalga oshirmaslik shoironing nazdida osiylikning bir ko‘rinishidir. Bunday holatdagi inson Qiyomat kunida uyatli ahvolga tushib qolishini shoira “Yo rab, manga qilg‘il lutf-u karomat..”, “Har lahza kunam az g‘ami oh-u nadomat” misrasi bilan boshlanuvchi mulamma‘ g‘azallarida ham e‘tirof etadi. Muslihabegim Tangri va payg‘ambarlarni o‘ziga rahnamo bilib, ularning yordamidan umid qiladi, qiyomat kunining uqubatidan darmon so‘raydi.

ADABIYOTSHUNOSLIK

Miskin mulamma' g'azallarini mahorat bilan bitgan, bu uning o'ziga xos uslubga ega ekanligidan dalolat beradi. Shoira o'zbek (turkiy) va fors-tojik tili ko'nikmalarini yaxshi egallagan, uning bu boradagi salohiyati shir-u shakarlarida yaqqol tasdig'ini topgan. E'tiborli tomoni shundaki, devonlardagi mulamma'larning yozilish uslubi va tartibi turlicha.

Shoira shir-u shakarlari tuzilishiga ko'ra ham e'tiborni jalb etadi. Xususan, uning "Yo rab, manga qilg'il nazar" deb boshlanuvchi mulamma'sida misralarning birinchi misrasi turkiy, ikkinchisi esa fors-tojik tilida tavsif etiladi:

Tuni kecha turib har zamon qon yig'lasam arzir,
Bar dargahi tui hech nakardamki ibodat. [5; 67]

Mazmuni: Tun-u kun, har zamon qon yig'lasam arzir, sening dargohingda hech ham ibodat qilmadim.

"Har lahza kunam az g'ami oh-u nadomat" misralari bilan boshlanuvchi shir-u shakarining dastlabki misrasi fors-tojik tilida, navbatdagisi esa turkiy tilda aks ettiriladi:

Har lahza kunam az g'ami u oh-u nadomat,
Shoyadki jamolini ko'ray ro'zi qiyomat. [4;72]

Dastlabki misrada berilgan tojikcha fikrning mantiqiy davom etishini o'zbekcha jumla ta'minlagan. Shoira birinchi baytda payg'ambarning g'amida oh chekib, qilgan gunohlaridan pushaymonligini, qiyomat kunida esa uning jamolini ko'rishga musharraf bo'lishini ta'kidlaydi.

Payg'ambari olam nazar kun tu ba holam,
Ey shohi rasul, ayla bu qullarni shafolat. [4;72]

Ikkinchi baytda esa payg'ambarning uning holiga nazar solishini hamda bu qullariga o'rtada turib vosita bo'lishini so'raydi. Chorasizlik, gunohkorlik uni qiynaydi.

Man osiyu bechora darmonda zoram
San ushla bu qo'llarni o'shal ro'zi qiyomat. [4;72]

Shoira bu foniy dunyoda insonlarning osiyligini, qiyomat kuni ularning qo'lidan ushlab, mag'firat qilishini parvardigordan iltijo qilib so'raydi.

Har dam bikunam shukr ba dargohi xudovand,
O'z qudratidin jumlani qildi manga ummat. [4;72]

Xudoning dargohida har dam shukr qilish lozimligini, uning qudratidan barcha unga ummat qilib belgilanganligi go'zal satrlar orqali ifodalangan.

Yuqoridagi misralarning mantiqiy davomi sifatida shoiraning Oллоhga xitobi va undan madad so'rab qilgan munojotlari quyidagi baytlarda ham o'z ifodasini topgan:

In Miskini bechoraro az lutf nazar kun,
Qilg'il mani bechoraga san lutf karomat.
Sharmandaligimdan na qulurman ro'zi mahshar,
Ey shohi Muhammad, hamaro kun tu shafolat. [4;72]

Zamon va makonning murakkab silsilalari va evrilishlari nafaqat Miskinni, balki uning qiyofasida oddiy aholining jabrdiyda ekanligini yaqqol namoyish etadi. Bu kabi hollarda chorasizlik qurbonlari suyanadigan va tayanadigan yagona omil din va e'tiqod bo'lib, aksar odamlarning qalblariga malham kabi tuyulgan. Shunday kezlarda Tangrining marhamati, payg'ambarning nazari Miskin singari insonlar uchun tom ma'noda munosib dolzarb ahamiyat kasb etgan.

Albatta, shoira nafaqat ijodkor, balki o'z nazmiy asarlarida ba'zida asosiy qahramondir, biroq misralardagi "man", "men" obrazlari doimo individual xarakterga ega bo'lib qolmay, shu holatdagi barcha insonlarni mujassamlashtiradi.

Muslihabegim Miskin ijodini sinchkovlik bilan o'rganar ekanmiz, uning nazmiyati naqadar nafosatli va purma'no ekanligiga guvoh bo'lasiz. Miskin nazmiyatining aksar jabhalarida islom dini tafakkuri bilan sug'orilgan she'rlari, g'azallarida Oллоhga, payg'ambar Muhammad Mustafoga murojaatlar, xitoblar bot-bot takrorlansa-da, ularning har biri o'zgacha shaklda, ayri tafsilotlarda namoyon etiladi, ya'ni yuqorida ta'kidlanganidek, betakrordir.

Xulosa. Xulosa qilib aytganda, Muslihabegim Miskin turkiy va fors-tojik tillarida birday mahorat bilan qalam tebratgan zullisonayn shoiradir. Biz bilamizki, mulamma' yozish, albatta, ijodkordan mahorat, shu bilan birga, kamida ikki tilni mukammal bilishni talab qiladi. XIX asrning

ADABIYOTSHUNOSLIK

ikkinchi yarmi XX asrning boshlarida bu kabi qobiliyatga ega bo'lganlar orasida Muslihabegim Miskin ham, shubhasiz, o'z o'rniga ega. Bu davrda ayol kishining ijod qilishi, she'r yozishining o'zi bir katta hodisa sanaladi. Bundan shu narsa ayonlashadiki, shoira mulamma' yozish san'ati va usullarini yaxshigina o'zlashtirgan. Muslihabegimning mulamma' usulida bitilgan g'azallari yaxlit bir majmuaga o'xshaydi, alohida-alohida olib tahlil qilinsa-da, yakunda uzviy zanjir misol birlashadi.

Muslihabegim Miskin ijodini o'rgangan sari uning yangi-yangi qirralarini kashf etamiz. Uning aksar she'rlari, g'azallari, ruboiylarida tushkun kayfiyat yetakchilik qiladi. Bu esa zamon va taqdirning shoira ruhiyatiga aynan qay tarzda ta'sir etganligini ko'rsatadi.

Biz yuqorida tahlilini amalga oshirgan uch mulamma' g'azaldan tashqari Miskin ijodida yana ushbu yo'nalishdagi g'azallar uchrashi mumkin. Buni, albatta, keyingi tadqiqotlarimizda amalga oshiramiz. Zero, ayni shu vaqtgacha yashab ijod etgan shoir-u adiblarning ommaga hali ma'lum bo'lmagan ma'naviy meroslarini tadqiq etish va yoritish bugunning dolzarb vazifalaridan sanaladi.

ADABIYOTLAR

1. Nosirov O. va b. O'zbek klassik she'riyati janrlari. – T.: O'qituvchi, 1979. – 185 b.
2. Xudoyberdiyev E. Adabiyotshunoslikka kirish. – T.: Sharq, 2008. – 366 b.
3. Hojamedov A. Mumtoz badiiyat malohati. – T.: Sharq, 1999. – 240 b.
4. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi qo'lyozmalar fondi. Inv.1962. – 273 b.
5. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi qo'lyozmalar fondi. Inv.972\1. – 219 b.
6. Fozilov E. Alisher Navoiy asarlari lug'ati. I. – T.: Niso Poligraf, 2013. – 1007 b.

UDK: 372.03 398.91

“O‘YLAB SO‘ZLAGANNING SO‘ZI HAQIQAT...” (“QUTADG‘U BILIG”, “HIBAT UL HAQOYIQ”, “QOBUSNOMA” ASARLARINING QIYOSIY TAHLILI)

“СПЕРВА ДУМАЙ, ПОТОМ ГОВОРИ, ЕСЛИ ХОЧЕШЬ ПРАВДУ”
(АНАЛИЗ ДИДАКТИЧЕСКИХ ТРУДАХ “КУТАДГУ БИЛИГ”,
“ХИБАТ УЛ ХАКОЙИК” И “КОБУСНАМЕ”)

“THAT WHO THINKS SAYS THE TRUTH” (ANALYSIS OF THE DIDACTIC WORKS OF “KUTADGU BILIG”, “HIBAT UL HAQOYIK” AND “KOBUSNOMA”)

Zaripova Dilfuza Baxtiyorovna

Alisher Navoiy nomidagi TDO‘zTAU mustaqil tadqiqotchisi

Annotatsiya. Maqolada Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u bilig”, Ahmad Yugnakiyning “Hibat ul haqoyiq”, Kaykovusning “Qobusnoma” asarlaridagi til odobi haqidagi qarashlari qiyosiy tahlil qilingan. Bunda yozuvchilarning badiiy mahorati, uslubi, o‘ziga xos ijodi qiyosan til odobi haqidagi qarashlar orqali ochib berilgan. Uchala ijodkor ijodida maqollarning o‘rni haqida ham nazariy xulosalar berilib, badiiy tasvir vositalarining qo‘llanilishi tahlil qilinib, uchala ijodkorning so‘z qo‘llashdagi mahorati qiyosan tahlil qilingan.

Tayanch so‘zlar: didaktika, didaktik adabiyot, til odobi, ilm, ezgulik, ma‘rifatli inson, maqol, badiiy san‘atlar.

Аннотация. Статья посвящена анализу по этике правдивости в учебно-дидактических трудах нашей классической литературы, таких как “Кутадгу билиг” Юсуфа Хос Ходжиба, “Хибат уль хакойик” Ахмада Югнаки, а также “Кобуснома” Кайковуса. Здесь сравнивается художественный стиль и своеобразие каждого автора. Кроме того анализируется использование пословиц и других художественных средств.

Ключевые слова: didaktika, didakticheskaya literatura, etika pravdivosti, znanie dobrot, prosvetlenniy chelovek, posloviцы, художественный стиль.

Abstract. The article is devoted to the analysis of the ethics of truthfulness in the educational and didactic works of our classical literature, such as “Kutadgu bilig” by Yusuf Khos Khojib, “Hibat ul haqoyiq” by Ahmad Yugnaki, as well as “Qobusnoma” by Kaykovus. It compares the artistic style and originality of each author. In addition, the use of proverbs and other artistic means is analyzed.

Key words: didactics, didactic literature, ethics of truthfulness, knowledge, kindness, enlightened person, proverbs, art style.

Kirish. Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u bilig”, Ahmad Yugnakiyning “Hibat ul haqoyiq” asari o‘sha davrda vujudga kelgan didaktik asarlardan hisoblanadi. Bu ikkala asarda arab-fors adabiyotining, hind-tibet hududida amal qilgan ijtimoiy mafkuraning ta’siri mavjud. Ammo uning o‘zagini sof turkiy an’analar, qadim milliy madaniyatiga bevosita daxldor bo‘lgan qadriyatlar tashkil etadi.

Kaykovusning “Qobusnoma” asari ham shu davrda yozilgan bo‘lib, faqat bu asar fors-tojik adabiyotida yaratilgan. Bu uchala asar bir davrda yaratilgan, bir xil didaktik ruh singdirilgan, ammo har birining o‘ziga xos ifoda yo‘sini, muallifning bayon qilish uslubi, asarlarning g‘oyaviy-badiiy xususiyati o‘ziga xos tarzda ifodalangan.

Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u bilig” asarida uchinchi bob Til odobi – *Тил эрдемин асгын мунларын сезлэйур* [4,85] (*Tilning fazilati, foyda-zararlari haqida so‘zlaydi*) deb; Ahmad Yugnakiyning “Hibat ul haqoyiq” asarining ikkinchi bobi *Tilni tiyish va odob-axloq haqida*, Kaykovusning “Qobusnoma” asarining yettinchi bobi “*Suxandonlik bila baland martabali bo‘lmoq zikrida*” va sakkizinchi bobi “*Anushirvon pandlarini yod olmoq zikrida*” deb nomlanadi. “Qutadg‘u bilig” va “Hibat ul haqoyiq”da til odobi bo‘yicha maxsus bob ajratilgan. “Qobusnoma”da esa bunday fikrlar 7-8-boblarda aytib o‘tilgan va “Qobusnoma”da pand-nasihatlar hikoyatlar bilan asoslab berilgan (Xorun Ar Rashid haqidagi hikoyat).

Asosiy qism: “**Qutadg‘u bilig**”da:

“Укушка билигкэ бу тилмэчи тил,

Йарутгачи эрни йорық тилни бил”. [4,87]

(*Mazmuni: Uquvga, bilimga tilmoch-bu til, kishini ro‘sholikka chiqargan ravon til deb bilgin*).

Ushbu misralarda shoir til orqali kishi bilimli, uquvli bo‘lishi kerakligini, kishiga ro‘shnolik, yaxshiliklar til tufayli keladi, deb ta’kidlaydi. Shoir ushbu fikrlarni ifodalashda tanosib va qaytarish san’ati qo‘llaganini ko‘rishimiz mumkin. Ma’lumki, ko‘plab badiiy san’atlar so‘zlarning she’riyatdagi ma’naviy aloqadorligiga tayanadi. “Shoirning mantiqan o‘zaro bog‘liq va bir-birini taqozo etadigan so‘zlardan foydalanishi **tanosib** deyiladi” [7,85].

Uquv, bilim so‘zlari tanosib san’atini yuzaga keltirgan. “Mumtoz she’riyatda bayt misralarning uchtadan qismi ajratilgan. Birinchi misraning boshlanishi **sadr**, oxiri **aruz**, ikkinchi misraning boshi **ibtido** va oxiri **zarb** yoki **ajuz**, misralarning o‘rta qismi **hashv** deyilgan.

Sadr hashv aruz,

Ibtido hashv ajuz (zarb)

Qaytarish san’ati baytdagi mazkur o‘rinlardan biridagi so‘zning yana boshqa bir o‘rinda takrorlanishiga asoslanadi. Qaytarishning asl nomi radd-ul ajuz, ulas-sadr yoki radd-ul ajuz min-as-sadr bo‘lib, sadrdagi so‘zni ajuzda takrorlash, qaytarish ma’nolarini beradi. Zero, ‘rad’ arabcha “qaytish” degan ma’noni bildiradi” [1,369].

Bu misralarda “til” so‘zlarining takrorlanishi radd ul aruz ulal-hashvni yuzaga keltirgan. Xuddi shunga o‘xshash hamohang misralarni Ahmad Yugnakiy o‘z asarida qo‘llaydi.

“Hibat ul haqoyiqda:

“Eshitgil, biliklik neku teb ayur,

Adablar bashi til ko‘dazmak turur” [5,46].

(*Mazmuni: Ilmli kishi nimalarni so‘zlaydi, sen unga quloq sol, odoblar boshi tildir, uni tiymoq zarur*).

Bu o‘rindada dastlab ko‘zga tashlanadigan narsa Mahmud Koshg‘ariyning “Devon-u lug‘otit-turk”ida keltirilgan maqolga hamohanglikdir. Ushbu maqol XI asrda “Ardam bashi til”, ya’ni “Odobning boshi – til” tarzida qo‘llangan edi. Til – og‘izning bezagi. “Ko‘ni so‘z” esa inson

ADABIYOTSHUNOSLIK

qalbini, kishi ko'nglini bezamog'i kerak. Buning uchun yolg'on gapirmaslikdan tashqari yolg'onchi odam bilan yaqin turmaslik, unday kishilar bilan muloqot qilishdan o'zini tiya olish darkor. Xususan, ko'p gapirish, ayniqsa, yolg'on so'zni aralashtirish Ahmad Yugnakiy ta'rificha, juda yomon illatdir. U boshqalarga katta zarar keltiradi. So'zlovchining o'zi ham undan aziyat chekadi, jamiyat oldida beburd bo'ladi. Ko'pchilikning nazaridan tushib qoladi. Shoir tili bilan aytsak, u o'zi uchun "muruvvat yo'lini" yopadi. Ikkinchidan, bu kishining so'zlari yolg'on bo'lsa. Yolg'onchilik, behuda so'zlash ham, aslida bilimsizlik oqibati. Bilim bunday yaramas ishning oldini oladigan quroldir. So'zlashuvda bilimdon bo'lish shart ekanligini isbotlash uchun adib yana bir dalil keltiradi: hatto yaratganni bilmoq, anglamoq uchun ham bilim zarur. So'z ma'nolarining barcha jihatlarini puxta o'zlashtirish uni qo'llash imkoniyatlarini kengaytiradi. Ezgu so'zli odamning yoshi, jinsi, millati muhim emas. Muhimi, uning alohida kishilarga, ko'pchilikka, jamiyatga keltiradigan foydasida. Ana shu naf tufayli bilimdon kishilar "ajam ham arab"lar orasida e'tibor topadi, o'z sha'ning ulug'lanishiga erishadi. Hajman katta bo'lmagan (500 misradan ko'proq) "Hibat ul-haqoyiq" asari orqali u yuksak insoniy tuyg'ular, insonparvarlik, yaxshi fazilatlar, insonning ma'naviy kamolotiga ijobiy ta'sir ko'rsatadigan fazilatlarini targ'ib qildi.

Kaykovus "Qobusnoma"da:

"So'zni bag'oyat ulug' bilgil, so'z osmondin kelmas va ul xor narsa emasdir" [6,52], – deb so'zga ta'rif beradi. Kaykovus so'zlaganda o'ylab so'zlash, so'zni ulug' deb bilish, uni xor qilmay, ya'ni faqat yaxshi so'zlardan foydalanish kerakligini uqtiradi.

Uchala asarda ham til odobi, so'zning ulug'ligi haqida hamohang fikr yuritilgan.

Kaykovus esa ushbu fikrlarini dallillash maqsadida Yettinchi bob – Suxandonlik bila baland martabali bo'lmoq zikrida deb nomlangan bobda 4 ta hikoyat keltirgan. Ikkinchi hikoyatda shunday deyiladi: "Xalifa Xorun ar Rashid tush ko'radi. Tushida barcha tishlari to'kilib ketgan emish. Xalifa tushni ta'bir qiluvchilardan tushining ma'nosini so'raydi. U shunday deydi: "Sendan oldin barcha yaqinlaring, qarindosh-urug'laring o'ladi. Sendan boshqa hech kim qolmaydi". Bu so'zni eshitgan Xorun ar Rashid: "Sen mening yuzimga bunday qayg'uli so'zni aytding. Mening barcha qarindosh-urug'larim o'lsa, so'ngra men qanday ishga yarayman-u qanday yashayman?" – deydi darg'azab bo'lib va unga yuz darra urishni buyuradi. Keyin boshqa bir ta'burchini chaqirib, undan tushining ta'birini so'raydi. U bunday deydi: "Sening umring barcha qarindoshlaring umridan uzun bo'ladi". Shunda Xorun ar Rashid: "Barcha aqlning yo'li birdir va ikkala ta'birning negizi bir yerga boradi, ammo bu ibora bilan u iboraning orasida farq bag'oyat ko'pdir", – deydi va unga yuz tillo berishni buyuradi" [6,51].

Ushbu hikoyatdan xulosa shuki, so'z-benhoya qudratli narsa. Uni o'z o'rnida ishlata bilish uchun farosat, malaka va ziyraklik zarur.

"Qutadg'u bilig"da: "Tiling bekta tutgil, tishing sinmasun,
Qali chiqsa bekta, tishing sinur".

(Mazmuni: Tilingni tiy, tishing sinmasin, agar so'zlab yuborsang, (tiling) chiqib qolsa, tishingni sindiradi).

Shoir ushbu misralarda o'ziga esonlik tilagan odam tilidan yaroqsiz so'zini chiqarmasin. Har bir so'zni bilib so'zlasa, u donolik sanaladi, o'rinsiz so'zlasang, tishingni sindiradi, – deydi. Bu misralarda "til" va "tish" so'zlari tanosib san'ati, "bekta", "tish"so'zining takrorlanishi radd ul hashv ulal hashvni yuzaga keltirgan.

Shuni ta'kidlash kerakki, Ahmad Yugnakiyning **"Hibat ul haqoyiq" asarida** ham shunday o'xshash misralarni uchratish mumkin:

"Тилинг бекта тутгил, тишинг синмасин,
Қоли чиқса бекта тишингни сиюр".

(Mazmuni: Tilingni tiyib yur, tishing sinmasin, tilingni tiymasang, tishing sindirar).

Ushbu satrlar orqali Ahmad Yugnakiy ijodida Yusuf Xos Hojib ta'sirini sezish qiyin emas. "Hibat ul haqoyiq"dagi ushbu misralarda "til" va "tish" so'zlari tanosib san'atini, "tish" so'zining takrorlanishi esa radd ul hashv ulal hashv san'atini kuzatish mumkin. Ikkala ijodkorda ham fikrlar hamohangligi va badiiy mahoratining ham uyg'unligini ko'rish mumkin.

Xuddi shunday fikrlarni Kaykovus "Qobusnoma"da "Har so'zni andisha bila boshlag'il, toki

ADABIYOTSHUNOSLIK

aytg'on so'zdingdin pushaymon bo'lmag'aysan" [6,53] tarzida keltiradi.

Kaykovus ushbu misralarni didaktik asarlardagi an'ana bo'lib kelgan hikoyatlar keltirish orqali dalillaydi. Pand-nasihath boblaridan keyin keltirilgan hikoyatlar muallif pozitsiyasi, axloqiy muammolar, g'oyani shakllantirishga xizmat qila olgan. Yuqoridagi misralarni dallillash maqsadida "Bir alaviy va shayx" haqidagi hikoyatni keltiradi. "Bir kuni alaviy kursining ustida shayxni "kofir" deydi. Shayx esa: "Agar men kofir bo'lsam, bu alaviy haromzodadir", – deydi. Bu xabar alaviyning qulog'iga yetadi. Alaviy Ray shahriga borib, shahar hokimi sohibi Abbodning oldiga borib, shayxdan shikoyat qiladi: "Sizning ayyomingizda ul shayx Rasul alayhissalomning farzandiga haromzoda degay", – deydi.

Bu so'zdan Sohibi Abbodning qahri kelib, shayxni huzuriga chaqirtiradi va aytgan gapi uchun javob so'raydi. Shayx aytadiki: "Xalqning barchasi bilurlarki, uning onasining nikohini men qilmishman. Ul kursining ustida o'tirib, meni "kofir" dedi. Agar ul bu so'zni e'tiqod yuzidan aytg'on bo'lsa, unda kofirning nikohi durust bo'lmag'usidir va ul so'zi bilan beshak haromzoda bo'lg'usidir. Hech shak yo'qdurki, bu ikkining biri bo'lur". Bu so'zdan alaviy xijolat tortadi. Xulosa shuki, alaviy va shayx bir-birlariga noo'rin so'z aytganlari tufayli uyalib qoladilar".

Yusuf Xos Hojibning **"Qutadg'u bilig" asarida:**

Кишиг тил ағырлар булур кут киши,
Кишиг тил ужузлар йарыр эр башы. [4,87]

(*Mazmuni: Kishini til e'zozlaydi, kishi u tufayli baxtga erishadi, kishini til qadrsiz qiladi, er boshini yoradi*).

Yusuf Xos Hojib kishi tili tufayli e'zoz topadi, baxtga erishadi. Xuddi shu til tufayli u qadrsizlanishi, boshini yorishi ham mumkin, deydi.

Ushbu misralarda **e'zozlamoq, qadrsiz qilmoq** so'zlari tazod san'atini, **"kishi"** so'zining takrori radd-us sadr ibtido, **"til"** so'zlarining takrori esa radd-ul-hashf ulal-hashv san'atini, har bir fikrni sanash orqali **ta'did** (fikriy rivoj, ketma-ketlik) [7,86] san'atini ko'rish mumkin: *Kishini til e'zozlayi, u tufayli baxtga erishadi, qadrsiz qiladi, er boshini yoradi*.

Ahmad Yugnakiyning **"Hibat ul haqoyiq" asarida:**

“Сониپ сўзлаган эр сўзи соғи,
Ўкуш янғшағон тил ай олмас ёғи”. [5,47]

(*Mazmuni: O'ylab so'zlaganning so'zi haqiqat, yomon til o'zingga dushman beshafqat*).

Bu misralarda kishi har bir so'zni o'ylab gapirishi, aks holda, uning so'zi o'ziga dushman bo'lishi mumkinligi ta'kidlanadi va adib o'rinsiz vaysagan tilni yovga o'xshatib, tashbeh san'atidan unumli foydalanadi.

"Qobusnoma"da esa quyidagi misralar orqali Kaykovusning badiiy mahoratini sezish mumkin: "Sovuq so'zlik bo'lmagil, sovuq so'z bir tuxumdur, undin dushmanlik hosil bo'lur" [6,53]. Kaykovus yomon so'zni sovuq so'z deb ataydi.

Yuqoridagi misralardagi o'xshashlik shundaki, til haqidagi fikrlar uyg'unligini sezish qiyin emas. Yusuf Xos Hojib yomon so'zlagan kishi qadrsiz kishiga, Ahmad Yugnakiy yomon so'zni dushmanga, Kaykovus esa yomon so'zni sovuq so'zga o'xshatadi. Bu uchala ijodkorning badiiy mahoratining o'ziga xosligidir.

"Qutadg'u bilig" asarida:

Мэни эмгатур тил эди эг тэлим,
Башым кэсмесуни кэсэйин тилим.

(*Mazmuni: Til meni juda ko'p kulfatlarga soladi, u boshimni kesmasin, men tilimni kesayin*).

"Til" so'zining takrori radd ul hashf ulal ajuz va (kesmoq va kesmasin) so'zlari tazod san'atini yuzaga keltirgan. Bundan tashqari bu misralarda "Tiling boshingni yeydi" maqoli ham yashirin ifodalanadi. "Qutadg'u bilig"dagi maqollarning qo'llanishini A.Valitova ham birinchilardan bo'lib ko'rsatib bergan edi [2,85]. Bu borada B.To'xliyevning kuzatishlari ham ancha batafsilligi bilan e'tiborga molik. Olim dastlab asardagi irsoli masal san'atining o'rni va ahamiyati haqida mulohazalar bildirgan bo'lsa [9,15], keyinroq maqollarning asar poetikasidagi o'rni haqida [10,45] ancha batafsil to'xtab o'tgan edi.

"Hibat ul haqoyiq" asarida:

ADABIYOTSHUNOSLIK

“Хирадликму бўлур тили буш киши,
Тэлим бошни еди, бу тил сўз буши”. [5,47]

(Mazmuni: Aqlli sanalmas tili bo 'sh kishi, ko 'p boshlar ketdi-bu bo 'sh tilning ishi).

Adib bu misralarda “tili bo'sh kishi boshiga balo keltirishini ta'kidlab, “til” va “bosh” so'zlari orqali tanosib san'atini, “til” so'zining takrori orqali esa radd ul hashv ulal hashv san'atini qo'llagan.

Ўчуктурма эрни тилин бил бу тил,
Бошоқ турса бутмас бутар ўк боши.

(Mazmuni: Kishi tilini top, o 'chakishtirma, o 'q yarasi bitar, bitmas til nishi).

Bu misralarda “tig' yarasi bitadi, ammo til yarasi bitmaydi” degan xalq maqolini uchratish mumkin, “til” va “bosh” so'zlari tanosib san'atini yuzaga keltirgan.

“Qobusnoma”da esa: “Ko'p bilib oz so'zlag'il va kam bilib, ko'p so'z demag'il” [6,53]. Kaykovus qarama-qarshi so'zlarni qo'llash orqali ushbu pandni kitobxonga yetkaza olgan. Ijodkor xalq maqolidan unumli foydalanganini ko'rish mumkin.

“Qutadg'u bilig”da “Tiling boshingni yeydi”, “Hibat ul haqoyiq”da “O'q yarasi bitar, bitmas til nishi”, “Qobusnoma”da esa “Ko'p bilgan oz so'zlaydi” maqollaridan mohirona foydalanilgan.

Arab she'riyatida maqol va she'r munosabatini o'rgangan olimlarning yozishlaricha, ularda arab she'rining yuzaga kelishi va rivojlanishi uchun maqol katta ta'sir ko'rsatgan. Vazn va qofiya ham bevosita maqoldan o'zlashtirilgan” [11,91].

Darhaqiqat, ushbu fikrlarga tayanib, maqollarda xotiraga oson o'rnashadigan ramz va majozlar uchraydiki, bu xususiyat yuqoridagi asarlarning uchlasida ham kuzatish mumkin. Shuni ta'kidlash kerakki, Muhammad Ko'pruluning bayon qilishicha, “Hibat ul haqoyiq”da xalq adabiyotining ta'siri “Qutadg'u bilig”ga qaraganda juda kuchli va yorqin bir tarzda ko'zga tashlanadi” [12,178]. Biz ham ushbu fikrga qo'shilgan holda, maqollarni qo'llash har bir ijodkorda o'ziga xoslikda berilganini ta'kidlab o'tishni o'rinli deb bildik.

G.Xo'janova o'z tadqiqotida Ahmad Yugnakiyning “Hibat ul haqoyiq” asaridagidagi “O'q yarasi bitar, bitmas til nishi” maqolini Yusuf Xos Hojibning “Qutadg'u bilig” asaridagi “Urub berka boshi buter tark so'nar, Tilin so'ksa bitmas achchig'i yilin”[4,67] **(Mazmuni: Tayoq zarbasining izi tez ketar, til zarbining izi uzoq qolajak)** maqoli bilan qiyoslab o'xshashliklarni aytib o'tadi va Ahmad Yugnakiyning maqol qo'llashi Yusuf Xos Hojibga qaraganda yorqinroq, deb ta'kidlaydi [13,94]. Shuni ta'kidlash kerakki, G.Xo'janova Muhammad Ko'prilizodaning fikrini to'ldiradi. Biz esa ushbu fikrlarga qo'shilgan holda, Ahmad Yugnakiyning “Hibat ul haqoyiq” asaridagi “O'q yarasi bitar, bitmas til nishi” maqolini Yusuf Xos Hojibning “Qutadg'u bilig” asaridagi

Мэни эмгатур тил эди эг тэлим,
Башым кэсмесуни кэсэйин тилим.

(Mazmuni: Til meni juda ko'p kulfatlarga soladi, u boshimni kesmasin, men tilimni kesayin) misralarda “Tiling boshingni yeydi” maqoliga yashirin ishora qilinganligini ko'rish mumkinligini ta'kidlash zarur (ta'kid – D.Zaripova).

Sharq mumtoz she'riyatida maqolning she'rga kirib kelishida poetika ilmida belgilangan irsoli masal san'atining xizmati ham juda katta bo'lgan” [7,59]. “Qutadg'u bilig” va “Hibat ul haqoyiq” asaridagi irsoli masal san'atiga mansub baytlar mazkur fikrlarning to'g'riligini isbotlovchi asosiy dalillardandir.

“Hibat ul haqoyiq”da irsoli masal usulida bitilgan baytlarning soni ko'p emas, biroq mavjudlarining o'zi ham xalq donoligining haqiqiy namunasi bo'lganligini, Yugnakiy maqol va matallarni nihoyatda yaxshi bilib, ulardan mahorat bilan foydalana olganligini namoyish etib turibdi. O'z o'rnida, ishlatilgan maqollar she'rning ma'no kuchuni oshirish bilan bir qatorda, shoirning xalq og'zaki ijodi bilan yaqinligi va mahorati to'g'risida ham mulohaza bildirishga imkon bergan.

Uchala asar ham o'z zamoniga nisbatan xalqchil fikrlarni targ'ib qilib, jamiyat hayotini yaxshilash uchun intilganini namoyish etganini ko'rish mumkin. Bu uchala asarda ham o'z davriga nisbatan xalqchilik butun asar bo'ylab chizilgan. Hatto til odobi haqidagi pand-nasihatlarida ham xalq manfaati ko'zda tutilgan holda muhokama yuritiladi, xalq manfaatini unutmazlik haqida fikr

yuritiladi. Bu, albatta, uchala asar ham zamon ehtiyoji tufayli adabiyot maydoniga kelgan edi.

ADABIYOTLAR

1. *Арабско-русский словарь, Составитель Х.К. Баранов. Издание четвертое, в двух книгах. 1.1970, стр.369.*
2. Валитова А. «К вопросу о фольклорных в поэме «Кутадгу билиг». // *Ж.Советское востоковедение, 1958, №5.*
3. Abdullayev X.D. *Xalq maqollarining "Qutadg'u bilig" poetikasidagi o'rmi va badiiy-estetik funksiyalari. Diss: 2006, 22-bet.*
4. Yusuf Xos Hojib. "Qutadg'u bilig" (Nashrga tayyorlovchi: Q.Karimov). – T.: "Fan" nashriyoti, 1971.
5. Ahmad Yugnakiy. *Hibat ul haqoyiq*. – T.: "Sharq" nashriyoti, 2013.
6. Kaykovus.Qobusnoma. – T.: "O'qituvchi" nashriyoti, 2011.
7. Hojiahmedov A. *Mumtoz badiiyat malohati. Sharq nashriyot -matbaa konserni Bosh tahririyati. 1999, 85-bet.*
8. Karimov Q. *Ilk badiiy doston*. – T.: Fan, 1976.
9. To'xliyev B. *Irsol ul masal*. // *Adabiy manbashunoslik, 1987.*
10. To'xliyev B. *Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asari va turkiy folklor (Motivlar.Obrazlar sistemasi. Tasvir prinsiplari). Fil.fan.dok.diss. – T.: O'zFA Til va adabiyot instituti, 1991.*
11. Talabov E. *Maqol arab she'rining volidi. "Sharq mash'ali" jurnali, 1998, 3-4-sonlar.*
12. *Turk adabiyoti tarixi, 1978.*
13. Xo'janova G. "Hibat ul haqoyiq" haqiqatlari. *G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti. – T., 1999.*

УДК: 894.375

XX АСР ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА АЁЛ ОБРАЗИ

ЖЕНСКИЙ ПЕРСОНАЖ В УЗБЕКСКИХ РОМАНАХ XX ВЕКА

FEMALE IMAGE IN UZBEK NOVELS OF THE XX CENTURY

Ўразбоева Маҳбуба Қадамбоевна
ЎзРФА ЎзТАФИ таянч докторанти

Аннотация. Мақолада XX аср ўзбек адабиётида яратилган романларда бўй кўрсатган турфа хил типдаги аёллар образининг характер хусусиятларига қисқача назар ташланади. Адабиётда турфа хил типдаги аёл образининг ифодаланишидаги тарихий шароит, ижтимоий-сиёсий қарашларнинг ёзувчи ижодига таъсири, унинг романлар воқелигида бадий ифодаланишига оид фикрлар билдирилади. Шу билан бирга, адабий этикага риоя қилган ҳолда адабиётшунос олимларимизнинг аёл характерини ёритишидаги тадқиқотларига ҳам муносабат билдириб ўтилган.

Таянч сўзлар: аёл, аёл образи, давр руҳи, давр иллатлари, алданган аёл, турмуш ўртоқ, қаҳрамон аёл, она.

Аннотация. В статье дается краткий обзор черт характера женщин разных типов, фигурирующих в романах узбекской литературы XX века. В литературе выражаются исторические предпосылки, влияние социально-политических взглядов на творчество писателя, его художественное воплощение в реалиях романов. В то же время, придерживаясь литературной этики, литературоведы обратили внимание и на исследования наших ученых в освещении женского характера.

Ключевые слова: женщина, женский образ, дух времени, государственные иллюзии, обманутая женщина, супруга, героиня, мать.

Abstract. The article gives a brief overview of the character traits of woman images of various types, appearing in novels of 20th century Uzbek literature. In the literature, opinions are expressed about the historical conditions in the expression of the image of a woman of a different type, the impact of socio-political views on the writer's creativity, his artistic expression in the case of novels. At the same time, in compliance with literary ethics, the attitude of our literary scholars to their research on the coverage of the female character was also expressed.

Key words: *female, female image, periodic spirit, state illusions, deceived woman, spouse, heroine, mother.*

XX аср ўзбек адабиёти адабиёт тарихида янги даврни бошлаб бериши билан аҳамиятлидир. Бу даврда ёзувчи ва шоирларимиз бир томондан мумтоз адабиётимиз чарчашмаларидан баҳраманд бўлган бўлса, бошқа томондан жаҳон адабиётидан ўрганиш ҳам ижодларида янги бадий тафаккур тарзини шакллантиришга асос яратди. Шу боис аср бошида халқ дардини куйлаб қалам тебратган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек асарларида ҳам мумтоз адабиёт анъаналарини, ҳам жаҳон адабиётига хос эстетик тамойилларни кузатиш мумкин. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романлари қахрамонлари талқинида, хусусан, аёллар руҳиятини тасвирлашда шундай новаторлик кўзга ташланади. 20-30 йилларда яратилган романларда аёллар севги ва муҳаббатни тараннум этувчи севикли ёр, ўз даврига хос қахрамон аёл, чиркин давр иллатларини ёриб чиқа олмай, фарзанд доғида қовурилган оналар тимсолида намоён бўлди.

Ўзбек адабиётининг тўнғич романи “Ўткан кунлар”да китобхонлар қалбини забт эта олган, шодлигу қайғусига шерик қилиб, кези келганда йиғлатган Кумушбиби адабиётимизда идеал аёл образига айланди. Адабиётшуносликда Қодирий яратган бошқа қахрамонлар қатори Кумуш, Раъно образлари кенг ўрганилган [5,6,8,12]. “Кумушбиби – чин инсоний муҳаббат эгаси, шу билан баробар, у ташқи кўринишда ҳам, ўзининг нафис ҳаракат ва қилиқлари билан ҳам ўша давр Шарқ қизлари ичида гўзалликнинг намунаси бўларликдир” [12,38]. Қодирий иккинчи йирик асариди Шарқ қизининг гўзаллиги тасвирида Шарқ онаси Тўмарисдан андоза олди. Биз шу ўринда Тўмарис ва Раъно образларида муайян ўхшашлик кўрамиз. Икки қахрамон ҳам жасорат тимсоли. Тўмарис юртини золим босқинчилардан ҳимоя қилса, Раъно золимлар – хон муҳитини ёриб чиққан қахрамон.

Адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов “Раъно жасоратининг сирлари” [12,86-88]ни тафтиш қилиб, “Тулларнинг раъноси” [6,-45] атрофида жасоратдан сабоқ оладиган бирор киши йўқлигини таъкидлайди. Адабиётшунос Раънонинг жасорат белгиларини ижтимоий муҳит билан боғлайди. Раъно Зебига нисбатан эркинроқ. Раъно раъно гулидан андоза олгандек гўзал, етарлича билимга эга “кичик отин”, шоира, болалик одатларини ташлаётганида бир чимдим кўлида “олиб қолган”, уйда бўлаётган воқеаларга фаол муносабат билдира оладиган (ҳарҳолда суйунчига келган йигитга адрас тўн “кийдирди”) қиз.

Чўлпон яратган Зебинисо ҳаёти мингбошию эшонларнинг даври давраида ҳуқуқсизлантирилган, хўрланган, орзу-умидлари саробга айланган қизлар қисматидан лавҳалардир. “Қодирий гўзалликдан гўзаллик қидиради. Чўлпон ҳаёт фожиаларидан ҳам гўзаллик топган” [5,128]. Қодирий Солиҳ маҳдумдек ҳасис – рўзғордаги ҳар бир нарсани назорати остида сақлайдиган боғ хонадониди “Раъно гул”ни яратган бўлса, “аёл кишидек паст бир маҳлук” олиди сўзга ҳам ҳасис Раззоқ сўфининг Зебонаси бор. Муаллиф асар бошида “...ҳали эндигина ўн бешга қадам қўйган бу ёш қизнинг гўдак кўнглиги унчалик чўчитмас эди” [13,4].

Ёзувчининг кўнглига нисбатан ишлатган “гўдак” таърифини Зебининг характер-хусусиятига ҳам қўллаш мумкин. У эндигина ўн беш ёшни қарши олиб, қалбида ширин туйғулар куртак ёзаётган бир пайтда замона зўровонлари томонидан “бўғиб ўлдирилди”. Асар якунида ҳам гўдак Зеби суд залида ҳам нима бўлаётганини, ўз қисмати қай томонга қараб кетаётганини тушуниб етмайди. Мана унинг суддаги нутқи: Ўй-ў-қ!.. Ўлибманми ўз эримни ўлдириб [13,259].

Муаллиф Зеби нутқини қуюқлаштириб, ҳолатини изоҳлар экан: “Унинг бу сўнги жавобида қиз боланинг ўз ўртоғига ўзини оқлаб гапирадиган содда гапларидаги гуноҳсиз оҳанг бор эди: “Вой ўла қолинг! Мен шунақа дермидим?” [13,259]. Х.Лутфиддинова номзодлик ишида Зеби образи ҳақида мулоҳаза юритар экан, ёзувчи унинг овозига нисбат бериб, ўша пайтда халқ орасида танилиб улгурган Ҳ.Носированинг прототиби бўлиши мумкинлигини тахмин қилади. Олима Зеби ёзувчининг идеал образи, деб фикр билдирса,

Д.Куронов “Чўлпон насри поэтикаси”да Лутфиддинованинг Зеби – адибнинг идеалидаги қахрамон” деган фикрлари бирмунча янглишлигини таъкидлайди.

Бунок қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ҳамда қозоқ шоири Мухтор Шахонов билан суҳбатлари натижаси ўлароқ, дунёга келган “Чўққида қолган овчининг охи-зори” китобида М.Шахонов машҳур ёзувчи Ғабит Мусрепов билан бўлган воқеани хотирлайди. Қозоғистоннинг Семипалатинск вилояти комсомол котиби Шубартов туманида икки мингдан ортиқ ўқувчининг ярмидан кўпи қизлар эканини, улар ёппасига чорвачилик соҳасига сафарбар қилинганини айтади. Бу сўзларни эшитган Ғабит ота: “Жамиятимизнинг асосий камчилиги шундан иборатки, биз эркакларнинг вазифаларини ҳам аёллар зиммасига юклаб қўйдик” [1,380], – деб қошларини чимиради.

Таъкидлаш жоизки, уруш даври ва урушдан кейинги йиллар, то мустақилликкача бўлган даврда ўзбек адабиётининг барча жанрларида аёл образининг кўплаб намуналари яратилди. Урушнинг даҳшатли йилларида, урушдан кейинги тикланиш йилларида ҳам аёлларимиз кўпга келган тўй қабилида энг шимариб, далаларда кетмон чопиб, баҳайбат тракторлар рулини бошқариб, далаларни суғориб, барча оғир юмушларни ўз зиммаларига олган меҳнаткаш аёл тимсолида яратила бошланди. Оғир йилларда аёллар елкасига ташланган бу юк то мустақилликкача бўлган аёлларимиз ҳаётининг бир бўлагига мустаҳкам ўрнашиб олган эди. Аёлларга хос нафислигу назокат ўрни дала ишларига мослашиб бўлган бакироқ, мой юкли сергўшт, меҳнатда тобланган, совуқдан тарс-тарс ёрилган йўғон қўллар ва бармоқлар, қаҳратон қишнинг совуғидан, жазирама ёзнинг иссиғидан тарашадай қотган юзлар тасвирлана бошланди.

Дарҳақиқат, шўро даври адабиётида ижтимоийлашган аёллар образи тасвири етакчилик қила бошлади. Буни биз Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романи мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Романда катта бир давр – урушдан олдинги, иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йиллар ҳаётини қамраб олади. Ўн етти ёшида ўсма эзиб қошига сурган, ерга тегай деган сочларини чамбарак қилиб бир том остида умргузаролик қилган “ака”си Кимсанга кўнгил қўйган, “маълум оши”да ҳам бахтдан севинган, ҳам уялган, “К” ва “Р” деган ҳарфлар билан қийиқчага кашта қадаган Робия уруш йилларида колхозда тракторчига айланади. “Кўряпсизми, трактор менинг измимга бўйсуниб, хоҳлаган томонимга юряпти. Эшитяпсизми, Кимсан ака, тракторимнинг овозини эшитяпсизми?” [14,192].

Биринчи маротаба ёлғиз ўзи трактор бошқараётган қизнинг ҳаяжони бизни ўйга толдиради. Ажабо, халқ дostonларида от жilовини ушлаб қилич ўйнатган қўллар ўрнини баҳайбат тракторларни бошқараётган лампамой юкли қўллар эгаллади. Робия энди уловининг моторни қайтадан ўт олдиришга қийналмайдиган (бир маротаба ўт олдираман деб, трактор тепиб, бир ой касал бўлиб ётган), плугларини текшириб “касал” жойини тўғрилайдиган механик. “Кичкинтой Музаффар ўн тўрт ёшга тўлган куни 2-3 йил аввал МТС ёпилди, онам у ердан бўшаб, колхозга ишга кирди”, дея хотирлашидан Робиянинг ўн беш йилга яқин умри трактор устида ўтганидан далолат беради. “Тонготар уйкуси қанчалик ширин бўлишини кечаси билан мижа қоқмаган одам билади. Ҳаммасига чидайсиз-у олисда – тоғлар ортида осмон бўзара бошлаганда, шунақанги уйку босадик, дунёдаги ҳамма нарсани унутиб, захкаш тупрокка таппа ташлаб ётиб олгингиз келади [14,293].

“Э воҳ. Бу қандай орзуки, зах тупрокда бир дам ором олишни орзу қилса. Бу қандай бурилишки, “...қора зулфи пар ёстиқнинг турлик томониға тартибсиз суратда тўзғиб... кўрпани қайириб ушлаган оқ нозик қўллар” [9,31] ила қора холини қашиб уйғонган малаклар энди тонгни далада қаршиласа. Кўринадики, халқ ҳаётида чуқур жароҳатлар қолдириб, изма-из қувлаб ўтаётган уруш йилларининг кечаю кундузи аёлларнинг оғир меҳнати билан ўтмоқда. Мана Робия ҳаёлларига эътибор беринг: “Билмаган одам тракторнинг тариллаши уйкуни бузади, деб ўйлайди. Унақамас, аксинча, тракторнинг овози аллалайди: бултурдан қолган марзалар устидан силкина-силкина ўрмалаётган трактор бешиқдек тебранади” [14,293].

Роман қаҳрамонларидан бири Башорат тилидан чиққан бу нидо чиндан-да аламли: “МТСда битта эркак бор. Ўша эркак – менман! – деди алам билан. – Кўчага чиқсам эркакман,

уйга кирсам хотинман” [14,191]. Ажабо, бу йилларда аёллар икки хил вазифани бажаришган. Эркаклардек трактор хайдаб, ер шудгор қилиш, бузилган тракторларни созлаш, тун қоронғусида ҳам ерларни хайдаб, эрталаб уйга қайтган, оқ ва майин кўллар ўрнини ёрилган, йўғон кўллар, эркакларга хос характерни эгаллаган аёллар пайдо бўлди. “Башорат совуқдан торс-торс ёрилган кўлини сандалга муштлади” [14,191].

Бу давр адабиётида аёллар образи ранг-баранг қиёфаларда гавдаланди. Романларда алданган, хўрланган, ожиза, хиёнаткор, тадбирли, бирор касбнинг бошини тутган, қатъиятли, ўз сўзига эга аёллар образи ҳам яратила бошланди. П.Қодировнинг “Қора кўзлар”, “Олмос камар”, А.Мухторнинг “Чинор”, Шухратнинг “Олтин зангламас”, О.Ёкубовнинг “Эр бошига иш тушса...”, “Диёнат” каби романларида ҳам аёллар образининг ижтимоий-маънавий қиёфаси реалистик йўсинда тасвирлана бошлади.

П.Қодировнинг “Олмос камар” романида Вазира 60-70 йилларда Тошкентдаги замонавий турмуш кечираётган оила бекаси сифатида талқин қилинган. Асар бош қахрамонлари Аброр ва Вазира бир-бирига кўнгили кўйган ошиқ ва машуқа эмас, севиб ва севилиб тақдирларини боғлаган, қирқ ёшни оралаб кўйиб, ҳаётнинг анча-мунча паст-баландини босиб ўтган ота-она. Вазира турмушнинг “мушт”дек қаттиқ зарбаларини енгилда Аброрга елкадош турмуш ўрток, фарзандлари – Малика ва Зафар тақдирини ўйлаб жон койитувчи она, азим Тошкентни гўзал шаҳарга айлантиришга бел боғлаган, келгуси режалари хусусида Аброр билан тортишиб баҳслашадиган касбдош – архитектор. Ёзувчида жуфтликни бир-бирига мос суянч, бирининг табиатида бор камчиликларни иккинчи характер эгаси тўлдирувчи, “олдинги авлоднинг ҳам, кейинги авлоднинг ҳам бутун оғирлигини” [10,146] тортишда таянч бўлишини хоҳлайди.

Муаллиф хоҳиши асарда бот-бот гоҳ Вазира, гоҳ Аброр ўй-хаёллари, хатти-харакатлари ёки адибнинг воқеаларга муносабат билдиришида: “Аброр ҳам оғир пайтда суянадиган ва кўнглини очиб гапирадиган Вазирадан яқин сирдоши йўқлигини бугун гўё янгитдан сизди. У Вазира билан дардлашгиси, кўнглининг чигилини унга айтиб ёзгиси келди...”[10,146] каби руҳий ҳолатларни учратамиз. Вазиранинг қайнонаси Ханифа хола нигоҳи билан қараганда ўғли ва келинининг “юлдузи юлдузига тўғри келган”. Мана китоб жавони устидан жой олган Вазиранинг портретини ўғли Аброр чизган бўлса, деворнинг иккинчи томонида турган Аброр суратини келини Вазира мўйқалам билан қоғозга туширган. Бўзсувнинг тарихий ўзанини сақлаб қолишда Наби Садриевичнинг топган ечими фикримизни тўлдиради. “Аброр Аъзамовичнинг айтгани ҳам бўлар экан, Вазира Бадаловнанинг айтгани ҳам бўлар экан! Бу жуда доно ечим!” [10,338] бўлиши Вазира ҳақидаги фикримизни яна бир бор исботлайди.

Мустақиллик йилларида яратилган романларда ҳам шўро даври “меҳнат қахрамон”лари бўлган аёллар образи фожиавий қахрамон сифатида бўй кўрсата бошлади. Шу жиҳатдан Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар”, Саид Аҳмаднинг “Жимжитлик” романи характерлидир. Совет даврининг “меҳнат қахрамони” Дехқонқул билан пахта далаларида умрини ўтказган “Аёлимиз” юзлаб аёлларнинг умумлашма образидир. Романда кун чиқмасдан то қош қорайгунча меҳнат қилиб, эгнига бир маротаба жухуди атлас киймаган, фарзандлар дунёга келтириб, уларни тўйиб эркалашга вақт топа олмаган, чақалоғига бир кўлида кўкрак тутиб бир кўлида пахта терган, кечаси алла айтишга-да улгурмасдан бешик устида пиш-пишлаб ухлаган, ярим тунда лой пишириб девор кўтарган, саҳаргача нон ёпган суксурдай аёлимизнинг хазон бўлиб, азоб-уқубатларга дош бера олмасдан, ўзини ёқиб юборишга ундаган омиллар маромига етказиб тасвирланган. Зеро, ўз даврининг дардини куйлаётган ёзувчи юзлаб аёлларнинг умрига якун ясаган “ёнғин”ларни аёлимиз билан кўрсатишни мақсад қилган эди.

Саид Аҳмаднинг “Жимжитлик”ида гўзаллиги ва тутқич бермас ҳаракатлари билан тоғ жайронларига тенглаштирилган Жайронанинг асл портрети Мирвали тилидан чизилади:

“ – Онангиз сизни кийик кўзларига қараб туриб тукқанларми, дейман. Отингиз ҳам Жайрона, кўзларингиз ҳам, қоматингиз ҳам, юришларингиз ҳам жайроннинг ўзи” [2,79]. “Олтин юлдуз” соҳибининг қизга бу оҳангда гапиришини кийикни силаб, қўлган ўргатишга

чоғланган овчига қиёслаш мумкин. Жайрона икки хил кўринишда тасвирланади. Дастлаб чет эллик делегацияларга ўз юртида бошчилик қилган, Япония, Лондон, Франция, Мадрид каби мамлакатларга сафарлари натижаси ўларок, европалликлар характерини олган жаҳонгашта киз. Унга тортинчоқ, ийманиш ёт, бегона. Қиз табиатида хушчақчақликни, очикликни илғаган китобхонга Жайронанинг шол рўмол билан белидан пастини силкитиб ўйнагани, Мирвалининг маринка – ойбаликни тутолмаганида тутолмадингиз, тутолмадингиз деб қарсақ чалиши эриш туюлмади. Республиканинг энг атоқли, кескир, кўли узун кишиси – Мирвалини доғда қолдирадиган. Мирвалининг тоғ қафасида кўз-ёш қилиб, тақдирга тан бермай, қочиб қутулиш йўллари излайди. Алал оқибат қочиб қутулади.

Шуни ҳам айтиш керакки, қиз ҳаётини тезкорлик билан чақирилган қудга чақирғи қутқариб қолди. Чунки Мирвали зарур иш билан чиқиб келиб, эрталаб қайтиб келмаганда, Жайрона тақдир Седона билан ўхшаш бўларди. Седона – алданган аёл. Романда Жайрона муаллиф томонидан бўртиб кўрсатилган. Ғорли меҳмонхонадаги хатти-ҳаракатлари, Мирвали ва генерал Лукмоновнинг сирлари фош бўлишида кўрсатган жонбозликлари... Ёзувчи аёлни авайлаб асрайди. Чунки колхоздаги профилакторияда ишлайдиган Седона воқеасида ҳеч қандай хабар келмайди. Жайрона характерининг иккинчи бир кўриниши Толибжон линияси билан боғлиқ. У қирқ ёшида кимнидир қидирган, кимнидир қутган... аёл. “Жайрона ундан шунақаям бир чиройли илтимос қилардики, эркаланиб, тантиқланиб, кўзларини сузиб сўрарди. Атайин шунақа қилаётгани йўқ эди. Табиий, ўз-ўзидан шунақа бўлаётганини билмасди” [2,233]. Қиз қалбининг нозик туйғулари Толибжон қаршисида бош кўтараётган эди. Бахтга, муҳаббатга ташна аёл. Излаган инсони билан тақдирини боғлаб, келинчак дунёсига кириш, унга фарзанд ҳада қилиб, оналик завқини туймоқ истади.

Табиатидаги энгилтаклик сабаб хиёнат кўчасини танлаган Бодомгул ва “Икки эшик ораси” романидаги Раъно бир-бирига жуда яқин образлар. Тўғри Раъно Бодомгулга нисбатан мураккаброқ ва мукамалроқ яратилган. Илк хиёнатдан кейин ички қарама-қарши туйғулар жанги, хиёнатининг дастлабки кунларида қилган ишидан афсусланиб йиғлаш, уялиш, ҳадиксираш ҳолларини кузатамиз. Мана унинг “Раъно ҳикояси”даги ҳолати: “– Бу нима деганингиз? – дедим қалтираб, рангим ўчиб кетганини ўзим сезиб турар, ҳамма хотинлар мени мазах қилаётгандек, кўзимни қаёққа яширишни билмас эдим” [14,217]. “Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади” деганларидек ўз-ўзини фош этмоқда. Назарида ҳамма унинг хиёнатидан хабардордек. Вақт ўтгани сайин Умар закунчи билан алоқаларидан уялмайдиган, мағрурланадиган бўла бошлайди. Чунки бутун колхозда одамлар бошида камчи ўйнатган раис унинг оёқларини қучиб ялинса... Шомурод урушдан бир оёғидан ажралиб келганидан кейин ҳаммаси жойига тушгандек туюлади. Лекин хиёнаткор аёл сирини яшириб, бир умр яшолмайди. Қачондир ошкор бўлиши табиий.

Муаллиф Раънони ўз қилмиши билан очади. Тасодифни қарангки, Шомуроднинг буғдой ўраётган ўроғи синди. “Демак, тасодиф заруриятнинг юзага чиқиши учун шакл вазифасини ўтар экан” [3,87]. Раънонинг хиёнатини ошкор қилиш пайти келди. Тасодиф туфайли Умар закунчи колхозга келади. Тасодифан Раънони Алвасти кўприк томонларда учратади. Тасодифан Шомуроднинг ўроғи синиб, уйига боришга мажбурият сезади. Шу тарих барча сирлар очилди. Бодомгул характеридан мудраб ётган энгиллик лоп этиб пайдо бўлади-ю, Мирвалининг иши осон битади. Қилмишларидан зиғирча ҳам уялмайди. Барча хиёнатларининг гувоҳи бўлиб – Мирвали Бодомгулнинг келинлик уйида тунаб қолганида – ўз хонасида набираси Азизбекни бағрига босиб, юм-юм йиғлаётган қайнона насихатига парво қилмайди. Мирвали олиб берган уйга кетганидан кейин ҳам ойлаб айш-ишратга берилиб, фарзандини ҳам унутади. Раъно, Бодомгул жонидан азиз кўрган турмуш ўртоқлари – Шомурод, Равшанбек юзига оёқ қўйган, Умар закунчи ва Мирвалига ўхшаганларга вақтини чоғ ўтказишга керакли бир “ўйинчоқ” эканлигини кеч тушуниб етган аёллар қисматидир.

Хулоса қилиб айтганда, мустақилликгача бўлган даврда ўзбек адабиётида аёллар образининг турфа хил қиёфаларда гавдаланиши адибларимиз давр руҳини бор ҳолича ҳис қилганликларидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Айтматов Ч, Шохонов М. Чўққида қолган овчининг охи-зори. - Т.: "SHARQ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 1998. – 580 б.
2. Аҳмад С. Жимжитлик. – Т.: O'ZBEKISTON, 2011. – 277 б.
3. Ёрматов И. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадияти. Филол... фан... доктори иши... дисс. – Т., 1994. – 260 б.
4. Лутфиддинова Х. Зеби Зебона. – Т., 1993. – 38 б.
5. Лутфиддинова Х. Ёзувчининг эстетик идеал ива аёллар образи: филол. фанлари... номз... дисс. – Т., 1994. – 146 б.
6. Лутфиддинова Х. Гулларнинг раъноси. – Т.: O'ZBEKISTON, 1997. – 45 б.
7. Мурод Т. Отамдан қолган далалар. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 359 б.
8. Норматов У. "Ўткан кунлар" ҳайрати.
9. Қодирий А. Ўткан кунлар. – Т., 2018. – 451 б.
10. Қодиров П. Олмос камар. Роман. – Т.: "Адабиёт ва санъат нашироти", 1983. – 146 б.
11. Қурононов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Т., 2004. – 124 бет.
12. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Т., 1994. – 137 б.
13. Чўлпон. Кеча ва кундуз. – Т.: Академнашр, 2012. – 214 б.
14. Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. – Т.: MERIYUS, 2011. – 192 б.

УДК: 891.709: 891.7-1.

ҲОЖИ МУҲАММАД ШАҲДИЙ ИЖОДИДАН БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИ

ГАЗЕЛЬНЫЙ КОММЕНТАРИЙ ИЗ РАБОТЫ ХАДЖИ МУХАММЕДА ШАХДИ

A GHAZAL COMMENTARY FROM HAJI MUHAMMAD SHAHDI'S WORK

Жамаҳматов Каромиддин Айнилло ўгли
СамДУ таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада Ҳожи Муҳаммад Шаҳдий девонининг қўлёзма нусхасида “Хуми ваҳдат ба -ўи омад, зи ҳар майхонаи дилҳо”, яъни (Ваҳдат кўзасидаги шароб ҳар бир кўнгил майхонасида қайнади) мисра билан бошланадиган бир ғазалнинг шарҳи, мумтоз шарқ адабий мероси билан боғлиқлиги, Ҳофиз ғазали билан ҳамоҳанглиги, шоирнинг бадиий тафаккур ва ирфоний гўзаллик маҳорати ҳақида баҳс юритилади.

Таянч сўзлар: Язид ибни Муовия, Румий, Амир Хусрави Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Вазехий, Муҳаммад Шариф Ҳисроий, ваҳдат, майхона, соқий, бисмил, тавҳид, лирика, муқаллид, тазмин.

Аннотация. В данной статье идёт полемика об одной рукописной газели дивана Хаджи Мухаммеда Шахди, которая начинается со строкой “Хуми вахдат ба жуши омад, зи хар майхонаи дилхо” то ест, (Вино кувшина единого кипит из питейного дома), где прослеживается связь с классическим восточным литературным наследием, созвучным с газелями Хафиза, а также говорится о художественном мышлении и нравственной красоте мастерства поэта.

Ключевые слова: Язид ибни Муавия, Руми, Амир Хусрави Дехлави, Хафиз Шерози, Вазехи, Мухаммед Шариф Хисрои, вахдат, (единий) Питейное место, кравчий, Бар (Маухона), Бармен (Soqiy), Бисмилла, тавхид, (единебоже), Мухаммад, лирика, мастер, эпиграф (тазмин)

Abstract. The article discusses commentary of the ghazal in the handwritten manuscript of Haji Muhammad Shahdi starting with “Хуми Вахдат ба жуши омад, зи хар майхонаи дилхо” (The wine of Vakhdat boils out from every deep inch of hearts), its connection with the classical Oriental literary heritage, its harmony with the ghazals of Hafiz and the poet's artistic thinking and moral beauty of his skills.

Key words: Yazid ibni Muawiya, Rumi, Amir Khusravi Dehlavii, Hafiz Sherozi, Vazehi, Muhammad Sharif Xisroi, Wahdat, unity, pub(mayxona), barman (soqiy), bismill, tawheed, lyrics, the master, epigraph (tazmin).

Кириш. “Маълумки, жаҳондаги айтарли ҳар бир халқ, эл ва миллатнинг ўзига хос феъл-атвор, асосий фазилатини ифодалайдиган сўз, истилоҳ ва тимсоллар бўлади...” [14,3], – дейди тасаввуфшунос олим Иброҳим Ҳаққул. Шу сингари ҳар бир миллатнинг бир нечта улғу фарзандлари бўладики, улар бир миллатнинг фарзанди бўлса ҳам, бошқа миллатларга ибрат кўзгусига айланади. Шарқ мумтоз адабиёти даҳолари ана шундай миллат фарзандлари ҳисобланиб, улкан адабий ва илмий мероси орқали бутун дунё халқларининг порлоқ сиймосига айландилар. Агар форс-тожик адабиёти шоҳсупасида юксак адабий иқтидор соҳиблари – Рудакий, Фирдавсий, Санойи, Аттот, Румий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Камол, Бедиллар бўлса, ўзбек мумтоз адабиёт шоҳсупасида Лутфий, Навоий, Бобур, Фузулий, Машраб, Огаҳий, Сўфи Аллоҳёрлар турадилар.

Асосий қисм. Адабиётда шоирлар бир-бирига ижодкор сифатида суяниб, ўз қарашлари, ҳаётини кечинмалари, замона таассуротлари ва индивидуал характерларини турли хил жанрларда ифодалаб, ижодий услубини барпо қилади. Барча мумтоз Шарқ шоирлари Қуръон ва суннатга суяниб, гўзал ижод намуналарини иншо қилган. Уларнинг ҳикматомуз ва ирфоний қарашларга бой сўзлари ҳам, инсонлар ҳаётини ўзгартиришга катта аҳамиятга молик бўлган. XVIII асрнинг шоирлари ижодининг маъно-мазмун, оҳанг ва ифодадорлиги мумтоз Шарқ шоирлар ижодидан таъсирланганлиги яққол кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан тазмин ва татаббуъ санъати асосида шоирлар бир-бирига эргашади. Маъно-мазмун, бадиий тафаккур, ҳиссий кечинмалар ва шеър таъсирчанлиги эса бир хил бўлмаслиги ҳаммамизга аён.

Адабиётшунос олим Ҳотам Умиров айтганидек: “Ҳаётда бир-бирига айнан ўхшайдиган одам, барг, қор учқуни бўлмаганидек, хислатлар ҳам, фазилатлар ҳам бетакрор экан, бадиий образлар олами ҳам худди ҳаёт каби турфа хилдир...” [11,31]. Мумтоз шарқ лирикасида “май”, “шароб”, “бода”, “тавҳид”, “вахдат”, “майхона” истилоҳлари машҳур образлардан бири саналади. Жумладан, форс-тожик адабиётида ушбу истилоҳлар сезиларли даражада кўп ишлатилган. Бунинг асосий сабаби “форс-тожик адабиёти ислом динининг бадиий адабиёти” [2,33]. Ислом динида эса майпарастлик ва ишратбозлик қаттиқ қораланган бўлиб, деярли мусулмон Шарқ шоирлари май, шароб, бода образларини ҳақиқий маъносида эмас балки мажозий маънода, поэтик тасвир сифатида қўллаган. Ҳофиз Шерозий ижодида май талқини ирфоний маъно-мазмунга эга эканлигини қуйидаги сатрлардан билиб оламиз:

*Дар мазҳаби мо бода ҳалол аст, валекин,
Бе рӯи ту, эй сарви гуландом, ҳаром аст [2,35].*

Байтнинг мазмуни: (Бизнинг мазҳабимизда бода (май) ҳалолдир, лекин, сени оразингсиз, эй сарви гуландом, ушбу май ҳаромдир). Ҳофиз тасвирланаётган май, илоҳий ишқнинг ўхшатма шакли бўлиб, унинг лаззати ёр жамолини кўриш билан амалга ошади. Ҳофиз мухлислари ва унга эргашган шоирлар, унинг ижод намуналаридан илҳомланиб, маънодор ғазаллар қуйлаган. Ҳожи Муҳаммад Шаҳдий Ҳофиз Шерозийни ўзига маънавий устоз ва муршид деб билиб, унинг ғазаллари вазнида ғазаллар битгани мулоҳазаларимизни янада ойдинлаштиради.

*Дам ба дам аз боргоҳи, ҳазрати руҳул – қудус,
Савти шеъри Ҳофиз Шероз меояд ба гўи. [8,20]*

Байтнинг мазмуни: (Ҳар нафасда, муқарраб фаришталардан бўлмиш Жибрил боргоҳидан, Ҳофиз Шерозий каломининг савти (овози) кулоққа келади). Мавлоно Шаҳдий қўлёзма нусхаларида ўрин олган “Хуми ваҳдат ба жўш омад зи ин майхонаи дилҳо” [8,1,в] ғазалининг композицияси, маъно-мазмун Ҳофиз Шерозий “Ало ё айюҳассоқи адир каъсан ва навилҳо, ки ишқ осон намуд аввал вале уфтод мушқилҳо” деган машҳур ғазали билан ҳамоҳанг ва ҳаммаънодир. Шаҳдийнинг Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди 144 рақамли каталогда сақланаядиган қўлёзма нусхасида ушбу ғазал 7 байтдан иборат бўлиб, оҳангдорлик ва мазмундорлиги билан бошқа ғазалларидан фарқ қилади. Девон қўлёзма нусхасининг дебوحасида мазкур ғазал жой олган:

Хуми ваҳдат ба -ўш омад, зи ҳар майхонаи дилҳо,

*Ало ё айюҳассоқ- адир каъсан ва новилҳо.
 Зи май осон нашуд корам, ки ҳам нақишуд аз ў мушқил
 Вале аз ишқи ҳайратзо дигар афтод мушқилҳо
 Занад мавжи жунуни ишқ, чашмам жумла дарёест,
 Талотум мезанад ин киштиям тўфон ба соҳилҳо
 Набурда бўй аз ишқу муҳаббат зоҳиди худбин,
 Ч- донд мастии ин ишқ роҳу расми манзилҳо.
 Кашидан аз ту ханжарҳо ба қатли ман, ки дар майдон
 Тапидан аз ману -он додане дар шавқи бисмилҳо
 Ту чашми жону дил бикишо, аз ин хоби гарон барҳез,
 Ҳама рафтанд манзилҳою барбастанд маҳмилҳо.
 Баҳори ишқ бигзаит накард- кор, Эй Шаҳд-,
 Ба жуз рӯи сияҳ бар каф надор- ҳеж ҳосилҳо [8,1].*

Ғазалнинг насрий баёни ва шарҳи: 1. Ваҳдат кўзаси шароби ҳар бир кўнгил майхонасидан қайнади. “Ваҳдат” – “тавҳид” Аллоҳ таолонинг бирлиги, якка ва ягоналиги ҳақидаги эътиқодимиздир. Шариат нуқтаи назаридан дунёдаги барча нарса унинг қудрати олдидан фано бўлувчидир. Боқий қолувчи, ҳамиша барҳаёт Аллоҳдир. Ваҳдат кўзасидаги шароб, илоҳий фитратимиз бўлмиш “тасдиқлаш”, яъни бизни Яратган Тангримизни таниш ва унга бўйсунушидир. Лекин Имом Таҳовий ваҳдат илми ҳақида дейди: “Тавҳид” – “ваҳҳада”, “юваҳҳиду”, “тавҳидан”нинг масдари бўлиб, луғатда бирор нарсага бирлик ва ягоналикни нисбат беришни ҳамда ундан кўпликни инкор этишни ангалатади. Чунки бу ерда “тафъил” вазни нисбат бериш маъносидадир... Шаръий истилоҳда эса тавҳид инсоннинг Аллоҳга ширк келтиришнинг турли кўринишларидан воз кечиши ва Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ, деб эътиқод қилишидир” [7,41].

Ваҳдат мақоми шоир қалбида итоат ва маърифат орқали мустаҳкамланган. Илоҳий гўзаллик инсонга ҳада этадиган энг буюк саодат, ваҳдат мақоми ҳисобланади. Шоир Шаҳдий, шоирона қилиб айтганда, ваҳдат майидан маст бўлган ошиқдир. Тасаввуф талқинига кўра, илоҳий гўзалликни ҳис қилмоқ учун, ваҳдат майидан ичмоқ лозим. Таниқли олим Нажмиддин Комилов дейди: “Бода, шароб, май, сўзлари мажози маънода муҳаббат шавқини билдириб келади” [13,110]. “*Ҳуми ваҳдат*” (*Ваҳдат кўзаси*) шоир ижодининг гавҳари ҳисобланиб, ушбу гавҳар орқали муаллиф ички олам сир- асрорларини баён қилган.

2. Кел, эй соқий, шаробни ошиқлар даврасига айлантиргину менга узат. Эй Аллоҳ, Сен шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат мақомини берувчи Қодир Зотсан. Менга муҳаббат мақомларидан жой бергин. Инсон қачонки ҳақиқат шаробидан бир томчи ичса, унинг қалб кўзи очилиб, шариат водийсига қадам ташлайди.

3. Шаробдан менинг ишим осон бўлмади, балки машаққатларга машаққат кўшилди. Шароб лаззати ошиқларга илоҳий амрларга бўйсунуш орқали тотли бўлади. Лирик қаҳрамоннинг қалби, илоҳий амрларга итоат қилиш билан ҳузур топмади. Негаки, у ҳали йўл бошидаги мурид бўлиб, ибодат муҳаббати ва қалб жазаваси шакланмаган эди. Қачонки, шоир тоат-маърифатини қалби билан ҳис қилиб, Аллоҳга холис ихлос қилсагина, барча мушкуллари осон бўлади. Нафс шароби инсонларни ҳалокатга элтувчи, қалбларни қораловчи, ибодат лаззатини сўндирувчи ва илоҳий ишқни барҳам берувчи шайтоний иллатдир.

4. Аммо ҳайратга бурканган ишқдан ташқари, бошқа мушкуллар бошимга тушди. Муҳаббатга гирифтор бўлган ошиқ, маъшуқасининг ишқида ҳайратланиб, ишқ ажойиботларини қалб кўзи билан кўради. Бошқа мушкуллар шоир бошига тушгани сабаби нафсидаги қарама-қаршиликлар натижасида вужудга келган. Ишқ келса, ошиқ нафсини унутиб, ишқ билан ҳар нафасини ўтказди ва Аллоҳ йўлида ўзини бағишлайди. Ҳайратга бурканган ишқ бошқа мушкулларни олиб келиши табиий ҳол. Муҳаббат қанча кучли бўлса, изтироблари, дардлари, ҳайратлари, шавқу завқлари ва синовлари шунчалик зиёда бўлиб, ошиқ иродасини синайди. Зеро, анбиёлар ҳам ошиқи биллаҳ эди, уларга келган ишқ синов

валийларга келмаган, валийларга келган синов олимларга юборилмаган, олимларга келган синов одамларга берилмаган. Синов ва машаққат ошиқларга ваҳдат мақомига етиб олиши учун берилади. Улар чеккан машаққатлар тавҳидга ноил бўлиш учундир. Мажнун Лайлиси учун жонини беришга тайёр эди. Ҳатто кўчада агар Лайлининг итини кўрса, уни кўкка кўтарар ва ўпар эди.

5. Ишқ жунуни мавж уради, кўз-ёшларим дарё сувидек оқади. Ҳақиқий ишқ келганда, ошиқнинг кўз-ёшлари қонга айланади, худди Робия Басрий кўз ёшларидек бўлиб, ваҳдат майи ошиқни машаққатдан кейин беқарорликка (жазава) келтириб, унинг тўхтовсиз қон йиғлашига ундайди. Ваҳдат шундай мақомдирки, ҳатто Каъба байти ҳақиқий ошиқларни зиёрат қилиши учун олдига келади.

6. Менинг кемам денгизда талотум ўриб, соҳиллар ва уммонларга тўфон кўтаради. Шоир ишқи Нух (а) кемасидек денгизда тўфонга қарши сузиб, тўлқинларни ортга қолдириб, мақсад ва матлаб соҳилига етиб боришга ҳаракат қилади. Шаҳдий ижодининг асосий нуктаси, бу ерда машаққатдан кейин роҳат келишини кутиб, ноумидликдан умидворликка қараб ҳаракатланиш ҳамда хавфу ражо ўртасида иш қилишдир.

7. Худбин зоҳид ишқу муҳаббат ҳидини ҳам билмайди. Шоир муваҳҳид кишиларни ҳар доим тавсифлайди. Лекин баъзи зоҳирпараст кишилар каби ўзини зоҳид деб мактайдиганларга “сизлар ошиқнинг ҳолати ва ваҳдат бодасининг лаззатини билмайсиз” дейди. Ўринли келтирилган мазкур мисра ишқни даъво қилувчи ошиқларга ибрат конидир.

Набурда бўй аз ишқу муҳаббат зоҳиди худбин,

Чи донад мастии ин ишқу роҳу расми манзилҳо. [8,1]

8. Ишқ лаззатини қандай билсин тариқат ва манзиллардаги ибодатхоналар. Булар жонсизлиги учун бу лаззатни билмайди. Ошиқлар орқали барча жонсиз нарсалар қадри ва азиз бўлиб мақом топади. Ишқ ҳам ошиқ билан ҳаракатланиб, қадр топади. Қачонки шариат ва маърифат, тариқат ва ҳақиқат бирлашса, маърифатуллоҳ муҳаббатуллоҳ, завқуллоҳ, шавқуллоҳ, фанофиллоҳ ва васулуллоҳ пайдо бўлади. Қайси ошиқки, ваҳдат майидан тўйиб ичса, тариқат манзилига кириб, унинг вирдлари (вазифалари) маҳбуб ва марғуб бўлади.

9. Мени қатлимга майдонларда ханжар тортишга сен ҳақлисан. Шоир тариқат манзилдан ўтиб, ҳақиқат манзилига яқинлашиб, ўзини унутиш ҳолатига бормоқда. Аслида ваҳдат билан ҳақиқат манзили бир манзил бўлиб, шакли бошқа-бошқадир. Ал-Воҳид (Аллоҳнинг гўзал исмларидан бири) ва Ҳақ сўзлари Аллоҳ таолонинг бирлигига ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин йўқлиги учун айтиладиган исмий сифатлардир. Ал-Воҳид сифати билан сифатланган Аллоҳни қалбдан ҳис қилиш, ваҳдатга мустағриқ бўлишдир. Ошиқ қалби илоҳий муҳаббат билан тўлса, тили ва қалби “такбир” – “улуғлаш”, “тасбиҳ” – “поклаш” сўзлари беихтиёр чиқади ва ҳақиқий ваҳдат соҳибига дейдики, мени жонимни бу ишқ йўлида олишга Сен ҳақлисан. Ҳанжардан мурод Аллоҳ қудрати ва қазои қадарлигини назарда тутган.

10. Бисмиллар (ишқ йўлида жонни фидо қилиш, муҳаббат учун қурбон бўлиш) шавқида жон бериш ва типирчилаш мендандир. “Бисмилҳо” “бисмиллар” бўлиб, Аллоҳ йўлида ўзини қурбон қиладган, боши танасидан жудо қилган, жон ва Жонон шавқидан Исмоил (а)дек ўзини Ҳақ ҳукмига топширишдир. Лирик қахрамон “ваҳдат” шаробини ичгандан кейин илоҳий гўзалликни кўради ва тафаккур гулшанида ўзини унутади. Кучли муҳаббат сабабли ёр томонга, ошиқ қалби ва руҳи билан боришни хоҳлайди. Лирик қахрамон вафоли ёри учун ҳамма нарсадан воз кечиб, жонини маъшуқига беришга тайёрдир.

11. Сен басират кўзингни (қалб кўзи) очгин ва машаққат уйқусидан уйғонгин. Басират кўзи билан “ваҳдат ул-вужуд” (ягона борлиқ)ни кўриш, ҳис этиш, мулоҳаза ва муроқабга билан тафаккур қилиш қалбларни илоҳий гўзалликка боғлайди. Қалб кўзингни оч, эй инсон фарзанди ва ғафлат уйқусидан уйғон, зеро “тавҳид” бодасини ичмоқ учун кечалар қоим, кундузлари соим бўлишинг лозимдир. Солик (йўловчи) мақсад манзилига саломат бориши учун ғафлатдан узоқ юриши ва доимо ҳушёр тортиши лозимдир.

12. Ҳамма корвон аҳли асл манзилларига етиб бордилар. “Корвон аҳли”, изофасини шоир ушбу маънода истифода этган: инсон умри корвондек бу шаҳардан бошқа шаҳарга

сафар қилувчи йўловчилар (мусофир) кабидир. Дарҳақиқат, солиқ умри қисқа ва синовларга тўла ҳаётда яшайди, шунинг учун ҳар нафасда мақсад сари ҳаракат қилишини ғанимат билсин.

13. Эй Шахдий, ишқ баҳори ўтди, сен эса, ҳеч бир иш қилмадинг. Ишқ баҳори – ёшлик айёми инсонга бир марта берилади, ошиқнинг биринчи қадамлари ишқ баҳоридир. Шахдий бу умринг баҳорини навқиронлик даврини нега беҳуда ўтказдинг ва “вахдат” бодасидан ичмадинг ҳамда маъшуқ йўлида жонингни ҳам фидо қилмадинг.

14. Номаи аъмолингга қора юзингдан бошқа ҳосиллар (солиҳ амаллар) учрамайди. Амаллар дафтари бизнинг қилган солиҳ ва ножўя ишларимиз қораламасидир. Бизнинг чап ва ўнг елкамизда Ватид ва Атид деган фаришталар – “Кироман котибин” (карамли ёзувчилар) [Куръон, 82, 11] нимаики амал қилсак, ёзиб оладилар ва явм ул-ҳисобда бирма-бир сўрокка тортилади. Шунинг учун лирик қаҳрамон куйиниб дейди: “Амаллар дафтарингда маъсият ва итоатсизликдан бошқа сурат кўрмаяпман”. Шоир ғазалининг охиридаги ушбу мисра танкидий ифода бўлиб, “тавҳид” нималигини билмаган, қора амаллар билан қалби ва юзини қора қилган кимсаларга мурожаат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ушбу “Хуми вахдат ба жўш омад, зи ин майхонаи дилҳо” [8,1,в] номли ғазали матлаъи барча ғазалларида маъно ва мазмун касб этган.

Ғазал муаллифи “вахдат”ни энг олий “лаззат” ва “ибодат” деб билади. Шарқ мумтоз шоирларининг йирик намояндалари илмий-адабий меросида Муҳиддин Ибн ал-Арабийнинг (1165-1240) “Фусус ул-ҳикам” ва “Футуҳот ул-маккия” асарлари таъсири сезиларли даражада намоеън бўлади. Чунки унинг ушбу асарларида “вахдат”, “тавҳид”, “муҳаббат”, “машаққат”, “шариат”, “тариқат”, “маърифат”, “ҳақиқат”, “илоҳиёт”, “кавниёт”, “басариёт”, “лоҳут”, “носут”, “жабарут”, “малакут” ва тасаввуф ғоялари батафсил баён қилиниб тушунтирилган. Ана шу асарларнинг ғоявий ифодаларини Румий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Бедил ва Шахдий ижодида кўриш мумкин.

Шахдийнинг юқоридаги ғазали мазмун ва моҳияти “вахдат ул-вужуд” ва “вахдат уш-шуҳуд” ғояларига чамбарчас боғлиқдир. Шоир лирик қаҳрамони муҳаббатига содиқ, вафодор ошиқ, муваҳҳид, фидокор ва саховатли киши бўлган. Ирфоний мазмунга эга ғазални ёзиш учун шоир кимлардан илҳом олганлиги ва қайси шоирлар ижодида бу каби ғазаллар борлигини навбатдаги фикрларимизда баён қиламиз.

Намуна келтирилган ғазалда куйидаги иборалар ирфоний истилоҳларга молик бўлган: “Хуми вахдат”, “майхона”, “соқи”, “ишқи ҳайратзо”, “мавжи жунуни ишқ”, “тўфон”, “зоҳиди худбин”, “мастии ишқ”, “расму манзилҳо”, “шавқи бисмилҳо”, “маҳмилҳо”, “баҳори ишқ”, “ҳосилҳо” ва бошқа иборалар орқали шоир қалбидаги муҳаббатини изҳор этган. Шахдий девони қўлёзма нусхаларида бу ғазал билан бошланиши турли маъноларни ифода этади.

*Ҳофиз Шерозийга маънавий шогирди бўлганлиги ва ижодига эргашганлиги;

*Мумтоз Шарқ намояндаларининг анъаналари йўлидан борганлиги;

*Тазмин, иқтибос, муламмаъ ва сўз санъатида маҳоратли эканлиги;

*Ўратеппа адабий муҳитида ушбу ғазал матлаъи билан жавобия ғазаллар ёзиш анъана бўлганлиги;

*Китоб дебочаси (муқаддима) сифатида қўлланганлиги;

*Тариқат аҳли ихлосманди ва муҳибби бўлганлиги.

Шахдий девонида келган юқоридаги ғазалнинг иккинчи мисраси “Ало ё айюҳассоқий адир каъсан ва новилҳо” [8,1,в] Язид ибни Муовия, Амир Хусрави Дехлавий, Хожа Ҳофиз Шерозий ва бошқа замондош шоирлари ижодида ҳам учрайди.

“Ало ё айюҳассоқий адир каъсан ва новилҳо”. (الايهاالساقى عير كاسا وناولها) – Тўлақонли арабча бўлган мазкур мисрани аксар адабиёт ихлосмандалари Ҳофиз Шерозийнинг мисраси деб билади. Баҳоуддин Хуррамшоҳий бу ҳақда шундай дейди: “Суд- гуфтааст, ки Ҳофиз ин мисраъро аз Язид бинни Муовия тазмин карда ва асли шеъри Язид аз ин қарор аст” (Сўди таъкидланишича, Ҳофиз ушбу мисрани Язид бинни Муовиядан тазмин тариқасида қўллаган ва бу мисра Язид шеъридир). Асли куйидагича:

ان المسموم ما عندى بالترياق ولا راق

ADABIYOTSHUNOSLIK

عدير كاسا و ناولها الا يا ايها الساقى

Инал масмум мо индий битарёқин,
Адир каъсан ва новилҳо ала ё айюҳассоқий. [5,10]

Байтнинг мазмуни: (Албатта, захарланган нарса тарёқ (захарга қарши доривор) билан даволанади, на илоннинг ўзи билан. Эй соқӣ, майни айлантиргину менга қўйгин).

Бу каби тазминлар ва муламмаълар шоирлар ижодида жуда кўп учрайди. Уларни тартиб билан намуна келтириб, фикримизни янада ойдинлаштирамиз.

Амир Хусрав Дехлавий ғазалида:
Шароби лаъл бошад қуввати жонҳо, қуввати дилҳо,
Ало ё айюҳассоқӣ, адир каъсан ва новилҳо [10,26].

Байтнинг мазмуни: Шароби “лаъл”, қизил шароб, руҳлар ва қалблар қувватидир, эй соқӣ майни айлантиргин ва мен ошиққа қўйгин.

Ҳофиз ғазалида:
Ало ё айюҳассоқӣ адир каъсан ва новилҳо,
Ки ишқ осон намуд аввал, вале афтод мушқилҳо [12,8].

Байтнинг мазмуни: Эй Соқӣ (Аллоҳ), туганмас неъматинг бўлмиш ишқ майидан менга насиба бергин, ошиқлик ва ишқ йўли аввали осон кўринди, охирида эса фироқ азоби, машаққат фироқи бошга тушди.

Мавлоно Шахдийнинг замондоши бўлган Хожа Юсуф Вазехий тазмини қуйидагича жаранглайди:

Хумори жони муштоқий чунон афтод дар дилҳо,
“Ало ё айюҳассоқӣ адир каъсан ва новилҳо”. [4,13]

Байтнинг мазмуни: Кўнгилларда жон хуморининг (муштоқи) иштиёқи шунчалик тушдики, эй май берувчи Азал Соқӣysi ишқ бодасини чархлантириб, менга узатгинки, муштоқ бўлдим.

Шариф Ҳисорий Истравшаний (Мулло Муҳаммад Шарифи Ҳисорий) Ҳофиз Шерозий ғазалига жавобияси қуйидагича:

Шарифо, гўй бо соқӣ ба дастуре, ки Ҳофиз гуфт,
“Ало ё айюҳассоқӣ адир каъсан ва новилҳо”. [4,27]

Байтнинг мазмуни: Шарифо, соқӣyi азалга айтгин, Ҳофиз айтганидек илтижо қил, Эй май берувчи ягона шаробни айлантиргину менга узат.

“Ало ё айюҳассоқӣ адир каъсан ва новилҳо” мисрасига шоирлар тазмин қилиши сабаби Ҳофиз Шерозий девонида ушбу ғазал биринчи бетида келганлиги учун ҳамда унинг ғазалларини замондош шоирлари ва кейин келган барча шоирлар мутолаа қилиб ёдлар эди, мадраса ва мактабларда Ҳофиз девони дарслик сифатида ўқитиларди. Шу сабабли бу мисра “олтин мисра”га айланди. Шахдий ғазалларида Ҳофиз ғазалларининг ифори, хушбўй хиди таралади.

Шахдий ғазалида “соқӣ” истилоҳи турли маъноларни ифода қилган:

1. Май, шароб қуювчи (маънавий май, илоҳий ишқ).
2. Соқӣ (Аллоҳ).
3. Соқӣ (Муҳаммад соллалоҳу алайҳи ва саллам, Боязди Бистомий, Абдулқодир Гелоний, Қосими Анвор ва устози Суфий Ғаний (Хожа Убайдуллоҳи Солик)).

Шахдий ғазалида ваҳдат майидан нажот йўлини топиш учун ахлоқан ва руҳан пок бўлиш, ўзликдан кечиш, фоний бўлиш ва комиликка интилиш ғояларини илгари сурган. Шоир ишқ йўлидаги садокати кўр-кўрона мутеъликда эмас, ботиний мусаффоликка асосланган, тавҳид меваси ўлароқ, вужудга келган май неъматидир. Ғазалда бадий образнинг эстетик таъсирчанлиги шундаки, самимийлик, оҳангдорлик, бадийлик ва инсон руҳиятидаги кечинмалар тасвирланган. Масалан: “тапидан” (жончиқар пайтида типирламоқ), “осон нашуд корам” (ишим осон бўлмади), “чашмам жумла дарёст” (кўз ёшларим дарёдек), “жон додан” (жон бермоқ) ва бошқа ўхшаш сўзлар ўқувчи ҳиссиётини уйғотади. “Бадий образ... қандайдир эстетик ҳиссиёт (эмоция) уйғотиши керак” [6,50]) , – дейди адабиётшунос Тўхта Бобоев.

Барча бадий санъатлар шеърятда инсон онги ва тасаввурини бойитишга қаратилган бўлиб, ижодкор ҳар томонлама ўқувчи ички интуициясини ҳисобга олган ҳолда қалам тебратлади. Ижодкор ўз имконияти илҳом олганлиги, фитрий истеъдоди ва феъл-атвори ёзган сатрларида аксланади. Шахдийнинг ғазалларида ҳам “вахдат”, “тавҳид” лавҳалари байтлар замирида жаранглайди. Вахдат каломи шаръий илмларда “тавҳид” (бирлик), “шаҳодат” (гувоҳлик) ва “тоййиба” (поклик) калималари орқали ифодаланади. “Ла илаҳа иллаллоҳ...” калимасини тоййиба десалар, “Ашҳаду ан ло илаҳа иллаллоҳ...” калимаси шаҳодат калимаси ва “Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лака... калимаси тавҳид калимаси дейилади.

Мана шу айтилган калималар Шарқ мумтоз ва мутасаввуф шоирлари ижодида кўп учрайди. Уларнинг айтган ҳар бир сўзи замирида “тавҳид” калимаси яширинган. Тавҳиднинг асли Аллоҳнинг муҳаббати ва кудратини эътироф этишдир. Барча пайғамбарлар алайҳимуссалом ўз умматига шу калимани ўргатган ва бу калима орқали имон лаззати, тавҳид лаззати ва саодат лаззатин топганлар. Юқорида таъкидлаганимиздек, Мавлоно Шахдийнинг бошқа ғазалларида ҳам тавҳид калимаси радиф сифатида келганлиги бежиз эмас, балки муҳаббат ва тариқат аҳлидан бўлганлигидир.

Асли нури имонам *ла илаҳа иллаллоҳ*,
 Роҳати дилу жонам *ла илаҳа иллаллоҳ*...
 ...Шахдий гунаҳкорам, осию гунаҳгорам,
 Шармсори бадкорам *ла илаҳа иллаллоҳ* [8,163,в].

Байтнинг таржимаси:

Нури имонимнинг асли *ла илаҳа иллаллоҳ*,
 Роҳати қалбу жоним *ла илаҳа иллаллоҳ*.
 Шахдийи гунаҳкорман, осийу гуноҳим бор,
 Шармандаву бадкордирман *ла илаҳа иллаллоҳ*. (Таржима бизники)

“Ла илаҳа иллаллоҳ” калимаси пайғамбарлар, саҳобалар, муваҳҳидлар, зокирлар, орифлар ва мутасаввуф аҳлининг асосий зикри ҳисобланади. Маъноси: “Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ” – У Буюк ва Ягона Зотдир. Мана шу ибора “вахдат” майининг энг лаззатлиси ва “мифтоҳ ус-саъодат” (саодат калити) ҳисобланади. Шахдий қалбига бу калима ўрнашганлиги учун ҳар замонда “Ла илаҳа иллаллоҳ” дейди. Шоирнинг барча ғазалларида “Аллоҳ” исми ошкора ва яширин ифода қилинган. Борлиқдаги барқарорлик ваҳдат муҳаббати билан қарор топган. Шахдий айтган, кўнгиллар майхонаси ваҳдат кўзаси майидан тўлқинга келиб, тугён уради ва коинотнинг яратувчиси – Аллоҳга талпинади. Бу ҳаракатлар турли кўриниш, турли йўл, турли манзил, турли қараш ва турли истилоҳ орқали “ҳар бир пайғамбар ва ҳар бир валий зот ўз маслаклари ила талпинур”[1,56].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Шахдий ғазал маслакида, мутасаввуф шоирлар изидан борган, XVIII аср Ўратеппа адабий муҳити намояндаси ҳисобланади. Унинг ғазалларида Ҳофиз ғазалларининг таъсири кенг ўрин олган. Шунинг учун Шахдийнинг ғазаллари ҳақли равишда Ҳофиз Шерозий ғазалларига хос услубда ёзилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Жалолiddин Румий. *Сад барги ғазал*. – Хўжанд: Нури маърифат, 2007. – 142 б.
2. *Рустами Ваҳҳоб. Адабиёт ва фарҳанги миллий*. – Душанбе: Адиб, 2011. – 224 б.
3. *Рустамов А. Сўз хусусида сўз*. – Т.: Ёш гвардия, 1987. – 45 б.
4. *Сайидумари Султони Кавкабий. Тазкираи суҳанварони Истаравшан*. – Душанбе: Адиб, 2012. – 260 б.
5. *Судий. Шарҳи Судий бар Ҳофиз. Эрон: Техрон, 1349*. – 213 б.
6. *Тўхта Бобоев. Адабиётшунослик асослари*. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 560 б.
7. *Муҳаммад Анвар Бадахионий. Ақйидатут-таҳовия шарҳининг талхйиси*. – Т.: “Ҳилол нашр”, 2019. – 448 б.
8. *Ҳожи Муҳаммад Шахдий. ТШДИ. Қўлёзмалар фонди. 144-рақами остида*. – 199 варақ.
9. *Ҳофиз Шерозий. Сад барги ғазал*. – Хўжанд: Ношир, 2019. – 124 б.
10. *Ҳофиз, Қазвинӣ, китобхонаи устод Минӯйӣшӣ, шумораи 3182*.
11. *Ҳотам Умиров. Адабиёт назарияси*. – Т.: “Шарқ” нашриёти, 2002. – 251 б.
12. *Шамсулло Девонаев. Аналҳақ-Қиштишикастагонем, Гулчини мақолаҳо*. – Душанбе, 2005. – 220 б.
13. // *Алишер Навоӣ. Ғазаллар, шарҳлар*. – Т.: Камалак, 1991. 110-б.
14. // *Ўзбек тили ва адабиёти. 1/2009*.

УДК: 81

ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ДЕОПОЭТОНИМЛАРНИНГ
БАДИЙ ҚЎЛЛАНИШИ

ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ПРИМЕНЕНИЕ ДЕОПОЭТОНИМОВ ВО
ФРАНЦУЗСКОЙ И УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИЯХ

ARTISTIC APPLICATION OF DEPOETHONYMS IN FRENCH AND UZBEK POETRY

Хамидова Муборак Хафизовна
БухДУ таянч докторанти

Аннотация. Мақолада бадий матн ва шеъриятда деопоэтонимларнинг қўлланиши ҳақида фикр билдирилган. Унда Рауф Парфи, Садриддин Салим Бухорий ва Улугбек Ҳамдамнинг асарларидан мисоллар келтирилган.

Таянч сўзлар: шеърият, деопоэтоним, бадий нутқ, текст, поэтика, кўчма маъно, мисра.

Аннотация. В статье изложены мнения о применении деопоэтонимов в художественных текстах и поэзии. Приведены примеры из произведений Рауфа Парфи, Садриддина Салима Бухари и Улугбека Ҳамдама.

Ключевые слова: поэзия, деопоэтоним, художественная речь, текст, поэтика, переносный смысл, полустипшие.

Abstract. The article provides opinions on the use of deopoethonyms in literary texts and poetry. Examples are given from the works of Rauf Parfi, Sadriddin Salim Bukhari and Ulugbek Hamdam.

Key words: poetry, deopoetonym, artistic speech, text, poetics, figurative meaning, hemistich.

Француз шеъриятида ҳам, ўзбек шеъриятида ҳам шамол, булут, қор, ёмғир, туман, момақалдирак, чакмоқ, шудринг, ғубор, ўлим сингари қатор табиий ҳодисалар лирик қахрамоннинг рухий кечинмаларини, кайфиятини, бадий ифодалаш мақсадида кенг қўлланади. Табиий ҳодисаларни бадий матнда номлаб келган сўзлар эса тилшуносликнинг ономастика бўлимида деопоэтонимлар деб аталади[1].

Шуниси борки, ўзбек тилида яратилган бадий матнларда табиий ҳодисаларнинг номи кўпинча ўша номнинг доминантаси билан эмас, бошқа шаклдош кўринишлари орқали ҳам берилиши кузатилади. Бундан деопоэтонимларнинг синонимлик хусусиятига эга эканлиги равшанлашади. Масалан, табиатда шамол ҳодисаси ё кучли, ё кучсиз, яъни баъзан қаттиқ ёки енгил эсади. Шунга кўра, у даражаланиш касб этади. Кучли шамол типлари тўзон, тўфон, бўрон, довул деб номланса, енгил ва кучсиз шамол шабада, насим, ел, сабо дея номланади.

Шамол сўзи бадий нутқда поэтик маъно ташиб, рамзий образ сифатида қўлланса, кучли шамол типларининг номлари лирик қахрамоннинг тушкун, кайғули, безовтали, оғир дамларини ифодалашга хизмат кўрсатади. Енгил шамол номлари эса яхши кайфиятни, кўтаринки руҳиятни, қувончу шодликни ифодалаб келади.

Деопоэтонимлар кўпинча бадий матнда метафорик кўринишда қўлланиши кузатилади. Масалан, булутни баъзан ғат-андух, баъзан саховат тимсолида қўллаш ўзбек бадий нутқида ўзига хос анъанага айланган. Булут осмонни, ҳавони тунд ва қоронғу қилгани каби инсон кайфиятини ҳам хира қилади. Шунинг учун у шеъриятда кўпинча ғам-кайғу ва ташвиш аломатини англатиб келади. Момақалдирак, чакмоқ (чакин) – ҳаёт зарбаси, юракдаги ишқ дарди рамзида кўп учрайди.

Табиий ҳодисалар аслида табиатдаги ҳаракат-ҳолатлар ҳамда инсонда табиий юз берувчи ҳолатлар сифатида иккига бўлинади. Жумладан, музламок, эримок, тошмоқ, оқмоқ (сувга хос); сарғаймоқ, тўкилмоқ, гулламок, қуримоқ (дарахт-ўсимликларга хос); исимок, совимок (ҳавога, айни пайтда сувга, инсон танасига ҳам хос), эснамок, аксирмок, ухламок,

туш кўрмоқ, ўлмоқ (инсонга хос) ва ҳоказо.

Деопозетонимлар маъносининг кучли-кучсизлигига кўра (масалан, ёмғир – дўл – жала – сел); ижобий ва салбийлигига кўра (масалан, шудринг – туман); услубий хосланганлигига кўра (масалан, шамол – насим, ел, бода, сабо) ўзаро фарқланади.

Деопозетонимлар бадиий матнда турли мақсадларда қўлланади. Улар воситасида бадиий матнда эпитет, метафора, метонимия, тажнис, ташхис, таносиб, рамз, нидо сингари турли поэтик санъатлар ва бир қатор услубий фигураларни ҳосил қилиш мумкин. Шундай ҳолда ҳам улар асарнинг умумий поэтикасига хизмат қилади. Масалан: туман – район; туман – табиат ҳодисаси маъноларида бир матнда келтирилса, иккаласи тажнис санъатини ҳосил қилади.

Таниқли шоир Рауф Парфининг “Шивирлама менга, эй шамол” шеърида деопозетонимлар билан боғлиқ бирданига нидо, таносиб, ташхис (жонлантириш) ҳамда сифатлаш санъатларини учратиш мумкин:

Мен булутман, ҳолу жонимни
Аямасдан қамчилар шамол.
Қувғиндиман, оҳ-фиғонимни
Узмайман, келса-да шамол.
Кутурмоқда яна зўр шамол
Мен суймайман, уни суймайман!
Кутурмоқда кўзи кўр шамол,
Кўзларимни, мен-чи юмайман ...[2]

Шамолга мурожаат кўринишида битилган ушбу шеърда булут ва шамол сўзлари маъноси жиҳатидан бир гуруҳга кириши туфайли таносиб санъатини ҳосил қилган. Шамолга нисбатан қамчилар, кутурмоқда сўзларининг қўлланилишидан ташхис, яъни жонлантириш санъати келиб чиққан. Шамол зўр, кўзи кўр дея сифатланган. Хусусан, шамолни кўр дейиш орқали унинг ўзини ҳаммага нарсага элтиб уравериши тасаввурда жонлантирилади.

Бу не тўфон, бу не қисмат
Сочилиб кетди алҳол,
Ер ости-ю ер устига
Бухорийлар дон мисол[4].

Маҳоратли бухоролик шоир Садриддин Салим Бухорий қаламига мансуб ушбу мисраларда “тўфон” гарчи шамолнинг кучли бир тури номи бўлса-да, бу ўринда рамзий-ижтимоий маънода халқнинг бошига тушган хўрлик маъносини ифодалаш учун келтирилган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “тўфон” арабча сўз бўлиб, кучли сув тошқини; зўр ғавғо, тўполон маъноларини билдириши кўрсатиб ўтилган. У ўз маъносида шиддатли бўрон, довулни, кўчма маънода алғов-далғовли, ларзага солувчи, шиддатли хатти-ҳаракат, руҳий-хиссий кўзғалиш, тугённи англатиши таъкидланган. Диний афсоналарга кўра, одамларнинг гуноҳи учун бутун дунёни босган сув тошқини номи[9] экани кўрсатилган.

Демак, Садриддин Салим Бухорий “тўфон” сўзининг кўчма маъносидан фойдаланиб, ўтган аср бошларида рус истилоси туфайли ўзбеклар, жумладан, Бухоро аҳли бошидан кечирган алғов-далғовли, ларзага солувчи воқеаларга ишора қилган.

Шеъриятда умрнинг ўткинчилиги гоҳ оқар сувга, гоҳ эса ел (шамол)га ўхшатилиши ўзига хос поэтик анъана тусини олган. Жумладан, шоир Улуғбек Ҳамдам ҳам “Чорлов” сарлавҳали шеърида шу поэтик анъанани давом эттириб, ёзган:

Умр бирров эсиб ўтган ел,
Душвор қайтиб кўрмоғинг мени...
Ғанимат дўст, кел, кошимга кел...

Қор ва ёмғир ҳодисалари шеъриятда энг кўп қўлланиувчи деопозетонимлардир. Кўпинча улар инсон дардига ўхшатилади. Масалан, бу фикрни Рауф Парфининг қуйидаги мисралари ҳам далиллашга хизмат қила олади:

Ёғар оппок, паға-паға қор,
Дардим қорлар каби сочилар.

ADABIYOTSHUNOSLIK

Хув йироқда гуллаган баҳор
Бўйлари кўксимга санчилар[3].

Улуғбек Ҳамдам “Акам Ойбек хотирасига” шеърда қор образига мурожаат этиш орқали халқимиз орасида марҳумлар руҳига бағишлаб ўтказиб келинган “Биринчи қор” маросимига ишора қилган:

Энди қор ўрнида соғинчлар ёғар,
Ёғару эримас қорлар сингари...[6]

Бу маросимга келганлар аздорларга “Кўнглингизга қорлар ёғсин” дейишган.

Садриддин Салим Бухорий “Баҳор” шеърда кўкламга хос осмонда бирдан гумбурлаб чақмоқ чақиши ва момақалдиқроқ юз юериши, унинг натижасида кўкни қоплаган қуюқ булутлар парчаланиб, осмонда гўё карвондек сузиши, маржондек-маржондек ёмғир доналари тизилиб-тизилиб самодан ерга тушиши, улар ҳатто тоғлардаги қорларни ҳам эритиб юбориши, заминда кўзиқоринлар униб чиқиши сўз маънолари сингари табиий ҳодисалар метафора, метонимия, синекдоха усуллари воситасида ўзига хос гўзал тасвирланган:

Гумбур-гумбур бошлар юриш,
Булутлар карвон.
Аста-секин эрийди қиш –
Тизилар маржон.
Дехқон каби кўшиғини
Куйлаб беармон,
Кўзиқорин уруғини
Сепмоқда осмон[5].

Шеърда “гумбур-гумбур” тақлид сўзи момақалдиқроққа алоқадор товуш сифатида унга ишора қилаётган бўлса, “аста-секин эрийди қиш” мисрасида синекдоха кузатилади. Унда “қор эриши” бирикмаси ўрнида “қиш эриши” бирикмаси қўлланган. Ҳолбуки, қиш бутун бир фасл, қор эса шу фаслга хос бир ҳодиса маъносидеда тушунилади.

Шунингдек, юқоридаги шеърда мисраларда келтирилган “тизилар маржон” ифодаси ёмғирнинг ўзига хос метафорик ифодасидир.

Табиат ҳодисалари кўпинча инсонларнинг феъл-атвори, хулқи ва муаммоларини ёритиш учун қиёсий манба вазифасини ўтаган. Бундай ҳолат бошқа халқлар поэзиясида ҳам кузатилади:

J'ai appris la patience de la montagne,
Pleure sans s'arrêter.
J'ai appris du verger,
Une calomnie révélatrice.

Таржимаси:

Мен сабрни тоғдан ўргандим,
Дўлу қордан этмагай нола.
Мева берган боғдан ўргандим,
Кўз ёш тўкмас бамисли жала[7].

Улуғбек Ҳамдамнинг қуйидаги шеърда мисраларида лирик қаҳрамон ўзини чақмоқ уриб ёнган дарахтга ўхшатган:

“лабларидан симираркан жим
бахтсизлигим ёдимга тушди
чақмоқ урган дарахтдек ёндим”...[8]

Деопозитонимлар муайян бадиий матн яратиш учун лингвопоэтик жиҳатдан актуал бўлак сифатида танланиб, сарлавҳа даражасига кўтарилиши ҳам мумкин. Бунга ўзбек шоирларидан Миртемирнинг “Шудринг”, Рауф Парфининг “Шабнам”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Баҳорий шаббода”, “Кузги шаббода” каби шеърларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Кўп ҳолатларда эса улар матн таркибида муайян поэтик юкни кўтариб, воқеликка лирик қаҳрамоннинг субъектив муносабатини ифодалаш ёки турли бадиий санъатларни шакллантириш, образ яратиш ва образнинг руҳий кечинмаларини, характер белгиларини

ADABIYOTSHUNOSLIK

очишга хизмат қилиб келади.

Демак, бадиий асар қаҳрамонларининг алоҳида эътиборни тортувчи хатти-ҳаракатлари, кайфияти тасвирини ифодалашга хизмат қилган табиий ҳодисаларнинг номлари лингвопоэтик моҳият касб этиб, деопозитоним сифатида қаралади.

АДАБИЁТЛАР

1. www.http Краткий словарь терминов и понятий литературной ономастики (поэтонимологии).
 2. Рауф, Парфи. Сакина. Сайланма. – Тошкент : “Муҳаррир” нашриёти, 2013. 80-б.
 3. Рауф Парфи. Пага-пага оптоқ қор ёғар / Сўнгги видо. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. 54-б.
 4. Садриддин Салим Бухорий. Баҳор / Бухорога Бухоро келди. Шеърлар. – Т.: Маънавият, 1999. 18-б.
 5. Садриддин Салим Бухорий. Баҳор / Бухорога Бухоро келди. Шеърлар. – Т.: Маънавият, 1999. 59-б.
 6. Садриддин Салим Бухорий. Баҳор / Бухорога Бухоро келди. Шеърлар. – Т.: Маънавият, 1999. 60-б.
 7. Улугбек Ҳамдам. Эски дунё ва янги мен. Сайланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2018. 68-б.
 8. Улугбек Ҳамдам. Эски дунё ва янги мен. Сайланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2018. –301 б.
 9. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Беш жилдлик. 4-жилд. Тартибот- Шукр. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2007. 248-249-б.
-



NAVOIY GULSHANI

*Агар бу зотни авлиё десак, у – авлиёларнинг
авлиёси, мутафаккир десак – мутафаккирларнинг мутафаккири,
шоир десак – шоирларнинг султониدير.*
И.А. Каримов

ХАТТИДИН ЛАЪЛИГА ЕТТИМ, ЛАЪЛИДИН ТОПТИМ ҲАЁТ

Эшонкулов Хусниддин Пиримович
БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси доценти, фил.ф.н.

Алишер Навоийнинг ошикона ғазалиётида улуғ шоирнинг пайғамбарлар образидан юксак санъаткорлик билан фойдаланганлиги чинакам шеърят муҳибини ҳайратга солади. Айниқса, буюк сўз санъаткорининг “*Ҳизру Масиҳ*” радибли ғазалларида бу иккала пайғамбарлар образларига хос навоиёна топқирлик самараси бўлган маъновий вазифадошликдан келиб чиқиб, уларнинг радиф сифатида қўлланиши ноёб бадий кашфиётнинг ҳосил этилишида муҳим омил бўлган. “*Эй, хати жонбахш лаълингдин нишон Ҳизру Масиҳ*” (Алишер Навоий. Бадойеъ ул-васат. Мукамал асарлар тўплами. 5-том. – Т.: Фан, 1990. 80-81-бетлар) сатри билан бошланадиган ғазалида улуғ шоир маъшукани комил мазхар сифатида тасвирлаш, ғазалга орифона руҳ бахш этиш ва ўрни билан ҳажр изтиробларини ҳам сездириб қўйишда айнан шу образларнинг поэтик функциясига таянади:

*Эй, хату жонбахш лаълингдин нишон Ҳизру Масиҳ,
Балки бу икки уётидин ниҳон Ҳизру Масиҳ.
Хат лабинг узра, лабинг юз узрадур қилгон кеби
Оби ҳайвону қуёш узра макон Ҳизру Масиҳ.
Ул ёшунгон зулмат ичра, бу фалакдин ёнмагай,
Кўрсалар хатту лабингни ногаҳон Ҳизру Масиҳ.
Гар Масиҳу Ҳизр кўздин гойиб ўлмишлар, не тонг,
Сабзаву оби ҳаётингдур ҳамон Ҳизру Масиҳ.
Гўйиё Рухул қудс, яъни дамнингдин етти файз
Ким, муаббад топти умру берди жон Ҳизру Масиҳ.
Йўқ дамнинг, балки насими гулшанинг айлар саҳиҳ,
Бўлсалар муҳлик мараздин нотавон Ҳизру Масиҳ.
Хаттидин лаълига еттим, лаълидин топтим ҳаёт,
Ул икав бўлди манга, эй хаста жон, Ҳизру Масиҳ.
Солики фоний таважжухдин тараддуд айламас,
Етсалар маҳвий шуҳуд бўлган замон Ҳизру Масиҳ.
Дайр пири қўлдабон, тиргузди майдин муғбача,
Эй Навоий, бу икавни қил гумон Ҳизру Масиҳ.*

Хат – маъшуканинг лаб устидаги майин туклари бўлиб, ирфоний истилоҳ сифатида ғайб оламини англатади. Унинг Ҳизр (а.с.)га нисбатланиши айни маънода қўлланишига боис бўлган. Лаъл – қимматбаҳо ёқут тош. Ғазалнинг матладан кейинги байтларидан ҳам англаш мумкинки, у маъшуқа лабининг истиоравий тимсоли. Лаб эса сўфийлар истилоҳида маънавият оламидан нубувват аҳлига малаклар, авлиёларга илҳом воситасида англалган сирли калом бўлиб, баъзан у пирнинг илоҳий маърифатдан баҳс этувчи сўзини ифодалайди. “*Жонбахш лаъл*”нинг Исо Масиҳга нисбатланиши бундай сирли каломнинг ошиқ учун маъшуқа билан абадий тавҳид ҳосил қилиш сирларини англай бошлаганига ишора этади. Ҳизру Масиҳ образларининг Шарқ мумтоз адабиётида маъшуқа узвлари тимсолларининг

ирфоний моҳият касб этишида муҳим поэтик функцияни бажарганлигини Навоийнинг ушбу ғазали мисолида кўриш мумкин.

Ғазалнинг биринчи-олтинчи байтларида бу икки образга алоқадор адабий лавҳаларга ишоралар билан маъшуканинг икки узви васф этилади. Дастлаб “*хату жонбахш лаъл*”дан нишон берган Ҳизру Масиҳнинг шоир наздида уялганидан яширинганлигига диққат қаратилади. Бунда Ҳизр (а.с.)нинг абадий яшаса-да, унинг баъзан кўзга кўриниши-ю Исо (а.с.)нинг кўкка кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлганига ишора қилинади. Бу ишоралар Ҳизр (а.с.)нинг “*оби ҳаёт*” – тириклик суви ёки “*оби зиндагоний*” – абадийлик суви деб аталувчи ўлим топмаслик рамзи бўлган сувни Илёс пайғамбар ҳамда Искандар Зулқарнайн билан ҳамроҳликда қоронғуликдан излаганлари, Искандарнинг йўли айро тушиб, Ҳизр ва Илёс пайғамбар бир ерда қовурилган балиқни ейиш учун ҳозирлик кўриб, қўлларини ювганларида, Ҳизр (а.с.)нинг кўлидан томган томчидан балиққа жон кириб, унинг сувга сакрагани, иккала ҳамроҳ бу сувнинг “*оби ҳаёт*” эканлигини билиб, ундан қониб-қониб ичганлари ва иккалаларига ҳам бу сирдан Искандарни хабардор қилмаслик амр этилганлиги, бошқа бир ривоятга кўра эса Искандарнинг қоронғулик водийсига киришдан кўрққани боис “*оби ҳаёт*”дан маҳрум бўлгани-ю, унга эришган Ҳизр (а.с.) куруқликда, Илёс (а.с.) бўлса денгизда қолганларга мадад кўрсатиши билан боғлиқ ривоятларни хотирга келтиради.

Аёнлашадики, Навоий бу ривоятлардаги қоронғулик рамздан илҳомланиб, уни маъшуканинг айни рангдаги “хатти”га қиёслади ва унга абадийлик маъносини шундай илоҳий сирдан хабардор қилувчи рамз сифатида мужассамлаштиради. Исо (а.с.)нинг ўлиққа жонбахш этиш мўъжизаси Навоийга маъшуқа лаби тимсолининг юқорида қайд этилган ирфоний маъноси билан ўзаро уйғунлик ҳосил қилишини бадиий кашф этишига омил бўлган бўлса, унинг “ниҳонлиги” замирида эса яҳудийлар Исо (а.с.)ни макр ишлатиб ўлдирмоқчи бўлганларида, Аллоҳ унга бирор зарар етказмай, уни Ўз ҳузурига – самога кўтаргани билан боғлиқ қуръоний қиссага ишора қилинади.

Кейинги байтда маъшуқа хатининг лаб устидалиги-ю лабнинг юзда ўринлашганига мувофиқ, Ҳизр (а.с.)нинг тириклик суви булоғи олдида-ю Исо Масиҳнинг Қуёшдан маскан туггани тасвирлари маъшуканинг илоҳий мазҳар ҳолида тасвирлашга имкон яратган. “Меърожнома”ларда бадиий ифодаланишича, пайғамбаримиз меърож тунида Қуёшнинг маскани бўлган тўртинчи фалакда Исо Масиҳ билан учрашади. Навоий ғазалларида Исо Масиҳ ва қуёш тимсолларининг мувозий (ёндош) қўлланишида айни лавҳаларга ишора этилиши улуғ шоир тафаккур ва тахайюл оламининг бениҳоя кенглигидан дарак беради. Ҳизру Масиҳ маъшуканинг хату лабини Ҳизрнинг зулматдан (*хат билан уйғун қоралик*), Исо Масиҳнинг эса фалакдан (*юз ва қуёш уйғунлиги*) ногоҳ кўриб қолганларида, Исо (а.с.)га хос жонбахш этишу Ҳизр (а.с.)нинг келажакни билиш мўъжизаларини хату лабдан қизғанмасликлари (3-байт), хату лабдаги айни мўъжизакорлик боис, эҳтимолки, уларнинг кўздан ғойиб бўлиб қолганликларига (4-байт) алоқадор ҳусни таълил – санъаткорона чиройли далиллашлар ўша тасвири тадрижий ривожлантирган. Маъшуқа нафасининг “*Рухул қудс*” – пок рух, яъни Жаброил (а.с.)га нисбатланиб, гўё ундан файз этиши билан икки пайғамбарнинг жонланиб, “*умри муаббад*” – абадий умр топишларию (5-байт) маъшуканинг нафасидан эмас, балки унинг гулшанидан эсан майин шабададан нотавон Ҳизру Масиҳнинг ҳалок қилувчи хасталиқдан сихат топишлари билан боғлиқ адабий лавҳалар (6-байт) муболағавий тасвири авж нуқтага кўтарган.

Еттинчи байтдан маъшуканинг ҳоли тасвири ирфоний моҳият касб этувчи адабий манзаралар билан муайянлаштириб борилади. Ошиқнинг маъшуқа хатидан лаълига этишиши-ю ундан ҳаёт топиши тасвири унинг нафсдан ғолиб келиб (хатнинг қоралиги), илоҳий сирдан воқиф бўлишининг рамзий ифодаси бўлса, хату лабнинг ошиқнинг хаста жонига Ҳизру Масиҳ бўлганлиги ошиқнинг илоҳий маърифатдан файз олганини англатади. Саккизинчи байтда айни ҳол солиққа ибрат сифатида тасвирланади. Ҳизру Масиҳнинг маҳвий шухуд – кўринишда маҳв бўлишлари хату лабда сингиб кетишларини англатади. Бунинг моҳиятига етган солиқ фоний таважжух – йўқликка юзланишдан тараддудланмаган – иккиланмаган бўларди. Зеро, бу маҳвий шухуд – фонийлик замиридан иллатлардан фориғ

NAVOIY GULSHANI

бўлиш ҳам назарда тутилади. Дайр пири, мажозан иршод мақомидаги пирнинг кўллагани боис муғбачанинг майидан лирик қаҳрамоннинг тирилтиргани замирида эса ошиқнинг илоҳий файздан баҳра олгани аёнлашади. Шу боис шоир наздида дайр пирию муғбача Ҳизру Масих сифатида талқин этилади. Кўринадики, икки пайғамбар образидаги функционал яқинлик илоҳий мазҳарнинг хат ва лаб сингари узвларига келажакдан, илоҳий маърифатдан огоҳлик, абадий ҳаёт бахш этиш сингари маъноларни юклашга замин ҳозирлайди.

Навоийнинг ушбу ғазалида шухудий тавҳидга таянилган тажаллий билан боғлиқ тасаввуфий тушунчадаги оламдаги барча яратилган Унинг Ўзи бўлмаса-да, бироқ ундан тамомила айри эмас, деган ғоядан илҳомланиб, маъшуқа тимсоли воситасида инсон улуғланганлиги кузатилади. Бу билан улуғ шоир фақат инсоннинггина комил мазҳар – илоҳий жамолни ўзида мужассамлаштирган кўриниш бўла олишини Ҳизру Масих тимсолларига таянган ҳолда бадий кашф этади. Ундаги бадий кашфиётлар шеърхон туйғуларини жунбушга келтириш билан кифояланмай, илоҳий маърифатдан рамзлар воситасида сабоҳ бериши билан айрича моҳият касб этади.

УДК: 342: 323. 001. (575.1)

**ЖАМИЯТНИНГ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДА
СИЁСИЙ МЕНЕЖМЕНТНИНГ ЎРНИ**

**РОЛЬ ПОЛИТИЧЕСКОГО МЕНЕДЖМЕНТА ДЛЯ
УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА**

**THE ROLE OF POLITICAL MANAGEMENT FOR THE SUSTAINABLE
DEVELOPMENT OF THE SOCIETY**

Дехканов Наримон Бурханжанович
НамДУ доценти, т.ф.н.

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда давлат ва халқ ўртасидаги муносабатлар ҳамда жамиятни демократлаштириши жараёнида сиёсий менежментнинг ўрни масалалари ёритиб берилган. Бугунги кунда сиёсий менежмент соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш, давлат бошқаруви соҳасидаги замонавий кадрларга қўйиладиган талаблар тўғрисида фикр юритилади. Шунингдек, сиёсий менежмент фанининг шаклланиши, унинг институтлашуви, фундаментал қонунлари, принциплари таҳлил қилинади. Бу фаннинг тарихий кўринишлари, жумладан, Амир Темур, Абу Наср Фаробий, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк каби мутафаккирларнинг фикр-мулоҳазалари баён қилинади.

Таянч сўзлар: давлат, халқ, сиёсий менежмент, горизонтал ва корпоратив бошқарув, сиёсий бренд, спичмейкер, парламентар лоббиллик, сиёсий PR, сиёсий имижмейкинг, сиёсий реклама.

Аннотация. В данной статье рассматриваются отношения между государством и нации, а также вопросы политического управления в процессе демократизации. В настоящее время идет подготовка кадров в сфере политического менеджмента и новые требования к современному персоналу в государственном управлении.

Ключевые слова: государство, нация, политическое управление, горизонтальное и корпоративное правление, политический бренд, спикермейкер, парламентское лоббирование, политический пиар, политический имиджмейкер, политическая реклама.

Abstract. In This article there is considered the relationship between state and nation, and issues of political governance in the process of democratization. Currently, there is ongoing training in the field of political management and new requirements for modern personnel in public administration.

Key words: state, nation, political management, horizontal and corporate government, political brand, speechmaker, parliamentary lobbyism, political PR, political imagemaker, political advertising.

Мамлакатимизда 2017 йилдан бошланган туб бурилиш – сўзда эмас, амалда халқ ҳокимиятчилиги, демократияни жамият ҳаётининг барча соҳасида, хусусан, давлат бошқарувида ҳам қарор топа бошланганлиги – Ўзбекистонда сиёсий соҳа модернизациялашувининг яққол кўринишидир. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган пурмаъно шиор остида халқ, жамият ишига фидойилик, мамлакат келажига алоқадорлик ва ватанпарварлик туйғулари ётишини ҳар бир ватандошимиз ҳис қилмоқда, давлатга, давлат бошқарувида кун сайин ишончи ортмоқда. Бу бир томондан. Иккинчи томондан тез ривожланиш стратегияси давлат ва жамият бошқаруви ишига замонавий талаблар қўймоқда, янги типдаги бошқарув кадрлари поғонаси, бошқарув элитасини шакллантиришни тақозо этмоқда. Бу шароитда сиёсий менежмент бўйича чуқур илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш бугунги сиёсий ҳаётнинг энг муҳим, долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда. Ушбу бобда юқорида баён қилинган методология асосида Ўзбекистонда сиёсий соҳа модернизациялашувида сиёсий менежмент

ва сиёсий PRнинг ўрни, сиёсий соҳа модернизациялашувида ментал ва умуминсоний хусусиятларнинг зиддиятлари, демократия шароитида горизонтал ва корпоратив бошқарув – сиёсий PR ривожланувининг мезони ва талаби эканлиги тадқиқ ва таҳлил қилинади.

Методологик жиҳатдан олиб қараганда, давлат бошқаруви ҳақидаги фан – сиёсий менежмент фанининг шаклланиши, унинг институтлашуви, фундаментал қонунлари, принциплари яратилишини тақозо қилиши билан бирга бошқарув масаласи бўйича малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган қатор ижтимоий, гуманитар ва техник фанларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишга эришишини талаб қилади. Масалан, ҳар қандай бошқарув жамоатчилиги билан алоқа технологияси, PR ижтимоий психология, жамият ахлоқи, тарихи, шу жумладан, фалсафасини ҳисобга олишни, ушбу фанлар методларида фойдалана олишни тақозо этади.

Бевосита жамият бошқаруви билан боғлиқ фанлар – социология ва политология бу масалада етакчи ўрин тутаяди. Чунки ушбу фанлар воситасиз замонавий бошқарув кадрларини тайёрлаш асло мумкин эмас. Бу масалада жаҳон таълим тажрибаси мавжуд. Масалан, бугунги Россияда давлат бошқаруви бўйича М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида алоҳида факультет бир неча йилдан буён фаолият юритиб келмоқда, давлат бошқаруви учун малакали кадрларни етиштирмоқда. Албатта, Ўзбекистонда ҳам Президент ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси фаолият кўрсатади. Бироқ бу ишни қуйидан – олий таълимдан йўлга қўйиш, бизнингча, анча самарали бўлиши мумкин. Бир неча ой ёки бир-икки йилда ижтимоий соҳа бўйича махсус билимларга эга бўлмаган кишини бошқарув ишлари бўйича етук мутахассис қилиб тайёрлаш мушкул иш. Бу вақт билан боғлиқ.

Тадқиқотчи М.Т. Атамуратов “Раҳбар ва бошқарув кадрларини тайёрлашнинг сиёсий – стратегик мақсади бошқарув соҳаси учун салоҳиятли кадрларни танлаш тизимининг замонавий технологияларини ўрганиш ва Ўзбекистонда татбиқ этиш имкониятларини тадқиқ этиш”ни [1, 8] тақлиф қилади. Ушбу олимнинг бундай даъватига ҳурмат юзасидан қараш билан бир қаторда шуни таъкидлаш зарурки, кадрлар “танланмайди”, бу ўтмиш тоталитар – авторитар тузум инерцияси, кадрлар етиштирилади, тарбияланади, сиёсий талаффузда “сиёсий элита рекрутация” қилинади. Бугунги раҳбар кадрлар “танлаш” тизими ўзини оқламади, давлат бошқарувида кадрлар алмашинуви, қўнимсизлиги динамикаси юқори бўлиб келмоқда. Бунинг бош сабаби – “танланган” кадрларда ислохотлар стратегиясининг туб моҳияти ва мақсади ҳақида сиёсий билим ва малаканинг камлиги, давлат бошқарувидек мураккаб фаолият учун сиёсий масъулиятнинг етишмаслиги. Асосий сабаб эса – олий таълим тизимида давлат бошқаруви соҳаси учун ихтисосликнинг йўқлигидир.

Стратегик жиҳатдан қараганда, давлат раҳбар кадрлар тизимида икки бошқарув тармоғи – давлат бошқаруви (public administration, public policy) ва менежмент (management, business administration) ўзаро уйғунлашади, зеро сиёсий билимлар иқтисодий билимларсиз самара бермай қолади, бозор муносабатлари шароитида ҳам сиёсий иқтисоднинг роли ва ўрни кенгайди. Зеро, бозор муносабатлари ҳам сиёсий бошқарувсиз боши берк кўчага кириб қолиши ёхуд миллий иқтисодни таназулга юз тутишига олиб келиши эҳтимоли доимо мавжуд.

Албатта, 2017 йилда қабул қилинган “Маъмурий ислохотлар тўғрисида”ги қонун ва концепция иқтисодий соҳага катта эркинликлар беради, бироқ сиёсий менежментсиз ҳар қандай эркинлик “оғиши”, кўзланган мақсаддан четга томон ривожланиши мумкин. Бу мулоҳазалардан кўзланган мақсад – сиёсий менежмент иқтисодий асос юксалишига қаратилганлиги, миллий иқтисоднинг, демак, халқ фаровонлигининг ошувидек буюк орзуга йўналтирилганлигини асослашдир.

Сиёсий менежмент давлат бошқаруви кадрларидан фундаментал билимларга эга бўлишликни талаб қилади. Бу билимлар иқтисодий, ҳуқуқий ва гуманитар фанлар ёрдамида олинади. Масалан, раҳбар ходим иқтисодий назария асослари, иқтисодий таълимлар тарихи, микро ва макроиқтисодиёт, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, бюджет, давлат молиялаштирилиши, ҳуқуқий фанлардан эса конституциявий ҳуқуқ,

маъмурий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи, молия ҳуқуқи ва бошқа фанлар, гуманитар фанлардан эса фалсафа, мантиқ, психология, социология, табиий фанлардан география, математика, компьютер, ахборот-коммуникация каби фанлардан хабардор бўлишдан ташқари уларга оид билимларга эга бўлиш шарт. Албатта, бошқарув кадрларини тайёрлашда эклектикадан қочиш лозим. Юқоридаги фанларни бошқарув мақомида ўқитиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимиз тарихида сиёсий менежмент тажрибаси деярли йўқ ҳисоб, сиёсий бошқарувни, одатда, монарх (подшо, шох, султон, амир) яккаҳокимлик мақомида амалга оширган. Албатта, Соҳибқирон Амир Темур давлат бошқарувида маслаҳат – машварат принципига амал қилган [2, 24].

Амир Темур томонидан ёзилган “Тузуқлар”да “Салтанат ишларининг тўққиз улуши машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилиши” [3, 25] таъкидланади. Амир Темур давлат бошқарувида икки хил кенгаш – катта ва кичик кенгаш русуми бўлган. Катта кенгаш тинч, уруш бўлмаган вақтда, одатда, салтанат пойтахти Самарқандда бўлиб ўтган. Ушбу кенгашда вазирлар, олий руҳонийлар вакиллари, Амир Темурнинг қариндош-уруғлари, бош вазирлар, амирлар, улус, туманбошилар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбоши, “баҳодир” унвонига сазовор бўлган аскарлар қатнашган. Катта кенгашда мамлакат ҳаёти билан боғлиқ турли масалалар муҳокама қилинган.

Кичик кенгаш эса тор доирада бўлиб, стратегик ҳарбий режалар (узоқ мамлакатларга юриш, ҳарб масалалари) муҳокама қилинган. Бугунги замонда эса сиёсий бошқарув демократия шароитида амалга ошмоқда, яъни янги мутахассисликлар – имижмейкер, спичмейкер, ёрдамчи ва маслаҳатчилар иштирок этмоқда. Ҳозирги замон сиёсий жараёнлари давлат бошқарувида янгидан-янги мутахассисларга (психолог, социолог) эҳтиёжни юзага келтирди. Масалан, сиёсий бренд, сиёсий ихтилофларни бошқариш, парламентар лоббиллик, сиёсий PR, сиёсий имижмейкингсиз сайлов компанияларини тасаввур қилиш қийин. Чунки ҳақиқий демократик сайловлар очик, шаффоф табиатида, муқобиллик асосида ўтади. Бундай шароитда имижмейкинг (инглизча image – образ, making – яратиш, ишлаб чиқариш) алоҳида аҳамият касб этади. Сайлов компанияларида сиёсий менежментнинг электорал менежмент кўриниши, унда қўлланиладиган сиёсий технологиялар у ёки бу сиёсий номзод тақдирини белгилайди.

Сиёсий менежмент билан боғлиқ юқорида келтирилган ихтисосликлар дунё миқёсида ва мамлакатимизда ҳам демократик кадриятларнинг шаклланиши билан боғлиқ [4, 87, 489]. Гарчи сиёсий менежмент ҳодисаси давлат бошқарувида қадимдан кузатилган бўлса-да, у демократия каби тарихий эволюция жараёнини бошидан кечирди. Мамлакатимиз тарихида эса Амир Темур давлатчилигигача, илк ўрта асрлардаёқ ҳуқуқий давлат ва фозил жамият ғояси шаклланди. Бундай ғоянинг шаклланишида Абу Наср Фаробийдан ташқари Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғуний, Низомулмулк каби мутафаккирлар хизмати катта бўлган.

Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғунийнинг “Қутдғу билиг” (“Саодатга бошловчи илм”) асари 1069 йили ёзилган бўлиб, унда “ҳожиб”, яъни маслаҳатчига қўйиладиган талаблар изоҳланади. Шохнинг давлат масалалари билан шуғулланувчи маслаҳатчиси (Ҳожиб) Юсуф Хос Ҳожиб фикрича, 10 та фазилатга эга бўлмоғи лозим. Улар қуйидагича:

1. Ўткир нигоҳлик (фаросатли).
2. Сак қулоқ – тўғри эшитувчи (тушунувчи).
3. Кенг кўнгил – бағри кенг.
4. Юзи кўркем.
5. Келишган қоматли.
6. Ширин сўзли.
7. Ўткир зеҳнли.
8. Ақли расо.
9. Комил илмли.
10. Соғлом ақлли [5, 40].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, давлат бошқаруви тизимида беодоб, калондимоғ, фуқароларни менсимайдиган, ҳақорат қилувчи давлат бошқарувчиларига санаб ўтилган фазилатлар қаторида ўрин йўқ.

Президент Ш.М. Мирзиёев бошлаб берган давлат бошқаруви сиёсати буюк бобокалонларимиз яратган давлатчилик концепциясига ҳамоҳанг бўлиб, “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилади” деган пурмаъно шиор ҳақиқий демократизм принципнинг ҳаётимизда қарор топиши учун илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий менежмент мамлакатимиз шароитида давлат ва жамият бошқарувида оид илмий меросимиз ва умуминсоний бошқарув кадриятларига уйғунлашган ҳолда намоён бўлмоқда. Бу жараёнда бир томондан миллий давлатчилигимиз, уни бошқаришга оид ментал, тарихий ва руҳий эмоционал хусусиятлар билан инсоният томонидан эришилган сиёсий кадриятлар ўзаро уйғунлашади, мамлакатимизни, ўз навбатида, жаҳон ҳамжамиятининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётига интеграциялашувини таъминлайди. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошланган сиёсий модернизация жараёни 2017 йилга келиб, ўзининг кульминациясига етди – шу йилдан бошлаб сиёсий ислохотлар жараёни тезлашди, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги мисли кўрилмаган даражада ошди.

Бу жараёнда сиёсий менежмент сиёсий бошқарувга ҳам қатор талаблар қўймоқда – давлат бошқарув тизимида фаолият олиб борувчи раҳбар кадрлардан эски, буйрукбозликка, одамларни кўрқитиш ёки жазолаш орқали бошқариш услубидан тезроқ воз кечиш, демократия талаблари асосида иш юритишни талаб қилади.

Буни республикаимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2016 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қилган маърузасида рўй-рост таъкидлади: “Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари – барча даражадаги ҳокимликлар, халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришни давом эттиришимиз зарур... Асосий вазифа – юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантириш лозим” [6, 162-163]. Бу вазифа ўз-ўзидан, масалага илмий, яъни сиёсий фан – политология методларини қўллашсиз амалга ошмайди.

Жамиятни илмий бошқаришгина амалий натижаларни беради. Зеро, жамият ўта мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлиб, унда ижтимоий ривожланишнинг объектива субъекти диалектан бирлик ва зиддиятда туради. Буни аниқлаш учун сиёсий менежмент методологиясига мурожаат қилиш, унинг назарий ва эмпирик методларидан унумли фойдаланиш малакасига эга бўлмоқ зарур. Бугунги давлат ва жамият бошқарувини, уни модернизациялаш жараёнини сиёсий менежментсиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, демократиялашув жараёни бошқарилмаса, юқорида таъкидлаганимиздек, тескари натижа бериши, ижтимоий беқарорлик, ижтимоий хаосни келтириб чиқариши мумкин эканлиги қатор мамлакатлар тажрибаси – Россия Федерациясининг XX асрнинг 90 йиллари билан бошлари, бугунги Украинадаги ижтимоий беқарорлик, фуқаролар ўзаро уруши мухити тасдиқлайди.

Энг ёмони шундаки, агар маҳаллий сиёсий менежмент йўлга қўйилмаса, бундай менежмент ташқи геосиёсий кучлар томонидан амалга оширилиши, демократиялаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ниқоблари остида “рангли инқилоб”ларга ижтимоий шароит яратилиши мумкин. Жаҳоннинг турли ҳудудларида содир бўлаётган демократик транзит жараёнларида бундай тенденцияни кузатиш мумкин. Таниқли давлат арбоби, сиёсатшунос, олим Р.Рейган маъмуриятида давлат котиби лавозимида фаолият кўрсатган З.Бжезинскийнинг “Буюк шахмат тахтаси” номли асарида ёритилган “катта сиёсий ўйин”лар, уларнинг стратегик мақсадлари бу фикрларни тасдиқлайди [7, 146, 156-157].

Сисий менежмент фақат локал, яъни маҳаллий сиёсий жараёнларнинг бошқариш масаласи билангина эмас, балки ушбу жараёнларга ташқи сиёсий кучларнинг ҳам таъсири

масаласи билан шуғулланади. Тан олиш лозим: бой табиий ва инсон капиталига эга Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёнларини халқаро муносабатларсиз айри ҳолда олиб қараш мумкин бўлмайди. Бу жиҳатни нафақат биз, балки обрўли ташқи сиёсат соҳасидаги мутахассислар ҳам эътироф этишади [8, 98].

Ўзбекистонда кечаётган сиёсий модернизация жараёнлари ва унда сиёсий менежментнинг ўрни ва роли сиёсий менежмент методологиясини аниқлаш ва ёритишсиз мумкин эмас. Сиёсий менежмент – том маънода аҳоли билан мулоқот, унинг онги ва фаолиятини муайян мақсадга йўналтириш демакдир. Сиёсий менежмент муайян натижага олиб боради. Бунда сиёсий технологиялар катта роль ўйнайди. Бугунги шароитда сайлов технологияларини илмий асосда амалга ошириш мамлакатимиз сиёсий соҳасини, унинг сиёсий тизимини модернизациялаштириш, ўзини-ўзи бошқариш принципига асосланган фуқаролик жамияти ва қонун устувор бўлган миллий ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш учун бениҳоя муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий менежментга эҳтиёж давлат бошқарувидаги очиклик, ошкоралик ва шаффофлик даврларида айниқса ортади. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилдан эътиборан жамият ва давлат бошқарувида янги сиёсий институт – “Халқ қабулхоналари” ташкил этилди. Президент билан мулоқот қилиш имконияти ҳам пайдо бўлди – бевосита Президентга унинг портали орқали мурожаат қилиш, ҳар бир фуқарони ўз “дарди”, “ташвиши”ни изҳор қилиш одатдаги ҳол бўлиб қолди, сўзда эмас, балки амалда ҳақиқий халқ ҳокимиятчилиги, демократия принципи ҳаётда қарор топа бошлади. Ахборот жамияти шароитида ахборот жараёнини бошқариш, унинг менежменти шу боис катта аҳамият касб этади [9, 164].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар сиёсий менежмент институтини такомиллаштириш, янги типдаги ва характердаги бошқарув тизими кадрларини шакллантиришсиз самарадорлиги ошмайди. Зеро, барча ўзгаришларнинг асосий субъекти инсон, раҳбар шахслар, менежерлардир. Сиёсий менежмент ва сиёсий PR айнан бир ҳодиса эмас. Сиёсий менежмент демократия, плюрализм, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган, қонун устувор бўлган, ОАВ эркинлиги легитимлиги таъминланган ижтимоий маконда мумкин бўлиб, сиёсий PR, сиёсий реклама, лоббизм каби сиёсий субъектлар асосида ва иштирокида содир бўладиган жамият ва давлатни идора этиш, бошқариш феноменидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Атамуратов М.У. *Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялаштириш жараёни. – Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2018.*
2. Ғоибов Н. *Амир Темур даври маънавияти. – Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти, 2001.*
3. *Темур тузуклари. – Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти, 1991.*
4. Почепцев Г.Г. *Коммуникативная технологии XX века. – М.: Рефлбук, Виклер, 1999; Связи с общественностью в политике и государственном управлении. Под общ. ред. В.С.Комаровенного. – М.: РАГС, 2001.*
5. Ёқубов А. *“Қутадагу билиг”да давлатчилик концепцияси. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси наشريёти, 1997.*
6. Мирзиёев Ш.М. *Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. 1-том. – Т.: Ўзбекистон, 2017.*
7. Збигнев Бжезинский. *Великая шахматная доска. – М.: Международные отношения, 2006.*
8. *История Российская внешней разведки. В шести томах. – М.: Международные отношения, 2014.*
9. Мўминов А. *Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. – Т.: Turon zamin ziyo, 2013.*

УДК: 316.754

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚОНУНЧИЛИК ТЕХНИКАСИ
ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫЕ МЕТОДЫ В РЕАЛИЗАЦИИ НОРМНОГО ТВОРЧЕСТВА
LEGISLATIVE TECHNIQUES IN THE IMPLEMENTATION OF NORM CREATIVITY

Эсанов Анвар Шухратович

Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

Аннотация. Ушбу мақолада қонунчилик техникасининг энг муҳим талабларидан бири – ҳар бир яратилган қонун, энг аввало, мантиқий мунтазамликка асосланган ҳолда, олдинги норманинг мазмунидан келиб чиқадиган нормалар тизимидан иборат бўлиши кераклиги таъкидланган. Шунингдек, ҳар бир норма қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат – яхлит бир тизимнинг мустақил, бироқ ўзигача ва ўздан кейинги нормаларга мазмунан боғлиқ бирлиги сифатида жойлашгани лозимлиги ёритилган.

Таянч сўзлар: қонунчилик техникаси, қонун лойиҳаси, қонун тили, норма ижодкорлиги, маҳаллий ҳокимият органлари, ҳуқуқий ахборот.

Аннотация. В этой статье подчеркивается, что одним из наиболее важных требований законодательной техники является то, что каждый созданный закон должен состоять из системы норм, основанных, прежде всего на содержании предыдущей нормы, основанной на логической закономерности. Также указывается, что каждая норма должна располагаться как закон или иной нормативно-правовой документ – как единое целое системы как самостоятельной, но отдельной и подчиненной нормам.

Ключевые слова: законодательная техника, законопроект, язык права, нормотворчество, местные органы власти, правовая информация.

Abstract. This article emphasizes that one of the most important requirements of the legislative technique is that each created law should consist a system of norms derived primarily from the content of the previous norm, based on logical regularity. It is also stated that each norm should be located as a law or other normative-legal document - a unit of a holistic system as an independent, but separate and subordinate to the norms.

Key words: legislative technique, bill, language of law, rule-making, local authorities, legal information.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида қонун ижодкорлиги фаолияти соҳасида туб демократик ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, қонунчилик ҳокимияти органининг икки палатали парламент сифатида қайта шакллантирилганлиги қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва самарадорлигининг ошишига олиб келди. Шу билан бирга, қонун ҳужжатларини қабул қилиш жараёнининг ҳамда ушбу жараён асосида яратиладиган қонунларнинг сифати ва мукамаллиги кўп жihatдан қонунчилик техникасини такомиллаштиришга, ундан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тегишли юридик адабиётларда қонунчилик техникаси норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тузиш бўйича қоида ва усуллар йиғиндиси, ҳужжатнинг ички тузилиши, унинг тили ва услуби, ҳуқуқий атамашунослик (юридик терминология), қонун лойиҳаларини бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш санъати сифатида тавсифланади. Унга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тез ва пухта тайёрлашнинг ташкилий-техник қоидалари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўшимча ва ўзгартишлар киритишни тўғри ташкил этишнинг усули ҳамда қонун лойиҳасини тузишда қонуншунос фикрини яна ҳам аниқроқ ифодалаш воситаси сифатида қаралади.

Шу билан бирга, мутахассис олим Ш.Н. Кўчимов таъкидлаганидек, бу борадаги муаммоларнинг кенг қамровлилиги, мураккаблиги сабабли қонунчилик техникасини ўрганиш объекти, предмети, кўлами, доираси, чегараси каби масалалар бўйича ҳуқуқшунос

олимлар ўртасида турли тортишув, баҳс, мунозаралар, хилма-хил фикрлар, баъзан бир-бирига зид қарашлар ҳам мавжуд [5].

Қонун тили ва техникаси билан боғлиқ масалалар ҳақида буюк француз мутафаккири Шарль Луи Монтескьенинг “Қонунлар руҳи ҳақида” номли асарида ёритиб берилган. Унда қонун тили, унинг мазмун ва моҳияти тўғрисида шундай дейилади: “Қонун тили барча фуқароларга бир хил тушунча бериши, унда тушунарсиз жумлаларга йўл қўйилмаслиги, қонунчилик услуги ўзининг қисқа ва аниқлиги билан ажралиб туриши лозим” [6]. Шунингдек, Ш.Монтескье давлат органлари, маъмурият, жамоатчиликни қонунлар ҳамма тушунадиган тилда ёзилиши кераклиги ҳақида бир неча марта огоҳлантирган.

Ушбу давр етук ҳуқуқшуноси А. Штосс эса қонун чиқарувчи фикрини қанчалик содда курса, матн шунча тушунарли ва аниқ бўлади, деб ҳисоблайди. “Олий мақсадлар учун, деб таъкидлайди ҳуқуқшунос Б. Вах, қонунларни шундай таҳрир этиш лозимки, натижада улар ниҳоятда содда ва ҳамма учун тушунарли бўлсин”[9].

Айниқса, XIX аср немис ҳуқуқшуноси Р.Иеринг қонунчилик техникаси, қонун тили масалаларига алоҳида аҳамият берган. У ўз асарларида: “Ҳуқуқшунос бўлмаган фуқароларга ҳуқуқий билимларнинг тушунарли бўлиши учун ҳуқуқнинг халққа сингиб кетган ифода воситаларидан кенг фойдаланиш лозим”, деб ёзади [4].

Қонунчилик тилига расмий хусусиятлар, яъни аниқлик, оддийлик, лўндалик, қисқалик каби хусусиятлар ҳам тегишлидир. Ҳуқуқий воқелик расмиятчиликсиз бўлмайди, чунки ҳуқуқ билан ўрнатилган тартибот расман шакллантирилган андозасиз мавжуд бўла олмайди. Демак, ўз-ўзидан қонун ижодкорининг иродасини махсус шакл ва усулларда баён қилиш зарурати юзага келади. Қонунчилик матнида қатъий усул, аниқлик ва яхлитлик талабларига риоя этиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, қонунчилик ҳужжатлари аҳолининг кенг доирасига қаратилган бўлади. Шу боис қонунчилик тилининг ўта мураккаб ва сунъий тарзда катта ҳажмли бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Бинобарин, қонунчилик ҳужжатлари аниқ ва тушунарли бўлиши ҳамда улар келажакда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилганлиги ва давлат иродасини ифодалаш билан ҳам тавсифланади.

Шу билан бирга, бугунги кунда илмий ва технологик тараққиёт ҳамда ривожланиш жараёнларининг жадал суръатлар билан кечаётганлиги ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ва ўз-ўзидан қонун тилининг ҳам мураккабланишига олиб келади. Шу жиҳатдан олганда, бундай шароитларда қонунчилик тилини жуда ҳам оддий тарзда баён этиш ва барча учун тушунарли бўлишини таъминлаш анча мураккаб масаладир. Бундан ташқари қонун тилини сунъий ва мақсадга мувофиқ бўлмаган тарзда соддалаштириш ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўз ўрнида, қонун ижодкорининг иродаси нисбатан камроқ атамаларни қўллаган ҳолда ифодаланиши амалиёт учун ижобий аҳамият касб этади. Қонунчилик ибораларининг лўндалиги, ўз навбатида, уларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлайди. Қонун матнининг қисқа ва мухтасар ифодаланиши, унинг мазмун-моҳиятини тушунишни ҳамда амалиётда ижросини таъминлашни енгиллаштиради.

Умуман, тарихан қонун тузиш услубиятига ҳуқуқшунослар томонидан нозик бир санъат сифатида қаралган. Унинг нозик жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари махсус фан даражасида ўқитилган ва шу соҳа билан шуғулланувчи махсус мутахассислар тайёрланган. Тарихий манбаларда келтирилишича, маълум бир даврларда ҳуқуқнинг мазмунини, моҳиятини яшириб кўпроқ фойда олиш учун қонунларни халқ тушунмайдиган тилда мавҳум ҳолатда, ниҳоятда узундан-узун тузиш ҳолатлари ҳам бўлган. Баъзан эса қонунлар аҳоли учун тушунарли бўлмаган тилларда қабул қилиш йўли билан ҳуқуқнинг мазмуни яширилган. Жумладан, Ўрта асрларда Ғарбий Европада қонунлар фақат лотин тилида нашр қилинган ва узоқ вақт у расмий давлат тили сифатида юритилган. Лотин тилида қабул қилинган қонунлар кенг халқ оммаси (масалан, немислар) учун тушунарли бўлмаган.

Ҳуқуқ ижодкорлиги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга соладиган, махсус, ўрнатиш бўйича расмий фаолият мақомига эга умуммажбурий нормаларнинг ягона ва

мақсадга мувофиқ тизими сифатида яратиш ва ривожлантириш жараёнидир. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида янги ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Бунда, биринчи навбатда, давлат фаолиятининг белгиланган вазибалари ҳуқуқда ўз ифодасини топади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги турлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги (умумхалқ референдуми);
- давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги (Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва б.);
- алоҳида мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги (Президент, вазирлар, ҳокимлар ва б.);
- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги.

Қонунчилик техникасининг юқори даражада бўлиши қонунда ифодаланувчи ҳуқуқий нормани аниқ ва равшан ифодалаш имконини беради ҳамда ҳуқуқий нормаларнинг нотўғри тушунилиши ёки турлича мазмунда тавсиф этилиши ёхуд шарҳланишига йўл қўймайди. Бу эса муайян қонуннинг амалиётда самарали қўлланилиши имконини беради. Қонунчилик техникаси ўз мазмун-моҳиятига кўра ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашнинг қоида ва услублари йиғиндисидан иборатдир. Қонунчилик техникаси ўз ичига бир қатор масалаларни, жумладан, қонунларни тез ва сифатли тайёрлашнинг ташкилий ва техник қоидаларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчаларни тўғри ва бир хилда киритиш, уларни тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб топиш услубларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжат моддаларида қонун лойиҳасини тайёрловчининг фикрини аниқ, лўнда ва кўпчилик учун тушунарли қилиб ёзиш услубларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тузилишини мақсадга мувофиқ шаклда бўлишини таъминлашни, унинг тили ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Бинобарин, қонунчилик техникаси янги қонун лойиҳасини тайёрлаш, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни, айрим қонун ҳужжатларини бекор қилиш билан боғлиқ бутун фаолият жараёнида қўлланилади. Таъкидлаш жоизки, анча мураккаб бўлган ушбу жараёнда қонунчилик техникасини қўллашнинг самарадорлигини ошириш учун замонавий ахборот-технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, қонун ижодкорлиги фаолиятининг бевосита объекти ва унинг натижаси ҳуқуқий ахборот ҳисобланади. Ўз ўрнида, ҳуқуқий ахборот ўз ичига ҳуқуқни тушуниш бевосита ёки билвосита кўмаклашувчи ёки қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни татбиқ этишга таъсир қилувчи умумэтироф этилган воситалар билан қайд этилган ҳар қандай яхлит ёзувлар(расмий ҳужжатлар, муаллифлик асарлари, ОАВ хабарлари)ни олади. Ҳуқуқий ахборотнинг асосий турларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Миллий ҳуқуқ тизими доирасига кирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.
2. Халқаро ҳуқуқ нормалари.
3. Норматив-техник ҳужжатлар (стандартлар, классификаторлар, қоидалар мажмуи, регламент, уставлар).
4. Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг умумлашган шакллари (Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари қарорлари).
5. Иш юритиш ҳужжатларининг намуналари.
6. Юридик тушунча ва атамалар луғати.
7. Қонун ҳужжатларининг шарҳлари, ҳуқуқий масалаларга оида муаммоли, оммавий, таҳлилий ва илмий ишлар.
8. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини таъминловчи ҳужжатлар айланиши.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқий ахборотларни тўплаш, сақлаш, фойдаланиш жараёнлари, ўз навбатида, замонавий ахборот технологияларини қўллашни тақозо этади. Зеро, глобаллашув ва жамиятни ахборотлаштириш жараёнлари тез суръатларда ривожланиб бораётган бугунги кунда жамият ҳаётининг турли соҳаларида замонавий ахборот технологияларининг роли ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Биз яшаётган ахборот асрида ахборот-коммуникация технологиялари аллақачон бир давлат чегарасидан чиқиб, халқаро миқёс касб этмоқда ва ҳар бир шахс ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Албатта, ушбу жараёнлар, ўз навбатида, жамият ҳаётини ташкил этишнинг барча соҳаларида ахборот алмашинувини самарали йўлга қўйиш ва бунда илғор ахборот технологияларидан кенгроқ фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради. Шу ўринда ахборот технологияларига таъриф берадиган бўлсак, ахборот технологиялари ахборотни сақлаш ва қайта ишлаш билан банд кишилар меҳнатини самарали ташкил этиш усулларини, ҳисоблаш техникаси ҳамда уни ташкил этиш методи, ишлаб чиқариш ускуналари, уларнинг амалий татбиқ этилиши, шунингдек, улар билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва маданий муаммоларни ўрганадиган ўзаро боғлиқ илмий, технологик, муҳандислик фанлари мажмуидир.

Биобарин, ахборот технологияларининг ривожланиб бориши инсоният фаолиятининг турли йўналишларини электрон кўринишга кириб боришига олиб келади. Хусусан, демократлаштириш жараёнларида ахборот технологияларидан фойдаланиш натижасида илмий муомалага электрон демократия термини кириб келди, бунда ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фуқаролар иштирокини кенгайтириш ва демократик институтлар фаолиятини такомиллаштиришда ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот инфратузилмасидан фойдаланиш назарда тутилмоқда.

Қонунчилик техникасида ҳужжатлар билан ишлашни автоматлаштириш жараёнини йўлга қўйиш ҳуқуқ ижодкорлигининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Биобарин, кенг ҳажмдаги ҳуқуқий ахборотни тўплаш, сақлаш ёки уларни қидириб топиш муайян қийинчилик туғдириши, ўз навбатида, мавжуд ҳуқуқий ҳужжатларни электрон шаклга келтириш заруратини келтириб чиқаради. Ўз ўрнида, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжатлар билан ишлашни автоматлаштириш бу соҳадаги фаолият жараёнида жисмоний меҳнатни енгиллаштиришга, янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш муддатини қисқартириш ва соддалаштиришга олиб келади.

Мамлакатимизда турли вазирликлар, давлат қўмиталари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа органлар томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни рўйхатга олиш ва тарқатишни автоматлаштириш, ўз навбатида, мазкур ҳужжатларнинг электрон нусхаларини ҳам яратишни ҳам тақозо этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сонли қарори билан “Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тартиби тўғрисида Низом” тасдиқланган. Ушбу Низомда қуйидагилар белгилаб қўйилган:

- Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламининг ўз вақтида нашр этилишини таъминлаш ва Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини тўлдириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати аппаратлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб бир кун мобайнида уларнинг матнларини қоғоз ва электрон матнларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига жўнатади. Бунда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон матнлари электрон почта тизими орқали Адлия вазирлигига жўнатилади;

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашр этиш, шунингдек, яратилаётган қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базаси давлат ва хўжалик бошқаруви барча органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин ва уларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барча реквизитлари, шунингдек, улар эълон қилинган расмий манбалар ва кучга кириш санаси кўрсатилган бўлиши керак;

- Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини шакллантириш ва доимий равишда янгиланган бориш, маълумотлар базасини сақлаш, маълумотлар электрон базасидан белгиланган тартибда фойдаланишни таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан амалга оширилади [10].

Мамлакатимиз Президентининг фармони асосида Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларидан бири бўлган давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, иқтисодиётда маъмурий-бўйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислохотларини босқичма-босқич амалга ошириб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилиши, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этиш ҳақида таъкидлаб ўтилди.

Бунда айнан туман ҳокимлари чиқараётган ҳар бир қарорларни халқ оmmasига етказишни таъминлаб, шу орқали ортиқча оворагарчиликлар ҳамда коррупцияни олдини олишни мақсад қилиб олган эди десак, ҳеч муболаға бўлмайди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Ушбу фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳудудлардаги мавжуд муаммолар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, амалиётда учрайдиган ноаниқликлар ва мунозарали ҳолатларни аниқлаштириш юзасидан ҳар бир туман миқёсида қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланадиган ишчи гуруҳларини тузиш лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Асадов Ш.Ф. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2012. – 231 б.
2. Бойко Л.М. Законодательная техника: теория и практика. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Т., 1984. – 22 с.
3. Вохидов З. Ўзбекистон Республикасида ҳокимият бўлиниши принципнинг амалий ифодаси. 12.00.02. – Давлат ҳуқуқи ва ва бошқаруви; маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи ихтисослиги бўйича юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2000. – 67 б.
4. Иеринг Р. Юридическая техника. – СПб., 1909. С. 31-32.
5. Кўчимов Ш. Ўзбек қонунчилик техникасининг истиқболлари. // Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси: назария ва амалиёт муаммолари. – Т.: ТДЮИ, 2005. 61-б.
6. Монтескье Ш.Л. Избранные произведения. Гос.издат Политической литературы. – М., 1955. С. 168.
7. Саидов А.Х., Кўчимов Ш.Н. Қонунчилик техникаси асослари. – Т.: Адолат, 2001. – 272 б.
8. Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 205 б;
9. Ушаков А.А. Очерки советской законодательной стилистики. – Пермь, 1967. С.6.
10. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумати қарорлари тўплами. 2000. 8-сон. 47-модда.

УДК: 34

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ КЎРИНИШЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ХАРАКТЕРНЫЕ ЧЕРТЫ И ВИДЫ КОРРУПЦИИ В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ CHARACTERISTIC FEATURES AND TYPES OF CORRUPTION IN EDUCATION

Хамраев Искандар Турсунович

старший преподаватель кафедры теории и методики физической культуры БухГУ,

Тошев Алишер Темирович

преподаватель кафедры теории и методики физической культуры БухГУ,

Итолмазов Алим Хайдарович

студент БухГУ

Аннотация. Мақолада илмий адабиётлар, коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунлар мажмуи таҳлили асосида таълим тизимида коррупциянинг ўзига хос хусусиятлари маълум қилинган. Асосий таълим дастурларини амалга оширувчи таълим ташиқлотлари турларига боғлиқ ҳолда коррупциянинг мавжудлиги (яшаш) соҳаси, таълимда коррупцион муносабатлар субъектлари спецификаси, коррупцион мақсадларнинг хусусиятлари кўрсатилган ва коррупциянинг кўринишлари классификацияланган. Мақоланинг якунида таълим соҳаси иштирокчилари муносабатларида субъектларнинг моддий ёки номоддий фойда олишларини амалга оширишида қонунга зид равишда ўзларининг лавозим мавқеи ва статусидан фойдаланишлари негатив ижтимоий-ҳуқуқий кўриниш эканлиги тўғрисида муаллифлик таърифи ифодаланган.

Таянч сўзлар: коррупция; таълим; тушунча; белгилар; шакллар; кўриниш.

Аннотация. В статье на основе анализа научной литературы, законодательства о противодействии коррупции выявлены характерные особенности коррупции в образовании: сфера существования, специфика субъектов коррупционных отношений в образовании, особенности коррупционных целей, классифицированы виды коррупции по разным основаниям (в зависимости от типа образовательных организаций, реализующих основные образовательные программы). В завершении статьи предложено авторское определение коррупции в образовании, под которым понимается негативное социально-правовое явление, существующие в общественных отношениях в сфере образования и заключающееся в противоправном использовании должностного положения, статуса участниками отношений в сфере образования в целях извлечения выгод материального или нематериального характера.

Ключевые слова: коррупция; образование; понятие; признаки; формы; виды

Abstract. Based on an analysis of the scientific literature and anti-corruption legislation, the article reveals the characteristic features of corruption in education: the sphere of existence, the specifics of subjects of corruption in education, features of corruption goals, types of corruption are classified for various reasons (depending on the type of educational organizations that implement the main educational programs). At the end of the article, the author's definition of corruption in education is proposed, which is understood as a negative social and legal phenomenon existing in public relations in the field of education and consisting in the unlawful use of official position, status of participants in relations in the field of education in order to derive benefits of a tangible or intangible nature.

Key words: corruption; education; concept; signs; forms; types.

Введение. Коррупция существует в разных сферах нашего общества. Научное сообщество изучает особенности коррупции в системе государственного и местного управления, избирательном процессе, спорте, правоохранительной деятельности,

здравоохранении, частном секторе и других областях, а также разрабатываются профилактические меры. Коррупция в образовании не является исключением.

Риск коррупции в сфере образования заключается в том, что процесс образования и обучения, являющийся общественным благом, приводит к соглашению, в котором представитель системы образования получает вознаграждение за использование своего служебного положения. В таких обстоятельствах образование фактически сводится к отношениям купли-продажи, при этом уровень приобретаемых знаний, умений и навыков, ценностных установок, опыта деятельности и компетенции остается за рамки коррупционной сделки. Фактически безграмотный, но получивший диплом в результате использования коррупционных отношений в образовании учитель, врач, строитель, инженер, юрист или другой дипломированный специалист может искалечить ни одну человеческую жизнь в процессе своей «профессиональной» деятельности. Очевидно, что развитие общества и государства при отсутствии способных, квалифицированных, молодых специалистов имеет очень смутные перспективы.

Значимым негативным последствием коррупции в образовании является приобретение обучающимися навыков вступления в коррупционные отношения, урегулирования возникающих проблем коррупционным путем. В таких условиях у молодого поколения ещё со школьной или студенческой скамьи формируется привыкание к коррупции, восприятие коррупции как допустимого явления, закладывается готовность к вступлению в коррупционные отношения в ходе реализации полученных знаний уже в процессе трудовой деятельности.

Нельзя не отметить, что привитию коррупционных навыков у обучающихся способствует сложившиеся в нашем обществе традиции дарения. Стремление граждан задарит, «умаслить», отблагодарить врача, учителя, чиновника далеко не всегда является добровольным актом человеческой благодарности, а скорее выступает как сложившийся в обществе обычай, традиция, своеобразная норма поведения. Вместе с тем традиция дарения (получения) подарков при определенных обстоятельствах может оказаться ничем иным, как бытовым взяточничеством.

Коррупция в образовании представляет собой сложное, пока еще недостаточно хорошо изученное социально-правовое явление. В научной и зарубежной литературе содержатся работы, посвященные общей характеристике коррупции в образовании, детерминантам, а также предложениям по совершенствованию системы предупреждения: З.Н.Абдуллаева [1], И.К.Курпаяниди [2], С.В.Дергачев [3], Н.В.Захаров [4], Г.Л.Ильин [5], П.А.Кабанов [6], А.А.Кирилловых [7], К.Комаласари [8], Jacques Hallak [9], Muriel Poisson [10] и др.

Однако, несмотря на значительное количество научных исследований, посвященных коррупции в образовании, вопрос о понятии коррупции в образовании, ее признаках, формах и видах до сих пор остается открытым. Соответственно, объект предупредительной деятельности, его специфические особенности, а также формы и виды не определены.

Отсутствие системных знаний о коррупции в образовании как об объекте предупредительной деятельности негативно отражается на разработке комплекса эффективных мер противодействия такому виду коррупции.

Приходится констатировать, что в настоящее время педагогические работники, иные представители системы образования, а также обучающиеся и их представители далеко не всегда имеют необходимые знания о коррупции в образовании, об антикоррупционных стандартах поведения, об ответственности за совершение коррупционных деяний.

Целью настоящей работы является выработка на основе изученной научной литературы, законодательства о противодействии коррупции, понятия коррупция в образовании, определение ее характерных черт, форм и видов, а также привлечение внимания научной общественности к обсуждению категориального аппарата коррупции и ее предупреждения в образовании.

Результаты исследования. Рассмотрение специфики коррупции в образовании представляется целесообразным начать с краткого изложения подходов к пониманию

коррупции в зарубежной и нашей доктрине, законодательстве о противодействии коррупции.

Как в нашей, так и зарубежной научной литературе отсутствует общепризнанное определение коррупции.

В зарубежной литературе преобладает широкий подход к пониманию коррупции. Так С.Роуз-Акерман определяет коррупцию как неправомерное использование для личной выгоды [11, с. 55]. Ж.Аллак и М.Пуассон под этим термином понимают «систематическое использование служебного положения в личных целях» [9, с. 33]. Ханс-Вольф Граф характеризует ее как «протivoестественный обмен между несколькими лицами, при котором эти лица (тоже протivoестественно) приобретают преимущества за счет третьих лиц и с нарушением существующих законов и действующий морали» [12, с. 39].

А.Хайденхаймер предложил маркировать коррупцию белым, серым, черным цветами [13, с. 1–5]. «Белая обозначает практики, относительно которых в общественном мнении существует согласие: данные действия не считаются предосудительными. Они, по существу, интегрированы в культуру и не воспринимаются как проблема. Черная коррупция является объектом иного консенсуса: действия осуждаются всеми слоями общества – «когда преобладает согласие элиты и общественного мнения в осуждении и желании наказать ее на основе закона». Серой коррупцией А.Хайденхаймер назвал те практики, относительно которых никакого согласия не существует, когда одни, обычно представители элиты, могут желать наказания коррупционного действия, другие – нет, а большинство может не иметь определенного мнения по этому поводу» [13, с. 89].

Среди сложившегося спектра мнений в нашей доктрине можно выделить два основных подхода к ее определению. Сторонники первого, более узкого подхода предлагают рассматривать коррупцию как подкуп-продажность государственных или иных служащих (как сделку). Сторонники второго подхода включают в объем понятия коррупции помимо подкупа-продажности (сделки) и иные злоупотребления служебным положением в личных целях.

Раскрывая понятие коррупции, авторы характеризуют следующие ее черты: сферу существования, круг субъектов и цели.

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2010 йил 20-22 сентябрь кунлари БМТ Бош Ассамблеясининг 65-сессиясида «Минг йиллик ривожланиш дастури» доирасида қилган маърузаси. // Халқ сўзи. 2010 йил 22 сентябрь.*
2. *Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиши остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 156-б.*
3. *Enger E., Smith B. Environmental Science. A study of Interrelationships. Fifth edition. – USA: The McGraw-Hill Companies, 1995. P. 310.*
4. *Раҳимбоев Ф. Суғоришда қўшимча сув манбаларидан фойдаланиш. – Т.: Ўзбекистон, 1983. 42-б.*
5. *Султонов П.С., Аҳмедов Б.П. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асослари. – Т.: Фафур Фулом номидаги наириёт-матбаа ижодий уйи, «ЎАЖБНТ» маркази, 2004. 119-б.*
6. *Камолов Б. Оролни тиклаш мумкин! // Инсон ва сиёсат. – Т., 1991. 1-сон. 55-56-б.*
7. *Алимов Т.А., Рафиқов А.А. Экологик хатолик сабоқлари. – Т.: Ўзбекистон, 1991. 53-б.*
8. *Micklin P.P. Desiccation of the Aral Sea: A water management disaster in the Soviet Union. // Science, Volume 241. – Washington, 1988. P. 1170.*
9. *Aral'i kurtalarim! // Ipek Yolu. – Türkiye, 1995. №17. S.19.*
10. *Рафиқов А., Эргашев Ш., Исамұхамедова М. Яна Орол ҳақида. // Ekologiya xabarotasi. – Т., 2000. №2-3. 55-б.*
11. *Бисенов Ж.А. Эколого-экономическое использование и охрана земельных ресурсов в Приаральском регионе: Дисс. ...докт.экон.наук. – М., 2000. С. 3.*

УДК: 341.326

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ВА ОЧИЛМАЙ ҚОЛГАН АФҒОН
ФРОНТИ ХУСУСИДА

ВТОРАЯ МИРОВАЯ ВОЙНА И О НЕОТКРЫТОМ АФГАНСКОМ ФРОНТЕ

THE SECOND WORLD WAR AND THE UNOPENED AFGHAN FRONT

Орзиев Маҳмуд Зайниевич

БухДУ жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси,

Аҳмадов Аҳмаджон Асрор ўғли

БухДУ магистранти

Аннотация. Ушбу мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида хоризж айгоқчилари ва Туркистон муҳожирларининг Афғонистондаги фаолияти тарихий манба ва адабиётлар таҳлили орқали ёритиб берилган. Шунингдек, Бухоро ва бухороликларнинг Афғонистон ҳудудида ташкил этган миллий ташкилоти ва унинг фаолияти ҳамда тақдири масалалари бирламчи манбалар асосида таҳлил қилинган. Бундан ташқари немис ва япон айгоқчилигининг Афғонистондаги мағлубиятга учрашининг сабаб ва омиллари ёритилиб ўтилган.

Таянч сўзлар: айгоқчи, совет айгоқчиси, муҳожир, амир, махфий, консул, маслаҳатчи, уруш, босмачи, фронт, чегара, жанг, “Фаол”, фашист, савдо агенти, ўзбек, туркман.

Аннотация. Эта статья объясняет деятельность иностранных шпионов и туркестанских иммигрантов в Афганистане во время Второй мировой войны, анализируя исторические источники и литературу. Также на основе первичных источников были проанализированы вопросы деятельности и судьбы Национальной организации бухарцев и бухарцев на территории Афганистана. Также были освещены причины и факторы поражения немецкого и японского шпионажа в Афганистане.

Ключевые слова: Шпион, советский шпион, иммигрант, эмир, секрет, консул, консультант, война, захватчик, фронт, граница, война, «активный», фашист, агент по продажам, узбек, туркмен.

Abstract. This article highlights the activities of foreign spies and Turkestan immigrants in Afghanistan during World War II by analyzing historical sources and literature. Also, the National Organization of Bukhara and Bukhara residents in the territory of Afghanistan and the issues of its activities and fate were analyzed on the basis of primary sources. In addition, the causes and factors of the defeat of the German and Japanese espionage in Afghanistan have been covered.

Key words: Spy, Soviet spy, immigrant, emir, secret, consul, consultant, war, invader, front, border, war, "Active", fascist, sales agent, Uzbek, Turkmen.

Кириш. Иккинчи жаҳон уруши инсониятга мислсиз фалокатлар олиб келган бўлиб, уруш тугаганига 75 йил тўлган бўлса-да, унинг асоратлари ҳамон сезилиб турмоқда. Уруш даврида унинг иштирокчи давлатлари ўз миллий бойлигининг 60-70 фоизидан ажралди. Урушда жами 110 млн. эркак сафарбар қилинди. Ўша вақтдаги статистикага кўра, дунё бўйича 210 млн. урушга яроқли эркаклар бўлган. 2194 кун давом этган урушда ўрта ҳисобда ҳар куни 17 минг киши қурбон бўлганлиги тарихий адабиётларда келтириб ўтилади [3, 828]. Аммо уруш жабҳаси ҳар дақиқада кенгайиб, унга янги давлатлар, янги қурбонлар, янги вайронкорликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган фронтлар очилиши мумкин эди. Ана шундай фронтлардан бири бу 1943 йилга қадар ўта таҳликали, ҳар дақиқада аланга олиши мумкин бўлган, аммо очилмай қолган Афғонистон фронти эди. Иккинчи жаҳон уруши давомида бир неча бора собиқ СССРга янги фронт очилиш хавфи туғилди. Аммо уруш давридаги собиқ СССР халқларининг матонати, кўрсатган жасорати Афғонистон ҳукмрон доираларининг тийилиб туришига мажбур қилди.

TARIXSHUNOSLIK

Асосий қисм. Афғонистоннинг фашист давлатлари билан яқинлашуви 1930 йилларнинг иккинчи ярмидан бошланди. 1935 йилда Афғонистон билан Япония дипломатик алоқаларни ўрнатади. Тез орада Афғонистонга япон жосуслари фаолияти йўлга қўйилади. Ҳатто, японлар Афғонистон бош вазири Ҳошимхонга махфий шартнома таклиф қилиб, СССР билан Япония ўртасида уруш келиб чиққанда, ҳамкорлик қилишни сўрайдилар. Ҳошимхон расман бу таклифни рад этса-да, Япония айғоқчиларига мамлакатда эркин ҳаракат қилишга имкон яратиб беради. 1935 йилдаёқ Япония жосуси Китада Афғонистон шимоли (Жанубий Туркистон)га йўл олиб, бу ердаги босмачи тўдаларнинг раҳбарлари билан алоқа ўрнатади [10, 198]. 30 йиллар иккинчи ярмида Афғонистонга келган япон ва Шарқий туркистонлик япон айғоқчиларининг асосий вазифаси Афғонистондаги босмачиларни Хитой ҳукуматига қарши Синьцзянда кураш олиб бориш ва Япониянинг Хитой устидан ғалабасини таъминлашга қаратилган эди. Бунинг эвазига японлар Туркистон мустақиллигини ваъда қилганлар [2, 55].

Бундан ташқари 1937 йилда японлар Бухоронинг собиқ амири Олимхон билан ҳам алоқага чиқадилар. 1938 йилда амир Олимхон японлардан катта миқдорда пул олиб, япон айғоқчиларини ўз тарафдорлари билан алоқа ўрнатишга ёрдам беради. Бу ҳаракатлар Афғонистонда фаолият олиб бораётган СССР айғоқчилари назаридан четда қолмайди. Япон разведкаси билан алоқада бўлган Маҳмудбек (Ойқорли) аслида икки томонлама айғоқчи эди. Япон разведкасида унга “Ўзоқбой”, “Қишлоқбой” каби лақабқалар берилган. 1936 йил июнда японлар Шарқий Туркистонда СССРга қарши кураш олиб бориш учун Афғонистондаги босмачиларни ушбу минтақага кўчишини талаб қиладилар. Чунки бу ерда қурол етказиб бериш осон бўлиб, босмачиларни Хитой ва кейинчалик СССРга қарши қўйиш режалаштирилганди.

Маҳмудбек 20 йилларда машҳур бўлган ва Қоратегинда ўз давлатини тузишни орзу қилган Фузайл Махсумни Шарқий Туркистонга юбориб, бу ҳақда СССРни ҳам огоҳлантиради. Фузайл Махсум Хитой томонидан қўлга олиниб, СССРга топширилади [1, 460]. Ана шу воқеликлар жараёнида келиб чиққан дипломатик жанжал натижасида бир қатор япон айғоқчилари, жумладан, Япониянинг Кобулдаги элчихонаси ҳарбий аташеси Асикачи СССРга қарши фаолияти учун Кобулдаги совет элчихонаси талаби билан 1937 йилда Афғонистондан чиқариб юборилади.

Бундан ташқари 1937 йилда Туркия элчихонаси раҳбари Эсендал СССРнинг Кобулдаги элчихонасига Япония айғоқчиси Китада билан келишган босмачилар рўйхатини беради. У берган ҳужжатда Японияга диверсион гуруҳларни тайёрловчи мактабларда ўқиб келиш учун юборилиши кўзда тутилган шахслар рўйхати ҳам келтирилганди. Йирик босмачи гуруҳлар етакчилари Шермухаммадбек (Кўршермат) ва туркманлар етакчиси Эшон Халифа Қизил Оёқлар ҳам ушбу рўйхатда бор эди [10, 199-200]. Бу ҳаракатларнинг барчаси Япония томонидан СССРга қарши олиб борилиши мўлжалланган уруш ҳаракатлари олдидан диверсион гуруҳларнинг тайёрланиш жараёни эди. СССРнинг жанубий чегараларига 1938-1939 йилларда, айниқса, уруш ҳаракатлари бошланиш хавфи ошади. Чунки бу даврда Узоқ Шарқда Владивосток яқинидаги Ҳасан кўли худудида японларнинг СССРга ҳужуми ва Монголия худудларида Халхин-гол дарёси бўйларида Япония ва СССР ўртасида қуролли тўқнашувлар содир бўлганди. Япон разведкасининг Афғонистонда фаоллашиш сабаблари ҳам бежизга эмасди.

Келажақда ўз ғалабаларига қаттиқ ишонган японлар сурбетларча дипломатик қоидаларни менсимай, СССРга қарши Афғонистондаги фаолиятларини давом эттираверадилар. Бунинг оқибатида 1938 йилда навбатдаги дипломатик жанжал содир бўлади. СССРнинг Кобулдаги элчиси К.Михайлов билан учрашган Япония элчиси Китада совет элчихонасидаги дипломатик ёзишмаларни унга кўрсатишни сурбетларча талаб қилади. СССР талаби билан юзага келган дипломатик жанжал Китаданинг Афғонистондан чиқариб юборилиши билан якун топади [8, 210-212]. Япон разведкасининг фаолияти бироз муддатга бўлса-да пасаяди.

1930 йиллар ўрталаридан бошлаб Афғонистонда Германия разведкаси ҳам фаолашган эди. Германия компаниялари “Тод корпорацияси” Афғонистонда савдо ва саноатда, йўл қурилиш ва стратегик аҳамиятга эга иншоотлар қура бошлайди. Бир вақтнинг ўзида немис офицерлари афғон армиясида маслаҳатчи сифатида ишлаб бошлайди. 1937 йилда Берлин-Тирана-Афина-Боғдод-Техрон-Кобул йўналишида Люфтганза компанияси авиалинияга асос солади [7, 270]. Германия билан ҳамкорлик тарафдорларининг сони ҳам ортиб боради. Молия вазири Абдулмажид, Афғонистон амирининг укаси шахзода Довудхонлар бу гуруҳга етакчилик қилганлар. Афғонистондаги таъсирини янада ошириш учун немислар Дюранд линиясида Англия мустамлака чегараси ҳудудида қолиб кетган пуштунлар ва уларнинг Афғонистон давлати билан бирлашиш ғояларини илгари сура бошладилар. Ўзларининг ёрдамларини таклиф этиш баробарида 1938 йилда Афғонистонга 8 млн. марка субсидия бериб, замонавий қуроллар сотиб олишга ёрдамлашадилар [5, 103].

Германия қўмондонлигида Афғонистон орқали Ҳиндистонга юриш қилиш режаси бўлиб, “Ф қўшилмалари” (Генерал Фельми қўмондонлиги остида) “Барбаросса” (СССР)га ҳужум қилиш режасини амалга оширувчи қўшинлар таркибига киритилганди. Унга кўра, 3 та танк, 4 та моторлаштирилган, 6 та тоғ ва 4 та пиёда қўшинлар дивизияси Афғонистон армияси ва Дюранд линиясидаги пуштунлар билан Ҳиндистонга кириб бориши лозим эди. Ушбу қўшинлар тропик ва субтропик иқлимларда жанг олиб бориш учун мослаштириш мақсадида улар Греция ҳудудида шакллантирилганди. “Афғонистон” операциясини ўтказиш 1941 йил сентябрга мўлжалланганди [3].

XX асрнинг 20-30 йиллар бошларида собиқ СССР билан яқинлашган Афғонистоннинг рақиб давлатлар билан яқинлашувига 30 йиллардаги дунё сиёсий майдонидаги воқеликлар катта таъсир кўрсатади. Жумладан, Молотов-Риббентроп пакти ва Болтиқбўйи республикалари, совет-фин уруши, Польша тақдири афғонларда катта хавотир уйғотган. 1940 йилнинг ноябрида Молотовнинг Берлинга келиши совет қўшинларининг Афғонистон орқали Ҳиндистонга юриш бошлайди, деган хавотирларга сабаб бўлади [11, 32]. Афғонистон ҳукумати 1940 йил баҳоридаёқ немислар томонидан берилган сохта разведка маълумотларига таяниб, СССРга қарши фаолиятни бошлаган эдилар.

1940 йилнинг баҳорида Афғонистон Ички ишлар вазири Муҳаммад Гулхон шимолий ҳудудларда бўлиб, босмачилар етакчилари билан учрашади ва уларга молиявий ёрдам кўрсатиш эвазига СССР ҳужум қилган тақдирда ёрдамларини сўрайди. Тошкўрғон, Мозори шариф, Хонобод, Қундуз ҳудудларида босмачилар қуроллана бошладилар [10, 138]. 1941 йил ноябрда бош вазир Ҳошимхон Афғонистоннинг олий органи Лой Жирғага таклиф қилинган босмачилар СССР билан уруш бошланса, 200 минг кишини қарши қўйишларини маълум қиладилар. Ҳатто, Шермухаммадбек (Кўршермат) Андижон орқали Фарғонага бостириб кириш орқали ноқулай вазиятни вужудга келтириш таклифини беради [9, 232].

Фашистларнинг СССРга хиёнаткорона ҳужумидан сўнг Афғонистонга савдо агенти киёфасида Абвер (фашистлар Германиясида ташқи разведка бошқармаси) разведкачилари К.Расмус етакчилигида диверсион гуруҳларни шакллантириш бўйича мутахассис Д.Витцель, радист В.Дох, шифровальщик А.Шугенбюллер, машинистка И.Галиен, фрач Г.Фишер, Афғонистон армияси маслаҳатчиси Майор Вальтер Шенк, майор Симон-Эберхарт, капитан Мерлоклар келади. 1941 йил 29 июнда Афғонистон бўйича мутахассис, биринчи жаҳон урушида Афғонистонга юборилган Германия ва Туркия экспедицияси етакчиларидан бири О.Хентингнинг Кобулга юборилишида Англия ва СССР қаршилик қилиши Афғонистон ҳукуматини О.Хентингни элчи сифатида қабул қилмаслигига сабаб бўлади [8, 239-241].

Немис айғоқчилари 1941 йил сентябрида Афғонистон ҳудудидаги босмачилар билан алоқа ўрнатадилар. Маҳмудбек (Ойқорли) билан алоқалар ўрнатилгач, Расмус унга Боғлон шаҳрида Ўрта Осиёга бостириб кириш учун босмачиларнинг таянч нуқталарини яратишни топширади [1, 459]. Германиянинг СССРга ҳужум қилишини Афғонистон шимолидаги босмачилар хурсандчилик билан қарши оладилар. Босмачилар ва афғонларнинг Германия ғалаба қозонишига асло шубҳалари бўлмаган.

Хатто, уруш бошланганини эшитган амир Зоҳиршоҳ ўз ҳисобидан 12 минг афғоний пулни 22 июнь куни шукроналик учун намозга келганларга ҳадя қилиб юборади. Босмачилар Гитлерни ўзларининг “Халоскор”и деб эълон қиладилар. Муҳожир ёшлар эса немис тилини ўргана бошлайдилар [8, 244-245]. Шермухаммадбек К.Расмус билан мулоқотида туркистонликлар “Ўқ” (Германия, Италия, Япония) мамлакатларининг ёрдамсиз мақсадларига эриша олмасликлари улар ушбу мамлакатларнинг аскарлари эканлиги ва уларнинг ҳар қандай топшириқларини бажаришларини маълум қилган [9, 236].

Германиянинг СССРга ҳужумидан сўнг “Ўқ” мамлакатларининг Афғонистондаги разведка ишлари фаоллашганлиги кузатилади. Ўрта Осиёга бостириб кириш ёки диверсион ҳаракатлар қилишда улар биринчи галда Бухоронинг собиқ амири Олимхон билан келишиб олишга ҳаракат қиладилар. 1941 йилнинг августида Япония вакили Кацуби таржимон Саито билан биргаликда амир Олимхон билан учрашиб, уни ўзларига ишлашга кўндиришга ҳаракат қиладилар [10, 202]. Афғонистон ҳукумати аъзоларида ҳам Германиянинг қисқа вақт ичида ғалаба қозонишига шубҳа бўлмаган. Уларнинг фикрича, СССРнинг йирик сиёсий ва маданий шаҳарлари Москва, Ленинград ишғол қилиниши билан кўп миллатли СССР парчалана бошлайди. Шу вақтда аввалги Бухоро ва Хива хонликлари ҳудудини Афғонистонга қўшиб олиш имкони туғилади.

Афғонистон амири Зоҳиршоҳ Бухоронинг собиқ амири Олимхон билан учрашиб, агар СССР қўшинлари Афғонистонга киритилса, босмачилар билан биргаликда курашишга келишиб олинади. Чунки 1941 йил 25 августидан 17 сентябрга қадар бўлган вақтда СССР ва Англия кўшинлари Эронга киритилган бўлиб, бу ердаги германпараст ҳукуматни ўзгартириб, ўзлари учун маъқул бўлган ҳукумат шакллантирган эдилар. Германияда ҳам, СССРда ҳам “Омонулла” операцияси режаси мавжуд бўлиб, 1929 йилда тахтдан ағдарилган ва Дюранд линиясида катта мавқега эга бўлган Омонуллахонни Зоҳиршоҳ ўрнига тахтга ўтказиш, шу орқали Афғонистонда ўзлари учун маъқул бўлган сиёсат юритиш эди. Буни яхши англаган Зоҳиршоҳда СССР ва Англия давлатлари қуршовида қолиб кетганлиги ҳукуматда германпарастлик сиёсати учун хавотир уйғотганди [8, 245]. Шундай бўлса-да, Германиянинг ғалабасига ишонч “Ўқ” мамлакатлари айғоқчиларига эркин ҳаракатланиш имкониятини яратиб берган.

Германия разведкаси Маҳмудбек ёрдамида “Унион” ташкилотини тузиб, Афғонистон шимолида фаол ҳаракатлана бошлаган эди. Маҳмудбек Афғонистон армияси офицери Ҳамро Гулбекни ҳам Абверга ишлаши учун кўндириб, уни Боғлондаги диверсион пунктни бошқарувчиси этиб тайинлайди. Абвер вакиллари Витцель ва Расмуслар Маҳмудбекка 1942 баҳорида Ўрта Осиёга бостириб кириш учун жалб қилинганлар рўйхатини тузиб беришни сўрайдилар. Чунки уларга қурол ва пул маблағлари беришни ваъда қилган эдилар. СССР Афғонистон шимолидаги вазиятдан норози бўлиб, Англия билан биргаликда Афғонистон ҳукуматига таҳдид қилишга, “Ўқ” мамлакатларнинг бир қисм айғоқчиларини, жумладан, Япония вакили Китадо ва Маҳмудбекни Афғонистондан чиқиб кетишини талаб қиладилар. Китадо мамлакатни тарк этган бўлса, Маҳмудбек Туркия талаби билан Афғонистондан чиқариб юборилмайди [6, 104]. Маҳмудбекнинг қисқа вақт камалиши эса “Унион” ташкилотининг тарқалиб кетишига олиб келган эди.

Афғонистон ҳукуматининг СССР ва Англия талабини бажаришига асосий сабаб, 1942 йил баҳорида совет кўшинларининг Москва учун бўлган жангларда ғалаба қозониши ва қишки-баҳорги уруш компаниясида фашистларни Москвадан 100-150 км узоққа улоқтириб ташлаши, Германиянинг яшин тезлигидаги уруш режасининг барбод бўлганлиги, урушнинг чўзилиб кетиши оқибатида ғолиб томон аниқ бўлмай туриб, хатога йўл қўймаслик каби эҳтиёткор сиёсати ётган деб хулоса қилиш мумкин. Иккинчи бир томондан Афғонистонда иқтисодий муаммолар вужудга келган бўлиб, Техронда совет кўшинларининг мавжудлиги Германия билан авиалинияни тўхташига, ўз навбатида, стратегик маҳсулотларнинг кириб келишини тўхтатган бўлса, германпараст сиёсат сабабли ҳаётий биринчи даражали маҳсулотларнинг Ҳиндистон ҳудудидан кириб келиши камайиб кетганди. 1941-1943 йилларда Ҳиндистонда импорт қилинадиган биринчи даражали маҳсулотлар уч

TARIXSHUNOSLIK

баробар камайиб кетганди [11, 34]. Мамлакатдаги оғир аҳвол сабабли Афғонистон ҳукумати катта таваккалга боришни лозим топмаган.

Германия разведкаси “Унион”дан сўнг янги “Фаол” деб номланган босмачилардан иборат ташкилот тузади. Ташкилотга бу сафар Афғонистон ҳукуматига ишлайдиган, асли наманганлик, Тароз шаҳрида бир муддат яшаган Мубашширхон Тарози бошчилик қилади. Немис агентураси ҳужжатларида “Фаол”га аъзо бўлганлар Шермуҳаммадбек ёки Кўршермат (Ханза), Халифа Қизил Оёқ (Мерседес, айрим ҳолларда диний раҳнамо бўлганлиги учун Унтерфюрер деб ҳам келтирилади), Абдусатторбой (Неу), Мавлави Абдурауф (БМВ), Абдул Аҳад (Хоръх), Жилавбой (Виктория) каби лақаблар билан номланган. Шунингдек, “Фаол”чилар келгусидаги ҳукуматни ҳам шакллантирган бўлиб, расман ҳукумат номи “Ла Марказия-и ҳукумат-и Туркистон” (Туркистон марказий ҳукумати) деб номланган. Ҳукумат бошлиғи амир Олимхоннинг ўғли Умархон бўлиши, бош вазир Мубашширхон Тарозийнинг ўғли Олимхоннинг куёви Насрулла бўлиши, ҳарбий вазир Шермуҳаммадбек (Кўршермат), Молия вазири Акрам қори, Таълим вазири Хабибуллахон Тўра бўлишлари керак эди. Ҳукумат таркибига Тагихон, Қудратиллахон, Шамсиддин Вакил (Толиб), Қамчибек Қирғиз, Халифа Қизил Оёқлар ҳам келишилган лавозимларни олишлари лозим эди [1, 462-463].

“Фаол”га аъзо бўлиши учун немис ва япон разведкаси амир Олимхон билан алоқага киришади. Олимхон расман “Фаол”га аъзо бўлишдан бош тартади. Аммо яқинларининг босими билан охир-оқибат кўнишга мажбур бўлади. 1942 йил 24 июлда Афғонистондаги Германия элчиси Ганс Пильгер Берлинга юборган ҳисоботида “Фаол” ичкарасида яна бир махфий гуруҳ “Лига” тузилганлиги, уни амир Олимхон бошқараётганлиги, бундан сўнг унинг лақаби ҳужжатларда “Ауди” деб қайд этилишини маълум қилади [9, 249]. Фаол аъзоларини молиялаштириш учун амир Олимхон ўзининг қимматбаҳо тошларидан бир қисмини сотади [8, 258].

1942 йилда немис, япон разведкасининг фаоллашуви ва иттифоқчиларнинг Афғонистон ҳукуматига босим ўтказа олмаганлигининг асосий сабаби СССРда фашистларнинг ёзги-кузги уруш компаниясида кўли баланд кела бошлагани, Сталинград ва Кавказга ҳужумларнинг кучайиб бораётганлиги, Шимолий Африкада немис-итальян кўшинларининг генерал Роммель (Сахро тулкиси) бошчилигидаги муваффақиятлари, Япониянинг Тинч океани ва Ҳинди-хитойда муваффақиятлари, шунингдек, Бирма орқали тобора Ҳиндистонга яқинлашиб келаётгани билан изоҳлаш мумкин. Афғонистон ҳукуматида ҳам “Ўқ” мамлакатларининг ғалабаси яқинлиги, СССРнинг Ўрта Осиёни кўриклаб турувчи дивизиялари Германия билан курашиш учун Фарбга олиб ташланиши ва шунда Бухоро ва Хивани ишғол этиш учун битта афғон дивизияси ҳам етарли бўлиши тўғрисидаги ғоялар шакллана бошланади. Жанг тафсилотларидан тўлиқ хабардор бўлиб туриш учун Шаҳзода Муҳаммад Довудхон Сталинградга ўзининг махсус вакилини ҳам юборади [8, 257]. Сталинград жангида СССРнинг мағлубияти Афғонистон томондан яна бир фронтнинг очилишига сабаб бўлар эди.

Тарихий адабиётлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 1942 йилда фашистларга хизмат қилувчи “Фаол” аъзолари ва уларга итоат этувчи босмачи гуруҳлар СССРга қарши қуролли 10 минг кишини қарши қўя олиши мумкин эди [11, 34]. “Фаол” гуруҳининг асосий муаммоси қуролланишда бўлиб, босмачиларнинг 20-30 йиллардаги қуроллари замонавий жанг олиб бориш талабларига мос эмасди. Шунингдек, тактик машғулотлардан хабарсизлик биринчи жангдаёқ улкан талофотлар билан мағлуб бўлишни англатарди. Шу сабабли “Фаол” аъзоларининг СССРга ҳужуми 1943 йил баҳорига қадар кечиктирилади. Тарихий адабиётларда 1943 йил баҳорида босмачи гуруҳларда 20-30 минг киши атрофида бўлса-да, Мубашширхон ўз “раҳнамо”ларига берган ҳисоботида 70 минг киши мавжудлиги, фақат 15 минг кишида қурол мавжудлиги, қурол ва молиявий ёрдам беришни сўраганлигини учратиш мумкин [10, 205].

Кўп ҳолларда “Фаол”га аъзо босмачи раҳбарларнинг ўз “раҳнамо”ларидан кўпроқ пул ундириш мақсадида ёлғон ишлатганликлари маълум бўлади. Яъни ўзларига итоат этувчи аскарлари сонини ошириб кўрсатганлар. Масалан, туркманлар етакчиси Халифа Қизил Оёқ

немис айғочиларига 40 минг киши унинг атрофида курашга шай деб ахборот берган бўлса-да, немис айғоччиси Д.Витцель 11 минг туркман борлигини яхши билган. Туркманлар етакчиси кўпроқ пул ундириш мақсадида қўшини сонини 4 марта кўпайтириб айтган [6, 105].

1942 йилнинг кузи СССР учун тахликали бўлиб, Сталинград ва Кавказ учун жанглар авжга чиққанди. Шу вақтда СССР разведкаси Афғонистонда савдо агенти қиёфасида ишлаб турган К.Расмусни ўз томонларига ишлаш учун аврашга уриниб кўради. Расмуснинг барча айғоччилик фаолияти унинг ўзи билан алоҳида учрашувда ошкор қилиниб, бу маълумотлар Афғонистонга ошкор қилинса, оқибати билан тахдид қилинади ва СССР разведкасига ишлаш таклиф қилинади. Расмус ўйлаб кўришни ваъда қилиб, Афғонистондан яширинча қочиб кетади ва урушдан ўн йил ўтиб, ўзини Ғарбий Германияда эканлигини маълум қилади [10, 219]. Чунки 1955 йилда ГФР барча фашист жиноятчиларни авф этган эди.

Сталинград жанги давом этар экан, “Фаол” гуруҳи ва унинг фаолиятини тугатишнинг имкони йўқ эди. “Фаол” гуруҳи 1943 йил баҳорида фашистлар Сталинград ва Кавказ (Боку нефти)ни эгаллагандан сўнг Ўрта Осиёга бостириб кириши, уларга Польшанинг Врацлав шаҳри яқинидаги “СС-20 ўрмон лагери” ва “Туркистон бош лагери”да тайёргарликдан ўтган “Туркистон легиони” аскарлари келиб қўшилиши кўзда тутилган эди. “Фаол” аъзолари Абвер томонидан босмачи етакчилари олдига уларни назорат қилиш ва ҳаракатларни мувофиқлаштириб туриш учун юборилади. Жумладан, Рўзи Муҳаммад Қундузга Саид Муҳиддинхон Тўра олдига, Қори Абдулла Майманага Эшон Халифа Қизил Оёқ олдига, Маҳмудбек Помирга Қамчибек қирғиз олдига юборилади. Бундан ташқари Абвер вакиллари Мулла Қилич оға, Кошоутбой, Давлат Сардорлар олдига ҳам юборилганди [6, 109-111].

1943 йил Сталинград жангида фашистларнинг тор-мор келтирилиши, урушда тўб бурилишни бошлаб берди. 4 апрель куни Афғонистон бош вазири Ҳошимхон Сталиндан тахдидли оҳангдаги телеграмма олади. Натижада “Фаол” аъзоларининг фаолияти тугатилади. 23 киши “Фаол” аъзоси бўлганлиги учун қамоққа олинади [1, 465]. Афғонистон ҳукуматига амир Олимхоннинг “Фаол” билан алоқалари ошкор қилинади. Зоҳиршоҳ амир Олимхонни саройига чақиртирса-да, эмигрантлар ўртасида норозилик келиб чиқмаслиги учун унга жазо чораларини қўллашга ботина олмайди [8, 260]. Мамлакатдан немис, итальян ва япон айғоччилари чиқариб юборила бошланади. Курск жанги фашистларнинг мағлуб этилиши, Германиянинг енгилиши муқаррар эканлигини кўрсатади.

Афғонистон ҳукуматининг сиёсатида ҳам бу ўз аксини топади. Афғонистон томонидан кутилаётган тахдид ва очилиши муқаррар бўлган яна бир фронт бутунлай бартараф этилган эди. Урушдан сўнг СССР ва Афғонистон ўртасидаги муносабат дўстона ривожлана бошлади. СССР томони разведка маълумотлари асосида 1945 йил қамоққа олинмай қолган, “Фаол” аъзоларидан бири, Афғонистон бош вазири Ҳошимхонга суиқасд қилиши хусусида огоҳлантиради. Афғонистон эса 1945 йил 17 августда Кобулдаги фашистик Германия элчиси бўлган Ганс Пильгерни Тошкентга юборади [8, 263].

Хулоса. Афғонистонда 1939-1945 йилларда “Ўқ” мамлакатлари олиб борган сиёсат ва уларнинг малайларига айланган босмачи кўрбошилар ўз манфаатлари йўлида миллий, диний, инсоний чегараларни писанд этмадилар. Ўз манфаатлари йўлида келажакдан миллионлаб инсонлар қони уларнинг жавобгарлигига тушиши мумкинлигидан хавотир олмадилар. Фақатгина халқларнинг матонати, бирдамлиги, кўрсатган жасорат ва қаҳрамонликлари туфайли бугунги фаровон кунларга эришилди. Миллионлаб жонлар ва қонлар эвазига эришилган буюк ғалабани хотирлаш ҳар биримизнинг бурчимиз ва вазифамиз бўлиши зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев К.Н. *От Синьцзяна до Хорасана. Из истории Среднеазиатской эмиграции XX века.* – Душанбе: Ирфон, 2009. – 572 с.
2. *Афганистан и безопасность Центральной Азии. Вып. 2 / Под ред. А.А. Князева.* – Бишкек.: Илим, 2005. – 248 с.
3. Булатов Ю.А. *Борьба за Афганистан.* С. 204. <https://histr.ru/uploads/media/default/000125a2a65cf1f33c4dc0791c63c4391d4e1bol7637c19.pdf>

TARIXSHUNOSLIK

4. *Вторая мировая война 1939-1945 гг. Военно-исторический очерк./Под общей редакцией генерал-лейтенанта С.П. Платова., генерал-майор Н.Г. Павленко и полковник И.В. Паротькин. – М.: Военное издательства обороны союза СССР, 1958. – 930 с.*
5. *Ганковский История вооруженных сил Афганистана 1747-1977. – М.: Наука, 1985. – 203 с.*
6. *Дауди. И. Большая игра в Афганистане. – 263 с. http://kunduz.ru/f/bolshaya_igra_v_afganistan.pdf*
7. *Коргун В.Г. История Афганистана. XX век. / В.Г. Коргун. – М.: ИВ РАН: Крафт+, акад. наук. Ин-т востоковедения, 2004. – 529 с.*
8. *СССР и страны Востока накануне и в годы второй мировой войны. / Отв. редактор В.В. Наумкин. – М.: ООО Типография Полимаг, 2010. – 460 с.*
9. *Соцков Л.Ф. Неизвестный сепаратизм: На службе СД и Абвера: Из секретных досье разведки. – М.: Рипол классик, 2003. – 336 с.*
10. *Тихонов Ю. Афганская война Сталина. Битва за Центральную Азию. – М.: ЭКСМО; Яуза; 2008. – 360 с.*
11. *Топорков В.Н. Афганистан: Советской фактор в истоках кризис. / Монография. – Чебоксары: ЦНС Интерактив плюс, 2014. – 319 с.*

УДК: 316.422

**САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТИЗИМЛИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН АХБОРОТ
ТАЪМИНОТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**ФОРМИРОВАНИЕ ИННОВАЦИОННОГО ИНФОРМАЦИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ
ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ СИСТЕМНОЙ ПОДДЕРЖКИ И
КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ПРОМЫШЛЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА**

**FORMATION OF INNOVATIVE INFORMATION SUPPLY TO INCREASE THE
SYSTEM SUPPORT AND COMPETITIVENESS OF INDUSTRIAL PRODUCTION**

*Турсунов Бекмухаммад Омонович
ТМИ катта ўқитувчиси*

***Аннотация.** Мақолада саноат ишлаб чиқаришни тизимли қўллаб-қувватлаш ва рақобатбардошлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган. Шунингдек, саноат ишлаб чиқаришни тизимли қўллаб-қувватлаш ва рақобатбардошлигининг инновацион ахборот таъминотини шакллантириш орқали саноат тармоқларида ишлаб чиқариш муносабатларини ташиқил этишининг назарий-услубий асослари келтирилган. Саноат ишлаб чиқаришни инновацион ахборот таъминотини шакллантириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.*

***Таянч сўзлар:** ишлаб чиқариш инфратузилмаси, инвестицион лойиҳа, инновацион ривожланиш, инновацион жараён, инновацион самарадорлик, инновацион бошқарув, рақобатбардошлик, инновацион ахборот таъминоти.*

***Аннотация.** В статье исследуются теоретические и методологические основы эффективной организации производственных отношений в отраслях промышленности путем формирования инновационного информационного обеспечения для систематического обеспечения и повышения конкурентоспособности промышленного производства. Сформированы научные предложения и практические рекомендации по формированию инновационного информационного обеспечения промышленного производства.*

***Ключевые слова:** производственная инфраструктура, инвестиционный проект, инновационное развитие, инновационный процесс, инновационная эффективность, инновационный менеджмент, конкурентоспособность, инновационное информационное обеспечение.*

***Abstract.** The article explores the theoretical and methodological foundations of the effective organization of industrial relations in industrial sectors through the formation of innovative information support to systematically support and increase the competitiveness of industrial production. Scientific proposals and practical recommendations on the formation of innovative information support of industrial production have been formed.*

***Key words:** production infrastructure, investment project, innovative development, innovative process, innovative efficiency, innovative management, competitiveness, innovative information support.*

Саноат соҳасини ривожлантириш миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлашнинг кўп омилли ривожланиш шарт-шароитларини ўзида акс этади. Шу билан бир қаторда саноат соҳаси тараққиёти аҳоли бандлигини ошириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, меҳнат салоҳиятининг интеллектуал таркибини такомиллаштириш сингари қатор устуворликлар орқали миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Сўнгги йилларда саноат таркибида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар ва чора-тадбирлар таъсирида саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий ва тармоқ таркиби тубдан такомиллашди.

IQTISODIYOT

Саноат ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2020 йил январь-март ойларида 1 977 та янги иш ўрни яратилди, ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда янги ташкил этилган иш ўринлари сони 1,8 мартага ошди[5]. Шунингдек, саноат корхоналари фаолиятини шакллантириш, корхоналарда инновацион ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнларида ҳам юқори нисбий ўсиш суръатлари таъминланди.

Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариш соҳасининг таркибий тузилишини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, саноатнинг янги тузилмавий таркибини шакллантириш ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятидан мақсадли фойдаланишни такомиллаштиришда саноат ишлаб чиқариш ҳудудларининг ихтисослашув кўлами ва тармоқ фаолияти устуворликлари жиҳатидан жойлаштирилмоқда. Аммо саноат ишлаб чиқаришида янги очик инновацион моделни шакллантириш, ҳудудлар инновацион ривожланишининг институционал муҳити ва бу муҳитнинг таркибий элементларини аниқлаш, имтиёзлар тизими орқали саноат зоналари рақобатдошлигини ошириш, анъанавий саноат ишлаб чиқаришдан инновацион ишлаб чиқариш йўлига ўтиш ва саноат маҳсулотлари экспорти таркибини сифат жиҳатидан такомиллаштиришни талаб этади.


Бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф этишда тизимли ислоҳотлар зарур эканлигини таъкидлаган Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагича тўхталиб ўтган эди: "...эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим. Биринчи навбатда, экспортга маҳсулот чиқараётган, инновацион ва юқори технологик ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорларга ва чет эллик инвесторларга шундай имконият яратиш керак"[1].

Юқоридаги ҳолатлар саноат ишлаб чиқаришини тизимли қўллаб-қувватлаш ва рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион ахборот таъминотини шакллантиришнинг иқтисодий ривожланишни таъминлашдаги ўрни муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.

Саноат ишлаб чиқаришини тизимли қўллаб-қувватлаш ва рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион ахборот таъминоти саноат тармоғида амалга оширилаётган инновацион лойиҳаларнинг барча босқичларини ягона узлуксиз жараёнга бирлаштиради. Саноат бошқарувининг барча поғоналари тузилмасини ўзгартириш, улар ўртасидаги алоқаларни вертикал ва горизонтал жиҳатдан мувофиқлаштириш учун хизмат қилади. Бундай марказга интилган тенденциялар, йирик миқёсдаги вазифаларни бажариш учун ресурсларни жамлаш, инновациявий жараёнлар бошқарувини мустақил объектга ажратиш, инновациявий тузилмаларни анъанавий функцияларни бажарувчи бўлинмаларни ташкил этиш имконини беради. Саноат ишлаб чиқаришини тизимли қўллаб-қувватлаш ва рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот чиқариш ва сотишни кўпайтириш учун ички ишлаб чиқариш захираларини аниқлаш, режани бажариш, ишлаб чиқариш динамикаси ва маҳсулотни сотиш даражаси юқори аҳамиятга эга.

Фикримизча, саноат ишлаб чиқаришини тизимли қўллаб-қувватлаш ва рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион ахборот таъминотини шакллантириш жараёнининг қуйидаги моделга асосланган тарздаги ифодаси инновацион ахборот таъминотини шакллантиришнинг мақсадли йўналишларини ўзида акс этади (1-расм).

IQTISODIYOT



1-расм. Саноат ишлаб чиқаришни тизимли қўллаб-қувватлаш ва рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион ахборот таъминоти модели
Манба: Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда муаллиф томонидан шакллантирилди.

Саноат ишлаб чиқаришни инновацион ахборот таъминоти бошқарувининг тузилмавий таркиби; тармоқ фаолиятини тизимли қўллаб-қувватлаш ва рақобатбардошлигини оширишда техник сиёсатни ишлаб чиқиш бўйича кенгашлар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар учун инновацион жараёнларнинг стратегик йўналишлари бўйича оператив қарорлар қабул қилиш имконини яратди. Бу оператив қарорларнинг амалий жиҳатлари инновацион фаолиятни мувофиқлаштирувчи шакллантириш, бўлинмалари ва марказий хизматлар, янги маҳсулот ғоясини оммавий ишлаб чиқаришгача бўлган илмий тадқиқот ва ишланмаларни амалга ошириш мақсадли лойиҳаларни таъминлайди.

Саноат ишлаб чиқаришни тизимли қўллаб-қувватлаш ва рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион ахборот таъминотида инновацион гуруҳлар мустақил бўлинма сифатида ташкил этилади ва юқори раҳбариятга бўйсунди. Одатда, бундай гуруҳлар иши вақтинчалик характерга эга, аммо доимий фаолият юритувчи гуруҳлар ҳам мавжуд. Ишлаб чиқариш жараёнига инновациялар муваффақиятли жорий этилганда, бу гуруҳлар фаолияти янги шубба корхоналарига асос яратиши мумкин. Хориж тажрибаси айнан лойиҳалар мақсадли инновацион гуруҳлар томонидан ташкил этилаётганини кўрсатади.

Саноат ишлаб чиқаришининг инновацион мақсадли жиҳатлари ўзида қуйидаги компонентлар мавжуд бўлишини тақозо этади:

- технологик инновацияларга доимий тартибда nisбий паст харажатларни сақлаб қолиш;

- маҳсулот ва технологик инновацияларнинг рақобатбардошлигини сақлаб қолиш;

- юқори инновацион самарадорликни таъминлаш.

Технологик инновацияларга доимий тартибда nisбий паст сарф-харажатларнинг сақланиб қолиши, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажарувчи бўлимларда янги истиқболли ғояларни ишлаб чиқиш ва уларни ўзлаштириш жараёнларини кенгайтиради.

Автоматлаштириш усулини танлашда зарурат кўпчилик компанияларда самарали бўлмаган қарорлар қабул қилинувчи вазиятда, ёки ахборот ҳаддан ташқари кўп бўлиб, унинг тегишли тартибда тизимлаштирилмаслиги таъсирида юзага келади. Бу муаммони маълум даражада ҳал этиш учун турли таҳлилий кесимларда ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш учун OLAP модуллари, ахборотларни таҳлилий қайта ишлаш инструментларидан иборат BI синфидаги ахборот тизимларини қўллаш лозим[2].

Маҳсулот ва технологик инновацияларнинг рақобатбардошлигини сақлаб қолиш, биринчидан томондан, реал сектор корхоналарида тизимли ҳаракатларни мувофиқлаштириш, иккинчи томондан эса, инновацияларни амалга оширишда инвестицияларни кенг жалб этиш учун шароит яратишдан манфаатдор таркибий

IQTISODIYOT

интеграцияни талаб этади[3]. Бу вазифани бажариш давлат инновацион сиёсатининг куйидаги тартибда амалга оширилишини таъминлайди:

–инновацион тизимнинг устувор йўналишларини ривожлантиришга молиявий ресурсларни жалб этиш;

–инновацион тадқиқот ва ишланмаларни амалга ошириш эвазига давлатнинг энг муҳим манфаатларини таъминлаш, рақобатбардош товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга шароит яратиш;

–мамлакатда фан ва илм сиғими юқори бўлган ишлаб чиқариш, интеллектуал фаолиятнинг бошқа турлари учун керак бўлган кадрлар тайёрлаш жараёнини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янги техника ва технология билан таъминлаш, уни интенсив ривожлантириш учун зарур кадрлар билан таъминлаш асосини яратиш;

–давлатнинг тартибга солиш ва бозор механизмларининг оқилона уйғунлигини, фан, технология ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга оширишда илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятни бевосита ва билвосита рағбатлантириш тадбирларини яратиш[4];

–ресурсларнинг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда устувор тадқиқот ва ишланмаларни амалга ошириш мақсадида илмий ташкилотлар тармоғини ислоҳ этиш;

–фан билан шуғулланувчилар меҳнати қадрини ошириш, ёшларни илмий тадқиқотлар билан шуғулланишга жалб этиш, илмий ходим ва мутахассисларни ижтимоий ҳимоялаш учун шароит яратиш;

–ялпи ички маҳсулотнинг энергия ва материал сиғимини камайтириш;

–иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида инновацион ёндашув стратегияларидан самарали фойдаланиш.

Фикримизча, саноат ишлаб чиқаришни тизимли қўллаб-қувватлаш ва рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион ахборот таъминотини шакллантиришда куйидагилар:

–санот корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлашни замонавийлаштиришнинг мукамал технологик таркибини ўз ичига олган инновацион ахборот платформасини яратиш. Бу инновацион платформа орқали мукамал технологик жараёни ўз ичига олган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, минерал ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини сифатли қайта ишловчи қувватлардан самарали фойдаланиш;

–саноат тармоқларининг корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш орқали бизнес соҳаларида хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасида иқтисодий муносабатлар такомиллаштириб борилиши таъминлаш;

–ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, инвестицияларни жалб этиш ва харажат қилиш стратегиясини билан боғлиқ оптимал нисбат ўрнатилишини таъминлашнинг меъёрий кўрсаткичларини шакллантириш;

–юқори даражада саноатлашган иқтисодиёт учун фаолияти ахборот ва билимларни қайта ишлаш ва тижоратлаштиришга йўналтирилган соҳаларга нисбатан ташкилий қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадида давлат хариди ва давлат буюртмалари портфелини шакллантириш;

–майдони кичик ва бирмунча кичик саноат зоналарида юк ташиш ва логистика тизимини шакллантириш, бу борада ахборот тизимини шакллантиришнинг дастурий таъминотини доимий тартибда амалга ошириб бориш;

–саноат зоналарида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ташкил этишда “4та С”–critical thinking, collaboration, communication, creativity and innovation – яъни, танқидий фикрлаш, алоқа қилиш, ҳамкорлик, ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш;

–саноат зоналари ўртасида инновацияни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг шакли ва йўллари ривожланишини қўллаб-қувватловчи ўзаро боғлиқ (илмий, ахборот, кадрлар, ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий) тизимларнинг инновацион инфратузилмаларини шакллантиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/bekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliyasy-28-12-2018>
2. Одилов Ш.Ф. Логистик жараёнларда ахбороткоммуникация технологияларини қўллаш моделлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журналы. 2016 йил № 3-сон.
3. Рўзиева Д.И. Иқтисодиётни ривожлантиришда инновацион ёндашув тамойилларининг аҳамияти. “Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Гулистон: Университет, 2018. 69-б.
4. Ғуломова Г.П. инновацион фаолият инфратузилмасини шакллантириш ишлаб чиқаришни модернизациялаш омили сифатида. “Иқтисод ва молия” журналы. 2016 йил, №7-сон, 72-бет.
5. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти.

УДК: 338.486

ТУРИЗМ ТИЗИМИДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ РОЛИ

РОЛЬ МЕНЕДЖМЕНТА В РАЗВИТИИ ИНВЕСТИЦИОННОГО КЛИМАТА В СИСТЕМЕ ТУРИЗМА

THE ROLE OF MANAGEMENT IN THE DEVELOPMENT OF THE INVESTMENT CLIMATE IN THE TOURISM SYSTEM

Шералиева Саида Азатовна,

НавДПИ иқтисодий билим асослари кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада туризмни ривожлантиришда бошқарув усуллари ҳамда уларнинг ижтимоий психологик хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Ишлаб чиқариш жараёнида инсонга бўлган муносабатни акс эттирувчи яна бир ёндашув «инсон капитали» назарияси бўлиб, бунга мувофиқ, корхонадаги ишчи кучи капитал сифатида, масалан, пул тарзида идрок этилади. Ушбу назария доирасида персонал бошқарувига оид ҳолатлар ва тасдиқлар бизнесменга тушунарли бўлган иқтисодий атама ва категорияларда баён этилади. Шунингдек, бошқарув стили туризм соҳасини ривожлантиришда муҳим омиллардан бири эканлиги эътироф этилган.

Таянч сўзлар: туризм, турист, иқтисод, валюта, инвестиция, саёҳат, Европа, Осиё, бизнес, бизнесмен, маблағ, сармоя, бошқарув, менежмент, авторитар, либерал, авторитар, шенген, иқтисодиёт.

Аннотация. В данной статье изложены мнения о методах управления для развития туризма, а также об их социально-психологических свойствах. Один из подходов, отражающий отношение к человеку в процессе производства – это «человеческий капитал», соответственно рабочая сила на предприятии представляется в виде капитала, например, денежного капитала. В рамках этой теории ситуации и подтверждения, связанные с управлением персонала, излагаются бизнесмену в виде понятных ему экономических терминов и категорий. Также данный стиль управления представлен как один из важных факторов развития туристической отрасли.

Ключевые слова: туризм, туризм, экономика, валюта, инвестиции, путешествие, Европа, Азия, бизнес, бизнесмен, финансы, капитал, управление, менеджмент, авторитарный, либеральный, авторитарный, шенген, экономика.

Annotation. This article provides opinions on management methods for the development of tourism, as well as their socio-psychological properties. One of the approaches reflecting the attitude towards a person in the production process is “human capital”; accordingly, the labor force in an enterprise is represented in the form of capital, for example, money capital. Within the framework of this theory, situations and confirmations related to personnel management are

presented to a businessman in the form of economic terms and categories that are understandable to him. Also, this management style is presented as one of the important factors in the development of the tourism industry.

Key words: *tourism, tourism, economy, currency, investment, travel, Europe, Asia, business, businessman, finance, capital, management, management, authoritarian, liberal, authoritarian, Schengen, economy.*

Бугунги кунда туризм жаҳон миқёсидаги иқтисодиётнинг жуда кучли тармоғи бўлиб, унинг жаҳон ялпи ички маҳсулотигади улуши анчагина фоизни ташкил этади ҳамда бу соҳага жуда кўп сонли ходимлар, асосий воситалар ва йирик капитал маблағлар жалб қилинган. Бу йирик бизнес, катта пул ва глобал миқёсдаги жиддий сиёсатдир. Туризм саёҳатларнинг бир тури бўлса-да, бироқ ўзига хос жиҳатларига кўра маълум бир тавсифга эга бўлиб, унда иштирок етувчи шахс турист деб номланади. Мухими, туристни саёҳатчи дейишимиз мумкин, аммо саёҳатчини эса ҳар доим ҳам турист дея олмаймиз.

Саёҳатлардан фарқли равишда туризм иқтисодиёт ва сиёсатнинг кучли таъсирига учрайдиган соҳа ҳисобланади. Туризм бу туристлар томонидан амалга оширилувчи, аниқ белгиланган туризм мақсадларига эга оммавий саёҳатлар тури, яъни сайёҳнинг фаолияти ва бундай саёҳатларни уюштириш ва амалга ошириш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан иборат. Бундай фаолият турли хил туризм саноати корхоналари ва улар билан боғлиқ тармоқлар томонидан амалга оширилади. Туризм фаолияти, асосан, бўш вақтда амалга оширилади. Бундай ҳол содир бўлиши учун икки шарт бўлиши керак: дам олишга ажратилган бўш вақт ва тегишли маблағ. Узоқ вақт давомида туризм фаолияти билан фақат бадавлат кишиларгина шуғулланишган.

Ҳозирги пайтда аҳолининг турли қатламлари бўш вақтини ва жамғарилган маблағларини турли туризм сафарларига боришга сарфламоқда. Ҳозирги тушунчаларда қабул қилинган туризм XIX асрнинг охирига бориб шакланган бўлса-да, фақат XX асрга келиб, у жадал суръатларда ривожланди ҳамда техника ва технологияларнинг ривожланиши, жамият муносабатларининг юксалиши натижасида у «XX аср феномени» номини олди. Ҳозирги замонавий туризмнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш мақсадида унинг муҳим таснифий белгиларини аниқлаб олиш зарур бўлади. Жумладан, географик белгилари, туризм оқим йўналиши, сафар мақсади, ҳаракатланиш усули, туристларни жойлаштириш воситалари ва иштирокчилар сони бўйича ташкилий-ҳуқуқий шакллари таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

1. Ички туризм – ўз давлати чегараси доирасида доимий яшовчи фуқароларнинг вақтинчалик ташриф буюрувчи жойига (тўланмайдиган фаолиятсиз) туризм мақсадларида саёҳат қилиши. Ички туризм давлат чегараларини кесиб ўтиш билан ва туризм расмийчилиги билан боғлиқ эмас. Миллий валюта, тил, ҳужжатлар олдингидек ўзгармасдан қолади. Дунёдаги сафарларнинг 80-90 фоизи ички туризм улушига тўғри келади. Айниқса, у АҚШда оммабоп ҳисобланади.

2. Халқаро туризм – вақтинчалик келган жойига фаолияти тўланмайдиган, доимий яшайдиган мамлакат чегарасидан ташқарига туризм мақсадларида сафар қилиши. Чет эл туристларига бирор давлатга 24 соатдан кам бўлмаган муддатга вақтинчалик ташриф буюрган шахсларнинг барчаси киради. Сўнгги йилларда ички ва халқаро туризмнинг бир-бирига яқинлашиш тенденцияси кузатилди, бу эса туризм расмийчиликларини соддалаштириш билан изоҳланади (масалан, бирлашган Европадаги шенген битими).

3. Кирувчи туризм – фаолияти тўланмайдиган туризм мақсадларида доимий яшамайдиган шахсларнинг ўзга мамлакат ҳудудига ташрифи, саёҳати.

4. Чиқувчи туризм – бир мамлакат ҳудудида доимий яшовчи шахснинг бошқа мамлакатга фаолияти тўланмайдиган саёҳати, ташрифи.

5. Рекреацион туризм дам олиш мақсадидаги турист бўлиб, қатор давлатлар учун туризмнинг оммавий шакли ҳисобланади. Испания, Италия, Франция, Австрияга чет эл туристларининг ташрифи, аввало, мана шу мақсадни кўзда тутди. Дам олиш мақсадидаги

сафарлар хилма-хиллиги билан фарқланади ва қизиқарли томоша дастурларини (театр, кино, фестивал ва ҳоказо), қизиқишлар бўйича машғулотлар (ов, балиқ овлаш, мусиқали, бадий ижодиёт ва ҳоказолар билан шуғулланишни) ўзга мамлакатнинг миллий маданиятини ўрганиш билан боғлиқ бўлган этник саёҳатларни ўз ичига олиши мумкин.

6. Соғломлаштирувчи дам олиш туризми ўта шахсий индивидуал характер касб этади. Инсон организмга таъсир этиш воситасига қараб даволаниш учун дам олиш иқлимли, денгиз, балчиқ билан даволаниш ва ҳоказоларга бўлинади.

7. Танишув (экскурсион) туризми ўз ичига танишув (билиш, кўриш ва эшитиш) мақсадлари билан боғлиқ ташриф ва саёҳатларни ўз ичига олади. Экскурсия билишнинг бир шакли бўлиб, шахс интеллекти ва дунёқарашини кенгайтириш вазифасини бажаради.

8. Малакавий иш туризмига иш мақсадлари билан боғлиқ сафарлар киради. Ҳозирги тараққий этган замонавий жамиятда ҳаёт халқаро алоқаларни боғлаш заруратини туғдирмоқда. Сўнгги йилларда ишчан соҳа вакилларининг, тадбиркорларнинг ташрифлари оммавий тус олмақда. Қатор туризм фирмалари гуруҳларга жамланган бизнесменларнинг турли мақсадлардаги ташрифларини ташкил этишга ихтисослаштирилмоқда. Ушбу турдаги туризмнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, ишчанлик вазиятида ўтадиган учрашув иштирокчилари оддий сайёҳга қараганда мамлакат бўйлаб саёҳат пайтида кўпроқ маблағ сарфлайди. Шунинг учун кўпгина давлатлар халқаро форумлар ва шунга ўхшаш тадбирларни ўзларида ўтказишга ҳаракат қилади.

9. Илмий туризм халқаро туризмнинг ўқиш, таълим олиш, малака ошириш мақсадида амалга ошириладиган нисбатан янги тури ҳисобланади. Хорижда таълим олиш учун сафар қилиш Ўзбекистонда ҳам турбизнесининг ўрнатилган сегментларидан бири ҳисобланади. Сафарларнинг оммабоп бўлиб бораётган бу турида тил ўрганиш мақсадида, айниқса, Буюк Британияга ва бошқа инглиз тилида сўзлашадиган давлатларга сафарлар кенгайиб бормоқда.

10. Спорт туризмнинг асосий мақсади туристларга ўзлари танлаган спорт тури билан шуғулланишига имконият яратиб беришдан иборат. Спорт туризми зарур база мавжудлигини талаб этади: турли инвентарлар, махсус трассалар, йўллар, спорт майдончалари, асбоб-ускуналар. Спорт саёҳатларига қўйиладиган асосий талаблардан бири дам олувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади.

Шоп-турлар Россия ва МДҲ давлатлари учун хосдир. Хорижий мамлакатларга ташрифнинг асосий мақсади хориждан халқ истеъмоли товарларини харид қилиб, уни ўзининг мамлакатада яна қайта сотишдан иборат (пойабзал, трикотаж ва бошқа товарларни Туркия, Италия, Португалия, Суриядан; ёзги тўқилган кийимларни Индонезиядан; пўстинлар Греция ва Аргентинадан; мебелларни Польша ва Италиядан; электроника маҳсулотларини БААдан; автомашиналарни Германия, Швеция, Финляндия, Голландиядан сотиб олишди).

11. Диний туризм – ҳаж сафари, зиёрати ҳозирги вақтда жуда юқори талабга эга бўлиб, оммавий тус олмақда. Ҳар йили юзлаб ватандошларимиз Маккаю Мадинага ҳаж ва умра сафарларини амалга оширмоқдалар.

12. Соғиниш, қўмсаш туризми қариндошлари, туғилган жойлари ва яқинлариникига ташриф буюриш эҳтиёжига асосланган ва халқаро туризм алмашувида муҳим ўринни эгаллайди. Қўмсаш туризмига яққол мисол қилиб, собиқ Иттифок даврида Ўзбекистонда яшаган ва ҳозирги пайтда ҳам уларнинг қариндош-уруғлари республикамизнинг турли шаҳарларида фаолият кўрсатиб келаётган қрим-татар, закавказ халқлари, яҳудийлар, немислар ва бошқа миллатга мансуб бўлган аҳолини кўрсатишимиз мумкин.

13. Экотуризм. Ҳозирги кунда экологик туризмга ҳар қачонгидан ҳам талаб катта. Бу дунёнинг барча давлатларига тегишли бўлиб, фаол дам олишнинг бир тури ҳисобланади. Унга кўра инсон ўз соғлигини тиклабгина қолмай, балки бир қанча эстетик ҳиссиётлар олади. Ҳозирги кунда экологик туризм энг ривожланган дам олиш тури бўлиб, спорт тури ҳам ҳисобланади ва у туризмнинг энг ривожланган соҳасига айланмоқда. Экотуризмнинг мақсади ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туризм мақсадларида оқилона фойдаланишдан иборат.

IQTISODIYOT

Юқоридаги кенг таракқий қилиб бораётган туризм соҳаси ривожланишининг асосий омилларидан бири замонавий менежмент тизимини жорий қилишдан иборатдир. Ишлаб чиқариш жараёнида инсонга бўлган муносабатни акс эттирувчи яна бир ёндашув «инсон капитали» назарияси бўлиб, бунга мувофиқ корхонадаги ишчи кучи капитал сифатида, масалан, пул тарзида идрок этилади. Ушбу назария доирасида персонал бошқарувига оид ҳолатлар ва тасдиқлар бизнесменга тушунарли бўлган иқтисодий атама ва категорияларда баён этилади. Бу таълимотга биноан инсон капитали, одатда, пул бирлигида ўлчанади.

Ҳозирги пайтда глобаллашув жараёни, мамлакатларнинг бир-бири билан интеграциялашуви, ҳаракатлантирувчи транспорт воситаларининг такомиллашуви, улар тезкорлигининг ошиши давлатлар ўртасида турли иқтисодий, маданий, маърифий алоқаларни ўрнатиш имконини бермоқда. Бу алоқалар ичида туризм ҳам салмоқли ўринга эга. Унинг дунё миллий маҳсулотига ҳиссаси 11 %га яқин миқдорга эга.

Бундай имконият Ўзбекистонда ҳам мавжуд, чунки ундаги туризм салоҳияти барча мамлакатлар сайёҳларини қизиқтириб келган. Бу соҳа иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳасига киради ва мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини кўпайтиришга ўзининг маълум даражада ҳиссасини қўшади. Аммо бу соҳа мамлакатимизда йирик саноатлашган соҳага айланиб улгурган эмас. Бунинг устига туризм бўйича кадрлар тайёрлаш масаласи аста-секин ҳал қилинмоқда. Туризм ижтимоий-иқтисодий ҳодиса, жараёнлар бўлиб, бу соҳадаги ишлаётган раҳбарлар иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидагига қараганда анча фарқ қилади. Чунки туризм бошқарувидаги раҳбарлар анча вақт олдинги усулига мослашганидан янги «стиль»га мослашиши қийин бўлади.

«Стил» сўзи грекча сўздан олинган бўлиб, аввалига доскага ёзувда ишлатиладиган ёзув таёқчаси дейилган, кейинчалик «ёзув» маъносида таржима қилинган. Шундан келиб чиқиб, раҳбарлик стили – менежернинг ҳаракати деб тушуниш мумкин. «Раҳбарлик стили» менежернинг амалий фаолиятида усуллар, услублар, шакллар ва омилларнинг турғун – бири-бири билан ўзаро алоқада, ўзаро ҳамкорликда бутун ва ягона тизимни ҳосил қилиш ҳаракатидир. Стил раҳбарликнинг доимий равишда ўзгариб турадиган методлари системасидир. Туризмда раҳбарлик стили доимий равишда ўзгариб туришга мажбурдир. Чунки туризм фирмасининг бутун фаолияти туризм оқими миқдорига қатъий равишда боғлиқ бўлади. Туризм оқимининг кўпайиши туризм фирмасининг захирадаги имкониятларини ҳам ишга туширади ва ўзига хос «босим» ҳосил бўлганлигидан раҳбарлик стили ҳам вақтинча ўзгаради.

Раҳбарлик методи анча турғун ҳолатдаги деярли бир усулдаги бошқаришдир. Бу усулда раҳбарлик, асосан, марказлашган раҳбариятнинг кўрсатмаларига сўзсиз итоат қилиш ва сўзсиз ижро қилишга асосланади. Раҳбарлик стили ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолларда кўп ишлатилиб келинаётган анаъанавий методларга бўйсунмайди. Бу вазиятда раҳбарлик стили билан раҳбарлик методлари ўртасида қарама-қаршиликлар келиб чиқади. Лекин бу вақтинчалик жараён ҳисобланади. Фирма менежери раҳбарлик стилини қўллаб фирманинг топшириқларини бажарганида маълум бўлган раҳбарлик методларини қўллайди. Бу ҳолатда раҳбарнинг интеллектуал қобилияти, ақли ва тажрибаси қўл келади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, раҳбарлик стилида ҳам, раҳбарлик методидида ҳам ҳозиргача ишлаб чиқилган ёки тан олинган «Идеал» усулнинг ўзи ҳам йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Туризм фирмасидаги раҳбарлик стили менежернинг ўз олдига қўйган вазифасига қараб қуйидаги стил ёки методни ёхуд бошқарувни қўллаши мумкин:

- ❖ бошқармоқ – раҳбар ўз бўйсунувчиларига аниқ кўрсатмалар беради ва топшириқнинг бажарилишини сидқидилдан кузатади;

- ❖ йўналтирмақ – менежер топшириқнинг бажарилишини кузатади ва бошқаради, бошқарувдаги ечимни ходимлар билан муҳокама қилади, улардан таклифлар кутади, ўз ташаббусини қувватлашни хоҳлайди;

- ❖ қувватлаш – менежер ходимларга вазифаларни бажаришда ёрдам кўрсатади, улар билан масъулиятни бўлишади, вазифасини тўғри бажаришда ҳамкорлик қилади;

❖ ваколатга ишониш – менежер ўз ваколатларида масалаларни ҳал қилишда уларга масъулиятни ҳам беради. Бундай ҳаракатлар туризм фирмасининг мақсади ва вазифалари фойдаси учун қилинади.

Бошқарув услуги бошқарув фаолияти усулларининг тўпламидир. Услуг ўзига хос объектив категория, яъни фаолиятни ташкил қилиш учун танлаб олинган усул ёки бир неча усуллардир. Энди эса бошқарув услуги ва усули қандай бўлишини кўриб чиқамиз. Бу нисбатни аниқлаш мумкин, бунинг учун аввал ўхшаш вазиятни маданият соҳасида ҳал қилиш керак. Муסיқачи «мусиқа» асарини фортепьянода ижро этади. Унинг кўлида бу асарнинг нотаси бор. «Асар нотасини» нима деб атаймиз-у, унинг «ижросини» нима деб атаймиз? Ҳар бир ижрочи асарни ўзи билганича ижро этади, нотаси тенг битта, ижроси эса ҳар хил. Шундай қилиб, асарнинг ижросини усул билан тенглаштиримиз, улар субъектив (усул) ва объектив (услуг) категория сифатида намаён бўлади.

Келтирилган мисол асосида биз юқорида қўйилган бошқарув услуги ва усули нисбати ҳақидаги саволга жавоб беришимиз мумкин. Улар субъектив ва объектив категориялардир.

Бошқарув услуги куйидаги сифатларга эга бўлиши керак: жамоадаги ўзаро муносабатлар, раҳбарнинг ижтимоий фаоллиги, уддабуронлиги, тартиблиги ва ҳоказолар. Биз бошқарув тузилмасидаги раҳбарлик услуги ҳақида гапирамиз. Тадбиркорлик ва бошқарув ходимлари шахсий услубга эга бўлишлари мумкин. Масалан, менежер-молиячи у маҳсус тавсияномага эга, яъни фойдадан солиқ ажратмасини ҳисоблаш унинг касб фаолиятининг вазифа услубига боғлиқ. Ўз вазифасини бажариш усули унинг шахсий иқтидори, қобилияти, касбни қанчалик эгаллаганлиги, ишбилармонлигига боғлиқ. Буларнинг ҳаммасига иш услуги деб қараш зарур. Хизматчи иқтидорли бўлса, бу касб услублари шунчалик ёрқин намаён бўлади. Амалиётда ишлаб чиқариш раҳбарларининг ишчанлик, ташкилотчилик хусусиятларига ташкилот, фирмаларнинг фаолияти боғлиқдир.

Жамоанинг ишлаб чиқариш фаолиятининг муваффақиятлари кўп ҳолларда раҳбарнинг шахсий сифатига боғлиқ. Ушбу муносабатлар куйидагича бўлмоғи керак:

Биринчидан, ўзаро дўстлик муносабатлари зарур бўлганда бир-бирига ёрдамга келиш.

Иккинчидан, агар раҳбарнинг малакаси ҳақида гапирадиган бўлсак, унда у юқори малакали мутахассис бўлиши ва ўз касбини яхши билиши зарур.

Учинчидан, у ташкилотчилик қобилиятига эга бўлмоғи, ишда жамоани бирлаштира олиши лозим. Агар раҳбар бир вақтда бир неча масала ечадиган бўлса, унда улар ичида энг асосийсини ажратиши, ўз иш вақтини тўғри тақсимлаши, агар зарур бўлса, ўз хизматчиларининг иш вақтини ҳам тўғри тақсимлай олиши лозим.

Менежмент услуги бўлинманинг ва унга бўйсунувчиларнинг ўзаро муҳокама жараёнида намаён бўлади. Бунда раҳбарнинг иши битта муҳим хусусиятга эга бўлади. Бир томондан юқори идора раҳбарлари таъсири остида, иккинчиси унинг қўл остидагиларга бўлган таъсири, учинчиси ўзига тенг бўлганлар билан муносабати. Ушбу учта ўзаро таъсир бошқарув услубини белгилайди, у самарали ёки унчалик самарали бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун бизда тез-тез: «Менежмент услубини такомиллаштириш керак», деган гап ишлатилади. Бу раҳбарнинг уч хил ўзаро муносабатини жамоада яхшилаш зарур деганидир.

Ушбу масала ниҳоясида раҳбар меҳнатининг самарадорлигини қандай ўлчаш ҳақида бир неча фикр билдирамиз. Гап шундаки, раҳбарнинг фаолияти ақлий, баъзида эса ижодий меҳнатдан иборат. Бу каби меҳнат маҳсули мазкур бошқарув масалаларини ечишга қаратилгандир. Иш бошқарув ечимига кетган вақтни акс эттирмайди, шунинг учун раҳбар меҳнати икки хил натижага эга: жорий натижалар ва унинг фаолият охирининг натижалари.

Бошқарув амалиётида турли раҳбарлар билан учрашиш мумкин, уларга бошқарувнинг турли усул ва услублари хосдир. Шунга биноан, туризм фирмаларида раҳбарлар услублари куйидагича бўлади: автократик, демократик ва либерал.

Автократик усулбук якка ҳокимлик тушунчасини билдиради, яъни ҳукмронликни ушлаб турувчи ва амалга оширувчи бир киши. Унга куйидаги услуб хосдир: якка ҳокимлик, бир ўзи қарор қабул қилиш, маъмуриятчилик, қўл остидаги ходимлар ишига доим араллашиб туриш. Автократ раҳбар бошқарув гуруҳининг диққат марказида туради. Барча ҳукмронлик унинг

кўлида бўлади ва барча катта-кичик муаммоларни якка ўзи ҳал қилади, кўл остидагилар билан камгап, талабчан, гоҳида кўрқитиш усулини қўллайди. Агар кўл остидагиларнинг фикрини эшитишга тўғри келса, у буни ўз обрўйига путур етказаяпти деб тушунади. Автократ раҳбар кўл остидагилар билан совуқ муомалада бўлади, ўзининг хонасини безатишни яхши кўради, қабулига кирувчиларга кўшимча расмиятчиликлар кўрсатади. Автократ раҳбар камда-кам кулади, унинг кўриниши доим иш билан банд бўлганини акс эттиради. Унинг асосий белгиси шундаки, кам билимли бўлса ҳам, итоаткор ишчи унга ёқади. Унда ташкилотчилик қобиляти, бошқарувнинг умумий маданияти – касб тайёргарлиги етишмаганда, салбий томонлари тез билиниб қолади. Ўз устидан зарур назоратни йўқотган, бу каби раҳбар ўзини-ўзи идора қилолмаслиги, золимга айланиши, ишчиларни, инсон кадрини пастга урувчи бўлиши мумкин.

Демократик услуб. Демократик сўзи юнонча «демос» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «халқ» маъносини билдиради. Демак, демократия халқ ҳокимлиги, демократик тушунча эса одамлар манфаатини акс эттиради. Агар демократик услуб ҳақида гап кетса, унда «раҳбар-бўйсунувчи»нинг ўзаро муносабати ўзаро ҳурмат, ишониш асосида курилади, бу эса халқ фикри билан ҳисоблашиш демакдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. // «Халқ сўзи» газетаси. 1995йил 4 июнь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни. // Халқ сўзи. 1999 йил 14 сентябрь.
3. Батаршев А.В. Психодиагностика в управлении. Практическое руководство. Учебно-практич. пособие. – М.: Дело, 2005.
4. Титоренко Г.А. Информационные технологии управления. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.
5. Каримова В.М., Ҳайитов О.Э., Умарова Н.Ш. Бошқарув соҳасидаги профессионал компетенция асослари. Монография. – Т.: ТДИУ, Талаба, 2007.
6. Кочеткова А.И. Основы управления персоналом. – М.: ТЕИС, 2000.
7. Логвинов С.А. и др. Современные технологии управления персоналом. – М.: «ТМ и КУ», 2004.
8. Фозиев Э., Тошимов Р. Менежмент психологияси. – Т., 2001.
9. Қудратов Ф.Х., Тўхлиев И.С. Туризм иқтисодиёти. Қўлланма. Сам ИСИ. 2007.
10. Тўхлиев И.С. Туризм асослари. Ўқув қўлланма. Сам ИСИ. 2010.

УДК:338.481

ТУРИЗМ СЎЗИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА ТУРИЗМ ТЕРМИНЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ

ПОНЯТИЕ СЛОВА ТУРИЗМ И ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ТУРИСТСКИХ ТЕРМИНОВ

THE CONCEPT OF THE WORD TOURISM AND THE HISTORY OF THE ORIGIN OF TOURISM TERMS

Собирова Зарнигор Рахимовна
БухДУ стажёр-тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада туризм сўзининг умумий маъноси бир неча манбаларда айтиб ўтилганлиги ва гуруҳларга ажратилиб, ҳар томонлама ўрганилганлиги кўриб чиқилади. Шунингдек, сафар мақсади, саёҳат хусусиятига кўра ҳам туризмнинг бир неча кўринишлари мавжудлиги бирма-бир санаб ўтилади. Шу билан биргаликда, туризм сўзининг аслида қаердан келиб чиққанлиги ва ривожланиш босқичлари ҳақида сўз боради.

Таянч сўзлар: ички туризм, кириб келиш туризми, чиқиб кетиш туризми, маҳаллий туризм, миллий туризм, халқаро туризм.

Аннотация. В статье рассматривается, что общее значение слова туризм упоминается в нескольких источниках и делится на группы и всесторонне изучается. Кроме

того, цель поездки, согласно характеру поездки, также перечисляется один за другим, наличие нескольких видов туризма. В то же время речь идет о том, откуда на самом деле взялось слово туризм и каковы этапы его развития.

Ключевые слова: внутренний туризм, въездной туризм, выездной туризм, внутригосударственный туризм, Национальный туризм, международный туризм.

Abstract. The article considers that the general meaning of the word tourism is mentioned in several sources and is divided into groups and comprehensively studied. Also, the purpose of the trip, according to the nature of the trip, is also listed one by one, the presence of several views of tourism. At the same time, it is about where the word tourism actually came from and the stages of its development.

Key words: domestic tourism, inbound tourism, outbound tourism, internal tourism, national tourism, international tourism.

С. Багирова таърифи бўйича айтадиган бўлсак, туризм — “жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда, яъни мамлакатда ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши, яъни саёҳат қилиши”. Туризмнинг қуйидаги асосий уч шакли фарқланади:

1. *Domestic tourism*, яъни мамлакат фуқароларининг мамлакат ҳудуди бўйлаб саёҳати.

2. *Inbound tourism*, яъни мамлакат фуқароси бўлмаган хорижий шахсларнинг мазкур мамлакатга амалга ошираётган саёҳати.

3. *Outbound tourism*, яъни мамлакат фуқароларининг бошқа хорижий ўлкаларга саёҳати.

Туризмнинг яна қўшимча уч гуруҳга аратилишига ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин:

A. Internal tourism.

B. National tourism.

C. International tourism.

Навбатдаги номлаш элементлари юқоридаги классификациянинг муқобиллари бўлгандай тасаввур уйғотса-да, уларнинг мазмун-моҳияти буткул бошқа. *Internal tourism* атамаси остида ҳам мамлакат фуқароларининг ички, ҳам хорижий фуқароларнинг ушбу мамлакатга саёҳати тушунилади. *National tourism* ички туризм ҳамда фуқароларнинг хорижга сафари статистикасини жамласа, *International tourism* тушунчасида *Inbound* ва *Outbound tourism* хусусиятлари муштаракдир.

Туризм номларининг ифодаланишидан ҳам кўриниб турибдики, таржимадаги нўноқлик сайёҳлик фаолияти турининг моҳиятини ўзгартириб юбориши мумкин. Зеро, мутахассис шахснинг дастлабки назарида *domestic* ҳамда *internal*, *inbound* ҳамда *national*, *outbound* ҳамда *international* ўзаро ўриндошлардай кўриниши мумкин.

Шунингдек, сафар мақсади, саёҳат хусусиятига кўра ҳам туризмнинг бир неча кўринишлари мавжуд ва улар махсус атамалар билан номланган:

Mass tourism туризм авж олган даврдаги ривожланган давлатлар туризмига иқтибос бўлиб, бунда бор эътибор туризм саноатини даромадли соҳа сифатида оммавий ташвиқ қилишга қаратилган, унинг экологик талофотлари кўзда тутилмаган.

Business travel тижорат, давлат ва таълим мақсадларида саёҳат қилишни англатади. Бунда ҳордиқ иккинчи даражали ҳисобланади.

Charter group одатий маршрут бўйича амалга ошириладиган илгаридан шаклланган гуруҳ саёҳати.

Fam (familiarization, educational) tours — туризм ўчоқларини таништириш мақсадида саёҳат агентлари, тур операторлари, туризм хизмати таъминотчилари учун уюштириладиган сафарлар.

Incentive travel ишдаги яхши ижро, садокатни эътироф этиш, рағбатлантириш мақсадида уюштириладиган, барча харажатлари қопланадиган саёҳат.

Inclusive tour — бир тарифда кўплаб имкониятлари жамлаган саёҳат.

IQTISODIYOT

Leisure travel — айланиш, ҳордиқ чиқариш ёки таълимий мақсадларда амалга оширилган саёҳат

Person trip visit — шахнинг касбий ёки кўнгилик ёзиш мақсадида бир кунда ўз худудидан 160 км масофага узоқлашиши ёки тунаб қолиши билан изоҳланадиган саёҳат.

Press trips туризм ўчоқлари ҳақида материал йиғишга кўмаклашиш мақсадида сайёҳ ёзувчилар ҳамда суҳандонлар учун уюштириладиган саёҳатлар ҳисобланади.

Sales mission ҳодисасида бир мақсадли маркетинг ташкилотининг таъминотчилари биргаликда саёҳатни ўз худудларида тарғиб қилиш учун бошқа мамлакатга сафар қилишади.

Site inspection маълум ҳодиса учун танланган жой талабларга жавоб беришини текшириш мақсадида йиғин режалаштирувчиси, худуд саралаш кўмитаси, тур оператор ва рағбатлантирувчи саёҳат менежери каби шахслар томонидан амалга ошириладиган сафардир.

Adventure (activity, special interest) holidays саргузаштларга бой фаол таътил билан боғлиқ, турли *scuba diving, snorkeling, trekking, hang gliding* ва ҳоказолар каби хатарли, аммо завқли машғулотларга фарқ бўлишни билдиради.

All-expense (all-in) tour — барча сафар харажатлари (чипта, меҳмонхона, овқатланиш, кўнгилочар машғулотлар тўлови) бир бюллетенда бўлган ва бир неча имкониятлар бирлаштирилган саёҳат.

Green (alternative, appropriate, responsible, soft, sustainable) tourism mass tourism тушунчасига қарама-қарши қўйилган ҳолда, имкон қадар талофатларсиз, кичикрок гуруҳларда, жойлар табиий тузилмаларини ҳурмат қилган тарзда амалга ошириладиган саёҳатни билдиради.

Urban (city) tourism умумий туризмнинг бир тармоғи бўлиб, шаҳар инфратузилмасини ўрганиш, цивилизация намуналаридан баҳраманд бўлиш ҳамда “шаҳар атмосфераси”га шўнғиш ниятида бўлган саёҳатчи учун мўлжалланган сафар ҳисобланади.

Rural tourism эса аксинча цивилизациядан йироқлашиб, “ибтидоийлик” (соддарок ҳаёт)га қайтишни режалаштирган, инсон омили камроқ таъсирини кўрсатган қишлоқ ҳаётини излаган саёҳатчи учун айни муддаодир.

Circuit tourism бир неча ўлкаларни айланма кезиб ўтиб, яна дастлабки манзилга қайтиладиган саёҳатни ифодалайди.

Social tourism демократик жамият маҳсули бўлиб, аҳолининг камроқ таъминланган ва ёрдамга муҳтож қатламларини харажатларни тўлиқ ёки қисман қоплаш орқали сафарга жўнатиш каби ижтимоий ёрдам билан боғланади.

Ecotourism экологик муҳофаза остида бўлган бирор географик худуд экосистемасини яхшилаш, маҳаллий аҳоли билан ҳамкорликда жойда ижобий ўзгаришлар қилиш ва худуд табиий тузилмасини имкон қадар сақлаб қолишга қаратилган савобли иш назарда тутилган саёҳат саналади. Бунда саёҳатчини ҳашаматли ҳаёт эмас, балки меҳнат кутади.

Ethnic (indigenous, roots) tourism дунёдаги турли маҳаллий этник жамоалар яшайдиган худудларга уларнинг урф-одатлари, маданиятини ўрганиш мақсадида амалга оширилган сафар.

Этник туризмнинг иккиламчи маъноси ҳам мавжуд бўлиб, ота-боболари яшаб ўтган тупроққа қайтиш, қариндош-уруғларни зиёрат қилишни ҳам англатади.

Industrial (factory) tourism маҳаллий аҳолининг фаолият кўрсатаётган завод ва фабрикаларга у ердаги жараён билан танишиш, ишлаб чиқиладиган маҳсулот ҳақида тушунчага эга бўлиш ҳамда уни харид қилиш мақсадида амалга оширадиган ташрифи.

Religious tourism тор маънода ҳаж каби диний сафарларни англатса, кенг маънода жаҳон диний меъроси намуналари ҳисобланган черковлар, масжид ва мадрасаларни зиёрат қилиш, архитектурасидан баҳраманд бўлиш учун уюштирилган саёҳатни ифодалайди.

Heritage tourism жаҳон маданий меъроси ёдгорликларига амалга оширилган саёҳатдир.

Space tourism мавжуд туризм турларининг энг қиммати саналиб, у фазовий кемаларда орбитамизга қилинган саёҳатни билдиради. Илк шундай саёҳат Америка фуқароси томонидан 2001 йилда рус капсуласида космик станцияга қадар уюштирилган.

Sports tourism тушунчаси халқаро спорт ўйинларида иштирок этиш ёки томошабин бўлиш мақсадида бўладиган саёҳатни англатади.

Agri- (agro-, farm) tourism — бу фермалар ва (ёки) сўлим шаҳар чети худудида ташкиллаштирилган саёҳат.

Health tourism (health-care tourism) соғломлаштирувчи дам олиш масканлари (санаторийлар) ёки бошқа шу турдаги гўшаларга рухий ҳордиқ чиқариш ҳамда жисмонан соғломлашиш мақсадида қилинган сафарни ифодалайди.

Sex tourism термини нисбатан янги ва муқаррар эволюцион жараён маҳсули бўлиб, жинсий яқинлик ҳамда шу каби “саргузашт” излаган туризм харидорларига мўлжалланган хизмат кўрсатиш соҳасини билдиради. Бу кўплаб исломий маданиятлар, жумладан, ўзбек миллати менталитети учун ахлоқсиз ҳолат бўлса-да, туризмнинг юқори талаб соҳаси сифатида алоҳида суръатда ривожланмоқда. Ҳайратланарли жиҳати шундаки, бу соҳа туризми маҳсулот ва сервисларининг асосий таъминотчилари Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари эканлиги статистик маълумот саналади.

Туризм инсоният ривожланиш тарихининг маълум бир даврида, аниқроқ айтадиган бўлсак, одамзод бирламчи эҳтиёжларини қондириш зарурати доирасидан чиқиб, ҳордиқ олишга қурби ета бошлаганда алоҳида хизмат тури сифатида шаклланди. Туризм терминологиясининг бойиб бориш босқичларини тарихий даврлаштириш мумкин. Бу жараёнга назар ташлаб ўтиш атамалар талқинида қўл келиши мумкин. Л.В. Виноградова инглиз туризмини халқаро туризм терминологиясининг юзага келишида ўз таъсирини ўтказган тўрт босқичга бўлади:

I босқич — туризм фаолияти ибтидоси даври. Бу давр инглизларнинг асосий саёҳат омиллари савдо, зиёрат, даволаниш ва таълим бўлган қадимийликдан XIX аср бошигача бўлган ораликни ўз ичига олади. Бу босқичга инглиз туризм атамашунослигининг пойдевори ётқизиладиган бошланганлиги характерли. Ҳаракат воситалари, бошпана ва яшаш шароитлари умумодабий лексик бирликлар воситасида ифодалана бошлади: *carriage, board, excursion, hotel, resort, itinerary*. Виноградова бу даврда инглиз туризм лексиконининг 6 фоизи шаклланишини тахмин қилади.

II босқичда оммавий туризм ривожланишни бошлаган XIX асрни тўлалигича қамраб олади. Бунда моддий-техник база, иш услублари ҳамда туризмнинг бошқарув органларининг тамал тоши қўйилди. *Tourism va tourist* атамалари ҳам шу босқич маҳсули ҳисобланади. 1841 йилда замонавий туризм асосчиси саналадиган Томас Кук илк экскурсион темир йўл турини уюштирди. Муваффақият Кукка ҳамроҳ бўлиб, 1851 йил “Томас Кук ва ўғли” номли илк саёҳат бюросини очди. Туризм гуркираши билан туризм атамаларининг қарийб 45 фоизи ҳам XIX асрда юзага келди. Уларнинг шаклланишида табиий жараён иштирокчилари — турли туризм хизматлари таъминотчилари — катта хизматлар кўрсатишди:

- турбюро воситачилик хизматлари асосида (*conductor, booking*);
- ташиш хизматлари асосида (*commute, Pullman car, liner*);
- жойлаштириш хизматлари асосида (*maitre d` hotel, bivouac, room*);
- овқатланиш хизматлари асосида (*a la carte, table d` hote, buffet*);
- кўнгилочар хизматлар асосида (*safari, attraction*).

Юқоридаги намуналардан англашиладики, иккинчи босқичда инглиз туризм терминологиясига бошқа элатлар тилларидан фаол сўз ўзлаштириш жараёни бошланди. Француз тилидан кириб келган *coupon, maitre d` hotel, bivouac*, немис тилидан олинган *Baedeker* ва швед тилидан ўзлаштирилган *smorgasboard* бунга мисол бўла олади.

III босқич, яъни оммавий конвейер туризми даври XIX аср бошидан Иккинчи жаҳон урушига қадар бўлган муддатни ўз ичига олади. Бу босқич туризмга хизматларнинг соддалиги ҳамда улар ижросининг стандартлаштирилганлиги хос. Шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, бу пайтда туризм билан бир хилда транспорт тизими ривожини ва замонавийлашуви кузатилди, бу эса ўз ўрнида сайёҳ ташиш хизмати билан боғлиқ атамаларнинг ортиб боришига олиб келди: *leg, aircraft, aircraft carrier, shuttle, airline*. Меҳмонхона бизнесининг ўсиши ҳам янги лексемалар билан ўз ҳиссасини қўшди:

- ⇒ аҳолини жойлаштириш ва хона номлари асносида (*motel, penthouse, duplex*);
- ⇒ хизмат кўрсатувчилар номлари асносида (*hotelier, receptionist*);
- ⇒ хизмат номлари асносида (*reservation, room service*).

Учинчи босқичда инглиз туризм терминологияси транспорт ва меҳмонхона инфратузилмаси ҳисобига 25 фоизга бойиган саналади.

IV босқич оммавий дифференциаллашган туризм давридир ва у бугунга қадар давом этиб келмоқда. Дифференциаллашган туризмни эҳтиёжлар ва истакларнинг хилма-хиллиги, туризмга бўлган талабда хусусий сегментларнинг кўп сонлилиги, хизматларнинг турлитуманлиги ҳамда таклифнинг яққол хусусийлашганлиги ажратиб туради. Табиийки, бу жараён туризм терминологиясининг хусусий атамалар билан кенгайишига сабаб бўлди: *agrotourism, disaster tour, nostalgic tourism, familiarization trip* ва бошқалар. 50-60 йиллар, яъни туризм инфратузилмасининг интенсив илдамлаш даври атамашуносликда ҳам ўз аксини топди. Ҳозирги кунда фаол қўлланилиш доирасига кирган меҳмонхона санъати (*condominium, check-in, check-out, boutique hotel*), жамоат овқатланиш тартиби (*brunch, catering, stand-up buffet*), турсоператор ва саёҳат агентларининг воситачилик хизматлари (*catchment area, last-minute tour, reservation system*)га алоқадор кўпгина терминлар айнан шу босқичда истеъмолда ҳамда луғатларда пайдо бўлди. Ушбу давр инглиз туризми терминологиясини бойитишнинг ўзига хос жиҳати қўшма ҳамда ясама ном ифодаларининг юзага келиши бўлди: *tour leader, tour operator, tour participant* каби.

Шарқда “туризм” тушунчасининг пайдо бўлиши Ибн Баттута номи билан чамбарчас боғлиқ. У 21 ёшида саёҳатини бошлаб, Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларининг деярли барчасини пиёда кезиб чиқади.

“Икки дарё оралиғи” (Мовароуннахр)да буюк саркарда Амир Темур ва темурийзодалар ҳукмронлиги даврида илк сайёҳлик сафарларининг фаоллашувига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Тарихдан маълумки, Амир Темур француз кироли Карл VI ҳамда инглиз кироли Генрих IV билан мунтазам дипломатик муносабатлар юритган. Темурийлар элчиси 1403 йилда Парижга ташриф буюрган. Испаниялик Клавихонинг “Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти” китобида Мовароуннахрдаги ижтимоий ҳаёт ҳамда сайёҳларнинг Темур давлатига интилиши акс этган.

АДАБИЁТЛАР

1. Багирова С. Туризм атамаларининг ўзбек, рус ва испан тилларида қўлланилиши, *Замонавий роман-герман тилишунослиги ва тилларни ўқитишда янги педагогик технологиялар, Республика илмий-амалий анжумани материаллари*. – Самарқанд, 2018. 139-б.
2. Виноградова Л. В. Терминология туризма английского и русского языков в синхронном и диахронном аспектах. – Великий Новгород, 2011. Стр. 11.
3. *Encyclopedia of Leisure and Outdoor Recreation*, J. Jenkins and J. Pigram, eds. Routledge 2003. *The Encyclopedia of Ecotourism*, D. Weaver ed. CABI, 2001. *International Encyclopedia of Hospitality Management*, A. Pizam, ed. Elsevier, 2005. *Encyclopedia of Tourism*, J. Jafari, ed. Routledge, 2000. *Encyclopedia of Social and Cultural Anthropology*, A. Barnard and J. Spencer, eds. Routledge, 1996.
4. *Dictionary of Travel, Tourism and Hospitality*, S. Medik, ed. Butterworth, 2003.
5. *A Dictionary of Travel and Tourism Terminology*, A. Beaver. CABI, 2005.
6. *Dictionary of Concepts in Recreation and Leisure Studies*, S. Smith, ed. Greenwood Press, 1990.
8. *Dictionary of Travel, Tourism and Hospitality Terms*, R. Harris and J. Howard. Hospitality Press, 1996.
9. *The Tourism Society's Dictionary for Tourism Industry*, V. R. Collins, ed. CABI, 2008.
10. *The Travel Dictionary*, C. Deruaes, ed. Solitaire Publishing 1989.
11. *The Traveler's World: A Dictionary of Industry and Destination Literacy*, N. Starr and S. Norwood. Prentice Hall, 1996.
12. Хушмуродова Ш.Ш. *Borrowings in the Uzbek and English languages. Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим. 1-сон (70)*, 2019. Уч ойда бир марта чиқадиган илмий-услубий журнал. Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар институти.
13. Сафаров Ш. *Семантика*. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – 270 б.

УДК: 621.375.132

“ЭЛЕКТРОНИКА ВА СХЕМАЛАР” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТРИГОНОМЕТРИК
ФУНКЦИЯ ВА КОМПЛЕКС СОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КОМПЛЕКСНЫХ ЧИСЕЛ И ТРИГОНОМЕТРИЧЕСКИХ
ФУНКЦИЙ ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ ДИСЦИПЛИНЫ “ЭЛЕКТРОНИКА И СХЕМЫ”

THE USE OF COMPLEX NUMBERS AND TRIGONOMETRIC FUNCTIONS IN
TEACHING THE DISCIPLINE "ELECTRONICS AND CIRCUITS"

Амонов Адхам Камолович

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ СФ доцент, физ.-мат.ф.н.,

Уринов Суннатилло Худоёрович

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ СФ ўқитувчиси,

Абдуганиев Шухрат Абдуганиевич

Тошкент ҳарбий техника институти катта ўқитувчиси,

Махмудов Фурқат Джумабоевич

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ СФ қошидаги академик-лицей ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада ўзгарувчан ток ва кучланишларни синусоидал катталиқда ифодалаб, векторларни қўшиш (ёки айириш) қоидалари асосида ҳисоблаш мураккаблигини эътиборга олган ҳолда бу усулдан ташқари соддароқ ва қулайроқ бўлган, комплекс сонлар ёрдамида синусоидал катталиқларни қўшиш, айириш, ҳатто, кўпайтириш ва бўлиш мумкин эканлиги мисолларнинг ечими орқали кўрсатилган. Шунингдек, синусоидал ўзгарувчан ток электрик занжирларини ҳисоблаш ўзгармас ток занжирларини ҳисоблаш каби тригонометрик функциялардан иборат турли алгебраик амалларни бажаришда боғлиқлиги ёритилган.

Таянч сўзлар: ўзгарувчан ток, кучланишларнинг синусоидал катталиги, синусоидал ёки косинусоидал ўзгарувчанлик, токнинг фазаси, тоқлар йигиндиси.

Аннотация. В этой статье показаны примеры переменных токов и напряжений синусоидальных величин, которые можно рассчитать с использованием правил сложения (или вычитания) векторов и следовательно, синусоидальные величины проще решать, складывать, вычитать, умножать и делить на комплексные числа. Также объясняется, что расчет синусоидальных цепей переменного тока зависит от выполнения различных алгебраических функций, включая тригонометрические функции, такие как вычисление переменных токовых цепей.

Ключевые слова: переменный ток, синусоидальное напряжение, синусоидальное или косинусоидальное переменные, фаза тока.

Abstract. This article shows examples of alternating currents and voltages of sinusoidal quantities that can be calculated using the rules of addition (or subtraction) of vectors and therefore sinusoidal velechens are easier to solve, add, subtract, multiply and divide by complex numbers. It is also explained that the calculation of sinusoidal alternating current circuits depends on the performance of various algebraic functions, including trigonometric functions, such as calculating unchanged current circuits.

Key words: alternating current, sinusoidal voltage, sinusoidal or cosinusoidal voltage, current phase, current.

Республикаמידа таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши натижаси ўларок, ўқув жараёни самарадорлигини оширишда педагогик ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда [1]. Шу жумладан, “Электроника ва схемалар” фанини ўқитишда ҳам янгича инновацион ёндашув талаб этилади. Яъни “Электроника ва схемалар” муаммолари ечимини топишда фанлараро алоқадорлик ва


интеграция муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур мақоланинг асосий мақсади сифатида “Электроника ва схемалар” фанини ўқитишда тригонометрик функция ва комплекс сонлардан фойдаланиш усуллари афзаллик томонларини кўрсатиш ва тегишли хулосаларни бериш назарда тутилган.

“Электроника ва схемалар” фанидан “ўзгарувчан ток” мавзуси муҳим ўрин тутди, бу кўплаб электроника ва схемалар қурилмалари ўзгарувчан токда ишлаши билан изоҳланади [2]. Электр станциялари берк контур юзасида магнит индукция оқимининг вақтга нисбатан даврий равишда ўзгариши туфайли ўзгарувчан ток ва кучланишни ҳосил қилади. Бундай ўзгариш қонунига синусоидал ёки косинусоидал ўзгарувчанлик дейилиб, кўпинча синусоидал кўринишда ифодаланилади [3].

Умумий ҳолда, ўзгарувчан ток ёки кучланиш тенгламалари қуйидаги кўринишда бўлади:

$$i = I_m \sin(\omega t + \varphi) \quad (1) \quad \text{ёки} \quad u = U_m \sin(\omega t + \varphi) \quad (2)$$

бу формулаларда i , u – ток ва кучланишнинг оний қиймати; I_m , U_m – ток ва кучланишнинг максимал қиймати (амплитудаси); ω – доиравий частотаси; φ – бошланғич фаза. Бу тенгламаларда икки ўзгарувчан катталиқлар, $i(u)$ ток ва вақтнинг боғлиқлиги. Вақт ўтиши билан ток (кучланиш) синусоидал қонунга кўра ўзгаради. (1) ва (2) тенглама графиги 1-расмда кўрсатилган.




1-расм. Вақт ўтиши билан токнинг синусоидал ўзгариши


Синусоидал ўзгарувчан ток электр занжирларини ҳисоблаш ўзгармас ток занжирларини ҳисоблаш каби тригонометрик функциялардан иборат турли алгебраик амаллар (масалан, тоқлар, кучланишлар ва электр юритувчи куч (э.ю.к.)ларни Кирхгоф қонунлари бўйича қўшиш ва айириш амаллари)ни бажариш билан боғлиқ [4]. Ҳатто бир хил частотали иккита синусоидал миқдорни оддий усулда қўшиш (ёки айириш) $i_1 = I_{m1} \sin(\omega t + \varphi_1)$ ва $i_2 = I_{m2} \sin(\omega t + \varphi_2)$ уларнинг ҳар бирини синусоидал ва косинусоидал ташкил этувчиларга ажратиш билан боғлиқ бўлган мураккаб тригонометрик алмаштиришларни талаб қилади [5]. Масалан, кетма-кет уланган иккита генераторлар берилган бўлсин (2-расм), бу икки генераторларда ҳосил қилинаётган кучланишлар мос равишда $u_1 = U_{m1} \sin(\omega t + \varphi_1)$ ва $u_2 = U_{m2} \sin(\omega t + \varphi_2)$. Бу кучланишлар тенгламалари 3-расмда U_{m1} ва U_{m2} векторлар кўринишда чизамиз. Бу векторлар йиғиндисининг тенгламаси қуйидагича:

$$u = U_m \sin(\omega t + \varphi_1)$$

(чизмада $U_{m2} > U_{m1}$ ёки $I_{m2} > I_{m1}$ ва $U_2 > U_1$ деб қараймиз).



2-расм. Кетма-кет уланган генераторлар




3-расм.

Векторларни қўшиш (ёки айириш) қуйидаги теоремага асосан тўғри натижа беради: йиғиндининг проекцияси проекциялар йиғиндисига тенг, яъни $Oc=Oa+Ob$ ёки $U=U_1+U_2$. (3-расмда кучланишларнинг векторлар кўриниши тасвирланган).

1-мисол. Синусоидал токнинг тенгламаси берилган $i_1=2\sin(\omega t+45^\circ)$; $i_2=3\sin(\omega t-60^\circ)$. Токлар йиғиндисини $i=i_1+i_2$ топинг.

Ечиш: Берилган тенгламалардан $I_{m1}=2A$, $\varphi_1=45^\circ$, $I_{m2}=3A$, $\varphi_2=-60^\circ$ ларни формулалардан топамиз. Натижавий токнинг фазаси қуйидаги формуладан топилади:



4-расм.

$$\operatorname{tg} \varphi = \frac{I_{m1} \sin \varphi_1 + I_{m2} \sin \varphi_2}{I_{m1} \cos \varphi_1 + I_{m2} \cos \varphi_2}$$

Йиғиндилардан векторларни курамиз (4-расм). Йиғинди токнинг тенгламаси куриш натижасида қуйидагини ёзиш мумкин:

$$i=I_m \sin(\omega t + \varphi_1) = 3,14 \sin(\omega t - 22^\circ).$$

Кўришиб турибдики, ўзгарувчан ток ва кучланишларни синусоидал катталиқда ифодалаб, векторларни қўшиш (ёки айириш) қоидалари асосида ҳисоблаш қийинроқ бўлиши билан бирга баъзи маълумотларни В.М. Брадис жадвалидан фойдаланиб, тригонометрик функцияларнинг қийматларини жадваллардан топишга қаратилган. Бу эса ўқувчилардан яънада кўпроқ масъулият ва вақт талаб қилади. Иккинчидан, фазаларнинг йўналишини ҳам, соат стрелкасига қарши йўналиш мусбатлигини ҳам ҳар доим эсида сақлаши керак. Бу усулдан ташқари соддароқ ва қулайроқ бўлган комплекс сонлар ёрдамида синусоидал катталиқларни қўшиш, айириш, ҳатто, кўпайтириш ва бўлиш мумкин.

Электроника ва схемаларда математикадан фарқли равишда комплекс соннинг мавҳум қисмини I_m эмас j ҳарф билан (қисқалиқ маъносида) белгиланади, ҳақиқий қисмини эса Re математикадагидек актив ёки фаол қисмга ажратиб ўрганамиз. Фараз қилайлик, $A=a+jb$ комплекс сон берилган бўлсин, у ҳолда уни вектор кўринишда ифодалаш мумкин. Бу

расмда $|A| = \sqrt{a^2 + b^2}$ – комплекс соннинг модули, $\alpha = \arctg \frac{b}{a}$ – комплекс соннинг аргументи.

Маълумки, комплекс сонлар 4 хил кўринишга эга: 1) жуфтлик кўринишида – $A=(a:b)$; 2) алгебраик – $A=a+jb$; 3) тригонометрик – $A=|A|(\cos\alpha+j\sin\alpha)$; 4) кўрсаткичли – $A=|A|e^{j\alpha}$ (электротехника ва электроникада α бурчак-даража кўрсаткичи эса радианларда ифодаланиши керак).

Комплекс сонларни татбиқ этишда қуйидаги тасдиқ асосий ҳисобланади: ҳар бир комплекс сонга аниқ битта вектор ва аксинча, ҳар бир векторга аниқ битта комплекс сон мос келади.

Шундай қилиб, берилган пасив занжирни $U=U_m \sin(\omega t + \varphi)$ кучланиш манбаига уланган деб фараз қилайлик. Занжир элементларининг уланиш усулларидан қатъи назар бутун занжирнинг токини $i=I_m \sin(\omega t + \varphi)$ десак, кучланиш ва ток эффектив қийматларининг комплекслари $\dot{U} = \frac{U_m}{\sqrt{2}} e^{j\varphi_u}$; $\dot{I} = \frac{I_m}{\sqrt{2}} e^{j\varphi_i}$ ёки $\dot{U} = U e^{j\varphi}$ ва $\dot{I} = I e^{j\varphi}$ кўринишда бўлади.

4-расмда векторнинг иккита проекциясини: ҳақиқий сонлар ўқига – U_a (кучланишнинг актив ёки фаол ташкил этувчиси) ва мавҳум сонлар ўқига (кучланишнинг реактив ташкил этувчиси) проекцияси кўрсатилади. Комплекс сон билан ифодаланган синусоидал катталиқ комплекс деб аталади ва U ёзма ҳарф устига нукта қўйиб, \dot{U} каби белгиланади.

4-расмга мос расвишда кучланишни учта кўринишда ёзиш мумкин: 1) алгебраик кўриниш – $\dot{U} = U_a + jU_p$; 2) тригонометрик кўриниши – $\dot{U} = U(\cos\varphi + j\sin\varphi)$; 3) кўрсаткичли кўриниши – $\dot{U} = U e^{j\varphi}$.

2-мисол. $i=3\sin(\omega t + 30^\circ)$ берилган бўлсин, токнинг частотаси $f=50$ Гц ҳисобга олган ҳолда, токни комплекс сон кўринишида ифодаланг. Томсон формуласидан фойдаланиб, $\omega = \frac{2\pi}{T} = 2\pi n = 3,14 \cdot 2 \cdot 50 = 314$ топамиз. У ҳолда $i=3\sin(3,14t + 30^\circ)$ эканлиги келиб чиқади.

$$\text{Ечиш: } I_m=3; \varphi = 30^\circ = \frac{\pi}{6}; I = \frac{I_m}{\sqrt{2}} = \frac{3}{\sqrt{2}} = \frac{3\sqrt{2}}{2} = 1,5\sqrt{2}A = 2,12A.$$

Комплекс токнинг кўрсаткичли кўринишда ёзиш осон: $i = 2,12 \cdot e^{+j\frac{\pi}{6}}$. Эйлер формуласига асосан токни тригонометрик ва алгебраик сон кўринишида осонликча ёзамиз: $e^{j\varphi} = \cos\varphi + j\sin\varphi$.

$$i = 2,12(\cos 30^\circ + j\sin 30^\circ) = 2,12\left(\frac{\sqrt{2}}{2} + \frac{1}{2}j\right) = 1,84 + 1,06j \quad \text{бундай натижа ёки}$$

комплекс сондан фойдаланиб, токни актив ва реактив ташкил этувчиларини топиш мумкин. $I_a=1,84$; $I_p=1,06$.

3-мисол. Фараз қилайлик, ўзгарувчан ток $i=3+4j$ комплекс кўринишда берилган, бу токни тригонометрик кўринишда ифодалаймиз.

Ечиш: Тенгламани ёзиш учун амплитуда ва бошланғич фазавий бурчакни билиш етарли. Бунинг учун берилган комплекс соннинг модули ва аргументини топамиз.

$$I = \sqrt{a^2 + b^2} = \sqrt{3^2 + 4^2} = 5A; \quad \varphi = \arctg \frac{b}{a} = \arctg \frac{4}{3} = 53^\circ \quad \text{булардан}$$

$$I_m = I\sqrt{2} = 5\sqrt{2} = 7,07A \quad \text{ва } i = I_m \sin(\omega t + \varphi) = 7,07 \sin(314t + 53^\circ)$$

эканлиги келиб чиқади. Демак, комплекс кўринишдаги ифодани тригонометрик кўринишга ўтказиш учун комплекс соннинг модули ва аргументини топишнинг ўзи етарли экан.

Иш ва қувват. “Электроника ва схемалар” фанининг асосий масаласи иш ва қувват эканлигини билган ҳолда кучланиш ва ток комплексидан фойдаланиб, бир мисол кўрайлик.

4-мисол. $U=60+j30$; $I=4+3j$ ток ва кучланиш комплекслари берилган бўлсин. Техникада актив ва реактив қувватни аниқлаш муҳим эканлигини билган ҳолда уларни топайлик.

Агар кучланиш комплексини ток комплексининг қўшмасига кўпайтирсак, қувват комплекси ҳосил бўлади:

$$\dot{S} = \dot{U} \cdot I^*$$

бу формулада, \dot{S} – қувват комплекси, I^* – қўшма ток комплекси. Кўпайтириш натижасида ҳосил бўлган комплекс соннинг ҳақиқий қисми фаол қувватга, мавҳум қисми эса реактив қувватга тенг бўлади.

$\dot{S} = P + jQ$ бунда: P – фаол қувват, Q – реактив қувват.

Ечиш:

$$\varphi = \arctg \frac{b}{a} = \arctg \frac{30}{60} = \arctg \frac{1}{2}$$

Ток модулини топамиз:

$$I = \sqrt{a^2 + b^2} = \sqrt{16 + 9} = 5A; \quad \varphi = \arctg \frac{b}{a} = \arctg \frac{3}{4}.$$

Хулоса қилиб айтганда, мақолада соддароқ ва қулайроқ бўлган комплекс сонлар ёрдамида синусоидал катталикларни қўшиш, айириш ҳамда кўпайтириш ва бўлиш амалларини бажаришда назарий таққослашлар билан биргаликда бир нечта электроника ва схемаларга доир масалаларнинг амалий ечими келтирилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев М.Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Каримов А.С. Назарий электротехника. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 422 б.
3. Попов В.С. Теоретическая электротехника. – М.: Энергоатомиздат, 1990. – 543 с.
4. Попов В.С., Николаев С.А. Общая электротехника с основами электроники. – М.: Энергия, 1972. – 507 с.
5. Urinov X.O., Salakhiddinov A.N., Mirzakulov Kh.B. Determining the Magnetization of Thin Films by Measuring Torque. // Bulletin of the Russian Academy of Sciences: Physics – 2019. Vol 83, №7. P. 956-959.

УДК: 37.022

МАКТАБДА ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ РОДНОГО ЯЗЫКА В ШКОЛЕ

PROBLEMS OF NATIONAL LANGUAGE EDUCATION AT SCHOOL

Йўлдошева Дилором Нейматовна

БухДУ ўзбек тилишунослиги кафедраси доценти, пед.ф.н.

Аннотация. Умумий ўрта таълим мактабларининг она тили машгулотларида ўқувчи, асосан, нимани ўрганиши зарур? Тилишунослик асослариними ёки тил имкониятлариними? Албатта, ўқувчи учун тил имкониятларини ўрганиши жуда муҳим. Чунки ўрта мактабни битирган барча ўқувчи келажакда тилишунос бўлмайди.

Мазкур мақолада ўрта умумтаълим мактабларида она тили таълими муаммолари ва уларнинг ечими борасидаги мулоҳазалар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: она тили таълими мақсади, она тили таълими мазмуни, таълим усули, шахс эҳтиёжи, тилишунослик таълими ва тил таълими, ретроскопик таълим, когнитив таълим, билимдон шахс ва ижодий тафаккур соҳиби, мустақил фикрлаш, ижтимоий буюртма талаби, нутқий компетенция, муаммолар, ечим.

Аннотация. Чему должен учиться ученик в основном на уроках родного языка в средних школах? Основы лингвистики или возможности языка? Конечно, изучение языковых

возможностей важно для читателя. Потому что не каждый выпускник средней школы будет лингвистом в будущем.

В данной статье анализируются проблемы образования на родном языке в средних школах и их размышления о решении.

Ключевые слова: образование на родном языке, содержание образования на родном языке, метод обучения, потребности личности, лингвистическое образование и обучение языку, ретроскопическое образование, когнитивное образование, осведомленное и творческое мышление, самостоятельное мышление, потребность в социальном заказе, речевая компетентность, проблемы, решения.

Abstract. What should a student learn mainly from mother tongue lessons in secondary schools? Basics of linguistics or language features? Of course, learning linguistic features is important to the reader. Because not every high school graduate becomes a linguist in the future.

This article analyzes the problems of mother tongue education in secondary schools and comments on their solutions.

Key words: mother tongue teaching, content of mother tongue education, teaching method, personality needs, linguistic education and language learning, retrospective education, cognitive education, knowledgeable and creative thinking, independent thinking, the need for social order, speech competence, problems, solutions.

Давлат жамиятнинг тараккиёт даражасидан ҳамда уни ривожлантириш учун белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда таълим тизими олдига муайян буюртма беради. Бу буюртма жамиятнинг (биринчи навбатда, иқтисодий, сўнгра маънавий-маданий эҳтиёжлари билан белгиланади) ижтимоий, иқтисодий салоҳиятини юксалтиради, давлат томонидан белгиланган ягона мақсад йўлида фуқароларнинг маънавий-маърифий кифасини уйғунлаштиради, ривожланишга тўсиқ бўлувчи муаммоларни ҳал этади. Бу эса пировард натижада, жамият аъзоларининг умумий фаровонлигини таъминлашга олиб келади.

Давлат буюртмасида фан ва таълимнинг ривожланиш ҳамда интеграцион ҳолати, бошқарув, таъминот тизимининг даражаси, жамият ва шахс орзу-умидларининг муштараклиги кабилар диққат марказда бўлиб, муайян ҳужжат билан расмийлаштирилади. Ҳозирги кунда бу амалдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони ва айни кунларда янги лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида бўлган “Таълим тўғрисида”ги қонундир.

Таълимга оид расмий ҳужжатларда таълим тизимига муайян талаблар қўйилади. Бу талаб таълимнинг мақсад, вазифа, тур ва босқичларини белгилаб беради, барча ва ҳар бир фан бўйича буюртма мазмуни Давлат таълим стандартлари (малака талаблари) қўринишида қонулаштирилди. Таълим Ўзбекистон Республикаси сиёсатининг устувор йўналиши, давлат аҳамиятига молик ижтимоий-педагогик масала бўлганлиги боис унинг бош мақсади 2019 йил 23 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва жамиятда ўқитувчиларнинг ўрнини ошириш бўйича» бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида юрт раҳбари томонидан белгилаб берилди: «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» тамойилига асосланган ҳолда... мактаб таълимини ривожлантириш биз учун буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур»[1].

Давлат буюртмаси асосида таълимнинг умумий мақсади белгилаб берилиши соҳа мутахассислари учун сир эмас. Давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида таълим-тарбиянинг мақсади ягона бўлиб, бу яхлитлик давлат, жамият ва унинг аъзолари муносабатлари билан белгиланади. Шу боис республикамизда таълимнинг умумий мақсади негизида ижодий ва мустақил фикрловчи, маънавий-мафкуравий кифаси жамиятнинг бош ғояси билан уйғунлашган шахсни тарбиялаш мўлжали ётади. Баркамол авлод деганда, бизда

мана шундай шахс назарда тутилади. Зеро, таълимдан ҳам, тарбиядан ҳам мақсадимиз битта: фарзандларимиз баркамол бўлсин.

Таълимнинг умумий мақсади эса ҳар бир ўқув фанининг мақсад ва вазифаларини белгилаб олишни тақозо этадики, бу, хусусан, *миллийлигимизнинг ёрқин ифодаси бўлган* она тили таълими мақсадида ўзининг аниқ ифодасини топган: *«мактабда она тили таълими мақсади ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда тўғри ва раво баён қиладиган, китобхонлик маданияти шаклланган, мустақил ва ижодий фикрлай оладиган, ўзгалар фикрини англайдиган – мулоқот ва нутқ маданияти ривожланган шахсни камол топтиришдан иборат»* [3].

Она тили таълими мақсади таълимнинг умумий мақсадига уйғун бўлиб, унинг икки талабини ўзида жузъийлаштиради: ижодий ва мустақил фикрлаш малакасини қарор топтириш ҳамда бунинг натижасида таълим олувчининг ҳар томонлама етук шахс сифатида камол топиши. Демак, она тили имкониятларини эгаллаш ҳамда шу асосда баркамол инсон сифатида шаклланишга бўлган талаб бу фан тадриси олдида жуда кўп вазифаларни кўяди. Жумладан, таълим муассасаларида олиб борилаётган ишлар ўқувчиларнинг ўзида зарур малака ва кўникмаларни шакллантиришига қаратилади. Таълим усули, мазмуни, таълим воситалари ана шу улкан ва улуғ вазифаларнинг аниқ ва пухта бажарилишига йўналтирилган бўлиши шарт.

Таълим мақсадида шахснинг маънавий-мафкуравий тарбияси миллий мафкура ва миллий ғояга мувофиқ бўлиши аксиоматик характерга эга. Чунки тарбияланувчи шахснинг маънавий-мафкуравий қиёфаси жамиятнинг ягона ва умумий маънавий-мафкуравий сиёсатида мос келиши жамият тараққиётининг гаровидир. Бироқ она тили таълими мақсадининг асосий узви бўлган ижодий тафаккурли ва мустақил фикрли шахсни тарбиялаш масаласи давлатимизнинг ички сиёсати ва иқтисодий тизимнинг, унинг ҳараклантирувчи кучларининг тафаккур тарзига бўлган талаби билан белгиланади.

Рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти тадбиркор, ижодий тафаккури юксак, ҳар қандай қийин вазиятдан ўз ақл-идроки, мустақил ижодий тафаккури билан омон чиқа оладиган, шуурида миллий руҳ мустаҳкам бўлган шахсни тарбиялашни тақозо қилади. Давлатимиз сиёсати негизида шахс фаровонлиги ва бахт-саодатини таъминлаш ётар экан, унда шахс тарбияси юқорида кўрсатилган мақсаддан бошқа мўлжалда ташкил этилиши мумкин эмас. Бу жараёнда *«Мактаб бу ҳаёт-мамонт масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак»*[1]. Демак, бош мақсадимиз «таълим олувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат» экан, бунинг асосий воситаларидан бўлган она тили таълими масаласига анъанадагидан фарқли равишда бутунлай бошқача кўз билан қарашимиз лозим.

Шу ўринда биз, энг аввало, она тили таълими ва унинг натижаси борасида икки жиҳатни фарқлаб олишимиз зарур. Булар:

1) она тили таълими жараёнида таҳсил олувчига тилнинг беқиёс имкониятларидан фойдаланиш, яъни тилнинг коммуникатив-амалий қийматини юксак даражада намоён эта олиш кўникмаларини сингдириш;

2) она тили таълими жараёнида таҳсил олувчига тилшунослик асосларини мунтазам ўргатиб бориш, том маънода, жамият учун тилшуносликнинг қонун-қоидаларини биладиган шахсни тайёрлаш.

Хўш, бугун мактаб партасида ўтирган ўқувчи учун келажакда қай бири муҳим? Тил имкониятларидан фойдалана оладиган, сўзнинг мантиғига ва қадрига ета оладиган шахс сифатида шаклланишми ёки мактабни битиргунича қарийб 1.500 та қоидани ёд олиб, олий таълимга ўқишга кириш учун улардан чала-чулпа (баъзан, омадига таяниб) фойдаланиб қоладиган киши бўлиб етишишми?

Ўрта умумий таълимнинг амалдаги малака талабларида «Она тили» ўқув предметини ўқитишнинг асосий вазифалари қуйидагича белгиланган:

- ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга, ўз фикрини оғзаки ҳамда ёзма шаклда саводли баён қила олишга қаратилган нутқий компетенцияни ривожлантириш;
- ўқувчиларда грамматикага оид ўзлаштириладиган билимларни (фонетика, лексикология, сўзнинг таркиби, сўз ясалиши, морфология, синтаксис, ёзув ва имло, тиниш белгилари, нутқ услублари, стилистикага оид тушунчаларни) ривожлантириш;
- она тилининг кенг имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда тўғри ва раён баён эта олишни ривожлантиришга қаратилган лингвистик компетенцияларни шакллантиришдан иборат [3].

Белгиланган вазифаларга диққат қилсак, 1- ва 3-вазифалар она тили таълимнинг бош мақсадига тўла ҳамоҳанг, 2-вазифа эса қисман. Тўғрироғи, 1- ва 3-вазифалар ўқувчига тил имкониятларини ўргатиш талабини кўйса, 2-вазифа таълим олувчига тилшунослик асосларини мунтазам ўргатиб боришни тақозо этади. Яъни 1-, 3-вазифалар болани ижтимоий ҳаётга, турмушга тайёрлаш муддаосини кўзлайди. 2-вазифа ижроси эса уни табиий ҳаёт тарзидан узиб қўйишга олиб келади. Бу ҳолатни, афсуски, мактабда ўқитиладиган барча ўқув предметлари таълимида кузатишимиз мумкин.

Тилшунос олим Б.Менглиев яқинда «кун.уз» каналига берган интервьюсида шундай деди: «Ҳаммамиз мактабда физика, кимё, математика, биология предметларини ўқиганмиз. Улардан қойиллатиб беш баҳо олганмиз. Аммо кўп ҳолларда оддийгина электр чироғи патронини ўрнатишни ҳам, дарахтни пайванд қилишни ҳам, юлдузларга қараб вақтни аниқлашни ҳам, жароҳатга қандай малҳам қўйишни ҳам, бирор нарсанинг ҳажмини ҳисоблашни ҳам эплай олмаймиз. Ҳатто оддийгина иситиш тизимидаги сувнинг айланма ҳаракатини ҳам тушунмаймиз. Нега? Чунки биз олган таълим ҳаётдан узилиб қолган. Ҳамма ҳам физик, математик, биолог бўлавермайди-ку! Шунинг учун ўқувчида ҳаётий компетенция биринчи ўринга чиқиши лозим эди» [5].

Ҳақ гап. Олимнинг фикридаги бир сўзни ҳам рад эта олмаймиз. Болаларнинг мактабдан бешишига ҳам мана шу жиҳатлар сабаб бўлмаяптимикиан?!

«Энди ўзимизнинг «Она тили»мизга келайлик. Она тили таълимнинг аҳволи қандай? Боши ҳам, адоғи ҳам йўқ, бунинг устига дарсликдан дарсликка ўтиш, синфдан синфга кўчиш билан ўзгариб турадиган сон-саноксиз илмий (лингвистик) қоидаларни ёдлатамиз. Матннинг, берилган гапларнинг авра-астарини чиқариб, ипидан игнасигача таҳлил қилдирамиз. Бироқ бу «билим»лар оғзаки ва ёзма нутқимизга қай даражада таъсир қилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз» [5].

Олимнинг фикрларидан ижодий ва мустақил фикрли шахс тарбиясини амалга оширишда она тили ва унинг таълим тизими, буни ташкил этувчи воситаларнинг роли ва характери беқиёс эканлиги аён бўлади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бугунги кунда жамиятимиз билимдон шахсга эҳтиёжмандми ёки кўзланган мақсадга эришишнинг ўнлаб йўллари борлигини, муайян шароитда шулардан қай бири юксак самара бера олишини билувчи ва уни қўллаш олувчи шахсгами?!

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шаклланиб, тараққий этмоқда. Жамиятда мулкчилик муносабатлари қарор топиб, унинг аъзолари онгида боқимандалик кайфияти, фикрий танбаллик, «юқори» кўрсатмаси асосида ишлаш ҳисси ўрнини иқтисодий тафаккур, тадбиркорлик, йўқдан бор қилиш, ички имкониятларни ишга солиш зарурати эгаллаб, ақл-идроққа, муайян шартга кўра иш тутишга ягона яратувчи куч сифатида қараш, четдан мадад кутмаслик туйғуси шаклланмоқда. Бу бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бири. Бироқ иқтисодий тафаккур бошқа ҳодисаларга нисбатан барқарорлиги, жуда секин алмашиш, ривожланиш ва ўзгариш хоссаси билан ажралиб туради. Буни бизда умумий мулкчилик тафаккури ўрнини секинлик билан хусусий мулкчилик ва бозор иқтисодиёти тафаккури эгаллаётганлиги, яъни иқтисодий тафаккур алмашинуви юз бераётганлиги билан изоҳлаш зарур [4].

Бозор иқтисодиётидан аввалги давр билим қамрови кенг, турли фанларни ва ўз ихтисослигини чуқур эгаллаган, кўрсатилган масалаларни белгиланган тарзда еча оладиган мутахассисларни талаб қилиб, омманинг тадбиркорлиги ва мустақил фикрлашини тақозо

этмас эди. Шунингдек, собиқ шўро мафкурасининг давлат сиёсий тузуми ва идеологик тузилмаси ҳамда пировард мақсади мустақил фикрловчи шахсга эмас, «Бўл тайёр!» шиорига ҳар доим шай «содиқ аскар»га кўпроқ эҳтиёж сезар эди. Бу эҳтиёжни қондиришга қаратилган давлат буюртмаси эса таълим ва тарбиянинг бошидан охиригача «қизил ип» бўлиб ўтган эди. Натижада давлатнинг таълим сиёсати, таълим мақсади, усули ва мазмуни шунга монанд равишда ташкил этилган бўлиб, таълимда репродуктив усул, ўқитишда ретроскопик воситаларга муҳим аҳамият бериларди.

Репродуктив (лотинча: re – такрорлаш, produco – яратаман) усул таълимда берилган билимни эгаллаш ва хотирада айнан сақлаш йўли бўлиб, у ўқувчига маълум миқдордаги билимни олувчи объект, ўқитувчига эса таълим жараёни субъекти сифатида муносабатда бўлади. Таниқли методистлар И.Я. Лернер, М.Н. Скаткин кабилар ўз тадқиқотларида репродуктив усулнинг моҳиятини атрофлича ёритганлар. Бу усул билишнинг дедуктив кўринишига асосланади. Бунга мувофиқ, ўқувчиларда тайинланган қоида ва таърифлардан амалий ишларга ўтиш, тайёр хулосаларни амалиётга татбиқ этиш кўникмалари шакллантирилади. Меъёрларни (жумладан, савод, арифметик амаллар, мутлак қонуниятлар...) ўзлаштириш ва уларни амалда қўллаш учун ўта зарур ва айтиш мумкин, энг самарали бу усул мутлақлаштирилса, таълим олувчида эргашувчанлик, бўйсунувчанлик, идрокий ялқовлик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантиришга олиб келиши шубҳасиз. Социалистик иқтисод ва мафкуравий муҳит эҳтиёжи сифатида шаклланган бу усул собиқ шўро таълим тизимининг деярли барча босқичларида узоқ йиллар ҳукмронлик қилганлигининг боиси ҳам шунда.

Бозор иқтисодиёти, айтилганидек, таълимда тарбияланувчининг мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаси ҳамда малакасини ҳосил қилишни тақозо этади. Шунга мувофиқ, ўқитиш усули иқтисод ва мафкуранинг ўзи каби кескин ислоҳ қилиниши зарур. Чунки репродуктив усул моҳиятан бозор иқтисодиёти талабларига мутлақо зид. Машҳур рус педагоги К.Д.Ушинский XX асрнинг 60 йилларида репродуктив усулнинг нобоплигига ишора қилган эди. Шу боисдан Президентимиз юқорида айтилган видеоселекторда таълим масаласига алоҳида эътибор қаратди: *«Афсуски, ўтган салкам 30 йил мобайнида биз бу масалага етарлича эътибор бермадик. Натижада нима бўлди? Мактабни барбод қилдик, ўқитувчини ҳам йўқотдик. Болаларда ўқишга ҳавас ва интилиш сусайди. Энг ёмони, мактаблардаги маънавий-маърифий муҳит йўқолди»* [1].

Бунда «мактабни барбод қилдик» деганда, албатта, мактаб дастурининг ҳаётдан узилиб қолиши натижасида фарзандларимизнинг эгаллаган билимлари келажаги учун етарлича хизмат қила олмаётганлиги назарда тутилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аслида: «Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир» [2]. Демак, бозор иқтисодиёти дастур билан белгиланадиган билимларга эга бўлган шахсга эмас, балки билим олиш йўллари пухта эгаллаган, муайян шароитда мустақил идрок қилиш кўникмасига эга онгли фуқарога эҳтиёж сезади. Таълимнинг бош предмети – она тили таълимнинг мақсади, унинг билан узвий боғлиқликда мазмуни, усул ва воситалари мана шу мақсадга мувофиқ белгиланиши зарур. Бу жараёнда биз юқорида таъкидлаган муаммо яна кун тартибига чиқади: ўрта умумтаълим мактабларида, ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олувчига тил имкониятларини етказиш лозимми ёки тилшунослик асослари-ю тил қурилиши – грамматиканинг илмий талқининими?

Ўтган асрнинг биринчи ярмида адабий тил меъёрларини белгилаш ва омма онгига сингдириш, саводсизликни тугатиш талаби асосида она тили таълим мақсади шунга мос белгиланган: Таълим олувчиларни тилнинг грамматик қурилиши билан таништириш асосида адабий тил (нутқ) меъёрлари халқ онгига сингдирилган, тилшуносликда қўйилган, ҳал этилган вазифалар ва қўлга киритилган ютуқлар асосида илк она тили дарсликлари яратилган эди. Дарсликларда ўзбек тилининг имлоси, фонетик ҳамда грамматик қурилишини чуқур ва атрофлича ўргатишга катта эътибор қаратилган.

Тилшуносликдаги илмий ютуқлар давр синовидан ўтиб, мактаб, кейинчалик педагогика билим юртлири она тили дарсликларидан ўрин ола бошлаган. Бу дарсликлар асосида

кишиларнинг саводи чиқиб, адабий тил меъёрлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида оммалашган. Жамият яхлит ва ягона адабий тил меъёрларига эга бўлган. Кўзланган мақсадга эришилган эди, бироқ она тили дарсликлариди – хусусан, юқори синфларда – грамматизм чуқурлашиб бораверди, натижада, она тили курсининг том маънодаги вазифаси – ўқувчиларда она тили имкониятларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш амалиёти унутила борди, унинг ўрнини она тили қурилишининг илмий талқини, яъни тилшунослик тушунча ва асосларини ўргатиш эгаллади.

Таълим олувчилар тил қурилишини «мукка тушиб» ўрганарди. Унли ва ундош товушлар, товуш ўзгаришлари, тилнинг лексик тизими, сўз туркумлари, уларнинг ички маъновий гуруҳлари, сўз ясалиши, грамматик шакллар тизими, синтактик ҳодисалар – сўз бирикмаси, гап бўлаклари, уларнинг тузилиши, маъно турлари ва ифодаланиши, содда ва қўшма гап, қўшма гапнинг маъно турлари ва боғловчи воситалари каби назарий маълумотлар дарсликлардан шу қадар кўп ўрин эгалладики, оқибатда ўқитувчи ўқувчининг нутқини ўстиришга, оғзаки ва ёзма нутқини шакллантиришга вақт ажратолмай қолди. Таълим мазмуни тил қурилиши бўйича назарий билимлардан иборат бўлиб, она тили дарсликлари тилшунослик фанидан назарий қўлланмаларга айлантириб қўйилди. Нутқ ўстириш грамматизм соясида қолиб кетди.

Айниқса, лингвистик таҳлилларга катта эътибор қаратилиб, ўқувчининг тил қурилиши бўйича назарий билимини баҳолаш параметрига айланди. XX асрнинг 90 йилларигача фойдаланилган она тили дарсларини кузатсак, кўз олдимизда тил қурилишига доир қоидаларни ёдлаш, шунга мослаб тузилган машқларни бажариш ва фонетик, морфологик, синтактик таҳлилларни кўрамиз.

Масалан, эргаш гапли қўшма гапларнинг қарийб 20 турини ажратиш, гаплардаги сўз бирикмаларини аниқлаш ёки сўзни фонетик таҳлил қилиш келажакда бизга нима беради, қабилдаги эътирозларни ҳар бир она тили ўқитувчиси ўқувчиларидан эшитган ва унга асосли жавоб беролмаганидан ҳамиша хижолатда бўлиб келган[4]. Бунинг яна бошқа расман тан олинмаган мафкуравий жиҳати ҳам бор эди; нутқ тилда «либос кийган фикр»нинг воқеланишидир. Фикр – тафаккур махсули. Истаймизми, йўқми, инсон тафаккури, албатта, миллийлик заминидан озикланади. Тафаккур ривожлантирилмас экан, нутқни ўстириш, ривожлантириш мумкин эмас. Миллий тил имкониятлари заминиди тафаккурни ривожлантириш яна ва яна миллий тафаккур тарзини тақозо этаверади. Миллий онг, миллий тафаккур тарзини ривожлантириш эса совет сиёсатига мос келмас эди. Шу боис ўрта умумтаълим мактабларининг юқори синфларида ўқувчилар диққати байналмилал табиатли грамматик талқинларни ёдлаш билан чалғитилар эди. Миллий истиқлол шарофати билангина бу даҳшатли занжир узилди.

Бироқ мустақилликка эришганимизга қарийб 30 йил бўлганлигига қарамай, бугунги она тили таълими ва дарсликлари ҳамон белгиланган талабларга тугал жавоб беролмаяпти. Мазкур жиҳатнинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш лозим:

Биринчидан, совет даврида узоқ йиллар давомида таълимда ретроскопик (репродуктив) таълим усули яқка ҳукмрон бўлиб келди. Шунинг учун мактаб дарсликлариди, жумладан, она тили дарсликлариди ҳам назарий маълумотлар, қоидалар жуда кўп ва бу меъёрий ҳолат эди. Шу йўл билан совет дидактикаси она тили машғулотларида таълим олувчилар (хусусан, руслардан бошқа миллат вакиллари) диққатини она тилида фикрлашдан чалғитиб, кераксиз ва жуда кўп ҳолларда байналмилал табиатли назарий билимларни ўзлаштиришга йўналтирар эди.

Ўтган асрнинг 70 йилларигача мактабдаги ўқув предметлари ҳам, дарсликлар ҳам «Она тили» эмас, «Ўзбек тили грамматикаси» деб номланар эди. Бунга асос ҳам тайёр эди: физика ҳодисаларнинг физикавий, кимё кимёвий, математика риёзий хусусиятлари ҳақида таълим олувчига фан асослари ва фаннинг таянч тушунчаларини етказганидек, «Ўзбек тили грамматикаси» ҳам болаларга грамматика илми асосларини бериши лозим деб саналар эди. Биз совет дидактикасида ҳукмронлик қилган бу «грамматизм» ва «академизм» (чуқур илмийлик, кўпроқ назарий билим бериш)дан воз кечиб, когнитив-прагматик таълимга ўтдик.

Афсуски, («тарки одат маҳол» деганларидек) дарсликларимиз муаллифлари онгида ва амалиётида янги усулу унинг мақсаду талаблари ҳали тугал ўзлашган эмас. Шу боис дарсликлар ортиқча таърифу қоидалардан тўла халос бўлганича йўқ (таъкидлашимиз шарт: ўрта умумтаълим мактабларининг 5-, 6-, 7-, 8-, 9-, 10, 11-синфлари учун мўлжалланган амалдаги «Она тили» дарсликларининг ҳар бирида «Билиб олинг», «Эсда тутинг» шаклида (ўқувчи ёдлаши ва эсда сақлаши назарда тутилган) 200-220 тадан қоида берилган).

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ўқувчига она тили грамматикасидан назарий билим бериш шарт эмасми?

Бунинг жавоби қуйидагича: Мактабда она тили машғулотларида ўқувчиларга 3 турдаги қоидалар сингдирилиши зарур:

1) орфография қоидалари (бу қоидалар умр бўйи кишининг ёзма саводхонлигини тартибга солиб туради);

2) орфоэпия қоидалари (бу қоидалар умр бўйи кишининг оғзаки нутқини адабий меъёрларга мослаштириб туради);

3) пунктуация қоидалари (бу қоидалар умр бўйи кишининг ёзма нутқида нима демокчилигини кўрсатиб туради).

Қолган барча дарслар амалий характерда бўлиб уларда ўқувчига сўз мантиғини англаш, сўз ва бирикмаларни ўз ўрнида қўллай олиш малака ва кўникмаларини, шунингдек, шарқона нутқ одобини ўргатиш зарур.

Шунда ўрта умумтаълим мактабларида ўқитиладиган она тили дарслари ўқувчига тилшунослик асосларини эмас, тилнинг чексиз имкониятларидан фойдаланишни, яъни тилни ўргатади.

Иккинчидан, таълим мақсади янгилангач, таълим мазмуни ҳам кескин янгиланиши лозим. Она тили машғулотларида таълим мазмуни масаласини грамматик талқинлар билан керак-кераксиз ҳолатда кесиштиришдан мутлақо воз кечиш зарур.

Яна ҳақли савол туғилади: Хўш, она тили таълими мазмунида грамматик талқинлар берилмаса, ўқувчига ўрганиш учун нимани тақдим этамиз? Бу борада XX аср бошларида жадид педагоглари ўз тажрибаларида унумли фойдаланган (совет даврида аста-секин улардан воз кечилган, бизнинг давримизда эса чет тилларини ўқитиш методикасида кенг қўлланилаётган методларга таянадиган) мавзуларга мурожаат этамиз. Масалан (7-синф учун),

Мавзу: Ҳалоллик – энг улуғ неъмат

Қишлоқда куз палласи томсувоқ қилиш удуми бўларди. Унинг ёзилмаган қоидаси бор. Биринчидан, ҳеч ким томини ёлғиз ўзи сувамайди: ҳамма ҳашарга келади. Иккинчидан, бевабечора, қўли қисқа хонадоннинг уйи энг аввал томсувоқ қилинади. Кейин, навбатма-навбат давом этаверади...

Ўқитувчимизнинг ҳашарига айниқса кўп одам йиғилди. Уйи катта йўл ёқасида эди. Шундоқ кўча четидан лойҳандақ қазилган экан. Сомон, катта йўлнинг кўпчиб ётган тупроғига қовушиб, обдон юмшабди. Ўқитувчимизнинг Азим ака деган қўшниси шибоши бўлди. Биров ҳандаққа тушиб лой солиб бериб турибди, биров нақирлаб лой ташийдди, яна биров томда туриб, илгак билан тортиб олади, бошиқаси ҳафсала билан сувайди...

Эрта пешиндаёқ ҳамма ишни қойил қилиб ташладик. Ҳовли ўртасидаги тут тагида овқатланиб ўтирсак, ўқитувчининг кекса онаси келиб қолди. (Кейин эшитсак, бир ҳафта аввал кўзи ёриган қизиникига кетган экан.) Кампир ҳассасини дўқиллатиб, тўппа-тўғри ўқитувчимнинг олдига борди.

1. Нима қилдинг?! – деди ўглининг саломига алик ҳам олмай. – Нима иш қипқўйддинг?!

Ҳаммамиз ҳайрон бўлиб қолдик. Муаллим ўқувчиларининг олдига, айниқса, мулзам бўлди, шекилли, қизариб кетди.

2. Нима қилибман, ойи? – деди кўзларини пирпиратиб.

3. Дард! – кампир ҳассаси билан ерни нуқиди. – Санга қачон ақл киради, нодон бола! – Кейин Азим акага юзланди. – Бу-ку ақмоқлик қилишга қипти, сиз қаёқда эдингиз? Нега кўчадан лой қилдиларинг?! Кўчанинг тупроғига тегиб бўладими, нобакор! Кўпчиликнинг

ҳақи-ку, бу! –Кампир бир зум ҳарсиллаб турди-да, тўсатдан йиглаб юборди. –Ман юртнинг ҳақиға сувалган том тагида турмайман!

Шундай дедию, супа лабига бориб, терс ўтириб олди...

...Ҳаммамиз қайтадан томга чиқдик... Сувоқ қилишдан кўра лойни кўчириш қийин бўларкан. Битта қолдирмай, қиртишлаб, томдан туширдик. Пақирлаб ташиб, кўчадаги лойҳандақни тўлдириб қўйдик...

...Орадан йиллар ўтиб, кампир кўз юмганида тумонат одам уни ўша кўчадан сўнги манзилига кўтариб борди...

Кўча тупроғи илиқ эди... Майин эди...

(Ўткир Ҳошимовдан)

1-топширик: Матнни ўқинг ва мазмунини сўзлаб беринг.

2-топширик: Матн таркибидаги ҳар бир сўзни (луғат ёрдамида) бошқа маънодоши билан алмаштириб, матнни қайта тузишга ҳаракат қилинг.

3-топширик: Матн мазмунини ўз сўзингиз асосида 4-5 та гапда ёзма ифодаланг.

4-топширик: «Ҳикматнома» китобидан ҳалоллик ҳақидаги мақолларни топинг ва улардан матн мазмунига айнан мос келадиганини танлаб дафтарингизга кўчиринг.

(Биз ибтидо ҳолатда тавсия этаётган бу каби мавзу ва унинг топшириқлари худди шу синфнинг «Адабиёт» дарслиги материаллари билан боғланиши ҳам ўринли ва ҳ.)

Учинчидан, ўқитувчиларимиз оммаси когнитив-прагматик усулда ишлашни – ўқувчига билим беришни эмас, уни йўналтириб, излантириб, ўйлантириб кузатаётган ҳодисалари асосида ўз ҳукмини чиқаришини ва уни ифодалаш лозимлигини – ўзлари учун асосий меъёр сифатида белгилаб олишлари шарт (Бу борада барча ўқитувчиларнинг фаолиятларини танқид қилишдан йироқмиз). Бироқ кузатган дарсларимизнинг кўпчилигида мактаб ўқитувчиларимиз ўқувчини дарс давомида, одатда, таълимий ўйинлар вақтидагина мустақил изланишларига йўл берадилар. Бошқа пайтларда эса «дарснинг асоси»ни ўқитувчи тушунтиряпти. Эътибор беринг: ўқитувчи дастур ва дарсликда белгиланган мавзунини ўқувчига (оғзаки баён усулида) тайёр ҳолда берапти (Мухтарам ўқитувчиларимиз фан асосларини тўла ўзлаштириб мутахассис даражасига эришганлари учун уларга диплом берилган-ку. Буни ўқувчи олдида қайта-қайта такрорлаш, одатда, ўқитувчини такомиллаштиради, ўқувчини эмас. Агар у ўқувчи учун кераксиз билим бўлса-чи?!).

Тўртинчидан, ретроскопик таълимда ўқув материаллари, асосан, дарсликда берилган бўлади – ўқувчи дарсликда берилган маълумотларни ўзлаштиради бўлгани! Когнитив таълимда эса ўқув материаллари дарсликдан ташқарида бўлади. Дарслик фақат намуна ва йўлланма – ўзлаштириш алгоритминини беради, холос. Бизда, аввало, она тили машғулотида кенг фойдаланиш учун зарур бўлган ахборот манбалари (масалан, луғатлар, комуслар, маълумотномалар) етарли эмас ва ўқитувчиларимиз ҳам, ўқувчиларимиз ҳам ҳар бир машғулотда бир неча ахборот манбасидан фойдаланиш кўникмаси ва маданиятига эга эмас.

Ечим: Қарши давлат университетининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари томонидан (проф. Б.Менглиев бошчилигида) 2003-2005 йилларда мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган ўнга яқин луғатлар тайёрланиб, кўпчилик ҳукмига ҳавол этилган эди. Шу луғатлар такомиллаштирилиши ва республика миқёсида мактаб партасида ўтирган ҳар бир ўқувчининг, аввало, она тили ўқитувчиларининг қўлига етиб бормоғи зарур. Ўқитувчиларимизда ҳам, ўқувчиларимизда ҳам луғатлардан фойдаланиш маданиятини шакллантиришимиз муҳим.

Бешинчидан, ДТСида шундай сўзларни ўқиймиз: Она тили таълими натижасида ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакалар уч параметрли стандарт кўрсаткичлар асосида текширилади ва аниқланади.

1. Ўқиш техникаси. Бу параметр орқали ўқувчининг нотаниш бўлган матнни ифодали ўқий олиш кўникмаси аниқланади. Бунда миқдорий кўрсаткич сифатида ифодали ўқиш тезлиги, яъни минутага берилган матндан нечта сўз ўқий олиш кўрсаткичи олинган. Синфдан синфга ўтиш даврида миқдорий кўрсаткичдаги сўзларнинг сони ошиши билан

бирга берилган матнни ўқишдаги талаблар ҳам боланинг ёшига монанд равишда ортиб боради.

2. Ўзгалар фикрини ва матн мазмунини англаш малакаси боланинг оғзаки баён қилинаётган ўзгалар фикрини ҳамда ёзма матн мазмунини англай олиш даражасини аниқлаш мақсадида киритилган. Бу параметр ўзгалар фикрини ва матн мазмунини англаш ҳамда уни оғзаки қайта баён қила олиш даражасини аниқлайди.

3. Фикрни ёзма шаклда баён этиш малакаси (тугал фикр ифодаланган матн) мураккаб жараён бўлиб, она тили таълимнинг бош мақсади шу параметрда тўла юзага чиқади. Ўқувчининг она тили таълими жараёнида эгаллаган кўникма ва малакалари у яратган матнда акс этади. Бу параметр буйича таълим сифатининг натижасини баҳолашда ўқитувчи томонидан ўқувчи эгаллаган куйидаги кўникмаларнинг даражаси аниқланади:

а) фикрнинг мантикий изчилликда ифодаланганлигини аниқлаш;

б) фикрлаш, мавзунинг мураккаблик даражасини аниқлаш (содда, мураккаб, конкрет, мавҳум ва ҳоказо);

в) тавсифнинг мавзуга мувофиқлигини ва тавсифнинг қийматини аниқлаш;

г) тавсифда тилнинг ифода воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш даражасини аниқлаш;

д) имловий (ёзма) саводхонликнинг сифатини аниқлаш.

ДТС ўқувчидан она тилида фикрлаш ва фикрни баён қилишнинг амалий кўникма ва малакаларини талаб қилиб тургани ҳолда ҳозир ҳам ўқув масканларида, олийгоҳларга қабул имтиҳонларида билимларни тест асосида синаш ҳукмронлик қилиб келмоқда. Тестлар эса одатда, ретроскопик грамматик билимларни баҳолай олади; улар ўқувчининг мустақил ва ижодий фикрлаш ҳамда фикр маҳсулини ёзма/оғзаки шаклларда ифодалаш лаёқатини аниқлай олмайди. Шуни такрор ва такрор таъкидлаш керакки, то ДТСларида кўрсатилган тамойил(параметр)лар асосида таълим олган шахснинг она тили машғулотларидан олган билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш тўла-тўқис амалга жорий этилмас экан, на дарслик тузувчилар, на-да устозлару ўқувчилар диққатини совет таълим тизимининг аянчли қолдиғи (қуруқ, самарасиз ва юқорида кўриб ўтганимиздек, субъектив грамматик илмий тушунчалар ва талқинларни ўзлаштириш)дан узиб бўлмайди; таълим самараси грамматик билимлар билан баҳоланадими, демак, таълим жараёнида ҳам улар етакчи бўлиб қолаверади.

Тафаккур, дунёқарашу дидни шакллантиришга хизмат қиладиган она тили ва адабиёт, тарих (жумладан, Ўзбекистон тарихи) каби ўқув предметлари асосида ҳосил қилинган кўникмалар тестлар воситасида баҳоланар экан, улар таълим тизимида ўз олдида турган ҳақиқий вазифасини тугал бажаролмайди ва она тили машғулотлари амалда деярли фойдасиз грамматик билимларни, адабиёт ва тарих дарслари узук-юлуқ ҳодисалар, саналар ва шахсларни бериш ҳамда уларни ёдлатишдан тўла узила олмайди.

Санаб ўтилган ҳодисалар – эски ва янгининг қоришуви, дарсликда грамматик назарий билимларга ортикча эътибор ва ўрин – истаган ўтар давр учун хос – зарур ҳолат эканлигини биламиз. Бироқ бизда бу ўтиш даври салкам ўттиз йилга чўзилганлиги бутун жамият учун ачинарли ҳол эмасми?!

Ўтган йиллар давомида мактабда: «Она тили предмети тўла-тўқис тилшунослик фанига айланиб бўлди. Ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам, ота-оналар ҳам она тили таълими деганда, тилшунослик қоидаларини ёдлаш ва уларга доир машқ ва топшириқларни бажаришдан бошқа нарсани тасаввур қила олмайдиган бўлиб қолди. Биринчи режада туриши керак бўлган оғзаки ва ёзма нутқ бўйича саводхонлик, нутқ ва мулоқот маданияти, бой сўз захираси, нотиклик энг охирги ўринларга тушиб кетди» [5].

Тўғри, эскидан батамом воз кечиб, янгига кўникиш ҳамиша жуда қийин. Аммо ижтимоий ҳаётимиздаги ҳар бир воқелик ўз ўзанига тушмас экан, тараққиёт ҳақида гапиришга ҳеч биримизнинг, айниқса, соҳа мутахассисларининг, жамият зиёлиларининг ҳақимиз бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. www.kun.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва жамиятда ўқитувчиларнинг ўрнини ошириш бўйича» видеоселектор йиғилиши/ 23.09.2019.
2. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999. – 132 б. 7-б.
3. O'rtta ta'limning umumta'lim fanlari bo'yicha malaka talablari. Ona tili fani. – Т., 2018. – 12 б.
4. Yo'ldosheva D., Rajabova R. Mustaqillik davrida ona (o'zbek) tili ta'limi maqsadi. BuxDU ilmiy axboroti (ISSN 2181-6875). – Buxoro, 2015. 4-son. 149-153-b.
5. www.kun.uz «Бундай она тили таълими ўзимизни алдайдан бошқа нарса эмас!» – Тилимунос олим билан суҳбат./ 27.08.2019.

УДК: 37.015.324.2

СПОРТЧИ ПСИХОЛОГИК-ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИМЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ КОРРЕКЦИИ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО
И ЭМОЦИОНАЛЬНОГО СОСТОЯНИЯ СПОРТСМЕНАMETHODOLOGICAL BASES OF CORRECTION OF PSYCHOLOGICAL
AND EMOTIONAL STATE OF AN ATHLETE

Носиров Жамол Шухратович

БухДУ психология кафедраси тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада спортчиларнинг психологик-эмоционал ҳолатини коррекциялаш ҳамда спортчиларнинг хусусиятлари, имкониятлари, жисмоний ва ақлий салоҳияти, шаклланган касбий кўникмалари ҳақида фикр юритилади. Бундан ташқари спортчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ривожлантириш орқали уларни спорт мусобақаларига тайёрлашнинг психологик механизмларини, спортчиларнинг ҳиссий-иродавий сифатларини коррекциялашнинг психологик хусусиятлари ҳақида сўз боради.

Таянч сўзлар: коррекциялаш, эмоционал, идентификация гояси, концептуал, экспериментал, экспектация, мураса, коммуникация, тренинг.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы коррекции психологического и эмоционального состояния спортсменов, а также характеристики, возможности, физический и интеллектуальный потенциал спортсменов, сформированные профессиональные навыки. Кроме того, речь идет о психологических механизмах подготовки спортсменов к спортивным соревнованиям через развитие индивидуально-психологических характеристик, психологических особенностей коррекции эмоциональных и волевых качеств спортсменов.

Ключевые слова: коррекция, эмоциональность, идея идентификации, концептуальная, экспериментальная, компромисс, общение, обучение.

Abstract. This article discusses the correction of the psychological and emotional state of athletes, as well as the characteristics, capabilities, physical and mental potential of athletes, the formed professional skills. In addition, we are talking about the psychological mechanisms of preparation of athletes for sports competitions through the development of individual-psychological characteristics, the psychological characteristics of the correction of emotional and volitional qualities of athletes.

Key words: correction, emotional, idea of identification, conceptual, experimental, expectation, compromise, communication, training.

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва

манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. “Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало, ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳам муҳим ислохотлардан биридир”. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрловчи, Ватанига содик, қатъий-ҳаётий нуқтаи назарига эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” вазифалари белгиланган.

Жаҳонда спортчилар психологик-эмоционал ҳолатини коррекциялаш юзасидан сезиларли ишлар олиб борилмоқда. Эмоционал идентификация ғояси А.В.Петровский томонидан ишлаб чиқилган. А.И.Папкиннинг экспериментида бўлса, эмоционал идентификация тадқиқ қилинган. Н.С.Мансуров жамоавий жипсликни таркибини ўрганишга ҳаракат қилган. А.И.Донцов эса спортчиларда жипсликни структурасини ишлаб чиққан Р.М.Загайнов командада психологик муҳитни шакллантириш жараёнига таъсир этувчи омилларни табақалаштирган. В.В.Шпалинский стратометрия назариясини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда спорчи психологик эмоционал ҳолатини коррекциялашнинг юзасидан тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган. Лекин спортдаги айрим муаммолар бўйича изланишлар олиб борилган, холос. Жумладан, О.К.Садиковнинг “Юқори малакали футболчиларни машқланиш ва мусобақаланиш жараёнидаги жамоавий техник-тактик ҳаракатларининг ўзаро алоқаси”; Ж.К.Комилов “Босқичма-босқич назорат натижаларига асосланиб, юқори малакали футболчилар жисмоний ва техник-тактик тайёргарланишининг индивидуал дастурларини ишлаб чиқиш”; З.Р.Нуримов “Малакали футболчиларнинг гуруҳий тактик ҳаракатларини ривожлантиришнинг самарали воситалари”; И.В.Майпас “Жисмоний ривожланиш босқичидаги ёш футболчилар машқланиш юкламаларини дастурлаш”; О.А.Курбонов “Ёш футболчиларнинг бош билан зарба бериш методикасини мукамаллаштириш”; О.Л.Эрдонов “Мини-футбол бўйича 13-14 ёшли спортчиларни тайёрлов методикасини экспериментал асослаш”; О.Р.Атаев “Малакали футболчиларнинг мусобақаланиш даврининг ўйинлар орасидаги юкламаларини (турли йўналганликка эга) оптималлаштириш”; С.Р.Давлетмуратов “Тайёргарлик даврининг турли босқичларида малакали футболчиларнинг машғулот юкламаларини оптималлаштириш” мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Мазкур муаммонинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамияти юқорилигига қарамай, унинг ишланганлик даражаси қониқарли эмас. Тадқиқотлар назарий жиҳатдан етарлича асосланмаган, улар кам миқдорда ва фрагментар тарзда амалга оширилган. Бироқ мамлакатимиз спорт психологияси соҳасида ушбу муаммо юзасидан айтарли тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги масалага алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Шунинг учун спортчиларнинг казусли вазиятларда мослашув йўллари излаб топиш бугунги кунда етарли бўлиб қолмай, эмоционал ҳолатларни бошқариш ва енгиш усуллари ўргатиш ҳам ўта долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз спортида спортчиларнинг эмоционал ҳолатини тадқиқ қилишнинг амалий жиҳатдан долзарблиги шундаки, инсоннинг ўз олдига қўйган мақсади йўлида турган ҳар қандай тўсиқ, жумладан, ички тўсиқларни (салбий ҳолатлар, кўркув, ўзига ишонмаслик, чарчаш) енга олиш кўникмасини шакллантириш ва тарбиялаш зарурати билан боғлиқ. Мазкур тўсиқларни енгиш инсоннинг ўз-ўзини психологик тайёрлаш билан ташқи тўсиқларни (рақибнинг карама-қаршилиги, фаолиятнинг нохуш шароитлари, масалан, ҳакамларнинг нореал баҳоси, спорт атрофидаги муҳит билан ўзаро таъсирнинг ноқулайлигини) енгишга жисмоний-психологик йўналганлик асосидаги курашиш жараёнини ўз ичига олади.

Назарий жиҳатдан ушбу муаммонинг долзарблиги мазкур муаммонинг концептуал аппарати ишланмаганлиги, экспериментал маълумотлар мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, спорт психологияси ва педагогикасида тарбия тизими фақатгина умумий тавсиялар билан чегаралиниб қолганлигини кузатиш мумкин. Шу боис, тадқиқотлар аслида спортга мослаштирилган таълим муассасаларида олиб борилишини тақозо этмоқда. Жумладан, А.В.Петровский билан В.В.Шпалинскийнинг фикрларича, жамоанинг жипслиги, ундаги шахсларнинг бир-бирига мос келиши, психологик муҳит, жамоа аъзоларининг уни идрок этиши, жамоада шахсларнинг кайфияти ва ўзини-ўзи ҳурмат қилиши, жамоа истиқболи билан уйғунлашган шахснинг келажаги ва омилларга боғлиқ.

Шунингдек, А.В.Петровский билан В.В.Шпалинскийнинг асаридаги гуруҳ билан жамоа ўртасидаги фарқлар ва улар шаклланишининг хусусиятлари, тоифаларнинг ўзига хослиги, таърифлари, тузилиши, ҳамкорлиги, унда ҳамкорликнинг вужудга келиши ва ривожланишининг ҳам объектив, ҳам субъектив омиллари атрофлича таҳлил қилинган. АҚШнинг социал-психологик адабиётларида “социал кутилма” (“экспектация” инглизча “expectation” – кутилма деб аталади) атамаси негизда хулқ-атвор усул ва мезонларини бажариш жараёнидаги кутилмаси фараз (тасаввур) қилинадики, бунда гуруҳ қатнашчиларида ўзаро социал таъсир қандай ҳукм суриши мумкинлиги ўрнатилади, бундай таърифни Грузия психологи М.Л.Гомелаури ҳам қўллаб-қувватлайди.

Хориж социал психологиясида “жипслик” тушунчаси гуруҳнинг ўз аъзоларига таъсир ўтказиш феноменининг имконияти билан боғланади. Г.Хоманснинг тахминига кўра, мулоқотга киришиш (мулоқотмандлик) частотаси ва миқдори, шунингдек, уларнинг давомийлиги гуруҳнинг ички бирлигини англаиб келмайди. Аксинча, гуруҳ аъзолари ўртасида коммуникация алоқалари миқдорининг сунъий равишда кўпайиши шундай воқеликка олиб келдики, натижада камроқ жипслашган гуруҳлар кўпроқ жипслашиш кўрсаткичига эришади; ҳатто алоҳида индивидлар мулоқот кўламининг ортиши билан кадриятга йўналганлик ва унинг мезонлари бўйича бир-бирига аста-секин идентификация бўла боради.

АҚШ психологлари: Т.Ньюком, Р.Бейлс, Г.Хоманс, М.Аргайл, Д.Морено, Д.Картрайт, Л.Зандер, А.Матейко, Л.Фестингернинг фикрлари; шу билан бирга, Собик Иттифок психологлари: Б.Ф.Поршнев, А.В.Петровский, В.В.Шпалинский, Н.В.Бахарева, В.Г.Иванов, А.С.Леонавичюс, Л.И.Уманский, Н.С.Мансуров, Л.Десев, А.И.Донцов, В.С.Агеев каби олимларнинг спорчилардаги руҳий ҳолатлар бўйича фикрлари ҳам ушбу муаммони ўрганишда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

АҚШда чоп этилган психологик адабиётларда жипслик гуруҳнинг муҳим илмий-психологик тавсифи сифатида баҳолашда ўзига хос контекстда “муроса” (consensus) ва “ёқимлилик” (жозибалилик-attraction) тушунчалари қўлланади. Т.Ньюком гуруҳий жипсликни чуқурроқ таҳлил қилиш ниятида “муроса” терминидан фойдаланишга олиб кирилади, бироқ унинг ўзаро таъсир частотаси билан боғлайди, худди шу фикрлашнинг тор доирасидан ташқарига чиқа олмай, жипсликни эмоционал-психологик тавсиф билан уйғунлаштиради, холос. Унинг фикрича, коммуникациянинг ҳар қандай шакли ўз мазмун-моҳияти билан “муроса” даражасининг ривожланишига дахлдордир.

Шунинг учун “муроса” билан “коммуникация” ўртасида шартланганлик мавжуд эканлигига ишора қилиш айни муддаодир. “Муроса”нинг бир тусилиги олдинги коммуникация актининг натижаси ҳисобланиб, келажакнинг детерминантидир. “Муроса” этнопсихологик мезонларни шаклланиш механизми сифатида изоҳловчи гуруҳий тавсифнинг бир тури, миллий расм-русумлар ва хулқ-атворнинг авлоддан-авлодга узатувчи усул (восита) тариқасида талқин қилиш ҳолатлари, ходисалари ҳукм суришда давом этмоқда. Унинг талқинича, барча психологик ҳолатлар ва ходисаларда “муроса” коммуникация ва ўзаро таъсир ўтказишнинг назариялари билан узвий боғлиқликка эга.

Шахс деб воқеликни билувчи ҳамда фаол ўзгартирувчи субъектга айтилади. Меҳнат туфайли ҳайвонот оламидан чиққан ва жамиятда ривожлантирувчи. Тил ёрдамида бошқа кишилар билан муносабатга киришувчи.

Ижтимоий мавжудот ҳисобланувчи ижтимоий муносабатларга киришувчи ва ижтимоий тараққиётида фаол қатнашувчи одам шахс деб аталади. Инсон шахсининг энг характерли томонларидан бири унинг индивидуаллигидир. Индивидуаллик қайтарилмайдиган бирикма сифатида тушунилади. Индивидуаллик таркибига характер, темперамент, психик жараёнларининг ўтиб бориш хусусиятлари, ҳукмрон ҳиссиётлар йиғиндиси ва фаолият мотивлари таркиб топган қобилиятлар киради, инсон шахси ўз индивидуаллиги билан такрорланмасдир. Ҳозирги кунда таълим-тарбиянинг конкрет вазифаси – ёшларни ҳар томонлама камолотга етган, юксак маданиятли ҳамда жисмоний жиҳатдан чиниққан шахс қилиб тарбиялашдан иборат. Ёшларни ҳар томонлама тарбиялаб етиштиришда спортнинг ҳиссаси катта.

Инсон шахсининг фаоллиги унинг эҳтиёжлари билан белгиланади. Эҳтиёжлар ҳайвонларда ҳам мавжуд. Аммо ҳайвонларда фақат биологик, туғма эҳтиёжлар бўлади овқатланиш, сақланиш, насл қолдириш эҳтиёжлари мавжуд, холос. Одамда эса биологик эҳтиёжлардан ташқари яна юксак эҳтиёжлар – билиш эҳтиёжлари, маънавий, эстетик меҳнат эҳтиёжлари ва бошқа шу каби эҳтиёжлар мавжуд.

Темперамент, психологик жиҳатдан киши ҳиссиётини кўзгаллиштириш ва кишидаги умумий ҳаракатчанликда кўринадиган индивидуал хусусиятдир. Характер деганда шахсда муҳим ва тарбия таъсири остида таркиб топган ва унинг иродавий фаоллигида, тевақат-атрофдаги оламга (бошқа кишиларга, меҳнатга, буюмларга) ўз-ўзига муносабатларида намоён бўлувчи индивидуал хусусиятлар тушунилади. Спорт шахс фаолиятининг энг муҳимларидан биридир. Спортда шахс жисмоний жиҳатдан камолотга етади. Жисмоний ривожланиш эса шахсда психик сифатларнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатади.

Шахс табиат мавжудоти бўлиб, у психологик хусусиятларга эгадир. Бу хусусиятлар шахсининг конкрет фаолияти жараёнида камолотга етади. Спорт ҳам шахсининг конкрет, энг муҳим фаолиятларидан биридир. Демак, спорт шахсни камолотга етказиш воситаларидан бири. Спорт фаолияти жараёнида омил: машқ қилиш шароити, жисмоний машқнинг ўзига хос таъсири, спорт жамоасининг ўзига хос таъсири, спорт жамоасининг таъсири (тренернинг тарбиявий таъсири ва спортчининг ўз-ўзини тарбиялашдан иборат. Спортчининг шахсий хислатлари ўз-ўзини тарбиялашдан иборатдир.

Спортчи шахсий хислатларининг шаклланиш ва ривожланишидаги энг муҳим омиллар тренернинг таъсир этиши ва спортчининг ўз-ўзини тарбиялаши ҳисобланади. Спорт ва жисмоний машқлар идрок, диққат, таффакур ва барча бошқа психик жараёнларни такомиллаштиради ва ривожлантиради. Спорт мусобақалари бошланишига қадар олдинги эмоционал ҳолатлар ҳам спортчи фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолатларнинг 4 тури мавжуд:

1. Спорт олдидан қалтириш. У қуйидаги хусусиятларга эга:

А) Спортчи фаолиятини бузувчи кучли ҳаёжонланиш;

Б) Ҳиссиётларнинг сустлиги, бир ҳиссиётнинг (салбий), иккинчи ҳиссиёт (ижобий) билан тез алмашилиши;

Г) Эътиборнинг бузилганлиги паришоҳотирлик;

Д) Хотира сусайиши, бу ҳолатда мусобақа даврида ҳисобга олиниши мумкин бўлган моментлар эсидан чиқиб қолади.

Физиологик жиҳатдан бу ҳолатда бош мия катта шарлари қобиғида уйғотувчи жараёнларнинг ҳаддан зиёд ошиб кетганлиги ва бир вақтнинг ўзида тормоз жараёнининг сусайгани билан боғланган. Ташқи жиҳатдан у нафас олишнинг кучайиши, пульснинг (томир уришининг) кучайиши, қўл ва оёқларнинг титрашида ифодаланади.

2. Спорт апатияси. Бу олдинги ҳолатнинг тескариси унинг хусусиятлари қуйдагилардан иборат:

А) бу барча рухий жараёнларнинг бўшлиғи ёки уйқу ҳолатида эканлиги билан ифодаланган суст уйғониш;

Б) мусобақада қатнашиш хоҳишини йўқлиги;

В) характерга эга кайфият;

Бу кайфият кучни йўқолганлигида кузатилади.

Г) тафаккур ва эътибор жараёнлари интенсивлиги сусайиши.

Бу ҳолатнинг физиологиясини уйғотувчи жараёнлар сусайиши ва тормоз жараёнлари кучайиши билан боғлиқ.

Жанговар тайёргарлик ҳолати. Бу ҳолат куйидаги хусусиятларга эга:

А) бўлажак муносабатларга эътиборни жамлаш ва қаратиш;

Б) тафаккур ва онг жараёнлари кучайиши;

В) мусобақада муваффақиятли қатнашишга хизмат қилувчи ҳиссиётларни ривожлантириш.

Физиологик жиҳатдан бу ҳолат асаб уйғониш ва бўлажак мусобақа вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ.

4. Ўзида хотиржамлик ҳиссиётини сезиш.

Бу ҳолат спортчи ўзидан бўш рақиб билан мусобақалашаётганда содир бўлади, чунки спортчи енгил ғалаба қилишга ишонади. Бу ҳолатнинг асосий хусусиятлари куйдагилардан иборат:

А) мусобақада ғалаба қозониш учун зарур бўлган ҳаракат ва тайёргарлик йўқлиги;

Б) спорт курашининг ўзгариб турувчи ҳолатларига эътиборни қаратиш сустлиги;

“Ўлик нуқта”, “Иккинчи нафас”, Ўлик нуқта ҳолати югуриш, чанғи мусобақаси, сўзиш ва бошқа спорт турларида узоқ давом этган интенсив кучланиш натижада содир бўлади.

Рухий томондан “Ўлик нуқта” ҳолатини куйидаги хусусиятлар ифодалайди:

1. Онг жараёни интенсивлигининг тез пасайиши, хотирада тафаккур жараёнининг сусайиши.

2. Эътибор миқдори камайиши уни тақсимлаш қобилияти бузилиши.

3. Реакция тезлигини сусайиши, хато реакциялар сони кўпайиши.

Ёмон эмоционал ҳолатга тушиб қолиш, нафас етишмаслиги, юрак фаолияти кучайганлигини ҳис этиш. Ҳаракат активлиги пасайиши, оёқларда толиқишни ҳис этиш, югуришни давом эттириш имконияти йўқлигини англаш, спорт курашидан чиқиб кетиш хоҳиши юзага келиши.

Физиологик жиҳатдан ўлик нуқта марказий асаб тизимидаги жараёнлар бузилиши билан боғлиқ.

Юзага келган “Ўлик нуқта” ҳолати учун характерли бўлган номаълум рухий ҳолатларни ирода кучи билан енгил мумкин.

“Иккинчи нафас” ҳолатининг хусусиятлари куйдагилардан иборат:

1. Жисмоний енгиллишни ҳис этиш, “Ўлик нуқта” кўрсатувчилари бўлган номаълум жисмоний ҳолатлари (бўғилиш, нафас етишмаслиги, юрак фаолиятидаги қийинчиликлар) йўқ бўлиб кетиши.

2. “Ўлик нуқта” даврида бузилган барча функциялар тикланиши.

3. Ўз кучига ишонч туйғусининг пайдо бўлиши. Физиологик жиҳатдан “Иккинчи нафас” ҳолати марказий асаб тиими фаолияти тиклиниши билан боғлиқ.

“Ўлик нуқта” ҳолатини енгилга ёрдам берувчи ирода кучи нафас олиш ва ҳаракатларни онгли назорат қилишдан ташкил топади. Ирода кучи механизми вазифасини иккинчи сигналлар тизими бажаради. Спорт мусобақалари спортчи учун доимо ғалаба билан тугайвермайди. Спортчи тез-тез мағлубият аламини ҳам таътиб туради. Ғалаба ҳам, мағлубият ҳам спорт фаолияти учун муҳим бўлган турли кечинмалар билан кузатилади.

Олиб борилган таҳлиллар натижаси бугунги спортчилар эмоционал ҳолати ўзгаришининг олдини олишга йўналтирилган ижтимоий-психологик тренинг дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллашга талаб ва эҳтиёжнинг мавжудлигини яна бир тасдиқлади. Чунки муайян мақсадларга қаратилган мазкур дастурни ишлаб чиқиш спортчилар касбий фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагиларга асосланиб, баён этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда спортчилар эмоционал ҳолатини тузатиш бўйича куйдагилар белгиланди:

1. Спортчилар руҳий ҳолатини характерловчи психологик жиҳатлар қаторига психологик-эмоционал ҳолатини кўшиш мумкин. Бу эса, спортчиларни руҳий ҳолатини касбий камолотдаги аҳамиятини янада чуқурроқ тушуниш имконини берди.

2. Спортчиларни руҳий ҳолати аниқ мезонли ва тизимли, илмий асосланган тадқиқот методикаси асосида аниқланди. Бу унинг касбий фаолият билан мазмуний боғлиқлигини тушунтириш имконини берди.

3. Спортчилар ўртасида муомала, роллар, мавқе, лидерликка интилиш, ҳамкорликка мойиллик – ҳамиша микромуҳитда ҳукм сурувчи объектив ва субъектив омиллар таъсирида шаклланади. Худди шу боисдан, илиқ микромуҳит, ўзаро ёрдам, ўзаро тушунув манбаи сифатида хизмат қилишга йўналтирилган бўлиши жоиз, чунки шахслараро муносабатлар тенглик, тенг ҳуқуқлик мезонларини тақозо этади.

4. Тренинг ва махсус машғулотларни ўтказишдан олдин спортчиларнинг психологик-эмоционал хусусиятлари, имкониятлари, жисмоний ва ақлий салоҳияти, шаклланган касбий кўникмалари, муомала маромини текшириш жипслик барқарорлигини оширади, чунки ташхис ўтказмасдан туриб, динамика тўғрисида мулоҳаза юритиб бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Газиева З. Социал психологияда жипслик. Монография, ISBN: 978-9943-4199-9-5. –Т.: NOSHIR, 2014. – 115 б.
2. Ильин Е.П. Психология спорта. – СПб: Питер, 2009.
3. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М., 1996. – 144 с.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. (766)-сон.
5. Фозиев.Э. Умумий психология. – Т., 2010.

УДК: 76.02

“ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ” ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ СИРТҚИ ТАЪЛИМ ШАКЛИ БЎЙИЧА “ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАРИХИ” ФАНИ ЎҚИТИЛИШИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ СТУДЕНТОВ НАПРАВЛЕНИЯ «ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОЕ ИСКУССТВО И ИНЖЕНЕРНАЯ ГРАФИКА» В УСЛОВИЯХ ЗАОЧНОЙ ФОРМЫ ОБУЧЕНИЯ ПО ПРЕДМЕТУ «ИСТОРИЯ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА»

PECULIARITIES OF INDEPENDENT SELF-EDUCATION OF STUDENTS MAJORING IN “FINE ARTS AND ENGINEERING GRAPHICS” UNDER THE CONDITIONS OF EXTRAMURAL EDUCATION IN THE COURSE OF “HISTORY OF THE FINE ARTS”

Абдуллаев Сайфулла Файзуллаевич
доцент кафедры начертательная геометрия
и инженерная графика, д.п.н. БухИТИ,
Умарова Ситора Мухлисевна
преподаватель кафедры педагогика БухГУ

Аннотация. Ушбу мақолада бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг ижодий шахс сифатида ривожланишида тасвирий санъат тарихи фанидан мустақил таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Мустақил таълим учун янги шакл ва методлар тақдим этилди. Тасвирий санъат тарихини сиртдан ўқитишнинг ўзига хос шароитлари кўриб чиқилган. Бадиий ижодни ривожлантиришида таҳлил усуллариининг мақбули ва мавзуй расмлар жамланмаси тавсия этилди.

Таянч сўзлар: санъат тарихи, ижодий шахс, рассом-ўқитувчи, мустақил таълим, таълим стандарти.

Аннотация. Данная статья посвящена особенностям развития творческой личности будущего художника-учителя на самостоятельных занятиях по истории изобразительного искусства. В статье предложены новые формы и методы самостоятельного образования, а также рассмотрены различия в преподавании истории изобразительного искусства в условиях заочного обучения. Рекомендованы наиболее удобные приёмы анализа художественного произведения и тематика иллюстративных альбомов.

Ключевые слова: история искусства, творческая личность, художник-учитель, самостоятельное образование, образовательный стандарт.

Abstract. This article is devoted to the features of the development of the creative personality of the future artist - teacher in independent studies on the history of fine art. Unconventional forms and methods of self-education are proposed. The differences of teaching the history of fine art in the conditions of distance learning are taken into account. Considerably convenient techniques for analyzing a work of art as well as the theme of illustrative albums are recommended.

Key words: history of art, a creative person, artist - teacher, independent self-education, educational standard.

Для формирования у студентов-заочников навыков самостоятельного, творческого подхода по дисциплине история изобразительного искусства, особенно на вторых курсах обучения, каждый студент должен обладать определенным комплексом навыков, которые могут сложиться лишь под воздействием целенаправленной деятельности преподавателя и самого студента. Работа в этом направлении предполагает: поиск средств, направленных на активизацию поисково-творческой деятельности студентов, непрерывное совершенствование интерактивных методов преподавания и учебных программ, соединения этих компонентов в единую и последовательную систему. Для повышения эффективности процесса обучения требуется пересмотр содержания курсов учебных дисциплин, определение приоритетных задач, методов обучения и т.д.

Вышеперечисленные проблемы являются актуальными и для построения учебного процесса в преподавании предмета «История изобразительного искусства» при подготовке бакалавров – будущих художников–педагогов по направлению образования «Изобразительное искусство и инженерная графика». Предмет история изобразительного искусства является одним из основных в подготовке будущего художника–учителя. В их основе, как и в основе любого предметного курса, всегда лежит система учебных и творческих задач по освоению соответствующих знаний и навыков.

В современной художественной педагогике начинает активно разрабатываться новейшие технологии обучения, в том числе, и в преподавании предмета «История искусства». Возникает ряд систем построения учебного процесса на основе современных достижений науки, последних психологических и физиологических исследований, получившие определение «инновационные технологии».

И роль самостоятельного образования в современной подготовке высококвалифицированных специалистов чрезвычайно велика, в условиях же самостоятельного образования оно приобретает исключительно важное место для студентов-заочников. Как известно, при заочном обучении основное внимание и упор делается на самостоятельное образование.

В ряду предметов художественного цикла, таких как – рисунок, живопись, скульптура и др., предмет «История изобразительного искусства» занимает особое место. Этот предмет фактически находится на стыке многих наук – истории, этнографии, археологии, эстетики и др. Данная отрасль искусства не только расширяет кругозор будущего специалиста, а в нашем случае учителя изобразительного искусства, она формирует его духовный мир, и что очень важно, прививает эстетические критерии в оценивании мировой художественной культуры, обучает методам анализа художественных произведений, помогает студентам постичь логику творческого процесса художника.

В чём же особенности и отличия преподавания истории изобразительного искусства в условиях заочного обучения?

Кайковус «Насихатнома» сининг ўттиз олтинчи бобида, Ҳазрат Алишер Навоий «Маҳбубул-қулуб» асарининг йигирма иккинчи фаслида ҳофиз ва созандалар – мутриб ва муғаннийлар тўғрисида фикр юритилади. Улуғ форс-тожик адиби ҳофиз табиатида қандай яхши фазилатлар мужассамланиши лозимлиги, созандалик ва ҳофизлик касбининг тартиб-қоидалари хусусида пишиқ йўлланмалар беради: «Эй фарзанд, агар ҳофиз бўлсанг, хушфёъл, кувнок бўл, ҳамиша пок, хушрўй ва хуш забон бўлғил ва ўз ишинга машғул бўлғил, ярамас хулқ, кўпол башара бўлмағил. Ҳамма вақт оғир йўлларни чертмағил, чунки барча машқ ва оҳангни бир хилда чертиш шарт эмасдир, нединким одамларнинг барчаси бир хилда бўлгон эрмаслар, таъблари ҳам бир-бирига мувофиқ эрмас, яъни халқ мухталифдурлар» [1,125].

«Қобуснома»нинг ҳунармандлик, савдогарлик, деҳқончилик, мунажжимлик касблари одобига бағишланган саҳифаларидаги каби мазкур бобда ҳам ахлоқий-маънавий муаммолар, биринчи навбатда, тасвир асосида турган ижтимоий тоифа – ҳофиз ва созандалар

манфаатидан келиб чиқиб ҳал қилинган: «Ҳар мажлисдаки бўлсанг, бодани ва набизни оз ичгил, чунки сен танга олишинг лозим. Тангадин эса қанча берсалар, рози бўлгил. Ҳаргиз умматларга истиза қилмагил ва ишрат аҳли маст бўлгон пайтда сен ўз дўстларинг била сўзлашмакка машғул бўлгил, нединким, танга бу ишдин ҳосил бўлур. Агар мажлисда бир одам сени мақтаса, таъриф қилса, сен унга меҳрибонлик кўргазгил ва у қайси сурудни хоҳласа шуни айтгил, токи ўзгалар ҳам сени таъриф қилсунлар, маст бўлгонларидин сўнг ул таърифга лойиқ танга берсунлар» [1,127].

Алишер Навоий бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган тоифаларнинг ижтимоий аҳволига кўра ахлоқини уларнинг жамият вакиллари маънавий ҳаётига етказадиган фойда-зарари, маърифат хирмониغا кўшган ҳиссасидан келиб чиқиб ёритади. «Мутриб ва муғаннийлар зикрида»ги фаслда ҳам худди шу манзара кузатилади. Адиб талқинича, созанда ва хонанда, куй ва қўшиқ кишиларнинг руҳоний-маърифий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга: «Мутриби тарабафзо, муғаннийи ғамзудо-икаласига дарду ҳол аҳли жон килурлар фидо» [3,30]. Мусиқа ғамни тарқатиб, асабларга ором беради. Ёқимли тарона инсон руҳиятига ижобий таъсир қилиб, қалбнинг ҳолатида ўзгариш ясайди. У кўнгил мулкига эзгу хаёллар, гўзал туйғуларни олиб киради. Ҳақ ошиқлари қалбидаги муҳаббат ва маърифат ўтини янада алангалатади: «Хушхон муғаннийдин дард аҳлининг ўти тездур, агар малоҳати бўлса, ҳол аҳлиға рустохездур. Ҳар муғаннийки, дардмандонароқ нағма чекар, анинг нағмаси захмлик юракка коргарроқ тегар. Оташин юзлуқ муғаннийки, ҳалқидин мулойим суруд чиқорғай, ҳол аҳлининг куйган бағридин дуд чиқорғай» [3,30].

Алишер Навоий мусиқанинг кўнгил ҳолатларига таъсирига асосий эътиборни қаратган. Шунинг учун ҳам бадиий матнда «дарду ҳол аҳли», «дард аҳли», «захмлик юрак», «ҳол аҳли», «куйган бағир», «кўнгил мулки», «сулук аҳли», «муҳлик ох», «наърай жонкоҳ» каби сўз ва сўз бирикмалари, истиора ва сифатлашлари кўп такрорланган. Чунки инсоннинг ички мусаффолиги, руҳ поклиги кўнгил олами билан боғлиқ. Кўнгил – илоҳий маърифат маскани. Кўнгил – олий инсоний хислатлар маъноси. Кўнгил – инсон умрининг мазмуни.

Покиза, беғубор қалб инсон умрига ҳарорат бағишлайди, унинг ҳаёт йўлини ёритади, эзгуликларга даъват қилади. Нотоб кўнгил инсонни манманлик, худбинлик иллатига дучор қилади. Бу офатларга чалинган инсон Ҳақ амрига эмас, шайтоннинг фармойишига бўйсунди. Шайтон тузоғидаги қалб бир парча ҳаром этга – нафс қулига айланади. Алишер Навоийнинг куйидаги оҳорли байти айтилганларга далилдир:

Кўнгул алил эса фориғ эмас хавотирдин,
Жароҳат узра йиғилмоқдурур чибинга хос.

Носоғлом юрак роҳат ва фароғатга – ички ҳурлик ва эркинликка эга бўлмайди. Англаш, билиш, севиш бахтидан маҳрум бўлади. «Қобуснома»да кузатилган ҳофизнинг кишиларга муносабатида юзага чиқиши зарур бўлган инсоний ва касбий одобига хос фазилатлар «Маҳбубул-қулуб»да куй ва қўшиқ таъсирида инсоният руҳий оламида кечадиган (ботиний) ҳолатларнинг (психологик) таҳлилидан келтириб чиқарилган.

Алишер Навоий руҳият манзараларини қаламга олган «дард аҳли» ва «ишқ аҳли» Ҳақ тажаллийси, жамолига мафтун, Ҳусни мутлакни кўриш, Ҳақ васлига эришишга кўнгли муштоқ комил инсонлардир. «Ҳол аҳли» деганда, руҳи уйғоқ, кўнгли огоҳ, қалби маърифат ҳазинасига айланган, «ишқдин васл мақсуди ҳосил», Илоҳ асроридан хабардор бўлган етук инсон назарда тутилган. «Ҳол аҳлининг куйган бағридин дуд чиқорғай» жумласи таркибидаги «куйган бағир» – фано мақомига етган орифнинг эзгуликларга тўла нурли қалби. Хаёл дарёсининг ирмоқлари доимо файласуф адиб фикрини тасаввуф ўзанларига тортиб турган. Шунинг учун улуг адиб хоҳ шоир, хоҳ муаллим, хоҳ савдогар, хоҳ машшоқ ҳақида ёзсин, маърифат шаробига қондирилган инсони комилнинг нурли қиёфаси рангин жумлаларда зуҳурланади ва авлодлар маънавий балоғатига қаттиқ таъсир ўтказди.

Алишер Навоий ахлоқий-таълимий қарашларининг таянч манбаларидан бири тасаввуф ақидалари талқинига бағишланган «Ихёу улумиддин» (1099) ва «Кимёи саодат» асарларики, уларда ахлоқий масалалар алоҳида фан сифатида тадқиқ этилади.

Инсон дунёда энг мукаррам зот, у ақли, тили, қалби билан Аллоҳнинг бошқа яратилмишларидан тубдан фарқ қилади, каби ўлмас ғояни асарларида қайта-қайта талқин қилган Алишер Навоий «Мутриб ва муғаннийлар» зикрига бағишланган фаслда хофизнинг идрокига китобхон диққатини қаратади. Хонанданинг қалби сезгир, фаҳмлаш қобилияти баланд, ижроси ёқимли бўлса, у тош юракли одамнинг табиатида ҳам ўзгариш ясай олади: «Мулойим мутрибки, таъб ва фаҳм онга ёр бўлғай, одамий кўнгли тошдан бўлса анга зор бўлғай»...[3,35].

Кўринадики, улуғ адибнинг ихчам жумлаларида мулойимлик ва тош кўнгиллик назарга ёркин ташланиб турадиган зид тушунчалардир. Лутф ва назокатли мутрибни раҳм-шафқатсиз кимсага юзлаштиришдан мақсад эзгуликни васф қилишдир. Соҳибдил хофиз эзгу иши ва ҳусну хулқи билан тошбағир, золим киши қалбини ҳам юмшата олади. Алишер Навоий айтмоқчики, агар инсоннинг юрагида эзгулик уруғлари батамом қуриб битмаган бўлса, унга нажот йўли очилади. «Кўнгли тош» ибораси олдидан услубий баҳоси ижобий бўлган «одамий» сўзининг келтирилиши, от-кесим вазифасидаги сажъланувчи «ёр» ва «зор» калималарининг чамбарчас боғлиқлиги ва бу лисоний воситалар орқали «тош кўнгил одамий»нинг гўзал ахлоқли, хушовоз хофизга ўзида муҳтожлик («зор») сезишининг бадиий ифодаланиши адибнинг ахлоқий-маънавий масалага ғаззолиёна муносабатини билдириб туради.

Шакл ва мазмун мутаносиблиги, шеърий санъатларни қўллаш маҳорати қўшиқ ва куйнинг қалб тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятига оид фалсафий фикрларнинг ҳайратланарли тарзда баён этилишига асос бўлган: «Кўнгул қуввати хушнавоздин, рух қути хушовоздин» [3,35]. Кўчирилган гапда сажъ «хушнавоздин» ва «хушовоздин» сўзлари асосига қурилган. Сараланиб-сараланиб жумлалар таркибига тизилган сўзлардан бир ҳарфни ўзгартириш мусажжаъ талабларининг – ҳамвазрилиқ, оҳангдорлик, кучли таъсирчанлик каби фазилатларининг бузилишига олиб келади. Маъно ва шакл жиҳатлари билан ўзаро уйғун бўлган, олти сўздан ташкил топган ихчам жумлада улуғ адибнинг бадиий фикрлаш салоҳияти равшан кўзга ташланади.

Атоуллоҳ Хусайний ёзади: «Ани тажнис-и мухталиф ва тажнис-и муҳарраф ҳам дерлар. Ул лафзларнинг ҳарфлар сони, тури ва тартибида мувофиқ бўлуб, ҳаракоти сукунот, ташдиди тахфиф, мадди касрдин ҳосил бўладиган шаклда турлича бўлмоғидан иборатдур» [9,39-40].

«Мутриб ва муғаннийлар» зикридаги фаслдан келтирилган парчада «қуввати» ҳамда «кути» сўзларининг араб имлосидаги ҳарфлар сони, шакли, ёзилиш тартиби бир хил бўлиб, фақат «вов»нинг «ҳаракату ташдид»ини ўзгартириб ўқиш билан сўзнинг талаффузида ва бизнинг ёзувимиздаги ифодасида фарқ пайдо бўлади. «Қуввати» ва «кути» калималарининг оҳангдошлигини инобатга олсак, шу сўзлар орқали бир йўла икки санъат – тажниси мухталиф ва сажъи мутарраф амал қилиб, мукамал маъно гўзал шаклда намоён бўлганлигини ҳис қиламиз. Сажъли жумланинг дастлабки қаторини яқунловчи, мусажжаъ асосида турган етакчи сўз «хушовоздин» (ёқимли овоздан) ҳам ўз мувозийси «хушнавоздин» (ёқимли оҳангдан) калимаси билан лафздош бўлиб, бу сўзларнинг талаффузидаги ихтилоф бир «нун» ҳарфидадир.

Бадиий тасвирнинг бундай намунаси тажнис-и музаййал дейилади [9,41]. «Хушнавоздин» матнда «яхши куйловчи, дуруст чолғувчи» маъноларига эга (лутф санъати): а) кўнгил хуш оҳангдан қувват, рух эса ёқимли овоздан озиқ олади; б) юрак яхши чолғувчидан мадор ва рух унинг ширали товушидан маънавий фароғат туяди. Инсон руҳиятини теран ҳис қилган адиб соз, чолғувчи, хофиз фаолияти инсоннинг маънавий жиҳатдан ўсишига, такомиллашувига хизмат қиладиган муҳим восита эканлигини моҳирона очган.

«Ҳозирги педагогикамизнинг тарбия назариясида «ижобий фазилатларга таяниш принципи» тарбиянинг энг муҳим принципларидан бири ҳисобланади. Ўрта аср пандномаларида эса бутун эътибор мана шу принципга қаратилган» [8,63]. Алишер Навоий куй ва қўшиқнинг инсон руҳияти, эрки, ички олами, ҳиссиётлари парвозига таъсирини

асослар экан, рухий ва маънавий камолот тимсоллари сифатида шайх Абубакр Шиблий ва Абулхусайн Нурий ҳаётини ибрат қилиб кўрсатади: «Шиблий ва Нурий қуддиса сиррихуммо самоъда кеттилар, бу йўл сулуки била мақсуд сарманзилиға еттилар» [6,30]. Манбаларда Абубакр Шиблий ва Абулхасан Нурий ибратли ҳаёти ва ҳикматларидан кўплаб намуналар келтирилган.

Жумладан, Алишер Навоийнинг сўфий шайхлар ҳақидаги тазкираси – «Насойимул-муҳаббат»да Абубакр Шиблийнинг комил фикҳшунос, чексиз камолат соҳиби, валийуллоҳ бўлганлиги хусусида муҳим далиллар мавжуд: «Шайх Абубакр Шиблий қ.с. дин бир фақиҳ сўрабдурки, закот адоси не навъдур? Шайх дебдурларки, санга фарз бўлур закотниму дейин? Ё манга фарз бўлур закотниму дейин? Айтибдурларки, манга бўлур закот қайсидур ва санга бўлур закот қайсидур? Шайх дебдурларки, санга бўлур закот улдирким, ҳар икки юз дирамдин беш дирам Тенгри йўлида бергайсен. Манга бўлур закот будурким, ҳар икки юз дирамдин икки юз беш дирам Тенгри таоло йўлида бергаймен. Дебдурларким, икки юз дирамким берилди, яна беш дирам недур? Шайх дебдурларки, ул беш дирамни бурж қилиб, ул икки юз дирам берган шукронаға берилгай...» Жунайд қ.с. дебдурки, «Абубакр Шиблийға бошқаларга назар қилганингиздек назар қилманг. Чунки у Аллоҳ кўзларидан бир кўздир» ...Ва ҳам Жунайд дебдурки: «Ҳар бир қавмнинг тожи бор. Бу қавмнинг тожи эса Шиблийдир» [6:5,127].

Ҳофизлар зикрига бағишланган фаслнинг навбатдаги жумлаларида мусиқанинг инсон рухий оламига таъсирини ёритишда ташхис ва интоқ санъатларининг имкониятларидан моҳирона фойдаланилган. Муаллиф най, ғижжак, танбур, чанг, уд, рубоб, қўбуз, қонун, чағона каби мусиқа асбобларига инсон хусусиятларини кўчиради. Адиб гўё инсон ихтиёрини ўз тасарруфига олиш, уни ўзига ром қилиш мақсади йўлида бирлашган муҳиблар кенгашини тузади. Иттифоқдошлар давраси борган сари кенгайди, жумладан жумлага кўчади.

Шуниси ҳайратланарлики, ихчам ифодаларда ҳар бир соз ўз ташқи кўриниши, суратшакли, сийрат моҳиятига мос наво, рафтору равиш билан инсон вужудида ўзгариш ясайди: «Ва танбур парда доғи фитнадин ҳалок этар ва офият пардасин чок этар ва чанг зорлиғ била бўғзин тортар ва уд лисони нағмасининг тарғиби чангидин ҳам ортар. Андаким рубоб бошин ерга қўюб ниёз кўргузгай ва қўбуз қулоқ тутуб айшға тарғиб оҳангин тузгай...» [3,33]. Алишер Навоий қаламининг мўъжизакорлик қудрати ҳофиз қўлидаги созни (иш қуроли) тирик инсон каби китобхон кўз ўнгида жилолантирган.

Бадиий матнда ҳар бир сўз зиммасига юклатилган вазифа ва ундан кўзда тутилган мақсад бор. Мазкур даъво исботи учун биргина калимани олиб қарайлик. Танбурга нисбат берилган «доғи» сўзи матнда икки маънода, қўшалок вазифани адо қилиб келаётир. Биринчидан, «доғи» танбур дастаси бўйлаб жойлаштирилган товуш ноталарининг фарқловчи белгилари – аломатлари маъносини ифодалаб, тасвир мукамаллиги ва тиниклигини таъмин этяпти. Бунда Алишер Навоий «доғи» сўзининг «белги, из» каби маъноларидан бадиий-ғоявий мақсад йўлида усталик билан фойдаланган. Шу ўринда улуғ адиб мусиқа назариясининг комил билимдони сифатида ҳам намоён бўлади. Иккинчидан, «доғи»нинг «тагин, яна ҳам» маънолари ишга солинган, натижада сўз ва соз бири-бирдан мадад олиб, ички мазмунни кучайтиришга хизмат қилган.

Одам табиатининг қирралари қанчалик теран бўлса, унинг маънавий дунёсига таъсир қилиш, инсонни рухий-маънавий жиҳатдан юксалтириш усуллари ҳам шунчалик кўп. Тасвир ва талқин инсоният олаmidан табиат, ҳайвонот ва наботот оламига кўчади. Адиб талқинича, ёқимли тарона ҳайвонлар ҳаётида ҳам зарур нарса. Ўрта асрларда одамларга энг кўп нафи тегадиган ҳайвон туя бўлган. Иссиқ иқлим шароитида бир неча кун сув ичмай юришга мослашган бу саҳро «кемаси» турмушнинг турли жабҳасида одамларнинг оғирини енгил қилган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий китобхон эътиборини туяга тортади ва айтадики, араб туяси сарбоннинг «Худий» деб номланган ашуласидан мутаассир бўлиб, саҳрода қадамини тезлаштиради: «Араб теvasи «худий» лаҳни била бодия қатъида тез бўлур, булут бухтиси раъд садосидин сойқаангиз» [3,31].

Жумланинг иккинчи қисми гўзал истиора билан бошланган. Адиб «булут» сўзи олдида «туя» калимасининг форсий синонимини («бухти») келтирган. «Бухти» калимаси бадий ифода оқимида «булут» сўзи билан ташбеҳий муносабатга киришиб, истиорани ҳосил қилган. Осмоннинг у ер бу ерларида тўп-тўп булутларнинг баъзан юк ортилган қайиқ шаклида, баъзан нор туя мисол назарга ташланишини кўз олдимизга келтирсак, иждокорнинг борлиқда мавжуд ўхшаш ҳодисаларни танлаш салоҳиятига тан бермай иложимиз йўқ. Мажозий тасвирдан мақсад инсон ризқининг сабабчиси, наботот олами томирларига қон ва жон бахш этувчи ёмғир манбаи – булутнинг намоён бўлишига ва унда чакмоқ чақилиб ёғиндан хабар беришига момақалдиқроқ садосини (залварли овозини) шоирона сабаб қилиб кўрсатишдир.

Мутриб ва муғаннийлар ҳунарини кераклигича юксак мақомда мадҳ этган Алишер Навоий бу тоифанинг пулга ҳирс қўйганларини қаттиқ танқид қилади. Базмда одамлардан зорланиб ҳамда безбетлик билан пул терадиган созанда ва хонанда санъаткор эмас, аслида тиланчидир, пасткаш ва гадойдир. Санъаткорда инсоф, диёнат, одоб, ҳаё ва вафо бўлмаса, у тубанлик ботқоғига ботади: «Аммо бу тоифанинг сойири ҳам агарчи тарабойин ва меҳнат зададурлар ва лекин филҳақиқат, лаимсийрат ва гадоурлар. Айтқувчи ва чолғувчи зорлиғ ва ийнамак била олғувчи... Чун базмда танаъум оз бўлди, алар иши истиғноу ноз бўлди... Вафо алар таъбидин маслуб, вафо аҳли алар олида мардуд ва манкуб. Муғанний вафосиз, кунгир ҳаёсиз» [3,31].

Алишер Навоий отарчиларнинг табиатини очишда ҳажвий усуллардан фойдаланади. Адиб маҳорати боис «санъат гуллари»нинг ҳаракатлари, қўлларидаги асбоблари ҳажвий восита вазифасини бажаради. Бадий ифода танқидий тус олиб, айтқувчи ва чолғувчининг санъат оламига тескари бўлган, бесўнақай сурати ўқувчи кўзи олдида гавдаланади. Сурат тасвирида сийратдаги бефаҳмлик, маишатбозлик, ахлоқсизлик, андишасизлик хусусиятлари намоён бўлади: «Неъмат деган нимаки тамом йўқ бўлди, аларнинг кўнгли сендин тамом тўқ бўлди. Агар йиллар баҳра олибдурлар эҳсонингдин, ошнолиғ бермай ўтарлар ёнингдин... Ҳаракотлари хориж тузуксиз созларидек ва калимотлари ҳашв маҳалсиз нозларидек» [2,17].

Ҳаракатлари мўътадил ҳолатдан ташқари кўпол кишининг сурати сўнгги жумла таркибидаги «хориж» сўзи воситасида равшан намоён бўлади. «Хориж» руҳан қашшоқ хонанданинг одоб доирасига зид бўлган саёқлик хусусиятига ўқувчи диққатини тортади. Сажънинг иккинчи қаторида «ҳашв» (ортиқча, ўринсиз айтилган сўз) маъно ва шакл мукамаллиги учун қандай вазифани бажарса, биринчи қаторда «хориж» шундай вазифани адо этади. Матнда тутуриқсиз созанданинг бесўнақай ҳаракатлари носоз асбобига; меъёрдан ортиқ, беҳуда сўзлари ўз қимматини ошириш ва кўпроқ пул олиш учун қиладиган ноўрин нозларига қиёс қилинган. Заҳматкаш олима Суйима Ғаниева ўринли таъкид этганидек, «бу танқидлар ўз замонаси учун ҳам, ҳозирги кунларимиздаги айрим ўткинчи санъаткорлар шаънига ҳам тааллуқлидир» [7,347].

Хуллас, ҳофиз ва қўшиқ, соз ва созанда шахснинг руҳий-маънавий камолотида муҳим аҳамиятга эга. Аммо ахлоқи заиф, тушунчаси паст санъаткор ички руҳий гўзалликларга эга бўлмаганлиги учун жамиятнинг маънавий ривожланишига ҳам ўз ҳиссасини қўша олмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Кайковус. Қобуснома. – Т.: Мерос, 1992. – 175 б.
2. Навоий А. Асарлар. 15 томлик, 13-том. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Бадий адабиёт нашриёти, 1966. – 244 б.
3. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20-жилдлик, 14-жилд. – Т.: Фан, 1998. – 304 б.
4. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20-жилдлик, 15-жилд. – Т.: Фан, 1999. – 236 б.
5. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20-жилдлик, 16-жилд. – Т.: Фан, 2000. – 336 б.
6. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20-жилдлик, 17-жилд. – Т.: Фан, 2001. – 520 б.
7. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик, 2-том. – Т.: Фан, 1977. – 447 б.
8. Ҳабибуллаев А. Навоий пандномаси. – Т.: Фан, 1996. – 84 б.
9. Ҳусайний, Атоуллоҳ. Бадийгўс-санойиш. – Т.: Ғ.Ғуфур номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 400 б.

УДК:7.01

ЭСТЕТИК МАДАНИЯТНИНГ СТРУКТУРАВИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

СТРУКТУРНЫЕ ЭЛЕМЕНТЫ ЭСТЕТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ
И ИХ СПЕЦИФИКА

STRUCTURAL ELEMENTS AND SPECIFICITY OF AESTHETIC CULTURE

Арзиматова Иноятхон Мадумаровна
ФарДУ фалсафа кафедраси доценти,
Мўминов Жаҳонгир Мадаминович
ФарДУ талабаси

Аннотация. Мақолада эстетик маданиятнинг мазмун-моҳияти, унинг структуравий элементлари ва уларнинг ўзига хослиги масалалари илмий таҳлил қилинган. Шахс эстетик маданиятининг жамият эстетик маданиятидан фарқли томонлари ва ўзига хос жиҳатларини тасаввур этиш учун унинг умумэстетик маданият структурасида тутган ўрнини белгилаб олиш муҳим назарий-методологик аҳамияти ёритилган. Шунингдек, эстетик маданият ижтимоий воқеликнинг таркибий қисми сифатида ҳамиша ўзгариб, ривожланиб борувчи тизим эканлиги, шунинг учун амалий фаолият унинг ҳал қилувчи муҳим омили, структуравий элементлари ўртасидаги алоқадорликнинг шарти ва усулини ташиқ қилиши ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: шахс ва жамият эстетик маданияти, маънавий-эстетик қадриятлар, структура, элемент, субъект, объект, фаолият, объективация.

Аннотация. В статье анализируется сущность эстетической культуры, ее структурные элементы и их специфика. Раскрыта теоретическая и методологическая значимость определения роли эстетической культуры в структуре общей эстетической культуры с целью визуализации различий и особенностей эстетической культуры общества. Утверждалось также, что эстетическая культура – это постоянно развивающаяся и развивающаяся система как неотъемлемая часть социальной реальности, так что практическая деятельность является решающим фактором, условиями и методом взаимосвязи между структурными элементами.

Ключевые слова: эстетическая культура человека и общества, духовно-эстетические ценности, структура, элемент, субъект, объект, деятельность, объективность.

Abstract. The article analyzes the essence of aesthetic culture, its structural elements and their specificity. The theoretical and methodological significance of determining the role of aesthetic culture in the structure of the general aesthetic culture is revealed with the aim of visualizing the differences and characteristics of the aesthetic culture of society. It was also argued that aesthetic culture is a constantly evolving system as an integral part of social reality, so that practical activity is a decisive factor, conditions and method of the relationship between structural elements.

Key words: aesthetic culture of man and society, spiritual and aesthetic values, structure, element, subject, object, activity, objectivity.

Шахс эстетик маданиятининг жамият эстетик маданиятидан фарқли томонлари ва ўзига хос жиҳатларини тасаввур этиш учун унинг умумэстетик маданият структурасида тутган ўрнини белгилаб олиш муҳим назарий-методологик аҳамиятга моликдир. Илмий тадқиқотларда кўпинча эстетик маданият тарихан шаклланган ва ривожланган маънавий-эстетик қадриятлар, уларни инсон фаолиятининг ранг-баранг соҳаларида яратиш ва ўзлаштириш усуллари мажмуи [1] сифатида эътироф этилади, шунга кўра, унинг структурасини фаолият тушунчаси орқали ёритишга эътибор қаратилади.

Бунда эстетик маданият структуравий элементларини маданиятни ҳаракатланувчи асос – субъект; ҳаракат йўналтирилган объект; қобилият гавдаланган фаолият ва унинг моддийлашуви – объективацияси ташкил қилади.

Шунга кўра, эстетик маданиятнинг структуравий тизимини “субъект-фаолият-объективлашув-объект” кўриниши тарзида тасаввур этиш мумкин. Бунда субъект муайян эҳтиёжлар ва уларни қондириш қобилиятига эга бўлган инсон сифатида фаолият кўрсатади, унинг натижалари конкрет предмет ва ҳодисаларда моддий тус олади. Бундай объективлашув нафақат субъект, балки объект кўринишидаги инсон эҳтиёжларини қондиришга ҳам хизмат қилади.

Инсон ҳамма вақт мақсадга мувофиқ онгли фаолият кўрсатишга интилади, модомики, шундай экан, бу мақсад моҳиятан “субъект-объект” муносабатларида фаолият кўринишини олмай, онгида образ шаклига кирмай туриб, бирмунча илгарироқ белгилаб олиниши ҳам мумкин. Фалсафий-тарихий адабиётларда асалари кўпинча гўзал мўмкатак ясаб, меъморларни ҳайратга солиши, лекин энг ёмон меъмор энг яхши асаларидан, энг аввало, бу уяни ўз миясида олдиндан идеал шаклда қура олиш қобилияти билан ажралиб туриши ҳақидаги мисол эсга олинади. Бинобарин, меҳнат жараёни фаолият ҳали бошланмай, у инсон тасавурида рўй бериши ва пировардида моддий тус олиб, реалликка айланиши мумкин.

Фаолият жараёнида фақат объект ўзгарибгина қолмайди, бу ҳолат субъект дунёқараши, қобилияти ва билими, малакаси ва эҳтиёжларида ҳам юз беради, натижада улар ўртасида “фаолият-субъект” кўринишидаги алоқа юзага келади. Агар эстетик маданият нафақат фаолият, балки ўзгарувчан жараённинг натижаси сифатида олиб қаралса, унинг структуравий элементлари ўртасида янада мураккаб алоқалар қарор топишини кузатиш мумкин. Эстетик маданият ижтимоий воқеликнинг таркибий қисми сифатида ҳамиша ўзгариб, ривожланиб боровчан тизимдир.

Шунинг учун амалий фаолият унинг ҳал қилувчи муҳим омили, структуравий элементлари ўртасидаги алоқадорликнинг шарти ва усулини ташкил қилади. Модомики, шундай экан, инсон шахсига хос бўлган ижодкорликнинг моҳиятини унинг эстетик қадриятлар яратадиган ва шу асосда ўз эҳтиёжларини қондирадиган фаолиятдан ташқарида тасаввур этиш мумкин эмас. Бинобарин, шахс онгли ва самарадор фаолиятдан ташқарида эстетик маданият элементи бўла олмайди. Фаолият ҳамма вақт шахс фаоллигидан иборат бўлиб, унинг борлиғи ва яшаш усули ҳисобланади, фақат унинг моддийлашуви натижасида муайян неъматлар яратилади. Шундай экан, объект идрок этмаган, унинг фаолияти маҳсулига айланмаган маҳсулот эстетик қадрият бўла олмайди, шахс билан реал алоқада бўлмай юзага чиқмайди.

Эстетик маданиятнинг тизимлашган таркибини янада умумлаштирадиган бўлсак, унинг ҳар бири ўз таркибига эга бўлган кичик тузилмалардан ташкил топганлигини кўриш мумкин. Бунда фаолият субъекти структурасида, масалан, эстетик онг ва бошқалар алоҳида ўрин тутади. Бироқ бу билан эстетик маданиятнинг структурасини белгилаш иши тугамайди, нега деганда, эстетик онгнинг таркибига яна эстетик қараш, эстетик дид, эстетик билим каби бошқа тузилмаларни киритишга тўғри келади.

Фаолият, фаолият субъекти, объекти ва моддийлашуви ҳақида илмий адабиётларда турли фикрлар мавжуд. Баъзи тадқиқотларда эса уларни бошқа структуравий белгилар билан тенглаштириш ёки яхлит элемент ўрнига унинг айрим компонентларини тилга олиш билан чекланиш ҳам кўзга ташланади. Масалан, тадқиқотчи В.А. Куценко фикрича, эстетик маданият эстетик билим, эътиқод, ҳиссиёт, фаолият ва хулқ-атворнинг малака ва меъёрий бирлигидир [2]. А.В. Цай эстетик маданиятни қадриятларнинг ривожланувчан, амалдаги жонли кўриниши деб ҳисоблайди [3]. Эътибор берилса, бу ёндашувларда эстетик маданиятнинг субъекти, объекти, моддийлашиши эмас, асосан, унинг умумий таърифи берилади.

Табиийки, маданиятнинг субъекти ва объектига оид масалалар хийла мураккабдир. Бу масалада, мисол учун, юқорида тилга олинган В.А. Куценко билим, эҳтиёж, ҳиссиёт билан боғлиқ бошқача структуравий даражага мурожаат этади, ҳолбуки, бу даража элементлари

нафақат субъектга, шу билан бирга, фаолият объекти (инсон)га ҳам баб-баравар тегишлидир. Шу маънода улар ўзаро мувофиқ келиши ёки келмаслиги ҳам мумкин. Маданиятшунослик кўлланмаси муаллифлари ҳам эстетик фаолиятнинг субъекти, объекти ва фаолиятни таърифлаганларида моддийлашув масаласини эътибордан четда қолдиради [4].

Илмий адабиётларда инсонга, умуман, фаолият (хусусан, эстетик фаолият) объекти сифатида баҳо берилгани ҳолда, уни субъект билан айнанлаштириш ҳолатлари учраб туради. Бунда субъект мустақил структуравий элемент қилиб олинади, бироқ “субъект-фаолият-объективация-объект”дан иборат тўрт элементли таркиб оқибатда уч элементли “субъект-фаолият-объективация”га айлантирилади.

Эстетик маданиятда субъект билан объект бир-биридан аниқ белгилаб олиниши, уларнинг роли турли шахслар тимсолида “расмийлаштирилиши” лозим. Бу функция, масалан, “актёр-томошабин”, “чолғучи-тингловчи” муносабатларида шундай маънога эга. Субъект билан объектнинг роли фаолиятнинг бошқа шаклларида ўзаро алмашилиб туради, баъзида бу икки ҳолат алоҳида киши қиёфасида гавдаланиши ҳам мумкин. Бу жараёни, масалан, шахслар ўртасидаги ўзаро суҳбат, мулоқотда алоҳида киши ўз тимсолида тажассум этади; бу нарса инсоннинг мусиқа асбоби чалиб, ўз эҳтиёжини қондириши ёки хиргойи қилиши каби ҳолатларда ҳам кўзга ташланади, лекин, энг муҳими, қандай бўлмасин, фаолиятда субъект билан объект мавжуд бўлади.

Шу билан бирга, илмий адабиётларда кўпинча “субъект” биринчи, яъни фалсафий-гносеологик маънода ишлатилади, шахс ёки кишилар гуруҳи, ижтимоий аҳволи, миллий, ёш даражаси билан ажралиб турадиган бирликка тенглаштирилади. Баъзи тадқиқотларда эстетик фаолият жараёнида ўзини қандай тутишидан қатъи назар инсон эстетик маданият субъекти қилиб олиниши лозим, деган фикрни асослашга уриниш кўзга ташланади.

В.В. Журавлев бадиий маданият тизимида икки кичик тизимча ҳисобланмиш – бадиий неъматлар яратиш билан уларни ўзлаштириш алоҳида ажратиб кўрсатилиши керак, деб ҳисоблайди. Шунга кўра, уларни яратадиган (профессионал ва ҳаваскор) субъектлар билан ўзлаштирадиган субъект (томошабин, тингловчи, китобхон)ларни бир-биридан ажратишни тақлиф қилади. Дарҳақиқат, бундай фикрда муайян ҳақиқат бор, чунки эстетик жиҳатдан таъсирланадиган томошабин, китобхон ва бошқалар шунчаки пассив объектлар эмас. Бинобарин, эстетик кадриятларни ўзлаштириш ва идрок этиш инсондан фаоллик талаб қилади ва шу маънода улар “бадиий маданиятни ўзлаштирувчи” субъектлардир [5].

Юқоридагиларга асосланиб айтиш жоизки, эстетик маданиятда субъект-объект муносабатлари фаолиятнинг объектини бошқачароқ талқин этишни тақозо этади. Эстетик маданият объектини “субъект-фаолият-объект” тизимида шунчаки оддий предмет-ҳодисалар эмас, балки инсоннинг эстетик эҳтиёжларини қондириш, унинг қобилиятларини ривожлантириш ва бойитишга йўналтирилган фаолияти ташкил қилади.

Эстетик маданият структуравий элементларининг айрим жиҳатларини кўриб чиқайлик.

Таъкидлаганимиздек, инсон эстетик маданиятнинг объекти ҳамда субъектидир. Шундай экан, тараққиётнинг конкрет босқичида турган жамият эстетик маданияти ҳақида сўз кетганда, аввало, маданият субъектининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб олишга зарурат туғилади. Буларга, биринчи навбатда, эстетик эҳтиёжларнинг таркиби ва тараққиёт даражаси киради.

Ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичидаги кишилар бирлигининг эстетик эҳтиёжларини конкрет таҳлил қилиш ҳақида сўз борганда, Абдулла Шернинг “ҳар бир шахсдаги маданиятлилиқ даражаси, маънавий салоҳият унинг эстетик эҳтиёжи доираси билан ўлчанади” [6] деган фикрини қўллаб-қувватлаш лозим.

Эстетик фаолиятнинг ҳам субъекти, ҳам объекти ҳисобланган шахснинг эстетик эҳтиёжи ва диди у мансуб миллатнинг тарихий шаклланган анъана ва мезонлари, шунингдек, ўзига хос табиий-худудий, географик ва ижтимоий ҳаёт шароитларига боғлиқ бўлади. Эҳтиёжларнинг миллий ўзига хослиги, хусусан, ранг ва товушлар уйғунлигини идрок ва эътироф этишда намоён бўлади. Гегелнинг ёзишича, “картинада ишлатиладиган асосий бўёқлар, масалан, сариқ, кўк, яшил ва қизил ранглар нафақат тўлақонлилиқ, шу билан бирга,

уларнинг гармониясини ҳам ташкил этиши лозим ва буни қадимги дунёнинг мўйқалам усталари ғайриихтиёр равишда ҳамиша амалга ошириб ва сақлаб келганлар. Гармония соф ташқи муайянликдан холи бўлиш орқали теранликни, маънавий мазмунни ифодалаган.

Шунинг учун қадимги рассомлар соф рангдан, асосан, йирик шахслар, рангларнинг аралашмасидан эса иккинчи даражали одамларнинг кийим-либосларини тасвирлашда фойдаланганлар. Масалан, ҳаворанг тинчлантириш хусусиятига эгадир, ботиний хотиржамлик ҳамда ройишликка жуда мос, шу боис Биби Марям кўпинча ҳаворанг кўйлақда тасвирланган; унинг кўзга яққол ташланиб турувчи қизил либосдаги тасвири жуда кам учрайди” [7]. Эстетик маданият субъектида унинг қобилиятлари структуравий даражаси акс этади. Бу қобилият эстетик фаолиятни такомиллаштириш ва натижаларини идрок этишда зарур элемент бўлиб, бунингсиз инсон эстетик эҳтиёжларини қондира олмайди.

Шахс ҳаётида эҳтиёж билан қобилият узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Эстетик маданият субъектининг эҳтиёжи каби унинг қобилияти ҳам нафақат физиологик, шу билан бирга, ижтимоий моҳиятга эгадир. Бинобарин, бу қобилиятлар ижтимоий ҳаёт жараёнида шаклланади, ўзгаради ва тараққий этади.

Ниҳоят, эстетик маданият субъекти инсоннинг эстетик онги, шу билан бирга, унинг эстетик эҳтиёжларини қондириш борасидаги тасаввур ва қарашларини ҳам ўз ичига олади. Модомики, эстетик фаолиятнинг мақсади инсон эҳтиёжларини қондиришдан иборат экан, инсон бу фаолиятнинг нафақат субъекти, балки объекти ҳам саналади. Инсон эстетик қадриятларни объект сифатида идрок этади, эҳтиёжларини қондиради, қобилиятларини эстетик онгининг соҳиби тарзида рўёбга чиқаради. Шунга кўра, шахс эстетик онгининг структуравий элементлари ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотчи С.Н. Титов эстетик онг структурасини воқеликни инъикос этиш нуктаи назаридан тавсифлар экан, уни ҳиссий-эмпирик ва рационал-назарий даражаларда олиб таҳлил қилади. Унинг фикрича, эстетик мушоҳада, эстетик идрок, эстетик тасаввур инъикоснинг ҳиссий-эмпирик, эстетик ҳукм, эстетик қадрият, эстетик идеал эса унинг рационал даражасига тегишли тарзда шаклланади [8]. А.Шер эстетик онг ҳақида тўхталганда, унинг таркибига ҳиссий ёки рационал даража нуктаи назардан ёндашмайди, балки унинг эстетик эҳтиёж, эстетик ҳиссиёт, қувонч ҳисси, эстетик мушоҳада ва эстетик баҳо каби элементлардан ташкил топишини таъкидлайди, эстетик дид, эстетик идеал каби тушунчаларни эстетик қадриятлар номи остида изоҳлайди.

Шахснинг эстетик маданияти унинг субъекти билан объекти ўртасида мавжуд яхлит бир бутунлик ифодасидир. Тарихан бу бирлик эстетик маданият тараққиётининг дастлабки босқичларида субъект билан объект орқали ўзаро яхлитликни ташкил қилган эди. Дарҳақиқат, воқеликдан ва ўзининг серқирра фаолиятдан инсон туядиган мамнуният ҳисси аввал бошда фароғатлилик, қулайлик, завқийлик каби қисмларга табақаланмаган эди [9].

Миллий мустақиллик эстетик маданият соҳасида сифат ўзгаришларини амалга оширишнинг объектив ва субъектив шарт-шароитларини вужудга келтирди. Ҳозирги кунда эстетик маданият субъекти билан объектининг уйғун ривожланиши ўртасида айрим жиҳатлар тўла барҳам топган эмас. Фикримизнинг далили сифатида баъзи тадқиқотларда қайд этилган натижаларга мурожаат қилиш мумкин. Социологлар фикрича, фақат ўз бадий эҳтиёжини қондириш мақсадида кутубхонага қатновчилар уларнинг умумий миқдорига нисбатан атиги 0,7 %ни ташкил этади [10].

Биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавий баркамол инсон шахсини тарбиялашнинг мезонлари, омиллари ҳақида сўз борганда, эстетик маданият субъекти, объекти, эстетик ижодкорлик ва эстетик қадриятлар яратишнинг долзарб масалаларига алоҳида эътибор берилади. Биринчи Президентимиз фикрича, нафақат маънавият ва эстетик маданиятимизнинг субъекти, объекти, фаолият жараёнлари, шу билан бирга, жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар етказишнинг шарт-шароит ва воситаларини ҳам ривожлантириш зарур.

“Маънавиятни тушуниш, англаш учун, аввало, инсонни тушуниш, англаш керак” [11], – деб ёзган эди И.А. Каримов. Модомики, шундай экан, инсоннинг моҳияти, характери, ички

дунёси унинг эркин ижодкорлик фаолияти, борлиққа эстетик муносабати, эстетик кадриятлар яратиш жараёнида намоён бўлади. Шунинг учун у эстетик маданиятнинг нафақат субъекти, балки объекти, фаолият ижодкори, нафосатли маҳсулотлар яратувчиси сифатида ҳам гавдаланмоғи лозим. Бу нарса, авваламбор, унинг маънавий олами, эстетик маданият кадриятлари билан куролланганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бунда санъат асарлари билан яқиндан танишиш, эстетик ва бадиий диднинг юксаклиги, бадиий ижодга фаол муносабат, жаҳон ва миллий эстетик кадриятларни эгаллаш даражаси алоҳида ўрин тутди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, шахс эстетик маданияти тарбия ва таълим жараёнида, ижтимоий муҳит ва шахсий эҳтиёжлар ривожланиши ва мукамаллашуви таъсирида шаклланади, инсон моҳиятли кучлари гавдаланишининг эстетик даражасини англатади, эстетик билимлар, эътиқодлар, малакалар ва фаолият ҳамда хулқ-атвор меъёрлари бирлигидан иборат бўлади. Эстетик маданият инсоннинг тарихан таркиб топган ҳамда ривожланиб боровчи эстетик эҳтиёжлари ва қобилиятларини амалга оширишнинг ранг-баранг шакллари билан иборатдир. Бу нарса фаолиятнинг нафақат маънавий, балки моддий, ижтимоий, сиёсий соҳаларида ҳам намоён бўлади, бироқ маънавий тизимида бошқаларга қараганда кенг амал қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев М. *Эстетик маданият: назарий-методологик жиҳатлар*. – Т.: Фан, 2007. – 33 б.; Цай А.В. *Материальная культура в свете современной эстетики*. – Т.: Фан, 1994. С. 240; Арзиматова И. *Эстетик маданият ва маънавий камолот*. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти наشريёти, 2009. 124-б.
2. *Эстетика*. Под.ред. А.А. Радугина. – М.: Центр, 1998. С. 225-226.
3. Цай А.В. *Материальная культура в свете современной эстетики*. С. 20.
4. Умаров Э., Абдуллаев М., Хакимов Э. *Культурология*. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. С. 53-54.
5. Журавлев В.В. *Мир художественной культуры*. – М.: Мысль, 1987. С. 25-29.
6. Шер А. *Эстетик англаш ва унинг тузилмаси*. // *Эстетика*. – Т.: ЎзМУ, 2008. – 95 б.
7. Гегель. *Эстетика*. В 4-х тт. – М.: Искусство, 1963. Т.1. С. 260.
8. *Эстетика*. – М.: ЦЕНТР, 1998. С. 129.
9. Гаврилюк П.И. *Эстетическая культура и социальный прогресс*. – Киев: Наукова думка, 1978. С.68.
10. Умаров А., Бекмуродов М. *Ўзгараётган давр ва кутубхоналар тақдири*. // *Ижтимоий фикр*. Инсон ҳуқуқлари. 2003. 2-сон. 102-б.
11. Каримов И.А. *Юксак маънавият – энгилмас куч*. – Т.: Маънавият, 2008. 29-б.

УДК:316.61

ЁШЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ ОМИЛЛАРИ

ОБЪЕКТИВНЫЕ И СУБЪЕКТИВНЫЕ ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ У МОЛОДЕЖИ

OBJECTIVE AND SUBJECTIVE FACTORS IN THE FORMATION OF INTELLECTUAL CULTURE AMONG YOUNG PEOPLE

Сиддиқов Илёсжон Бахромович

ФарДУ фалсафа кафедраси мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мазкур мақола ёшларда интеллектуал маданият компонентларини шакллантириш омиллари, унинг таъкилий, методик, психологик ва ижтимоий омилларининг ижтимоий тараққиёт билан уйғунлаштиришининг ижтимоий-фалсафий муаммоларига бағишланган. Жамият тараққиёти давомида инсонда турли қобилиятлар мажмуаси таркиб топиб боради. Уларнинг барчаси инсоннинг мустақил меҳнат фаолияти ва тарихий тараққиёт даврида инсоният томонидан яратилган билимларни ўзлаштириш жараёнидаги қобилиятларида намоён бўлиши ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, ёшлар ижодкорлик маданиятини белгилашда унинг яратувчанлик ва танқидий фикрлаш қобилияти даражаси алоҳида ўрин тутуши ҳақида сўз боради.

Таянч сўзлар: шахс, интеллект, маданият, фан, глобал муаммолар, интеллектуал маданият, интеллект механизми, интеллектуал капитал.

Аннотация. Данная статья посвящена социально-философским проблемам сочетания факторов формирования компонентов интеллектуальной культуры у молодежи, ее организационных, методологических, психологических и социальных факторов с социальным развитием. В процессе развития общества человек обладает разнообразным набором способностей. Считается, что все они проявляются в способности человека работать независимо и в процессе приобретения знаний, созданных человечеством в ходе исторического развития. Это также говорит о том, что творчество и критическое мышление играют особую роль в определении культуры творчества молодежи.

Ключевые слова: личность, интеллект, культура, наука, глобальные проблемы, интеллектуальная культура, интеллектуальный механизм, интеллектуальный капитал

Abstract. This article is devoted to the socio-philosophical problems of combining the factors of the formation of the components of the intellectual culture of youth, its organizational, methodological, psychological and social factors with social development. In the process of development of society, a person has a diverse set of abilities. It is believed that all of them are manifested in a person's ability to work independently and in the process of acquiring knowledge created by humanity in the course of historical development. This also suggests that creativity and critical thinking play a special role in determining the culture of youth creativity.

Key words: personality, intelligence, culture, science, global problems, intellectual culture, intellectual mechanism, intellectual capital.

Шахс интеллектуал ва маданият салоҳияти фуқаролик жамияти шароитида иқтидор эгаларини тарбиялаб камолга етказишда муҳим аҳамиятга эга. Интеллектуал маданиятнинг муҳим хусусияти, яъни диний ва дунёвий билимларни ўзлаштириш, такомиллаштириш, инновацион билимларни эгаллаш ҳамда ўз-ўзини англаш, фикрлаш, касбига оид кўникма ва малакаларга эга бўлган ёшлар интеллектуал маданиятини ривожлантириш глобал даражадаги муаммолар сирасига киради.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугунги дунё ёшлари – сон жихатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда.

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ” [1]. Лекин, афсуски, БМТнинг маълумотларига кўра, дунёдаги ёшларнинг 160 миллиондан ортиғи интеллектуал колоқликдан азият чекмоқдалар [2].

Янги ривожланиш даврида ёшлар маънавияти таркибида унинг интеллектуал тафаккури, ақлий фаолияти ва фан қадриятлари ижтимоий ривожланишга жиддий таъсир кўрсатмоқда, модомики, шундай экан, унинг ақлий-малакавий омилкорлиги, илмий тафаккури ва илм-фан соҳасидаги фаоллигининг ўзига хос қонуниятларини таҳлил этиш долзарб фалсафий муаммо саналади.

Ёшларда интеллектуал маданиятни шакллантириш муаммоси, бир томондан, фуқаролик жамияти маънавий маданияти, иккинчи томондан, шахс структуравий элементлари билан узвий боғлангандир. Шахснинг интеллектуал маданияти эса унинг ақлий қобилиятига асосланган гносеологик фаолиятининг мақсад ва вазифаларини белгилаш, интеллектуал қадриятлар яратиш малакалари, билиш манбалари ҳамда информацион-техникавий воситалар билан ишлай олиш қобилиятидир.

Истеъдодли кишилар ижодида методологик билимлар билан интеллектуал маданият ўртасида ички алоқадорлик фавқулудда теран акс этади. Интеллектуал маданиятнинг буюк соҳиблари бўлган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ҳақидаги фикрларда ҳам аждодларимизнинг олимлик, авлиёлик, донишмандлик каби салоҳияти ва фазилатлари муносиб баҳоланган. Буюк аждодларимизнинг муносиб вориси бўладиган ёшларни тарбиялаш хусусида Президентимиз Ш.Мирзиёев қуйидагиларни

таъкидлайди: “Етакчи олимлар, истеъдодли ёш илмий ходимларнинг фаолияти ва илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш, жамиятда илм-фан намоёндаларининг обрў-эътибори ва нуфузини ошириш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлади” [3].

Ёшлардаги мавжуд интеллектуал қобилиятлар, кўникма ва имкониятларнинг фаолиятдаги умумлашиб бошқалардагига қараганда юқорироқ даражада намоён бўлиши иқтидор бўлиб, у биринчи ўринда ирсий имкониятлар билан боғлиқ ҳолда соғлом, муайян ижтимоий муҳитда шаклланади. Фалсафий мавзудаги олиб борилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, буюк, иқтидорли, ижодкор инсонларнинг ота-оналари, устозлари ва тарбиячилари уларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Боланинг ёшлигиданоқ бирор соҳага қобилиятини рўёбга чиқаришда ота-она ва оилавий муҳитнинг аҳамияти катта. Тадқиқотчи З.Ибодуллаев қуйидагиларни таъкидлайди: “Бу ўринда мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоийдаги шеърятга бўлган қизиқиш илк болалик ёшидан илғаб олинган ва унга ҳар томонлама кўмак берилган. Натижада, Ҳазрат Навоий буюк шахс бўлиб етишди ва шеърят султони деган номни олди. Демак, қобилиятни тараққий эттириш зарур. Борди-ю қобилиятнинг нишонаси бўлмасин, уни ривожлантириб бўлмайди” [4].

Жамият тараққиёти давомида инсонда турли қобилиятлар мажмуаси таркиб топиб боради. Уларнинг барчаси инсоннинг мустақил меҳнат фаолияти ва тарихий тараққиёт даврида инсоният томонидан яратилган билимларни ўзлаштириш жараёнидаги қобилиятларида намоён бўлади. Натижада турли фаолият кўринишларига нисбатан махсус ва умумий қобилиятлар фарқланади. Шахс умумий қобилиятлари кўпинча “иқтидор” тушунчаси билан: хорижда эса интеллект тушунчаси билан бир мазмунда деб қабул қилинади. Профессор В.Б. Тарасовнинг таъкидлашича, “Интеллект индивиднинг маълум даражада мустақам, барқарор ақлий қобилиятлари тузилишидан иборатдир” [5]. Оксфорд университетининг профессори Н. Бостромнинг фикрича, “интеллект – инсоният учун мавжуд бўлган муаммоларни ечишга қодир ақл” [6] дир.

Методологик билимлар тизими нуқтаи назардан интеллектуал маданият ривожини: аксиологик, технологик, шахсий-ижодий, когнитив компонентларига эгадир. Булардан кўринадики, шахс ижодий тафаккур воситасида янгилик яратади, хилма-хил муаммоларни кўяди ва ҳал қилади, уларнинг ўзига хос ечимларини, баъзан бундай ечимларга нисбатан бетакрор ёндашувлар, усуллар, методлар топади. Шахс тафаккурининг ижодий характери унинг ижтимоийлашувини таъминлайди.

Фан ва техника ривожланиши натижасида интеллектуал капитал бизнинг катта бойлигимизга айланиб бормоқда. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида жисмоний меҳнат фаолияти сингари инсоннинг интеллектуал меҳнати эвазига ҳам ҳақ тўланади ва бу меҳнат капиталга айлантирилади. Интеллектуал капитал ақлий меҳнатда аниқ қиймат мавжудлигини англатади. Интеллектуал капитал икки хил маънода, биринчидан, етук мутахассиснинг ақл-идроки, иккинчидан, инсон(инсон капитали)нинг интеллектуал мулки сифатида қайд этилган шаклда юзага келади [7]. Уни қандай кўпайтириш ва шакллантириш мумкинлиги тўғрисида эса барча давлат раҳбарлари бош қотирмоқда. Шу мақсадларда ҳар бир мамлакат интеллектуал элитани шакллантиришнинг энг самарали усул ва методларини кидириб ишга солмоқда.

Интеллектуал маданият ўзагини диалектик қонунлар ва фалсафий-методологик маданият ташкил қилади. Ёлғиз методологик билимларнинг ўзи муҳим илмий функцияни амалга ошира олмайди, балки фақат тафаккур маданиятини шакллантириш, шунингдек, дунёвий билимларни яхлит ташкиллаш билан чекланади. Бу билимлар мажмуаси нафақат ихтисослашган профессионал фаолият доирасидан чиқиш, шу билан бирга, қобилиятлар юзага келишида сифат ўзгаришлар рўй беришига ҳам кўмаклашади. Фаннинг эски қолипларини инкор этиш ва бу соҳада сифат ўзгаришлари қилишнинг яққол намунаси сифатида Н. Коперник, Г. Галилей, Лобачевский, А. Эйнштейн ва бошқаларни тилга олиш мумкин. Бироқ фалсафий билимнинг маънавий (қадриятлар ва мўлжаллар) қисми юксалиш қонунига ҳам, ҳокимият ва вақтга ҳам бўйсунмайди. У тарихига «юксак», «тубан» мезонлари билан ёндашиш мумкин бўлмаган санъатга яқинроқ. Ньютон таъбири билан айтганда,

олимлар ўз ўтмишдошларининг «елкалари»да туради: улар ўз ижоди билан бир умумий ишни давом эттиради, ривожлантиради [8].

Илм-фандаги юқоридаги каби ворисийлик, биродарликнинг аҳамияти ҳақида Президент Ш. Мирзиёевнинг куйидаги фикрлари аҳамиятлидир: “Ҳеч шубҳасиз, энг аввало, икки муаззам сиймо – Шарқ адабиётининг забардаст вакиллари мавлоно Абдурахмон Жомий ва ҳазрат Алишер Навоийнинг самимий биродарлик муносабатлари ёдга тушади”[9].

Интеллектуал маданият ўз олдига билиш фаолиятини режалаштириб, уни турли усуллар билан амалга оширувчи, манба ҳамда турли воситалар билан ишлашни мақсад қилиб олувчи ақлий меҳнат маданиятидир. Ёшларда интеллектуал маданиятни шакллантиришда замонавий олий таълим нафақат юксак малакали кадрлар тайёрлаш, балки кишиларни янгиликларни билиш, янги билимлар ва интеллектуал кадриятларни яратишга, шу билан бирга, турли илмий мактаблар томонидан яратилган интеллектуал анъаналарни ривожлантиришга интилувчи кадрлар тайёрлашга ҳам йўналтирилди.

Шунингдек, ёшлар интеллектуал маданияти шаклланишида жаҳон миқёсида интернет ҳукмронлиги ҳамда узлуксиз таълим ва илмий муҳитнинг халқаро ҳамкорлик соҳасида глобаллашуви очик таълим позициясини мустақамлашга хизмат қилмоқда, электрон кутубхоналарнинг тажриба ва билимларни халқаро миқёсда ўзаро алмашиш омили сифатидаги роли ортиб бормоқда.

Жамиятда ёшларнинг интеллектуал маданияти тараққиёти конкрет шахснинг ақлий ва аналитик қобилиятларига боғлиқ бўлади. Ёшлар интеллектуал маданияти шаклланишига фақатгина ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардангина эмас, балки фалсафий ёндашув ҳам зарурдир. Шахс шаклланиши реал шароитларда амалга ошади, бунга мувофиқ ҳолда индивидуал иқтидор ривожланади. Бир кишининг иқтидори бошқасиникидан тубдан фарқланади. Қобилиятлар ривожланиш жараёнида шаклланиб боради, тараққиёт жараёнида иқтидорнинг ўзига хос тартиби таркиб топади. Натижада бир шахсда махсус талантга айланмаган, турли йўналишларда намоён бўлувчи умумий истеъдод, бошқа бир шахсда эса муайян бир йўналишдаги талант шаклида ривожланган бўлиши мумкин.

Бу ерда шахс ижодий қобилиятини тавсифлашга оид энг муҳим асосий ёндашув мавжудлигини таъкидлаш жоиз.

Биринчи ёндашувга кўра, бундай қобилиятлар мавжуд эмас. Лекин бу ерда интеллектуал истеъдод шахс ижодий фаоллиги тарзида намоён бўлиши, ижодий фаолликнинг сабабчиси тарзида мотивлар, кадриятлар ва шахсий фазилатлар асосий роль ўйнаши мумкин.

Иккинчи ёндашув ижодий яратувчанликни интеллектуалга боғлиқ бўлмаган мустақил омил, деб ҳисоблайди. Бу назария тарафдорлари фикрича, интеллект даражаси билан яратувчанлик (инноваторлик) даражаси ўртасида муайян алоқа амал қилади.

Учинчи ёндашув интеллектнинг юксак даражаси ижодий қобилиятларнинг ҳам юқори бўлишини назарда тутаяди.

Айрим тадқиқотчилар эса инсоннинг қобилиятлари ҳақидаги муаммони ижодкор шахс муаммоси билан айнанлаштиради, оқибатда алоҳида ижобий қобилиятлар эмас, балки муайян мотивация ва руҳий фазилат соҳиблари бўлган шахслар мавжуд, деган фикрни илгари сурадилар.

Янгиликка интилувчан интеллектуал маданият субъекти бўлмиш ёш ижодкор куйидаги фазилатларга эга бўлиши лозим:

1) мустақил фикрга эга бўлган ҳамда гуруҳникидан унинг шахсий стандартлари устун бўлса, баҳолаш ва ҳукмда ноқонформизм кўзга ташланса, мустақил фаолият кўрсатиш;

2) ақл-идроқда очик-ойдинлик ўзи ва ўзгаларга хос бўлган илмий фантазиясининг моҳиятига аниқлик киритишга тайёр туришлик;

3) номуайян ва ечими топилмаган вазиятларга бағрикенглик билан ёндашиш, амалий, ижтимоий фаоллик кўрсатишга интилиш;

4) ривожланган эстетик туйғу, гўзалликка мутлақ мукамаллашмаган қониқишлик сифатида интилиш;

5) ўз шахсий қобилияти ва характери потенциалига тўла ишониш ва ҳоказо.

Ижодкорларнинг бу муҳим белгиларига яна тадқиқий инновацион фаолиятда манфаатпарастлик мавжуд эмаслигини ҳам киритиш лозим. Бунинг оқибатида вазиятларни барҳам этишда интеллектуал фаоллик, ақлий фаолиятдаги давомийлик, ишнинг на амалий манфаат, на ташқи субъектив баҳоси билан алоқадор бўлмаган интеллектуал ташаббускорлик хизмат қилади [10].

Ёшлар ижодкорлик маданиятини белгилашда унинг яратувчанлик ва танқидий фикрлаш қобилияти даражаси алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, ижодий фикр масалани тубдан янгича ҳал этиш маҳсули ҳисобланади. Танқидий фикрлашнинг бу жараёндаги вазифаси эса муайян соҳада қўлланилувчи қарорларнинг бажарилиш сифатини текшириб туришни назарда тутади.

Ёшларда интеллектуал маданиятнинг юксалиши ижодий тафаккур йўлидаги зиддиятларни бартараф этиш лаёқатини шакллантиришни тақозо қилади. Бу мураккабликлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- конформизм, яъни бошқаларга ўхшаш бўлиш истаги; инсон бошқалар олдида кулгу бўлиш ёки ўта нодонлигини кўрсатмаслик учун фавқулудда ғояларни эълон қилишдан кўрқади;

- назорат-цензура (айниқса, ботиний, ёки ўз-ўзини ўта танқид қилиш), яъни одатда ўз ғоялари натижаларидан хавотирланадиган ёшлар ҳеч қачон инноватор бўла олмайди; шахснинг қобилият билан ўз-ўзини танқид ўртасида қандайдир тенглик бўлиши лозим, бинобарин, ўзининг истеъдодига ортиқча махлиё бўлишлик ижодий таназзулга олиб келиши мумкин;

- инсон фаолиятидаги қўрқинч, яъни омадсиз хаёл ва ташаббус исқанжасида қолиб кетишдан ҳадиксираш;

- ижтимоий воқеликка мослаша олмаслик; бу одатдан ташқари шароитларда фаолият усуллари ўзгартиришдаги тангликдир;

- муайян ижтимоий шароитда янги вазифани амалга ошириш йўллари топишга интилиш; лекин ҳаддан зиёд юксак мотивацияга берилиш кўпинча илмий асосланмаган қарорлар қабул қилишга олиб келади.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, ёшларда иқтидорлиликнинг шаклланиши кўпроқ юқори даражадаги билиш фаоллиги, тафаккур ва интеллектнинг ривожланганлиги билан боғлиқдир. Шу боис шахс камолотида ундаги қобилият ва иқтидор малакаларини олдиндан кўра олиш ва уларни мақсадга мувофиқ равишда йўналтира олиши керак.

Иккинчидан, интеллектуал маданият инсоннинг ўзини ва дунёни зарур равишда англаши ҳамда баҳолаши асосида шаклланиб, унинг ёрдамида ёшларимиз онгини ўстириш ва тафаккурини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади, чунки булар орқалигина эркин ва мустақил фикрлайдиган, ўзлигини англай оладиган, яъни ҳар хил зарарли, бузғунчи оқимларга қўшилиб кетавермайдиган бўлажак малакали мутахассисларни салоҳиятли, сиёсий онгли, ватанимиз манфаатларига содиқ қилиб тарбиялаш имконияти яратилади.

Учинчидан, глобаллашув шароитида миллий ва умуминсоний кадриятларни синчиклаб, мукамал ўрганиш, замонавий илм-фан, техника-технологиялар борасидаги ютуқларни илмий асосда ўрганиш ва таҳлил қилиш бўлажак ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассислар интеллектуал маданиятини кенгайтиришда мустаҳкам илмий асос бўлмоқда.

Тўртинчидан, давлат, жамият, муассаса, жамоа, оила ва инсонларнинг замонавий ҳаётий эҳтиёжларини қондириб бориш борасидаги янги моддий ва маънавий неъматларни, яъни шахс интеллектуал салоҳиятини мунтазам равишда ривожлантириб бориш глобаллашув шароитининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. *Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-том. – Т.: Ўзбекистон, 2018. 252-б.*

2. Мирзиёев Ш.М. *Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 176-б.*

3. Богоявленская Д.Б. Исследования творчества и одаренности в традициях процессуально-деятельностной парадигмы. // Основные современные концепции творчества и одаренности. – М., 1997. – 98 с.
4. Бостром Н. Искусственный интеллект. Этапы. Угрозы. Стратегии. – СПб.: Манн, Иванов и Фербер, 2016. С. 496.
5. Ибодуллаев З. Асаб ва руҳият. – Т.: ZAMIN NASHR, 2018. 116-б.
6. Келле В.Ж. Интеллектуальное и духовное начала в культуре. ИФ РАН, 2011. – 218 с.
7. Тарасов В.Б. От многоагентных систем к интеллектуальным организациям: философия, психология, информатика. – М.: Эдиториал УРСС, 2002. – 352 с.
8. Шермухамедова Н.А. Гносеология – билиш назарияси. – Т.: Ношир, 2011. 26-б.

УДК: 82-1/-9

**ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕРНЕТ ОАВ – МАДАНИЙ ЯНГИЛАНИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИНГ БОШ ОМИЛИ СИФАТИДА**

**ИНТЕРНЕТ МЕДИА УЗБЕКИСТАНА КАК ФАКТОР ПРОЦЕССОВ
КУЛЬТУРНОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ**

**UZBEKISTAN'S INTERNET MEDIA AS A FACTOR IN
CULTURAL TRANSFORMATION**

Аминова Дилноза Хикматилла қизи
ЎзДЖТУ докторанти (DcS)

Аннотация. Жамият ҳар қанча ривожланмасин, жамоатчилик билан алоқа қилишининг энг таъсирчан воситаси – матбуот, радио, телевидение ва Интернет бўлиб қолаверади. Уларнинг фаолият кўлами жуда кенг, лекин энг асосий вазифаси хабар ва маълумот етказиб туриш, бирор воқеа-ҳодисани ёритиб, одамларни дунёдаги янгиликлардан воқиф қилишидир. Назарий манбаларда қайд этилиши бўйича оммавий ахборот воситалари типологиясига кўра 5 та асосий турга эга. Булар: матбуот (газета, журнал, ахборотномалар ва бошқалар), радио, телевидение, ахборот агентликлари, шунингдек, Интернет сайтлари. Бугун кўпчиликнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келаётган, тўғривоғи, оммавий ахборотнинг ўзига хос воситаси сифатида намоён бўлаётган Интернет веб-сайтлари қолган турларга қараганда тезкорлиги ва имкониятлари кенглиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан қараганда, ушбу мақола 2016 йилдан кейинги даврда ўзбек Интернет ОАВда маданий янгилашни жараёнларининг ривожланиши тенденцияларини таҳлил қилишга бағишланган.

Таянч сўзлар: интернет ОАВ, журналист ва блогерлар, “xs.uz”, “kultura.uz”, “afisha.uz”, “daryo.uz”, “qalampir.uz”, “podrobno.uz” Интернет наирлари, мусиқа ва рақс, кино, мода, моддий, номоддий маданий мерос.

Аннотация. Как бы не развивалось общество, наиболее влиятельными средствами общения являются пресса, радио, телевидение и Интернет. Несмотря на то что, у каждой из них обширная деятельность, главной задачей заключается в предоставлении новостей и информации – помочь некоторым людям узнать, что происходит в мире. Согласно теоретическим источникам, существует 5 основных типов средств массовой информации в соответствии с типологией. К ним относятся: пресса (газеты, журналы, газеты и информационные бюллетени), радио, телевидение, информационные агентства и интернет-сайты. Сегодня Интернет-сайты как своеобразное средство массовой информации привлекают внимание общественности и являются более эффективными и быстрыми, чем большинство других. С этой точки зрения данная статья посвящена анализу тенденций развития процессов культурной трансформации в узбекских интернет-СМИ в период после 2016 года.

Ключевые слова: интернет-СМИ, журналисты и блогеры, Интернет издания “xs.uz”, “kultura.uz”, “afisha.uz”, “daryo.uz”, “qalampir.uz”, “podrobno.uz”, музыка и танцы, кино, мода, материальное, нематериальное культурное наследие.

Abstract. *No matter how society develops, the most influential means of communication are the press, radio, television and the Internet. Despite the fact that each of them has extensive activities, the main task is to provide news and information - to help some people find out what is happening in the world. According to theoretical sources, there are 5 main types of media in accordance with the typology. These include: the press (newspapers, magazines, newspapers and newsletters), radio, television, news agencies and websites. Today, Internet sites as a kind of mass media attract public attention and are more effective and faster than most others. From this point of view, this article is devoted to the analysis of development trends of cultural transformation processes in the Uzbek online media in the period after 2016.*

Key words: *internet media, journalists and bloggers, Internet publications “xs.uz”, “kultura.uz”, “afisha.uz”, “daryo.uz”, “qalampir.uz”, “podrobno.uz”, music and dance, film, fashion, material, nonmaterial cultural heritage.*

Кириш. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий янгиланиш жараёнларининг асосий воқеаларидан бири 2017 йилнинг 22 декабрида мамлакатимиз тарихида илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳисобланади. Мазкур Мурожаатномада маданият, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари соҳасига тааллуқли 12 та муҳим ҳужжат қабул қилинди. Хусусан, ОАВ масаласида мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев “Бугунги кунда юртимизда 1 минг 500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Улар мулк шакли, йўналиши, ахборот узатиш воситаларига кўра турличадир. Ўз-ўзидан равшанки, уларнинг барчасига юқори малакали кадрлар керак, деб алоҳида таъкидлаган [41].

2020 йилнинг 24 январида бўлиб ўтган Мурожаатномада эса “Ўтган уч йил мобайнида Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши ва ижод қилишлари учун ҳуқуқий асослар ва кенг имкониятлар яратилди. Бундан кейин ҳам “тўртинчи ҳокимият” вакиллариининг эркин ва холис фаолият юритишлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотларни халқимиз ва халқаро ҳамжамият учун очиқ-ойдин ёритишлари учун барча шарт-шароитларни яратамиз” [42], деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев.

Сўнгги уч йил мобайнида Интернет ОАВда жиддий ўзгаришлар кузатилди. Нафақат Интернет веб-сайтлари, балки матбуот, радио ва телевиденида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига доир ва айниқса, энг оғриқли масалалар танқидий репортажлар ва интервьюлар билан кўпайди. Журналистлар билан бирга блогерлар фаолияти анча оммалашиб, ҳозирда уларнинг сони ҳам кескин ошиши оқибатида муайян рақобат муҳити ҳам шаклланди. Аҳолига маҳаллий ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг тезкор хабарларини етказувчи “O‘zbekiston 24” ҳамда “Uzreport” каналлари жонли эфирда ахборот бера бошладилар.

Муаммо. Ҳозирги кунда бутун дунёда Интернет, хусусан, Интернет ОАВ нуфузи ортиб, катта аудиторияни қамраб олиши ҳамон давом этиб келаётир. Ҳақиқатан, уларнинг яна ҳам оммавий ва оммабоп бўлиши учун контент, дизайн, ранг, товуш, аудио ва видео материалларнинг бетақорлиги, инфографика воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда, журналистиканинг тезкорлик, холислик ва аниқлик тамойилларига амал қилган тақдирда эришиш мумкин. Ана шундай шароитда муайян халқнинг миллий маданиятига жиддий таъсир этаётган омиллар:

- “оммавий маданият”;
- миллий, маданий ва тарихий ўзликни англаш масаласидаги янгича ёндашувларни инобатга олиб, Интернет ОАВ ҳар бир халқнинг миллий маданияти ва миллий ўзлигини дунёга тараннум этишда уларни баргараф этиш ва ҳимоялаши талаб этилади. Зеро, глобаллашув шароитида халқларнинг миллий маданиятини йўқ қилишга уринишлар ҳамон кузатилмоқда. Шунга қарамай, дунёда халқларнинг миллий маданияти ва миллий ўзлигини сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Интернет журналистларидан С.Маҳсумов Интернет журналистика истикболлари [21], Д.Тожиалиев Ўзбекистонда Интернет журналистика [26], Л.Исламова Ўзбекистонда сўз эркинлиги [16], О.Саъдуллаева жаҳонда Интернет ОАВда сўз эркинлиги масаласи [25], И.Раҳматов жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни [24], Л.Жуманиязова ўзбек модаси ва модельерлари хусусида [13], Х.Аррабобоев миллий либослар коллекцияси [3], Ю.Ўрмонова ўзбек миллий каштачилиги ва Хоразм лазгиси [44], А.Абдураимовлар моддий маданий мерос [1] масалаларини тадқиқ этганликлари аниқланди.

Асосий қисм. Рақамлашув натижасида Интернет ўзининг кенг рақамли формат имкониятлари билан энг муҳим ва чексиз ахборот маконига айланди. Ҳозирги кунда интернет сайтлари, турли ижтимоий тармоқлар, расмий ва норасмий блоглар орқали барча турдаги ахборот шакллари: матн, овоз, тасвир, фото, инфографика, буларга қўшимча тарзда анимация – барчаси махсус дастурлар ёрдамида осонгина электрон форматга ўтказилмоқда, қисқа муддатда монтаж қилиниб, кенг аудитория эътиборига ҳавола этилмоқда. Мазкур рақамли форматдаги ахборот материаллари глобал тармоққа жойланиши билан бутун дунё аҳолиси уни қўриш имконига эга бўлади [9; б.114].

Ўзбекистонда интернет журналистикасининг жадал ривожланаётгани замон талаби бўлиб, бу юртимизда глобал тармоқ ҳам шиддат билан тараққий этиб бораётганидан далолатдир. 2010 йилда миллий доменда 10 минг веб-сайт рўйхатга олинган бўлса, 2014 йилда уларнинг сони икки баробар кўпайди. Провайдерларни техник жиҳозлашни босқичма-босқич модернизация қилиш, интернет трафикни кучайтириш ва ҳажмини ошириш инobatга олинган ҳолда, аҳолининг глобал тармоқдан фойдаланиш шароитлари сезиларли равишда такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тақдим қилган маълумотларга кўра, 2018 йил январь ойи ҳолатига кўра, Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилари сони 20 000 000 кишидан ошган. Бу ўтган йилгига нисбатан 5,3 млн.га кўп бўлиб, Ўзбекистон умумий аҳолисининг 63 %и глобал тармоқ фойдаланувчисига айланган. Уларнинг аксарияти интернетдан мобил телефонлари орқали фойдаланадилар. Ўзбекистондаги мобил телефон абонентлари сони эса 22 800 000 кишидан ошган. Таққослаш учун: мамлакатимизда интернет фойдаланувчилари сони 2000 йили 7500, 2005 йили 675 000, 2010 йили 6 500 000, 2015 йили 10 200 000 кишини ташкил этган. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг маълумотларига кўра, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон ахборот бозорида оммавий ахборот воситаларида 630 дан зиёд Интернет сайтлар рўйхатдан ўтган бўлиб, бу рақам жуда тез ўсишда давом этмоқда [2].

Бизнингча, Ўзбекистон Интернет журналистика маълум тараққиёт босқичларини босиб ўтиб, бугунга кунда катта аудиторияни қамраб олишга улгурди. Ўзбек сегментидаги сайтлар сонининг кескин ошиши глобал тармоқ фойдаланувчиларининг эҳтиёжи ортиши, дунёда кечаётган воқеа-ҳодисалар борасида тезкор ахборот олишини тақозо қилди. Бу, ўз навбатида, фуқаролик жамияти ва эркин бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир Интернет ОАВ ўз аудиториясини сақлаб қолиши учун долзарб вазифалар билан бирга, шиддатли рақобат муҳида қатъий позицияни сақлаб қолиш заруратини талаб этади.

Юқорида келтирилган рақамларнинг йилдан-йилга ўсиб боришида, ҳеч шубҳасиз, онлайн ахборот каналларининг ҳам ўрни жуда катта. Масалан, Ўзбекистондаги энг катта ахборот каналлари: “Daryo.uz” ҳамда “Kun.uz”. Уларни ижтимоий тармоқда кузатиб борувчи кишилар 1 000 000 дан ошади. Бир кунда ушбу сайтларда 90-110 тагача материал жойлаштирилади. Охириги маълумотларга қараганда, “xabar.uz” қисқа вақт оралиғида Ўзбекистондаги онлайн ахборот каналлари ўнталигидан 6-ўринга кўтарилди [37]. Бундан ташқари “qalampir.uz”, “gazeta.uz”, “podrobno.uz”, “uznews.uz”, “sof.uz”. “nuz.uz”, “uza.uz” каби ахборот каналлари анча етакчилик қилиб, кўплаб юзерлар томонидан ижобий деб баҳоланмоқда.

Ушбу ахборот каналлари ўзининг контенти жиҳатидан бироз фарқлинишига қарамай, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларига оид маълумотларни тақдим қилишда айрим ўхшашликларга эга.

Мазкур онлайн ахборот каналлари, хусусан, “**xs.uz**” онлайн нашри фаолиятида маданият, миллий маданият масаласи бугун қандай акс этаётганини қуйидаги таҳлилларда ўз аксини топган. Веб-сайтларнинг таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, бевосита ихтисослашган “**kultura.uz**” сайти “Панорама”, “Вернисаж”, “Театр”, “Кинопром”, “Муסיқа”, “Адабиёт” рукнлари орқали рус ва инглиз тилларида таҳлилий ва хабар жанридаги маълумотларни тақдим этади. “**Afisha.uz**” сайти эса Ўзбекистон миллий маданиятини тараннум этувчи “Кино”, “Театр”, “Медиа”, “Мода” рукнлари орқали ахборотларни бериб боради. Энг тезкор ва оммавий ахборот каналлари “**kun.uz**” ва “**gazeta.uz**” да алоҳида маданият рукни мавжуд эмаслиги аниқланди. “**Dayro.uz**” “Маданият”, “**qalampir.uz**” “Маданият-санъат”, “**Podrobno.uz**” веб-сайтида “Култура” рукни бўлиб, ҳар учта веб-сайт Ўзбекистон ва хориж киноси, санъат, муסיқа, мода янгилиги, маданият ҳафталиклари, турли маданият форумлари, маданият арбоблари ҳамда маҳаллий ва хориж санъаткорлар ҳаёти ва ижодининг сўнгги янгиликларини хабар жанри орқали мунтазам тақдим этиб боради.

Масалан, “**daryo.uz**”нинг энг сўнгги кино оламидаги янгиликлар 2019 йилнинг 29 декабрида “Ўтган кунлар” фильмининг тўлиқ версияси бугун 10 та миллий телеканал орқали намойиш этилади” [39] деган хабар бўлса, “**qalampir.uz**” кино оламининг энг сара янгиликлари сифатида 2019 йилнинг 6 ноябрида “Жерар Депардьё яна Ўзбекистонга келди” [12], “Тошкентда тарихий кинофильмлар намойиши бўлиб ўтади” (30.10.2019), “Имом Абу Мусо Муҳаммад Термизий фильми премьераси бўлиб ўтади” (21.04.2019) каби хабарлари билан юзерларга маълумот етказган. “**Podrobno.uz**” эса “Анападаги “Киношок” фестивалида ўзбекистонлик фильм ғолиб бўлди” (9.09.2019), “Ўзбек фильмлари биринчи мартаба Осиё халқаро кинофестивалининг совринларига сазовор бўлди” [30] сингари батафсил хабарлар ўзбек киносаноати эришаётган ютуқлари ҳамда унинг дунёдаги мавқеини белгилашга хизмат қилади.

“**Kultura.uz**”нинг “*Кинопром*” рукни ўзбек кино оламидаги энг сўнгги янгиликлари, кинофестиваллар ҳисоботи, киноиндустриядаги тақдирлаш маросимларини ўз ичига олади. Масалан, 2020 йилнинг 4 январиди “Лондонда иккинчи Евросиё кинофестивали” [5] ҳақида баён этилган. Унда Евросиё Гильдияси жорий йилнинг 24 майидан 30 майигача Лондонда Британиянинг Ромфорд кинофестивалида бўлиб ўтадиган II Халқаро Евросиё фильм фестивали ўз фаолияти бошлашини хабар қилади. Шунингдек, шу йилнинг 29 январь санасида “Широқ ҳақидаги телесериал ва Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақида бадиий фильм суратга олинади” хабари келтирилади. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ўзбек халқининг тарихий сиймоларига бағишланган фильмлар аҳамонийларга қарши курашган чўпон Широқ ҳақидаги сериали ҳамда жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаларидан бири, ёзувчи ва драматург Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақида бадиий фильм яратишдан иборат. Сабаби бу йил Ўзбекистонда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллиги кенг нишонланади [8].

Муסיқа ва *рақс* йўналиши бўйича “**qalampir.uz**”нинг 2019 йил 13 ноябрида келтирилган хабарига кўра, Қорақалпоғистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист “Женисбек Пиязов “La Scala” сахнасида куйлаган илк ўзбек бўлди”, деб келтирилади. Хонанда Италиянинг Пезаро шаҳрида 2019 йилнинг октябрь ойида бошланган бастакор Россини (1792-1868) фестивалида иштирок этган ва фестиваль ғолиби сифатида “La Scala” театри сахнасида куйлаш ҳуқуқини қўлга киритган илк опера артисти. Ж.Пиязов “La Scala” сахнасида куйлаш учун 600 номзод ичидан танлаб олинган тўрт хофиздан бири бўлгани алоҳида урғуланмоқда. Эътиборлиси шундаки, Пиязов Россини уй-музейи балқонидан туриб ариялар ижро этган илк ўзбекистонлик сифатида ҳам тарихга кирди [10].

Жорий йилнинг 24 январиди “**kultura.uz**” “Испанияда ўзбек пианиночиси Бехзод Абдураимовнинг концертлари бўлиб ўтади”, деб хабар қилади. Муסיқашунос таниқли

SAN'ATSHUNOSLIK

Лондон симфоник оркестри, Мюнхен ва Лос Анжелес филармонияси, NHK симфоник оркестри ва бошқа дунёнинг етакчи оркестрлари билан концертлар беради. Унинг концертлари Европа, Осиё ва Америкада тўла залларни тўпламоқда [7].

“Daryo.uz” веб-сайти эса “Тошкентда Dance Music Fest 2019 Winter электрон фестивали бўлиб ўтди” сингари хабарни тақдим этган. “Podrobno.uz” ахборот канали 2019 йилнинг 13 декабрида “Хоразмнинг “Лазги” рақси инсониятнинг номоддий маданий мероси вакиллик рўйхатига киритилди”, деб хабар қилади. Бу ҳақда “xs.uz” онлайн нашри ЮНЕСКОнинг Номоддий меросни асраш ҳукуматлараро қўмитаси “Лазги”нинг инсоният номоддий мероси Репрезентатив рўйхатига киритилишини овоз бермасдан, кенг консенсус асосида маъқуллагани ҳақида тўхталади. “Лазги” рақси бу рўйхатга номзод сифатида 2017 йили Ўзбекистондан Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди тарафидан тақдим қилинган эди. Шу пайтгача “Бойсун маданий муҳити”, “Наврўз байрами”, “Шашмақом”, “Катта ашула”, “Аския ижрочилиги”, “Палов ва ош билан боғлиқ анъана ва қадриятлар” каби қадриятлар ЮНЕСКО Жаҳон номоддий мероси репрезентатив рўйхатига киритилган [18].

Шунингдек, “Ўзбекистоннинг “Мақом” фольклор ансамбли Жаҳон фольклор чемпионатининг Гран-приси сазовор бўлди” (05.09.2018), “Шош наволари” ашула ва рақс ансамбли “Фолклор” номинациясида Les Etoiles de Paris 2018 (“Париж юлдузлари”) халқаро фолклор танлови рақс ва мусиқа фестивалининг ғолиби бўлди (16.05.2018), “Нью-Йоркда бўлиб ўтган фестивалда ўзбек шошмақоми тақдим этилди” [31] деган хабарлар ўзбек мақом ва шошмақомини дунё бўйлаб катта нуфузга эга бўлаётганидан далолат беради.

Халқимизнинг миллий ўзлигини, қадимий тарихи ва тилини, унинг ҳаёт тарзи, анъана ва урф-одатларини ўзида мужассам этадиган, умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида тан олинган бахшичилик санъати атоқли бахши-шоирларимиз, фольклоршунос олимларимизнинг фидойи меҳнати, ижодий тафаккури билан асрлардан-асрларга ўтиб келмоқда. Ушбу ноёб санъатни асраб-авайлаш ва ривожлантириш бўйича мамлакатимизда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада юртимизда “Алпомиш” достонининг минг йиллиги кенг нишонлангани, Термиз шаҳрида бу улуғ бадиий обида шарафига Самарқанд шаҳрида атоқли бахшиларимиз хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуалари бунёд этилгани, давлатимиз томонидан “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони таъсис қилинганини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда Термиз шаҳрида бахшичилик мактаби, республикаimizдаги болалар мусиқа ва санъат мактабларида фольклор синфлари фаолият кўрсатмоқда. Юртимизда кўп томлик “Қорақалпоқ фольклори” тўпламлари чоп этилди, 100 томлик “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” мажмуаси нашр этилмоқда. Бахши-шоирлар томонидан ижро этилаётган асарларни ёзиб олиш, уларни илмий ўрганиш ишлари давом этмоқда. Яқинда Термиз шаҳрида илк бор ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали халқаро миқёсдаги йирик маданий ходиса сифатида кенг эътироф этилгани алоҳида эътиборга лойиқ. Халқимиз маданиятининг ҳаётбахш сарчашмаси бўлган бахшичилик санъатини янада ривожлантириш, унинг миллий маданиятимиз ва санъатимиздаги ўрни ва аҳамиятини юксалтириш, ёш авлодни миллий ўзликни англаш, Ватанга садоқат, тарихий меросга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида 2019 йилнинг 14 майида Ўзбекистон Республикасининг Президенти қарори қабул қилинади [4].

“Podrobno.uz” веб-сайтида модага оид кўплаб қизиқарли маълумотлар ҳам ўрин олган. Масалан, 2018 йилнинг 7 октябрида “podrobno.uz” “Икат яна дунё подиумларини забт этмоқда: Oskar de la Rentанинг янги тўплами шарқона нақшларда яратилган”, деб хабар қилади. Янги тўпламнинг ажралиб турадиган жиҳатларидан бири шарқона нақшлар ва албатта, ҳаммамиз яхши кўрадиган икатдир. Икат фақат қўл билан бажариладиган энг мураккаб тўқиш техникаси бўлиб, ипларни муайян рангларга бўяшда қўлланилади [15].

2019 йилнинг 30 майида “Малайзиянинг Frankitas модалар уйи хон атлас ва адрасдан тайёрланган сумкалар ва аксессуарларнинг тўпламини тақдим этди” келтирилган хабарида малайзиялик дизайнер, Frankitas компаниясининг асосчиси Франки Тёрнер ўзбек хон атласи ва адраси моданинг асосий йўналишларидан бири ва мода (фешн) индустриясининг

“келажаги” эканлигини алоҳида таъкидлайди. Frankitas, асосан, ўз коллекциясида ўзбек матоларидан кенг фойдаланади. Чунки у нафақат нақшинкор безаклар, ёрқин ва табиий рангларга эга, балки ўзбек хунармандлари ушбу материални тўқишнинг ўзига хос услуби ва қадимий анъаналарни сақлаб қолганликлари билан ажралиб туради [20].

Шунингдек, “**podrobno.uz**” 2020 йилнинг 4 январиди “Дизайнер Дилноза Умирзоқова ўзбек модаси, кишининг асосий трендлари, чопонга муҳаббат ва каштадўзлик ҳақида” хабар келтирилади. Бугунги кунда мода истисносиз тарзда ўз ҳукмини ўтказмоқда. Буни ёрқин комбинациялар, монокромлик, ғайриоддий тўқималар ҳамда қизиқарли аксессуарлар мисолида кўриш мумкин. Ҳатто тенденцияларга эътибор бермайдиганлар ҳам унга билвосита амал қилиб келмоқдалар. Ёш дизайнерлар кенгашининг раиси Д.Умирзоқова мода дунёсида ўзига хос мавқега эга бўлиб, анор брендини дунё бўйлаб тараннум этишга муваффақ бўлди. Мазкур хабар дизайнернинг ўзбек модаси ҳақидаги энг сара янгиликлари, ўзининг кийиниш услуби, харидорлари, жаҳон модасига қўйган илк қадами – Милан мода ҳафталигидаги иштироки, каштадўзликни сақлаш ва ривожлантириш бўйича лойиҳани амалга ошириш, анча урфга айланаётган экологик мода ва ҳозирда таниқли бўлган ўзбек дизайнерлари ҳақидаги турли расмларни ўз ичига олган батафсил маълумотларни тақдим этади [13].

“**Xs.uz**” онлайн нашри 2019 йилнинг 12 сентябрида “Халқаро фестивалда “Боғи Бобур” ва “Шарқ марвариди” либослар коллекцияси намойиш этилди” деб хабар қилади. Қўқон халқаро хунармандчилик фестивали доирасида хорижий ва Ўзбекистонлик дизайнерлар томонидан яратилган либослар бўйича модалар намойиши бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистонлик дизайнер Асиф Шейх яратган “Боғи Бобур” либослар коллекцияси, Қозоғистонлик Айдархон Калиев яратган оқ ҳарир либослар тўплами, Малайзиялик Эдвин Он соч турмаклари ҳамда Ўзбекистонлик М.Хушназарова, М.Турсунхўжаева, М.Марупова, М.Солиева, М.Тоҳирова яратган “Банорас” болалар либослари, Моҳина Омонова яратган Беқасам тўплами, Тошкентлик О.Исоқова яратган “Шарқ марвариди” коллекциялари ва замонавий либослар тўплamlари ҳамма ташриф буюрган меҳмонларда ёрқин таассурот қолдирди [2].

Сўнги пайтда мамлакатимизда қадимий ва бой тарихимиз, миллий ўзлимиз, бетакрор қадрият ва анъаналаримиз тимсоли бўлган халқ амалий санъатини ривожлантириш, хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу йўналишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва шу асосда Ўзбекистоннинг бу соҳадаги улкан салоҳият ва имкониятларини дунёга намойиш этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

“**Xs.uz**” онлайн нашри хабарига кўра ҳозирги вақтда хунармандчилик санъати халқимиз кундалик ҳаётдан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Мамлакатимизда ҳар йили мазкур йўналишда юздан зиёд фестиваль ва ярмаркалар, савдо кўرғазмалари ва бошқа тадбирлар ўтказилаётгани ҳам шундан далолат беради. Шаҳрисабзда мақом, Термизда бахшичилик санъатига бағишланган халқаро фестиваллар, Бухоро шаҳрида “Ипак ва зираворлар”, Марғилонда “Атлас байрами” анжуманлари ўтказиб келинаётгани, уларда дунёнинг кўплаб давлатларидан маданият ва санъат намояндалари, бу йўналишда ўзининг илмий ишлари, амалий фаолияти билан танилган олимлар ва мутахассислар иштирок этаётгани диққатга сазовордир. Шунингдек, онлайн нашр 2019 йилнинг 10-15 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида ЮНЕСКО шафелигида биринчи Халқаро хунармандчилик фестивали ўтказилгани, Жаҳон хунармандлар ташкилоти томонидан ушбу шаҳарга “Жаҳон хунармандлари шаҳри” мақоми берилгани ўзбек халқ амалий санъатининг халқаро миқёсдаги юксак эътирофи бўлди [33], деб хабар қилади. “Podrobno.uz” веб-сайти хунарманд шаҳарларнинг дунёвий рўйхати 2014 йилдан бери мавжуд. Ҳозирда унга дунёнинг 30 та шаҳри киритилган. 2019 йилнинг мартда Ўзбекистоннинг “Хунарманд” уюшмаси Бутунжаҳон хунармандлар кенгашига қабул қилинди [17], деб қайд этади.

“Xs.uz” онлайн нашридан фарқли равишда “**podrobno.uz**” мазкур халқаро хунармандчилик фестивали юзасидан “Фестивалнинг барча ранглари. Қўқонда биринчи халқаро амалий санъат фестивали бошланди. Фоторепортаж” [6] тайёрлаган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда моддий, номоддий маданий меросни ўрганиш масаласига катта эътибор бериб келинмоқда. Бунинг амалий ифодаси сифатида “**qalampir.uz**” веб-сайти жорий йилнинг 9 январида “Луврда Ўзбекистон маданий мерослари кўргазмаси ташкил этилади” номли хабарида 2021 йилда Франция пойтахти Париж шаҳрида жойлашган Лувр музейида Ўзбекистон маданий меросларига бағишланган кўргазма ташкил этилади, деган хабарни келтириш жоиз. Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги собиқ директори ўринбосари С.Мирзиёева мазкур музей ташрифи мобайнида қуйидагиларни баён қилди: “Бугун Луврга ташрифимиз чоғида музей директори жаноб Жан-Люк Мартинес билан учрашдик ва ушбу кўргазманинг ташкилий масалаларини муҳокама қилдик. Кўргазма учун музейнинг вақтинчалик экспозиция залларида 310 та экспонатлар учун жой ажратилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, 2021 йилнинг октябрь ойидан 2022 йилнинг февралигача давом этадиган кўргазмада Ўзбекистоннинг бутун дунёга сочилган энг нодир санъат намуналари ва маданий бойликлари биринчи бор яхлит ҳолатда намоиш этилади” [19].

“**Xs.uz**” онлайн нашри миллий матбуот марказида “Умрбоқий мерос” Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот маркази тақдиротига бағишланган матбуот анжумани ўтказилган. Тадбирда ўзбек миллий санъати ва маданиятини, урф-одатлар ва миллий кадриятларини кенг тарғиб қилиш, Ўзбекистон номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш, сақлаш, амалий ва тасвирий санъатни, халқ оғзаки ижоди, этнография, санъатшунослик, ўзбек миллий мусиқа ва мақом санъатини ривожлантириш каби вазифалар Марказнинг асосий мақсади эканлиги эътироф этилди. Анжуманда ўзбек миллий каштачилиги ҳамда Хоразм лазгиси ЮНЕСКОнинг “Инсониятнинг номоддий маданий мероси” Репрезентатив рўйхатига киритилиши кутилаётгани ҳақида таъкидлаб ўтилди [43], деб хабар қилади.

Шунингдек, “**qalampir.uz**” веб-сайти ҳам моддий, номоддий, маданий ва тарихий мерос юзасидан 2019 йилнинг 17 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Маданият вазирлиги хузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси хузуридаги Маданий мерос объектлари ва санъат ашёларини реставрация қилиш илмий-тадқиқот маркази устави тасдиқланди. Бу ҳақда Адлия вазирлигининг “Хуқуқий ахборот” каналида маълум қилинди. Марказнинг асосий вазифаси маданий мерос объектларини консервация, реставрация қилиш ва асраш бўйича илмий тадқиқотлар ва ишларни амалга ошириш ҳисобланади. Шунингдек, Марказ маданий мерос ашёлари билан лойиҳа, реставрация, таъмирлаш ишлари ва бошқа ишлар устидан назорат қилади ва техник текширишни амалга оширади. деб хабардор қилади. 2019 йилнинг 9 октябрь куни эса веб-сайт “Моддий маданий мерос объектлари рўйхати тасдиқланди”, деб маълумот беради. Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати тасдиқланган. Қарорга мувофиқ, республика бўйича жами 8 минг 208 та моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари мавжуд бўлиб, шундан 4 минг 748 таси археология ёдгорликлари 2 минг 250 таси архитектура ёдгорликлари, 678 таси монументал санъат ёдгорликлари, 532 таси диққатга сазовор жойлардир [1], деб баён этилган.

2019 йил 13 декабрь санасида “**daryo.uz**” “Ўзбекистон БААдаги маданий мерос фестивалида ўз миллий стенди билан қатнашмоқда”, деб хабардор қилади. Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида 29 ноябрь, жума куни Шайх Заид маданий-тарихий мероси фестивали ўз ишини бошлади. Фестивалда Ўзбекистон ўз стенди билан иштирок этмоқда. Ўзбекистон 26 та давлат билан бир қаторда иккинчи йил ўз миллий павильони билан қатнашмоқда ва фестивалдаги энг ёрқин тўрт майдондан бирига айланмоқда. Халқаро фестиваль иштирокчилари паради Ўзбекистон павильонидан бошланади. Маълум қилинишича, фестиваль майдони ҳар бир амирликнинг махсус тарихий обидалари ва диққатга сазовор жойларининг макетлари кўргазмасини ўзида жамлаган. Фестиваль Шайх Зайд бин Султон Ал-Наҳаённинг БАА мероси, хусусан, жаҳон цивилизациясининг

умуминсоний меросини асрашга бўлган саъй-ҳаракатларини акс эттиради, деб айтилади хабарда.

Шунингдек, веб-сайтнинг Ўзбекистон тарихий мероси юзасидан “Ўзбекистон маданий-тарихий мерос бўйича энг яхши туризм йўналиши сифатида эътироф этилди” (19.11.2019) номли хабарини ҳам келтириш мумкин. Унда Ўзбекистон Ҳиндистонда бўлиб ўтган India's Best Awards – 2019 туризм тадбирининг “Маданий-тарихий мерос бўйича энг яхши туристик йўналиш” номинациясида ғолиб бўлди. “Travel+Leisure” журнали АҚШ, Австралия, Хитой, Европа ва Жанубий-шарқий Осиё, шунингдек, кўплаб бошқа давлатларда чоп этилади. Тадбир доирасида мазкур журнал муҳаррири Айндири Митра 2020 йилда Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятига бағишланган махсус лойиҳаларни амалга оширмакчи эканини маълум қилди [38].

Яна бир шунга ўхшаш хабар “**daryo.uz**”нинг 2019 йил 25 ноябрида “Ўзбекистон Осиёдаги энг бой тарихий меросга эга мамлакат деб тан олинди” (25.11.2019) деган хабаридир. Research House of Asia Media Малайзиянинг йирик нашриёт уйларида бири бўлиб, Top 10 Asia журналининг электрон версияси 1 миллиондан ортиқ обуначига эга. Ушбу машҳур нашр саҳифаларида Ўзбекистоннинг маданий, тарихий ва меъморий мероси, шунингдек, сайёҳлик салоҳияти тўғрисидаги мақолалар бир неча бор нашр этилган. Тақдирот маросимида Ўзбекистонда UNESCO Бутунжаҳон меросига киритилган 5 та объект мавжудлиги, шунингдек, мамлакат Ўзбекистон миллий ўзига хослигини, ислом маданияти ва меъморчилигининг кўплаб ёдгорликларини сақлаб қолишга эришгани таъкидланган [39].

Хулоса. Биринчидан, бугун кўпчиликнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келаётган, тўғрироғи, оммавий ахборотнинг ўзига хос воситаси сифатида намоён бўлаётган Интернет ОАВ қолган турларга қараганда тезкорлиги ва имкониятлари кенглиги билан ажралиб туради.

Иккинчидан, Ўзбекистонда 2017 йилдан бошлаб мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ёритишда Интернет ОАВнинг ўрни ва роли анча фаоллашди.

Учинчидан, ушбу соҳани ривожлантиришнинг мониторинги янги ташкил этилган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги негизида Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистонда Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди зиммасига юклатилди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Интернет ОАВ жадал ривожланиш тенденцияси кузатилди. Охириги 10 йилда 10 000 дан ортиқ Интернет ОАВ фаолият юритган бўлиб, ҳар тўрт йилда улар 2,5 баробар ошганлиги аниқланди. 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон ахборот бозорида 630 дан зиёд Интернет ОАВ рўйхатдан ўтган ва уларнинг сони кун сайин ошмоқда.

Бешинчидан, таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, бевосита ихтисослашган “kultura.uz” ва “Afisha.uz” сайтлари мамлакатнинг маданий ҳаётига оид бўлган барча янгиликларни рус ва инглиз тилларида таҳлилий ва хабар жанрида тақдим этади. Таниқли ва оммавий Интернет нашрлари – “daryo.uz”, “qalampir.uz”, “podrobno.uz” ва “anhor.uz” маҳаллий ва жаҳон маданият янгиликлари ва хабарларини “Маданият” рўқали кенг омма диққатига ҳавола этади. “Xs.uz” онлайн нашри улардан фарқли равишда давомли, таҳлилий маълумотларни батафсил тақдим қилади.

Олтинчидан, илмий таҳлилга тортилган веб-сайтлар маданият олами (кино, санъат, мусиқа, мода, фестиваллар)даги хабарларнинг умумий тавсифидан чекланиб, муайян йўналишларда таҳлилий ва танқидий материаллар билан бойитилса, мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. <https://qalampir.uz/news/moddiy-madaniy-meros-ob-yektlari-ruykhati-tasdik-landi-9455>
Абдураимов А. Моддий маданий мерос объектлари рўйхати тасдиқланди. – 09.10.2019
2. <http://fkr.uz/blog/jahon-tillari-universiteti/otechestvennaya-internet-zhurnalistika-sostoyanie-problemyaperspektivy.html> Алимова Г. Отечественная интернет-журналистика: состояние, проблемы, перспективы.

3. <http://www.xs.uz/uzkr/post/khalqaro-festivalda-bogi-bobur-va-sharq-marvaridi-liboslar-kolleksiyasi-namojish-etildi> Араббоев Х. Халқаро фестивалда “Боги Бобур” ва “ Шарқ марвариди” либослар коллекцияси намоиши этилди. – 12.09.2019.
4. <http://www.xs.uz/uzkr/post/null> Бахиичилик санъатини янада ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. –14.05.2019.
5. https://www.kultura.uz/view_5_r_14492.html Второй евразийский кинофестиваль в Лондоне
6. <https://podrobno.uz/cat/calche/vse-kraski-festivalya-v-kokande-startoval-pervyy-mezhdunarodnyy-festival-narodno-prikladnogo-iskusstva> Все краски фестиваля. В Коканде стартовал первый Международный фестиваль народно-прикладного искусства. Фоторепортаж. – 15.09.2019.
7. http://kultura.uz/view_6_r_14566.html В Испании проходят концерты узбекского пианиста Бехзода Абдураимова
8. https://www.kultura.uz/view_5_r_14584.html В Узбекистане снимут телесериал о Шираке и художественный фильм о Махмудходже Бехбуди
9. Дадахонов А. Онлайн журналистика тараққиётининг асосий тенденциялари // Ўзбекистонда хорижий тиллар илмий-методик электрон журнали. Журналистика. –2016. –№ 2 (10). –Б.114–118.
10. <https://qalampir.uz/news/zhenisbek-piyazov-tarixiy-la-scala-sa%D2%B3nasida-kuylagan-ilk-uzbek-buldi-10679> Женисбек Пиязов “La Scala” саҳнасида куйлаган ilk ўзбек бўлди. – 13.11.2019.
11. <https://qalampir.uz/news/zherar-depard-ye-yana-uzbekistonga-keldi-10450> Жерар Денардьё яна Ўзбекистонга келди. – 06.11.2019.
12. <https://podrobno.uz/cat/calche/dizayner-dilnoza-umirzokova-ob-uzbekskoy-mode-glavnykh-trendakh-zimy-lyubvi-k-chapanam-i-ruchnoy-vyshivke> Жманиязова Л. Дизайнер Дилноза Умирзокова об узбекской моде, главных трендах зимы, любви к чапанам и ручной вышивке. – 04.01.2020.
13. <https://podrobno.uz/cat/calche/ikat-vnov-pokoryaet-mirovy> Икат вновь покоряет мировые подиумы: новая коллекция Oskar de la Renta выполнена в восточных мотивах. – 07.10.2018.
14. <https://www.ahor.uz/uz/events/19817> Исламова Л. Орқага йўл йўқ. Ўзбекистонда сўз эркинлиги ҳақида. –13.10.2019.
15. <https://podrobno.uz/cat/calche/kokand-vklyuchen-vo-vsemirnyy-spisok-gorodov-remeslennikov>. –11.08.2019.
16. <http://www.xs.uz/uzkr/post/lazgi-insoniyat-nomoddiy-merosining-reprezentativ-rojkatiga-kiritildi> “Лазги” Инсоният номоддий меросининг репрезентатив рўйхатига киритилди. –13.12.2019.
17. <https://qalampir.uz/news/luvrda-uzbekiston-madaniy-meroslari-kurgazmasi-tashkil-etiladi-12716> Луврда Ўзбекистон маданий мерослари кўргазмаси ташкил этилади. – 09.01.2020.
18. <https://podrobno.uz/cat/calche/malaziyский-modnyy-dom-frankitas-predstavil-kolleksiyu> Малайзийский модный дом Frankitas представил коллекцию сумок и аксессуаров из иката. – 30.05.2019.
19. <http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/1751> Маҳсумов С. ОАВ ва интернет журналистика истиқболлари. –11.07.2014.
20. <http://www.xs.uz/uzkr/post/zahon-tsilivizatsiyasida-bakhshichilik-sanatining-orni-mavzuida-khalqaro-ilmij-amalij-konferentsiya-ish-boshladi> Раҳматов И. “Жаҳон цивилизациясида бахиичилик санъатининг ўрни” мавзuida халқаро илмий-амалий конференция иш бошлади. – 06.04.2019.
21. <https://gulum.uz/jahon/zha-onda-internet-omnavij-ahborot-vositalarida-s-z-erkinligi-darazhasi-pasajmo-da> Саъдуллаева О. Жаҳонда интернет оммавий ахборот воситаларида сўз эркинлиги пасаймоқда. – 15.05.2019.
22. <http://davronbek.ziyouz.com/?p=2086> Тожиалиев Д. Ўзбекистонда интернет журналистика. – 21.02.2018.
23. <https://podrobno.uz/cat/calche/uzbekskie-filmy-vpervye-zavoevali-nagrody-prestizhnogo-aziatskogo-mezhdunarodnogo-kinofestivalya/> Узбекские фильмы впервые завоевали награды престижного Азиатского международного кинофестиваля. – 01.12.2019.
24. <https://podrobno.uz/cat/calche/uchastniki-muzykalnogo-festivalya-v/> Узбекский шашиаком представлен на фестивале в Нью-Йорке. – 08.02.2018.
25. <http://www.xs.uz/uzkr/post/khalqaro-hunarmandchilik-festivalini-otkazib-borishga-oid-chora-tadbirlar-togrisida> Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиб боришга оид чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. – 04.10.2019.
26. <http://21asr.uz/post/ozbekistonda-internet-foydalanuvchilari-soni-20-000-000-ga-yetdi> Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилари сони 20 000 000 етди. – 13.02.2018.

SAN'ATSHUNOSLIK

27. <https://daryo.uz/k/2019/11/19/ozbekiston-madaniy-tarixiy-meros-boyicha-eng-yaxshi-turistik-yonalish-sifatida-etirof-etildi/> Ўзбекистон маданий-тарихий мерос бўйича энг яхши туристик йўналиш сифатида эътироф этилди
28. <https://daryo.uz/k/2019/11/25/ozbekiston-osiyodagi-eng-boy-tarixiy-merosga-ega-mamlakat-deb-tan-olindi/> Ўзбекистон Осиёдаги энг бой тарихий меросга эга мамлакат деб тан олинди. – 25.11.2019.
29. www.daryo.uz “Ўтган кунлар” фильмнинг тўлиқ версияси бугун 10 та миллий телеканал орқали намойиш этилади. – 29.12.2019.
30. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-22-12-2017> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси
31. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси
32. <http://www.xs.uz/uzkr/post/ozbek-millij-kashtachiligi-va-khorazm-lazgisi-yuneskning-insoniyatning-nomoddiy-madaniy-merosi-rojihatiga-kiritiladi> Ўрмонова Ю. Ўзбек миллий қаштачилиги ва Хоразм лазгиси ЮНЕСКОнинг “Инсониятнинг номоддий маданий мероси” рўйхатида киритилади. – 21.05.2019.
33. <http://www.xs.uz/uzkr/post/ozbek-millij-kashtachiligi-va-khorazm-lazgisi-yuneskning-insoniyatning-nomoddiy-madaniy-merosi-rojihatiga-kiritiladi> Ўрмонова Ю. Ўзбек миллий қаштачилиги ва Хоразм лазгиси ЮНЕСКОнинг “Инсониятнинг номоддий маданий мероси” рўйхатида киритилади. – 21.05.2019.